

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН
АКАДЕМИЯСИ
АХБОРОТНОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт, филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

2021-1

**Вестник Хорезмской академии Маъмуна
Издается с 2006 года**

Бош муҳаррир:

Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Ҳасанов Шодлик Бекпўлатович, к.ф.н., к.и.х.

Тахрир хайати:

Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.

Абдуллаев Баҳром Исмоилович, ф-м.ф.д.

Абдуллаев Равшан Бабажонови, тиб.ф.д., проф.

Абдуҳалимов Баҳром Абдурахимович, т.ф.д., проф.

Аимбетов Нагмет Каллиевич, и.ф.д., акад.

Бабаджанов Хушнот, ф.ф.н., проф.

Давлетов Санжар Ражабович, тар.ф.д.

Дурдиева Гавҳар Салаевна, арх.ф.д.

Дўсчанов Бахтиёр, тиб.ф.д., проф.

Ибрагимов Бахтиёр Тўлаганович, к.ф.д., акад.

Жуманиёзов Зоҳид Отабоевич, ф.ф.н., доц.

Ламерс Жон, қ/х.ф.д., проф.

Майкл С. Энжел, б.ф.д., проф.

Мирзаев Сирожиддин Зайниевич, ф-м.ф.д., проф.

Рахимов Раҳим Атажанович, т.ф.д., проф.

Рўзибоев Рашид Юсупович, тиб.ф.д., проф.

Рўзимбоев Сапарбой, ф.ф.д., проф.

Рўзметов Бахтияр, и.ф.д., проф.

Садуллаев Азимбой, ф-м.ф.д., акад.

Салаев Санъатбек Комилович, и.ф.д., проф.

Сирожов Ойбек Очилович, с.ф.д., проф.

Сотипов Гойипназар, қ/х.ф.д., проф.

Тожибаев Комилжон Шаробитдинович, б.ф.д., академик

Холматов Бахтиёр Рустамович, б.ф.д.

Чўпонов Отаназар Отожонови, ф.ф.д., доц.

Шакарбоев Эркин Бердикулович, б.ф.д., проф.

Эрматова Жамила Исмаиловна, ф.ф.н., доц.

Эшчанов Рузумбой Абдуллаевич, б.ф.д., доц.

Ўразбоев Ғайрат Ўразалиевич, ф-м.ф.д.

Ўрозбоев Абдулла Дурдиевич, ф.ф.д.

Ҳажиева Мақсуда Султоновна, фал.ф.д.

Ҳасанов Шодлик Бекпўлатович, к.ф.н., к.и.х.

Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси: илмий журнал.-№1 (70), Хоразм Маъмун академияси, 2021 й. – 304 б. – Босма нашрнинг электрон варианты - <http://mamun.uz/uz/page/56>

ISSN 2091-573 X

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси минтақавий бўлими – Хоразм Маъмун академияси

© Хоразм Маъмун академияси ноширлик бўлими, 2021

МУНДАРИЖА
БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Dadayev S., Saparov K. Organik olam va hayvonot dunyosining zamonaviy sistemasi asosda yangi o'quv adabiyotlari yaratish	6
Ro'zimov A.D., Sheraliyev B.M., Yo'ldoshev K.R., Jalolov E.B. Quyí Amudaryo havzasi ixtiofaunasining hozirgi taksonomik holati	10
Абдуллаев Э.Н., Халимов Ф.З., Ҳамзаев Р.А., Раҳимов М.Р., Усанов У.Н., Алиев Д. Зарафшон тоғ тизмасида коврак (<i>Ferula kuhistanica</i>) энтомофаунасининг тур таркиби	15
Абдурасулова С.Ш., Базарова Р.Ш. <i>Candaharia rutellum</i> нинг биологияси ва ҳаёт цикли	22
Авезова У.М., Сатторова Ф.Ю., Маткаримов Н.Б. Тупроқ таркибидаги гумус миқдорининг ҳосил бўлишида ўсимликларнинг экологик аҳамияти	27
Акбаров Ф.И., Жабборов А.М., Тожибаев К.Ш. <i>Ranunculus rubrocalyx</i> Regel ex Kom. географик тарқалишини моделлаштириш ва унинг таҳлили	29
Бекчанов Х.У., Дусчанов У.Э., Комилжонова Г.К. Фауна жесткокрылых (<i>Insecta, Coleoptera</i>) Хорезмского оазиса	37
Ибадуллаева Ю.О., Рахматова К.И., Бозорова Г.С., Тожибоев Ш.Ж., Махкамов Т.Х. Ўзбекистон миллий гербарийси ноёб илмий объектида сақланаётган <i>Corydalis</i> Dc. туркуми турларининг таҳлили	40
Маткаримов Ф.И., Бабоев С.К. Микробиологик препаратларнинг мош (<i>Vigna radiate</i> L.) ўсимлиги маҳсулдорлигига таъсири	46
Рахимов М.Р. К фауне мух-журчалок (<i>Diptera, Syrphidae</i>) Зарафшанского хребта	49
Рашидов Н.Э., Қувватов С.Қ., Элмуродова Н.Н. Денгизкўлидаги балиқлар турини аниқлаш	54
Рўзиёва И.Ж. Арзиқли ва гипсли тупроқларнинг ўрганилиш ҳолати	57
Содиқова Д.Ғ., Нуралиев Х.Х., Мирзаев А.Э. Сурхон воҳасидаги дендрарий боғи	59
Хайдаров С.М., Хўжамшукуров Н.А., Абдиназаров Х.Х. <i>Daphnia magna</i> ни етиштиришда озуқа манбаи сифатида микросувўтларидан фойдаланиш	62
Халимов Ф.З. Особенности сезонной динамики почвенных хищников (<i>Coleoptera: Staphylinidae, Carabidae</i>) в агроландшафтах	65
ТАРИХ ФАНЛАРИ	
Aliev Sh. The life and heritage of Sufi Ollayor	70
Jumaeva N.A. Quyí Zarafshon vohasi dehqonchilik madaniyati tarixidan	72
Jumaniyozova S.Sh. Olim M.M. Gerasimovning ilm-fan taraqqiyotiga qo'shgan hissasi	76
Murodova D.Sh. Ta'lim muassasalari faoliyatiga doir Buxoro viloyati davlat arxivi fondlariga tavsif	78
O'tayeva F.X. Ashtarxoniy hukmdorlari boshqaruv faoliyati mustaqillik yillaridagi matbuot talqinida	80
Абдиримов Р., Собиров С. Пахлавон Маҳмуд яшаган тарихий давр	83
Ахматов А.Ҳ. Таълим тизимида ислохотлар учун кураш	84
Бахриев О.А. “Ал-Жамиъ ас-Саҳиҳ” асарининг тўлиқ номи	87
Бекимматов У. Коллективлаштириш даврида Хоразмдаги немис меннонитларининг ер эгаллиги	89
Бобожонова Ф.Х. Бухоро амирлигидаги жадид мактабларининг фаолияти	92
Кличев О.А. Крим даврий матбуотида Бухоро амирлари ташрифларининг ёритилиши	96
Курбанов Б.Г. Средневековые литейные формы из Бухары	98
Қудратов Ш.Ё. Бухоро амирлигининг шарқ халқлари билан савдо алоқалари тарихидан	100
Қурбонова М.Б. Генерал-шарқшунос Н.С. Ликошин фаолиятига бир назар	103
Мансуров М. Собик Совет даврида туризмнинг ривожлантиришнинг мафкуравий асослари	106
Мансуров М.Ш. Совет иттифоқи йилларида Фарғона водийсида туризмнинг аҳволи	109
Мирзаев А.А. Совет иттифоқи йилларида Фарғона водийсида зиёрат туризмнинг ўзига хос хусусиятлари	113
Мубинов М.А. Дипломатические и посольские отношения среднеазиатских ханств с Османской империей	116
Раджабов О.А., Қаландаров Ҳ.Ҳ. Замонавий тарихшуносликда “Катта ўйин” масаласи	119
Салаев И.Б. Хоразм архитектурасида синч усулидан фойдаланиш ва унинг аҳамияти	123
Таджиева Ф.Дж. Хива хонлигида қулчилик муносабатларида аёллар ўрни масаласи	127
Тўраев А.И. Ўғуз қабила ва уруғларининг туркман халқини шаклланишидаги ўрни	129

Тўраева Г.Б. XIX аср охири - XX аср бошларида Ўрта Осиё халқлари этнографияси тарихшунослиги – рус шарқшунослиги мисолида	132
Унгалов А.А. Араб халифалиги томонидан Хоразмнинг босиб олинishi	135
Хўжаназаров А.З., Алламуратов Ш.А. Мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш тизими: ислохотлар ва натижалар	137
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ	
Ражабов З.П., Жуманиязов Ф.К., Абдурахимов У.К. Хозирва-ценные признаки новых сортов и линий хлопчатника	140
Сатилов Ф.М., Бабажанова С.Ю., Ганиева О. Қузги буғдой навларининг хосилдорлик кўрсаткичларига маъданли ўғитларнинг таъсирини ўрганиш	142
Юнусов Р., Ганиева Ф.А. Бухоро воҳаси шароитида олма дарахтларни ўсиши, ривожланиши ва хосилдорлигининг кесиш усуллари ва даражаларига боғлиқлиги	144
СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ	
Раджапова Н.Б. Позиции гендерного равенства в современном обществе Узбекистана	148
ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ	
Алланов Қ.А., Чориев А.Қ. Сурхондарё вилояти ёқилғи саноати ва уни ривожлантириш масалалари	150
Балташева З.А., Ембергенава А.А. Хизмат кўрсатиш ва сервис сферасининг кеча, бугун ва келажак ривожланиши	153
Мамаюсупова Д.Б. Давлат-хусусий шериклиги – туризм соҳасида тадбиркорликни барқарор ривожлантириш воситаси сифатида	156
Назарова Н.Г. Ўзбекистонда гид таржимонлар этика стандартлари ва муаммолари	160
Хайтбоева Н.Б. Ўзбекистонда саноат корхоналарини ривожлантиришда маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишнинг устувор йўналишлари	162
Халикова Л.Н. Амир Темур давлати иқтисодида деҳқончиликнинг ўрни	166
Холмуратов Ф. Иқтисодий жараёнларни таҳлил қилишда эконометрик усул ва моделлардан фойдаланишнинг аҳамияти	168
Юсупова Ф.Й. Лизинг муносабатларини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари	173
ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ	
Abduqodirov U. Frazeologik birliklarning matn tarkibida ifodalanishi hamda ularning okkazonal o‘zgarishlari	178
Aslonova N.I. Integrated and communicative approaches in teaching English	181
Berdieva M.M. The role of ict in the intellectual development of preschool children	182
Djumaniyazova E.Q. The methods of teaching english language in the technical educational institutions	184
Ganixanova M.B. The use of audiovisual means of foreign languages teaching in technical high educational institution	185
Gazieva S. Methods of working with audio-visual means in foreign language lessons	187
Isanova N.H., Ravshanova T.E. Literature as the art of words	190
Kadirova Sh.X. Formation of a sense of national pride in preschool adult children through folk oral creativity	192
Jurakulova Z.Sh. History of penetration of works by alisher navoi in european literature	193
Madrahimova M.S. Zoonimlarga xoslangan emotsional bo‘yoqdorlik	195
Nizomova R. Socio-linguistic direction in the study of foreign languages	197
Norbekov F.N., Norbekova R.U. The essence and content of the independent work of students	200
Nurmatova G.T. Learning strategies for english-language speech	201
Rakhimova U. Personal speech research in the communication process	203
Rikhsieva L.A. The general features of translation problems of professional terminology	206
Sabirova E.Sh. The interpretation of legal terms in uzbek lexicography	207
Saidova S.E. The use of innovative technologies in order to increase the cognitive interest in language learning	209
Sanoyeva M. Ona tili darslarida matn ustida ishlash orqali o‘quvchilar nutqini o‘stirish	211
Sharapova G.Sh., Anvarova U. The analysis of the novel “Invisible man” by Ralph Ellison	213
Sulaymonova D.H. Chet tillarining innovatsiya va intensiv o‘quv usullari	215
Sultonova Sh. Linguistic corpus in the methodology of teaching foreign languages	216
Turayeva M.A. Interference of lexical units of language	218

Turdiyev A.G. Multimedia technologies as a means of forming counting activity in preschool children	220
Tursunova M.E. Rang frazeologizmlarining ispan, o'zbek va ingliz tilida berilishi	222
Qahramonova S. Ulug'bek Hamdamning "Muvozanat" asarida undalma	224
Umarqulova M.B. Linguaculturology as a new linguistic discipline of modern linguistics	225
Ustoev A.Q. Development of didactic support for the preparation of future physical education for innovative activities	227
Uzokova Sh.S. Linguoculturological study of motion modifiers in fiction discourse	228
Uzokova Sh.S., Igamberdieva N.S. Comparative - translation study of binoms of English and Uzbek languages	230
Xamrayeva N.X. Actual issues of sociolinguistics	232
Yuldasheva D.K., Akbarova R.A., Djamolidinova Sh.A. Use of «warming ups» technology in teaching English as a foreign language	234
Yusufova L.G. Theoretical basis of teaching reading at the lessons of the English language	236
Ғуломова Ҳ.А. "Мажмаъ ул-масоил" асарининг кўлёзма ва тошбосма нусхалари	238
Катаева Ш., Бабаджанов Х.Б. Лексико-грамматическая система имен существительных в русском и узбекском языках	242
Кобилова А.Б. Эвфемистик перифразалар хусусида	244
Қосимова Ф.Х. Дори воситалари номларининг лисоний жиҳатлари	247
Мирзаева Д.И. Паремия концептнинг вербал воситаси сифатида	250
Мўминова А.А. Реклама матнларида ундашни ифодаловчи тил бирликлари миллий маданиятни ўзида акс эттирувчи восита сифатида	252
Мукимова Д.З. Форс-тожик адабиётида ғазалнавислик тарихига назар	255
Мухаммедова Х.Э. Викториан инглиз адабиётида аёллар насрининг ифодаланиши	258
Норбоев Ў.С. "Асил ва карам" достони турк версиясининг мотивлар типологияси	260
Норова Г. Ўзбек тили Зарафшон воҳаси шеваларида табу ва эвфемизмлар	263
Очилова Н. Ўзбек ва инглиз адабиётида "от" образи талқини	265
Сабинова Н.К. Социопрагматикада дискурсни яқунловчи тест методи	268
Сапаева Ф.Н., Адамбаева Ф.Р., Эркинова Л.К. Чет тилини ўқитишда мультимедия технологияларидан фойдаланишнинг афзалликлари	273
Усмонова С.С. С.Ричардсон ва А.Чўлпон ижодида аёл образининг психологик-типологик ўхшашликлари	276
Хайтова С.П. Терминология почвоведения	277
Юлдашев Ф. Ўзбек тилида "Эътиқод" умумий семали атов бирликларининг синонимик муносабати	279
Ягъева Э.Б. Специфика обучения туризму посредством обучения иностранному языку	281
ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ	
Allaberdieva K.Kh. Age and pedagogical-psychological description of the manifestation of activity in preschool-adult children	285
Alimov J.A. Jismoniy tarbiya darslarida o'quv-tarbiya jarayonini rejalashtirish	286
Altibaeva G.M., Umbarova M.G. Improving the processes of formation of pre-school children's abilities through innovative technologies	288
Rahimqulov K.D. Maktabda jismoniy tarbiya darslarini tashkil qilish shakllari	290
Rashidov O. Pedagogical profilactics language of innovative activity	292
Rustamov L.H. Jismoniy tarbiya sohasida uzluksiz pedagogik amaliyot tizimini takomillashtiruvchi tamoyillar	294
Sharapova S.T. Educating preschool children as a perfect person	296
Ummatov N.R. Maktabgacha yoshdagi bolalarda asosiy harakatlarga doir mashqlarni rivojlantirish	298
Xamrayeva N.R., Rasulova D.R. Tarbiya chet el olimlari talqinida	300
Xolboyeva G.U., Jumayeva M.B. School readiness improving the assessment of group children's readiness for school education	302

**ORGANIK OLAM VA HAYVONOT DUNYOSINING ZAMONAVIY SISTEMASI
ASOSDA YANGI O'QUV ADABIYOTLARI YARATISH**

S. Dadayev, prof., Toshkent davlat pedagogika universiteti, Toshkent

K. Saparov, prof., Toshkent davlat pedagogika universiteti, Toshkent

Annotatsiya. Ushbu maqolada xorijiy mamlakatlar va Mustaqil Davlatlar Hamdo'stligining taniqli olimlari tomonidan organik dunyoning zamonaviy taksonomiyasi, shuningdek, oliy o'quv yurtlari talabalariga uchun biologiya darsliklari va o'quv qo'llanmalarining holati to'g'risida yaratilgan ilmiy manbalar haqida so'z boradi. So'nggi yillarda yetakchi olimlar, taksonomistlar tirik tabiatni tasniflash uchun imperiya (*Divisio*) va Qirollik (*Regnum*) kabi yuqori taksonomik birliklarni joriy etdilar va tirik organizmlarni tasniflash tizimining bir nechta variantlari taqdim etildi. Yuqoridagi materialdan ko'rinib turibdiki, organizmlarning umume'tirof etilgan tasnifi hali ishlab chiqilmagan va bu ilmiy munozaralarning mavzusi. Bizning fikrimizcha, o'quv jarayonida foydalanish uchun eng qulay 6 ta shohlik bilan tasniflashdir: Virus, Bakteriyalar, Arxeaya, O'simliklar, Qo'ziqorinlar va Hayvonlar.

Kalit so'zlar: organik dunyo, taksonomik kategoriyalar, imperiya, prokaryotlar, eukaryotlar, qirollik, sistematikalar, taksonlar, turlar, turkum, oila, tartib, tur, protistlar

Аннотация. В данной статье речь идёт о научных источниках, созданных крупными учёными зарубежных стран и Содружества Независимых Государств о современной систематике органического мира, а также о состоянии учебников и учебных пособий по биологии для студентов высших учебных заведений. В последние годы для классификации живой природы ведущими учёными систематиками введены такие высшие таксономические единицы, как Империя (*Divisio*) и Царство (*Regnum*) и приведено несколько вариантов систем классификации живых организмов. Как видно из вышеизложенного материала, общепринятая классификация организмов пока не разработана, и она является предметом научных дискуссий. По нашему мнению, наиболее удобной для пользования в учебном процессе является классификация с 6 царствами: Вирусы, Бактерии, Археи, Растения, Грибы и Животные.

Ключевые слова: органический мир, таксономические категории, империя, прокариоты, эукариоты, царство, систематика, таксоны, вид, род, семейство, отряд, тип, протисты

Abstract. The article involves scientific sources created by scientists of foreign countries and the Commonwealth of Independent States about modern systematics of the organic world, as well as the state of textbooks and teaching aids on biology for students of higher educational institutions. In recent years, by leading scientists on taxonomy such higher taxonomic units were introduced as the *Divisio* and the *Regnum* for the classification of living nature, and several variants of the system of classification of living organisms were presented. As can be seen from the above-mentioned material, the generally accepted classification of organisms has not yet been developed and it is the subject of scientific discussions. In our opinion, the classification with 6 kingdoms: Virus, Bacteria, Archaea, Plants, Fungi and Animals are the most convenient for use in the educational process.

Keywords: organic world, taxonomic categories, empire, prokaryotes, eukaryotes, kingdom, systematics, taxa, species, genus, family, order, type, protists

Kirish. Hozirga davrda Yer yuzida 2 mln. ga yaqin tirik organizmlar mavjud. Ularni sistematika fani o'rganadi. Sistematika biologiyaning bo'limlaridan biri bo'lib, uning vazifasi hozir mavjud bo'lgan va qadimda yashab qirilib ketgan organizmlarni tavsiflab berish hamda turli taksonomik kategoriyalarning bir-biriga nisbatan o'zaro iyerarxik joylashuvini tartibga solish orqali organizmlar o'rtasidagi evolyutsion munosabatlarni to'liq ochib berishdan iborat. Hozirgi sistematikada tur eng kichik sistematik birlik bo'lib, ikki nom bilan (binar nomenklatura) ataladi. Turni ikki nom bilan atashni XVI-asr o'rtalarida Konrad Gesner taklif etganligi taxmin qilinadi. Ammo, binar nomenklaturaning ilmiy asosini birinchi bo'lib Karl Linney ishlab chiqqan.

Ishning maqsadi. Organik olam va hayvonot dunyosining zamonaviy sistemasini to'g'risida horijda hamda MDH mamlakatlarida yirik mutaxassis olimlar tomonidan chop etilgan ilmiy manbalar hamda oliy o'quv yurtlari talabalariga o'qitilib kelinayotgan zoologiya darsliklari va o'quv qo'llanmalarining hozirgi holatini tahlil qilish.

Tadqiqot materiallari. Oxirgi yillarda o'lik va tirik tabiatni klassifikatsiyalashda yetuk sistematik olimlar tomonidan Imperiya-Olam (*Divisio*) va Dunyo (*Regnum*) kabi oliy taksonomik tushunchalar kiritilgan [1-16].

Maqolada organik olamning zamonaviy sistemasini bilan bir qatorda oxirgi yillarda xorijda va MDH mamlakatlarida ilmiy dargohlarda va Oliy o'quv yurtlarida faoliyat yuritayotgan yirik zoolog olimlar

tomonidan chop etilgan qator monografiyalari, ilmiy maqolalar, darslik va o'quv qo'llanmalarni chuqur tahlil qilgan holda, hayvonot dunyosi, va ayniqsa umurtqasiz hayvonlar sistematikasi to'g'risida ko'plab yangi-yangi ma'lumotlar keltirilgan [17-28].

Olingan natijalar va ularning tahlili. Adabiyotlar tahliliga ko'ra, hozirgi davrda organik olam sistematikasida quyidagi taksonomik birliklar qo'llaniladi.

Imperiya. Aristotel davridan boshlab barcha tirik organizmlar ikkita dunyo: o'simliklar va hayvonot dunyosiga ajratib o'rganilgan. XX asrning ikkinchi yarmida organizmlar hujayrasida haqiqiy yadroni bo'lishi yoki bo'lmasligiga asoslanib sistemaga solish to'g'risida fikrlar paydo bo'ladi. Bu sistemaga asosan organik olam yadrosiz (yadrogacha) organizmlar (ya'ni prokariotlar) va yadroli organizmlar (ya'ni eukariotlar) katta dunyosiga ajratiladi. Shundan kelib chiqib, hozirgi vaqtda Imperiya-biologik sistemaning eng oliy kategoriyasi hisoblanib, Hayot, Tiriklik yoki Organik olam ma'nosini anglatadi va bu sistemani hozirgi kunda ko'plab biolog olimlar tan olishadi.


Katta dunyo-biologiya sistemasida olamdan keyingi taksonomik kategoriya hisoblanadi. Yuqorida ta'kidlanganidek, oxirgi yillarda bir qator sistematik olimlar organik olamni 2 ta katta dunyoga, ya'ni-Prokariotlar va Eukariotlarga ajratishadi.

B.S. Salimov va A.S. Daminov [10] tirik tabiatni 4 ta dunyoga, ya'ni Zarracha organizmlar (Mychota), O'simliklar dunyosi (Plantani), Zamburug'lar (Fungi) va Hayvonot dunyosi (Animalia) ga bo'linganligini ta'kidlaydilar.

Hayvonot dunyosiga (Animalia) kiruvchi organizmlar geterotroflar bo'lib, harakat qilish, har xil taassurotlarga javob qaytarish, o'sish, ko'payish kabi turli hayotiy xususiyatlarga ega. Yer yuzida hayvonlarning 1,5 mln. dan ortiq turi mavjud.

Dunyo (*Regnum*)-Organik olam sistemasidagi eng yirik taksonlardan hisoblanadi. Bunda Prokariotlar katta dunyosiga Bakteriyyalar va Arxibakteriyyalar dunyosi kirsa, Eukariotlar katta dunyosiga-O'simliklar, Zamburug'lar, Protistlar va Hayvonot dunyosi kiradi (1-jadval).

1-jadval



Hozirgi davrda "hayvon" tushunchasi taksonomik ma'noda faqat ko'p hujayralilar bilan bog'liq. Endilikda hayvonlar nomi muayyan belgi va xususiyatlar, xususan, oogamiya, to'qimali tuzilishga, kamida ikkita murtak varag'iga, embrional rivojlanish davrida blastula va gastrula davrlariga ega bo'lgan organizmlar bilan bog'liq. Ko'pchilik hayvonlarning nerv va muskullari rivojlangan. Plastinkasimonlar, G'ovaktanalilar, Mezozoylar, Knidosporidalarda muskul va nerv hujayralarining bo'lmasligi ikkilamchi xususiyyatga ega. Shuning bilan birga "hayvonlar" termini fanda keng ma'noda taksonlarni ifodalash uchun emas, balki hayotiy formalarga nisbatan ham qo'llaniladi. Bu ma'noda hayvonlar harakatchan va geterotrof golozyoz oziqlanishga ega bo'lgan organizmlardan iborat.

Xorijda va Mustaqil Davlatlar Hamdo'stligi mamlakatlari Oliy o'quv yurtlarida Protistlar alohida fan sifatida hozircha o'qitilmaydi. Chunki bu fanni o'qitish uchun avvalo O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi tomonidan tasdiqlangan "Davlat ta'lim standarti" ga va o'quv rejasiga kiritilishi lozim. Shundan keyingina fan bo'yicha namunaviy o'quv dasturi tuzilib, shu asosda talabalar uchun yangi darslik va o'quv qo'llanmalar yozib chop ettirish lozim.

Organik olamda hayvonot dunyosining hozirgi zamon sistematik holati haqida gap borganda shuni ta'kidlash lozimki, biologiyada organizmlar o'xshashligi va qarindoshligiga asoslanib alohida guruh-taksonlarga ajratib o'rganiladi. Hayvonot dunyosi sistematikasida asosiy taksonlar tip (*Phylum*), sinf (*Classis*), turkum (*Ordo*), oila (*Familia*), urug' (*Genus*) va tur (*Species*) hisoblanadi. Ular orasida tur eng kichik, tip esa eng yirik taksondir.

Hayvonot dunyosi bir hujayralilar va ko'p hujayralilar kenja dunyosiga ajratiladi. Organik olamning xilma-xilligi hayvonot dunyosi sistematikasini yanada takomillashuviga olib keldi. Zamonaviy sistematikada asosiy taksonlar nomiga qo'shimcha katta (*super*) va kichik (*sub*) tushunchalar kiritilgan. Masalan, katta oila (*Superfamilia*), kichik oila (*Subfamilia*), katta sinf (*Superclassis*), kichik sinf (*Subklassis*) va hokazo.

Ilgarigi sistematikada bir hujayralilar eng sodda hayvonlar (*Protozoa*) kenja dunyosi nomi bilan Hayvonot dunyosi tarkibiga kiritilgan. Biroq ular orasida geterotrof turlari bilan bir qatorda, o'simliklar singari fotosintez orqali oziqlanadigan hamda oraliq (o'simlik va hayvonlar) belgilariga ega bo'lgan turlari ham ko'p uchraydi. Shu sababdan zamonaviy sistematikada eng sodda hayvonlarga Protistlar (*Protista*) dunyosining Protozoa kenja dunyosi sifatida qaraladi.

Ma'lumki, Aristotel hayvonlarni qonsizlar va qonlilar guruhlariga, K. Linney hayvonlarni 6 ta sinfga, J. B. Lamark, K. Linney sistemasini yanada takomillashtirib umurtqasiz hayvonlarni 14 sinfga ajratadi. J. Kyuve davrida esa hayvonot dunyosi 4 ta tipga ajratilgan bo'lsa, o'tgan asrning 70-80 yillaridan 2000 yilgacha bo'lgan davr mobaynida hayvonot dunyosida tiplar soni 24-25 tadan 35 tagacha yetgan.

Oxirgi yillarda xorijda va MDH mamlakatlarida ilmiy dargohlarda va oliy o'quv yurtlarida faoliyat yuritayotgan yirik zoolog olimlar tomonidan olib borilgan tadqiqot ishlari natijalari bo'yicha chop etilgan ilmiy va o'quv adabiyotlar chuqur tahlil qilinganda, hayvonot dunyosida va ayniqsa umurtqasiz hayvonlar sistematikasi yangi-yangi sistematik kategoriyalar (dunyo, kenja dunyo, katta tip, tip, kenja tip, katta sinf, sinf, kenja sinf, turkum, kenja turkum, oila va hokazo) paydo bo'lmoqda va natijada hozirgi vaqtga kelib hayvonot dunyosida tiplar soni 42 taga yetganligi ma'lum bo'ldi (bir hujayralilar (*Protozoa*) kenja dunyosi tiplari: 1. Evglenozalar-Euglenozoa (1000 ga yaqin turi bor), 2. Yashil suvo'tlari-Chlorophyta (5700), 3. Yoqali xivchinlilar-Choanoflagellata (600), 4. Retortamonadalar-Retortamonada (700), 5. Axostilatalar-Axostylata, 6. Mikosporidiyalalar-Myxozoa (875-1200), 7. Mikrosporidiyalalar-Microsporidia (800-900), 8. Assetosporidiyalalar-Ascetospora (30), 9. Labirintulalar-Labyrinthomorpha (35), 10. Alveolatalar-Alveolata, (Ko'p hujayralilar-Metazoa kenja dunyosi sistematikasi. 1. Katta bo'lim. Fagositellosimonlar-Phagocytellozoa. 11-tip. Plastinkalilar-Placozoa (2), 2. Katta bo'lim. Tuban ko'p hujayralilar-Parazoa. 12-tip. G'ovaktanlilar-Spongia, ya'ni Porifera (5000-8000), 3. Katta bo'lim. Haqiqiy ko'p hujayralilar-Eumetazoa. 1. Bo'lim. Radial simmetriyalilar-Radiata. 13-tip. Bo'shliqichlilar-Cnidaria tipi (8500-11000), 14. Taroqsimonlar-Ctenophora (100-150), 2. Bo'lim. Bilateral simmetriyalilar-Bilateria. 1. Kenja bo'lim. Tana bo'shliqsizlar-Acoelomata. 15. Yassi chuvalchanglar-Platyhelminthes (13000). I. Katta tip. Mesozoalar-Mesozoa. 16. Ortonektidalar-Orthonectida (30), 17. Ditsyemidalar-Dicyemida (70), 18. Nemertinlar-Nemertini (1000), 19. Mollyuskalar-Mollusca (118000), 20. Halqali chuvalchanglar Annelides (10000-12000), 21. Exiuralar-Echiura (130), 22. Sipunculalar-Sipuncula (160-250), II. Katta tip. Panartropodalar-Panarthropoda. 23. Onixoforalar-Onychophora (75), 24. Imillab yuruvchilar-Tardigrada (600), 25. Bo'g'moyoqlilar-Arthropoda (1-1,2 mln.). III. Katta tip. Sikloneuraliyalar-Cycloneuralia. 26. Qorinkipriklilar-Gastrotricha (500), 27. Nematodalar-Nematoda (20000), 28. Qilchuvalchanglar-Nematomorpha (320), 29. Priapulidalar-Priapulida (18-20), 30. Lorisiferalar-Loricifera (100), 31. Kinorinxalar-Kinorhyncha (150), IY. Katta tip. Gnatiferalar-Gnathifera. 32. Gnatostomulidalar-Gnathostomulida (100), 33. Og'izaylangichlilar-Rotifera (1300), 34. Tikanboshlilar-Acanthocephales (500-1150), 35. Kamptozolar-Kamptozoa (150), 36. Siklioforalar-Cycliophora (1-3), Y. Katta tip. Lofoforatalar-Lophophorata. 37. Foronidalar-Phoronida (14), 38. Yelkaoyoqlilar-Brachiopoda (350), 39. Qiljag'lilar-Chaetogntha (150), 40. Pogonoforalar-Pogonophora (100). Ikkilamchi og'izlilar-Deuterostomata. 41. Ignaterililar-Echinodermata (6000), 42. Xordalilar-Chordata (42000). Yuqorida keltirilgan hayvonot dunyosidagi tiplar o'z navbatida kenja tiplar, katta sinflar, sinflar, kenja sinflar, turkumlar va boshqa sistematik birliklarga bo'lingan bo'lib, bu sistematik birliklar bo'yicha ham ko'plab yangi ma'lumotlar mavjud. Lekin, Respublikamizda oliy o'quv yurtlarida talabalarga o'qitilib kelinayotgan zoologiya darsliklari va o'quv qo'llanmalarda oxirgi yillarda yig'ilgan yangi ma'lumotlar kiritilmaganligi sababli ular to'laqonli yetkazib berilmoqda deb bo'lmaydi. Chunki hozirda Respublikamizda oliy o'quv yurtlarida zoologiya fanidan qo'llanilib kelinayotgan namunaviy o'quv dasturlari juda ham chalkash tuzilgan, hayvonlar sistematikasi bo'yicha xorijda va MDH mamlakatlarida Oliy o'quv yurtlarida faoliyat yuritayotgan yirik zoolog olimlar tomonidan qo'llanilib kelinayotgan o'quv dasturidagi yangiliklar yetarlicha kiritilmagan.

Hayvonot dunyosida, va ayniqsa umurtqasiz hayvonlar sistematikasi borasidagi bunday yangiliklarni birinchi navbatda Respublikamiz oliy o'quv yurtlari talabalari uchun zoologiya fanidan tayyorlanadigan yangi namunaviy o'quv dasturiga kiritilishi va shu asosda darslik hamda o'quv qo'llanmalar yozilib, chop etilishi lozim.

Xulosa. Xulosa qilib shuni ta'kidlash kerak-ki, oxirgi yillarda Xorijda va Mustaqil Davlatlar Hamdo'stligi mamlakatlari ilmiy dargohlarida hamda oliy o'quv yurtlarida faoliyat yuritib kelayotgan yirik mutaxassis olimlar tomonidan chop etilgan asarlarini tahlil qilganimizda, hozirgi kunda biologik sistemaning eng oliy kategoriyasi Imperiya deyilib, ma'nosi Hayot, Tiriklik yoki Organik olamni anglatadi. Imperiya o'z navbatida 2 ta, ya'ni Prokariotlar va Eukariotlar katta dunyosiga hamda 6 ta dunyoga, ya'ni Viruslar,

Bakteriyalar, Arxebakteriyalar, O'simliklar, Zamburug'lar va Hayvonlarga bo'lingan. Hozirgi davrda bu sistemani ko'pchilik biolog olimlar tan olishadi.

Oxirgi yillarda xorijda va MDH mamlakatlari ilmiy dargohlarida va oliy o'quv yurtlarida faoliyat yuritayotgan yirik zoolog olimlar tomonidan olib borilgan tadqiqot ishlari natijalari bo'yicha chop etilgan ilmiy va o'quv adabiyotlarni chuqur tahlil qilish natijasida, hayvonot dunyosida va ayniqsa umurtqasiz hayvonlar sistematikasiga yangi-yangi sistematik kategoriyalar (dunyo, kenja dunyo, katta tip, tip, kenja tip, katta sinf, sinf, kenja sinf, turkum, kenja turkum, oila va hokazo) kiritilganligi va natijada hozirgi vaqtga kelib hayvonot dunyosida tiplar soni 42 taga yetganligi ma'lum bo'ldi.

Lekin, bu ma'lumotlar O'zbekistonda universitet va pedagogika oliy o'quv yurtlarida ta'lim olayotgan talabalarga to'laqonli yetkazib berilmoqda deb bo'lmaydi. Chunki hozirda Respublikamiz universitetlarida va pedagogika oliy o'quv yurtlarida zoologiya fanidan qo'llanilib kelinayotgan namunaviy o'quv dasturlari juda ham chalkash tuzilgan, hayvonlar sistematikasi bo'yicha horijda va MDH mamlakatlari Oliy o'quv yurtlarida faoliyat yuritayotgan yirik zoolog olimlar tomonidan qo'llanilib kelinayotgan o'quv dasturidagi yangiliklar deyarli kiritilmagan.

Ma'lumki, Respublikamizda uzoq yillar davomida O'zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasiga qarashli zoologiya ilmiy tadqiqot instituti faoliyat yuritib keladi va bu ilmiy dargohda olimlar tomonidan hayvonot dunyosining faunasi, xilma-xilligi, sistematikasi, hayvonlarni turli mintaqalarda tarqalish qonuniyatlari, biologik xususiyatlari, soni kamayib ketayotgan turlarini muhofaza qilish va boshqa muammolar yechimi bilan shug'ullanadi. Bizning fikrimizcha, O'zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasiga qarashli zoologiya ilmiy tadqiqot instituti Respublikamizda hayvonot dunyosini har tomonlama o'rganadigan asosiy ilmiy markaz hisoblanadi. Shunday ekan, zoologiya instituti yetuk sistematik olimlari hamda Respublikamizning turli oliy o'quv yurtlarida faoliyat yuritayotgan yirik zoolog olimlar yigilib, hayvonot dunyosining zamonaviy sistematik holati haqida xorijiy davlatlar ilmiy dargohlarida va oliy o'quv yurtlarida faoliyat yuritib kelayotgan yirik zoolog olimlar tomonidan oxirgi yillarda chop etilgan monografiyalar, ilmiy maqolalar, darslik va o'quv qo'llanmalarda hayvonot dunyosi sistematikasi haqidagi yangiliklarni muhokama qilib bir to'xtamga kelinib, hayvonot dunyosi sistematik holati haqidagi yangiliklarni O'zbekistonda o'quvchi-talabalarga o'qitililib kelinayotgan zoologiya fanining namunaviy o'quv dasturlariga kiritilib, shu asosda umumiy o'rta ta'lim maktablari o'quvchilariga va oliy o'quv yurtlari talabalariga yangi darsliklar hamda o'quv qo'llanmalar yozilsa maqsadga muvofiq bo'lar edi.

FOYDALANGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Багоцкий С.В. Революция в систематике // Химия и жизнь.-2010.-№ 6.
2. Бруберг Г. Апостолы и линнеанство // Карл фон Линней = Gunnar Broberg. Carl Linnaeus / Пер. со швед. Н. Хассо. - Стокгольм: Шведский институт, 2006. - С. 37-42. - 44 с.
3. Бэр К.М. Об искусственной и естественной классификации животных и растений // Анналы биологии. - М.: Издательство МОИП, 1959. Т. 1. - С. 370.
4. Воронцов Н.Н. Системы органического мира и положение животных в них. // Зоологич. Журн., 1987, т. LXVI, вып. 12, С. 1765-1774.
5. Dadayev S., Saparov K. Organik olamning hozirgi zamon sistemasi haqida//ЎзМУ хабарлари. Табиий фанлар. Тошкент, 2019. 3/2. Б. 33-37.
6. Любарский Г.Ю. Архетип, стиль и ранг в биологической систематике // Труды Зоологического музея МГУ. - 1996. - Т. 35.
7. Мавлянов О. Современная тенденция классификации органического мира/Биология фани ривожланишининг замонавий тенденциялари мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуман материаллари. 2019.
8. Павлинов И.Я. (ред.). Современная систематика: методологические аспекты // Труды Зоологического музея МГУ. - М.: Изд-во МГУ, 1996. - Т.
9. Павлинов И.Я. Основные подходы в биологической систематике // Электронная газета «Биология». - М., 2010. - № 17-19.
10. Salimov B.S., Daminov A.S. Zoologiya. Darslik.,Т. 2018. 306 b.
11. Шипунов А.Б. Основы теории систематики: Учебное пособие. - М.: Открытый лицей ВЗМШ, Диалог-МГУ, 1999. - 56 с.
12. Барнс Р., Кейлоу П., Голдинг Д. Беспозвоночные. М., «Мир».-1992.
13. Wheeler W.C. Systematics. A Cours of Lectures. - Wiley-Blackwell,2012. -426 с. - ISBN 9780470671696.
14. Wiley, Edward O. and Bruce S. Lieberman. 2011. "Phylogenetics:Theory and Practice of Phylogenetic Systematics, 2nd edn." ISBN 9.
15. Whittaker R.H. On the broad classification of organisms FF Quart. Rev. Biol., 34, 1959. P. 210-226.
16. Whittaker R.H. New concept of kingdoms of organisms FF Science, 163, 1969. P. 150-159.
17. Вестхайде В., Ригер Р. Зоология беспозвоночных. В 2-х томах, перевод с немец., КМК, Москва -2008.
18. Гуртовой Н.Н. Систематика и анатомия хордовых животных. Краткий курс. -М., 2004.
19. Dadayev S., Saparov K., Jumanov M. Entomologiya. Oliy o'quv yurtlari 5A140101-biologiya (Zoologiya) mutaxassisligi talabalari uchun o'quv qo'llanma. Nukus, «Qaraqalpaqstan» nashryoti. 2018.-396 b.
20. Dadayev S. Umurtqasizlar zoologiyasidan amaliy mashg'ulotlar. Oliy o'quv yurtlarining bakalavriat bosqichi biologiya yo'nalishi talabalari uchun o'quv qo'llanma. Toshkent -Navro'z nashryoti. 2019. - 260 b.

21. Dadayev S., Saparov K. Umurtqalilar zoologiya. Oliy o'quv yurtlari bakalavriat bosqichi biologiya ta'lim yo'nalishi talabalari uchun darslik. O'zbekiston Respublikasi oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi. T.: «TURON-IQBOL» nashriyoti, 2019. - 720 b.
22. Dadayev S. Hayvonot dunyosida umurtqasizlarning hozirgi zamon sistematik holati haqida//Guliston davlat universiteti axborotnomasi, Tabiiy va qishloq xo'jalik fanlari seriyasi. 2019. №4. B. 34-44.
23. Догель В.А. Зоология беспозвоночных. Учебник для студентов биолог. спец. ВУЗов. Изд.7-ое. М. - Высшая школа, 1981. 606 с.
24. Mavlonov O., Xurramov Sh., Eshova X. Umurtqasizlar zoologiyasi. Oliy o'quv yurtlari biologiya ixtisosligi bakalavr bosqichi talabalari uchun darslik. T., «OFSET-PRINT» bosmaxonasi. 2006.-550 b.
25. Натали В.Ф. Зоология беспозвоночных. Учебник для студентов биолог. спец. ВУЗов. М. -Просвещения, 1975. 495 с.
26. Рупперт Э.Э., Фокс Р.С., Барне Р.Д. Зоология беспозвоночных. В 4-х томах, перевод с англ., «Академия», Москва, 2008.
27. Шарова И.Х. Зоология беспозвоночных. Учебник для студентов биолог. спец. ВУЗов. М., ВЛАДОС, 2002.
28. Хаусман К., Хюльсман Н., Радек Р. Протистология. Перевод с англ., М.: Товарищество научных изданий КМК, 2010. - 495 с.

O'UK: 597.42/.55+591.9

QUYI AMUDARYO HAVZASI IXTIOfAUNASINING HOZIRGI TAKSONOMIK HOLATI

A.D. Ro'zimov, talaba, Urganch davlat universiteti, Urganch, O'zbekiston

B.M. Sheraliyev, doktorant, Janubiy-g'arbiy universitet, Chongqing, Xitoy

K.R. Yo'ldoshev, katta o'qituvchi, Urganch davlat universiteti, Urganch, O'zbekiston

E.B. Jalolov, tayanch doktorant, Buxoro davlat universiteti, Buxoro, O'zbekiston

Annotatsiya. Amudaryoning quyi oqimi g'arbiy O'zbekistonning eng muhim suv havzasi hisoblanadi. Amudaryoning quyi oqimida olib borilgan tadqiqot hamda mintaqaga ixtiofaunasiga oid adabiyotlar tahlili asosida hozirgi vaqtda havzada 9 ta turkum, 16 ta oilaga mansub 44 turdagi baliqlar uchrashi aniqlandi. Ilgari havza endemiklari hisobalangan *Acipenser nudiventris* va *Salmo trutta aralensis* Orol dengizi qurishi oqibatida butunlay yo'qolib ketgan.

Kalit so'zlar: endemik tur, valid tur, invaziv tur, iqlimlashtirish, taksonomiya

Аннотация. Низовья Амударьи - важнейшие водные бассейны западного Узбекистана. На основании исследований, проведенных в низовьях Амударьи, и анализа литературы по ихтиофауне региона установлено, что в настоящее время в бассейне насчитывается 44 вида рыб, принадлежащих к 16 семействам и 9 отрядам. Из-за высыхания Аральского моря вымерли *Acipenser nudiventris* и *Salmo trutta aralensis*, которые ранее были эндемиками бассейна.

Ключевые слова: эндемик, валидный, инвазивный, акклиматизация, таксономия

Abstract. The lower reaches of the Amu Darya are the most important water basins in western Uzbekistan. Based on the studies conducted in the lower reaches of the Amu Darya and the analysis of the literature on the ichthyofauna of the region, it is found that currently there are 44 fish species belonging to 16 families 9 orders in the basin. Due to the drying up of the Aral Sea, *Acipenser nudiventris* and *Salmo trutta aralensis*, which were previously endemic to the basin, became extinct.

Key words: endemic, valid, invasive, acclimatization, taxonomy

Kirish. Bugungi kunga kelib tur soni 35 mingdan oshgan baliqlar, umurtqali hayvonlarning yarmiga yaqinini tashkil etadi [1]. Baliqlar biologik xilma-xillikning asosiy tarkibiy qismi bo'lishi bilan birga, muhim iqtisodiy ahamiyatga ega hamda inson salomatligi uchun zarur bo'lgan hayvon oqsili manbasi hisoblanadi. Baliq turlarini ilmiy jihatdan tasniflash, turlarni identifikatsiya qilish nafaqat taksonomik, shu bilan birga baliqchilik sohasi, tabiiy suv resurslarining potensialini belgilash hamda oziq-ovqat mahsulotlari tarkibini aniqlashda ham muhim ahamiyatga egadir. Suv havzasi ixtiofaunasining tur tarkibi, ushbu turlar populyatsiyasining holatini ilmiy asosda muntazam monitoring qilib borish ixtiologiya fani oldida turgan muhim vazifalardan biri hisoblanadi.

Amudaryo havzasining maydoni (230 ming km²) va sersuvligi jihatidan Markaziy Osiyo hududida birinchi o'rindagi daryo hisoblanadi. Havza shimoldan janubga tomon 1000 km ga, sharqdan g'arbga tomon 1500 km ga cho'zilgan bo'lib, daryoning quyi oqimi (47 000 km²) Turkmaniston, O'zbekiston hududida esa Xorazm viloyati va Qoraqalpog'istonni kesib o'tadi. Daryoning Xorazm vohasidan oqib o'tuvchi qismining umumiy uzunligi 900 km ni tashkil etadi. Unga quyiluvchi kollektor va kanallarining uzunligi esa 215 km ga teng [19].

Amudaryo havzasi quyi oqimidagi dastlabki ixtiologik tadqiqotlar XIX asrning oxiri XX asrning birinchi yarmida (1873-1940 yillar) rus olimlari N.A. Severtsov (1873), M.N. Bogdanov (1882), K.F. Kessler (1877), L.S. Berg (1905, 1948, 1949a, 1949b), G.V. Nikolskiy (1940), R. Tleuov va Sh. Tleuberganov (1974)

kabi bir qancha ixtiologlar tomonidan olib borilgan. Tadqiqot jarayonida Amudaryo havzasi quyi oqimida A.M. Nikolskiy – 14 tur, L.S. Berg – 42 tur, G.V. Nikolskiy va G. X. Shaposhnikovalar 40 tur va B. Xaqberdiev – 36 ta baliq turi uchrashini qayd etgan [23]. Quyi Amudaryo suv havzasi, xususan Xorazm vohasi suv havzalarida bundan keyingi ixtiologik tadqiqotlar o'tgan asrning 70-90 – yillarida B. Xaqberdiev tomonidan olib borilgan. Uning ma'lumotlariga ko'ra, Amudaryo suv havzasida 54 turdagi baliq uchraydi; quyi oqimida 36 tur, o'rta oqimida 30 tur va yuqori oqimida 20 turdagi baliq uchrashi qayd etilgan [22]. So'nggi tadqiqotlarda esa Xorazm hududidagi suv havzalaridagi baliq turlarining soni 36 ta ekanligi aytiladi [2].

Ushbu tadqiqotda quyi Amudaryo havzasidagi ixtiofaunaning bugungi taksonomik holatini o'rganish maqsad qilib olindi.

Material va metodlar. Ushbu tadqiqot ishi 2018-2020-yillar mobaynida quyi Amudaryo hududidagi jami 14 ta nuqtada olib borildi. Jumladan, Xorazm viloyatining Bog'ot, Gurlan, Qo'shko'pir, Urganch, Xazarasp, Xiva, Xonqa, Yangibozor tumanlari suv havzalari va Qoraqalpog'iston Respublikasining Beruniy va Xo'jayli tumanlaridan oqib o'tgan suv havzalarida ixtiologik tadqiqotlar o'tkazildi.

Baliq namunalarini tutishda ko'zi 1x1 – 10x10 mm gacha, balandligi 1m va eni 1,5 m bo'lgan to'rdan foydalanildi. Ixtiologik tadqiqotlar Kottelat va Freyhof (2006) metodikasi asosida olib borildi [3]. Baliq turlarini aniqlashda mahalliy mualliflar tomonidan ishlab chiqilgan aniqlagichlar [17] va xalqaro baliqlar bazasidagi ma'lumotlardan foydalanildi [1]. Tabiatni muhofaza qilish xalqaro ittifoqi (TMXI) ning onlayn bazasi orqali baliqlarning ayni vaqtdagi muhofaza qilinish maqomi tekshirildi [10]. Tutilgan baliq namunalarining o'ng ko'krak qanoti kesib olinib etil spirtning 96% lik eritmasida kelajakdagi molekulyar tadqiqotlar uchun saqlab qo'yildi. Namunalarni fiksatsiya qilish uchun esa formalinning 10% li eritmasidan qo'llanildi. Baliqlarning sistematik holati umum qabul qilingan sistema asosida berildi [5].

Tadqiqot natijalari va muhokamasi. Havzada olib borilgan ixtiologik tadqiqot natijasi hamda mintaqa baliqlari haqidagi avvalgi o'tkazilgan tadqiqot natijalariga asoslangan holda quyi Amudaryo ixtiofaunasining qiyosiy sistematik tur tarkibi tuzib chiqildi. Tadqiqot davomida shakllantirilgan quyi Amudaryo ixtiofaunasining qiyosiy sistematik tur tarkibi turkum va oilalar kesimida filogenetik kelib chiqish, ularning tarkibidagi turlar esa alifbo tartibida berilmoqda:

Turkum I. Acipenseriformes Berg, 1940 – Bakrasimonlar

Oila 1. Acipenseridae Bonaparte, 1831 – Bakralar

1. *Acipenser nudiiventris* Lovetsky, 1828 – Orol bakrasi. [EX]. Mahalliy tur. Orol havzasida Amudaryo va Sirdaryoning asosiy o'zanida uchragan. O'tgan asrning ikkinchi yarmida Balxash ko'liga muvaffaqiyatli iqlimlashtirilgan. Orol dengizi qurigach, Amudaryo havzasida faqatgina quyi Amudaryoda mavjud edi, 1996-yildan so'ng qayta uchramagan va bugungi kunga kelib ushbu turning Orol populyatsiyasi butunlay qirilib ketgan deb hisoblaniladi [9].

2. *Pseudoscaphirhynchus hermanni* (Kessler, 1877) – Amudaryo kichik soxta kurakburuni. [CR]. Endemik tur. Ovlash taqiqlangan. So'nggi marotaba 1996-yilda Amudaryoning o'rta oqimidan 3 donasi tutilgan [7]. Tadqiqot davomida Amudaryoning quyi oqimi, asosan Xazarasp, Xonqa tumanlari hududidan oqib o'tgan qismida qayd etildi. Populyatsiyasi keskin qisqarib bormoqda.

3. *Pseudoscaphirhynchus kaufmanni* (Kessler, 1877) – Amudaryo katta soxta kurakburuni. [CR]. Endemik tur. Ovlash taqiqlangan. Voyaga yetgan urg'ochilari kamdan-kam hollarda uchraydi. Tadqiqot davomida quyi Amudaryoning Urganch, Xazarasp va Xonqa tumanlaridan oqib o'tgan qismlarida qayd etildi. Ayni vaqtda Xorazm Ma'mun akademiyasida ko'paytirish ishlari olib borilmoqda.

Turkum II. Cypriniformes Bleeker, 1859 – Karpsimonlar

Oila 2. Cobitidae Swainson, 1838 – Eshvoylar

4. *Sabanejewia aurata* (De Filippi, 1863) – Orol tikanagi. [LC]. Mahalliy tur. Ovlash taqiqlangan. Quyi Amudaryoda asosan, Qoraqalpog'iston hududi, undan tashqarida esa Sirdaryo, Zarafshon, Qoradaryo, Chirchiq va Qashqadaryolarning yuqori oqimidan quyi oqimigacha bo'lgan hududda uchraydi. Tadqiqot davomida quyi Amudaryo havzasida qayd etilmadi.

Oila 3. Nemacheilidae Regan, 1911 – Yalangbaliqlar

5. *Dzihunia amudarjensis* (Rass, 1929) – Buxoro yalangbalig'i. Endemik tur. Ov ahamiyatiga ega emas. Tadqiqot davomida Amudaryoning quyi oqimidagi loyqali suv havzalar, asosan Beruniy, Urganch, Xonqa, Xiva tumanlarida qayd etildi. Populyatsiyasi zaif, muhofaza choralarini ishlab chiqish zarur.

6. *Nemacheilus oxianus* (Kessler, 1877) – Amudaryo yalangbalig'i. Endemik tur. Ov ahamiyatiga ega emas. Quyi Amudaryo suv havzalarida juda kam sonda uchraydi. Ushbu turning sistematik o'rni biroz bahsli bo'lib, ayrim adabiyotlarda *Oxynoemacheilus* urug' vakili sifatida ko'rsatiladi [1]. Tadqiqot davomida qayd etilmadi.

7. *Paracobitis longicauda* (Kessler, 1872) – Sharq tojli yalangbalig'i. Mahalliy tur, ov ahamiyatiga ega emas. Tadqiqot davomida, quyi Amudaryo suv havzasida Qoraqalpog'istondagi Qiz ketgan suv havzasida qayd etildi.

Oila 4. Cyprinidae Rafinesque, 1815 – Karplar

8. *Carassius gibelio* (Bloch, 1782) – Kumushrang tobon baliq. Iqlimlashtirilgan, ov ahamiyatiga ega tur. Quyi Amudaryo havzasining ko'plab mayda irmoq, kanal va zovurlarida uchraydi. Dominant turga aylanib bormoqda.

9. *Cyprinus carpio* Linnaeus, 1758 – Zog'ora baliq [VU]. Mahalliy tur, ov ahamiyatiga ega. Quyi Amudaryo ko'pchilik suv havzalarida uchraydi, asosan Bog'ot, Urganch, Xazorasp, Xonqa va Yangiariq tumanlarida nisbatan keng tarqalgan. So'ngi vaqtlarda populyatsiyasi qisqarib bormoqda.

10. *Luciobarbus brachycephalus* (Kessler, 1872) – Orol mo'ylovdori [VU]. Mahalliy tur. Ovlash taqiqlangan. Amudaryoning quyi oqimi, loyqa suvlarni xush ko'radi, tadqiqot davomida Urganch, Xonqa tumanlarida qayd etildi. Muhofazaga olinganligiga qaramay brakonerlar tomonidan eng ko'p ovlanadigan tur hisobalanadi.

11. *Luciobarbus capito* (Güldenstädt, 1773) – Turkiston mo'ylovdori [VU]. Mahalliy tur. Ovlash taqiqlangan. Amudaryoning quyi oqimi, loyqa suvlarni xush ko'radi, tadqiqot davomida qayd etilmadi.

Oila 5. Xenocyprididae Günther, 1868 – Sharqiy Osiyo chebak baliqlari

12. *Ctenopharyngodon idella* (Valenciennes, 1844) – Oq amur. Maqsadli iqlimlashtirilgan, ov ahamiyatiga ega tur. Amudaryoning quyi oqimidagi ko'pchilik suv havzalari, asosan Bog'ot, Gurlan, Qo'shko'pir, Urganch, Xazorasp, Xonqa va Yangiariq tumanlaridagi mayda suv havzalarida qayd etildi.

13. *Hemiculter leucisculus* (Basilevskiy, 1855) – Oddiy qirraqorin [LC]. Tasodifiy iqlimlashtirilgan, ov ahamiyatiga ega bo'lmagan tur. Amudaryoning quyi oqimidagi barcha suv havzalarda uchraydi. Dominant turga aylanib bormoqda.

14. *Hypophthalmichthys molitrix* (Valenciennes, 1844) – Oq do'ngpeshona [NT]. Maqsadli iqlimlashtirilgan, ov ahamiyatiga ega. Tabiiy suv havzalarda ahyon-ahyonda uchraydi, asosan Yangiariq, Xiva tumani suv havzalarida qayd etildi.

15. *Hypophthalmichthys nobilis* (Richardson, 1845) – Chipor do'ngpeshona [DD]. Tasodifan iqlimlashtirilgan, ov ahamiyatiga ega. Tabiiy suv havzalarda oq do'ngpeshonaga qaraganda kam uchraydi, tadqiqot davomida faqat Yangiariq tumani suv havzalarida qayd etildi.

16. *Mylopharyngodon piceus* (Richardson, 1846) – Qora amur [DD]. Tasodifan iqlimlashtirilgan, ov ahamiyatiga ega bo'lgan tur. Amudaryoning quyi oqimidagi suv havzalarda kam sonda tarqalgan. Tadqiqot davomida Xonqa tumani suv havzalarida qayd etildi.

17. *Parabramis pekinensis* (Basilevsky, 1855) – Oq amur oqchasi. Boshqa baliqlarga qo'shib tasodifan Turkmanistonga kelib qolgan, so'ngra u yerdan Amudaryoning o'rta oqimiga tushgan va butun havza bo'ylab tarqalib ketgan. Ov ahamiyatiga ega. Amudaryoning quyi oqimidagi suv havzalari, asosan Urganch, Xazorasp, Xonqa, Yangibozor va Qoraqalpog'istonning Beruniy tumanidagi suv havzalarida qayd etildi.

Oila 6. Acheilognathidae Bleeker, 1863 – Taxirbaliqlar

18. *Rhodeus ocellatus* (Kner, 1866) – Ko'zli taxir baliq [DD]. Tasodifiy iqlimlashtirilgan, ov ahamiyatiga ega bo'lmagan tur. Tadqiqot jarayonida Urganch shahri va Qo'shko'pir tumanining kollektor, zaxkash suvlar oqadigan kanallarida qayd etildi.

Oila 7. Gobionidae Bleeker, 1863 – Qumbaliqlar

19. *Abbottina rivularis* (Basilevskiy, 1855) – Xitoy soxta qumbalig'i. Tasodifiy iqlimlashtirilgan, ov ahamiyatiga ega bo'lmagan tur. Tadqiqot jarayonida Urganch, Qo'shko'pir va Xiva tumanlarining kollektor, zaxkash suvlar oqadigan kanallarida qayd etildi.

20. *Gobio lepidolaemus* Kessler, 1872 – Turkiston qumbalig'i. Mahalliy tur, ov ahamiyatiga ega emas. Amudaryoning quyi oqimidagi kollektorlar, kanallarda uchraydi. Hozirgi vaqtda Xitoy soxta qumbalig'i tomonidan ushbu tur populyatsiyasi siqib chiqarilmoqda. Tadqiqot davomida qayd etilmadi.

21. *Pseudorasbora parva* (Temminck & Schlegel, 1846) – Amur chebakchasi [LC]. Tasodifiy iqlimlashtirilgan, ov ahamiyatiga ega bo'lmagan tur. Amudaryoning quyi oqimidagi barcha suv havzalarida uchraydi. Dominant turga aylanib bormoqda.

Oila 8. Leuciscidae Bonaparte, 1835 – Oqqayroqlar

22. *Abramis brama* (Linnaeus, 1758) – Oqcha [LC]. Mahalliy tur, ov ahamiyatiga ega. Amudaryo havzasi quyi oqimidagi suv havzalarida kam sonda tarqalgan, tadqiqot davomida qayd etilmadi. Ushbu turning quyi Amudaryodagi populyatsiyasi holatini tekshirish lozim.

23. *Alburnoides holciki* Coad & Bogutskaya, 2012 – Holsik tezsuzari. Mahalliy, ov ahamiyatiga ega bo'lgan tur. Amudaryo havzasi quyi oqimidagi faqatgina daryoning asosiy o'zanida qayd etildi.

24. *Alburnus chalcoides* (Güldenstädt, 1772) – Moybaliq [LC]. Mahalliy, ov ahamiyatiga ega bo'lgan tur. Amudaryo havzasi quyi oqimidagi suv havzalarida keng tarqalgan, tadqiqot davomida Qo'shko'pir va Xonqa tumani suv havzalarida qayd etildi.

25. *Aspiolucius esocinus* (Kessler, 1874) – Cho'rtansifat oqqayroq [VU]. Endemik tur. Ovlash taqiqlangan. Amudaryoning quyi oqimida kam sonda tarqalgan, tadqiqot davomida qayd etilmadi. Ko'paytirish va himoya choralarini ishlab chiqish lozim.

26. *Ballerus sapa* (Pallas, 1814) – Qorako'z (oq sazan) [VU]. Mahalliy tur. Ovlash taqiqlangan. Amudaryoning quyi oqimida kam sonda tarqalgan, tadqiqot davomida qayd etilmadi. Ko'paytirish va himoya choralari ishlab chiqish lozim.

27. *Capoetobrama kuschakewitschi* (Kessler, 1872) – Parrakqanot [DD]. Endemik tur. Ovlash taqiqlangan. Amudaryoning quyi oqimida kam sonda tarqalgan, tadqiqot davomida daryoning Xonqa tumanidan oqib o'tgan qismida qayd etildi.

28. *Leuciscus aspius* (Linnaeus, 1758) – Oqqayroq [LC]. Mahalliy tur, ov ahamiyatiga ega. Amudaryo quyi oqimi suv havzalarida o'rtacha sonda tarqalgan, tadqiqot davomida Tuproqqal'a tumani suv havzalarida qayd etildi.

29. *Leuciscus idus* (Linnaeus, 1758) – Ko'kbo'yin [LC]. Mahalliy tur. Ovlash taqiqlangan. Amudaryoning quyi oqimida kam sonda tarqalgan, tadqiqot davomida qayd etilmadi. Biologiyasi yetarlicha o'rganilmagan.

30. *Pelecus cultratus* (Linnaeus, 1758) – Qilichbaliq [LC]. Mahalliy tur, ov ahamiyatiga ega. Amudaryo havzasi quyi oqimi suv havzalari, tadqiqot davomida daryoning Urganch, Xonqa tumanlaridan oqib o'tgan qismida qayd etildi.

31. *Rutilus lacustris* (Pallas, 1814) – Sibir qorako'zi. Mahalliy tur, ov ahamiyatiga ega. Amudaryo havzasi quyi oqimi suv havzalari, tadqiqot davomida Xiva va Yangiariq tumani suv havzalarida qayd etildi. Adabiyotlarda *Rutilus rutilus aralensis* sifatida qayd etilgan, lekin uning taksonomik o'rni yaqinda o'tkazilgan molekulyar genetik tadqiqot davomida o'zgargan [4].

32. *Scardinius erythrophthalmus* (Linnaeus, 1758) – Qizilqanot [LC]. Mahalliy tur, ov ahamiyati katta emas. Amudaryo havzasi quyi oqimidagi suv havzalarida kam sonda tarqalgan, tadqiqot davomida qayd etilmadi.

Turkum III. Siluriformes Cuvier, 1816 – Laqqasimonlar

Oila 9. Siluridae Rafinesque, 1815 – Laqqalar

33. *Silurus glanis* Linnaeus, 1758 – Oddiy laqqa [LC]. Mahalliy tur, ov ahamiyatiga ega. Amudaryo havzasi quyi oqimidagi aksariyat suv havzalarida, asosan Bog'ot, Gurlan va Xazarasp tumanlarida keng tarqalgan.

Turkum IV. Esociformes Bleeker, 1859 – Cho'rtansimonlar

Oila 10. Esocidae Rafinesque, 1815 – Cho'rtanbaliqlar

34. *Esox lucius* Linnaeus, 1758 – Cho'rtan baliq [LC]. Mahalliy tur, ov ahamiyatiga ega. Amudaryo havzasi quyi oqimi, tadqiqot davomida Xonqa tumani suv havzalarida qayd etildi.

Turkum V. Salmoniformes Bleeker, 1859 – Losossimonlar

Oila 11. Salmonidae Jarocki & Schinz, 1822 – Asl lososlar

35. *Salmo trutta aralensis* Berg, 1908 – Orol sulaymonbalig'i [EX]. Endemik kenja tur. Ilgari Orol dengizida uchragan, oxirgi marta 1937 yilda tutilgan [6, 8]. Hozirda batamom qirilib ketgan.

Turkum VI. Gobiiformes Bleeker, 1859 – Buqabaliqsimonlar

Oila 12. Gobiidae Cuvier, 1816 – Asl qumbaliqlar

36. *Neogobius melanostomus* (Pallas, 1814) – Dumaloq buqabaliq [LC]. Tasodifan iqlimlashtirilgan. Ov ahamiyatiga ega emas. Amudaryo havzasi quyi oqimi suv havzalari, tadqiqot davomida Qoraqalpog'istonning Xo'jayli tumani suv havzalarida qayd etildi.

37. *Neogobius pallasii* (Berg, 1916) – Kaspiy qum buqabaliq [LC]. Tasodifan iqlimlashtirilgan. Ov ahamiyatiga ega emas. Amudaryo havzasi quyi oqimi suv havzalari, tadqiqot davomida Qoraqalpog'istonning Xo'jayli tumani suv havzalarida qayd etildi.

38. *Rhinogobius* sp. – Buqabaliq. Tasodifan iqlimlashtirilgan. Ov ahamiyatiga ega emas. Quyi Amudaryo ichki suv havzalarida tarqalgan, tadqiqot davomida Urganch va Xo'jayli tumani suv havzalarida qayd etildi. Tur darajasida aniqlanishi lozim.

Turkum VII. Anabantiformes Britz, 1995 – Ilonboshsimonlar

Oila 13. Channidae Flower, 1934 – Ilonboshlar

39. *Channa argus* (Cantor, 1842) – Amur ilonboshi. Maqsadli iqlimlashtirilgan. Ov ahamiyatiga ega. Amudaryo havzasi quyi oqimi barcha suv havzalarida keng tarqalgan, tadqiqot davomida Qo'shko'pir tumani suv havzalarida ko'p sonda qayd etildi.

Turkum VIII. Cyprinodontiformes Berg, 1940 – Karptishsimonlar

Oila 14. Poeciliidae Bonaparte 1831 – Gambuziyalar

40. *Gambusia holbrooki* Girard, 1859 – Holbruk gambuziyasi [LC]. Bezgak pashshasiga qarshi kurashish maqsadida iqlimlashtirilgan, ov ahamiyatiga ega emas. Quyi Amudaryoning barcha suv havzalarida uchraydi, ayniqsa sekin oqadigan, suvi iliq va sayoz suv havzalarida keng tarqalgan.

Turkum IX. Perciformes Bleeker, 1863 – Olabug'asimonlar

Oila 15. Percidae Rafinesque, 1815 – Olabug'alar

41. *Gymnocephalus cernua* (Linnaeus, 1758) – Oddiy toshbosh [LC]. Mahalliy tur, ov ahamiyatiga ega emas. Orol qurishidan avval Amudaryo havzasining eng quyi oqimidagi ayrim suv havzalarida kam sonda tarqalgan, tadqiqot davomida qayd etilmadi.

42. *Perca fluviatilis* Linnaeus, 1758 – Olabug'a [LC]. Mahalliy tur, ov ahamiyatiga ega emas. Orol qurishidan avval Amudaryo havzasining eng quyi oqimi suv havzalarida kam sonda tarqalgan, tadqiqot davomida qayd etilmadi.

43. *Sander lucioperca* (Linnaeus, 1758) – Oq sla [LC]. Iqlimlashtirilgan tur, ov ahamiyatiga ega. Amudaryo havzasi quyi oqimi suv havzalarida keng tarqalgan, tadqiqot davomida Gurlan, Yangiariq tumani suv havzalarida ko'p sonda qayd etildi.

Oila 16. Gasterosteidae Bonaparte, 1831 – Tikanbaliqlar

44. *Pungitius platygaster* (Kessler, 1859) – Tikanak baliq [LC]. Mahalliy tur. Ovlash taqiqlangan. Tadqiqot davomida, Qoraqalpog'istonning Berdak ovulida, Sayko'l suv havzasida qayd etildi.

Umumiy holda quyi Amudaryo havzasida baliqlarning 9 turkum, 16 oilaga mansub 44 tur mavjud bo'lib, ularning ikki nafari (4,5%) batamom qirilib ketgan. Tadqiqot davomidagi kuzatuvlarda esa 8 turkum, 15 oilaga mansub 31 turdagi (70,5%) baliq qayd etildi.

Quyida Amudaryo ixtiofaunasi bo'yicha olib borilgan so'ngi tadqiqot ishlari, jumladan, B. Xaqberdiyev ma'lumotlariga ko'ra quyi Amudaryo suv havzalarida 36 turdagi baliq uchrashi qayd etilgan [22, 23], iqlimlashtirish ishlari natijasida daryo ixtiofaunasida turlar tarkibida o'zgarishlar yuz berdi [2, 18], bizning tadqiqot va kuzatuvlarimiz quyi Amudaryo suv havzalari ixtiofaunasi 44 turdagi baliqlardan iborat ekanligini ko'rsatmoqda. Mavjud valid turlarning 11 turi (25%; *A. brama*, *A. esocinus*, *B. sapa*, *G. lepidolaemus*, *G. cernua*, *L. idus*, *L. capito*, *N. oxianus*, *P. fluviatilis*, *S. aurata*, *S. erythrophthalmus*) tadqiqot davomida uchramadi, bu esa ushbu turlarning hozirgi holatini, ya'ni saqlanib qolganligi yoki yo'qligi, populyatsiyasini o'rganish kerak ekanligidan dalolat bersa, *C. gibelio*, *H. leucisculus*, *P. parva* va *Ch. argus* kabi iqlimlashtirilgan baliqlar asosiy dominant tur ekanligi aniqlandi.

Tadqiqot natijalarining e'tiborga molik tomoni shuki, hududda tarqalgan 44 ta baliq turi, O'zbekiston ixtiofaunasining tur tarkibini deyarli 60% dan ortig'ini tashkil etadi [18]. Hudud noyob turlarga boyligi jihatidan alohida ahamiyat kasb etsa-da, Orol dengizi suv sathining pasayishi, sho'rlanishi, daryo oqimining sun'iy ravishda boshqarilishi, suvning ifloslanishi, invaziv turlar va brakonerlik ishlari natijasida, Orol dengizi havzasi relik va endemik turlari hisoblangan *A. nudiventris* ning Orol dengizi populyatsiyasi va *S. trutta aralensis* yer yuzidan qirilib ketganligi aytiladi [9, 10].

Ayni vaqtda, quyi Amudaryo suv havzalarida uchrovchi 12 tur (27,3%) muhofazaga muhtoj turlar hisoblanib, O'zbekiston Qizil Kitobi kiritilgan. Umumiy holatda esa mintaqa ixtiofaunasidagi 32 tur TMXI kamayib ketish xavfi ostidagi turlar Qizil kitobining "Qirilib ketgan" (EX; 2 tur), "Butunlay yo'q bo'lib ketish arafasidagi turlar" (CR; 2 tur), "Zaif turlar" (VU; 5 tur), "Zaif holatga yaqin" (NT; 1 tur), "Kamayib ketish xavfi ostida" (LC; 18 tur) va "Yetarlicha ma'lumot mavjud bo'lmagan" (DD; 4 tur) turlar maqomi bilan ro'yxatga olingan [8, 10].

Ilgari Perciformes turkumiga mansub bo'lgan Gobiidae oilasi, hozirgi vaqtda alohida *Gobiiformes* turkumiga kiritilgan [1]. Bundan tashqari, oldin Cyprinidae oilasiga mansub bo'lgan Acheilognathidae, Gobionidae, Leuciscidae, Xenocyprididae kenja oilalari ham o'z navbatida hozirgi kunda alohida oila maqomiga ega bo'ldi. Leuciscidae oilasi vakillari tur soni bo'yicha (11 tur; 25,0%) eng katta oila hisoblansa, Xenocyprididae oilasining barcha vakillari (6 tur; 13,6%) iqlimlashtirilgan turlar bo'lib, asosiy ov ahamiyatiga ega turlar hisoblanadi (*H. leucisculus* mustasno). Baliq turlarini iqlimlashtirish ishlari havza ixtiofaunasiga o'z ta'sirini ko'rsatmay qolmagan, ayni vaqtda quyi Amudaryo suv havzalarida 16 turdagi iqlimlashtirilgan baliq uchraydi. Ko'pchilik invaziv turlarning ozuqaga raqobatdoshligi, suv harorati o'zgarishiga moslanishi, tuz miqdorining yuqoriligiga tolerantligi va ko'p nasl berishi ularning qolgan 28 turdagi mahalliy va endemik turlar populyatsiyasini siqib chiqarib, keng tarqalishiga sabab bo'lmoqda.

Xulosa. Amudaryo havzasi quyi oqimi ixtiofaunasi ayni vaqtda 44 turdagi baliq turlaridan iborat bo'lib, tadqiqot davomida ularning 31 nafari qayd etildi. Ixtiofaunada endemik va endemikorelik turlar muhim ahamiyat kasb etgani bois, muhofaza choralari kuchaytirish va ko'paytirish ishlarini ishlab chiqish mintaqa zoologiya fani oldida turgan muhim vazifalardan biri bo'lib qoladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Fricke, R., Eschmeyer, W. N. & Van der Laan, R. (eds) 2020. Eschmeyer's Catalog of Fishes: genera, species, references. Version 2020/11.
2. Kamilov G., Urchinov Z.U. Fish and fisheries in Uzbekistan under the impact of irrigated agriculture // Inland fisheries under the impact of irrigated agriculture: Central Asia. FAO Fisheries Circular, 1995, 894, 10-41.
3. Kottelat M. & Freyhof J. Handbook of European freshwater fishes. Berlin, Kottelat, Cornol & Freyhof, 2007. xiv + 646 pp.
4. Levin B.A., Simonov E.P., Ermakov O.A., Levina M.A., Interesova E.A. et al. Phylogeny and phylogeography of the roaches, genus *Rutilus* (Cyprinidae), at the Eastern part of its range as inferred from mtDNA analysis // Hydrobiologia, 2016, 788 (1), 33-46.

5. Nelson J.S., Grande T.C., Wilson M.V.H. Fishes of the World. 5th Edt. Hoboken, New Jersey, John Wiley & Sons, Inc., 2016. 745 pp.
6. O 'zbekiston Respublikasining Qizil kitobi, II jild: Hayvonlar; J.A. Azimov umumiy tahriri ostida. – T.: Chinor ENK. 2017, 106-126.
7. Salikov V.B., Birstein V.J. & Mayden R.L. The contemporary status of the two Amu Darya River shovelnose sturgeons, *Pseudoscaphirhynchus kaufmanni* and *P. hermanni* // The Sturgeon Quarterly, 1996, 4(3), 10-14.
8. Sheraliev B.M. Fish species of Uzbekistan needing protection // The Way of Science, 2015, 5, 28-30.
9. Sturgeon Specialist Group (1996). *Acipenser nudiiventris* Aral Sea stock. The IUCN Red List of Threatened Species 1996: e.T251A13048150.
10. The IUCN Red List of Threatened Species. (<https://www.iucnredlist.org/>)
11. Берг Л.С. Рыбы Туркестана. С. Петербург, 1905, 261 с.
12. Берг Л.С. Рыбы пресных вод СССР и сопредельных стран. Часть I, Москва-Ленинград, АН СССР, 1948, 1-466.
13. Берг Л.С. Рыбы пресных вод СССР и сопредельных стран. Часть II, Москва-Ленинград, АН СССР, 1949a, 467-926.
14. Берг Л.С. Рыбы пресных вод СССР и сопредельных стран. Часть III, Москва-Ленинград, АН СССР, 1949b, 927-1382.
15. Богданов М.Н. Очерки природы Хивинского оазиса и пустыни Кызылкум. - Ташкент, 1882, 155 с.
16. Кесслер, К.Ф. Рыбы, водящиеся и встречающиеся в Арало-каспийско-пантийской ихтиологической области. - Санкт-Петербург, «М. Стасюлевича», 1877, 360 с.
17. Мирабдуллаев И.М., Кузметов А.Р., Курбонов А.Р. Ўзбекистон балиқлари хилма-хиллиги. Тошкент, «Classic», 2020, 112 б.
18. Мирабдуллаев И.М., Муллабаев Н.Р. Ихтиофауна Узбекистана: таксономический состав и современное состояние // Узбекский биологический журнал, 2020, 5, 43-49.
19. Никольский Г.В. Рыбы Аральского моря. Москва, 1940, 216 с.
20. Северцов Н.А. Вертикальное и горизонтальное распределение Туркестанских животных // Известия Общества любителей естествознания, антропологии и этнографии. Т. 8, вып. 2. - Москва, 1873. – 157 с.
21. Тлеуов Р., Тлеубергенов Ш. Рыбы Каракалпакии. Нукус, «Каракалпакстан», 1974. 96 с.
22. Хакбердиев, Б. Ихтиофауна озер Хорезмской области. – Ташкент, 1971. 4-8 с.
23. Хакбердиев, Б. Экология рыб водоёмов среднего и нижнего течения реки Амударья в условиях антропогенного воздействия. – Ургенч, 1994, 159-167 с.

УЎК: 591.9: 595.7

ЗАРАФШОН ТОҒ ТИЗМАСИДА КОВРАК (FERULA KUHISTANICA)**ЭНТОМОФАУНАСИНИНГ ТУР ТАРКИБИ**

Э.Н. Абдуллаев, Ф.З. Халимов, Р.А. Ҳамзаев, М.Р. Раҳимов, У.Н. Усанов, Д. Алиев
Самарқанд давлат университети, Жиззах давлат педагогика институти

Аннотация. Мақолада Зарафшон тоғ тизмасининг турли қисмларида кўҳистон ковраги (*Ferula kuhistanica*) энтомофаунасининг тур таркиби таҳлил қилинган. Коврак билан боғланган ҳашаротларнинг 8 та туркум, 48 та оила ва 85 та авлодга мансуб 95 тури аниқланган. Коврак билан алоқалари тавсифига кўра энтомофауна 6 та экологик гуруҳга ажратилган. Зарафшон тоғ тизмаси турли қисмларида коврак энтомофаунасининг хилма-хиллиги қийёсий баҳоланган. Энг юқори хилма-хиллик Омонқўтон ва Ҳазрат Башир ҳудудларида, энг кам хилма-хиллик эса Айриқоя ва Сариктепасой ҳудудларида кузатилади.

Калим сўзлар: энтомофауна, Зарафшон тоғ тизмаси, биохилма-хиллик, кўҳистон ковраги, *Ferula kuhistanica*, фитофаглар, энтомофаглар, чанглаувчилар

Аннотация. В статье проанализирован видовой состав энтомофауны кухистанской ферулы (*Ferula kuhistanica*) в разных частях Зеравшанского хребта. Выявлено 95 видов насекомых относящихся к 85 родам, 48 семействам и 8 отрядам. По характеру взаимосвязей с ферулой энтомофауна разделена на 6 экологических групп. Проведен сравнительный анализ разнообразия энтомофауны в разных частях Зеравшанского хребта. Наибольшее разнообразие наблюдалось в регионах Аманкутан и Хазрат Башир, а наименьшее - в регионах Айрикойя и Сариктепасай.

Ключевые слова: энтомофауна, Зарафшанский хребет, биоразнообразие, ферула кухистанская, *Ferula kuhistanica*, фитофаги, энтомофаги, опылители

Abstract. The article analyzes the species composition of the entomofauna of the Kuhistan ferula (*Ferula kuhistanica*) in different parts of the Zarafshan Range. Revealed 95 species of insects belonging to 85 genera, 48 families and 8 orders. By the nature of the relationship with the ferula, the entomofauna is divided into 6 ecological groups. A comparative analysis of the diversity of the entomofauna in different parts of the Zeravshan Range has been carried out. The greatest diversity was observed in the Amankutan and Hazrat Bashir regions, and the least in the Ayrikoya and Sariktepasai regions.

Key words: Entomofauna, Zarafshan range, biodiversity, *Ferula kuhistanica*, phytophages, entomophages, pollinators

Кириш. Маълумки, Ўзбекистон доривор ўсимликларга бой бўлиб, қадимдан уларга қизиқиш юқори бўлган. Юртимизда илмий тиббиёт ва халқ табобатида доривор сифатида қайд этилган ўсимликлардан 750 тури ўсади. Буларнинг орасида энг кўпи (57 туркумга мансуб 119 тур) зирадошлар (Ariaceae) оиласига мансуб. Ҳозирги кунда бу ўсимликларни саноат миқёсида етиштириш, табиий заҳираларини аниқлаш ва уларнинг сонига таъсир қиладиган омилларни ўрганиш муҳим ҳисобланади [1].

Зарафшон тизмасида кенг тарқалган қимматли доривор ўсимликларга коврак (*Ferula*) туркуми вакиллари мисол бўлади. Зарафшон тизмасида ушбу туркум вакилларида 15 тури тарқалганлиги, улардан 9 тури монокарп (хаёти давомида бир марта гуллаб мева берадиган) эканлиги аниқланган [2]. Ана шундай монокарп турлардан бири Ўрта Осиё тоғларида энг кенг тарқалган кўҳистон ковраги (*Ferula kuhistanica Korovin*) дир. Кўҳистон ковраги кўп йиллик, йирик баргли ва 2 метрга етадиган гулпояли ўт бўлиб, қимматли озиқ-овқат, ем-хашак ва доривор ўсимлик ҳисобланади. Шунинг учун, йилдан-йилга, ушбу ўсимлик хом-ашёсига бўлган талаб ошиб бормоқда. Бу эса ўсимликнинг ботаник хусусиятларини ўрганиш, унинг табиий заҳираларини муҳофаза қилиш бўйича тадқиқотларнинг кучайишига сабаб бўлмоқда [3].

Аммо коврак туркуми турлари, айниқса, кўҳистон коврагининг кенг тарқалганлиги ва муҳим аҳамиятга эга эканлигига қарамай, унинг энтомофаунаси етарлича ўрганилмаган. Адабиётлардаги маълумотлар ушбу масалани тўлиғича ёрита олмайди. Мавжуд маълумотлар, асосан, Ўрта Осиёнинг чўл худудлари учун тегишлидир. Жумладан, сассиқ ковракда (*Ferula assa-foetida*) Конимех чўлида 10 турга мансуб [4], Бетпоқдала шароитида эса 11 тур хашаротлар учраши аниқлаган [5].

Жануби-Ғарбий Қизилқумда коврак туркуми вакилларида сассиқ коврак ва қизилқум ковраги билан боғлиқ хашаротлар А.Г.Давлетшина ва М.А.Радзивиловскаялар томонидан махсус ўрганилган ва бу ўсимликларда 50 дан зиёд хашаротларнинг яшаши ва озиқланиши қайд этилган [6]. Шимолий Туркманистон чўлларида Литвинов ковраги (*Ferula litwinowiana*) энтомокомплекслари О.С.Союнов томонидан ўрганилган [7]. О.Н.Авалбаев ва ҳаммуаллифлари Айдар-Арнасой кўллар тизими худудида тарқалган ковракларнинг асосий зараркуналарида бири сифатида коврак мўйловдорини (*Placaederus scapularis*) кўрсатадилар [8].

Материал ва методлар. Тадқиқотлар 2017-2019 йиллар давомида Зарафшон тизмасининг турлича баландликдаги 10 та жойида олиб борилди: Қумбелсой (денгиз сатҳидан баландлиги 1400-1800 м), Саридўқон довони (2300-2600 м), Камонгаронсой (1500-2000 м), Сариктепасой (1400-1900 м), Етгуйлисой (1100-1300 м); Тахтақорача довони (1700-2000 м); Омонқўтон (1400-1500 м), Айриқоя (1400-2000 м) қишлоғи, Оҳалиқсой (1000-1900 м) (тоғ тизмасининг шимолий ёнбағри) ва Ҳазрати Башир (1000-1200 м) (тоғ тизмасининг жанубий ёнбағри).

Вояга етган хашаротлар умумэнтомологик услубларда, йирикрок ва кам ҳаракат хашаротлар қўлда, чаққон, тез учар хашаротлар энтомологик матраб ва майда хашаротлар эксгаустер ёрдамида терилди. Уларни йиғиш давомида алоҳида аҳамиятга эга турларнинг ҳаёт тарзи, хатти-ҳаракати ўрганилди. Турли хил гуруҳга мансуб хашаротларнинг ковракни чанглатишдаги аҳамиятини ўрганиш учун учта худудда куннинг уч хил вақтида – эрталабки соат 9-00, 12-00 ва 17-00 да 30 дақиқа давомида тўпгулда бўлган ва унга учиб келган барча хашаротлар тутилиб, уларнинг миқдори ўрганилди.

Натижалар ва уларнинг муҳокамаси.

Икки вегетацион мавсум давомида коврак билан маълум даражада боғлиқ бўлган хашаротлар 95 турни ташкил этди (1-жадвал). Бу хашаротларни коврак билан алоқаларига кўра шартли равишда 6 та гуруҳларга ажратилди. Улардан тўрттаси (илдиз ва поя, барглар, гул, уруғлар билан озиқланувчилар) фитофаглардан иборат. Бешинчи гуруҳ – чанглатувчилар бўлиб, булар жумласига гул ва барглар билан озиқланувчи, лекин келтирадиган зарари нисбатан кам бўлган фитофаглар ҳам киради [9]. Олтинчи гуруҳ – энтомофаглар, гарчи коврак билан доимий муносабатда бўлмасаларда улар деярли барча стацияларда ва кўпчилиги коврак тупларида учраганлиги туфайли уларни алоҳида қайд этишни лозим деб ҳисобладик.

Жадвалдан кўриниб турибдики, 95 тур хашарот кўҳистон ковраги билан экологик боғланган бўлиб, улар 8 туркум вакилларида: Tysanoptera (1 тур), Neuroptera (3 тур), Homoptera (1 тур), Hemiptera (17 тур), Coleoptera (36 тур), Lepidoptera (5 тур), Hymenoptera (14 тур) va Diptera (18 тур).

1-жадвал

Кўҳистон ковраги энтомофаунасининг тур таркиби

Туркум	Оила	Турнинг номи
Илдиз ва поя билан озиқланувчи фитофаглар		
Hemiptera	Pentatomidae	<i>Carpocoris purpureipennis</i> (De Geer, 1773)
Tysanoptera	Thripidae	<i>Tenothrips frici</i> Uzel, 1895
Coleoptera	Scarabaeidae	<i>Protaetia (Netocia) turkestanica</i> (Kraatz, 1886)
	Buprestidae	<i>Anthaxia anatolica lucidiceps</i> Gory 1841
		<i>Anthaxia plavilischikovi</i> Obenb. 1935

	Cerambycidae	<i>Plocaederus scapularis</i> Fischer, 1821
	Curculionidae	<i>Cyphocleonus tigrinus</i> (Panzer, 1789) <i>Mecaspis alternans</i> (Herbst, 1795) <i>Lixus capiomonti</i> Faust, 1883
Барг билан озикланувчи фитофаглар		
Hemiptera	Aphididae	<i>Dysaphis</i> sp.
Hemiptera	Pentatomidae	<i>Anthemina lunulata</i> (Goeze, 1778)
		<i>Dolycoris penicillatus</i> Horvath, 1904
		<i>Dolycoris varicornis montandoni</i> Sienkiewicz, 1954
	Miridae	<i>Dicyphus orientalis</i> Reuter, 1879
		<i>Orthops campestris</i> (Linnaeus, 1758)
	Tingitidae	<i>Tingis cardui</i> Linnaeus, 1758
Myodochidae	<i>Lygaeus equestris</i> (Linnaeus, 1758)	
Coreidae	<i>Coreus</i> sp.	
Coleoptera	Crysolmelidae	<i>Ichyonota conicicollis</i> Weise, 1890
Lepidoptera	Nymphalidae	<i>Melitaea acareina</i> Staudinger, 1886
	Noctuidae	<i>Autographa gamma</i> (Linnaeus, 1758)
Гул билан озикланувчи фитофаглар		
Hemiptera	Pentatomidae	<i>Grafosoma lineolatum</i> (Linnaeus, 1758)
Coleoptera	Scarabaeidae	<i>Oxythyrea cinctella</i> (Schaum, 1841)
		<i>Cetonia trojana</i> Gory & Percheron, 1833
	Staphilinidae	<i>Omalium rivulare</i> (Payk., 1789)
		<i>Stenus</i> sp.
	Nitidulidae	<i>Meligethes</i> sp.
	Meloidae	<i>Mylabris frolovi</i> Germar, 1824
		<i>Mylabris magnoguttata</i> (Heyden, 1881)
		<i>Meloe violaceus</i> Marsham, 1802
		<i>Teratolytta pilosella</i> (Solsky, 1881)
		<i>Cerocoma schreberi</i> (Fabricius, 1781)
		<i>Rhampholyssa antennata</i> Reitter, 1906
		<i>Alosimus syriacus</i> (Linnaeus, 1758)
	Alleculidae	<i>Omophlus curtus</i> Kuster, 1850
		<i>Omophlus deserticola</i> (Kirsch, 1869)
Mordellidae	<i>Mordella aculeata</i> Linnaeus, 1758	
Prionoceridae	<i>Lobonyx</i> sp.	
Cerambycidae	<i>Agapanthia soror</i> Kraatz, 1882	
Elateridae	<i>Lacon funebris</i> (Solsky, 1881)	
Уруғ билан озикланувчи фитофаглар		
Hemiptera	Myodochidae	<i>Ryparochromus quadratus</i> (Fabricius, 1798)
	Coreidae	<i>Camptopus lateralis</i> (Germar, 1817)
Чанглатувчилар		
Coleoptera	Cantharididae	43. <i>Cantharis forticornis</i> Heyden, 1885
		<i>Cantharis livida</i> Linnaeus, 1758
	Dermestidae	<i>Paranovelsis quadricolor</i> (Sumakov, 1907)
		<i>Attagenus pictus</i> Ballion, 1871
Cleridae	<i>Trichodes axillaris</i> Fischer de Waldheim, 1842	
Melyridae	<i>Malachius bipustulatus</i> (Linnaeus, 1758)	
Lepidoptera	Lycaenidae	<i>Tomares callimachus</i> (Eversmann, 1848)
	Nymphalidae	<i>Argynnis paphia</i> (Linnaeus, 1758) <i>Satyris</i> sp.
Hymenoptera	Crabronidae	<i>Crabro albilabris</i> Fabricius, 1793
		<i>Ectemnius fossorius</i> (Linnaeus, 1758)
	Andrenidae	<i>Andrena carbonaria</i> (Linnaeus, 1767)
		<i>Andrena</i> sp.
	Megachilidae	<i>Megachile apicalis</i> Spinola 1808
		<i>Anthidium</i> sp. <i>Coelioxys</i> sp.
	Pompilidae	<i>Agenioideus apicalis</i> (Vander Linden, 1827)
	Vespidae	<i>Polistes dominula</i> (Christ, 1791)
Apidae	<i>Anthophora semperi</i> Fedtschenko 1875	
Halictidae	<i>Halictus</i> sp.	
Diptera	Syrphidae	<i>Eupeodes corollae</i> (Fabricius, 1794)
		<i>Scaeva albomaculata</i> (Macquart, 1842)

		<i>Sphaerophoria scripta</i> (Linnaeus, 1758)
		<i>Sphaerophoria rueppellii</i> (Wiedemann, 1830)
		<i>Episyrphus balteatus</i> (De Geer, 1776)
		<i>Eristalinus aeneus</i> (Scopoli, 1763)
		<i>Eristalis arbustorum</i> (Linnaeus, 1758)
		<i>Eristalis tenax</i> (Linnaeus, 1758)
		<i>Syritta pipiens</i> (Linnaeus, 1758)
		<i>Merodon turkestanicus</i> Paramonov, 1927
		<i>Eumerus kondarensis</i> Stackelberg, 1952
		<i>Chrysogaster musatovi</i> Stackelberg, 1952
		<i>Lejogaster tarsata</i> Meigen, 1822
		<i>Cheilosia aerea</i> Dufour, 1848
	Bibionidae	<i>Bibio hortulanus</i> (Linnaeus, 1758)
	Scatophagidae	<i>Scatophaga stercoraria</i> Linnaeus, 1758
	Calliphoridae	<i>Calliphora erythrocephala</i> Macquart, 1834
Энтомофаглар		
Hemiptera	Anthocoridae	<i>Orius niger</i> Wolff, 1841
	Nabidae	<i>Nabis maracandicus</i> Reuter, 1890
		<i>Nabis palifer</i> Seidenstucker, 1954
	Reduviidae	<i>Rhynocoris iracundus</i> (Poda, 1761)
<i>Coranus aegyptius</i> (Fabricius, 1775)		
Neuroptera	Ascalaphidae	<i>Ascalaphus macaronius</i> (Scopoli, 1763)
	Chrysopidae	<i>Chrysopa vulgaris</i> Schneider, 1851
		<i>Chrysopa abbreviate</i> Curtis, 1834
Coleoptera	Coccinellidae	<i>Coccinella septempunctata</i> Linnaeus, 1758
		<i>Hippodamia variageta</i> (Goeze, 1777)
		<i>Adalia bipunctata</i> (Linnaeus, 1758)
	Carabidae	<i>Poecilus liosomus</i> Chaudoir, 1876
Hymenoptera	Braconidae	<i>Microplitis spinolae</i> (Nees, 1834)
	Ichneumonidae	<i>Ophion luteus</i> (Linnaeus, 1758)
	Sphecidae	<i>Sphex</i> sp.
Diptera	Asilidae	<i>Satanas gigas</i> (Eversmann, 1855)

Ковракнинг илдизи ва пояси билан яримқаттиққанотлилар, қаттиққанотлилар ва трипслар озиқланади. Булар орасида қаттиқанотлилар сони ва зарар келтириш ҳажми жиҳатидан алоҳида аҳамиятга эга. Коврак илдизи ва пояларига қўнғизлардан энг кўп зарарни узунбурунлар (*Curculionidae*) оиласи вакили *Lixus capiomonti* келтиради. Бу қўнғизнинг личинкалари ковракнинг ёш поялари ичида, вояга етган қўнғизлар эса гулпоя шираси ва гулкўрғон билан озиқланади. Май-июнь ойларида турли нуқталардан йиғилган 40 туп ўсимлик поялари ёриб текширилганда, уларнинг 20% ушбу қўнғиз личинкалари билан зарарлангани аниқланди. Баъзи туп ўсимликларда 10-15 донагача личинкалар, гулпояларда эса, ўртача 3-4 та узунбурун қўнғизни топиш мумкин. Қўнғизларнинг учиши турли баландлик минтақаларида турлича муддатларда кузатилади. Масалан, Оҳаликсой ва Еттиуйлисойда (баландлик 1000-1300 м) майнинг биринчи декадасида, Саридўқон довоида (2300-2600 м) майнинг охири декадасида кузатилди.

Фитофаглар орасида мўйловдорлар (*Cerambycidae*) оиласи вакили коврак мўйловдори (*Plocaederus scapularis*) нинг аҳамияти ҳам анча каттадир. Бу қўнғиз кўҳистон ковраги тарқалган деярли барча тадқиқот ҳудудларида қайд қилинди. Еттиуйлисойда бу қўнғизлар об-ҳавога боғлиқ ҳолда апрелнинг охири ва майнинг бошларида учиб чиқади. Саридўқон довоида уларнинг учиши бироз кечроқ июннинг бошларида кузатилади. Бу ҳолат ушбу қўнғиз ривожланишининг коврак вегетацияси билан тўлиқ боғлиқлигини кўрсатади. Қўнғизлар қўшимча озиқа манбаи сифатида, асосан, коврак гулларини ейишади, лекин ковракдан ташқари бошқа йирик гулли ўсимликлар, масалан, андизда ҳам озиқланиши кузатилди. Қўшимча озиқланишдан сўнг, урғочи қўнғизлар йирикрок ковракларнинг илдиз бўғзидаги баргларида яқка-яқка қилиб тухум қўйишади. Тухумдан чикқан личинкалар барг бандини кемириб озиқланади. Оҳаликсой, Еттиуйлисой ва Камонгаронсойда 10-15% коврак поялари мўйловдор қўнғиз личинкалари билан зарарланган, лекин битта ўсимликдаги личинкалар сони узунбурун личинкалари сонига нисбатан анча камлиги қайд этилди. Поя ва илдизга зарар етказадиган бошқа фитофагларнинг сони ва етказадиган зарари сезиларли эмас.

Коврак фитофаглари комплексида барг истеъмол қиладиган ҳашаротлар ҳам турларининг кўплиги ва етказадиган зарарининг катталиги билан ажралиб туради. Жадвалда кўрсатилган баргхўр фитофаглар орасида сўрувчи зараркунандалар Hemiptera ва Homoptera туркумлари вакиллари бўлса, кемирувчи зараркунандалар Coleoptera ва Lepidoptera туркумлари вакиллари дидир. Homoptera туркумига кирувчи битта тур (*Dysaphis* sp.) аниқланди, бу ширанинг бир нечта колониялари Сариктепасой,

Камонгаронсой ва Кумбелсойда майнинг бошида қайд этилди. Умуман, бу фитофагнинг аҳамияти жуда кам. Адабиётларда ҳам бу авлод вакиллари коврак туркуми турларида учраши қайд этилган [10].

8 турдан иборат қандалаларни (*Dolycoris variicornis*, *D. penicillatus*, *Anthemina lunulata*, *Dicyphus orientalis*, *Orthrops campestris*, *Tingis cardius*, *Lygaeus equestris*, *Coreus sp.*) ковракда мартнинг охиридан июннинг охиригача учратиш мумкин. Фикримизча, буларнинг орасида *Dolycoris variicornis* нисбатан муҳимроқ аҳамиятга эга. Бу тур кўпроқ ғалладошлар билан трофик боғланган бўлишига қарамасдан ковракнинг баргларида ҳам озиқланишини кўп марта кузатилди. Коврак баргларида тангачақанотлилар туркумига мансуб 2 та тур (*Melitaea acareina* ва *Autographa gamma*) озиқланади.

Коврак тўпгули билан трофик боғланган ҳашаротлар фаунаси хилма-хил турлардан иборат. Бу турлар коврак тўпгулидаги гулчаларнинг гулкўрғони, чангчилари ёки уруғчиларига маълум даражада зарар етказиши мумкин. Бу экологик гуруҳга Hemiptera, Coleoptera va Lepidoptera туркумлари вакиллари киради (1-жадвал). Коврак гулларига зарар етказадиган турларнинг кўпчилиги кўнғизлардан иборат. Кейинги ўринларда капалак личинкалари ва қандалалар туради. Еттиуйлисой, Омонқўтон ва Оҳаликсойда қандалалардан йўл-йўл графозома (*Graphosoma lineolatum*) зирадошлар оиласига мансуб ўсимликларнинг гулларида, шу жумладан ковракда ҳам тез-тез учрайди. Битта тўпгулда қандалалар сони 4-5 та бўлганда гулчаларнинг сезиларли зарарланиши кузатилади. Лекин кузатишларимизда қандалаларнинг битта тўпгулдаги ўртача сони 1-1,5 тани ташкил этди. Тоғнинг баландроқ минтақаларида қандаланинг миқдори камайиб боради, денгиз сатҳидан 2000-2600 метр баландлик минтақаларидаги (Саридўқон довони) коврак ўсимликларида ушбу қандалалар топилмади.

Генератив органларга зарар етказадиган турларнинг кўпчилигини қаттиққанотлилар ташкил этади. Бу туркум ҳашаротлари ичида пластинкамўйловлилар оиласи вакили ҳисобланган ҳошияли бронза кўнғизи (*Oxythera cinctella*) текслик ва тоғ зоналарида кўп миқдорда учрайди. Маълумки, кўпчилик гулкўр (антофил) ҳашаротлар, бир томондан, гулнинг чангчилари ва уруғчиларининг бир қисмини истеъмол қилиб зарар етказса, бошқа томондан, чангганишда қатнашиб, фойда келтиради. Аммо ҳошияли бронза кўнғизи гул қисмларини тўлиқ еб қўйиши ва гул ширасини узоқ вақт давомида сўриб туриши билан жиддий зарар етказиши мумкин. Бу ҳашарот озиқланган гуллар чангланмайди ва уруғ ҳосил қилмайди. Кузатишларимизда бу кўнғизнинг сони битта тўпгулда 1-2 тадан ошмади.

Фитофаг қаттиққанотлилар орасида малҳамчилар (Meloidae) оиласи вакиллари билан *Mylabris frolovi*, *Mylabris magnogutta*, *Cerasoma schreberi* ва бошқа турлар кўҳистон коврагининг гули билан озиқланади. Улар Зарафшон тизмасининг энг юқори қисмлари (Саридўқон довони) дан ташқари ҳамма ҳудудларда кенг тарқалган. Бу турлар апрелнинг иккинчи ярмидан (Еттиуйлисой, Ҳазрати Башир) июлнинг охиригача (Омонқўтон, Оҳаликсой, Айриқоя) учрайди. Ўтлоқларда бу ҳашаротларнинг энг кўп учрайдиган вақти май ойида кузатилади. Лекин 2019-йил баҳорининг салқин, серёғин келиши натижасида бу кўнғизларнинг миқдори июлнинг ўртасигача камайди (Айриқоя, Тахтақорача довони). Коврак гуллаши тугагач, бу кўнғизлар йирик гулли бошқа ўсимликлар, масалан, нор ширач (*Erumurus regeli*) тўпгулларида кўчиб, кучли зарар етказиши мумкин.

Коврак гуллари билан трофик боғланган ҳашаротлар комплексида *Mordella aculata* L. (Tenebrionidae катта оиласи, Mordellidae оиласи) энг муҳим аҳамиятга эга турлардан биридир. Тоғларнинг пастки қисмларида (Еттиуйлисой, Ҳазрати башир, Оҳаликсойнинг пастки қисми) кўнғизлар апрелнинг иккинчи ярмидан майнинг ўрталаригача кўп учрайди. Аммо тоғларнинг юқори минтақаларида (Саридўқон довони, Сариктепасой) бу кўнғизларни майнинг иккинчи ярмидан бошлаб, бутун июнь ойи давомида ҳам учратиш мумкин. Букри кўнғизларнинг бу тури кўҳистон коврагида тез-тез ва кўп миқдорда учрайди. Битта тўпгулдаги букри кўнғизларнинг миқдори коврак ўсимлигининг қайси баландлик минтақасида ўсиши билан чамбарчас боғлиқ. Биз кўҳистон коврагида букри кўнғиз миқдорининг ўзгаришига қараб тоғнинг баландлик минтақаларини учга бўлдик. Булар букри кўнғиз энг кўп учрайдиган, кўп учрайдиган ва кам учрайдиган минтақалар. Биринчи минтақа, яъни букри кўнғизлар энг кўп учрайдиган минтақа Зарафшон тоғ тизмасининг денгиз сатҳидан 1100-1300 м баландликдаги қисмини (Еттиуйлисой, Оҳаликсой, Ҳазрати Башир) ўз ичига олади. Букри кўнғизлар тоғнинг 1300-1700 метр баландликдаги минтақасида (Оҳаликсойнинг юқори қисми, Сариктепасой, Кумбелсой, Омонқўтон) кўп учрайди. Зарафшон тизмаси энг баланд минтақаларида (Саридўқон довони 2300-2600) букри кўнғизларнинг кам учраши қайд этилди. Фикримизча, бу ҳолат кўҳистон ковраги гуллаш муддатларининг букри кўнғиз ривожланиш босқичлари билан мос келишига боғлиқ.

Маълумки, кўпчилик ўсимликларнинг мева ҳосил қилиши четдан чангганишни таъминлайдиган ҳашаротларга боғлиқ. Тадқиқотларимиз натижаларига кўра кўҳистон коврагинининг тўлақонли чанглатувчиси сифатида қаттиққанотлилар (6-16 тур), пардақанотлилар (11 тур) ва иккиқанотлилар (14 тур) хизмат қилади.

Қаттиққанотлилар туркумига мансуб чанглатувчилардан кўҳистон коврагида юмшоқтанлилар (Cantharidae) оиласининг икки вакили: *Cantharis forticornis* ва *C. livida* учрайди. Ҳар иккала турни коврак гулларида майдан июлгача учратиш мумкин. Бу кўнғизлар анчагина самарали чанглатувчилар

ҳисобланади. Лекин, улар ўсимлик чангидан ташқари кичик ҳашаротлар билан ҳам озиқланади. Кўҳистон коврагидан ташқари юмшоқтанлиларни бошқа ўтларда ҳамда мевали дарахтларда учратиш мумкин.

Кўҳистон коврагида тез-тез ва кўп миқдорда учрайдиган ҳақиқий чанглатувчилар сафига терихўр кўнғизлар (Dermestidae) оиласи вакиллари киритиш мумкин. Тадқиқотларимиз давомида йиғилган намуналарда бу оиланинг *Pradonema quadricolor* ва *Attagenus pistus* турлари учради.

Ушбу ҳудудларда кенг тарқалган турлардан яна бири *Trichodes axillaris* (арикўнғиз) нинг ҳам коврак билан боғлиқ эканлиги аниқланди. Бу кўнғиз Cleridae (олачипорлар) оиласига мансуб бўлиб, зирадошлар, мураккабгулдош ва карамдошларнинг гулларида тез-тез учрайди. *T.axillaris* ни ўсимликларда деярли бутун вегетация давомида топиш мумкин.

Meliridae оиласи вакиллари, масалан, *Malachinus bipustulatus* тоғларнинг пастки минтақаларида (Еттиуйлисой, Оҳаликсой, Ҳазрати Башир, Камонгаронсойнинг пастки минтақалари) баҳорда (апрелнинг иккинчи ярмидан майнинг охиригача) тез-тез учрайди. Бу кўнғизлар қисман зоофаг бўлишига қарамасдан ўт ўсимликлар, шу жумладан, кўҳистон коврагининг тўпгулидаги чанг доналари билан озиқланади.

Пардақанотлилар гулли ўсимликларнинг энг муҳим чанглатувчилари ҳисобланади. Тадқиқот ҳудудларида Crabronidae -кум бингаклар оиласи вакиллари, масалан, *Crabro albilabris*, *Ectemnius fossorius* каби турлар бир қатор ўсимликларнинг, шу жумладан кўҳистон коврагининг чангланишида муҳим аҳамиятга эга. Гуллардаги нектар ва чангдан ташқари бу бингаклар ўсимлик битлари ишлаб чиқарган шира билан ҳам озиқланади. Еттиуйлисойда бу ҳашаротлар эрта баҳорда учиб чиқади. Уларни бутун вегетацион мавсум давомида учратиш мумкин.

Тадқиқотларда Andrenidae – ер арилар оиласи вакилларида иккита тур (*Andrena carbonaria*, *Andrena sp.*) қайд қилинди. Ушбу ариларнинг фаолияти натижасида Зарафшон тизмасининг тоғ ва тоғолди ҳудудлардаги жуда кўплаб ўсимликлар чангланади. Шу билан бирга бу ариларнинг фойдали фаолияти ёндош ҳудудлардаги сабзавот, полиз ва техник экинлар, мевали боғларда ҳам сезилари бўлади [11]. Тадқиқотларимиз давомида *Andrena carbonaria* кўҳистон коврагидан ташқари гулпор (*Heracleum*) дан ҳам тутилди.

Кўҳистон коврагида Megachilidae оиласидан *Megachile apicalis* ва *Coelioxys sp.* ларни ҳам учратиш мумкин. Кўпгина ўсимликларнинг мослашган чанглатувчилари бўлганлиги туфайли ҳозирда бу оила ариларини суний шароитда кўпайтириб, экин майдонларига тарқатиш амалиёти ишлаб чиқилган [12].

Anthophora semperi (Apidae оиласи) ва *Halictus sp.* (Halictidae оиласи) турлари барча тадқиқот ўтказган ҳудудларда (Зарафшон тизмасининг барча қисмида) кўҳистон коврагининг самарали чанглатувчилари ҳисобланади.

Йўл ариларидан *Pompilus apicalis* кўҳистон коврагига тез-тез кўниб туради. Лекин бу турнинг мақсади фақат нектар билан озиқланиш бўлиб қолмай, балки тўпгулдаги баъзи ҳашаротларни тутиб, личинкалари учун озиқ захираси йиғиш ҳамдир. Кўҳистон коврагида ана шундай ҳаёт тарзига эга турлардан яна Vespidae оиласи вакили *Polistes dominuta* учрайди. У ҳам вояга етган вақтда коврак каби ўсимликлар гулларида нектар ва шира билан озиқланиб, личинкаларини тангачақанотлиларнинг куртлари билан боқади.

Юқорида қайд этилган ҳашаротлардан ташқари кўҳистон коврагида Hemiptera; Coleoptera; Neuroptera ва Diptera туркумларига мансуб фойдали энтомофаглар ҳам учраб туради. Шулардан бири *Orius niger* (Anthocoridae оиласи) қандаласи полифаг йиртқич ҳисобланади. *Orius niger* нинг имаголари ковракнинг барглари ҳамда тўпгулида бир неча марта қайд этилди.

Nabis taqacandicus ва *Nabis palifer* (Nabidae - овчи қандалалар оиласи) унча катта бўлмаган йиртқичлар бўлиб, ковракнинг барглари ва тўпгулида секин ҳаракат қилиб юради. Улар трипслар, бошқа қандалаларнинг личинкалари, кўнғизларнинг личинкалари ва капалак куртлари, ширалар ҳамда ҳашаротларнинг тухумларига ҳужум қилади. Зарафшон тизмасининг хар хил ўтлоқли биоценозларида локал тарқалган.

Йирик йиртқич қандалалардан *Rynocoris iracundus* ва *Coranus aegyptius* (хар иккаласи Reduviidae оиласидан) лар кўҳистон коврагида бир неча марта қайд этилди. Кўҳистон коврагида учрайдиган йиртқич ҳашаротлар ичида *Coccinella septempunctata*, *Hippodamia variegata* ва *Adalia bipunctata* каби хонқизи кўнғизлари алоҳида аҳамиятга эга. Булар ковракдаги турли майда фитофаглар билан озиқланиб, ковракнинг биологик маҳсулдорлигини сақлаб қолишда муҳим роль ўйнайди.

Коврақда тўрқанотлилар (Neuroptera) туркуми вакилларида *Ascalaphus macaronius* (Ascalapidae оиласи), *Crysopa vulgaris* ва *Chrysopa abbreviata* (Chrysopidae оиласи) турлари учрайди. Бу ҳашаротларнинг вояга етган вакиллари кечки ёки тунги ҳашаротлар бўлиб, гул чанги, нектари ва шираси билан озиқланишдан ташқари, каналар, ўсимлик битлари ва бошқа кичик ҳашаротларга ҳужум қилади [13]. Айниқса, бу ҳашаротларнинг личинкалари коврак тўпгулида тез-тез учрайди.

Microplitis spinolae каби браконидлар турли туман ҳашаротларнинг, биринчи навбатда, фитофагларнинг самарали эндопаразитлари ҳисобланади. Ковракда бу яйдоқчиларни июнь ойида учратиш мумкин.

Сарик офийон (*Ophion luteus*) Ichneumonidae оиласига кирувчи яйдоқчи бўлиб, личинкалари худди юқоридаги тур каби эндопаразит ҳисобланади. Вояга етган вакиллари кўҳистон коврагининг тўшгулида кўшимча озикланишини кўриш мумкин. Гул чанги ва нектаридан ташқари, ўлжанинг гемолимфаси билан ҳам озикланади. Кўҳистон коврагида озикланадиган капалак личинкалари сонини қисқартириши билан аҳамиятга эга.

Ҳар бир худуддаги кўҳистон ковраги энтомофаунасининг тур таркиби ўша биоценозларнинг ўзига хослигини очиқ беради. Кўҳистон ковраги энтомофаунасининг таркиби турли худудларда, уларнинг ўсимлик таркиби ҳамда баландлик минтақасига мос равишда ўзгариб боради (2-жадвал).

2-жадвал

Зарафшон тизмаси турли худудларда кўҳистон ковраги энтомофаунасининг хилма-хиллиги

Энтомокомплекснинг асосий компонентлари		Барча худудлар	Кумбелсой	Саридўкон довори	Камонгаронсой	Сариктепасой	Етгулсой	Тахтакорача довори	Омонқўтон	Айриқоя	Охалиқсой	Ҳазрати Башир
Фитофаглар	Илдиз ва поя	9	5	2	5	2	3	6	7	7	4	7
	Барг	12	3	7	4	3	6	8	10	8	10	7
	Гул	19	12	15	14	11	12	16	17	6	14	17
	Уруғ	2	1	2	2	2	-	2	2	1	1	2
Чанглатувчи		37	13	26	16	11	16	18	26	9	18	27
Энтомофаг		16	6	9	5	5	5	6	9	4	4	9
Жами турлар		95	40	61	46	34	42	56	71	35	51	69
Нисбий турлар бойлиги %		100	42	64	48	36	44	59	75	37	54	73

Турларнинг хилма-хиллиги жиҳатдан ўртача баландликда жойлашган Омонқўтон ва Ҳазрати Башир қишлоқлари биоценозлари бошқалардан ажралиб туради. Ушбу худудларда намликнинг бутун мавсум давомида етарли бўлиши бунинг биринчи сабаби бўлса, иккинчи сабаб бу худудларнинг ўртача баландликда жойлашганлиги уларда ҳам юқори ҳам пастки минтақа шароитига маслашган ҳашаротларнинг яшашига имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Belolipov I.V., Arabova N.Z., Ravshanov D.G., Buriyeva Kh.P. Natural flora of Uzbekistan as sources for new medicinal products-botanical nutraceuticals//Международный академический вестник № 3 (9), 2015. P. 9-11
2. Хакимжонов Л.С., Мукумов И.У., Расулова З.А. Род *Ferula* L. во флоре Зарафшанского хребта// Международный научный журнал «Вестник науки» № 3 (24) Т.1. 2020. С. 111-116
3. Мукумов И.У., Амридинова Д.Ж., Хўжакулов Д. Род *Ferula* (L.) во флоре Кашкадарьинской области//Международный научный журнал «Вестник науки», № 1 (22), Т.2. 2020. С. 275-284.
4. Невский В.П. Энтомофауна Кенимехской пустыни//Труды Института зоологии и паразитологии АН УзССР. 1953
5. Серкова Л.Г. Насекомые – вредители трав Бетпақдалинских пастбищ//Труды Казахского Института защиты растений. Т 4. 1958.
6. Давлетшина А.Г., Радзивилова М.А. Энтомофауна каврака//Узбекский биологический журнал, 1965. № 1. С. 57-62.
7. Союнов О.С., Камалов К.К., Джаллыева К.Р. Энтомокомплекс на чомуче (*Ferula litwinowiana*) в Заунгузких Каракумах//Энтомокомплексы пустынь Северного Туркменистана. Ашхабад, 1988. С. 46-56
8. Авалбаев О.Н., Усанов У.Н., Умиров Н.У., Зоирова К.А. Айдар-Арнасой кўллар тизими атрофида тарқалган *Ferula* L. туркуми турларининг зараркунандаси//Life Sciences and Agriculture 2.1, 2020. 24-27 б.
9. Фенгри К., ван дер Пейл Л. Основы экологии опыления. М.: Мир, 1982. 380 с.
10. Кадырбеков Р.Х. Тли (Homoptera, Aphididae) национального парка «Алтынэмел», Казахстан//Евразийский энтомологический журнал, 2014. 13(2): С. 99-114
11. Давлетшина А.Г. Пчелиные арчевой зоны северного склона Туркестанского хребта и их значение в опылении растительности//Труды института зоологии и паразитологии АН УзССР. 1953. № 1. С. 83-90.
12. Радченко В.Г., Песенко Ю.А. Биология пчел (Hymenoptera, Apoidea). СПб.: Зоологический институт РАН. 1994. 350 с
13. Даминова Д.Б. Златоглазки (Neuroptera, Chrysopidae) Узбекистана//Международная научно-практическая конференция «Охрана природной среды и эколого-биологическое образование», Елабуга, 2015 С. 108-112.

Candaharia rutellum НИНГ БИОЛОГИЯСИ ВА ҲАЁТ ЦИКЛИ**С.Ш.Абдурашулова, таянч докторант, ГулДУ, Гулистон****Р.Ш.Базарова, катта ўқитувчи, ГулДУ, Гулистон**

Аннотация. Мақолада табиий шароитида *Candaharia rutellum* нинг биологияси ва ҳаёт цикли ўрганилган.

Candaharia rutellum Parmacellidae оиласининг *Candaharia* авлоди таркибига кириб, бу тур авлод вакиллари ичида популяцияда зичлигининг юқорилиги билан бошқа турлардан ажралиб туради.

Экологик жиҳатидан *C. rutellum* мезофил тур бўлиб, адир минтақасида март ойининг иккинчи ўн кунлигида қишги уйқудан туриб, апрель ойининг ўрталаригача интенсив озиқланиб кўпайишига тайёрлана бошлайди. *Candaharia rutellum* нинг ҳаёт цикли 4 босқичдан иборат: ёшлик (ювениль), вояга етган ёки кўпайиши, климактерик (кўпайиши даврини сўниши), сенил (қариши).

Бу босқичларнинг характерли хусусияти: моллюскалар танасининг ўсиши (катталиги, оғирлиги) ва жинсий органининг ҳолати билан белгиланади. Кўпайишига тайёр бўлган шиллиққурт, ўз жуфттини топгандан кейин, уларда 4 босқичдан иборат жуфтлашиши “ўйини” ҳаракатлари бошланади.

Калит сўзлар: мезофил, популяция, ёшлик (ювениль), вояга етган, кўпайиши, климактерик (кўпайиши даврини сўниши), сенил, жуфтлашиши ўйини

Аннотация. В статье исследуется биология и жизненный цикл *Candaharia rutellum* в естественных природных условиях.

Candaharia rutellum относится к семейству Parmacellidae, которое в свою очередь относится к поколению *Candaharia*. Представители этого вида отличаются высокой плотностью популяции.

С экологической точки зрения *Candaharia rutellum* является мезофильным видом, в предгорных районах во второй декаде марта просыпается от зимней спячки и до середины апреля интенсивно питается, готовится к размножению.

Жизненный цикл *Candaharia rutellum* состоит из 4 этапов: молодость (ювениль), зрелость или размножение, климактерический (угасание репродуктивности), сенил (старение).

Характерные особенности этих стадий: рост тела моллюсков (размер, вес) и состояние половых органов. Готовая к размножению, улитка находит себе пару. Затем у них происходит спаривание, состоящая из четырех этапов.

Ключевые слова: мезофилия, популяция, молодость, зрелость, размножение, климактерический (угасание репродуктивности), старение, брачные игры

Abstract. The article determines the biology and life cycle of *Candaharia rutellum* in natural conditions.

Candaharia rutellum belongs to the family Parmacellidae, which in turn belongs to the generation *Candaharia*. Representatives of this species have a high population density.

From an ecological point of view, *Candaharia rutellum* is a mesophilic species, in the foothills in the second decade of March it wakes up from hibernation and until mid-April, intensively feeding, preparing for reproduction.

The life cycle of *Candaharia rutellum* consists of 4 stages: youth (juvenile), maturity or reproduction, climacteric (extinction of reproduction), senile (aging).

Characteristic features of these stages: the growth of the body of mollusks (size, weight) and the state of the genitals. A snail ready to breed finds a mate. Then they have mating, which consists of four stages.

Key words: mesophilia, population, youth, maturity, reproduction, climacteric (extinction of reproduction), senile, mating games

Ҳозирда дунё фаунасида, шиллиққуртларнинг 150 дан ортиқ турлари учраб, шулардан, Ўрта осиеда 24, Ўзбекистонда эса 17 тури тарқалган бўлиб, бу турларнинг биологик хилма -хиллиги нафақат Ўзбекистонда, балки Ўрта Осие ҳудудида тўлиқ ўрганилмаган [1].

Дунё фаунасида 125 дан ортиқ, Ҳамдўстлик мамлакатлари ҳудудида эса 70 турдаги шиллиққуртлар тарқалган бўлиб, улардан 15 та турнинг биологияси ва ҳаёт цикли қатор олимлар: А.А.Шилейко ва Т.С.Рымжановлар томонидан охириги 20 йил давомида Қозоғистон ва унга ёндош ҳудудларнинг қуруқлик моллюскалари ўрганилиб, тадқиқот ҳудудида 24 оила, 54 авлодга мансуб 194 турдаги қуруқлик моллюскалари тарқалганлиги қайд этилган. Ўрганилган барча турларнинг систематик тавсифи берилиб, тур, авлод ва оилалар учун аниқлагич жадвали тузилган. Шунинг билан бирга ҳар бир турнинг чиғаноқ ва жинсий органи тузилишининг оргинал расми берилган [2,3].

К.К.Увалиева Жанубий Олтой ва унга қўшни бўлган тоғли районларнинг қуруқлик моллюскаларини эколого-таксономик жиҳатини ўрганиб, бу ҳудудда 12 оила ва 18 авлодга мансуб 43 турдаги моллюскалар тарқалганлигини аниқлаб, мавжуд турларга эколого-фаунистик тавсиф бериб, уларнинг баландлик минтақалар бўйича тарқалиши ва ҳаёт цикли учун муҳим аҳамиятга эга бўлган

ташқи факторлар ўрганилган. Ишда ўрганилаётган ҳудудда тарқалган 2 турдаги шиллиққуртнинг морфологияси, экологияси ва гельминт касалликларни тарқатишдаги аҳамияти тадқиқ қилинган [4].

Ўрта Осиё шиллиққуртларига оид батафсил тавсиф маълумот И.М. Лихарев ва А.Й.Виктор томонидан ёзилган “СССР ва унга ёндош ҳудудларда тарқалган шиллиққуртлар фаунаси” номли монографиясида келтирилган. Монографияда ўрганилган ҳудудда тарқалган 8 оила 29 авлодга мансуб 102 турнинг систематик характеристикаси берилган бўлиб, бу турларнинг 28 таси Ўрта Осиё ҳудудида тарқалганлиги қайд этилган. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, муаллифлар томонидан Ўзбекистон ҳудудида тарқалган 1 турга эколого- таксономик тавсиф берилган [5].

Шимолий-ғарбий Туркистон тизмаси қориноёқли моллюскаларининг фаунаси, экологияси ва зоогеографияси А.Т.Каримқулов томонидан ўрганилиб, бу ҳудудда 23 оила 33 авлодга кирувчи 58 турдаги қориноёқли моллюскалар тарқалганлиги аниқланиб, фан учун янги бўлган 1 тур қайд этилган. Ҳудудда тарқалган 58 турдан 27 таси Шимолий-ғарбий Туркистон тизмасида, 18 таси эса Туркистон тоғ тизмасида илк бор учраши эътироф этилган. Шунинг билан бирга аниқланган турлар ичида 3 тур тасодифан иқлимлаштирилган турлар қаторига кириши маълум қилинган. Шунингдек ишда 5 турдаги шиллиққуртларнинг эколого-таксономик тавсифи берилган [6].

А.Мухитдинов ва Э.Раҳматов[22] томонидан Шимолий Тожикистонда тарқалган шиллиққуртлар фаунаси таҳлил қилинган бўлиб, *D. caucasicum* тури интродуцент тур эканлиги эътироф этилиб, ҳозирда бутун Фарғона водийси бўйлаб кенг тарқалиб, қишлоқ хўжалик экинларига катта зарар келтираётгани ўрганилган [7].

Шунингдек, шиллиққуртларни физиологиясини ўрганиш, чиғаноқли моллюскаларга нисбатан қулай тадқиқот объекти ҳисобланади.

Табиатда шиллиққуртлар қуриган барглари йўқ қилади ва уларни гумусга айлантириб фойда келтиради, шу билан бир қаторда уларнинг асосий қисми ўсимликхўр полифаг ҳайвонлар бўлиб, инсон ҳаёти учун муҳим бўлган турли хил ғалла, сабзавот ва полиз экинлари билан озиқланиб катта зарар етказиши мумкин. Қишлоқ хўжалик ўсимликларидан қулупнай, бодринг, лавлаги, шолғом, салат, укроп, қовоқ, тарвуз, қовун, бугдой кабиларни алоҳида иштаҳа билан истеъмол қилади. Улар нафақат бу ўсимликларнинг меваларини ва баргларини ютиб юборибгина қолмай, балки ўсимликларга хавфли вирусли, бактериал, замбуруғ касалликларини ҳам тарқатади. Бундан ташқари, шиллиққуртлар чорва моллари, эчкилар, қўйлар ва товуқларни гельминтлар билан зарарланишига сабабчи бўлади. Қуйидаги паразит личинка турларига *Protostrongylus rufescens*, *Cystocaulus ocreatus*, *Varestrongylus pneumaticus* оралиқ ҳужайин бўлиши аниқланган [8].

Шунинг учун, уларнинг таксономик таркиби, биологияси, экологияси ва тарқалишига оид маълумотлар, зарарли турларга қарши курашиш чораларини ишлаб чиқишда ва уларнинг сонини назорат қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Юқорида келтирилган маълумотлардан келиб чиқиб шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, Ўзбекистонда тарқалган қуруқлик моллюскаларининг ўрганиш ўтган асрнинг 90 йилларидан бошланган бўлсада, бироқ, шиллиққуртларнинг таксономик таркиби, экологияси ва биологиясига боғлиқ тарзда алоҳида тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Шу боис шиллиққуртларни ўрганиш Ўзбекистон малакофаунасидаги энг долзарб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот объекти: *Parmacellidae* оиласининг *Candaharia* авлоди вакили *Candaharia rutellum*.

Тадқиқот услублари. Ишда зоологик, малакологик услубларидан фойдаланилган. Материал териш А.А.Шилейко методикаси бўйича амалга оширилди.

Бизга маълумки шиллиққуртларнинг аксарияти қишлоқ хўжалик экинларига турли хил даражада катта зарар етказиши мумкин. Шунинг учун зарарқунанда турларнинг биологияси ва ҳаёт циклини тўлиқ билмасдан туриб, уларга қарши кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқиб бўлмайди. Келтирилган маълумотдан кўриниб турибдики, шиллиққуртлар биологияси ва уларнинг ҳаёт циклини ўрганиш малакология фани олдидаги энг катта муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Ушбу муаммодан келиб чиқиб, биз томонимиздан, Жиззах вилоятининг Бахмал тумани Катта Шойбек қишлоғи ва Зомин тумани Узун қишлоғидан материаллар терилди ҳамда ушбу ҳудудда тарқалган *Candaharia rutellum* биологияси ва ҳаёт цикли ўрганилди ва у қуйидагича.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили: *Candaharia rutellum* *Parmacellidae* оиласининг *Candaharia* авлоди таркибига киради.

Экологик жиҳатидан *C. rutellum* мезофил тур бўлиб, адир ва тоғ минтақасида денгиз сатҳидан 1300-2800 м. баландликда учраб, дарё ва оқар сув бўйларидagi турли хил ўтлар орасида яшайди.

C. rutellum адир минтақасида март ойининг иккинчи ўн кунлигида қишги уйқудан туриб, апрель ойининг ўрталаригача интенсив озиқланиб кўпайишга тайёрлана бошлайди.

Кўпайишга тайёр бўлган моллюскалар бошқа моллюскалар сингари ўз жуфтини қидиришдан бошлайди (1-расм). Юқорида қайд қилганимиздек бу тур ҳам, жуфтини топишда ҳаракатланиш натижасида улар танасидан ажраладиган шиллиқ муҳим роль ўйнайди.



1-расм. *Candaharia rutellum* ning ўз жуфтини (танасидан ажратилган шиллиқ орқали) топиш жараёни



2-расм. *Candaharia rutellum* қўпайишнинг 2-босқичи (бир йўналиш бўйича ҳаракати)
Қўпайишга тайёр бўлиб, ўз жуфтини топгандан кейин, уларда жуфтлашиш “ўйини” ҳаракатлари бошланади.



3-расм. *Candaharia rutellum* қўпайишнинг 3-босқичи

Бунда улар пайпаслагичлари ёрдамида бир-бирини пайпаслай бошлайди, бу жараён 5-10 дақиқа давом этади.

Шундан кейин жуфтлашишнинг иккинчи босқичи бошланади. Бунда моллюскаларнинг ҳар иккаласи бир йўналиш бўйича ҳаракатлана бошлайди (2-расм).

Учинчи босқичга келиб ҳар иккала моллюска жуфтлашиш органини ташқарига чиқазган ҳолатда ҳаракатлана бошлайди (3-расм).



4-расм. *Candaharia rutellum* қўпайишнинг 4-босқичи

Тўртинчи босқичда моллюскалар навбат билан бир-бирларини икки жуфт пайпаслагичлари ёрдамида бўйин, танани ўрта ва дум қисмини навбат билан пайпаслайди, бу жараён 45-55 дақиқа айланма ҳаракат билан давом этади (4-расм).

Моллюскаларнинг бир марта тўлиқ айланиши учун 2-2,5 дақиқа вақт кетади. Тўртинчи босқични ўрталарига келиб моллюскаларни айланма ҳаракати секинлаша боради ва 5-6 дақиқада бир марта айланади. Бу даврда улар нафақат пайпаслагичлари билан, балки стимулятлорлари билан ҳам бошини гоҳ ўнга ва чапга эгиб, бир неча секунд тўхтаб, шундан сўнг танани тишлайди. Бу ҳолат бир неча марта такрорланади. Тўртинчи босқичнинг охирида моллюскалар айланма ҳаракатдан тўхтади ва бошини қўтариб, ўроксимон ҳолатда эгилади ва жуфтлашиш органи билан иккинчисига қаттиқ жипслашади (5-расм).

Бу ҳолатда улар бошини танани ичига тортиб олади, ташқаридан қараганда моллюсканинг боши кўринмайди. Тўртинчи босқичнинг охирида жуфтлашиш органи (пенис) нинг проксимал қисмига уруғ йиғилади. Бу вақтда жуфтлашиш органининг олдинги қисми ва атриум кучлироқ ташқарига чиқади ва уруғ махсус йўл орқали уруғ қабул қилгичга ўтади. *C.rutellum* нинг жуфтлашиш “ўйини” ва қўшилиши жами бўлиб 2,5-3 соат давом этади.



5-расм. *Candaharia rutellum* нинг жуфтлашган ҳолати

Қўшилгандан кейин уруғ қабул қилган моллюска жойида қолиб, ажралган шилликни ейди, иккинчиси эса жуфтлашиш жойини тарк этади.

Табиий шароитда моллюскалар қўшилгандан кейин 15-17 кун ўтгач, ҳавонинг ўртача ҳарорати 18-19°C бўлганда тухум қўя бошлайди.

Тухумни тўда-тўда қилиб тупроққа, ўсимликлар томири тагига ва тошлар остига, ўзлари томонидан тайёрланган “тухум камераси” га (чуқурлиги 2 - 2,5 см га борадиган) 25 тадан 65 тагача тухум қўяди (6-расм). Тухумлар катталиги 1.5 - 2.5 мм. бўлиб, у эллипсимон ёки шарсимон тузилишга эга. Тухум ранги сутсимон оқ ёки сарғиш тусга эга.

Шилликқуртларнинг тухумдан чиқиши бевосита ҳаво ҳароратига боғлиқ бўлиб, ҳаво ҳарорати 19-20°C бўлганда 15-17 кундан сўнг тухумдан ёш шилликқуртлар чиқиб, улар рангсиз (шаффоф) ёки оч сарғиш тусда бўлади. Танасининг орқа қисми ва мантиясида қора нукталар мавжуд. Кўз пайпаслагичлари қўнғир бўлиб, тухумдан чиққандан бир соатдан кейин пайпаслагичларни ярими кўриниб туради. Тана узунлиги ҳаракат пайтида 4,5-5 мм, кенглиги 1,0-1,2 мм, танасининг қисқарган ҳолатдаги узунлиги 3,5-4 мм, кенглиги 1,3-1,5 мм.

Ёш шилликқуртлар ёзни бошида озикланмай 12 кундан кейин узларини киришларини қопқоқча қилиб ёпиб диапаузага уйқуга кетишади, бу ҳолат бутун ёз то куз келгунича, салқин ҳаво ва ёмғирлар бошлангунча давом этади. Улар уйғонгандан кейин ташқарига судралиб чиқиб озикланишни бошлайди ва актив ривожланиб ўсади ва шу даврда мантия билан қопланади. Қиш бошланишига шилликқуртлар қишлаш учун пана жойларга кириб кетади ва ниҳоят баҳор келганда ташқарига чиқишади ва озикланишни давом эттириб улғаяди, ўсади ва баҳорни иккинчи ярмидан ёки ёзнинг бошидан яна қупайишни бошлайди.



6-расм. *Candaharia rutellum* томонидан қўйилган тухум тўдаси

Candaharia rutellum нинг ҳаёт цикли 4 босқичдан иборат: ёшлик (ювениль), вояга етган ёки қўпайиш, климактерик (қўпайиш даврини сўниши), сенил (қариш).

Бу босқичларнинг характерли хусусияти: моллюскалар танасининг ўсиши (каталиги, оғирлиги) ва жинсий органининг ҳолати билан белгиланади. Апрель ойининг охирида тухумдан чиққан шилликқуртларнинг ривожланиши октябрь ойининг 1-2 декадасигача давом этади. Уларнинг ўсиш даврида қуйидагилар кузатилади: ўсишнинг тезлашиши, сустлашиши ва ўсишдан тўхташи.

Постэмбриогенезнинг (тухумдан чиққандан кейинги) дастлабки босқичида шилликқуртлар тез (интенсив) ривожланади, танасининг узунлиги дастлабки 40-45 кунда, ҳаракат пайтида 11-16 мм, кенглиги 1,6-2,6 мм ва ҳаракатсиз (қисқарган) ҳолатда 7,5-12 мм, кенглиги 2,0-3,5 мм га тенг бўлади. Бу босқич май ойининг бошларидан июннинг охиригача давом этиб, у ёшлик (ювениль) босқичи деб номланади. Июль ойининг биринчи декадасидан сентябрь ойининг иккинчи декадасигача (60-65 кун давом этади) ўсишдан тўхташ кузатилади. Сентябрь иккинчи декадасидан бошлаб шилликқуртлар яна

тез ўса бошлайди. Октябрь ойининг ўрталарига келиб уларнинг тана узунлиги ҳаракат вақтида 24-34 мм, тинч ҳолатда 16-24 мм га тенг бўлади. Октябрь ойининг биринчи декадасидан бошлаб ўсиш суръати секинлашади, лекин моллюскалар ўсиб секин-аста тўлиқ вояга етади (октябрь ойи охири). Вояга етган шиллиққуртларнинг тана узунлиги 40-50 мм, тана кенглиги 4,5-7,5 мм, ҳаракатсиз (қисқарган) ҳолатда эса 20-30 мм, кенглиги 6-9 мм га етади. Шунинг билан *C. rutellum* нинг ювениль босқичи тугайди.

Ювениль босқич тугаши билан уларда кўпайиш босқичи бошланади. Бу босқичда моллюскаларни вояга етганлари ўз жуфтини излашга тушади. Бу ўринда шуни алоҳида қайд қилиш лозимки кўпайиш босқичини давомийлиги бевосита ташқи факторларга (ҳаво ҳарорати, намлик ва ёғин-сочинга) боғлиқ. Агар октябрь ойи охирида тоғли ҳудудларда ҳаво ҳарорати тушиб кетса, у ҳолда шиллиққуртлар қишки (дипаузага тушади) уйқуга кетади.

Қишки уйқу март ойигача давом этиб, адир минтақасида март ойининг иккинчи ўн кунлигида қишки уйқудан туриб, апрель ойининг ўрталаригача интенсив озукланиб кўпайишга тайёр бўлади.

Кўпайиш тугагандан кейин шиллиққуртларда климактерик босқич бошланади. Бу босқичда моллюскаларнинг ташқи тузилишида ҳеч қандай ўзгариш сезилмайди.

Сенил босқичи шиллиққуртлар ҳаётини давом этишига боғлиқ бўлиб, *C. rutellum* нинг ҳаёти 12-14 ой давом этади.

Кузатишлар натижасида шу нарса маълум бўлдики, агар генерация март ойининг охири ва апрелнинг бошида бошланса келгуси йилнинг апрель ойларида ҳаёт цикли тугайди. Агар шиллиққуртлар май ойининг ўрталарида тухимдан чиқса улар ҳаёт цикли келгуси йил май ойининг охирида тўхтайд.

Вояга етган шиллиққуртлар тухум кўйгандан 2-3 кундан кейин ўлади. Шунинг учун биринчи жуфтлашишдан 3-4 кундан сўнг шиллиққуртлар сони популяцияда бирдан камайиб кетади.

Ўлим олдидан шиллиққуртларда фаоллиги бирдан сусаяди, озукланиш сурати секин аста камайиб 3- кунга борганда тўхтайд. Бу даврда оғирлиги 40-50% камайд, тана узунлиги қисқаради. Оғиз бўшлиғи билан томоқ бўғизи ташқарига чиқади, ҳаракати секин-аста сустлашиб у ҳаракатдан тўхтайд.

Олинган натижалар асосида қилинган хулосалар:

1. Илк бор, Ўзбекистон ҳудудининг табиий шароитида *Candaharia rutellum* турининг биологияси ва ҳаёт цикли ўрганилди.

2. Илк бор, *C. rutellum* нинг ҳаёт цикли: ёшлик (ювениль), вояга етган ёки кўпайиш, климактерик (кўпайиш даврини сўниши), сенил (қариш) босқичлардан иборат эканлиги аниқланиб, ҳар бир босқичнинг тўлиқ тавсифи берилди.

3. *C. Rutellum* нинг ривожланиши учун оптимал ҳарорат 19-20°C эканлиги аниқланди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Пазилов А., Азимов Д.А. Наземные моллюски (Gastropoda, Pulmonata) Узбекистана и сопредельных территорий. - Ташкент: Фан, 2003. - 315 с.

2. Увалиева К.К Наземные моллюски Казахстана и сопредельных территорий. Алма-Ата: Каз. ССР, 1990.- 224с.

3. Рымжанов Т.С. Брачные игры и механизм копуляции у слизней рода *Deroceras* (Mollusca, Gastropoda Terrestria Nuda) в условиях Заилийского Алатау//Изв.НАН Респ.Казахстан №4. 1994, С. 28-33.

4. Увалиева К.К. Наземные моллюски южного Алтая и соседних горных районов: Автореф. дис.... канд. биол.наук. - Ленинград, 1965. - 21 с.

5. Лихарев И.М., Виктор А.Й. Слизни фауны СССР и сопредельных стран (Gastropoda Terrestria Nuda) Фауна СССР. Моллюски. - Л.:Наука, 1980. Т.3.Вып.5. № 122. 437 с.

6. Каримқулов А.Т., Шимолий-ғарбий Туркестон тизмаси қоринёқли моллюскаларининг фаунаси, экологияси ва зоогеографияси: Автореф.дис...б.ф.н. - Тошкент,2011. - 21 б.

7. Мухитдинов А., Раҳматов Э. К фауне слизней северного Таджикистана //Конференции профессорско – преподавательского коллектива естественно-географического факультета: Тез.докл. - Ленинабад, 1972. С.25 – 27

8. Пазилов А., Кучбаев А.Э. Ўзбекистонда уй ва ёввойи ҳайвонлар гельминтларининг оралик хўжайни-куруқлик моллюскалари (Аниқлагич-атлас) –Тошкент 2017. 66-69 б.

9. Увалиева К.К. Жизненные циклы и вредоносность слизней *Deroceras caucasium* и *Parmacella rutellum* в Алмаатинской области // Моллюски, их система, эволюция и роль в природе. – Л.: Изд-во АН СССР, 1975.-С. 44-46.

УЎК 631.417.2(575.111)(043)

ТУПРОҚ ТАРКИБИДАГИ ГУМУС МИҚДОРНИНГ ҲОСИЛ БЎЛИШИДА
ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ЭКОЛОГИК АҲАМИЯТИ

У.М. Авезова, ўқитувчи, Урганч давлат университети, Урганч
Ф.Ю. Сатторова, ўқитувчи, Урганч давлат университети, Урганч
Н.Б. Маткаримов, ўқитувчи, Урганч давлат университети, Урганч

Аннотация. Тупроқ таркибидаги гумус миқдори Тюрин усулида аниқлаш ишлари олиб борилди. Тупроқ (гумуси) чириндисининг элементлари таркиби қуйидагича: углерод-58%, кислород-28%, водород –5%, азот –3% 27 акул моддаси- 6%ни ташкил қилади. Бу элементлар таркиби ва бири-бирига бўлган нисбати тупроқ ҳосил бўлиш шароити билан белгиланади.

Калит сўзлар: тупроқ, чиринди, ўсимлик, органик модда, биомасса, илдиз, тупроқ қатлами

Аннотация. Для определения количества гумуса в почве использовали метод Тюрин. Состав элементов почвы (гумуса) гумуса, следующий: углерод - 58%, кислород - 28%, водород - 5%, азот - 3%, акула - 6%. Состав этих элементов и их соотношение между собой определяется условиями почвообразования.

Ключевые слова: почва, перегной, растения, органическое вещество, биомасса, корень, слой почвы

Abstract. The Tyurin method was used to determine the amount of humus in the soil. The composition of the elements of soil (humus) humus is as follows: carbon - 58%, oxygen - 28%, hydrogen - 5%, nitrogen - 3%, shark - 6%. The composition of these elements and their ratio to each other is determined by the conditions of soil formation.

Keywords: soil, humus, plant, organic matter, biomass, root, soil layer

Тупроқнинг органик қисми турли хилдаги ва таркибдаги органик моддалардан ташкил топган. Бу органик моддалар ўсимликлар, жониворлар ва микроорганизмларнинг ҳар хил даражада чиринган қолдиқларидан, улар метаболизмнинг маҳсулотларидан ҳамда тупроқнинг ўзига хос моддаси – гумус йиғиндисидан иборат. Гумус мураккаб кимёвий таркибли азот сақловчи юқори молекуляр модда комплекси бўлиб, одатда қорамтир тусли ва тупроққа текис сингиб кетган ҳамда минерал қисми билан жуда мустаҳкам бириккан ҳолатдадир [1].

Тупроқнинг органик моддалари таркибида доим турли организмларнинг тирик хужайралари ва тупроқ фаунаси (жониворлари) ҳам иштирок этади. Тупроқлар органик қисмининг таркиби тахминан қуйидаги нисбатда: гумус 85 фоиз, ўсимлик қолдиқлари 10 фоиз, тупроқ флораси ва фаунаси (тирик замбуруғлар, сув ўтлари, бактерия ва актиномицетлар, ёмғир чувалчанглари кабилар) 5 фоиз чамасида бўлади [2].

Тупроқнинг юзаси ва бутун профилида тўпланадиган барча ўсимлик ва ҳайвон қолдиқлари органик моддаларнинг потенциал манбаи ҳисобланади ҳамда тупроқ пайдо бўлиш жараёнларида актив қатнашади. Тупроқдаги биомасса захираси, унинг структураси, динамикаси ва таркиби турли табиий зоналарда бир хил эмас. Айниқса яшил ўсимликлар энг кўп биомасса тўплаш имкониятига эга. Уларнинг ҳар йили тўплайдиган биомассаси умуртқасиз ҳайвонлар ва микроорганизмларга нисбатан ўнлаб, юзлаб мартаба, умуртқали ҳайвонларга нисбатан эса бир неча минг мартаба кўп. Шунинг учун ҳам тупроқдаги органик моддаларнинг асосий қисми яшил ўсимликларнинг ер юзасига тушадиган қолдиқлари ва илдизлари ҳисобига бўлади. Аммо жониворлар ва микроорганизмлар қолдиқларининг таркибида оқсил моддаларнинг кўп бўлиши, тупроқда азотга бой органик моддаларнинг тўпланишида муҳим роль ўйнайди. Турли ўсимликлар формацияси қолдирадиган, ҳар йили тўпланадиган органик модда (биомассаси) бир хил эмас ва гектарига ўртача 3,4-13,7 тоннани, нам субтропик ўрмонларида эса ҳатто 30-35 тоннани ташкил этади. Турли табиий тупроқ зоналарида қуйидаги ўсимликларнинг қолдиқлари тўпланиши мумкин. Тундра зонасида фитомасса захираси 150 дан 2500 г/м² гача, ўрмон-тайга зонасининг юқори бонитетли ўрмонларида фитомасса миқдори 25-40 минг г/м² гача кўпаяди [3].

Дашт зонаси ўтсимон ўсимликлар ўрмонларга нисбатан камроқ биомасса (1200-2500 г/м²) тўплайди, аммо илдиз массаси 3-6 марта кўп бўлади. Чўл зонасида фитомасса захираси кескин камаяди, аммо илдиз массаси кўпаяди ва ер юзасидаги органик моддалар ҳамда илдиз массасининг нисбати 1:8-1:9 га баробардир [3].

Тупроқнинг биологик активлиги анча паст бўлса-да, нам етарли бўлган баҳор вақтларида кучаяди. Тупроқда тўпланадиган органик қолдиқларнинг кимёвий таркиби кўпинча нобуд бўлган организмларнинг турларига боғлиқ. Тупроқ таркибидаги гумус миқдори қуйидаги чуқурликлар бўйича аниқланди: 0-5 см, 5-10 см, 10-20 см, 20-30 см ва 30-40 см. Улар лабораторияда Тюрин методикаси бўйича аниқланди. Маълумки, тупроқ жуда узоқ давом этган ва доимий ўзгариб турадиган мураккаб жараёнлар натижасида ҳосил бўлган. Тупроқ ўсимликларнинг ҳаёт шароитлари ҳамда минерал озиқлар

билан таъминлайдиган асосий объектдир. Ўсимликларни озиққа бўлган талабини қондириш ва қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг ҳосилдорлигини оширишга имкон беради [5].

Тупроқда турли сабабларга кўра бўладиган чириш жараёнлари натижасида чиринди ҳосил бўлади. Чиринди (гумус) ўз таркибига турли озиқ моддаларни, карбон сувлар, кислоталар, мойлар, минерал ва ошловчи моддаларни олади. Чиринди тупроқнинг тури ва ҳатто қатламлариаро ҳар хил миқдорда бўлади. Тупроқнинг энг асосий агрохимёвий хоссаларидан ҳисобланган унумдорлик – унинг таркибидаги гумус миқдорини аниқлашда турли олимлар томонидан турли услублар тавсия этилган.

Чиринди асосан тупроқ кесимининг энг устки қатламида бўлиб, чуқурлашган сайин камайиб боради, бу қонуният тупроқ типига, ишланиш даражасига боғлиқ [4,6].

Тупроқ (гумуси) чириндисининг элементлари таркиби куйидагича: углерод-58%, кислород-28%, водород –5%, азот –3%, кул моддаси- 6% ни ташкил қилади. Бу элементлар таркиби ва бир-бирига бўлган нисбати тупроқ ҳосил бўлиш шароити билан белгиланади [1].


Тупроқ чириндисини миқдорини ўлчаш услублари жуда кўп ва турли. Услублар ичида энг қулай ва аниқ натижалар берадигани И. В.Тюриннинг ҳажмий аниқлаш услубидир [2-4].

Бунда тупроқ чириндисининг таркибидаги (CO₂) углерод аввало хромат ангидрид эритмаси билан оксидланади. Унинг ортиб қолган миқдори (CrO₃) ни 0.2 н Мор тузи эритмаси билан титрланади.


Ишни бажариш тартиби:

1. Ҳажми 100 мл бўлган конуссимон қолбага солинади. Устига 0.4 н хромат ангидрид эритмасидан штативга ўрнатилган бюретка орқали 10 мл қўшиб, яхшилаб аралаштирилади. Қолба устига кичик воронка ёпиб, термостатда 150⁰С иссиқлик таъсирида 20 минут қўйилади.

Тупроқ таркибидаги чиринди ва хромат ангидрид эритмаси ўртасида куйидагича реакция боради.



1-расм. 0-10 см тупроқ қатламидаги гумус миқдори




2-Расм. 10-20 см тупроқ қатламидаги гумус миқдори



3-расм. 20-30 см тупроқ қатламидаги гумус миқдори

Кейин колба уй хароратигача совитилади ва устига тахминан 40 мл дистилланган сув куйилади (титрлашни осонлаштириш учун). Кейин умумий ҳажм устига 2-3 томчи фенилантранил индикаторидан томизиб, секин бир тартибда аралаштирилади. Шунда эритма кўк кўнғир тусга киради. Сўнгра у хира яшил тусга киргунча 0.2 н Мор тузи эритмаси билан титрланади.

Титрлашда куйидаги реакциялар боради:



Титрлаш учун кетган 0,2 н Мор тузи эритмасининг ҳажми бюретка орқали аниқланади. Анализ натижаларини аниқ ҳисоблаш учун 0,4 н хромат ангидридини титрлаш учун кетган 0,2 н Мор тузи эритмасини мл ҳисобида соф тупроқсиз 10 мл миқдорини титрлаш лозим. Бу миқдор формулада «а» билан белгиланади (холостой деб аталади).

Тупроқдаги чириндининг фоиз миқдори куйидаги формула билан ҳисобланади:

$$x = \frac{(a-v) \cdot T \cdot 0,0010362 \cdot 100 \cdot K}{H} \quad (2.2)$$

Бунда:

x – тупроқ таркибидаги чириндининг фоиз ҳисобидаги миқдори;

a – 10 мл соф 0,4 н хромат ангидридини титрлаш учун кетган 0,2 н Мор тузи эритмасининг миқдори (холостой деб аталади).

v – тупроқ билан олинган эритмани титрлашга сарфланган 0,2 н Мор тузи эритмаси (мл ҳисобида).

T – Мор тузи эритмасининг фактори – (омили).

Коэффициент – 1 мл Мор тузи эритмасига тўғри келган чириндининг г миқдори – (0,0010362);

H – анализга олинган тупроқ оғирлиги (г ҳисобида);

100 – фоизга айлантириш коэффициенти;

K – гигроскопик коэффициент, мутлоқ қуруқ тупроққа нисбатан [6].

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Бобохужаев И., Узоков П. Тупроқшунослик. Мехнат. Тошкент – 1995. (84)
2. Баходиров М. Тупроқшунослик. Ўқитувчи. Тошкент – 1971.
3. Гиляров М.С. Распределение гумуса, корневых систем и почвенных беспозвоночных в почве ореховых лесов Ферганского хребта ГГ Док. АН СССР. 1947. 2. 53-55-б.
4. Vorhees, W.B. 1992. Wheel-induced soil physical limitations to root growth. In i and B.O.. Stewart eds. Adv. Soil Sci 19:73-92
5. СоюзНИХИ, Методы агрохимических анализов почв и растений Средней Азии. 1977. (издание 5-е дополненного) 76 стр.
6. Аринушкина Е.В. Руководство по химическому анализу почв. 1970-139 с.

УЎК: 581.9.056

RANUNCULUS RUBROCALYX REGEL EX KOM. ГЕОГРАФИК ТАРҚАЛИШИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ ВА УНИНГ ТАҲЛИЛИ

Ф.И. Акбаров, к.и.х., ЎзРФА Ботаника институти, Тошкент

А.М. Жабборов, к.и.х., ЎзРФА Ботаника институти, Тошкент

К.Ш. Тожибоев, б.ф.д. акад., ЎзРФА Ботаника институти, Тошкент

Аннотация. Мақолада, *Ranunculus rubrocalyx* нинг географик тарқалиши, экологияси Ўзбекистон Миллий гербарийси, Москва давлат университети гербарийси ва GBIF гербарий маълумотлари асосида, Diva-GIS, MaxEnt дастурларидан фойдаланиб таҳлил қилинди. Бу турнинг тарқалиши учун энг оптимал шароитга эга ҳудудлар башорат қилинди ва турнинг тарқалишини ифодаловчи хариталар яратилди. Йиллик ёгингарчилик ва ўртача ҳароратни турнинг тарқалишига таъсири баҳоланди. Турнинг географик тарқалиши RCP 8.5. иқлим сценарийси асосида башорат қилинди.

Калим сўзлар: *R. rubrocalyx*, ареал, ҳарорат, ёгингарчилик, TASH, GBIF, Diva-GIS, MaxEnt

Аннотация. В статье проведен анализ географического распространения и экологии вида *Ranunculus rubrocalyx* на основе данных Национального гербария Узбекистана, Гербарий МГУ и GBIF с использованием программ Diva-GIS, MaxEnt. Были спрогнозированы районы с наиболее оптимальными условиями для распространения этих видов и созданы карты, отражающие распространение видов. Оценено влияние годового количества осадков и средней температуры на распространение видов. Географическое распространение вида – RCP 8.5. прогнозируется на основе климатического сценария.

Ключевые слова: *R. rubrocalyx*, ареал, температура, осадки, TASH, GBIF, GIS, MaxEnt

Abstract. The article analyzes the geographical distribution and ecology of the species *Ranunculus rubrocalyx* based on the data of the National Herbarium of Uzbekistan, The Herbarium of Moscow State

University and GBIF using the Diva-GIS, MaxEnt software. The areas with the most optimal conditions for the distribution of these species were predicted and maps were created showing the distribution of the species. The influence of annual precipitation and average temperature on the distribution of species is estimated. The geographical distribution of the species is RCP 8.5, predicted on the basis of a climate scenario.

Keywords: *R. rubrocalyx*, areal, temperature, precipitation, TASH, GBIF, GIS, MaxEnt

Кириш

Бугунги глобал иқлим ўзгаришлари юз бераётган даврда ўсимликларнинг тарқалиш қонуниятларини тушуниш, ривожланиш тенденциясини башорат қилиш ва бу соҳада ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш замонавий ботаник тадқиқотларнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади [23]. Турларнинг географик ва экологик тақсиротини тушуниш ва келажагини башорат қилишга XX аср бошларидан катта эътибор қаратила бошланди [3] ва сўнги йилларда турларнинг тарқалишини баҳолаш, уларни табиий ва антропоген омиллар билан боғлаш ва келажагини башорат қилиш борасидаги юзлаб наشرлар чоп қилинмоқда [8]. Биргина MaxEnt (максимал энтропия усули) дастурида 2006 йилдан бошлаб биологик турларнинг тарқалишини моделлаштиришга доир 1000 дан ортиқ ишлар эълон қилинган [11]. Бу дастур орқали иқлим ўзгариши сценарийларининг сўнги авлоди бўлган RCP (Representative Concentration Pathway) нинг тўртта сценарийларидан (RCP 2.6, RCP 4.5, RCP 6.0, RCP 8.5) кенг фойдаланилмоқда [16].

Ўзбекистонда бу борадаги тадқиқотларнинг ривожланиши илк босқичда турибди. Маҳаллий флора таркибидаги камёб, эндем турлар ёки айрим географик элементларнинг реал ва потенциал ареалларини моделлаштириш ва турли омиллар таъсирида келажақда рўй бериши мумкин бўлган ўзгаришларни башоратлаш динамик тус олиб бормоқда [18,20]. Мазкур мақола Ўзбекистон табиий флорасида тарқалган ва ареали Ўрта Осиёдан то Ғарбий Ҳимолойгача бўлган *Ranunculus rubrocalyx* Regel ex Kom. учун географик тарқалишини моделлаштириш ва башорат қилишни замонавий тадқиқот услубларидан фойдаланган ҳолда амалга оширишга қаратилган.

2. Тадқиқот методлари

2.1. Тадқиқот объекти ва тўпланган маълумотлар учун манбалар

Тадқиқот объекти сифатида *Ranunculus* туркумининг Ҳимолойолди ареал типига мансуб бўлган *R. rubrocalyx* тури танланган.

Турларнинг табиий шароитда ўсиш нуқталарини акс эттирувчи географик координаталар сонининг кўп бўлиши моделлаштириш сифатини оширади [17]. Шу мақсадда тадқиқот объекти бўйича Тиёншон ва Помиролой тоғлари, Ҳиндукуш ва Ҳимолойдан 40 та ўсиш нуқталари аниқланди. Маълумотларнинг асосий манбалари Ўзбекистон Миллий гербарийси (TASH), Москва давлат университети гербарийси (MW) ва Global Biodiversity Information Facility (GBIF, www.gbif.org), OpenHerbarium (www.openherbarium.org) порталлари ҳисобланади.

Тўпланган маълумотларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши ва олинган манбалар 1 жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Гербарий намуналари сони ва улар олинган манбалар

Тизмалар	Маъмурий ҳудудлар	Координаталар сони	Маълумот олинган манбалар
Тиёншон	Ўзбекистон	5	TASH
	Қирғизистон	1	TASH
	Қозоғистон	4	TASH
Помиролой	Ўзбекистон	5	TASH
	Қирғизистон	2	MW
	Тожикистон	3	TASH, MW
Ҳиндукуш	Афғонистон	5	GBIF
	Покистон	5	GBIF, OpenHerbarium
Ҳимолой	Ҳиндистон	10	GBIF

2.2. Турнинг тарқалишини моделлаштириш


Турнинг тарқалиши мумкин бўлган потенциал майдонларини моделлаштириш ва иқлим сценарийлари бўйича башорат қилиш MaxEnt дастурида [13, 14], WorldClim маълумотлар базаси 2020 йил январда тақдим этган WorldClim 2.1 (1970–2000 йиллар учун атроф-муҳитга тегишли параметрлар 2.5 дақиқалик фазовий пикселлар сонига эга тахминан экваторда 4.5 км²) ҳамда, WorldClim CMIP5 (Climate Model Intercomparison Project) нинг биоиклимий параметрлари, йирик ҳаво ифлослантирувчи эмиссия ва реактивлар таъсирида (йиллик ўртача ҳароратнинг RCP 8.5 иқлим сценарийсида 1986–2005 йилларга нисбатан 2046 – 2065 йилларда 1.4–2.6°C ўсиши [16] ва стандарт 19 та биоиклимий ўзгарувчанлик тенденциялари асосида амалга оширилди (2–жадвал) [10, 12, 2], (www.worldclim.org, http://climexp.knmi.nl, www.carbonbrief.org).

Ranunculus rubrocalyx гербарий намуналари мавжуд координаталар ва потенциал тарқалиши мумкин бўлган ҳудудларнинг биоиклимий кўрсаткичларини аниқлашда DIVA–GIS ва MapViewer [4, 5, 6] дастурларидан фойдаланилди. Тур намуналарини баландликлар бўйича тарқалиши SRTM (Shuttle Radar Topography Mission) маълумотларига (www.2jpl.nasa.gov) асосан моделлаштирилган.

2-жадвал

Биоиклимий ўзгарувчанлик тенденциялари

Код	Биоиклимий ўзгарувчанлик тенденциялари	Изохлар	Бирлиги
BIO1	Йиллик ўртача ҳарорат		°C
BIO2	Куннинг ўртача оралиғи		°C
BIO3	Изотермаллик	BIO1 / BIO7 * 100	%
BIO4	Ҳароратнинг мавсумийлиги	Ўзгарувчанлик коэффиценти	
BIO5	Энг иссиқ ойнанинг максимал ҳарорати		°C
BIO6	Энг совуқ ойнанинг минимал ҳарорати		°C
BIO7	Ҳароратнинг йиллик оралиғи	BIO5 – BIO6	°C
BIO8	Иссиқ чоракнинг ўртача ҳарорати		°C
BIO9	Курук чоракнинг ўртача ҳарорати		°C
BIO10	Энг иссиқ чоракнинг ўртача ҳарорати		°C
BIO11	Совуқ чоракнинг ўртача ҳарорати		°C
BIO12	Йиллик ёғингарчилик		ММ
BIO13	Энг иссиқ ойдаги ёғингарчилик		ММ
BIO14	Куракчилик ойдаги ёғингарчилик		ММ
BIO15	Ёғингарчиликнинг мавсумийлиги	Ўзгарувчанлик коэффиценти	1
BIO16	Нам чоракдаги ёғингарчилик		ММ
BIO17	Курук чоракдаги ёғингарчилик		ММ
BIO18	Энг иссиқ чоракдаги ёғингарчилик		ММ
BIO19	Энг совуқ чоракдаги ёғингарчилик		ММ



1-расм. *R. rubrocalyx* тарқалиши учун мос шароит мавжуд ҳудудлар


3. Олинган натижалар ва уларни таҳлили

3.1. Тадиққот объектнинг потенциал ареали

Ranunculus rubrocalyx табиий ареали бўйича турли манбалардан тўпланган маълумотлар асосида унинг реал (ҳозирги кундаги) ва келажакдаги потенциал ареали баҳоланди. Олинган маълумотларнинг таҳлили тадиққот объектнинг географик тарқалиши тўғрисида П.Н. Овчинников [21, 22] маълумотларини (Тиёншон, Помиролой) тасдиқлайди ва Srivastava [15] (2010), Lone and Dar [9] (2016) (Тиёншон, Помиролой, Ҳинду Қуш ва Ҳимолой) Ҳимолойолди ареал типига тўлиқ мос келади (1 расм).

Моделлаштириш натижаларида турнинг ўсувчанлик коэффиценти 0 дан 1 гача қилиб белгиланган. Хариталарда турнинг тарқалиши учун мос шароитнинг юқори эҳтимоли мавжуд ҳудудлар – қизил, мос келиш эҳтимоли кам минтақалар – яшил, ўрта мос келувчи ва ўртадан юқори мос ерлар – оч ва тўқ сариқ рангларда тасвирланган. Бунда ҳудудлардан тур намунаси топилган ёки топилмаганлиги тўлиқ инobatга олинмаган. Моделлаштириш натижаларига кўра турнинг потенциал учраши мумкин бўлган майдонлар, турнинг ареали билан тўлиқ мос келиб, Ўрта Осиё (Ғарбий Тиёншон, Помиролой), Афғонистон, Покистон (Ҳиндуқуш), Ҳиндистон (Ғарбий Ҳимолой) ҳудудларига тўғри келди. RCP 8.5 иқлим сценарийси асосида 2046–2065 йиллар учун қилинган башорат, *R. rubrocalyx* ареали жанубга томон кенгайишини кўрсатди (2 расм).

Бундай хулосага келиш учун гербарий намуналари мавжуд географик объектларда жойлашган координаталарнинг 1970–2000 ва 2046–2065 йилларда ўзига оптимал шароит мавжуд майдонларда ўсвчанлик коэффициентлари солиштирилди (3,4 жадвал).



2-расм. 2046–2065 йиллар *R. rubrocalyx* тарқалиши учун мос шароит мавжуд ҳудудлар

3-жадвал

R. rubrocalyx гербарий намуналарини ўсиши учун оптимал шароит мавжуд ҳудудларда учраш коэффициенти

(иқлим маълумотлари 1970-2000 йиллар учун)

Тизма	Кўрсаткичлар	Тизма	Кўрсаткичлар	Тизма	Кўрсаткичлар	Тизма	Кўрсаткичлар
Тиёншон	0.98	Помиролой	0.99	Ҳиндукуш	0.58	Ҳимолой	0.75
	0.94		0.99		0.79		0.76
	0.90		0.95		0.02		0.69
	0.48		0.99		0.04		0.97
	0.98		0.99		0.95		0.52
	0.07		0.98		0.07		0.75
	0.85		0.97		0.99		0.92
	0.96		0.98		0.48		0.66
	0.95		0.98		0.30		0.74
	0.98		0.99		0.87		0.82
Ўртача	0.81		0.98		0.51		0.76

R. rubrocalyx ўсиши учун оптимал шароит мавжуд ҳудудларда учраш коэффициентини 1970–2000 йил натижаларига кўра Помиролойда юқори 0.98, Тиёншонда 0.81 ташкил қилса, Ҳимолойда 0.76, Ҳинду Куш 0.51 нисбатан пастроқ қийматга эга. Моделлаштиришнинг 2046–2065 йиллар бўйича кўрсаткичлари Помиролой 0.96, Тиёншон 0.75 коэффициентга тенг бўлиб, камайганлигини, аксинча Ҳимолойда 0.78, Ҳиндукуш 0.56 коэффициентга кўтарилганлигини кўрсатди. Бу жараённи RCP 8.5 иқлим сценарийсида йиллик ўртача ҳароратни 1.4–2.6°C кўтарилиши билан изохлаш мумкин, яъни Помиролойда ўртача ҳарорат 1.4°C, Ҳимолойда 1.5 °C га тенг, иқлим сценарийсига кўра 2046–2065 йилларда Помиролойда 2.8–4°C тур учун оптимал ҳароратдан юқорилайди, аксинча Ҳимолойда 0.1–1.2°C оптимал ҳароратда бўлади. Ҳозирги вақтда Тиёншон, Помиролойда бу тур йиллик ўртача ҳароратнинг оптимал кўрсаткичида, Ҳиндикуш ва Ҳимолойда эса оптимал кўрсаткичдан паст ҳароратда учрамоқда. Шунинг учун ҳам мавжуд йиллик ўртача ҳароратнинг ортиши Тоғлиўртаосиёда салбий, аксинча Ҳиндукуш ва Ҳимолойда ижобий таъсирга эга бўлади.

3.2. Баландлик минтақалари ва иқлим кўрсаткичлари бўйича тарқалиши

Турларнинг ареалини шаклланишида баландлик диапозони ва иқлим кўрсаткичларини таъсири жуда катта аҳамиятга эга. Шунинг учун уларнинг тур тарқалишига таъсири баҳоланди (5- жадвал).


R. rubrocalyx тарқалиш баландлик диапозони шуни кўрсатдики, *R. rubrocalyx* тоғ ўсимликларига хос хусусиятларга эга бўлиб, текисликларда учрамайди. Турнинг баландлик минтақалари бўйича тарқалиш оралиғи денгиз сатҳидан 1342 метрдан (Тиёншон) то 5500 метргача (Ҳимолой) бўлган ораликни ташкил этади. Турнинг ўртача тарқалиш баландлиги Тиёншон тизмаларида 2279 м,

Помиролой худудида 2980 м, Ҳиндукушда 3086 м ва Ҳимолой 4358 м ҳисобланади (3 расм). Шимолдан (Тиёншон) жанубга (Ҳимолой) борган сари турнинг баландлик диапазони ортиб боради.

4-жадвал

R. rubrocalyx ўсиши учун оптимал шароит мавжуд ҳудудларда учраш коэффициенти (иқлим маълумотлари 2046–2065 йиллар учун)

Тизма	Кўрсаткичлар	Тизма	Кўрсаткичлар	Тизма	Кўрсаткичлар	Тизма	Кўрсаткичлар
Тиёншон	0.91	Помиролой	0.99	Ҳиндукуш	0.80	Ҳимолой	0.94
	0.90		0.99		0.88		0.9
	0.86		0.98		0.03		0.90
	0.41		0.99		0.10		0.98
	0.91		0.99		0.96		0.62
	0.11		0.86		0.03		0.92
	0.71		0.98		0.99		0.78
	0.90		0.98		0.27		0.22
	0.89		0.86		0.63		0.55
	0.93		0.99		0.89		0.97
Ўртача	0.75		0.96		0.56		0.78



3-расм. *R. rubrocalyx* баландлик минтақалари бўйича тарқалиши


Иқлим кўрсаткичлари бўйича моделлаштиришдан олинган натижалар *R. rubrocalyx* учун йиллик ёғинларнинг умумий амплитудаси 133–1016 мм бўлган ҳудудларда ўсишига шароит мавжуд эканлигини кўрсатди (4-расм). Бунда оптимал оралиқ 721.7–868.8 мм ҳисобланиб, намуналарнинг 35% шу жойларга тўғри келади (1-диаграмма). Координаталар мавжуд майдонларда йиллик ёғинларнинг ўртача кўрсаткичи Тиёншон 707.7 мм, Помиролой 731.1 мм, Ҳиндукуш 550 мм ва Ҳимолойда 461.6 мм га тенг. Тизмалар орасида ушбу турнинг ўсиши учун Тиёншон худуди энг қулай йиллик ёғин миқдорига эга бўлиб, унда мавжуд намуналарнинг 80% оптимал ёғингарчилик оралиғига тўғри келади. Гербарий намуналарининг координаталари мавжуд ҳудудларда Тиёншондан Ҳимолой томон йиллик ёғинлар миқдори (Помиролой бундан мустасно) камайиб боради.

Йиллик ўртача ҳарорат бўйича таҳлил натижаларига кўра *R. rubrocalyx* -7.1° – 14.7°C оралиғида учрайди (5-расм). Бу турнинг ўсишига энг қулай йиллик ҳарорат 0.2° – 3.8°C бўлиб, намуналарнинг 40% ўз ичига олади (2-диаграмма). Ўртача йиллик ҳарорат Тиёншон 2.7°C , Помиролой 1.4°C , Ҳиндукуш 4.8°C ва Ҳимолойда -1.5°C га тенг. *R. rubrocalyx* координаталари мавжуд майдонларда шимолдан (Тиёншон), жанубга (Ҳимолой) борган сари, Ҳиндукушни истисно қилганда йиллик ўртача ҳарорат пасайиб боради.


R. gidrosidix gerbariy namunalari mavjud koordinatalarining ba'zilarining diapazoni va iklim kўrsatkichlari

5-jadval


Тизма	Бағаллик, м	Йиллик ўртача харорат, °С	Йиллик энг юқори харорат, °С	Йиллик энг паст харорат, °С	Йиллик ёғинлар, мм	Тизма	Бағаллик, м	Йиллик ўртача харорат, °С	Йиллик энг юқори харорат, °С	Йиллик энг паст харорат, °С	Йиллик ёғинлар, мм
Тиёншон	2248	3,5	24,4	-14,8	761	Хиндукуш	4375	-3,4	15	-21,8	341
Тиёншон	2778	-0,3	20,7	-19,3	744	Хиндукуш	4219	-2,5	15,8	-20,5	320
Тиёншон	2794	-0,5	20,5	-19,6	728	Хиндукуш	1471	12,6	33,5	-5,7	473
Тиёншон	1342	8,7	30	-9,4	648	Хиндукуш	1832	12,1	31,7	-7,5	376
Тиёншон	2248	3,5	24,4	-14,8	761	Хиндукуш	3212	4,6	20,4	-11,4	946
Тиёншон	2137	3,1	23,9	-17,6	485	Хиндукуш	1556	14,7	32	-2,8	463
Тиёншон	1690	5,9	27,3	-12,9	689	Хиндукуш	3823	0,9	18,1	-16,1	496
Тиёншон	2608	0,7	21,8	-18,2	766	Хиндукуш	2894	7,1	21,2	-7,3	994
Тиёншон	2509	1	22,2	-18	727	Хиндукуш	4102	-1,8	18	-21,1	133
Тиёншон	2437	1,7	22,9	-17	768	Хиндукуш	3381	3,8	19,4	-12	958
Ўртача:	2279	2,7	24	-16,2	707,7	Ўртача:	3086	4,8	22,5	-12,6	550
Помиролой	2578	3,4	23	-13,9	796	Химолой	5315	-6	10,9	-23,1	252
Помиролой	2870	2,1	21,1	-15,3	733	Химолой	5171	-5	12	-22,3	245
Помиролой	2773	2,3	22,7	-17,1	502	Химолой	5500	-7	9,5	-23,9	284
Помиролой	3287	-0,4	18,4	-17,9	814	Химолой	3522	1,7	20,1	-17,1	419
Помиролой	3054	0,6	20	-16,9	886	Химолой	4537	-4	14,4	-22,2	236
Помиролой	3672	-2,5	17,5	-22,1	643	Химолой	4161	1,7	16,7	-14,4	566
Помиролой	2456	4,2	23,7	-13,1	684	Химолой	3941	-1	17	-18,9	422
Помиролой	2516	4,4	23,8	-12,8	863	Химолой	2507	8,7	23,2	-6,2	1016
Помиролой	3672	-2,5	17,5	-22,1	643	Химолой	3895	0,3	15,4	-15,3	794
Помиролой	2930	2,6	22,4	-16,3	747	Химолой	5038	-4	11,9	-20,5	382
Ўртача:	2980	1,4	21	-16,8	731,1	Ўртача:	4358	-1,5	15	-18,4	461,6




4-расм. *R. rubrocalyx* гербарий намуналари мавжуд координаталарни йиллик ёғингарчилик бўйича жойлашуви



1-диаграмма. *R. rubrocalyx* гербарий намуналари мавжуд координаталарнинг йиллик ёғингарчилик миқдори бўйича тақсимланиши



5-расм. *R. rubrocalyx* гербарий намуналари мавжуд координаталарни йиллик ўртача ҳарорат бўйича жойлашуви



2-диаграмма. *R. rubrocalyx* гербарий намуналари мавжуд координаталарнинг йиллик ўртача ҳарорат бўйича тақсимланиши

6-жадвал


R. rubrocalyx гербарий намуналари мавжуд координаталарга таъсир этувчи чекловчи биоиклимий тенденциялар

Биоиклимий тенденциялар	Чекланган координаталар сони	Биоиклимий тенденциялар	Чекланган координаталар сони	Биоиклимий тенденциялар	Чекланган координаталар сони
BIO1	3	BIO8	4	BIO15	1
BIO2	4	BIO9	0	BIO16	0
BIO3	2	BIO10	0	BIO17	1
BIO4	3	BIO11	0	BIO18	0
BIO5	3	BIO12	2	BIO19	3
BIO6	2	BIO13	3		
BIO7	8	BIO14	1		

3.3. Чекловчи биоиклимий тенденцияларни аниқлаш

Маълум бир жойларда турларнинг ўсишига таъсир этувчи муайян биоиклимий чекловлар мавжуд. Гербарий намуналари берилган координаталарда айнан ўша чекловчи, яъни салбий таъсирга эга биоиклимий ўзгарувчанлик тенденциялар баҳоланди (6-жадвал, 6-расм).

Биоиклимий тенденциялар орасида, *R. rubrocalyx* гербарий намуналари мавжуд координаталар учун BIO7 (ҳароратнинг йиллик оралиғи) энг юқори чекловчи хусусиятга эга -20%. Бу координаталарнинг 62.5% Тиёншонга тўғри келади. BIO9, BIO10, BIO11, BIO16 ва BIO18 биоиклимий тенденцияларда эса, ҳеч қайси координаталарга нисбатан чекловчи таъсир мавжуд эмас (6-расм).



6-расм. *R. rubrocalyx* гербарий намуналари мавжуд координаталарга чекловчи биоиклимий тенденциялар таъсири
Хулоса

Моделлаштириш натижаларига кўра ҳозирги кунда *R. rubrocalyx* ўсишига энг оптимал иқлим шароити Помиролойга тўғри келади, буни мавжуд гербарий намуналари координаталари жойлашган ҳудудларда, турнинг ўсувчанлик коэффициенти (0.98%) жуда юқори эканлиги ҳам исботлайди. Тадқиқот объекти учун йиллик ўртача ҳарорат 0.2°–3.8°C, намуналарнинг 40% ва ёғингарчилик 721.7–868.8 мм намуналарнинг 35% бўлиши энг қулай биоиклимий кўрсаткичлар ҳисобланади. Турнинг 2046–2065 йилларда ўсувчанлик ҳолатини башорат қилиш мақсадида RCP 8.5 иқлим сценарийси асосида моделлаштириш *R. rubrocalyx* ареалини жанубга томон кенгайтиришини кўрсатди. Бу жараёни RCP 8.5 иқлим сценарийсида йиллик ўртача ҳароратни 1.4–2.6°C кўтарилиши билан изоҳлаш мумкин, яни Помиролойда ўртача ҳарорат 1.4°C, Ҷимолойда –1.5°C RCP 8.5 сценарийсига кўра 2046–2065 йилларда Помиролойда 2.8–4°C тур учун оптимал ҳароратдан юқорилайди, аксинча Ҷимолойда 0.1–1.2°C оптимал ҳароратда бўлади. Шунинг учун ҳам мавжуд йиллик ўртача ҳароратнинг ортиши Тоғлиўртаосиёда салбий, аксинча Ҷиндукуш ва Ҷимолойда ижобий таъсирга эга бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Emadzade K., Gehrke B., Linder P., Hörandl. E. The biogeographical history of the cosmopolitan genus *Ranunculus* L. (*Ranunculaceae*) in the temperate to meridional zones // *Molecular Phylogenetics and Evolution*. – 2011. – №58 (1). – P. 4–21.
2. Fick S. E., Hijmans R. J. WorldClim 2: new 1-km spatial resolution climate surfaces for global land areas // *International journal of climatology*. – 2017. – Т. 37. – №. 12. – С. 4302-4315.
3. Grinnell J. Field tests of theories concerning distributional control // *The American Naturalist*. – 1917. – Т. 51. – №. 602. – С. 115-128.
4. Hijmans R. J. et al. A geographic information system for the analysis of species distribution data // *See www.diva-gis.org*. – 2004.
5. Hijmans R. J. et al. DIVA-GIS 7.5 // *A geographic information system for the analysis of species distribution data*. – 2012.
6. Hijmans R. J., Guarino L., Mathur P. DIVA-GIS Version 7.5 Manual. 71 p. – 2012.
7. Hörandl. E., Emadzade. K. Evolutionary classification: a case study on the diverse plant genus *Ranunculus* L. (*Ranunculaceae*). // *Perspectives in Plant Ecology, Evolution and Systematics*. – 2012. – №14. – P. 310–324.
8. Lobo J. M., Jiménez-Valverde A., Hortal J. The uncertain nature of absences and their importance in species distribution modelling // *Ecography*. – 2010. – Т. 33. – №. 1. – С. 103-114.
9. Lone F. A., Dar G. H. Diversity and distribution of Buttercups (*Ranunculus* Linnaeus) in Kashmir valley of J&K, India. // *Pleione* – 2016. Т.10. – №. 2. – С. 209-225.
10. Meinshausen M. et al. The RCP greenhouse gas concentrations and their extensions from 1765 to 2300 // *Climatic change*. – 2011. – Т. 109. – №. 1-2. – С. 213.
11. Merow C., Smith M. J., Silander Jr J. A. A practical guide to MaxEnt for modeling species' distributions: what it does, and why inputs and settings matter // *Ecography*. – 2013. – Т. 36. – №. 10. – С. 1058-1069.
12. Payne A. E., Magnusdottir G. An evaluation of atmospheric rivers over the North Pacific in CMIP5 and their response to warming under RCP 8.5 // *Journal of Geophysical Research: Atmospheres*. – 2015. – Т. 120. – №. 21. – С. 11,173-11,190.
13. Phillips S. J., Anderson R. P., Schapire R. E. Maximum entropy modeling of species geographic distributions // *Ecological modelling*. – 2006. – Т. 190. – №. 3-4. – С. 231-259.

14. Phillips S. J., Dudík M. Modeling of species distributions with Maxent: new extensions and a comprehensive evaluation // *Ecography*. – 2008. – Т. 31. – №. 2. – С. 161-175.
15. Srivastava S. K. et al. Revision of genus *Ranunculus* L. (Ranunculaceae) in India // *Taiwania*. – 2010. – Т. 55. – №. 3. – С. 273-314.
16. Stocker T. F. et al. Climate change 2013: The physical science basis // Contribution of working group I to the fifth assessment report of the intergovernmental panel on climate change. – 2013. – Т. 1535.
17. Wisz M. S. et al. Effects of sample size on the performance of species distribution models // *Diversity and distributions*. – 2008. – Т. 14. – №. 5. – С. 763–773.
18. Акбаров Ф.И., Кодиров У.Х., Тожибаев К.Ш. *Valerianella* Miller туркуми айрим турларининг географик тарқалишини моделлаштириш ва унинг таҳлили // *КарДУ хабарлари*. 2020. №3, 22-31 Б.
19. Ковалевская С. С. *Ranunculus* L. // *Определитель растений Средней Азии*. Ташкент: Фан. – 1972. –Т.3 – С. 201–224.
20. Нўмонова Н.Э., Акбаров Ф.И. Фарғона водийсида табиий ҳолда ўсувчи *Acer semenovii* Regel & Herder (*Sapindaceae*) ареали ҳақида // *НамДУ илмий ахборотномаси*. Наманган 2020 й. №7, 90-95 Б.
21. Овчинников П. Н. Род *Ranunculus* L. // *Флора Узбекистана*. –Ташкент – 1953. –Т.2 – С. 474–502.
22. Овчинников П. Н. Род *Лютик-Ranunculus* L. // *Флора СССР*. – 1937. – Т. 7. – С. 374–407.
23. Олонова М. В., Гудкова П. Д. Биоклиматическое моделирование. – 2017.
24. www.worldclim.org
25. <http://climexp.knmi.nl>
26. www.carbonbrief.org
27. www.2jpl.nasa.gov

УДК 595.76

ФАУНА ЖЕСТКОКРЫЛЫХ (INSECTA, COLEOPTERA) ХОРЕЗМСКОГО ОАЗИСА*Х.У. Бекчанов, к.б.н., Ургенчский Государственный Университет, Ургенч**У.Э. Дусчанов, ст.преп., Ургенчский Государственный Университет, Ургенч**Г.К. Комилжоннова, студент, Ургенчский Государственный Университет, Ургенч*

Annotatsiya. *Ushbu maqolada Xorazm vohasining tog'ay o'rmonlarida uchraydigan qattiq qanotli (Insecta, Coleoptera) hasharotlarning faunasi va ularning bioekologik xususiyatlari keltirib o'tilgan, shuningdek ularning uchrash miqdori keltirilgan. Aniqlangan qattiq qanotli hasharotlarni 14 turi 5 ta oilaga mansubligi ko'rsatib o'tilgan. Bu oilalar quyidagilar: Chrysomelidae, Curculionidae, Tenebrionidae, Serambycidae, Coccinellidae.*

Калим сўзлар: *qattiq qanotlilar, qo'ng'iz, hasharotlar, plastinkamo'ylovlilar, burg'ulovchi qo'ng'izlar, tilla qo'ng'iz, to'ylovdor qo'ngizlar*

Аннотация. *В данной статье приведена фауна жесткокрылых (Insecta, Coleoptera) насекомых, обитающих в тугайских лесах Хорезмского оазиса, и их биоэкологические особенности, а также их численность. Было обнаружено, что 14 видов жесткокрылых относится к 5 семействам: Chrysomelidae, Curculionidae, Tenebrionidae, Cerambycidae, Coccinellidae.*

Ключевые слова: *жесткокрылые, жук, насекомые, пластинчатоусые, сверлильщики, златки, усачи*

Abstract. *This article presents the fauna of Coleoptera (Insecta, Coleoptera) insects that live in the tugai forests of the Khorezm Oasis, and their bioecological features, as well as their numbers. It was found that 14 species of Coleoptera belong to 5 families: Chrysomelidae, Curculionidae, Tenebrionidae, Cerambycidae, Coccinellidae.*

Keywords: *coleoptera, beetle, Insecta, Scarabaeidae, Lymexylidae, Buprestidae, Cerambycidae*

Одним из обязательных условий биогеоценотипических исследований является достаточно полная фаунистическая и систематическая изученность исследуемого района. Наиболее остро этот вопрос возникает при исследовании населения беспозвоночных, особенно в отношении беспозвоночных биогеоценозов Хорезмского оазиса. Относительный, качественный и количественный состав фауны беспозвоночных позволяет проводить исследования с охватом всех основных звеньев биогеоценозов, но этому препятствует недостаток фаунистических сведений. Для установления таксономического статуса видов насекомых необходимы определители, а создание их также тормозится слабой изученностью энтомофауны. Описательные работы по фауне насекомых Средней Азии, особенно по конкретным, локальным фаунам в какой-то мере могут способствовать разрешению этой проблемы. На современном этапе остро стоит вопрос организации и методики проведения комплексных исследований в разных зонах Узбекистана. Важнейшим начальным этапом, безусловно, является инвентаризационная работа, позволяющая определить видовое разнообразие различных таксономических групп животных и растений. Одной из основных задач экологических исследований является изучение процессов функционирования биогеоценозов и их отдельных компонентов (атмосфера, растительность, почва, животное население). Большое значение экологические

исследования приобретают в условиях Хорезмского оазиса, где изучение эталонных экосистем, как на популяционном, так и на биогеоценотическом уровнях может проводиться с особой тщательностью.

ФИЗИКО-ГЕОГРАФИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА РАЙОНА ИССЛЕДОВАНИЯ

Хорезмский оазис расположен в низовье реки Амударья. Занимает всю территорию Хорезмского вилоята Узбекистана, южную часть Каракалпакстана, который является автономной республикой в составе Узбекистана, а также северную и северо-восточную части Дашогузского вelayата Туркменистана. В северной стороне заканчивается Кунградской низменностью, с юга пустыней Каракумы, с запада пустыней и одноимённым плато Устюрт, с востока пустыней Кызылкум. По территории оазиса протекает одна из крупнейших и длиннейших рек Средней Азии-Амударья. Климат территории оазиса является резко континентальным, с жарким и сухим летом при достаточно холодной зиме. Среднегодовая температура составляет $+15,0^{\circ}\text{C}$; средняя температура января равна $-4,5^{\circ}\text{C}$, средняя температура июля $+28,4^{\circ}\text{C}$. Абсолютный минимум температуры составил -32°C , абсолютный температурный максимум $+54^{\circ}\text{C}$. В среднем на территории района выпадает 80—120 мм осадков за год (основная часть осадков приходится на весну и осень). Вегетационный период длится 210-212 дней. Из-за снижения уровня Аральского моря климат района с каждым годом становится всё более аномальным и лето становится жарче, а зима холоднее. Почва Хорезмской области весьма разнообразна. Основную часть почвенного покрова составляют аллювиальные почвы. В почвенном составе также представлены лугово-серозёмные почвы. Почвенный покров адыров образован, в основном, лугово-серозёмными почвами, солончаками, а также песчаниками.

Гидрография. По территории оазиса протекает одна из крупнейших и длиннейших рек Средней Азии-Амударья. Именно благодаря Амударье образовался Хорезмский оазис и он сильно зависит от этой реки. На территории оазиса находятся свыше 100 озёр различной величины. Наиболее крупные из которых Тунгизкуль, Шуркуль, Улугшуркуль, Кернай, Каратеран, Бутакуль, Акчаакуль, Алтынкуль, Зейкуль, Аккуль и другие. На территории района сооружена сеть водных ирригационных каналов, некоторые из которых являются трансграничными и проходят по территории обеих стран. Наиболее крупные и значимые из которых Озёрный коллектор Дружба, Шават, Ташсака, Палван-Газават, Карамазын и другие. На территории района повсеместно распространены гребенщик, лебеда, верблюжья колючка и другие растения, которые имеют большое кормовое значение для разводимых здесь каракулевых овец. В дикорастущем виде встречаются яблоня, грецкий орех, шиповник, астрагал, барбарис.

На территории района распространены шакал, лиса, камышовый кот, барсук, заяц, джейран, различные виды грызунов, ящериц, включая степных агам, змей, включая стрелу-змею, различные виды гадюковых и удавов. В реках и озёрах-разнообразные рыбы. В Амударье и её притоках водятся жерех, аральский усач, сом, лещ, чехонь, остролючка, белый амур, толстолобик.

МАТЕРИАЛЫ И МЕТОДЫ ИССЛЕДОВАНИЙ

Материалом послужили сборы жуков в 2018–2019 гг. Обследование проводилось маршрутным методом. Во время сбора жесткокрылых использовались такие методы сбора, как кошение, ручной сбор, обтряхивание. Собранный материал определялся в лабораторных условиях.

Сравнение группировок жесткокрылых проводилось методом граф-включений (Семкин, Куликова, 1981), а также кластерным анализом (коэффициент Жаккара). Видовое богатство измерялось с помощью индексов Маргалефа и Менхиника, а выравненность видов по обилию - с помощью индексов Симпсона и Бергера-Паркера (Песенко, 1982; Мэгарран, 1992). Вычисления проводились в программе Excel (2003), а построение дендрограммы в программе Past.




Диаграмма 1. Встречаемость видов по семействам Хорезмского оазиса в процентном соотношении

РЕЗУЛЬТАТЫ ИССЛЕДОВАНИЙ

В разделе приведен аннотированный список видов имаго жесткокрылых, собранных нами на модельных участках с помощью оконных и почвенных ловушек. Для каждого вида приводятся сведения по распространению, особенностям топических и трофических связей имаго.

Таблица 1

Перечень видов жесткокрылых, выявленных в тугаях Хорезмского Оазиса

№п/п	Виды насекомых	Экологическая группа	Пищевая специализация	Встречаемость
Семейство Chrysomelidae.				
1	Cryptocephalus sericeus (Linnaeus, 1758).	Растительное насекомое	Широкие олигофитофаги. Питаются пыльцой.	Обычный.
2	Chrysolina herbacea (Duftschmid, 1825).	Растительное насекомое	Монофитофаги. Питаются стеблями и листьями, а иногда и цветами.	Обычный.
Семейство Curculionidae.				
3	Eusomus beckeri (Tournier, 1874).	Растительное насекомое	Монофитофаги предпочитают полынь	Обычный
Семейство Tenebrionidae.				
4	Tentyria nomas (Pallas, 1781).	Почвенное насекомое.	Узкие олигофитофаги.	Обычный.
5	Gonocephalum pusillum (Fabricius, 1791).	Почвенное насекомое.	Узкие олигофитофаги.	Обычный.
6	Blaps halophila (Fischer von Waldheim, 1822).	Растительное насекомое.	Полифитофаги.	Обычный.
7	Blaps rugosa (Gebler, 1825).	Растительное насекомое.	Полифитофаги.	Обычный.
8	Blaps gigas (Linnaeus, 1767).	Растительное насекомое.	Полифитофаги.	Обычный.
Семейство Cerambycidae.				
9	Aegosomas cabricorne (Scopoli, 1763).	Растительное насекомое.	Полифитофаги.	Обычный.
Семейство Coccinellidae.				
10	Coccinella septempunctata (Linnaeus, 1758).	Хищное насекомое.	Зоофаги. Питаются в основном тлями.	Обычный.
11	Adonia variegata (Goeze, 1777).	Хищное насекомое.	Зоофаги. Питаются в основном тлями	Обычный.
12	Hippodamia undecimnotata (Linnaeus, 1758).	Хищное насекомое.	Зоофаги. Питаются в основном тлями.	Редкий.
13	Harmonia axyridis (Pallas, 1773).	Хищное насекомое.	Зоофаги. Питаются в основном тлями	Обычный.
14	Hippodamia tredecimpunctata (Linnaeus, 1758).	Хищное насекомое.	Зоофаги. Питаются в основном тлями	Редкий.




Диаграмма 2. Пищевая специализация видов жесткокрылых Хорезмского оазиса в процентном соотношении

Данные по экологическим группам, пищевой специализации и встречаемости видов жесткокрылых показаны в диаграмме 2 и 3. Среди них относятся к зоофагам – 5 видов (35.7%),

полифитофагам – 4 видов (28,6%), широким олигофитофагам – 1 видов (7,1%), узким олигофитофагам – 2 видов (14,3%), монофитофаги – 2 вид (14,3%).

Как видно из таблицы 1, доминирующим по видовому составу оказалось семейство Coccinellidae, Tenebrionidae представленное по каждому семейства 5 видами. Известно, что кокциnellиды относятся к наиболее эффективным энтомофагам многих вредителей лесного и сельского хозяйства, они уничтожают насекомых- вредителей на разных стадиях их развития, что важно, т.е. естественным образом регулируют их численность.

Долголетнее и неконтролируемое применение инсектицидов привело к ряду экологических проблем в окружающей среде и способствовало развитию биологического метода борьбы с вредителями.

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

Таким образом, в Хорезмском оазисе выявленных жесткокрылых составляют 14 видов относящихся к 5-м семействам: в основном они относятся к группе фитофагов вредителям побегов, почек на побегах и стволиках относятся к тополевым и листогрызущим корневым вредителям насекомых, остальные группы видов насекомых хищники и почвенные вредители. Результаты исследований показали, что из выявленного 168 полужесткокрылых: 5 семейств относящиеся к 14 видам, обитающих на территории Хорезмского оазиса, относятся к тамнобионтным и хортобионтным. Данные анализа встречаемости обитающих в Хорезмском оазисе показали, что по численности видов на первом месте семейство Tenebrionidae представленное 5 видами (36%) и Coccinellidae тоже представленное 5 видами (36%), на втором месте – семейство Chrysomelidae – 2-мя видами (14%), затем семейство Curculionidae – 1 видами (7%), и по порядку – семейство Cerambycidae представленные 1 видам (7%). Составлены также таблицы и диаграммы на основе вышеизложенных данных. Среди них относятся к зоофагам – 5 видов (35,7%), полифитофагам – 4 видов (28,6%), широким олигофитофагам – 1 вид (7,1%), узким олигофитофагам – 2 вида (14,3%), монофагам – 2 вида (14,3%). Такое относительное благополучное положение может быть нарушено лишь резким увеличением их кормового ресурса, которое может стать следствием каких-либо масштабных неблагоприятных воздействий на леса Хорезмского оазиса.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Мозолевская, Е.Г. Методы лесопатологического обследования очагов стволовых вредителей и болезней леса / Е.Г. Мозолевская, О. А. Катаев, Э.С. Соколова. - М.: Лесная пром-сть, 1966. - С. 152.
2. Мозолевская, Е.Г. Информационные таблицы для короедов / Е.Г. Мозолевская, Т.В. Шарапа, Г.К. Шалибашвили и др. // Вопросы защиты, охраны леса и озеленения городов. - Вып. 224. - М., 1990. - С. 41-46.
3. Семенкова, И.Г. Фитопатологическая характеристика насаждений Кабардино-Балкарского заповедника / И.Г. Семенкова, Ж.Т. Этезов // Экология и защита леса. - Л., 1987 - С. 102-104.
4. Этезов, Ж.Т. Экологические особенности сосновых лубоедов в сосняках Кабардино-Балкарского госзаповедника / Ж.Т. Этезов // Фауна и экология млекопитающих Кавказа. - Нальчик, 1987. -С. 222-230.
5. Этезов, Ж.Т. Видовой состав дендрофильных насекомых Кабардино-Балкарского высокогорного госзаповедника / Ж.Т. Этезов // Вопросы горной экологии. - Нальчик, 1989. - С. 187-191.
6. Этезов, Ж.Т. Насекомые-ксилофаги сосны Сосновского в лесах Кабардино-Балкарского высокогорного заповедника / Ж.Т. Этезов: автореф. дисс. - М.: МГУЛ - 22 с.
7. Этезов, Ж.Т. Насекомые-ксилофаги сосны Кабардино-Балкарского заповедника Ж.Т. Этезов, К.А. Калинина // Рациональное использование, охрана и воспроизводство лесных ресурсов. - Науч.тр. МГУЛ. - Вып. 18. - М., 1986 - С. 63-66.
8. Этезов, Ж.Т. Влияние рекреационной нагрузки на патологическое состояние сосновых лесов в условиях высокогорья Центральной части Северного Кавказа / Ж.Т. Этезов // Эколого-флористические исследования Северного Кавказа. - Нальчик, 1987. - С. 103-105.

УЎК 582.682.6: 581.93

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ГЕРБАРИЙСИ НОЁБ ИЛМИЙ ОБЪЕКТИДА САҚЛАНАЁТГАН CORYDALIS DC. ТУРКУМИ ТУРЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Ю.О. Ибадуллаева, магистр, Ўзбекистон Миллий Университети, Тошкент

К.И. Рахматова, магистр, Ўзбекистон Миллий Университети, Тошкент

Г.С. Бозорова, магистр, Ўзбекистон Миллий Университети, Тошкент

Ш.Ж. Тожибоев, Наманган давлат университети, Наманган

Т.Х. Махкамов, ЎЗР ФА Ботаника институти, Тошкент

Annotatsiya. Maqolada O'zbekiston Milliy gerbariysida (TASH) saqlanayotgan Corydalis DC. turkumi gerbariy namunalarning inventarizatsiyasi bo'yicha natijalar keltirildi. Corydalis turkumining katalogi tuzildi. TASH fondida saqlanayotgan Corydalis turkumi turlarini gerbariy namunalari tanqidiy tahlili amalga oshirildi. Olib borilgan tadqiqotlar natijasida O'zbekiston florasida uchraydigan Corydalis turkumi O'zbekiston florasida 12 turdan emas, balki 16 turdan iborat ekanligi aniqlandi. Turkumning yangilangan tur

tarkibi shakllantirildi. Inventarizatsiya natijasida O'zbekiston Milliy gerbariysining asosiy fondida *Corydalis* turkumining O'zbekiston florasida uchraydigan 16 turining barchasini gerbariy namunalari mavjudligi aniqlandi. Gerbariy namunalari terilgan yillari, botanik-geografik okruglari va kollektorlari bo'yicha to'liq tahlil qilindi. Gerbariy namunalari kam sonda terilgan turlar sababini aniqlash maqsadida o'rganildi.

Kalit so'zlar: O'zbekiston Milliy gerbariysi (TASH), gerbariy namunasi, *Corydalis*, flora, katalog

Аннотация. В статье приводятся результаты инвентаризации гербарных образцов рода *Corydalis* DC. хранящихся в Национальном гербарии Узбекистана (TASH). Составлен каталог рода *Corydalis*. Проведен критический анализ образцов гербария рода *Corydalis* хранящихся в фонде TASH. Исследования показали, что род *Corydalis* встречающийся во флоре Узбекистана, состоит не из 12 видов, а из 16 видов. Сформирован новый флористический состав рода. В результате инвентаризации было установлено, что основной фонд Национального гербария Узбекистана содержит образцы гербария всех 16 видов рода *Corydalis*, найденных во флоре Узбекистана. Гербарные образцы были детально проанализированы по годам сбора, ботанико-географическим районам, коллекторам. Виды, которые собраны в небольших количествах, были изучены, чтобы найти причины.

Ключевые слова: Национальный гербарий Узбекистана (TASH), гербарный экземпляр, *Corydalis*, флора, каталог

Abstract. The article presents the results of an inventory of herbarium specimens of the genus *Corydalis* DC. stored in the National Herbarium of Uzbekistan (TASH). A catalog of the genus *Corydalis* has been compiled. A critical analysis of herbarium specimens of the genus *Corydalis* stored in the TASH fund was carried out. Studies have shown that the genus *Corydalis* found in the flora of Uzbekistan does not consist of 12 species, but of 16 species. Formed a new floristic composition of the genus. As a result of the inventory, it was found that the main fund of the National Herbarium of Uzbekistan contains herbarium samples of all 16 species of the genus *Ranunculus* found in the flora of Uzbekistan. Herbarium samples were analyzed in detail by collection year, botanical and geographical areas, and collectors. Species that are collected in small quantities have been studied to find reasons.

Keywords: National Herbarium of Uzbekistan (TASH), herbarium specimen, *Corydalis*, flora, catalog

Кириш

Биологик хилма-хилликни тадқиқ этувчи фанларнинг ҳозирги кундаги устувор йўналишларидан бири табиий экотизимлардаги турларини биологик хужжатлаштириш ҳисобланади [1,2]. Бирлашган Миллатлар ташкилотининг расмий маълумотларига кўра яқин ўн йилликлар давомида 1 000 000 биологик тур йўқолиб кетиши мумкин [3]. Ҳозирги кунда ер юзасидаги ўсимлик турларининг умумий сони турли манбаларда 310 000 дан ортиқ [4], 374 000 дан ортиқ [5], ≈ 400 000 [1] га яқин деб баҳоланмоқда. Уларнинг 80 000 дан ортиғи янги турлар бўлиб, бироқ улар ҳанузгача янги тур сифатида расмийлаштирилмаган [6]. Уларнинг аксарият қисми янги ва кенг кўламли тадқиқотларсиз кашф этилмасидан олдин қирилиб кетишининг эҳтимоли жуда юқори даражада. Бу фарз бир томондан антропоген омилларнинг табиий экотизимларга кўрсатаётган таъсирининг даражасини ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб бораётганлиги, иккинчи томондан янги турларни табиатдан излаб топиш, илмий тавсифлаш ва гербарий коллекцияларига жойлаштиришгача бўлган биологик хужжатлаштириш жараёни узок вақтни талаб этиши билан изоҳланади. Масалан, гулли ўсимликларнинг янги турларини топишдан бошлаб то илмий услублар асосида тавсифлашгача ўртача 35 йил кетиб, фақатгина 16% турларда бу жараён 5 йил атрофида расмийлаштирилган [6]. Шу нуқтаи назардан гербарий коллекцияларининг аҳамияти беқиёс ҳисобланади. Чунки ҳали кашф этилмаган ўсимлик турларининг 50% қисми аллақачон гербарий коллекцияларига жойлаштирилган [7]. Index Herbariorum маълумотлар базасига кўра 2017 йил 1 декабрь ҳолатига рўйхатга олинган 3400 гербарий коллекцияларида 390 миллион намуналар мавжуд бўлиб, уларда охириги 400 йил ичида йиғилган гербарий намуналари сақланмоқда [2].

Шу муносабат билан дунёдаги барча йирик гербарийларнинг рақамли форматга ўтказиш [8,9,10], ягона электрон тармоғини яратиш [11] каби лойиҳаларнинг кўлами йил сайин ортиб бормоқда. Сўнгги йиллар давомида эса биологик хужжатлаштирилмаган гербарий намуналарнинг автоматлаштирилган идентификацияси учун сунъий интеллектдан фойдаланиш борасидаги тадқиқотлар йўлга қўйилди [12,13,14,15]. Шунингдек, гербарий намуналари миллий флоралар [16] ва тўр тизимли хариталаш борасидаги илмий тадқиқотларда энг асосий восита сифатида баҳоланади [17]. Бу каби тадқиқотларнинг юқори даражада самара бериши мавжуд коллекциялардаги намуналарнинг электрон каталогларини тузиш, маълумотлар базаларини яратиш ва уларнинг кенг кўламли таҳлили билан боғлиқ ҳисобланади.

Фанлар академиясининг Ботаника институти қошидаги Ўзбекистон Миллий гербарийси (TASH) Марказий Осиё ўсимликлари гербарий намуналарининг умумий сонига кўра дунёдаги энг йирик коллекция фонди ҳисобланади. 1835–1840 йиллардан бошлаб тўпланган намуналарнинг умумий сонига кўра дунёдаги етакчи 30 та гербарий қаторига кирса, Осиё минтақасидаги гербарийлар орасида

учинчи ўринни эгаллайди. Ўзбекистон флорасининг янги нашрларини тайёрлаш [16,18,19], маҳаллий флора турларини тўр тизимли хариталаш, ботаник-географик районлаштириш [20,21] ва тарқалишини акс эттирувчи геоахборот тизимидаги рақамли хариталарни яратиш [22,23], Миллий гербарий фондини рақамли форматга ўтказиш каби кенг қўламли тадқиқотлар турли таксономик birlikлар бўйича сақланаётган намуналарнинг кенг қўламли таҳлилларига таянмоқда. Ўзбекистон Миллий гербарийси объектида сақланаётган полиморф ва олиготроп туркум вакиллари бир асрдан ортиқ муддат давомида сақланаётган намуналарининг таҳлили уларнинг географияси, миграцияси, экологияси борасида қимматли маълумотлар манбасига айланмоқда. Гербарийси фондида сақланаётган намуналарнинг кенг қамровли таҳлили янги йўналиш бўлиб, ҳозирги кундаги мавжуд адабиётларда бундай маълумотлар деярли мавжуд эмас.

Ушбу мақолада TASH фондида сақланаётган *Corydalis* DC. туркуми гербарий намуналарининг инвентаризацияси бўйича олинган натижаларнинг таҳлиллари келтирилган. Туркумнинг Ўзбекистон флорасидаги замонавий рўйхати шакллантирилди ва сақланаётган намуналарнинг каталоги тузилди. Гербарий намуналари терилган йиллари ва коллекторлари бўйича маълумотлар базаси шакллантирилди.

Жадвал 1

Ўзбекистон Миллий гербарийсида сақланаётган *Corydalis* DC. турлари

№	Турлар	Гербарий намунаси сони
Ўзбекистон флорасида учрайдиган турлар		
1	<i>Corydalis bucharica</i> Popov, Fl. URSS 7: 693, 752 (1937).	4
2	<i>Corydalis darwasica</i> Regel ex Prain, J. Asiat. Soc. Bengal, Pt. 2, Nat. Hist. 65(1): 20 (1896).	16
3	<i>Corydalis glaucescens</i> Regel, Bull. Soc. Imp. Naturalistes Moscou 43(1): 253 (1870).	35
4	<i>Corydalis gortschakovii</i> Schrenk, Enum. Pl. Nov. 1: 100 (1841).	199
5	<i>Corydalis ledebouriana</i> Kar. & Kir., Bull. Soc. Imp. Naturalistes Moscou 14: 377 (1841).	215
6	<i>Corydalis nevskii</i> Popov, Fl. URSS 7: 658, 750 (1937).	10
7	<i>Corydalis nudicaulis</i> Regel, Trudy Imp. S.-Peterburgsk. Bot. Sada viii. (1884) 695.	30
8	<i>Corydalis paniculigera</i> Regel & Schmalh., Izv. Imp. Obshch. Lyubit. Estestv. Moskovsk. Univ. 34(2): 3 (1882).	30
9	<i>Corydalis popovii</i> Nevski ex Popov, Trudy Sredne-Aziatsk. Gosud. Univ., Ser. 8b, Bot.17: 87 (1934).	11
10	<i>Corydalis pseudostricta</i> Popov, Fl. URSS 7: 696, 752 (1937).	11
11	<i>Corydalis ruksansii</i> Lidén, Willdenowia 21(1–2): 177 (1991).	2
12	<i>Corydalis sangardanica</i> Mikhailova, Bot. Zhurn. (Moscow & Leningrad) 99(6): 682 (2014).	2
13	<i>Corydalis schanginii</i> (Pall.) B.Fedtsch., Trudy Imp. S.-Peterburgsk. Bot. Sada 23: 372 (1904).	10
14	<i>Corydalis schelesnowiana</i> Regel & Schmalh., Izv. Imp. Obshch. Lyubit. Estestv. Moskovsk. Univ. 34(2): 4 (1882).	10
15	<i>Corydalis sewerzowi</i> Regel, Bull. Soc. Imp. Naturalistes Moscou 43(1): 252 (1870).	123
16	<i>Corydalis stricta</i> Steph. ex DC., Syst. Nat. [Candolle] 2: 123 (1821).	58
Ўзга ҳудуд флораларида учрайдиган турлар		
17	<i>Corydalis aitchisonii</i> Popov, Trudy Sredne-Aziatsk. Gosud. Univ., Ser. 8b, Bot. 17: 88 (1934).	4
18	<i>Corydalis capnoides</i> Pers., Syn. Pl. [Persoon] 2(1): 270 (1806).	5
19	1. <i>Corydalis chionophila</i> Czerniak., Izv. Glavn. Bot. Sada S.S.S.R. 26: 260 (1927).	2
20	<i>Corydalis fimbrillifera</i> Korsh., Bull. Acad. Imp. Sci. Saint-Petersbourg Ser. V, ix. 406.	4
21	<i>Corydalis kaschgarica</i> Rupr., Mém. Acad. Imp. Sci. St.-Petersb., Sér. 7. 14(4): 38 (1869).	7
22	<i>Corydalis macrocentra</i> Regel, Trudy Imp. S.-Peterburgsk. Bot. Sada viii. (1884) 694.	1
23	<i>Corydalis macrocalyx</i> Litv., Trav. Mus. Bot. Acad. Petersb. I. 30.	3
24	<i>Corydalis pseudoadunca</i> Popov, Fl. URSS 7: 696, 753 (1937).	26
25	<i>Corydalis semenowii</i> Regel & Herder, Bull. Soc. Imp. Naturalistes Moscou 37(1): 407 (1864).	10
26	<i>Corydalis tenella</i> Kar. & Kir., Bull. Soc. Imp. Naturalistes Moscou 15(2): 143 (1842).	2
27	<i>Corydalis</i> sp.	36
Жами намуналар сони		866

Материал ва методлар

Тадқиқотнинг материаллари Ўзбекистон Миллий гербарийси ноёб илмий объекти (TASH) фондида сақланаётган *Corydalis* туркуми турларининг гербарий намуналари ҳисобланади. Туркумнинг каталоги А.Л.Тахтаджан [24] системасига мувофиқ тузилди. Туркум ва турларнинг номлари “Определитель растений Средней Азии” [25] ва International Plants Names Index (www.ipni.org) халқаро электрон маълумотлар базаси [26] асосида келтирилди. Мавжуд гербарий намуналарининг ботаник-географик таҳлили К.Ш. Тојбаев & al. [20] томонидан ишлаб чиқилган схема асосида амалга оширилди. Гербарий ёрликларидаги маълумотлар қайси тилда ёзилган бўлса шундайлигича (таржима қилинмасдан) келтирилди.

Натижалар ва уларнинг таҳлили

Corydalis туркуми 300 дан ортиқ турларни бирлаштиради. Уларнинг аксарияти Фарбий Хитой худудига тўғри келади [27]. Ўрта Осиёда 27 тури [28], Ўзбекистонда эса 12 тури тарқалган [29].

Туркумнинг систематикаси чалкашликларга бой ҳисобланади. Ҳозирги кунгача таклиф этилган таснифлардан бири F. Fedde (1936) томонидан ишлаб чиқилган. Марказий Осиё флорасининг энг йирик билимдонларидан бири М.Г. Попов (1937) томонидан ҳам туркумнинг системасига муносабат билдирилган. 1986 йилда М. Lidén ушбу туркумни таснифлаш учун янги уринишни амалга оширади ва 19 секцияга ажратди [27].

Corydalis туркумининг Ўзбекистон флорасида 12 тури учраши тўғрисидаги маълумотлар “Флора Ўзбекистана” (1955) асарида келтирилган [29]. TASH фондида сақланаётган гербарий намуналарини таҳлил қилиш ва замонавий дала тадқиқотлари орқали ҳозирги кунда туркумнинг 16 турини учраши аниқланди. Шу билан бирга Ўзбекистон Миллий гербарийси фондида Ўрта Осиё ва бошқа худудлардан терилган, Ўзбекистон флорасида учрамайдиган турларнинг гербарий намуналари ҳам мавжуд бўлиб, улар қуйидаги жадвалда келтирилди (1-жадвал).

TASH гербарий фонди учун янги намуналар

Corydalis ruksansii Lidén. Ушбу тур 1991 йилда М. Lidén томонидан фанга киритилган: («Tadzhikistan, Gissar range, “Shink, 4 lake”, J.Ruksans et al.». Н.Ю. Бешко томонидан (07.05.2014) Туркистон тизмасининг шимолий ёнбағирликларидagi Ўрикли худудидан йиғилган *Corydalis ruksansii* учун тегишли бўлган намуналар аҳамиятли ҳисобланади. Шу билан бирга Т.Тиллаев (22.04.2018) ва А.Газиёв (27.04.2019) томонидан Зомин Миллий боғи худудидан қайд этилганлиги www.plantarium.ru электрон манбасида келтирилган [30].

Corydalis sangardanica Mikhailova. Ушбу тур 2014 йилда М.А. Михайлова томонидан фанга киритилган: «Южный Узбекистан, Кашкадарьинская обл. Денауский р-н, горы Чульбаир, ущелье р. Сангардакдарьи, окр. кишлака Хояк. 1250 м над ур. м., 11 VI 2013, А.В. Сочивко» (LE)». *C. sangardanica* 2 дона гербарий намунаси О. Тургинов ва Sung Hung (Кунмин Ботаника институти, Хитой) томонидан (30.05.2018) Сангардак шаршараси яқинидан терилган.

TASH гербарий фондидаги тарихий (классик) намуналар. *Corydalis bucharica* Popov. Ўзбекистон Миллий гербарийси тарихий намуналарга бойлиги билан ажралиб туради. Бу ерда сақланаётган *Corydalis* туркуми ҳам бундан истисно эмас. Масалан, *C. bucharica* учун 4 дона гербарий намунаси мавжуд бўлиб, И.А. Райкова томонидан (1927) Тожикистон, Пандж дарёси хавзаси ўнг қирғоғи, Дарай-Сумджан дарёси шаршараси атрофи, Вахан худудидан ва Шугнан худудидан йиғилган. Орадан ўтган 100 йилга яқин вақт мобайнида Ўзбекистон худудидан бу тур терилмаганлиги мақсадли дала тадқиқотларини олиб боришни долзарблигини тақозо қилмоқда.

Жадвал 2

Ўзбекистон Миллий гербарийсида сақланаётган Ўзбекистон флорасига мансуб *Corydalis* туркумининг кам сонда терилган турлари таҳлили


№	Тур номи	Гербарий намунаси сони	Сўнгги бор терилган вақти	Тур қайд этилмаган вақт оралиғи
1	<i>Corydalis bucharica</i>	4	1927	93 йил
2	<i>Corydalis schelesnowiana</i>	10	1936	84 йил
3	<i>Corydalis schanginii</i>	10	1962	58 йил
4	<i>Corydalis nevskii</i>	10	1965	55 йил
5	<i>Corydalis pseudostricta</i>	11	2013	7 йил
6	<i>Corydalis ruksansii</i>	2	2014	6 йил
7	<i>Corydalis sangardanica</i>	2	2018	2 йил
8	<i>Corydalis popovii</i>	11	2020	-

Corydalis nevskii Popov. TASH фондида 10 дона гербарий намунаси мавжуд бўлиб, дастлабки гербарий намунаси В.П. Дробов томонидан (04.04.1916) Шоҳимардон хавзаси, Анхор худудидан терилган. Бу турга тегишли энг сўнгги гербарий намунаси П.Х. Холқўзиев ва М.Д. Султоновлар томонидан (28.03.1965) Шоҳимардон хавзаси зиёратгоҳ атрофи шимолий тоғ ёнбағирликларидан терилган. Ушбу тур 1965 йилдан то ҳозирги кунга қадар, яъни 55 йил мобайнида умуман йиғилмаган. Мавжуд 10 дона гербарий намуналаридан фақатгина 2 донаси Ўзбекистон худудидан терилган холос.

Corydalis popovii Nevski ex Popov. TASH фондида 11 дона гербарий намунаси мавжуд. Дастлабки гербарий намунаси И.М. Култиасов томонидан (12.04.1914) «Бухарския владения, гора Джатым-таг» худудидан терилган. Энг сўнгги терилган гербарий намунаси А.Нигматуллаевга тегишли бўлиб (03.06.1988), Тожикистон худудидан терилган 32 йиллик ораликдан сўнг мазкур тур намуналари О.Т. Тургинов ва бошқалар томонидан (26.02.2020) Сурхон-Шеробод паст текисликларидан топилди.

Шу каби маълумотларни *C. schelesnowiana* Regel & Schmalh., *C. pseudostricta* Popov, *C. schanginii* (Pall.) В.Fedtsch. учун ҳам келтириш мумкин. TASH фондида сақланаётган кам сонда терилган турларнинг терилган вақти бўйича маълумотлар 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвалдан кўришиб турибдики, 55–100 йил давр мобайнида *C. bucharica*, *C. schelesnowiana*, *C. schanginii*, *C. nevskii* турлари Ўзбекистон худудидан қайд этилмасдан келмоқда. Бу ҳолат юқорида келтирилган турларнинг географик ареалларини ва экологик маконларини топиш устида мақсадли дала тадқиқотларини олиб бориш долзарблигини аниқлатмоқда.



Расм 1. TASH фондидаги *Corydalis* турларининг гербарий намуналарини йиллар бўйича тақсимланиши

TASH фондида мавжуд *Corydalis* турларининг 1841 йилдан 2019 йилгача бўлган муддат давомида терилган гербарий намуналарининг сони бўйича маълумотлар 1-расмда келтирилган.


Таҳлилларнинг кўрсатишича, *Corydalis* туркумига мансуб бўлган гербарий намуналари асосий қисми 1920–1939 йиллар оралиғида йиғилган. Бунда 1918 йилда Ўрта Осиё давлат университетининг ташкил этилиши ва кўплаб машхур ботаник олимларни Ўзбекистонда тадқиқотларни олиб боришга жалб этилиши муҳим аҳамиятга эга бўлган. Энг кам гербарий намуналари 2000–2009 йилларга тўғри келиб, ушбу йиллар давомида флористик тадқиқотлар жадаллиги сусайган ва дала тадқиқотлари давомида терилган гербарий намуналарини аксарият қисми TASH асосий фондига тўлиқ жойлаштирилмаганлиги билан изоҳлаш мумкин.

TASH фондида сақланаётган *Corydalis* туркуми турларига оид гербарий намуналарини теришда А.Д. Пятаева, Р.И. Аболин, М.М. Советкина, Е.Е. Короткова, Титов В.С., Коровин Е.Е., Райкова И.А., Бутков А.Я., Тайжанов К., Гранитов И.И., Попов М.Г. каби бир қатор олимларнинг улкан хиссалари бўлган (3 жадвал).

Жадвал 3

TASH фондидаги *Corydalis* туркуми турларининг асосий коллекторлари

№	Коллекторларнинг Ф.И.Ш.	Гербарий намунаси сони	Терилган йиллар
1	Пятаева А.Д.	43	1934–1966
2	Аболин Р.И.	39	1915–1926
3	Советкина М.М.	37	1916–1939
4	Короткова Е.Е.	33	1933–1965
5	Титов В.С.	33	1916–1928
6	Коровин Е.Е.	32	1913–1939
7	Райкова И.А.	28	1922–1959
8	Бутков А.Я.	28	1927–1959
9	Тайжанов К.	20	1963–1989
10	Гранитов И.И.	18	1921–1930
11	Попов М.Г.	18	1914–1930



Расм 2. TASH фондида сақланаётган *Corydalis* туркуми турларига оид гербарий намуналарини ботаник-географик округлар бўйича тақсимланиши

Гербарий намуналарини ботаник-географик округлар бўйича тақсимланиши таҳлил қилинганда, энг кўп терилган гербарий намуналари Фарбий Тиён-Шон, Фарғона-Олой ва Кўхитанг округларига, энг кам терилган гербарий намуналари Ҳисор-Дарвоз, Фарғона ва Панж округларига тўғри келиши аниқланди (2 расм).

Хулоса. Ўзбекистон Миллий гербарийси ноёб илмий объекти инвентаризациядан ўтказилиши натижасида оила ва туркумлар кесимида флористик, географик, хронологик каталоглар тайёрланмоқда. Каталог ўз ичига флористик, ареологик, хронологик маълумотларни олиб, Ўзбекистон Миллий гербарийсида олиб бориладиган илмий тадқиқот ишларининг фойдалилик коэффициенти юқори бўлишига замин бўлади. TASH фондида *Corydalis* DC. туркумининг Ўзбекистон худудида учровчи 16 турининг барчасини ва бошқа худудларда учровчи 10 та турининг гербарий намуналари борлиги, уни келажакда ботаниканинг флора, систематика, география ва экология тармоқлари бўйича олиб бориладиган илмий ишлар учун ноёб-илмий объект сифатида хизмат қилишини таъминлайди, шу билан бирга дунё миқёсидаги нуфузини оширади. Кам сонда терилган турлардан мақсадли дала тадқиқотлари давомида янги гербарий намуналари тайёрланиши натижасида туркумининг замонавий ареаллари ва экологик маконларини тўлиқ тасвирлаш имкони яратилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

1. Pimm S. L. & al., Science 344, 1246752 (2014). DOI: 10.1126/ science.1246752.
2. Zhang, Z.-Q., Christenhusz, M.J.M., Esser, H.-J., Chase, M.W., Vorontsova, M.S., Lindon, H., Monro, A. & Lumbsch, H.T. (2014) The making of the world's largest journal in systematic botany. Phytotaxa 191 (1): 1–9. <http://dx.doi.org/10.11646/phytotaxa.191.1.1>.
3. Summary of United Nations report from the Intergovernmental Science-Policy Platform on Biodiversity and Ecosystem Services (IPBES). May 2019.
4. Chapman, A.D. (2009) Numbers of Living Species in Australia and the World, 2nd edition. A Report for the Australian Biological Resources Study September 2009. Australian Biodiversity Information Services, Toowoomba. Available from: <http://www.environment.gov.au/node/13866> (accessed 5 March 2016).
5. Christenhusz, M.J.M., & Byng James W. The number of known plants species in the world and its annual increase. 2016. Phytotaxa 261 (3): 201–217.
6. Kiat Chuan Tan, Yulong Liu, Barbara A. Ambrose, Melissa Tulig, Serge Belongie. The Herbarium Challenge 2019 Dataset. Published in ArXiv 2019.
7. Daniel P. Bebber, Mark A. Carine, John R. I. Wood, Alexandra H. Wortley, David J. Harris, Ghilleen T. Prance, Gerrit Davidse, Jay Paige, Terry D. Pennington, Norman K. B. Robson, and Robert W. Scotland. Herbaria are a major frontier for species discovery. Proceedings of the National Academy of Sciences, 107(51):22169–22171, 2010.
8. Seregin, A.P. 2016. Making the Russian flora visible: Fast digitisation of the Moscow University Herbarium (MW) in 2015. *Taxon* 65(1): 205–207. <https://doi.org/10.12705/651.29>.
9. Seregin, A.P. 2018. The largest digital herbarium in Russia is now available online! *Taxon* 67(2): 465–467. <http://dx.doi.org/10.12705/672.34>.
10. Kislov, D.E., Bakalin, V.A., Pimenova, E.A., Verkhohat, V.P. & Krestov, P.V. 2017. An electronic management system for a digital herbarium: development and future prospects. *Botanica Pacifica* 2: 59–68. <http://dx.doi.org/10.17581/bp.2017.06207>.
11. Thiers, B.M. 2019. The World's Herbaria 2018: a summary report based on data from Index Herbariorum. Issue 3.0. New York. 18 p. http://sweetgum.nybg.org/science/docs/The_Worlds_Herbaria_2018.pdf
12. Jose Carranza-Rojas, Herve Goeau, Pierre Bonnet, Erick Mata-Montero, and Alexis Joly. Going deeper in the automated identification of Herbarium specimens. *BMC Evolutionary Biology*, 17(1):181, Aug 2017.
13. J.Y. Clark, D. P. A. Corney, and H. L. Tang. Automated plant identification using artificial neural networks. In 2012 IEEE Symposium on Computational Intelligence in Bioinformatics and Computational Biology (CIBCB), pages 343–348, May 2012.
14. James S. Cope, David Corney, Jonathan Y. Clark, Paolo Remagnino, and Paul Wilkin. Plant species identification using digital morphometrics: A review. *Expert Systems with Applications*, 39(8):7562 – 7573, 2012.
15. Sohaib Younis, Claus Weiland, Robert Hoehndorf, Stefan Dressler, Thomas Hickler, Bernhard Seeger, and Marco Schmidt. Taxon and trait recognition from digitized herbarium specimens using deep convolutional neural networks. *Botany Letters*, 03 2018.
16. Sennikov A.N. (ed.) 2017. *Flora of Uzbekistan*, vol. 2. Navro'z Publishers, Toshkent. xii + 200 pp.
17. Серегин А.П. Флора Владимирской области: анализ данных сеточного картирования. Москва, Товарищество научных изданий КМК, 2014.
18. Sennikov A.N. (ed.) 2016. *Flora of Uzbekistan*, vol. 1. Navro'z Publishers, Toshkent. xviii + 173 pp.
19. Sennikov A.N. (ed.) 2019. *Flora of Uzbekistan*, vol. 3. Ma'naviyat Publishers, Toshkent. xii + 201 pp.
20. Tojibaev KS, Beshko NY, Popov VA. 2016. Botanical-geographical regionalization of Uzbekistan. *Botanical Journal* 101 (10):1105e1132.
21. Tojibaev KS, Beshko NY, Popov VA, et al. 2017. Botanical geography of Uzbekistan. Republic of Korea. Pocheon: Korea National Arboretum. p. 250.
22. Tojibaev KSh., Beshko NYu. 2014. Reassessment of diversity and analysis of distribution in *Tulipa* (Liliaceae) in Uzbekistan. *Nordic Journal of Botany* 31: 546–550. <https://doi.org/10.1111/njb.00616>

23. Tojibaev KSh., Beshko NYu, Azimova DE, Turginov OT. 2015. Distribution patterns of species of the genus *Astragalus* L. (sect. *Macrocystis*, *Laguroopsis* and *Chaetodon*) in the territory of Mountain Middle Asian province. *Turczaninowia* 18 (2): 17–38.
24. Тахтаджян А.Л. Система магнолиофитов. – Л.: Наука, 1987. – 439 с.
25. Определитель растений Средней Азии. Критический конспект флоры. Т. XI. – Т.: Фан, 2015. – 497 с.
26. International Plant Names Index [Электронный ресурс].–URL: www.ipni.org (Accessed 22 January 2020).
27. Bruckner C. Gynoecium Ontogeny and Carpology in *Corydalis* DC. section *Cizeilanthifoliae* LIDEN *Fumariaceae* // *Flora*. 187, 1992. – P. 299-316.
28. Пазий В.К. Род *Corydalis*. Определитель растений Средней Азии. Критический конспект флоры. Т. IV. – Т.: Фан, 1974. – С. 17-27.
29. Пазий В.К. Род *Corydalis*. Флора Узбекистана. Т. III. – Т.: Издательство Академии наук Узбекской ССР, 1955. – С. 47-56.
30. Плантариум - определитель растений онлайн [Электронный ресурс].–URL: www.plantarium.ru (Accessed 28 January 2020).

УЎК:633.3.35

МИКРОБИОЛОГИК ПРЕПАРАТЛАРНИНГ МОШ (*VIGNA RADIATE* L.) ЎСИМЛИГИ МАҲСУЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

Ф.И.Маткаримов, мустақил тадқиқотчи, Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти, Чирчиқ

С.К.Бабоев, б.ф.д., проф., ЎзРФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти, Тошкент

Аннотация. Ушбу мақолада мош ўсимлигининг Турон навига *Rhizobium 3*, *Rhizobium 9*, Биоазот микробиологик препаратлари таъсир эттирилиб, улардаги ўсимликнинг бўйи, биомассаси, бир дуккакдаги дон сони, битта ўсимликдаги дуккак сони, дон сони, дуккак оғирлиги, дон оғирлиги ва ҳосилдорлик кўрсаткичлари ўрганилган. Натижада, ўсимликларнинг бўйи, биомассаси, бир ўсимликдаги дуккак ва дон сони, дуккак ва дон оғирлиги, 1000 та дон вазни ҳамда ҳосилдорлиги назорат ўсимликларига нисбатан юқори бўлиши аниқланган.

Калит сўзлар: мош, микробиологик препарат, ҳосилдорлик, органик маҳсулот, биомасса

Аннотация. В статье представлены результаты исследований по испытанию влияния микробиологических препаратов *Rhizobium 3*, *Rhizobium 9*, *Bioazot* на растения маша сорта Турон. В качестве критериев оценки продуктивности были использованы и изучены такие показатели как высота растений, биомасса, число зерен в одном бобе, количество бобов и зерен на одном растении, средний вес одного боба и одного зерна, масса 1000 зерен и урожайность. В результате исследования было установлено увеличение высоты растений, биомассы, числа бобов и зерен на одном растении, среднего веса одного боба и одного зерна, массы 1000 зерен, а также урожайности, по сравнению с контрольными растениями.

Ключевые слова: маш, микробиологический препарат, урожайность, органический продукт, биомасса

Abstract. The article presents the research results of testing the effects of *Rhizobium 3*, *Rhizobium 9*, *Bioazot* microbiological preparations on plants of mung bean "Turon" variety. The criteria that have been studied for evaluating mung bean productivity were plant height, biomass, the number of seeds per pod, the number of pods and seeds per plant, average pod weight, average seed weight, 1000 seed weight, and yield. As a result of the study, an increase in plant height, biomass, number of pods and seeds per plant, average seed and pod weight, 1000 seed weight, and also yield was found when compared with the control plants.

Key words: mung bean, microbiological preparation, yield, organic product, biomass

КИРИШ

Дуккакли дон экинлари инсониятни оқсилли озуқа билан таъминлаш, дон етиштиришни кўпайтириш, тупроқ унумдорлигини ошириш каби муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради [6]. Шу жумладан, мош ўсимлигининг дони юқори калорияли, тез ҳазм бўладиган озуқа маҳсулоти бўлиб, таркибида ўртача 24,7% оқсил, 50,4% углевод ва 1,5% мой сақлайди. Бундан ташқари мош ўсимлиги энг яхши сидерит экинлардан бири ҳисобланади. У кўк ўғит сифатида ишлатилса, тупроқда 70 ц/га куруқ модда тўпланади, бу эса 100 кг гача азот демакдир [7].

Сўнгги йилларда дунё бўйлаб органик маҳсулотга бўлган талабнинг ортиб бориши, органик деҳқончиликка асосланган экин майдонларининг кенгайишига ва органик маҳсулот етиштиришни сезиларли даражада ортиб боришига асос бўлмоқда [8]. Бутун жаҳон деҳқончилигида органик маҳсулот етиштириш бўйича Европа давлатлари олдинги ўринларда туради. Органик маҳсулот етиштиришнинг тахминан 1/3 қисми Европа мамлакатларига тўғри келади [3].

Органик деҳқончилик бу кимёвий ўғит ва пестицидларсиз деҳқончилик қилиш бўлиб, кимёвий ўғитлар ўрнига деҳқонлар турли хил табиий усулларни қўллайди [8]. Бу усуллардан бири

деҳқончиликда микробиологик препаратларни қўллашдир. Дуккакли ўсимликларнинг илдизиди *Rhizobium* бактериялари симбиоз яшаб атмосферадаги эркин азотни ўзлаштиришга ёрдам беради. *Rhizobium* бактериялари билан дуккакли ўсимликлар уруғига ишлов берилганда ўсимликнинг туганаги, азот ўзлаштиришини ва ҳосилдорлик параметрларини оширади [4]. Нўхат ўсимлиги уруғлари Биоазот ва PlantaStim микробиологик препаратлари билан ишлов берилганда, бир ўсимликдаги дуккаклар ва дон сони, дуккаклар ва дон вазни ҳамда ҳосилдорлиги назорат ўсимликларга нисбатан юқори бўлган [5]. Иссиқхона шароитида мош ўсимлигига *Rhizobium 3* ва *Rhizobium 9* микробиологик препаратлари билан ишлов берилган ўсимликларда тугунаклар сони ортган ҳамда ўсимликнинг ўсиши яхшиланган [2].

Мош етиштиришни кўпайтириш, экин майдонларини кенгайтириш ва етиштиришда микробиологик препаратлар қўллаш аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга, сифатли, юқори оқсилли, экологик тоза маҳсулот етиштиришга ёрдам беради.

Шу сабабли тажрибада мош ўсимлигига микробиологик препаратларни таъсир қилдирилиб, улардаги ўсимлик ўсиши ва ҳосилдорлик элементларини ўрганиш мақсад қилиб олинди.

ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ ВА УСУЛЛАРИ

Тажрибамиз дала шароитида, ЎзРФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биология инситути “Донли экинлар генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги” лабораториясида олиб борилди. Тадқиқот объекти сифатида мошнинг Турон нави ва *Rhizobium 3*, *Rhizobium 9*, Биоазот микробиологик препаратларидан фойдаланилди.

Инситутнинг Дўрмон тажриба майдонига мош ўсимлиги уруғлари курук ҳолда ва микробиологик препаратлар билан ишлов берилган ҳолда хар бир намуна 10 м² майдонга, 3 та қайтариққа экилди.

Тажрибада мош ўсимлигининг бўйи, битта ўсимликдаги дуккак сони, дуккак оғирлиги, дон сони, дон оғирлиги, 1000 та дон вазни ва ҳосилдорлик кўрсаткичлари микробиологик препаратларнинг таъсири натижасида ўзгариши ўрганилди. Олинган натижаларнинг статистик таҳлили EXCEL 2016 да, ANOVA бўйича Stat View дастурида амалга оширилди.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Тажрибамизда дала шароитида мош ўсимлигининг Турон навида ўсимлик бўйи, биомассаси, битта ўсимликдаги дуккак сони, дуккак оғирлиги, дон сони, дон оғирлиги, 1000 та дон вазни, ҳосилдорлик кўрсаткичлари микробиологик препаратларнинг таъсири натижасида ўзгариши кузатилди. Микробиологик препаратлар билан ишлов берилган ўсимликларда ўсимлик бўйи назорат ўсимликларга нисбатан 7,9-17,7 см га, бир ўсимликнинг курук биомассаси 21,8-46,38 г га юқори бўлиши кузатилди. Бунда назорат ўсимликларга (60±1,4) нисбатан *Rhizobium 9* микробиологик препаратлари билан ишлов берилган ўсимликларда ўсимлик бўйи (77,7±1,5) энг юқори бўлиши аниқланди (1-расм). Иссиқхона шароитида *Rhizobium 3* ва *Rhizobium 9* микробиологик препаратларининг мош ўсимлигига таъсири ўрганилганда назорат ўсимликларга нисбатан ҳўл биомасса ортиши аниқланган [2]. *Rhizobium 9* билан ишлов берилган ўсимликларда бир ўсимлик курук биомассаси (90,78±3,7), назорат ўсимликларга (44,4±2,1) нибатан энг юқори кўрсаткичга эга бўлди (2-расм).


Микробиологик препаратлар билан ишлов берилган ўсимликларда битта ўсимликдаги дуккаклар сони назорат ўсимликларга нисбатан 15,08-19,53 тага, дуккаклар вазни 7,53-17,39 г га, дон сони 49,2-121,6 тага, дон вазни 2,75-8,95 г га ортди.



1-расм. Микробиологик препаратларнинг ўсимлик бўйи узунлигига таъсири

Битта ўсимликка тўғри келадига дон сони назорат ўсимликларида 7,1±0,2 та, Биоазот билан ишлов берилган ўсимликларда 6,1±0,2 та, *Rhizobium 3* билан ишлов берилган ўсимликларда 5,7±0,2 та, *Rhizobium 9* билан ишлов берилган ўсимликларда 6,8±0,1 тани ташкил қилди. Бунда энг юқори кўрсаткич назорат ўсимликларда кузатилди. Микробиологик препаратлар билан ишлов берилган

ўсимликлардаги битта дуккакка тўғри келадиган дон сони назорат ўсимликларга нисбатан 0,3-1,4 донага кам бўлди.



2-расм. Микробиологик препаратларнинг ўсимлик курук биомассасига таъсири

Rhizobium бактериялари билан дуккакли ўсимликлар уруғига ишлов берилганда ўсимликнинг туганаги, азот ўзлаштиришини ва ҳосилдорлик параметрларининг оширилишига эришилган [1].

Битта ўсимликдаги дуккаклар ва дон сони, дуккак ва дон оғирлиги, назорат ўсимликларга нисбатан *Rhizobium 9* микробиологик препаратлари билан ишлов берилган ўсимликларда энг юқори бўлиши кузатилди (1-жадвал).

1000 та дон вазнининг энг юқори кўрсаткичи *Rhizobium 3* микробиологик препарати билан ишлов берилган ўсимликларда кузатилди. Микробиологик препаратлар таъсири натижасида мош ўсимлиги ҳосилдорлиги назорат ўсимликларга нисбатан 7,3-18 г/ц га ошди. Энг юқори ҳосилдорлик *Rhizobium 9* микробиологик препарати билан ишлов берилган ўсимликларда аниқланди.

1-жадвал

Мош ўсимлигининг ҳосилдорлик элементларига микробиологик препаратларнинг таъсири

Вариантлар	Битта ўсимлик-даги дуккаклар сони, дона	Битта ўсимлик-даги дуккаклар вазни, г	Битта ўсимлик-даги дон сони, дона	Битта ўсимлик-даги дон оғирлиги, г	1000 дона дон вазни, Г	Ҳосилдорлик, г/ц
Назорат	34,63±1,3	26,08±1,1	246,9±9,4	18,45±0,7	74,81±0,68	33,2
Биоазот	49,71±2,1	33,61±1,2	296,1±12,7	22,77±0,8	77,56±0,95	40,5
<i>Rhizobium 3</i>	60,76±3,2	43,22±1,7	326,6±9,6	27,46±0,9	83,76±0,89	47,1
<i>Rhizobium 9</i>	54,16±2,3	43,47±3,2	368,5±16,8	30,15±1,2	83,34±0,87	51,2

ХУЛОСА

Олинган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, дала шароитида назорат ўсимликларга нисбатан микробиологик препаратлар билан ишлов берилган ўсимликларда ўсимликнинг бўй узунлиги, курук биомассаси, дуккак ва дон сони, дуккак ва дон оғирлиги, 1000 та дон вазни, ҳосилдорлиги нисбатан юқори бўлиши аниқланди. Бунда энг юқори ҳосилдорлик, ўсимлик бўйи узунлиги, курук биомассаси *Rhizobium 9* микробиологик препаратлар билан ишлов берилган ўсимликларда, *Rhizobium 3* микробиологик препаратлар билан ишлов берилган ўсимликларда 1000 та дон оғирлиги энг юқори кўрсаткичга эга бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Egamberdieva D., Wirth S., Jabborova D., Liao H. Coordination between Bradyrhizobium and Pseudomonas alleviates salt stress in soybean through altering root system architecture // Journal of Plant Interactions, 2017. Vol. 12 (1). – P. 100–107.
2. Farrukh Matkarimov, Dilfuza Jabborova, Saidmurot Baboev Enhancement of plant growth, nodulation and yield of mungbean (*Vigna radiata* L.) by microbial preparations. // International Journal of Current Microbiology and Applied Sciences. 2019 V.8, N.8, – P.2383–2388.
3. Kiełbasa M (2015) Przyszłość sektora rolno-spożywczego w Polsce w odniesieniu do stanu obecnego. Prog Econ Sci 2:227–238(in Polish).
4. Zahran H.H. Rhizobium-legume symbiosis and nitrogen fixation under severe conditions and in an arid climate. // Microbiol Mol Biol Rev.1999. V. 63, – P.968–989.
5. Маткаримов Ф.И., Бабоев С.К., Тохирбоева Д.У., Холлиев О.Э. Влияние биопрепаратов на урожайность бобовых культур. // Academic Research in Educational Sciences. 2020. V. 1, N. 1– P.2181-1385.
6. Муртазов М.З., Мамарахимов О.М., Қодиров Ў.Ф., Ўсимликшунослик// “Фан ва технологиялар” Тошкент -2012. 51 б.
7. Чирков В.Н. Донли экинлар// “Ўқитувчи” Тошкент -1975. 225 б.
8. www.amerikaovozi.com/a/organic-farming

УЎК: 591.9: 595.773.1

К ФАУНЕ МУХ-ЖУРЧАЛОК (DIPTERA, SYRPHIDAE) ЗАРАФШАНСКОГО ХРЕБТА**М.Р. Рахимов, докторант, Самаркандский Государственный Университет, Самарканд**

Аннотация. Мақолада Зарафшон тоғ тизмаси ва унга ёндош текисликларнинг гингпашиалар (Diptera, Syrphidae) фаунаси ҳамда уларнинг гулли ўсимликлар билан экологик алоқалари ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Мақола учун материаллар маршрутли тадқиқотлар давомида, энтомологик матрап ёрдамида йиғилган. Тадқиқотлар натижасида 26 авлодга мансуб 43 тур, шу жумладан 4 та Ўзбекистон фаунаси учун янги бўлган сирфидлар аниқланган.

Калим сўзлар: сирфидофауна, мавсумий ўзгаришлар, Зарафшон тоғ тизмаси, биохилма-хиллик, гингпашиалар

Аннотация. В статье представлены данные по фауне мух-журчалок (Diptera, Syrphidae) Зарафшанского хребта и прилегающих равнин, а также об их связях с цветковыми растениями. Материал был собран с помощью энтомологического сачка в ходе маршрутных исследований. В результате исследований было обнаружено 43, в том числе 4 новых для фауны Узбекистана вида сирфид из 26 родов.

Ключевые слова: сирфидофауна, сезонные изменения, Зарафшанский хребет, биоразнообразие, мухи-журчалки

Abstract. The article presents data on the fauna of hover flies (Diptera, Syrphidae) in the Zarafshan range and adjacent plains, as well as on the relationships of theirs with flowering plants. The material was collected using an entomological net during route studies. As a result of research, 43 species of sirfids from 26 genera were discovered, including 4 new ones for the fauna of Uzbekistan.

Key words: fauna of syrphides, seasonal changes, Zarafshan range, biodiversity, hover flies

Мухи-журчалки или сирфиды (Diptera, Syrphidae) в целом являются одним из хорошо изученных семейств двукрылых. Однако, не смотря на это, территория Узбекистана, особенно её горная часть, почти не изучена с точки зрения сирфидологии. Как известно 30% территории Узбекистана занимают горы, одним из них является Зарафшанский хребет. Зарафшанский хребет протягивается в широтном направлении на 370 км и кроме Самаркандского и Кашкадаринского областей Узбекистана, ещё занимает территорию северного Таджикистана. С ботанической точки зрения часть Зарафшанского хребта, расположенный на территории Узбекистана, относится к Кухиستانскому ботанико-географическому округу Горносреднеазиатской провинции. А равнины к северу от него относятся к Среднезеравшанскому району Бухарского округа Туранской провинции [9].

Сирфидофауна Зарафшанского хребта до сих пор целенаправленно не изучалась. В литературе имеется лишь описания нескольких новых видов (Парамонов 1927; Штакельберг 1952, 1961) с данной территории [10,11,12].

С 2018 года нами было начато изучение фауны мух-журчалок этого хребта. Насекомых собирали маршрутным методом с марта по ноябрь в нескольких ущельях и вдоль речек по обоим склонам Зарафшанского хребта. Основным методом ловли насекомых было энтомологический сачок, но кроме этого было использовано метод желтых тарелок и ловушки Малеза. Всего собрано около 2 тысяч экземпляров мух-журчалок, из которых больше половины была поймана с использованием энтомологического сачка.

Собранный материал был определен А.В. Баркаловым (Институт систематики и экологии животных СО РАН) и автором, по определителям Н.А. Виоловича (1956, 1974, 1975, 1979, 1983, 1988), А.А.Штакельберга (1961, 1970), Л.В. Зиминой (1961), В.А. Мутина и А.В. Баркалова (1999), А.В. Баркалова (2007, 2009). Видовая принадлежность кормовых растений сирфид был определен доцентом кафедры ботаники Самаркандского государственного университета Й.Ш.Ташпулатовым, за что автор выражает свою благодарность.

Обнаруженные в исследуемых территориях журчалки относятся к 43 видам и 26 родам 10 триб из 2 подсемейств (список). Причем три из них пока до вида не определены. Звёздочкой (*) в списке помечены виды, впервые обнаруженные на территории Узбекистана.

В приводимом ниже списке видов для каждого таксона даётся следующая информация: 1) список литературы, содержащий ссылки на источники, в которых виды указывались для территории Узбекистана, 2) список изученного материала. Классификация принята по определителю В.А. Мутина А.В. Баркалова [8]. Валидность латинских названий видов проверено по M.Speight [14].

Систематический список мух-журчалок Зарафшанского хребта**Subfamily Syrphinae****Tribe Bacchini***Melanostoma* Schiner, 1860*1. Melanostoma mellinum* Linnaeus, 1758

Даминава 1978:88 [4].

Материал: Узбекистан, Китабский р-н. к.Кайнар, 16.03.2019 - 1♂; к. Башыр, 22.05.2019 - 3♂3♀; г. Самарканд ботанический сад СамГУ, 17.03.2019 - 1♀; Чиракчинский р-н, на пшеничном поле, сорные растения, 02.04.2019 - 2♂,3♀; Зарафшанский н.п.п., 1 кордон, 13.04.19 - 2♀; 3 кордон, 26.04.19 - 1♂,2♀; 07.05.2019 - 1♂,1♀; Зарафшанский хребет ущелье Охаликсой 30.04.19 - 3♂,1♀; перевал Саридукон 02.06.2019 - 1♂,1♀; Нурабадский р-н, пос. Ингичка 03.05.2019 - 3♀; к.Остонабобо, 09.05.2019 1♂,2♀; Ургутский р-н, виноградный сад на гулявнике, 06.08.19 - 3♂,4♀; под ивой с тлями, 10.11.19 - 1♂; Таджикистан. Согдийская обл. оз.Хазорчашма, 12.06.19 - 1♂,1♀;

Tribe Paragini

Paragus Latreille, 1804

2. *Paragus tibialis* (Fallén, 1871)

Даминава 1997:31 [5].

Материал: Узбекистан, Китабский р-н. к.Кайнар, 16.03.2019 - 2♀; г.Самарканд ботанический сад СамГУ, 17.03.2019 - 2♂,1♀; Чиракчинский р-н, на пшеничном поле, сорные растения, 02.04.2019 5♂; Зарафшанский хребет ущелье Кумбелсой, 23.06.19 - 1♂; Туркестанский хребет ущелье Джум-жум, 07.07.19 - 2♂3♀; Ургутский р-н, виноградный сад на гулявнике, 06.08.19 - 4♂1♀;

3. *Paragus bicolor* (Fabricius, 1794)

Даминава 1978:88 [4].

Материал: Узбекистан, Акдарынский р-н, тугаи на берегу р.Зарафшан, 7.04.19 - 2♀; Зарафшанский н.п.п., 1 кордон, 13.04.19 - 1♂; Китабский р-н. к. Башыр, 22.05.2019 - 3♂1♀; Зарафшанский хребет ущелье Кумбелсой, 23.06.19 - 1♂; Туркестанский хребет ущелье Джум-жум, 07.07.19 - 1♂1♀; Ургутский р-н, виноградный сад на гулявнике, 06.08.19 - 1♀;

Tribe Syrphini

Episyrphus Matsumura et Adachi, 1917

4. *Episyrphus balteatus* (De Geer, 1776)

Даминава 1978:88 (Syrphus) [4].

Материал: Узбекистан, Китабский р-н. к.Кайнар, 16.03.2019 - 1♂1♀; Ургутский р-н, виноградный сад под ивой с тлями, 10.11.19 - 1♂;

Simosyrphus Bigot, 1882

5. *Simosyrphus scutellaris* (Fabricius, 1805)

Даминава 1978:88 (Ischiodon) [4].

Материал: Узбекистан, Зарафшанский хребет, ущелье Камонгаронсой, на вьюнке, 6.06.2018 - 1♂;

Eupeodes Osten Sacken, 1877

6. *Eupeodes corollae* (Fabricius, 1794)

Даминава 1978:88 (Syrphus) [4].

Материал: Узбекистан, Китабский р-н. к.Кайнар, 16.03.2019 - 1♂3♀; к. Башыр, 22.05.2019 - 6♂4♀; г.Самарканд ботанический сад СамГУ, 17.03.2019 - 1♂; Чиракчинский р-н, на пшеничном поле, сорные растения, 02.04.2019 - 1♂; Акдарынский р-н, тугаи на берегу р.Зарафшан, 7.04.19 - 7♂2♀; Зарафшанский н.п.п., 1 кордон, 13.04.19 - 2♂; 11.05.2019 - 3♂,2♀; Зарафшанский н.п.п., 3 кордон, 26.04.19 - 2♀; 07.05.2019 - 1♂,1♀; Зарафшанский хребет, ущелье Охаликсой 30.04.19 - 1♀; ущелье Еттиуйлисой 20.05.2019 - 1♂8♀; перевал Саридукон 02.06.2019 - 5♂,11♀; перевал Тахтакарача 22.05.2019 3♂,1♀; Нурабадский р-н, пос. Ингичка 03.05.2019 - 2♀; к.Остонабобо, 09.05.2019 1♂,1♀; г.Ургут двор частного дома, под деревьями, 26.05.19 - 1♀; Ургутский р-н, виноградный сад на гулявнике, 06.08.19 - 4♂,7♀; под ивой с тлями, 10.11.19 - 9♂,1♀; Таджикистан, Согдийская обл. оз.Хазорчашма, 12.06.19 - 1♀;

7. *Eupeodes luniger* Meigen, 1822

Даминава 1978:88 (Syrphus) [4].

Материал: Узбекистан, г.Ургут частный двор, под деревьями, 26.05.19 - 1♀;

8. *E. latifasciatus* Macquart, 1829

Даминава 1978:88 (Syrphus) [4].

Материал: Таджикистан, Согдийская обл. оз.Хазорчашма, 12.06.19 - 1♂;

Scaeva Fabricius, 1805

9. *Scaeva albomaculata* (Macquart, 1842)

Даминава 1978:88 [4].

Материал: Узбекистан, Зарафшанский хребет ущелье Охаликсой 30.04.19 - 1♀; ущелье Еттиуйлисой 20.05.2019 - 1♂1♀; перевал Саридукон 02.06.2019 - 3♀; Зарафшанский н.п.п., 3 кордон, 26.04.19 - 2♀; Нурабадский р-н, пос. Ингичка 03.05.2019 - 1♂; к.Остонабобо, 09.05.2019 1♂,2♀;

10. *Scaeva dignota* (Rondani), 1857*

Материал: Узбекистан, Зарафшанский хребет, старый перевал Тахтакарача, ущелье Йулсой h 1765m, 12.04.19 - 2♂; Ургутский р-н, виноградный сад, на гулявнике 06.08.19 - 2♂;

11. *Scaeva pyrastris* (Linnaeus, 1758)

Даминова 1978:88 [4].

Материал: Узбекистан, Зарафшанский н.п.п., 3 кордон, 26.04.19 - 2♀; Зарафшанский хребет ущелье Охаликсой 4.05.19 - 1♀; ущелье Еттиуйлисой 20.05.2019 - 1♂1♀; перевал Тахтакарача, 22.05.2019 - 1♂; перевал Саридукон 02.06.2019 - 1♂;

12. *Scaeva selenitica* Meigen, 1822

Peck, 1988: 55 [13].

Материал: Таджикистан, Согдийская обл. оз.Маргузор, 12.06.19 - 1♀;

Spaerophoria Le Peletier et Serville, 1828

13. *Spaerophoria scripta* (Linnaeus, 1758)

Даминова 1978:88 [4].

Материал: Узбекистан, Китабский р-н. к.Кайнар, 16.03.2019 - 2♂; к. Башыр, 22.05.2019 - 9♂8♀; г.Самарканд ботанический сад СамГУ, 17.03.2019 - 4♂1♀; Чиракчинский р-н, на пшеничном поле, сорные растения, 02.04.2019 - 3♀; Акдарынский р-н, тугай на берегу р.Зарафшан, 7.04.19 - 7♂2♀; Зарафшанский н.п.п., 1 кордон, 13.04.19 - 2♂; 11.05.2019 - 3♂,2♀; 3 кордон, 26.04.19 - 2♀; 07.05.2019 - 1♂,1♀; Зарафшанский хребет ущелье Охаликсой 30.04.19 - 1♂,1♀; перевал Саридукон 02.06.2019 - 2♂,2♀; Нурабадский р-н, пос. Ингичка 03.05.2019 - 2♂; к.Остонабобо, 09.05.2019 1♂,2♀; Ургутский р-н, виноградный сад на гулявнике, 06.08.19 - 11♂,9♀; под ивой с тлями, 10.11.19 - 1♂,1♀; Таджикистан. Согдийская обл. оз.Хазорчашма, 12.06.19 - 2♂,2♀;

14. *Sphaerophoria rueppellii* (Wiedemann, 1830)

Даминова 1978:88 [4].

Материал: Узбекистан, Зарафшанский н.п.п., 3 кордон, 26.04.19 - 1♂2♀; Зарафшанский хребет ущелье Охаликсой 30.04.19 - 1♂,1♀; перевал Саридукон 02.06.2019 - 2♂,2♀; Нурабадский р-н, пос. Ингичка 03.05.2019 - 2♂; к. Остонабобо, 09.05.2019 1♂,2♀; Китабский р-н. к. Башыр, 22.05.2019 - 3♂3♀; Таджикистан. г.Панджакент, 12.06.19 - 1♂;

Syrphus Fabricius 1775

15. *Syrphus vitripennis* Meigen, 1822

Даминова 1978:88 [4].

Материал: Узбекистан, Зарафшанский н.п.п., 1 кордон, 13.04.19 - 2♀; Ургутский р-н, виноградный сад на гулявнике, 06.08.19 - 2♀;

Таджикистан. Согдийская обл. г.Панджакент, 12.06.19 - 1♀;

Xanthogramma Schiner, 1860

16. *Xanthogramma citrofasciatum* de Geer, 1776

Даминова 2004:168 [6].

Материал: Узбекистан, Зарафшанский н.п.п. 1 кордон, на портулаке огородом под цветущей яблоней 09.04.2018 - 1♂;

17. *Xanthogramma hissarica* Violovitsh, 1975*

Материал: Узбекистан, Зарафшанский хребет, перевал Саридукон 02.06.2019 - 2♂1♀;

18. *Xanthogramma kirgisistanum* Enderlein, 1938

Peck, 1988: 51 [13].

Материал: Узбекистан, Зарафшанский н.п.п. 1 кордон, 13.04.2019 - 2♂;

Chrysotoxum Meigen, 1803

19. *Chrysotoxum bactrianum* Violovitsh, 1973

Violovitsh, 1973: 601[15].

Материал: Чиракчинский р-н, на пшеничном поле, сорные растения, 02.04.2019 - 3♀; Акдарынский р-н, тугай на берегу р.Зарафшан 7.04.19 - 1♀; Зарафшанский н.п.п., 1 кордон, 13.04.19 - 1♂; Зарафшанский н.п.п., 3 кордон, 26.04.19 - 1♂; Ургутский р-н, виноградный сад на гулявнике, 06.08.19 - 1♂,2♀; под ивой с тлями 10.11.19 - 1♂,2♀;

20. *Chrysotoxum* sp.

Материал: Узбекистан, Зарафшанский хребет, перевал Тахтакарача, 22.05.2019 - 2♂;

Subfamily Eristalinae**Tribe Rhingiini**

Cheilosia Meigen, 1822

21. *Cheilosia aerea* Dufour 1848*

Материал: Узбекистан, Зарафшанский хребет ущелье Камонгаронсой, на феруле 14.04.19 - 1♂; ущелье Кумбелсой 23.06.19 - 1♂; перевал Тахтакарача, 30.06.2019 - 3♀; Туркестанский хребет, ущелье Джум-джум 07.07.2019 - 1♂;

Таджикистан, Согдийская обл. оз.Хазорчашма, 12.06.19 - 1♀;

22. *Cheilosia stackelbergi* Barkalov & Peck, 1994*

Материал:Таджикистан, Согдийская обл. оз.Хазорчашма, 12.06.19 - 2♂1♀;

23. *Cheilosia grossa* (Fallen, 1817)

Peck, 1988:104 [13].

Материал: Зарафшанский н.п.п., 3 кордон, 10.03.19 - 1♀;

Tribe Volucellini

Volucella Geoffroy, 1762

24. *Volucella plumatoides* Hervé-Bazin, 1923

Peck, 1988: 131 [13].

Материал: Таджикистан, Согдийская обл. оз.Хазорчашма, 12.06.19 - 1♂;

Tribe Eristalini

Eristalinus Rondani, 1845

25. *Eristalinus (Eristalinus) aeneus* (Scopoli, 1763)

Peck, 1968: 119 [13].

Материал: Узбекистан, г.Самарканд ботанический сад СамГУ на цветущей черешне, 17.03.2019 - 3♂,1♀; Чиракчинский р-н, на пшеничном поле, сорные растения, 02.04.2019 -1♂; Зарафшанский н.п.п. 1 кордон, 11.05.2019 - 1♂; Ургутский р-н, виноградный сад на гулявнике 06.08.19 - 13♀,3♂.

26. *Eristalinus (Eristalinus) sepulchralis* (Linnaeus, 1758).

Даминова, 2014: 18 [7].

Материал: Узбекистан, Ургутский р-н, виноградный сад на гулявнике 06.08.19 - 5♂.

Eristalis Latreille, 1804

27. *Eristalis (Eoeristalis) arbustorum* (Linnaeus, 1758)

Даминова 1978:88 [4].

Материал: Узбекистан, Китабский р-н. к.Кайнар 16.03.2019 - 1♂1♀; г.Самарканд, ботанический сад СамГУ, 17.03.2019 - 4♂; Чиракчинский р-н, на пшеничном поле, 02.04.2019 - 3♂,1♀; Зарафшанский хребет ущелье Кумбелсой 23.06.19 - 1♂; Туркестанский хребет ущелье Джум-джум 07.07.19 - 1♂; Ургутский р-н, виноградный сад на гулявнике 06.08.19 - 1♂;

28. *Eristalis (Eristalis) tenax* (Linnaeus, 1758)

Даминова, 1987: 29. [5].

Узбекистан, Китабский р-н. к.Кайнар, 16.03.2019 - 1♂2♀; г.Самарканд ботанический сад СамГУ, 17.03.2019 - 1♂1♀; Зарафшанский н.п.п. 1 кордон, 11.05.2019 - 3♂,2♀; Чиракчинский р-н, на пшеничном поле, сорные растения, 02.04.2019 2♂,1♀; Зарафшанский хребет ущелье Кумбелсой, 23.06.19 - 2♂;

Туркестанский хребет ущелье Джум-джум 07.07.19 - 1♂1♀; Ургутский р-н, виноградный сад на гулявнике, 06.08.19 - 10♂7♀;

Helophilus Meigen, 1822

29. *Helophilus (Helophilus) trivittatus* (Fabricius, 1805)

Даминова 1978:90 (Tubifera) [4].

Материал: Узбекистан, Зарафшанский н.п.п., 1 кордон, 13.04.2019 - 1♂; 3 кордон, 07.05.19 - 1♀; Таджикистан. г.Панджакент, 12.06.19 - 1♀;

30. *Helophilus turanicus* Smirnov 1923

Peck, 1988:196. [13].

Материал: Узбекистан, Зарафшанский н.п.п., 3 кордон, 07.05.19 -1♀; Ургутский р-н, виноградный сад на гулявнике 06.08.19 - 1♂;

Mesembrinus Rondani, 1857

31. *Mesembrinus peregrinus* (Loew, 1846).

Даминова, 2014: 18. [7].

Материал: Узбекистан, Зарафшанский н.п.п., 3 кордон, 26.04.19 - 1♂;

Myathropa Rondani, 1845

32. *Myathropa semenovi* (Smirnov, 1925)

Даминова, 1997: 33. [5].

Материал: Узбекистан, Зарафшанский хребет, ущелье Еттиуйлисой, 02.04.2019 - 1♀; ущелье Камонгаронсой, на феруле 14.04.19 - 1♂; Зарафшанский н.п.п., 1 кордон, 11.05.2019 - 2♂; 3 кордон, 26.04.19 - 1♂; 07.05.2019 -1♀; Ургутский р-н, виноградный сад на гулявнике 06.08.19 - 1♂5♀;

Tribe Brachyopini

Chrysogaster Meigen, 1803

33. *Chrysogaster musatovi* Stackelberg, 1952

Даминова, 1997: 33 [5].

Материал: Узбекистан, Китабский р-н. к. Башыр, 22.05.2019 - 1♂; Зарафшанский хребет, перевал Тахтакарача, на пастбище, 19.05.2018 - 1♂; 30.06.2019 - 3♂2♀; Туркестанский хребет, ущелье Джум-джум 07.07.2019 - 1♀;

34. *Chrysogaster tadjikorum* Stackelberg, 1952

Stackelberg, 1952: 364 [10].

Материал: Узбекистан, Зарафшанский н.п.п., 1 кордон, 13.04.19 - 1♂; 3 кордон, 26.04.19 - 1♂; Зарафшанский хребет ущелье Охаликсой 30.04.19 - 1♂; перевал Тахтакарача, 22.05.2019 - 2♂1♀;

Lejogaster Rondani, 1857

35. *Lejogaster tarsata* Meigen, 1822

Peck, 1988: 178 [13].

Материал: Узбекистан, Акдарынский р-н, тугай, 7.04.19 - 1♂;

Таджикистан. г.Панджакент, 12.06.19 - 1♂;

Orthonevra Macquart, 1829

36. *Orthonevra frontalis* (Loew, 1843).

Даминова, 1997: 34 [5].

Материал: Узбекистан, Зарафшанский н.п.п., 3 кордон, 26.04.19 - 1♂,1♀;

Neoascia Williston, 1886

37. *Neoascia (Neoascia)* sp.

Материал: Узбекистан, Туркестанский хребет ущелье Джум-джум 07.07.19 - 1♀;

Tribe Eumerini

Eumerus Meigen, 1822

38. *Eumerus coeruleus* (Becker, 1913)

Штакельберг, 1961: 191 [11].

Материал: Узбекистан, Зарафшанский хребет, перевал Тахтакарача, 30.06.2019 - 3♀; 19.07.2019 - 1♂;

39. *Eumerus kondarensis* Stackelberg, 1952

Штакельберг, 1952: 383 [10].

Материал: Узбекистан, Зарафшанский хребет, перевал Тахтакарача, 22.05.2019 - 1♀; 30.06.2019 - 1♀;

Merodon Meigen, 1803

40. *Merodon (Merodon) turkestanicus* Paramonov, 1927

Paramonov, 1927:74 [12].

Материал: Узбекистан, Зарафшанский хребет, перевал Тахтакарача, 19.05.2018 - 1♂;

Tribe Cerioidini

Ceriana Rafinesque, 1815

41. *Ceriana sartorum* Smirnov, 1924

Виолович: 1974 [2].

Материал: Узбекистан, Зарафшанский хребет, ущелье Еттиуйлисой, 22.05.2019 - 1♂;

Tribe Milesiini

Syrirta Le Peletier et Serville, 1828

42. *Syrirta pipiens* (Linnaeus, 1758)

Даминова 1978:88 [4].

Материал: Узбекистан, Акдарынский р-н, тугай на берегу р.Зарафшан, 7.04.19 - 1♀; Зарафшанский н.п.п., 3 кордон, 26.04.19 - 1♂; Китабский р-н. к. Башыр, 22.05.2019 - 3♂1♀; Зарафшанский хребет, перевал Саридукон 02.06.2019 - 1♂; ущелье Кумбелсой 23.06.19 - 1♂1♀; Ургутский р-н, виноградный сад на гулявнике 06.08.19 - 1♂;

Таджикистан. Согдийская обл. г.Панджакент, 12.06.19 - 1♂2♀; оз.Хазорчашма, 12.06.19 - 1♀;

43. *Syrirta* sp.

Материал: Узбекистан, Туркестанский хребет ущелье Джум-джум 07.07.19 - 1♀;

Среди этих 10 триб, как в количественном отношении, так и по числу таксонов триба Syrphini оказалось наиболее многочисленным. К ней относятся 17 видов из 8 родов. А среди родов сирфид по количеству видов первое место занимает род *Scaeva*. Из четырех видов этого рода *Sc. dignota* первый раз был обнаружен на территории Узбекистана.

Кроме этого еще три вида: *Xanthogramma hissarica*, *Cheilosia stackelbergi* и *Ch. grossa* также впервые отмечены на территории Узбекистана.

Многие мухи-журчалки трофически связаны с цветковыми растениями, имаго питаются пыльцой и нектаром цветов [1]. Нами сирфиды были отловлены на цветках 39 видов растений из 26 семейств.

От видового состава цветущих растений в биотопе зависит и число видов мух-журчалок. Мухи больше предпочитают цветы растений из семейств: зонтичные (Ariaceae), сложноцветные (Asteraceae) и крестоцветные (Brassicaceae). Если рассматривать отдельные виды растений, то нужно отметить, что максимальное количество видов мух отмечено на феруле кухистанской (*Ferula kuhistanica* Korovin). Это многолетнее, монокарпное растение цветет с конца марта (урочище Етти Уйлисой, высота 1000 м.) до конца июня (перевал Саридукон высота 2400), на нём нами было выловлено 21 видов сирфид. Сирфиды очень часто посещают цветы зонтичных, кроме ферулы можно отметить дикуую морковь

(*Daucus carota* L.) и борщевика Лемана (*Heracleum lehmannianum* Bunge). На цветах этих растений мы выловили соответственно 13 и 11 видов мух-журчалок.

Наименьшее количество видов сирфид отмечено в семействе маковые (Paraveraceae), лишь несколько раз мы наблюдали посещение одного вида сирфид (*Eupeodes corolla*) мака павлинного (Paraver pavonium L.). Среди кустарников сирфидов можно часто встретить на цветах у хультемии персидской (*Hultemia persica* Wagn) и у разных видов шиповника, особенно, у розы кокандской (*Rosa kokanica* Regel).

Различные виды мух-журчалок имеют разный спектр пищевых растений. Наиболее многочисленные виды (*Eristalis tenax*, *E. arbustorum*, *Sphaerophoria scripta*, *Paragus tibialis*) встречаются в цветах практически во всех изученных растений, тогда как *Cheilosia grossa* нами была выловлена только на веронике полевом (*Veronica arvensis* L.).

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Виолович Н.А. Сирфиды Сибири (Diptera, Syrphidae). Новосибирск: Наука, 1983. с 15.
2. Виолович Н.А. Краткий обзор палеарктических видов рода *Ceriana* Rafinesque, 1815 (Diptera, Syrphidae). // Известия Сибирского отделения АН СССР. Сер. биол. Наук. 1974. № 5 вып. 1. с 81-88
3. Виолович Н.А. Краткий обзор палеарктических видов рода *Xanthogramma* Schiner (Diptera, Syrphidae). // Таксономия и экология животных Сибири. // Новосибирск, 1975. с 90-102
4. Даминова Д.Б. К познанию фауны мух сирфид Узбекистана. // Экология беспозвоночных и позвоночных животных Узбекистана. // Ташкент: Издательство «Фан» 1978. С. 88-91.
5. Даминова Д.Б. Мухи-сирфиды Нуратинского заповедника. Труды заповедников Узбекистана 1997, Ташкент, вып. 2. С. 30-36
6. Даминова Д.Б. Мухи сем. Syrphidae (Diptera) Западного Тянь-Шаня // Труды Чаткальского биосферного государственного заповедника. Ташкент, 2004. вып. 5. С. 164-173
7. Даминова Д.Б. Фауна мух сем. Syrphidae (Diptera) равнинных территорий Узбекистана // Вестник Каракалпакского Государственного университета им. Бердаха //2014 № 4 (25) С. 17-20.
8. Мутин В.А., Баркалов А.В. Сем. Syrphidae журчалки // В кн.: Определитель насекомых Дальнего Востока России. Двукрылые и Блохи. 6.1, 1999.-С. 342-500.
9. Тожибаев К.Ш., Бешко Н.Ю., Кодиров У.Х. и др.. Кадастр флоры Узбекистана. Самаркандская область. – Ташкент: Издательство «Фан» АН РУз., 2018. с 18.
10. Штакельберг А.А. Новые Syrphidae (Diptera) Палеарктической фауны. Труды Зоологического института. Л. 1952. № 12: с 350-400
11. Штакельберг А.А. Краткий обзор палеарктических видов рода *Eumerus* Mg. (Diptera, Syrphidae) // Труды ВЭО, Т.158, 1961, С.181-229.
12. Paramonov S.J. Dipterologische fragmente.// Travaux du muse zoologique. № 2. Kiev 1927 p. 73-81.
13. Peck L.V. Syrphidae. – In: Soós, Á.; Papp, L. (eds.), Catalogue of Palaearctic Diptera, Vol. 8., Budapest 1988 p. 11-230
14. Speight, M.C.D. (2003) Species accounts of European Syrphidae (Diptera): special commemorative issue, Second International Workshop on the Syrphidae, Alicante, June 2003.
15. Violovitsh N.A. New Palearctic species of hover flies of the genus *Chrysotoxum* Mg. (Diptera, Syrphidae) //Entomological review// 1973. 52(4) p. 596-602

УЎК:597.42/55+591.9

ДЕНГИЗКЎЛИДАГИ БАЛИҚЛАР ТУРИНИ АНИҚЛАШ

Н.Э.Рашидов, б.ф.н., доц., Бухоро давлат университети, Бухоро
С.Қ.Қувватов, магистр, Бухоро давлат университети, Бухоро
Н.Н.Элмуродова, талаба, Бухоро давлат университети, Бухоро

Аннотация. Мақолада балиқлар тўғрисидаги илк асарларни ёзилиши, ҳозирги вақтда олимларимиз томонидан балиқларни ўрганишидаги изланишлари ва Денгизкўлдаги 14 хил балиқ турларини ўрганилганлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Калим сўзлар: ихтиология, систематика, фауна, экспедиция, дельта

Аннотация. В статье приведены данные о издании первоисточников исследований, исследования рыб учёными настоящего времени и данные изучения 14 видов рыб озера Денгизкўль.

Ключевые слова: ихтиология, систематика, фауна, экспедиция, дельта

Abstract. This state has illustrated researches which our scholars have been researching sepias of fish and have been informed 14 specias of fish in Dengizkul.

Key words: Ixtiology, sustematics, fauna, expedition, delta

Балиқлар тўғрисидаги илк асар милоддан аввалги биринчи минг йиллик ўрталарида Хитойда нашр қилинган. Шунингдек, балиқларга оид энг қадимги маълумотлар милоддан аввалги VI-асрда Ҳинд олимлари, асосан Суфра асарларида кўрсатиб ўтилган. Ихтиологияга оид илк маълумотлар Аристотель асарларида ҳам кўп учрайди. Аристотель “Ҳайвонлар тарихи” асарида балиқларни алоҳида

систематик гуруҳларга ажратади; уларнинг тузилиши, ривожланиши ва ҳаёт кечириш хусусиятларини кўрсатиб беради. Аристотелдан кейин бу соҳадаги илмий маълумотлар фақат XII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб кўпая бошлаган. IV-V аср давомида денгиз ва чучук сув балиқлари фаунаси тўғрисида жуда кўп материаллар тўпланди (Француз-П.Белон ва Г.Ронделе; Италия-И.Сальвини; Швед-П.Артели, К.Линней, Немис- М.Блох, И.Мюллер, Америка-Г.Буланже, У.Риген, Ж.Нормен, С.П.Крашенников. П.С.Паллас, Гюльденштедт ва бошқалар).


XIX асрда рус олимлари К.М.Бер ва Н.Данилевский Каспий, Қора денгиз ва Шимолий денгизларда балиқчиликни тадқиқ қилишди. XIX аср охири ва XX аср бошларида Немис олими Ф.Хейнке сельд балиғини, даниялик олим К.Петерсон треска ва камбалани, норвегиялик олим Ю.Ёрт сельд ва тресканинг овланиш масалаларини илмий жиҳатдан асослаб беришди. Россияда бу даврда балиқларни ўрганишга Н.М.Книповичнинг Мурманск, Каспий, Қора денгиз экспедицияларнинг аҳамияти катта бўлди. Ихтиологиянинг ривожланишига Л.С.Берг (балиқлар систематикаси, тарқалиши, палеонтологияси), А.Н.Северцов (балиқлар анатомияси), К.Суворов (овланадиган балиқлар) ва бошқалар катта ҳисса қўшишди. Ҳозир ихтиология соҳасида кенг миқёсдаги илмий тадқиқотлар дунёнинг кўпчилик мамлакатларида, жумладан Япония, АҚШ, Канада, Англия, Франция, Россия, Норвегия, Швеция, Дания, Ҳиндистон, Австрия, Исландия ва Ўрта Осиёда олиб борилмоқда. Ўзбекистон балиқлари тўғрисидаги материаллар немис олими С.М.Герсенштейн асарларида ҳам учрайди. Амударё куйи қисмида XIX асрнинг иккинчи ярмида Хиванинг Россияга қўшилиши билан ихтиологик изланишлар бошланган эди. 1874 йилда Амударё ва Орол денгизида Арало-Каспий экспедицияси иш бошланган эди, унда Петербург табиат изланувчилар жамоаси иштирик этган. Уларнинг орасида В.Д.Аленсин, М.Н.Богданов, К.Ф.Кесслер маълумотларни тўплаганлар. Олинган натижаларга кўра Орол денгизи ва Амударёда 38 та балиқ тури аниқланган (Кесслер 1877). М.Н.Богданов (1882) Хива воҳасининг сув омборларида балиқларнинг 18 турини аниқлаган. 1886 йилда А.М.Никольский Орол денгизи бассейнини ўрганиб чиққан, унда у Тўртқўлдан Амударё бўйлаб унинг дельтасини ўрганган. 1899-1903 йилда С.М.Берг Орол денгизи, Сирдарё, Балқаш ва Исикқўл балиқларини текшириб “Ўзбекистон балиқлари монографияси” номли китоби нашр қилинди. 1886-1906 йилларда Л.С.Берг Оролни ҳамма томонини ўрганиб чиққан. 1908 йилда у барча тўплаган маълумотларни умумлаштирган. 1920 йилда эса у Амударё балиқларининг 20 турини ўрганиб чиққан. Шунингдек 1920 йилда Орол илмий экспедицияси ташкиллаштирилди ва Орол денгизининг ихтиологиясини ўрганганлар. Кейин ҳар йили улар 2 та гуруҳга бўлиниб, Оролга қуйиладиган дарёларнинг дельталарида иш олиб борганлар. Д.П.Филотов жанубий қисмини, шимолий қисмини эса С.Н.Дуплаков (1926-1927) бошқарганлар. 1931 йилда Орол балиқ хўжалик станцияси очик денгиз изланишлари бўйича иш бошлаган эдилар, бунда балиқларнинг тарқалишига катта эътибор берилди. М.И.Маркун томонидан Орол денгизининг ғарбий қирғоқи ўрганилган. 1935 йилда Никольский (1940), Н.А.Гладков (1935) Амударё дельтасидаги асосий ёш ва вояга етган балиқларни ўрганганлар. Г.В.Никольскийнинг 1938 йилда “Тожикистон балиқлари” номли китоби нашр қилинди. 1940 йилда “Орол денгизи балиқлари”, “Ўрта Осиё фаунаси ва флораси” номли китоблари нашр қилинди.

1961 йилгача республика балиқ хўжалиги Орол денгизида балиқ тутишга асосланган эди ва шу йиллари балиқчилар йилига ўртача 25 минг тонна балиқ тутишган. 1960 йиллардан бошлаб кенг миқёсдаги ирригацион қурилишлар асорати – Орол денгизини ҳам четлаб ўтмади, дарё оқимининг тўсилиши натижасида денгизга келиб тушадиган сув миқдори унинг сатҳидан буғланаётган сув миқдоридан камлиги сабабли у тезлик билан қурий бошлади ва унинг суви шўрланиб, ўзининг балиқчилик аҳамиятини йўқота бошлади [2.-С.34-65; 3.-Р.47-72;].

Балиқ тўла қимматли, оқсилга бой озуқа объекти ҳисобланади. Балиқ инсон рационида гипротейн миқдорини 20% балиқ ташкил қилади. Дунё миқёсида йил мобайнида истеъмол қилинадиган балиқ миқдори 18,6 кг ни ташкил қилади.

Балиқ етказиб берувчи соҳа балиқ овлаш корхоналаридир, лекин бунинг улуши 2018 йилга келиб 57% га қисқарди. Бунинг асосий сабаби қуйидаги омиллар: ўта балиқ овлаш муносабати билан кўпчилик балиқ турлари камайиб кетди. Бу эса табиий кўлами қашшоқлашишига олиб келди. Балиқчилик соҳаси Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг ривожланишини асосий потенциали ҳисобланади.

Балиқчиликни ривожлантиришда Республикада шу жумладан Бухоро вилоятида ҳам имкониятлар катта. Бухоро воҳасида 110 минг гектар табиий сувлик мавжуд бўлиб, ушбу майдонда 17 та МЧЖ балиқчилик хўжаликлари ташкил қилинган. Балиқ маҳсулдорлиги 1,0-1,5 т/га ни ташкил қилади. Тиббиёт ходимларининг таклифига кўра Ўзбекистонда балиқ истеъмол қилиш йил давомида 12 кг қилиб белгиланган, бу эса суткасига 0,033 кг ни ташкил қилади. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда балиқ маҳсулдорлигини ошириш йўлида бир қанча ишлар олиб борилмоқда.



1-расм. Денгизкўлдан намуналар олинмоқда

Денгизкўл-Бухоро вилояти Олот туманида жойлашган кўл бўлиб, ўрта асрларда «Боргини фарох», яъни «Катта кўл» деб юритилган. X асрда ёзилган ёзма манбаларида Денгизкўл «Қорақўл», «Бухайрайи Сомжан» («Сомжан кўли») номлари билан аталган. X асрда араб географи Ибн Ҳавқал томонидан чизилган Ўрта Осиё харитасида «Бахр ул-Бухоро» («Бухоро денгизи») номи билан кўрсатилган. Муҳаммад Наршахий X асрда бу кўл ҳақида «кенлиги йигирма фарсах (140—160 км) бўлиб, Бухоро дарёсининг ортиқча суви шу кўлга йиғилган, унда сув жониворлари кўп, бутун Хуросонда бу ердагидек миқдорда қуш ва балиқ тутилган эмас», деб ёзган.

1-жадвал

Денгизкўлида овланадиган балиқ турлари

№	Балиқ турлари	Сувликлар							
		Тўдакўл сув омбори	Куймозор сув омбори	Шўркўл сув омбори	Денгизкўл	Тузкон	Оитма	Девхона	Қорақир
1	Шип – <i>Aspenser nudirsentris</i> (Lov)	+	+	+	+	+	-	-	-
2	Амударё катта куракбуруни - <i>Pseudoscaphirychus Kaufman</i> (Bogd)	+	+	+	+	+	-	-	-
3	Орол қизил кўзи - <i>Rutilus rutilus aralensis</i> (Berg)	+	+	+	+	+	+	+	+
4	Чўртансимон оққайроқ – <i>Aspiolucus esocinus</i> (Kess)	+	+	+	-	-	+	-	+
5	Орол оққайроғи – <i>Aspius aspius iblioides</i> (Kess)	+	+	-	+	-	-	+	-
6	Самарқанд храмуласи – <i>Varicorhinus heratensis steindachnere</i> (Kess)	+	+	+	-	-	-	-	-
7	Туркистон мўйловдори – <i>Barbus copito concephalus</i>	+	+	+	+	+	+	+	+
8	Орол мойбалиғи – <i>chalcaburnus chalcoides aralensis</i> (Berg)	+	+	+	+	+	+	+	+
9	Зоғора – <i>Syrpius carpio</i> (Linne)	+	+	+	+	+	+	+	+
10	Кумуш товон балиқ – <i>Carassius auratus gibelio</i> (Bloch)	+	+	+	+	+	+	+	+
11	Оддий лаққа – <i>Silurus glanus</i> (Linne)	+	+	+	+	+	+	+	+
12	Оқ сла – <i>Lucioperca lucioperca</i> (Linne)	+	+	+	+	+	+	+	+
13	Оқ амур – <i>Stenopharigo-don idella</i> (Val)	+	+	+	+	+	+	-	-
14	Чехон – <i>Pelecus culturatus</i> (Linne)	+	+	+	-	-	-	-	-
15	Шарқ оқчаси – <i>Abramis brama orientalis</i> (Berg)	+	+	+	+	+	+	+	-
16	Оқ дўнпешона – <i>Hypochthelmichtys molitrix</i> (Valen)	+	+	+	+	-	-	-	-
17	Чипор дўнпешона – <i>Aristycthis nobilis</i> (Rich)	+	+	+	-	-	-	-	-
18	Илонбалиқ – <i>channa argus usarpochouskii</i>	+	+	+	+	+	-	-	-
	Жами	18	18	16	14	12	10	9	7

Кўл вилоятнинг жанубий чеккасидаги (Зарафшон дарёсининг қуйи оқида) тектоник ботикда, денгиз сатҳидан 181,5 м баландда жойлашган. Денгизкўлга бир қанча коллектор-зовурдан келадиган ташлама сув ва экин майдонларини суғориш натижасида ҳосил бўлган сизот суви келиб қуйилади. Зарафшон дарёсининг асосий тармоғи — Тойқир ҳам тўлинсув даврида кўлгача етиб боради. Денгизкўлдан сув оқиб чиқмайди, сарфланиш асосан буғланиш ва қисман шимилиш ҳисобига кечади. 60- ва 70-йилларнинг бошларида Денгизкўлнинг майдони ва чуқурлиги тез-тез ўзгариб турган: сув кўп қуйилган даврларда кўлнинг майдони 80—100 км², чуқурлиги 1,0—1,5 м, ёз охирида эса тегишлича – 40-60 км² ва 25-30 см бўлган. 70-80-йилларда Бухоро вилоятининг жанубида янги ерларнинг ўзлаштирилиши ва оқова сувлар миқдорининг ортиши натижасида Денгизкўл йилдан-йилга катталаша

борди. 1980-йилларнинг охири (1987) да узунлиги 43,3 км, энг кенг жойи — 9 км, энг чуқур жойи 22 м, сув юзаси майдони 267 км², сув ҳажми — 2,7 км³ бўлган (1-расм). Бу қийматлар сув сатҳи тебранишига мос равишда йил давомида ўзгариб туради: кузда бугланиш камайгач, сув мувозанати турғунлашади, сўнг сув сатҳи яна орта боради. Денгизкўл коллектор зовур сувлари ҳисобига тўйинади. Ёзда бугланиш анча кучли. Денгизкўлда шамол таъсирида тўлқинлар кузатилади. Суви жуда шўр, кўлнинг туби айрим жойларда 0,5 м гача қалинликда ош тузи билан қопланган.

Бизнинг ўрганишларимиз бўйича Денгизкўлида 14 турдаги балиқлар учраши аниқланди. Бу эса 40% ни ташкил қилди (1-жадвал).

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Камилов Г.К. Определитель рыб Узбекистана. Ташкент, Ёш гвардия, 1964, 64 с.
2. Никольский Г.В. Рыбы Аральского моря. - М: Москов. Общ-во Испытателей Природы, 1886. - 216 с.
3. Мирабдуллаев И.М, Мирзаев У.Т., Кузметов А.Р. Ўзбекистон ва кўшни хуудлар балиқлари аниқлагичи. Тошкент. "Саноатстандарт", 2011, 7-12-бет.

УЎТ: 631.481

АРЗИҚЛИ ВА ГИПСЛИ ТУПРОҚЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШ ҲОЛАТИ

И.Ж. Рўзиева, PhD, катта ўқитувчи, Денов тадбиркорлик ва педагогика институти, Денов

Аннотация. Ушбу мақолада кейинги вақтда ўрганган олимларнинг илмий маълумотлари келтирилган бўлиб, бунда Фарғона вилояти чўл зонасида тарқалган арзиқли ва гипсли тупроқларнинг келиб чиқиши, тарқалиши, кимёвий ва сув-физикавий хоссалари ҳамда гипслашганлик даражаси ва гипсли горизонтларнинг тупроқ профилида жойлашиш чуқурлиги, асосий хоссалари, механик таркиби, гумус, озиқа элементлар, мазкур тупроқлар синдириш сизими ва синдирилган катионлар таркиби ҳамда сувда осон эрувчи тузлар тўғрисида маълумотлар берилган.

Калим сўзлар: Фарғона водийси, арзиқли ва гипсли тупроқларни келиб чиқиши, тарқалиши, тупроқлар генезиси, морфологияси, мелиоратив ҳолати, айрим хосса-хусусиятлари

Аннотация. Статья основана на последних научных данных о происхождении, распространении, химических и гидрофизических свойствах арзычных и гипсовых почв пустынной зоны Ферганской области, а также о степени гипсовости и глубины залегания, основных свойствах, механических свойствах, состав гипсовых горизонтов в почвенном профиле, гумус, питательные вещества, абсорбционная способность этих почв и состав поглощенных катионов, а также легко растворимые в воде соли.

Ключевые слова: происхождение, распространение, генезис, морфология, мелиоративный статус, некоторые свойства плодородных и гипсовых почв Ферганской долины

Abstract. This article is based on recent scientific data on the origin, distribution, chemical and hydro-physical properties of gypsum and gypsum soils in the desert zone of Fergana region, as well as the degree of gypsum and the depth, basic properties, mechanical composition of gypsum horizons in the soil profile, humus, nutrients, the absorption capacity of these soils and the composition of the absorbed cations, as well as easily soluble salts in water.

Key words: Scientists who studied the origin, distribution, genesis, morphology, reclamation status, some properties of fertile and gypsum soils of the Fergana Valley

Республикамизда суғориладиган қишлоқ хўжалик ерларида арзиқли ва гипслашган тупроқлар генезиси, географик тарқалиш қонуниятларини аниқлаш, уларнинг унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш, ошириш ва бошқариш мақсадида тупроқларнинг агрокимёвий, агрофизикавий хоссаларини, тупроқ-мелиоратив шароитлари ва ишлаб чиқариш қобилятини яхшилаш бўйича кенг қамровли илмий-тадқиқотлар олиб борилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш» [2] бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Шунинг учун ҳам бугунги кунда унумсиз, қийин мелиорацияланувчи арзиқли ва гипслашган тупроқларнинг хосса-хусусиятларини аниқлаш, мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, унумдорлигини қайта тиклашга қаратилган замонавий агротехнологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Фарғона вилояти тупроқларини кейинчалик кимёвий, сув-физикавий хоссалари, шўрланиш-шўрсизланиш жараёнлари П.Н.Беседин, Ш.К.Шадманов, Ғ.Ю.Юлдашев, К.М.Мирзажанов, Х.С.Таджибоев ва бошқа олимлар томонидан ўрганилган бўлиб, мукаммаллашган тупроқ ва тупроқ мелиоратив хариталари тузилган, янги ерларни ўзлаштириш ва мелиорациялаш ҳамда суғориладиган тупроқлар унумдорлигини ошириш усуллари ишлаб чиқилган.

Шоҳимардон – Исфайрамсой ёйилмалари, Марказий Фарғонанинг шимолий қисмларида кенг тарқалган шўхли, гипсли тупроқлар хоссалари В.Ю.Исақов, У. Мирзаевларнинг тадқиқот ишларида ўрганилган бўлиб, улар сизот сувлари ўртача 2,5-3,0 метрдан чуқур бўлган ҳудудларда тупроқ профилининг қуйи қисмларида кальций ва магний карбонатлари, ўрта қисмларида гипс, кўпинча карбонатлар билан арзиқ шаклида тўпланганлигини таъкидлайдилар. Гипс ва арзиқларни ҳосил бўлиши, сизот сувлари оқими сушт, ботиқли ҳудудларда карбонатларни ва сувда осон эрувчи тузларни чўкмага тушиб тўпланиши ҳисобига ва сизот сувлари ер юзасига яқин жойлашган майдонларда энгил эрувчи тузларни ер ости сувлари билан бирга кўтарилиши оқибатида бўлса керак деган фикрлар мавжуд. Тупроқнинг юқори қатламларида гипсни майда заррачалари тўпланиб (чўкмага тушиб), натрий сульфат ва кальций карбонатлар билан қаттиқ қатламларни ҳосил қилиши ҳамда гипс миқдори 30-50% гача етиши мумкинлиги аниқланган. Марказий Фарғона ва Шоҳимардон-Исфайрамсой ёйилмаларининг чекка қисмларида бундай қийин мелиорацияланувчи (ўтлоқи-саз, ўтлоқи аллювиал) тупроқлар кенг тарқалган.

В.Ю.Исақов маълумотларига кўра, бугунги кунда Фарғона водийси ҳудудида гипсли тупроқлар майдони 150 минг ва арзиқли тупроқлар 134 минг гектарни ташкил этади.

Фарғона водийси тупроқларини ўрганиш бўйича биринчи тупроқ тадқиқотлари асосан маршрутли-ёзма ҳарактерга эга бўлиб, 30-йиллардан кейин ишлаб чиқариш тусини олган.

Фарғона водийси ҳудудларидаги гипсли, арзиқли тупроқларнинг ҳосил бўлиши ва улардан самарали фойдаланиш масалалари В.Ю.Исақов томонидан чуқур ўрганилган бўлиб, арзиқли-шўрхоқ ва гипсли тупроқларнинг унумдорлигини чегараловчи асосий омиллар аниқланган, уларни мелиорациялаш ва бундай тупроқлардан самаралироқ фойдаланиш йўллари кўрсатиб берилган, уларнинг физикавий, физик-кимёвий, кимёвий ҳамда агрокимёвий хоссаларини ёритиб берувчи муфассал экспериментал маълумотлар олинган. Муаллиф томонидан шўрли, арзиқ - шўрхоқли ва гипсли тупроқлар қийин мелиорацияланувчи шўрланган тупроқларнинг мустақил гуруҳлари сифатида эътироф этилган.

В.Ю.Исақовнинг таъкидлашича, Марказий Фарғонада арзиқли, гипсли тупроқлар кенг тарқалган бўлиб, арзиқли тупроқларнинг тўла хосса - хусусиятларига бағишланган адабиётлар жуда кам.

Олтиариқ тумани янгидан суғориладиган ўтлоқи-бўз тупроқларининг бир метрли қатламидаги (0-1) ялпи тузлар захирасини аниқлаш, шу қатламда тўпланган захарли тузлардан тозалашга қаратилган агротехник ва агромилиоратив тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади ва тупроқларни механик таркиби ва шўрланиш даражаси бўйича шўр ювиш меъёрларини тўғри белгилаш, суғориш сувларини тежаш имконини беради. Инсон фаолиятининг кенг қамровли таъсирида суғориладиган арзиқли ўтлоқи тупроқларнинг хосса ва хусусиятларида юз берган ўзгаришлар ўрганилган [1; 227- б.].

У.Мирзаев ва бошқалар томонидан [1; 103-107- б.] Марказий Фарғонанинг тупроқ-геокимёвий хусусиятларини Зарафшон ва Мирзачўл регионлари билан қиёслаган. Арзиқли ўтлоқи тупроқларда шўрсизланиш жараёни ўтлоқи саз тупроқларга нисбатан сушт бораётганлигини аниқлаган. Суғориш таъсирида арзиқли кесимнинг устки қатламидаги гипснинг қуйи қатламларига ювилиши, гипс ва тупроқ массасидан иборат қатлам шаклланишини аниқлаган. Арзиқли тупроқларда фосфорнинг умумий ва ҳаракатчан шакллари миқдори ортган. Фосфорнинг умумий таркибида II гуруҳ фосфатлари ўтлоқи саз тупроқларга нисбатан тез ва кўпроқ тўпланиши аниқланган. Иккинчи гуруҳ фосфатларининг умумий фосфорга нисбатан фоиз улуши 6-8% га ортган. Арзиқли тупроқларнинг унумдорлиги ва уларда етиштирилган ғўза ҳосилдорлиги умумий агротехниканинг узоқ вақт давом этиши шароитида секинлик билан ошиб бориши аниқланган.

Суғориладиган ўтлоқи саз тупроқларининг генетик қатламларида арзиқ-шўхли, шўх-арзиқли қатламлар чуқурлигини саёзлашиб боришини, марказ томон кўтарилиб ер юзасига яқинлашиб боришини А.Т.Турдалиев [1; 63-65- б.] томонидан ўрганилган.

Ж.М.Турдалиев Ёзёвон тумани “Ҳонобод” массиви ўтлоқи (гидроморф) тупроқларининг турли даражада шўрланганлиги ва шўрланишга янада мойиллигини [2; 60-61- б.] тадқиқ этганлар.

А.Ж.Исмонов ва бошқалар томонидан [3; 67-74 б., 10; 48-50- б.] Фарғона водийси дарё ёйилмалари суғориладиган тупроқлари ва уларнинг ривожланишида дарё шу ҳудудлар ерларини ўзлаштиришлар ҳисобига тупроқ қопламларида катта ўзгаришлар содир бўлганлиги, яъни кўрик ўтлоқи-бўз, сур-кўнғир ва ўтлоқи тупроқлар антропоген омиллар таъсирида суғориладиган тупроқлар қаторига ўтганлиги аниқланди. Суғориладиган тупроқ қопламлари шаклланишида она жинс сифатида пролювиал, аллювиал ҳамда лёссимон ётқиқларнинг деярли барчаси иштирок этганлиги тадқиқотларда аниқланган. Ҳозирда суғориладиган ўтлоқи тупроқлар майдони 15% ни ташкил этганлиги-ҳудудларда ер ости сувлари режими ўзгариб, ўтлоқи тупроқларга хос ривожланиш жараёнлари бошланганлигидан дарак бериши келтириб ўтилган.

В.Ю.Исақов Марказий Фарғонада ҳозирда арзиқли ва шўхли қатламлари бўлмаган минтақавий –гидроморф тупроқларнинг кесмаси амалда шўрсизланган ва тупроқларнинг ривожланиш,

маданийлашиш даражасининг ортиши томонига йўналганлигини [1; 227 б.] ўрганган. Арзиқли тупроқларда эса тупроқ хоссаларининг ўзгариш жараёнлари суст ифодаланган. Бу тупроқлар мелиоратив таъсирга унчалик берилмайди ва ўзларининг биринчи геокимёвий хосса-хусусиятларини ҳамон сақлаб келмоқда. Бунинг сабаблари: 1) тупроқ кесмасида (қопламада) гипс ва карбонатларнинг катта миқдорда тўпланиши ғовакликни камайтиради, зичликни оширади, бу эса ўз навбатида тупроқнинг сув ўтказувчанлигини сусайтиради; 2) арзиқли ва гипсли қатламларнинг бир тупроқ кесмасида қаватма-қават жойлашуви, тупроқларнинг сув-физик хоссаларини қониқарсиз ҳолатга келтиради, сув ўтказувчанликни 0,01-0,001 м/сут гача пасайтиради; 3) сувда осон эрувчи тузлар, айниқса, гипснинг эрувчанлигини босиб турувчи ионлар ювилиши билан улар ўрнига гипс қаттиқ қисмдан эритмага ўтади. Қуруқ қолдиқ миқдорининг 1% атрофида сақланиб туриши кўрсатиб ўтилган.

Фарғона водийси чўл зонаси суғориладиган тупроқларнинг замонавий ҳолати, унда тупроқларни генетик, морфологик, агрокимёвий ва физик-кимёвий хосса-хусусиятлари А.Ж. Исманов томонидан ёритилган [3; 67-74- б.]. Илмий натижаларига кўра, турли табиий-антропоген шароитларда тупроқлардаги гумус ва озик моддалар миқдори ҳамда шаклланиши регионал хусусиятларга боғлиқ эканлигини аниқлаганлар.

Унумдорлик даражаси паст, қийин мелиорацияланувчи гипсли тупроқларни ўрганиш бўйича кенг қамровли бир қанча илмий-тадқиқот ишлари бажарилган. Бундай тадқиқот ишлари хорижлик олимлардан Carenas va Marfil Gomez-Miguel, Gumuzzio va Alvarez, Martinez Beltran, P.Arias, K.Altaiie, M.Porta, H.Pouget, C.Trichet, M.Vieillefon, T.Onichchtnko, N.Minashina, E.Pankova, I.Yamnova, M.Verba томонидан олиб борилган. Гипсли тупроқларда микроорганизмларнинг физиологик гуруҳларини миқдори ва тарқалиши, нафас олиш хусусиятлари-гипс миқдори, шўрланиш даражаси, йил фасллари бўйича ўзгариш динамикаси ва тупроқларнинг деградацияга учраганлиги, худудда тарқалган гипсли тупроқларнинг хоссалари ўртасидаги ўзаро корреляцион боғлиқликларни аниқлаш бўйича тадқиқот ишлари етарлича ўрганилмаган.

Тупроқларда гипснинг пайдо бўлиши, генезиси, сувда осон эрувчи туз ва гипс яралмаларининг тарқалишига аталган долзарб масалалар дунёнинг бир қанча етакчи олимлари илмий тадқиқот ишларида исботлаб берилган.

Хулоса қилиб айтганда ҳозирги вақтда янги ерлар, массивлар ўзлаштирилди ва ҳар хил қишлоқ хўжалик экинлари экилиб, суғорма деҳқончиликда тупроқлардан жадал фойдаланилмоқда. Шу сабабли тупроқларни унумдорлиги, мелиоратив ҳолати йилдан йилга ўзгариб бормоқда. Вегетация даври суғоришлар натижасида эса сизот сувлари сатҳи, унинг минераллашганлик даражаси ҳам ўзгаришга учраган.

Марказий Фарғона ва унга ёндош худудларда тарқалган суғориладиган арзиқли тупроқлардан узлуксиз фойдаланиб келинмоқда, бироқ бундай тупроқларни баҳолашга етарлича эътибор қаратилмаган. Суғориладиган арзиқли тупроқлар нисбатан яхши ўрганилганлигига қарамаздан, уларнинг унумдорлигини баҳолаш ва унумдорлик даражасини белгилаш илмий-амалий нуқтаи назаридан муҳим ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда тупроқшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот институти томонидан Фарғона водийсида турли йўналишлардаги тупроқ тадқиқотлари ва мониторинг-кузатув ишлари амалга оширилган, арзиқли ва гипслашган тупроқларнинг географик тарқалиши, ўзлаштириш ва мелиорация масалалари атрофлича ўрганилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Исоқов В.Ю., Мирзаев У. Марказий Фарғонада шаклланган арзиқли тупроқларнинг хоссалари ва уларнинг инсон омили таъсирида ўзгариши. -Тошкент. 2009. 227 б.
2. Турдалиев Ж.М. Олтиариқ тумани янгидан суғориладиган ўтлоқи-бўз тупроқларининг мелиоратив ҳолати. "O'zbekiston qishloq xo'jaligi" jurnali "Agroilim" ilovasi. Toshkent. 2016.№1(39). стр. 60-61.
3. Исманов А.Ж. Фарғона водийси тупроқлари//Ўзбекистон биология журнали. Тошкент. 2016 й. № 4. 67-74 б.

УЎК 630:271

СУРХОН ВОХАСИДАГИ ДЕНДРАРИЙ БОҒИ

*Д.Ф.Содиқова, ўқитувчи, Денов тадбиркорлик ва педагогика институти, Денов
Х.Х.Нуралиев, б.ф.н., Тошкент давлат аграр университети, Тошкент
А.Э.Мирзаев, раҳбар ўринбосари, Жанубий ўзбек станцияси, Термиз*

Аннотация. Денов туманидаги “Дендрарий” боғида олимларнинг субтропик ўлкалар ўсимликларини вилоят иқлимига мослаштириш йўлида олиб бораётган илмий изланишлари ижобий натижа бермоқда. Ҳозир бу ерда чет элдан келтирилиб, парваришланаётган дарахт кўчатларининг тури 600 тадан ошди. Президентимизнинг юртимиз тоғ ва тоғолди худудларида чилонжийда экиш, ёнғоқ плантациялари ташкил этиш каби эзгу ташаббуси вилоят олимларини ҳам руҳлантирди. Улар

бу борада қатор лойиҳалар ишлаб чиқиши, уни амалиётга кенг жорий этиши устида изланмоқда. Ана шу лойиҳалардан бири – pekan ёнгоги етиштиришидир. Ташаббус ва ҳаракат Ҳамоҳанг, демак, ҳадемай Сурхондарёда pekan ёнгоқзорлари кўпаяди.

Калим сўзлар: дендрарий, интродукция, репродукция, субтропик, pekan ёнгоги, ликвидале тюльпан дарахти, австралия акацияси, япон камелияси, дафна дарахти, хитой бамбуги

Аннотация. В парке «Дендрарий» в районе Денау научные исследования по адаптации растений субтропических регионов к региональному климату дают положительные результаты. Сейчас сюда завозят и выращивают более 600 видов саженцев деревьев. Благородная инициатива президента, такая как посадка в Чиланджи и создание плантаций грецкого ореха в горных и предгорных районах страны, также вдохновила ученых региона. Они работают над развитием ряда проектов в этой сфере, их повсеместной реализацией на практике. Один из таких проектов - выращивание орехов pekan. Инициатива и действие синхронизированы, а это значит, что орехи pekan в Сурхандарье скоро распространятся.

Ключевые слова: дендрарий, интродукционный, репродуктивный, субтропический, pekan, жидкое тюльпанное дерево, австралийская акация, японская камелия, лавровое дерево, китайский бамбук

Abstract. In the park "Arboretum" in Denau district, the scientific research of scientists on the adaptation of plants of subtropical regions to the regional climate is yielding positive results. Now there are more than 600 types of tree seedlings imported and cultivated here. The noble initiative of the President, such as the planting of chilanji and the establishment of walnut plantations in the mountainous and foothill areas of the country, also inspired the scientists of the region. They are working on the development of a number of projects in this area, its widespread implementation in practice. One of these projects is the cultivation of pecans. Initiative and action are in sync, which means that pecan nuts will soon increase in Surkhandarya.

Key words: arboreal, introductory, reproductive, subtropical, pecan, liquid tulip tree, Australian acacia, Japanese camellia, laurel tree, Chinese bambuk

Кириш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш бўйича жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика хуудларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштириш бўйича кўшимча чоратadbирлар тўғрисида” 2020 йил 11 майдаги ПҚ–4709-сон қарорида ҳам муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 июндаги “Ёнгоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмасини тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорида лалми ерлардан фойдаланишни рағбатлантириш ва самарадорлигини янада ошириш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош бўлган ёнгоқ ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш ҳисобига замонавий ёнгоқ плантацияларини барпо қилиш ҳамда ёнгоқ етиштириш бўйича илмий асосланган усуллар ва интенсив технологияларни кенг жорий этиш борасидаги вазифалар белгилаб берилган.

Сурхон воҳаси Денов туманида Р.Р.Шредер номидаги Боғдорчилик, тоқчилик ва виночилик корпорациясининг селекция станцияси жойлашган (*Ҳозирги академик Маҳмуд Мирзаев номи Богдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Сурхондарё илмий тажриба станциясига қарашли Дендрарий боғи.*) Денов дендрарийси деб аталган бу илмий лабораторияда табиатнинг 900 дан зиёд ўсимлиги, мевали ўсимликлар (жумладан Япониядан келтирилган пальма дарахти, магнолия, хурмо, апельсин, ёнгоқ, бошоқли ўсимликлар) етиштирилади.

Дендрарий (юнонча dendron — дарахт), дендрология боғи, арборетум — дарахтлар, буталар, ярим буталар, чирмашувчилар коллекцияси экилган очиқ майдон. Дендрарий мустақил ёки ботаника боғи таркибига киради. Дендрарий бир неча гектардан юзлаб гектаргача майдонни эгаллайди.

Дендрарий илмий, ўқув, маданий-маърифий, тажриба, ишлаб чиқариш аҳамиятига эга, уларда ҳар-хил турдаги дарахт ўсимликларини намоиш қилиш, тажриба ва тадқиқот ишлари олиб бориш учун база бўлиб хизмат қилади. Дендрарийда ўсимликлар устида мунтазам равишда кузатув ишлари олиб борилади, дарахт ва буталарнинг фенологияси, ўсиш ва кўпайиш хусусиятлари ўрганилади. Шу жумладан, хўжалик ва биологик хусусиятларига қиёсий баҳо берилади ва улардан фойдаланиш ва районлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади, селекция ишлари олиб борилади [1].

Дендрарийнинг асосий вазифаларидан бири — ҳар-хил ўсимликларнинг интродукцияси бўлиб, ўрмон хўжалиги, ўрмон ихотазорлари, кўкаламзорлаштириш учун фойдаланишда энг чидамли ва ҳосилдор шакллар ажратиб олинади. Дендрология ботаника, ўрмончилик, ўрмон селекцияси ва кўкаламзорлаштириш, тупроқшунослик, география ва бошқа фанлар билан чамбарчас боғлиқ. Дендрологиянинг асосий объекти — дарахт ва бута турларидир.

Дарахтларнинг манзарали хусусиятини, санитария-гигиеник ва ихота ролини ўрганиш кўкаламзорлаштириш, шаҳарлар ва саноат комплексларидаги атмосферани тозалаш, шовқинга қарши курашда қўл келадиган ўрмон дарахтзорларини барпо этиш, эрозияга учраган тоғли, чўл минтақаларидаги тупроқларни химоя қилиш, ботқоқли ерларни қуритиш, шўрхок тупроқларда тузли чангларнинг атмосферага кўтарилишига қарши кураш дендрологиянинг муҳим йўналишларини ташкил этади.

Дендрарийларда ўстириладиган ва ўрганилган қимматли тур ва шаклларнинг уруғ ва кўчатларини тарқатиш ишлари катта аҳамиятга эга.

Дендрарийнинг мажбурий қисми — **интродукцияли** ва **репродукцияли** кўчатзорлардир.

Биринчи кўчатзорда экспозиция учун уруғкўчат ва кўчатлар етиштирилади, **иккинчисида** эса кўчатлар парвариш қилиниб бошқа дендрарийлар ва ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун етказиб берилди [2].

Ўзбекистонда Академик Маҳмуд Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Сурхондарё илмий-тажриба станцияси таркибига кирувчи Денов шаҳрининг субтропик ва эфир мойли буталар “Дендрарий” боғи, Ўзбекистон ўрмончилик хўжалиги илмий-тадқиқот институти таркибига кирувчи тераклар дендрарийси (Тошкент шаҳри яқинидаги “Дендропарк”), Чатқол тоғ-ўрмон мелиорация станцияси тақибига кирувчи ўрмон дарахтлари ва буталари дендрарийси (Тошкент вилояти “Сўқоқ” қишлоғида), Ўзбекистон Фанлар Академияси Ботаника боғидаги дарахтлар (қайин, қарағай ва бошқалар) ва буталар дендрарий боғлари мавжуд.

Ўзбекистонда дендрология масалалари В. Д. Городецкий (1934 йилда Ўрта Осиёнинг дендрофлораси ҳақида биринчи маълумотнома тузган), Ф. Н. Русанов, Т. И. Славкина, А. У. Усмонов, Г. С. Костелова, Л. В. Яскиналар дарахт ва буталарнинг Ўзбекистондаги тоғ, чўл ва суғориладиган деҳқончилик минтақалардаги тупроқларни сув ва шамол эрозиясидан химоя қилишда, сел оқимларига қарши курашдаги роли М. Б. Дошчонов, А. В. Гвоздиқов, С. М. Аблаев, А. М. Молчанова, Г. П. Озолин, А. А. Хоназаров, А. Қ. Қайимов, А. О. Досахметов ва бошқалар асарларида ёритилган. Ўрмон ихотазорларини барпо этиш, дарахт ва буталарнинг янги навларини яратиш ва бошқа масалалар Т. А. Желтикова, В. М. Ровский, В. П. Фимкин, С. Е. Александровский, Е. А. Бутков ва бошқа ўрмоншунос олимларнинг илмий изланишларида катта ўрин эгаллайди. Ўзбекистонда Дендрология бўйича тадқиқотлар Ўзбекистон Фанлар Академияси Ботаника институти ва ботаника боғи, Ўзбекистон Ўрмон хўжалиги илмий тадқиқот институти, Тошкент Давлат Аграр Университетининг ўрмоншунослик ва ўрмон мелиорацияси кафедрасида олиб борилди.

XX-асрнинг охирида дендрология тадқиқотларида асосий ўрмон ҳосил қилувчи дарахтлар табиий популяцияларининг генетик тузилмасини ўсимликлар систематикаси, экология, биометрия, цитогенетика, географик экишлар усуллари билан ўрганиш асосий йўналишлардан бирига айланди.



Халқаро ўрмон тадқиқотлари ташкилотлари уюшмаси ва кўпгина мамлакатлар (Германия, Польша, Швеция, Франция, Швейцария)даги дендрология жамиятлари, дендрарийлар, кўриқхоналар ва миллий боғларда дендрология бўйича тадқиқотлар ва тажрибалар олиб борилди.

1930 йиллардан бошлаб субтропик ва цитрус мевали ва мевасиз, шунингдек, гуллаб, хушбўй ҳид таратадиган манзарали ҳамда серсоя дарахт-бута ўсимликларни етиштиришга эътибор кучайди. Шу аснода Ўзбекистоннинг жанубида ўша йиллардан буён катта илмий тадқиқот ишлари ва тажрибалар олиб борилмоқда.

- Денов туманида 1930 йил Давлат ўрмон питомниги (кўчатзорлик) ташкил қилиниб, бу ерда дарахт-бута ўсимликларининг турлари чекланган навларини кўпайтириш устида катта ишларга қўл урилди.

- 1935 йилда Денов туманидаги Давлат ўрмон питомниги базасида, Бутун иттифоқ қуруқ субтропик илмий текшириш институтининг бўлими ташкил қилинди. Станцияга 1935-1936 йиллар ичида 35 тур ниҳол ва 30 тур уруғ келтирилиб экилган.

Станция иш бошлаган дастлабки йилларда намли субтропик ўлкаларга мослашган бу ўсимликлар вилоятимизда узоқ давом этадиган иссиқлик ва кўпга чўзиладиган ёмғирсиз қуруқ иқлимга

мослаша олмаган. Натижада, ликвидале тюльпан дарахти, австралия акацияси, япон камелияси, дафна дарахти, чой сингари 14 тур ўсимликлар 1937 йилларга келиб қаттиқ зарар кўрган.

1947 йилдан бошлаб Сурхондарёга чекка туманлардан ниҳол ва уруғлар яна келтирилиб турилган. Ўша йиллар ичида тажриба станциясига четдан ҳар-хил бута-дарахт ўсимлиги, шунингдек, улар уруғининг 500 га яқин тури келтирилиб, тажрибада синаб кўрилган.

1956 йилда Жанубий Ўзбекистон мевачилик, узумчилик станцияси академик Р.Р.Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси таркибига ўтказилди. Станциядаги илмий изланишларни кенг кўламда олиб бориш йўлга қўйилган. Субтропик данакли, уруғли ва узумчилик коллекциялари анча тўлдирилди. О.П.Кулаков Ўзбекистонда ўзига хос анорчилик мактабини яратиб, шу соҳа бўйича докторлик диссертациясини ёқлади. Анор ўсимлиги турлари, экологик тарқалиши, физиология ва биохимияси, ҳосилдорлиги сингари хусусиятларини ўрганиб, 1983 йилда монографияси ўқувчиларга тақдим этилди [3].

1964-1984 йилларда тажриба станциясини биология фанлари номзоди Ш.З.Мухамедзянов бошқарди. Унинг раҳбарлиги даврида мевали ва манзарали ўсимликлар ҳамда дарахтларнинг бой коллекцияси яратилди.

2013 йилнинг август ойида академик Р.Шредер номидаги Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий текшириш институтига академик Маҳмуд Мирзаев номли Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти номи берилди.

2014 йилнинг март ойида академик Маҳмуд Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтига қарашли Жанубий Ўзбекистон тажриба станцияси ва Денов тажриба хўжалигига Академик Маҳмуд Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг “Сурхондарё илмий тажриба станцияси” номи берилди.

Жанубий Ўзбекистон тажриба станциясида турли йилларда кўплаб илмий ходимлар фаолият кўрсатдилар. Жумладан А.С.Кутузов, П.П.Бурмистров, О.П.Товкач, В.А.Маниязов, Т.Хакимов, К.Файзиев, А.Мирзаев ва бошқалар шулар жумласидандир.

2014 йил март ойидан буён Академик Маҳмуд Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг “Сурхондарё илмий тажриба станцияси”га Ф.Тўлашев раҳбарлик қилиб келмоқда. Ҳозирги кунда Дендрарий боғида 100 га яқин хар-хил ўсимлик турлари сақланиб келинмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунга келиб Республикамиз жанубида бой субтропик ўсимликлар маркази вужудга келганлиги билан фахрланамиз. Марказнинг узоқ йиллик катта синов йўли муваффақиятли кечмоқда. Эндиликда Қашқадарё, Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Андижон, Тошкент ва бошқа вилоятларда Сурхондарёнинг субтропик станциясида синовдан муваффақиятли ўтган мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, яхши очилиб гуллайдиган, соя берадиган бута-дарахт ўсимликларини экиш учун тавсия қилиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Дендрология Узбекистана в 4 томах, т. 1—4, Т., 1965—71
2. Дендрология Узбекистана, т. 1-14, Т., 1964-94. Абдухалил Қайимов, Мирза Собиров.)
3. “Мева ва узум маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлашда илғор агротехнологиялардан самарали фойдаланишдаги муаммо ва ечимлар”/ Республика илмий-амалий анжумани мақолалари тўплами (2016 йил 25 март). – Тошкент, 2016
4. Қўчқоров А., Урунов Ч., Мирзаев А., Астанақулов Н. Сурхондарё вилояти шароитида мевали боғ ва тоқзорлардан юқори ва сифатли ҳосил олиш омиллари.

УЎК 597.612.17.06

DAPHNIA MAGNA НИ ЕТИШТИРИШДА ОЗУҚА МАНБАИ СИФАТИДА МИКРОСУВЎТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

С.М. Хайдаров, таянч докторант, Тошкент Давлат аграр университети, Тошкент
Н.А. Хўжамшукуров, б.ф.д., проф., Тошкент кимё-технология институти, Тошкент
Х.Х. Абдиназаров, б.ф.б.ф.д.(PhD), доц., Қўқон Давлат педагогика институти, Қўқон

Аннотация. Тадқиқот ишида *Daphnia magna Straus* культурасининг ва микросувтўларининг *Ankistrodesmus*, *Botryococcus*, *Scenedesmus*, *Chlorococcum* ва *Chlorella* авлодаларининг морфо-биологик хусусиятлари ўрганилган. Микросувтўлари асосида етиштирилган *Daphnia magna Straus* культурасининг оқсил ва ёғ сақлаши тадқиқ этилган. Олинган натижаларга кўра, *Chlorococcum* ва *Botryococcus* микросувтўлари асосида *Daphnia* турларини кўпайтириш ва балиқ чавоқларни озиклантиришда манба сифатида фойдаланиш тавсия этилган.

Калим сўзлар: культура, микросувтў, зоопланктон, *Cladocera*, *Daphnia*, *Moina*, *Chlorella*, *Scenedesmus*

Аннотация. При исследовании изучены морфобиологические особенности культуры *Daphnia magna* Straus и микроводорослей родов *Ankistrodesmus*, *Botryococcus*, *Scenedesmus*, *Chlorococcus* и *Chlorella*. Исследовано белковое и жировое хранение культуры *Daphnia magna* Straus, выращенной на основе микрофлоры. По полученным результатам рекомендуется использовать виды дафний на основе микрофлоры *Chlorococcus* и *Botryococcus* в качестве источника воспроизводства и кормления мальков рыб.

Ключевые слова: культура, микроводоросли, зоопланктон, *Cladocera*, *Daphnia*, *Moina*, *Chlorella*, *Scenedesmus*

Abstract. The study studied the morpho-biological characteristics of the *Daphnia magna* Straus culture and the algae *Ankistrodesmus*, *Botryococcus*, *Scenedesmus*, *Chlorococcus* and *Chlorella* genera. The protein and fat storage of the *Daphnia magna* Straus culture grown on the basis of microflora has been studied. According to the results obtained, it is recommended to use *Daphnia* species based on *Chlorococcus* and *Botryococcus* microflora as a source of reproduction and feeding of fish fry.

Key words: culture, microalgae, zooplankton, *Cladocera*, *Daphnia*, *Moina*, *Chlorella*, *Scenedesmus*

Кириш. Балиқчилик тармоғи озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг стратегик йўналишларидан бири ҳисобланади. Кейинги вақтларда кўрилаётган чора-тадбирлар туфайли мамлакат иқтисодиётининг таркибида балиқчилик улуши изчил ортиб бормоқда [1].

Республикада балиқчилик тармоғини жадал ривожлантириш, балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг замонавий ва инновацион услубларини жорий этган ҳолда ҳажмларини ошириш, соҳани тартибга солиш бўйича бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, уларнинг ижросини сифатли ва пухта таъминлаш чоралари кўрилмоқда [2].

Бугунги кунда балиқ маҳсулотлари етиштириш, озуқа емларини ишлаб чиқаришни ҳисобга олган ҳолда жуда катта миқдордаги заҳира ресурсларини талаб қилади. Бу эса ишлаб чиқариш қулай, таннархи арзон ва барча зарурий ингредиентларга бой бўлган озуқа маҳсулотлари етиштиришнинг ўта долзарб муаммолардан бири эканлигини кўрсатади. Шунингдек, балиқчилик тармоғини янада ривожлантириш ҳамда балиқчилик тармоғини тўйимли озуқа еми ва қўшимчалари билан таъминлаш борасида муҳим тадқиқотлар олиб борилмоқда [3]. Балиқчилик тармоғини тирик озуқа еми билан тўлақонли таъминлаш ва уларнинг аҳамиятини амалий тадқиқотларда кўрсатиб бериш муҳим вазифалардан бири ҳисобланди.

Шу боисдан мазкур тадқиқот ишида тирик озуқа еми сифатида фойдаланиладиган муҳим зоопланктон организмларнинг озуқавий таркибини белгилаб берувчи аминокислоталар таркиби таҳлил қилиш мақсад қилиб олинди. Зоопланктон организмлар ўзида тозаланмаган хом оқсил, аминокислоталар, ёғ кислоталари, минераллар ва ферментлар сақлаши билан балиқ чавоқларни етиштиришда муҳим табиий манбалардан бири ҳисобланади. Айниқса аминокислоталардан лизин ва метионин бошқа турдаги озуқа емлари таркибида жуда кам миқдорда, яъни чегараланган миқдорда учраса, зоопланктон организмлар таркибида катта миқдорда сақлаши билан аҳамиятлидир. Шунингдек, зоопланктон организмлар таркиби ёғ кислоталарига ҳам бой бўлганлиги учун ҳам балиқ личинкаларини етиштиришда муҳим роль ўйнайди.

Балиқчилик сув ҳавзаларида тирик озуқа еми ҳисобланадиган *Daphnia* ва *Moina* нинг узлуксиз таъминланиши натижасида балиқ чавоқлари, личинкалари ва етишган балиқларнинг ташқи абиотик ва биотик омилларга нисбатан чидамли бўлиши, жумладан, касалликларга чидамлилиги, овқат ҳазм қилишининг энгил кечиши ва бунинг натижасида осон вазн тўплаши таъминланади [3,4]. Шу боисдан *Moina* юқори самарадор бўлиб, жуда тез кўпайиши, тузли муҳитга нисбатан чидамлилиги, сув ҳавзаси муҳитига жуда яхши мослашиши жиҳатидан қулай зоопланктон организмлар объектлардан бири ҳисобланади [5]. Барча турдаги зоопланктон организмларни саноат асосида кўпайтириш ва балиқчилик тармоғи учун узлуксиз таъминотни яратиш мақсадида кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда [6]. Мазкур тадқиқот ишларида асосан зоопланктон организмларни кўпайтиришда микросувўтларидан, кўпчилик ҳолларда *Chlorella* ёки *Scenedesmus* турларидан фойдаланилган [7].

Ишнинг мақсади. Мазкур тадқиқот ишидан мақсад *Daphnia magna* ни саноат асосида етиштириш учун озуқа манбаи сифатида микросувўтларида фойдаланишда уларнинг ўртача ўлчамлари, оқсил ва ёғ сақлашини тадқиқ этишдан иборат.

1. Зоопланктон организмлар объект сифатида Андижон вилояти ҳудудидаги сунъий (кўл ва ховузлар) сув ҳавзаларидан ажратиб олинган (1-расм). ЎзФА Зоология институти “Молекуляр биология ва биотехнология лабораторияси” ва Тошкент кимё-технология институти, “Биотехнология” илмий лабораториясида коллекцион зоопланктон организмлар сифатида сақланаётган *Daphnia magna* культурасидан фойдаланилди (Classification: *Animalia* → *Arthropoda* von Siebold et Stannius, 1845 → *Crustacea* → *Branchiopoda* Latreille, 1817 → *Cladocera* → *Daphniidae* → *Daphnia* → *Daphnia magna* Straus) [6]. Микросувўтларининг озуқавий аҳамиятини аниқлашда, дафнияни ўстириш учун назорат озуқа муҳити сифатида органик озуқа муҳитидан (қорамол гўнги 20%) фойдаланилди. Бунда озуқа


мухити дафнияга ҳафтасига 2 мартаба янги таркибли озука билан бойитиб борилди. Ҳарорат 20-22°C. Тадқиқот объектларининг оқсиллар миқдорини аниқлашда Lougu усулидан [8], ёғ миқдорини аниқлашда стандарт усулдан фойдаланилди [9]. Тажриба маълумотларига статистик хато, ўртача, ишончлилик интерваллари ҳамда стандарт оғишларни ҳисоблаш STATISTICA 6.0 компьютер дастури ва стандарт усуллар ёрдамида бажарилди. Натижаларнинг статистик аҳамияти Стьюдент t-критерияси ёрдамида аниқланди.

Натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Маълумки, зоопланктон организмлар (*Daphnia*, *Moina*) сунъий бошқариладиган шароитда етиштиришда кенг қўлланилади. Зоопланктон организмлардан *Daphnia magna*, *pulex* ва *longispina* каби турларни кўпайтиришда *Scenedesmus quadricauda* культурасидан кенг фойдаланишади [10].

Тадқиқотлар давомида ADaM озука мухитидан фойдаланган ҳолда тадқиқот объекти бўлган *Daphnia magna* морфо-биологик хусусиятлари ўрганилди. Бунда стандарт тарзда ҳарорат 21-26°C деб белгиланди [3]. Тадқиқотлар олти ой давомида кузатилиб, *Daphnia magna* нинг ADaM озука мухитидаги морфо-биологик хусусиятлари ва ўртача ўлчамлари аниқланди. Олинган натижаларга кўра ўрганилган *Daphnia magna* морфо-биологик хусусиятлари илмий манбаларда қайд этилган хусусиятлардан кескин фарқ қилмайди. ADaM озука мухитида ўстирилганда яшаш давомийлиги 62 кун, ўртача узунлиги 1,25-1,6 мм бўлганлиги қайд этилди. Мазкур кўрсаткичлар стандарт озука мухити ва ачитқилар асосидаги озука билан биргаликда кейинги тадқиқотлар учун назорат варианты сифатида фойдаланилди.


Кейинги тадқиқотларда *Daphnia magna* Straus нинг ўсиб ривожланишида, айнан озука мухити таркибига боғлиқ ҳолда ўсиш тезлиги аниқланди (1-расм). Олинган натижаларга кўра микросувўтларининг авлодлари ва уларнинг озукавий қийматига (оқсил ва ёғ миқдорига асосан) боғлиқ ҳолда ўзгарувчан бўлиши қайд этилди. Жумладан, дафниянинг озука мухити таркибига боғлиқ ҳолда ўсиш тезлиги, назорат озука мухитига нисбатан (кўл сув+20% қорамол гўнги) *Ankistrodesmus* - 0,4969, *Scenedesmus* - 0,4181, *Botryococcus* - 0,5644, *Chlorella* - 0,3267 ва *Chlorococcum* - 0,7357 фоизни ташкил этиши қайд этилди.

Илмий манбалардан фарқли равишда дафниянинг айнан *Chlorella* авлоди штаммлари асосида ўртача ўсиш тезлиги 1,3267% ни ташкил этган бўлса, *Chlorococcum* авлоди штаммларида - 0,7357 фоизни ташкил этиб, хлореллага нисбатан 55,5% га, *Scenedesmus* авлоди штаммларига нисбатан 43,1% юқори тезлик намоён этганлиги аниқланди (2-расм).



2-расм. *Daphnia magna* Straus ўсиш тезлигига микросувўтлари таъсири

Кейинги тадқиқотларда микросувўтлари авлодлари асосида тайёрланган озука мухитининг ўстирилган *Daphnia magna* Straus нинг қуруқ моддага нисбатан оқсил ва ёғ сақлаши ўрганилди (3-расм).



3-расм. *Daphnia magna* Straus ning ozuqa muhiti tarkibiga bog'liq holda oksil va ёғ saqlashi (куруқ moddaга nisbatан % да)

Хулоса. Экспертлар хулосасига кўра аквакультура учун озуқа маҳсулотлари ишлаб чиқариш индустрияси радикал ўзгаришлари кутилмоқда. Шу боисдан мазкур тадқиқот натижалари табиий озуқа базасининг зоопланктон организмлар гуруҳига мансуб *Daphnia magna* ни саноат асосида етиштиришни самарали ташкил этиш, ва унинг озуқа базасини узлуксиз шакллантиришда микросувўтларининг *Chlorococcum* ва *Botryococcus* авлоди вакилларида фойдаланиш истиқболли эканлиги қайд этилди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 апрелдаги “Балиқчилик тармоғини жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-3657-сон қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 ноябрдаги “Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги”ги ПҚ №4005-сонли қарори.
3. Абдиназаров Х.Х., Кучбоев А.Э., Мадумаров М.Э. Дафниялар балиқларнинг табиий озуқа манбаи.// Хоразм Маъмун акедемияси ахборотномаси 2020-2/1 Хива – 2020. –Б. 4-6.
4. Мирабдуллаев И.М. *Moina weismanni* (Crustacea, Cladocera) – новый представитель фаун России и Средней Азии // Зоол. журн. – 1992 – № 11. –С. 136–139.
5. Мирабдуллаев И.М. О туромическом статусе *Moina microphthalmia* Sars, 1907 (Crustacea, Cladocera) // Узбек. биол. журн. – 1992. – N 3/4. –С. 56–60.
6. Абдиназаров Х.Х. Фарғона водийси сув хавзалари зоопланктони: Автореферат дисс.... биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). –Тошкент, 2019. –Б.18.
7. Assessment of phytochemical components, proximate composition and antioxidant properties of *Scenedesmus obliquus*, *Chlorella vulgaris* and *Spirulina platensis* algae extracts. Ghadir A. El-Chaghaby, Sayed Rashad, Shereen F. Abdel-Kader, El-Shimaa A. Rawash and Muhammad Abdul Moneem // Egyptian Journal of Aquatic Biology & Fisheries Zoology Department, Faculty of Science, Ain Shams University, Cairo, Egypt. ISSN 1110 – 6131 Vol. 23(4): 521 – 526 (2019).
8. Khujamshukurov N.A. 2004. Study protein compounds bacterium *Bacillus thuringiensis*. Uzbekistan Agrarian Science Bulletin. 1(15):41-45.
9. Rajasri Y, Ramgopal SR, Rao CS. Lipid accumulation studies In *Chlorella pyrenoidosa* using customized photobioreactor- effect of nitrogen source, light intensity and mode of operation. J Eng Res. Appl. 2012;2:2446-2453.
10. Ranta E., Bengtsson J., McManus J. 1993. Growth, size and shape of *Daphnia longispina*, *D. magna* and *D. pulex*. Ann.Zool. Fennici. 30:299-311.

УДК 595.762.12

ОСОБЕННОСТИ СЕЗОННОЙ ДИНАМИКИ ПОЧВЕННЫХ ХИЩНИКОВ (COLEOPTERA: STAPHYLINIDAE, CARABIDAE) В АГРОЛАНДШАФТАХ

Ф.З. Халимов, доцент, Самаркандский государственный университет, Самарканд

Аннотация. Сабзавот экинлари майдонларида йиртқич қўнғизларнинг мавсумий динамикаси ўрганилган. Доминант турлар: *Carabidae*: *Pseudoophonus rufipes* (доминантлик даражаси-17.6%), *Amara fulva* (13.28%), *Bembidion properans* (10.39%), *Trechus quadristriatus* (6.20%), *Calatus melanocephalus* (5.39%), *Pterostichus cupreum* (5.3%), *Bembidion femoratum* (5.10%), *Staphylinidae*: *Aleochara bilineata* (доминантлик даражаси-17.6%), *Aloconota gregagia* (10.21%), *Amischa analis* (6.01%), *Amischa bifoveolata* (5.41%). Мавсум давомида доминант турларнинг алмашинуви содир бўлади. Йиртқичларнинг максимал миқдори июнь ва август ойларида кузатилади. Визилдоқ қўнғизлар

ва стафилинлар сонининг максимал қўйматли даврлари ўзаро мос келмайди ва бу ҳолат бу икки гуруҳ йиртқичларнинг биргаликда мавжуд бўлишига эволюцион мослашиш ҳисобланади.

Калим сўзлар: йиртқич қўнғизлар, Carabidae, Staphylinidae, мавсумий динамика, агроландшафт, доминант турлар

Аннотация. Изучена сезонная динамика численности хищных жуков на полях овощных культур. Доминирующие виды: Carabidae: *Pseudoophonus rufipes* (степень доминирования-17,6%), *Amara fulva* (13,28%), *Bembidion properans* (10,39%), *Trechus quadristriatus* (6,20%), *Calatus melanocephalus* (5,39%), *Pterostichus cupreum* *Bembidion femoratum* (5,10%), Staphylinidae: *Aleochara bilineata* (степень доминирования-17,6%), *Aloconota gregagia* (10,21%), *Amischa analis* (6,01%), *Amischa bifoveolata* (5,41%). В течение сезона происходит смена доминирующих видов. Максимальное количество хищников наблюдается в июне и августе. Периоды максимальной численности жуужелиц и стафилин не совпадают во времени, что является эволюционной адаптацией к сосуществованию двух групп хищников.

Ключевые слова: хищные жуки, Carabidae, Staphylinidae, сезонная динамика, агроландшафт, доминантные виды

Abstract. We studied the seasonal change in the number of dominant species of carnivorous beetles on vegetable crops. The dominant species are: Carabidae: *Pseudoophonus rufipes* (17.6% dominance), *Amara fulva* (13.28%), *Bembidion properans* (10.39%), *Trechus quadristriatus* (6.20%), *Calatus melanocephalus* (5.39%), *Pterostichus cupreum* (5.3%), *Bembidion femoratum* (5.10%), Staphylinidae: *Aleochara bilineata* (17.6% dominance), *Aloconota gregagia* (10.21%), *Amischa analis* (6.01%), *Amischa bifoveolata* (5.41%). During the season there is a change in dominant species. The maximum number of predators are observed in June and August. The periods of maximum abundance of ground beetles and rove beetles do not coincide in time, which is the evolutionary adaptation of two groups of predators that coexist.

Key words: predatory beetles, Carabidae, Staphylinidae, seasonal dynamics, agrolandscape, dominant species

Введение. Одним из путей повышения эффективности биологической регуляции численности вредителей в агроландшафтах является сохранение и усиление функциональной активности естественных энтомофагов-хищников и паразитов [1]. Универсальные хищники с широким пищевым спектром могут вступать как важнейший компонент биологической регуляции [2,3].

В агроландшафтах наиболее многочисленными хищниками являются жуки из семейства Carabidae и Staphylinidae, которые играют весьма значительную роль в снижении численности вредителей [4,5].

Важной особенностью хищных насекомых является то, что в зависимости от численности жертвы они могут переходит от одного вида жертвы к другому и тем самым играют важную роль в регуляции численности сразу нескольких видов вредителей [6]. Способность накопления и повышение активности питания жуужелиц в местах и регионах массового размножения вредителей показывает их важное значение как хищников-энтомофагов [7].

Во многих работах отмечают, что эффективность жуужелиц, как истребителей вредных насекомых в агроценозах, во многом зависит от размера их тел [8,9]. Именно размер тела хищника является определяющим фактором, влияющий на количество уничтоженных жертв [10].

Более крупны виды жуужелиц малочисленны в агроценозах в сравнение с мелкими видами. Регулирующая деятельность человека, в частности, обработка почвы, применение пестицидов сильнее влияет на крупные виды по сравнению с мелкими видами. Более крупные виды жуужелиц, обычно, связаны с естественными или полуестественными биоценозами [11,12].

Хотя, в литературах сведения о жуужелицах весьма обширная, конкретные данные по их эффективности в снижении того или иного вредителя недостаточно. А роль стафилинов, являющие в агроландшафтах тоже многочисленной группой, недостаточно изучена [13].

Целью наших исследований являлось изучение особенностей сезонной динамике доминантных в агроценозах видов карабид и стафилин.

Материал и методы. Для изучения относительной численности доминантных видов хищных жуков использовали почвенные ловушки типа Барбера–Гейдемана [14]. В качестве ловушек использовались стеклянные банки емкостью 0.5 л и диаметром отверстия 72 мм (банки закапывали в почву так, чтобы края находились на уровне почвы), установленных в линию по 10 ловушек на расстоянии 5 м друг от друга. Часть ловушек была без фиксатора, а часть с фиксирующей жидкостью. В качестве фиксатора использовали 4 % -ный раствор формалина, которым заполняли почвенные ловушки на 1/3–1/2 объема. Выборку ловушек проводили 1 раз в 7–10 дней. Собранных жуков идентифицировали по видам, подсчитали количество и расположили в ватные матрасики.

Результаты и их обсуждение. За 2015-2017 гг. было собрано более 1000 экземпляров жуков. Выявлено 22 вида жуужелиц, относящихся к 14 родам. Доминантными видами жуужелиц в агроценозах

овощных культур являются *Pseudoophonus rufipes* (степень доминирования-17.6%), *Amara fulva* (13.28%), *Bembidion properans* (10.39%), *Trechus quadristriatus* (6.20%), *Calatus melanocephalus* (5.39%), *Pterostichus cupreum* (5.3%), *Bembidion femoratum* (5.10%), *Clivina fossor* (4.63%).

Из семейства Staphylinidae выявлено 27 видов, относящихся к 14 родам. Среди коротконадкрылых жуков доминантными видами являются: *Aleochara bilineata* (степень доминирования-17.6%), *Aloconota gregagia* (10.21%), *Amischa analis* (6.01%), *Amischa bifoveolata* (5.41%).

Исследование показывает, что разнообразие хищных жуков в агроценозах не очень высокая. Причиной тому является, во первых сухой и жаркий климат равнин Средней Азии и, во вторых, обеднение растительного покрова, вызванный выращиванием в агроценозах определенной культуры. Существующие в агроценозах виды хищных жуков трофически связаны с вредителями сельскохозяйственных культур, которые обычно многочисленны, и поэтому численность существующих тут видов хищных жуков довольно высокая. Численности хищников в течении сезона весьма неодинакова и имеет два пика (рис.1.).

Первый пик численности жужелиц отмечается в середине июня. В этот период рост численности жужелиц происходит за счет весенних видов (*B. properans*, *B. quadrimaculam*, *C. fossor* и др.). В июле месяце можно наблюдать некоторое снижении численности жуков. Вероятно, причиной такой тенденции может быть сухая и жаркая погода, которая, по видимому, непосредственно или косвенно (через снижение численности вредителей, которые являются кормом для хищных жуков) влияет на численность жуков. Второй пик численности карабидофауны наблюдается в середине августа, за счет высокой численности летне-осенних видов. Такая же ситуация наблюдается и в отношении коротконадкрылых жуков. Однако численность их в обследуемых участках была несколько ниже в сравнении с жужелицами, а также весенний пик численности наступает немного раньше, в начале июня. Необходимо отметить, что и во время второго пика численности жужелиц наблюдается некоторое снижение количества стафилинов. Одним словом, пик численности жужелиц и коротконадкрылых жуков не совпадает во времени.




Рис. 1. Динамика численности хищных жуков (комплексе видов) на овощных полях

Наиболее многочисленным видом среди жужелиц являются *Pseudoophonus rufipes*. В условиях Узбекистана первые особи этого вида появляется уже в конце марта. Но на овощных культурах они переселяются в начале мая. Хотя жуки *Pseudoophonus rufipes* присутствуют в агроценозах в течении всего вегетационного периода, максимальная их численность наблюдается в конце июля и в начале августа (рис. 2,3).




Рис. 2. Динамика численности доминантных видов хищных жуков на овощных полях

Надо отметить, что структура карабидофауны овощных полей претерпевает существенные изменения не только по годам, но и в течении одного вегетационного периода. По срокам появления на поле жужелиц можно разделить на весенние и осенние виды. К весенним видам из наших сборов относятся *B. properans*, *B. quadrimaculam*, *C. fossor* и др. В первый период вегетации растений доминантными видами являются виды рода *Bembidion* (*B. properans*, *B. quadrimaculatum*, *B. femoratum*)

и *Calatus melanocephalus*. В этот период наиболее многочисленна *B.properans*. Максимальная численность этого вида жука наблюдается в середине июня и составляет до 9 экз./ловушка. Однако, уже в июле их численность уменьшается до минимума, однако, жуки присутствуют на полях до конца вегетации растений. Такая же тенденция наблюдается и в численности другого бегунчика - *B.quadrimaculatum*.




Рис. 3. Динамика численности доминантных видов хищных жуков на овощных полях

Бегунчики активны в светлое время суток, особенно, в теплые солнечные дни. Они являются многоядными хищниками и играют существенную роль в снижении численности яиц и личинок насекомых-вредителей.

Кроме бегунчиков на овощных культурах в начале вегетации растений многочисленным видом является *Calatus melanocephalus*. Наибольшая численность этого вида наблюдается в конце июня, но обычно, он сохраняет свою сравнительно высокую численность до конца сезона.

Начиная с июля в агробиоценозах происходят существенные изменения в структуре карабидофауны. В этот период вегетации на полях по численности преобладают летне-осенние виды жужелиц: *Ps.rutipes*, *A.fulva*, *T.quadristriatus* и др.

Жуки *Ps.rutipes* и *A.fulva* в небольших количествах встречаются на капустных полях еще весной, но резкое увеличение численности их наблюдается в начале июля. Несмотря на то, что в середине июля наблюдается некоторое снижение численности этих видов, максимальная их численность отмечается в начале августа. Волосистая жужелица (*Ps.rutipes*) и виды рода *Amara* активны ночью, а днем они находятся в почве.

Снижению численности более мелких и средних по размеру видов в конце лета в начале осени могут объясняться доминированием в этот период более крупных видов жужелиц. Так как крупные виды могут охотно питаться мелкими видами [10,15]. Этим можно объяснить и несовпадение во времени периода максимальной численности жужелиц и стафилин. Кроме того, такие перестановки в структуре фауны хищных жуков может быть связано с их особенностями фенологии, так как, у разных видов существенно различается фенологическое развитие [16].

Наиболее многочисленный вид стафилин *A.bilineata* в начальные периоды вегетации растений малочисленно, но с июля месяца происходит увеличение количества этих жуков и в конце июля наблюдается максимальная их численность. Низкая плотность алеохары в начале сезона связана с его особенностями развития. Личинки *A.bilineata* являются паразитом куколок мух и его появление на полях приурочено появлению стадии куколки хозяина.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Landis, D.A., Wratten, S.D., Gurr, G.M., 2000. Habitat management to conserve natural enemies of arthropod pests in agriculture. *Annu. Rev. Entomol.* 45 (1), 175–201.
2. Symondson, W.O.C., Sunderland, K.D., Greenstone, M.H., 2002. Can generalist predators be effective biocontrol agents? *Annu. Rev. Entomol.* 47 (1), 561–594.
3. Stiling, P., Cornelissen, T., 2005. What makes a successful biocontrol agent? A metaanalysis of biological control agent performance. *Biol. Control* 34 (3), 236–246.
4. Brewer, M.J., Elliott, N.C., 2003. Biological control of cereal aphids in North America and Mediating effects of host plant and habitat manipulations. *Annu. Rev. Entomol.* 49, 219–242.
5. Koval A.G., Guseva O.G., 2008. Structure of ground beetle complexes (Coleoptera, Carabidae) potato agroecosystem under various soil conditions in the North-Western Russia. *Entomol. Review.* 87 (2), 303–312.
6. Snyder, W.E., Snyder, G.B., Finke, D.L., Straub, C.S., 2006. Predator biodiversity strengthens herbivore suppression. *Ecol. Lett.* 9 (7), 789–796.
7. Bell, J.R., King, R.A., Bohan, D.A., Symondson, W.O., 2010. Spatial cooccurrence networks predict the feeding histories of polyphagous arthropod predators at field scales. *Ecography* 33(1),64–72.
8. Rouabah, A., Lasserre-Joulin, F., Amiaud, B., Plantureux, S., 2014. Emergent effects of ground beetles size diversity on the strength of prey suppression. *Ecol. Entomol.* 39 (1), 47–57.
9. Rusch, A., Birkhofer, K., Bommarco, R., Smith, H.G., Ekbom, B., 2015. Predator body sizes and habitat preferences predict predation rates in an agroecosystem. *Basic Appl. Ecol.* 16 (3), 250–259.
10. Michael C. Russell, John Lambrinos, Elizabeth Records, Gwendolyn Ellen, 2017. Seasonal shifts in ground beetle (Coleoptera: Carabidae) species and functional composition maintain prey consumption in Western Oregon agricultural landscapes. *Biological Control* 106, 54–63.

11. Rusch, A., Bommarco, R., Chiverton, P., Öberg, P.S., Wallin, H., Wikteliu, S., Ekbom, B., 2013. Response of ground beetle (Coleoptera, Carabidae) communities to changes in agricultural policies in Sweden over two decades. *Agric. Ecosyst. Environ.* 176, 63–69.
12. Winqvist, C., Bengtsson, J., Öckinger, E., Aavik, T., Berendse, F., Clement, L.W., Fischer, C., Flohre, A., Geiger, F., Liira, J., Thies, C., Tscharntke, T., Weisser, W.W., Bommarco, R., 2014. Species' traits influence ground beetle responses to farm and landscape level agricultural intensification in Europe. *J. Insect Conserv.* 18 (5), 837–846.
13. Guseva O.G., 2017. Rove beetles (Coleoptera, Staphylinidae) in agricultural landscape of Leningrad Region. *Plant Protection News*, 4(94), p. 39–42.
14. Barber, H.S. Traps for cave-inhabiting insects / H.S. Barber // *J. Elisha Mitchell Sci. Soc.* – 1931. – Vol. 46. – P. 259–266.
15. Prasad, R.P., Snyder, W.E., 2006. Polyphagy complicates conservation control that targets generalist predators. *J. Appl. Ecol.* 43, 343–352.
16. Russell, M.C., 2013. Seasonal activity and feeding patterns of Ground beetles (Carabidae: Coleoptera) in a western Oregon agricultural landscape. In: *Habitat Management for Beneficial Insects on Willamette Valley Vegetable and Berry Farms* (PhD dissertation). Oregon State University, pp. 90–133.

THE LIFE AND HERITAGE OF SUFI OLLAYOR

Aliev Sh., teacher, Termez State University, Termez

Annotatsiya. Ushbu maqola So'fi Olloyor hayoti va merosi haqida. U 1644 yilda Kattaqo'rg'onning Minglar qishlog'ida o'qimishli oilada tug'ilgan. Uning otasi Temir Yor o'g'lini boqgan: u 12 yoshigacha o'z qishlog'ida o'qigan, keyin Buxoroga madrasalarda o'qish uchun borgan va o'zbek va tojik tillarida yozishni boshlagan. U shayxlar maktabida va Buxorodagi joybor shayxlarida tahsil olgan. U o'z davrining barcha asosiy fanlarini o'zlashtirgan, arab va fors tillarini o'rgangan.

Kalit so'zlar: hayot, meros, ish, diqqat, yozish

Аннотация. Эта статья посвящена жизни и наследию Суфи Оллояора. Он родился в 1644 году в селе Минглар Каттакургана в образованной семье. Его отец, Темир Йор, заботился о сыне: он учился в своем селе до 12 лет, затем поехал в Бухару учиться в медресе и начал писать на узбекском и таджикском языках. Учился в Школе шейхов и у Джойборских шейхов в Бухаре. Он овладел всеми основными науками своего времени, изучал арабский и персидский языки.

Ключевые слова: жизнь, наследие, работа, фокус, письмо

Abstract. This article deals with the life and heritage of Sufi Olloyor. He was born in 1644 in the village of Minglar in Kattakurgan in an educated family. His father, Temir Yor, took care of his son: he studied in his village until he was 12, then went to Bukhara to study at madrassas and began to write in Uzbek and Tajik. He studied at the School of Sheikhs and at the Joybor Sheikhs in Bukhara. He mastered all the basic sciences of his time, studied Arabic and Persian.

Key words: life, heritage, work, focus, write

Introduction. He was appointed by the Bukhara khan Abdulazizkhan to the customs court. Sufi Olloyor, a dervish and poetic man, resigned from this post and became a disciple of the famous sheikh of his time, Navruz. The main focus of Sufi Alloyor's work, written in Turkish and Persian, is to spread Islamic enlightenment among the people and to propagate the ideas of mysticism related to human perfection. He wrote the works "Maslak ulmuttaqin" ("The advice of the pious"), "Murad ulorifin" ("The wish of the sages"), "Makhzan ulmute'in" ("Treasure of the obedient") in Persian, "Sabot ulojizin" ("Saboti ujizlar"), "Fawz unnajot". ("Salvation Ceremony") in the Turkic language. There are other poems written in Persian and Turkish. The poem "Fruit Discussion" is also attributed to him. The masterpiece of SO. is "Maslak ulmuttaqin" and consists of 12 thousand bytes and 135 large chapters.

The main purpose and tasks of the article. After this work, which was dedicated to the artistic interpretation of divine enlightenment, became popular, his friends and relatives asked him to write a similar book in Turkish. In response, he abbreviated Maslak Ulmuttaqin to poetry in Uzbek and renamed the university Sabot Ulojizin. In this work, which is a leading example of Uzbek philosophical and didactic literature, he made a significant contribution to the development of Turkish mystical literature by covering the spiritual and moral issues of mysticism. In his works, he described the rules of Islam, the requirements of the sect, and the conditions of human perfection. From the point of view of moral and educational significance, in particular, "Maslak ulmuttaqin" and "Sabot ulojizin" have been taught in schools and madrassas. His works in the spirit of pan-mysticism are widespread not only in Turkestan, but also in Kashgar, the oases of the Etel (Volga), Yayik (Ural) rivers, Hojitar Khan (Astrakhan), Bulgar, Orenburg and other regions. They have been copied in large numbers. By the end of the 19th century, it was lithographed several times in Tashkent, Kazan, Baku, Istanbul and other cities. Sufi Alloyor's works have been translated into many foreign languages, commentaries have been written on them, dictionaries have been compiled, and the mystical terms he has used have been widely interpreted. The popularity of the village of Katta Vakhshivor is associated with the name of Sufi Alloyor. Sufi Olloyor beautified the village, brought water from a spring called Karabulak to the village, and in 1713 built a mosque in the style of folk hashar. This mosque still serves the people today. Sufi Olloyor spent the next years of his life (1710-1721) in the village of Katta Vakhshivor, Denov district (now Altynsay district) of Surkhandarya region, where he died and was buried at the age of 90. The tombs of Serfayz are located in the Great Vakhsh. Sabotul Ojizi is a authoritative work of Sufi Allah, which expresses the beliefs of the Ahl as-Sunnah wa'l-Jama'ah in a poetic style. This work, also known as the Sufi God, was taught in Central Asian madrassas until the early 20th century. After the publication of a certain level of literacy of students in scientific institutions, the work "Sabotul Ojizi" was remembered.

The methodological basis of the article. This is because in this work, along with the issues of belief, the moral virtues are expressed in a simple and fluid manner. That is why one of the great teachers described this work as "the essence of the Sabbath is the Qur'an." Sabotul Ojizi was republished in Kazan, Baku, Tashkent and Bukhara in the late 19th and early 20th centuries. This indicates that the demand for the work is very high.

Sabotul Ojizi's work has always attracted scholars. For this reason, many comments have been written and are being written about him. The most famous commentaries of Sabotul Ojizi are Risalai Aziza, Irshad al-Aziz and Hidayat al-Talib. The words of Sabotul Ojizi are short and concise, as well as meaningful. In the work, the beliefs of the Ahl as-Sunnah wa'l-Jama'ah are expressed in a poetic style in the Uzbek language. For this reason, the conclusions drawn from them are summarized in verse without providing evidence. The author himself wrote about it as follows:

Proof of what I have said in the Aqeedah
I set him the fire of "Sabotul Ojizi".

Conclusion. In other words, in this book, I have expressed the issues of aqeedah in Turkish and Uzbek, and I have called it "Sabotul Ojiziyn" (perseverance of the weak). The need to study the science of aqeedah is stated in the work as follows: Satan is a people who do not know the Aqeedah If he does it for a thousand years, it is a country That is, those who do not know the necessary 'aqeedah, no matter how much they worship, will not benefit from their worship because they do not know the pure' aqeedah. Elsewhere, the concept is expressed as follows:

Religion is the science of belief

It is useless to water a branch without roots. That is, because the science of aqeedah is the basis of religion, actions that cannot be performed on this basis will be as fruitless as watering a rootless branch. Action strategy for the economic development of the Republic Uzbekistan assumes deepening democratic reforms in all spheres of public life. In the context of the globalization of the modern economy, problems of a socio-economic nature arise for taking a worthy place in world trade. The Government of Uzbekistan has adopted a number of regulations to prevent economic threat to the stable production of material goods for the people [2]. One of the decisions made by the President of Uzbekistan Sh.M. Mirziyoyev was Resolution on the implementation of the program "Every family is an entrepreneur", aimed to ensure a radical improvement in material conditions, significant positive changes in the country. [3] The program provides for the provision of comprehensive support entrepreneurial initiatives of the population wishing to engage in entrepreneurship, education of the younger generation in the spirit of a market economy, preparation for family life. Without going into detailing the implementation of this program, we outlined the main parameters of family education, which is under the word "family entrepreneurship" means small and private business in the family, the participation of all members in the material production, joint work for the common good, professionalization of the population national production. In fact, the family in the Central Asian region has been centuries was considered a subject of entrepreneurship, engaged in a kind of domestic an economy in which the father is the head of all production life. Kemp (2007), for example, reports that multilingual learners' learning strategies differ from those of monolingual students learning their first foreign language." Business as a factor in personal education. In Uzbekistan, the relevance of research on socio-economic management acquires conceptual social significance as a new course in entrepreneurship, conditional action strategy development. The main priority of this course is rejection of the monopoly of cotton growing in agriculture and the rule of liberalism in economic life with a variety of forms of ownership. New dynamic course development involves the production of goods, primarily for export, in which private entrepreneurship is critical. This is why the President of the Republic Uzbekistan Sh. M. Mirziyoyev, noted that "... Small business and private entrepreneurship must become a solid pillar of our society, its well-being, today's and future development of our country " In the twenty-first century, fundamental changes are taking place in our state. As an example, we can witness the improvement of the teacher's activities and the teaching process itself, the systematic formation of freedom of love among students, a thirst for knowledge, love for the homeland and humanity.

In this regard, attention is drawn to foreign experience for the development of the education system and for the introduction of information and communication technologies in the educational process, which is common knowledge [1]. In our country, it is the issue of introducing positive, developing aspects of international experience into the educational process. Diplomatic meetings and international conferences are organized to study the experience of developed countries. However, the ideas of the mind and body, freedom and amateur alignment soon turned out to be very attractive, as in the 19th century, kindergartens appeared in Germany and abroad [2]. Since 1996, under the Child and Youth Assistance Act, pre-school institutions in the Federal Republic of Germany have been working to develop, serve, educate and educate children on their independence and responsibility for society. He has set himself a goal. Pre-school should address the disadvantages of family education and provide children with the best conditions for their development. Thanks to games and other activities with children, they enter the world of group activities to prepare for school.

REFERENCES:

1. Zahid R., Sufi Olloyor. Mirror of Literature, T., 1996;
2. Turkestan S, Sufi Olloyor. The Lights of the Missing, T., 1994;
3. Baratova N., Artistic and spiritual views of Sufi Olloyar, Samarkand, 2002.

QUYI ZARAFSHON VOHASI DEHQONCHILIK MADANIYATI TARIXIDAN
(XIX ASR OXIRI-XX ASR BOSHLARI)

N.A. Jumaeva, katta o'qituvchi, Buxoro Davlat Universiteti, Buxoro

Annotatsiya. Maqolada quyi Zarafshon vohasi ziroatchilarning yerga ishlov berish, ekin ekib mo'l hosil olish bilan bog'liq tadbirlari, dehqonchilik madaniyatining o'ziga xos usullari manbalar va dala ma'lumotlari asosida tahlil etiladi.

Kalit so'zlar: paykal, tegirmon, mo'ndi, mola, go'ja, to'g'on, belkurak, ketmon, yaxob, yagona, to'pcha, chopiq, oq jo'xori

Аннотация. В статье на основе источников и полевых этнографических данных анализируется деятельность земледельцев по обработке почвы, урожайности, специфическим приёмам земледельческой культуры в низовьях Зерафшанского оазиса.

Ключевые слова: пайкал, мельница, мунди, мола, плотина, лопата, мотыга, яхоб, ягана, сфера, измельчитель, белые овес

Abstract. The present article analyzes the activities of farmers in soil cultivation, yield, specific methods of agricultural culture in the lower reaches of the Zerafshan oasis based on sources and field ethnographic data.

Key words: paykal, mill, mundi, mola, dam, shovel, hoe, yakhob, sole, sphere, chopper, white oats

Bugungi kunda milliy o'zlikni ahglash, milliy mafkurani mustahkamlash xalqimizning ma'naviy – ruhiy tiklanish jarayonlari muqaddas zaminimizga, ya'ni tabiatga bo'lgan munosabat bilan chambarchas bog'liqdir. O'zbekiston Respublikasining birinchi Prezidenti I.A.Karimov ta'kidlaganlaridek “sivilizatsiya belgilarini asrab – avaylash qanchalik zarur bo'lsa, qishloq xo'jaligining butunlay sug'oriladigan dehqonchilikka asoslangan mintaqada yer va suvni asrab avaylash ham muhimdir”[1].

XIX asrning oxiri – XX asr boshlarida Buxoro, Karmana va Qorako'l vohalarini o'z ichiga olgan Quyi Zarafshon vohasida dehqonchilik madaniyatining o'ziga xos an'analari yuzaga kelgan. Bu an'analarda avvalambor dehqonchilik texnikasi va mehnat qurollari bilan bog'liq bo'lgan. Buxoro vohasi aholisi yer – suvdan jamoa bo'lib foydalanishgan. Shu bilan birga barcha sug'orish ariqlarini ham har yili kuz fasli va erta bahorda birgalikda tozalashgan. Katta ariqlarni qazish va to'g'on va dambalar qurish ishlari esa ommaviy ravishda, hashar yo'li orqali jamoa bo'lib bajarilgan. Albatta, bu ishlarni amalga oshirishda yuzlab – minglab jamoa a'zolari qo'l kuchidan foydalanilgan.

Vohada XX asrning boshlariga kelib, sinfiy jamiyat talablari asosida yerlar tobora yakka shaxslarning, ya'ni yirik yer egalari qo'lga o'tib, ularning xususiy mulkiga aylana boshlashi bilan jamoaviy munosabatlar ham asta-sekin yemirila boshlangan. Shunga qaramasdan Buxoro amirligining bekliliklarida hamda tog' va tog' oldi hududlarda jamoaviy munosabatlar saqlanib qolishi geohududiy omil bilan bo'g'liq. Shu sababli anhor va ariqlarni tozalashga jamoa a'zolari va boylardan, ya'ni, katta yer egalari alohida-alohida hasharchilar olingan. G'uzor bekligiga qarashli Qorako'l qishlog'idagi Mulla Davlat, Qodirko'l oqsoqol, Yo'ldosh amin, To'raboy, Suvonboylarning ancha yeri bo'lgan. Ular suv yo'llarini tozalash uchun ko'proq mardikor yollashgan. Vohaga yaqin yoki undan sug'oriladigan qishloqlar aholisi alohida bir jamoani tashkil etgan. Tabiiyki, bu qishloq jamoalari yana kichik ekin maydonlari ham tuzgan. Ularni vohaning bir qancha tumanlarida “paykal” deb ataganlar [6].

An'anaga ko'ra, erta ko'klamda dala ishlari boshlanishidan oldin xar yili voha qishloq aholisi o'zlarining jamoa yerlariga to'planib, oralaridan yoshi ulug', obro'li va tajribali bir kishini oqsoqol qilib saylashgan. Ushbu yig'inda mirob, dorug'a, hatto sartarosh ham saylangan. Faqat oilali kishilar hisobga olinib, paykallarga bo'lingan. Har bir Paykalga 8 kishi (“tan”) kirgan [9]. Demak, shu 8 kishi paykalga taalluqli barcha yengil va mashaqqatli ishlarni amalga oshirgan. Ariq va anhorning uzun-qisqaligiga qarab paykallardan hasharchilar olingan. Paykal a'zolari qat'iy tartib intizom asosida navbati bilan suv yo'llarini tozalashda qatnashishgan.

Paykalga kirmagan, suv chiqishi qiyin bo'lgan partov yerlar, ya'ni bo'sh yerlar «posira», unda ishlovchilar “posirakorlar” deb atalgan. Posira yerlarda hosil yetishtirish juda mushkul bo'lgan. Dastlab bu yerlarga lalmikor ekinlar ekilib, qor va yomg'ir suvi bilan sug'orilgan. Kamdan-kam hollarda dehqonlar o'zlariga tegishli yerlarni oqar suv bilan bir - ikki bor sug'orishgan, ya'ni bunday yerlarga ekilgan ekinlar zahmat chekish bilan sug'orilgan. Shu sababdan bo'lsa kerak suv inshootlarini tartibga keltirishda posirachilar kamdan – kam hollardagina ishtirok etishgan.

Vohadagi barcha bekliliklarga qarashli qishloq aholisining jamoa yeri va posira yerlaridan tashqari o'z tomorqasi ham bo'lgan. Bu yerlar qishloqlarda 5 paxsa devor yoki chimdevor bilan o'rab olingan. Qorako'l, Olot va boshqa tumanlarning dasht hududlarida devor bilan o'rashga ehtiyoj sezilmaganligi bois ma'lum bir belgilar qo'yilgan va bunday yerlar odatda “hayat” deb atalgan [2].

O'рта Osiyoning boshqa xududlarida bo'lgani singari Buxoro vohasida ham suv tanqisligi yuz berib turgan. Shu bois mahalliy xalq sug'orish shohobchalaridan foydalanishning tartib – qoidalari va usullarini yaxshi bilishgan [2]. Dehqonlar suv tanqis bo'lgan hududlarda suvdan navbat bilan foydalanishga qat'iy rioya etishgan. Suv miqdori muayyan tartibda o'lgangan. Masalan, “bir suv-ariqdan bir kecha-kunduzda oqib o'tgan suv: “bir tegirmon” yoki “tosh” - bir pud donni tegirmonda tortguncha ketadigan suv, “bir qo'sh” - bir qo'sh ho'kiz bilan haydalgan yerni sug'orish uchun yetadigan suv” kabi suv o'lgovlari keng qo'llanilgan. Buxoroning suvga tanqis tumanlarida jamoa foydalanadigan paykallarda bir qo'sh yerga beriladigan suv “mo'ndi” bilan o'lgangan. Mo'ndi - tubi teshilgan, taxminan o'n litr suv sig'adigan oddiy sopol ko'zacha bo'lib, undagi suv oqib bo'lishiga qarab suv miqdorini o'lganganlar. Shuni ta'kidlash kerakki, paykal va hayat yerlarini sug'orishning u yoki bu usullari suvning oz - ko'pligiga qarab tanlangan. Vohaning o'рта qismida dehqonlar sug'orishning “bir quloq” usulidan ko'proq foydalanishgan. Bunda vaqt hisobi quyosh harakatiga qarab belgilangan. Miroblar paykal a'zolarining yeri qanchaligini juda yaxshi bilishgan va shunga qarab vaqt ajratishgan. XX asrning boshlariga kelib boy-badavlat kishilar o'z mavqelaridan foydalanib, ayrim hollarda belgilangan tartiblarni ham buzishgan [2].

Romitan tumanidagi Qo'rg'on qishlog'ida 50 ta paykal bo'lib, bir kecha - kunduzda uchtadan paykal sug'orilishi kerak bo'lgan. Ikkita paykal kunduzi, bittasi esa kechasi sug'orilgan. Har paykalga 16-17 kunda bir bor navbat kelgan. Qo'shni qishloq Romishda esa 37 taga yaqin paykal bo'lgan. Qishloq oqsoqoli boshchiligida chokboshlar (bu qishloqda paykalboshi) yig'ilishib, suv navbatini belgilashgan. O'рта kattalikdagi bir chelak suv keladigan sopol ko'zaning tagini teshib suv oqizishgan. Aynan shu holni boshqa qishloqlarda ham ko'rish mumkin edi.

Paykallardagi ekinlarni suvning miqdoriga qarab sug'orishgan. Agar suv kam bo'lsa, poxol qilib, bostirib sug'orilgan. Mabodo, suv uzoq vaqt oqadigan bo'lsa, ekinlarga egatlar yoxud jo'yaklar orqali suv oqizishgan. Ekinlar qonib suv ichishiga, ayniqsa, katta e'tibor qaratilgan. Paykallarni jo'yaklardan oqizib sug'orish usuli ko'pincha tunda amalga oshirilgan.

Buxoro vohasi sharoitida dehqonchilik xo'jaligi sun'iy sug'orishga asoslanadi. Yerlarning unumdorligi, ekinlarning hosildorligi sun'iy sug'orish, ariqlarning uzayishi va kengayishi hisobiga yildan yilga ortib borgan. XIX asrning oxiri - XX asr boshlariga kelib sug'orish tarmoqlariga e'tibor pasayganligi kuzatiladi. Daryo suvi kam bo'lganligi tufayli ariqlar va shoxlar (ariqdan kichik, ayrim paykallarni, qishloqdagi yerlarni sug'oradigan suv yo'li)ni qum, loyqa va suv o'tlari bosib ketgan. Natijada yildan-yilga sug'oriladigan maydonlar miqdori qisqarib borgan. Bu esa bir qator sabab va omillar bilan bog'liq bo'lgan. Yerlarning kattagina qismi yirik yer egalarining qo'liga o'tib ketgach, sug'orish ishlariga e'tiborsizlik bilan qarash kuchaygan. Yerga bir mavsumda bug'doy yoki arpa ekib olingach, paykallar o'tloqqa aylantirilgan. Vaqt o'tishi bilan bir qancha ariq - zovurlar ko'milib o'z ahamiyatini yo'qotgan [3].

Insoniyat hayoti, xo'jalik faoliyati ko'p jihatdan dehqonchilik ishlab chiqarishiga bog'liq bo'lib, mehnat qurollari uzoq o'tmishdan qolgan shakllarda edi. Yerni haydab shudgor qilish, yoki ekinlarga ishlov berish qo'sh-ho'kizlar yordamida amalga oshirilgan, shuning uchun ishchi hayvonlarning buxoroliklar hayotidagi ahamiyati nihoyatda baland bo'lgan. Ishchi hayvonlarni yaxshi oziqlantirish, ularni asrab avaylash hayotiy zaruriyatga aylangan edi. Kuzgi shudgor paytida ham asosiy ishchi kuchi qo'sh-ho'kizlar bo'lib, ular qo'shilgan omochlarda yer haydalar, shudgor qilinadi. Erta bahorda esa yerni ekishga tayyorlash, six mola qilishda ham asosiy ishchi hayvon ho'kizlar, ba'zan otlardan foydalaniladi. Bahorgi yumushlar qizigan mart – aprel oylarida kunlar uzayib, havo harorati ham ko'tarilib borar, bunday sharoitda ayniqsa qishdan “eti yupun bo'lib, yoki yo'g'on cho'zildi – ingichka uzildi”[3] bo'lib chiqqan jonivorlarning xizmatidan foydalanish barobarida ularni asrab – avaylash ham zarur bo'lgan.

Qadimgi buxoroliklar ishchi hayvonlarni yaxshi oziqlantirish bilan birga ularni salqin vaqtda, ko'proq tunda va erta saharda ishga solganlar. Bahorgi yumushlar qizigan pallada ishga solingan ho'kizlarga nisbatan “gava pushtash oftoba nabinad”-“Ho'kizning tanasi quyosh ko'rmasin” iborasi shundan kelib chiqqan bo'lib, ho'kizlarni, umuman ishchi jonivorlarni quyosh tig'ida ishlatmasdan, ularni asrab – avaylash, ishni salqin vaqtda amalga oshirish lozimligi nazarda tutilgan [4].

Erta bahorda yerlarni ekishga tayyorlash, ekishni o'z vaqtida o'tkazish ham alohida tayyorgarlik va tajribalarni talab qilgan. Buxorolik Bobodehqonlar bahorning har bir lahzasidan unumli foydalanib ekish – tikish ishlarini o'z vaqtida amalga oshirishga harakat qilganlar. Bahorning har daqiqasini g'animat bilib, ekishni ertaroq amalga oshirishga intilganlar. Xalqda “sepilgan urug' ho'kizning tanasiga tegmasin” [5] iborasiga bahorgi ekish paytida erga sepilgan urug' ishchi jonivorlarning tanasiga tegilib yerga tushguncha vaqt boy beriladi, degan ma'no anglatgan.

Yerga ishlov berish, ekinlarni parvarishlash borasida ham an'anaviy usullar asosida katta tajriba to'plangan. Ota bobolarimiz bir qator agrotexnik usullarni kashf qilganlar. Shulardan biri oq jo'xori ostini to'pchalash usulidir.

Ma'lumki, xalqimiz oshxonasida go'ja taomi qadimdan mavjud bo'lib, uni asosan oq jo'xoridan tayyorlashgan va qatiq qo'shib iste'mol qilingan. Oq jo'xorini yetishtirish esa boshqa ekin turlariga qaraganda alohida agrotexnika talab qilgan. Buning uchun mahalliy o'g'itdan yaxshilab to'yintirilgan, suvga qulay joy

tanlanib ekin ekilgan. Ekin qator orasi, butalar oralig'i 40 -50 sm dan kam bo'lmashligi kerak bo'lgan. Ekin unib chiqqandan so'ng uni yagonalab, begona o'tlardan tozalab turilgan.

Buxoroning issiq va quruq havo sharoiti, suv tanqisligi davrida balandligi bir metrcha keladigan oq jo'xorining har bir tubiga alohida – alohida ishlov berilib, osti yumshatilib, yumshoq tuproqdan kunda ostiga tortilib, to'pcha qilingan. Buning natijasida nam uzoq saqlangan va butaning mustahkamligi, shamol va tabiiy ofatlarga bardoshligi oshgan. Oq joxori 2 - 2,5 metr balandlikkacha o'sib, har bir tubi 3 - 4 tagacha bosh bog'lagan yoki har bir tubdan kamida bir kilogacha hosil olingan. Qishloq joylarida yashovchi buxoroliklarning ayvonida uzun qator qilib osib qo'yilgan oq jo'xori boshlarini kech kuzgacha uchratish mumkin edi. Yozning issig'ida obdon qurigan oq jo'xori boshlari yanchilib, doni sovurilib olingan, yaxshilab tozalanib, alohida quruq joyda saqlangan. Kuz va qish mavsumlarida uning donidan go'ja taomi pushirilib iste'mol qilingan.

Buxoro an'anaviy dehqonchiligining yana bir usuli poliz mahsulotlaridan qovun va tarvuz yetishtirishda qo'llangan "Varqoni" usulidir. Bu usul haqidagi ma'lumotlarni tarixiy yozma manbalarda uchratmadik. Axborotchilarning xotiralariga suyanib fikr yuritdik [7].

Buxoro vohasining o'ziga xos iqlimi va tuproq sharoitida poliz mahsulotlari yetishtirish alohida qunt va tajriba talab qilgan. Zarafshon daryosining serunum tuproqli adog'lari, katta kanallarning to'g'on atroflari suvga serob, sernam va yumshoq bo'lib, daryo va kanallar oqizib kelgan loyqadan to'yinib, unumdorligi oshgan joylar edi. Bunday joylarda poliz ekinlaridan qovun va tarvuz ekilsa yuqori hosil berar edi. Ekilgan qovun unib chiqib, palak otib gulga kirgach, suvga bostirib sug'orilgan yoki toshqin bo'lsa suv ostiga qolgan. Bu holda yer tobga kelgach ag'darma chopiq qilinib, har bir tup ostiga tuproq to'pcha qilingan. Bu usulni suv inshootining bosh qismi to'g'on nomi bilan yoki qadimgi so'g'diy tilida "varq" - "to'g'on nomi bilan" "Varqoni" deyilgan. Varqoni – to'g'on boshi dehqonchiligi bo'lib, yetishtirilgan poliz mahsulotlari serob va nihoyatda mazali bo'lgan.

An'anaviy Buxoro dehqonchiligida poliz ekinlarini yagonalashda alohida e'tibor qaratilgan. Xalqda "bir palakdan ikki qovun, ikki palakdan bir qovun" [4] iborasida qovun, tarvuz, qovoq va boshqa ekinlarni o'z vaqtida yagonalashning nihoyatda zarurligi ko'rsatilgan.

Haydalgan yerdagi kesaklarni ezish, yerni tekislash hamda urug' sepilgandan so'ng ustidan tuproq tortish uchun mola ishlatilgan. Molaning ikki xil turi mavjud bo'lgan: biri katta, uzunligi 3-3,5 m. ko'p yillik tut yoki o'rik yog'ochidan yasalgan (yo'g'on tanali tut yoki uning tanasi poytesha bilan yo'nilgan). Molaning eni 40-60 sm bo'lgan. Molani xo'kizlar tortgan. Ho'kizlarni bir kishi yetaklagan, mola ustida ham bir odam o'tirgan. Mola aksariyat lalmikor erlarda, qatqaloq va xashakli erlarda ishlatilgan. Bahorgi ekinlar ekiladigan yerlarda mola o'rnida shox-shabbali kichik daraxt tanasi ishlatilgan. Mola yasashga imkoni bo'lmagan kambag'al xo'jaliklar omochning shotisidan mola sifatida foydalanishgan. Molaning kichigi 2-2,5 sm chamasi bo'lgan. Buni qo'sh ho'kiz, ot yoki tuya tortgan [6].

Buxoro vohasida qadimdan ishlatilib kelayotgan yer yumshatgich vositasi belkurakdir. Bu asbob temirdan yasalgan bo'lib, ishlatuvchining xohishiga qarab, maxsus quloq yasatilgan. Quloq belkurakning o'ng yoki chap tomonida bo'lgan. Ba'zi xonadonlarda ikki tepki quloq ishlangan belkurak bo'lgan. Belkurak yerni kovlash, aravaga go'ng yoki tuproq ortish, ariq qazish va paxsa devor qurishda qo'llanilgan. Belkurakning uzunligi 25-27 sm, eni 20-23 sm atrofida bo'lgan. Dastasining uzunligi 1,3-1,5 metrni tashkil etgan. Loy ishlarida belkurakdan farqliroq, loyni kesishga qulay va engil bo'lgan kapcha ishlatilgan.

Qadimda dehqonchilikda keng ishlatiladigan mehnat quroli ketmon bo'lib, Buxoro vohasi ziroatchilari uchun ham bu qurolning xizmati katta bo'lgan. Bog'dorchilik, polizchilik, sabzavotchilik va g'allachilikda, umuman, yer ishlarida ketmon ishlatilgan. Ketmonlar ham shakli va hajmiga qarab bir-biridan farqlangan. Eni 30-32 sm, uzunligi 25-27 sm bo'lgan ketmonlar tuproq yuklarida, ayniqsa, jo'yak olish, uvat ko'tarish, egat olish va yer tekislashda ko'proq ishlatilgan. Hajmi kichik ketmonlar esa o'simliklarning tagini yumshatish va chopiq qilishda qo'llanilgan. Ketmon dastasi asosan tol daraxtidan tayyorlangan. Voha dehqonlari yerdan ko'proq hosil olish uchun unga sifatli ishlov berishgan. Tadbirkor boylar kuzda yerni bir-ikki marta ko'sh bilan haydashgan. Mola bosish, dalalarga suv tarqatish va mahalliy o'g'itlarni berish ishlari ham tajribali dehqonlar maslahati bilan amalga oshirilgan. Almashlab ekish ham dehqonchilikda asosiy o'rinda turgan. O'simliklarning mavsumiy xususiyatlaridan kelib chiqib, birining o'rniga ikkinchisini ekishgan. Albatta, bu jarayonda ob – havoning qanday kelishi va tuproqning o'ziga xos xususiyatlari ham hisobga olingan.

O'rta Osiyodagi barcha xalqlar singari Buxoro vohasi dehqonlari ham XX asrning boshlarida donli ekinlarni ko'proq ekishgan. Kuzda haydalgan yerlarga bug'doy, arpa ekilgan. Urug' qo'l bilan sepilgan va ustidan mola tortilgan. Don ekilgan to'qay yerlar asosan, maysa unib chiqqach, boshqoq olish oldidan va don xamirga aylanganidan so'ng 2-3 marta sug'orilgan [6].

Axborotchilarimizning ta'kidlashlaricha, obikor yerlarga oq bug'doy, lalmikor yerlarga «qizil bug'doy», «qora qiltiq bug'doy» ekilgan. Hosil yig'ib olingandan keyin bo'shagan yerlarga mosh, kunjut, uch oylik oq jo'xori, tariq ekilib, yaxshi hosil olingan. Ba'zi dehqonlar qayta ekishga sabzavot va poliz ekinlarini, xususan, sabzi, sholg'om, tarvuz kabilarni ekishni ma'qul ko'rishgan [9]. XX asrning boshida asosiy maydonlarga bug'doy, arpa bilan birga no'xat, zig'ir, kunjut, makka, kungaboqar kabi donli va boshqoqli ekinlar

ham ekilgan. Hosildan bo'shagan paykallarning barchasida qayta ekish to'liq amalga oshirilmagan. Chunki qayta ekish uchun dehqonlarning hamma vaqt ham imkoniyati bo'lmagan. Paykallarning asosiy qismi o'rimdan so'ng sug'orilgan, qo'sh bilan 2-3 marta haydalgan. Noyabr oyining oxiri, dekabr oyi ichida yerga «yaxob» suvi berilgan [10]. Albatta, sug'orilgan yerlar bahorgi ekish mavsumi boshlangunga qadar dam olib yotgan.

XIX asrning oxirlarida Turkiston o'lkasida sug'oriladigan barcha maydonning 70 foiziga g'oz'a ekilgan, xolos. Paxta maydonlari Buxoro amirligida 62 foiz, birgina Qashqadaryo vohasida esa 2 ming gektarni tashkil etgan [8]. XX asrning boshlarida Buxoro amirligi Angliyaga va boshqa chet mamlakatlarga turli xil qishloq xo'jalik mahsulotlarini sotgan. Mahsulotlar ichida paxta ko'p bo'lgan. Bu esa o'z navbatida Buxoro vohasining Qorako'l, Olot, Romitan kabi tumanlarida paxtaning ko'p ekilishiga sabab bo'lgan. Vohada «Mavri g'oz'a», «Malla paxta» navlari ekilgan. Chorikorlar yetishtirgan paxta hosili katta yer egalari tomonidan sotilgan. Boylar korxonalar (paxtani qayta ishlaydigan kichik korxonalar) qurib, paxtani chigitdan ajratishgan va olingan toladan ip yigirishgan. Iplardan shoyi matolar to'qishgan. O'rta Osiyo xonliklari bilan savdo-sotiqni rivojlantirish masalasini o'rganish uchun yuborilgan polkovnik Strukovning yozishicha, «Osiyoliklar keltirayotgan turli xil to'qima matolarni oddiy xalq juda xush ko'rib ishlatadi, chunki ular yumshoq va chidamli bo'lgani uchun davlatdagi armiya uchun juda zarur bo'lgan kanop mato o'rmini bosa oladi» [10]. Rus zobitining bu fikrlarini axborotchtarimizdan olingan ma'lumotlar ham tasdiqlaydi.

Yashash sharoiti qanchalik og'ir bo'lmasin, voha ziroatchilari hamisha bir-biriga yordam qo'lini cho'zib kelgan. Ariq ochish, tozalash ishlari kuzning oxiri va qish davri hamda erta bahorda hashar yo'li bilan amalga oshirilgan bo'lsa, xirmondagi donni ajratish, g'ozani chopiq qilish, ko'sak chuvish, tok, anor, anjirlarni ko'mish va ochish, daraxtlarga ishlov va shakl berish kabi ishlarni ham dehqonlar hamjihat bo'lib bajarishgan.

Birinchi jahon urushi arafasida Rossiyaning Turkistonda olib borgan mustamlakachilik siyosati boshqa soha vakillari kabi dehqonlarning ham ahvolini og'irlashtirgan. Soliqlarning haddan ortiq ko'payganligi ekin maydonlarining qisqarishiga olib keladi. Xalq bir amallab tirikchilik o'tkazish uchun ishchi ho'kiz o'rnida hattoki o'zlarini omochoq qo'shib yer haydaganliklari, ketmon bilan ertayu – kech yer chopganliklari haqidagi ma'lumotlar axborotchilarimiz xotiralarida saqlangan.

Almashlab ekish an'anasiga rioya etilmaganligi natijasida g'ozaning yomon parvarish qilinishi dalalarning quvvatsizlanishiga, paxta hosilining pasayishi va majud navlarning buzilishiga, shuningdek, boshqa sifat ko'rsatkichlarining yomonlashuviga olib keldi. 1916 yildagi ob-havo sharoiti (ko'klamning kech va sovuq kelishi, yozdagi qurg'oqchilik, chigirtka bosishi) iqtisodiyotning va paxtachilik agrotexnikasining ahvolini yanada og'irlashtirdi.

Butun Turkiston o'lkasi uchun berilgan bu tavsif Buxoro vohasidagi ahvolni ham ifodalagan desak xato bo'lmaydi.

Xulosa: XIX asr oxiri- XX asrning boshlarida Buxoro vohasida g'alla, paxta yoki boshqa poliz ekinlarini ekib parvarishlash dehqonlar uchun qo'l mehnati bilan bajariladigan mashg'ulotlar ancha og'ir bo'lgan. Sug'orish shoxobchalarining talabga javob bermaganligi, unumdor yerlarning boy – badavlat kishilar tomonidan bo'lib olingani, Buxoro amiri tomonidan undirilgan soliqlarning haddan ortiqligi, qishloq xo'jalik texnikasi va ish qurollarining oddiyliги madaniy ekinlar hosildorligini oshirishga imkon bermagan.

Dono xalqimiz, tadbirkor bobo dehqonlarimiz ming yillar davomida yerga ishlov berish, ekin ekib mo'l hosil olishning o'ziga xos usullari va tadbirlarini yaratib, Quyi Zarafshonning murakkab tabiiy sharoitida ham jahon ziroatchilik madaniyatiga o'ziga xos munosib hissa qo'shganlar, og'ir sharoitlarga qaramay o'zlarining asriy tajribalari asosida an'anaviy dehqonchilik usullari yordamida mo'l-ko'l hosil yetishtirishga muvaffaq bo'lganlar.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Karimov I.A. O'zbekiston XXI asr bo'sag'asida "Xavfsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari." – T., O'zbekiston, 1997. –B. -145.

2. XX asrning boshlarida Ўзбекистоннинг суғорилиш тарихи хақида куйидаги тадқиқотчилар атрофлича фикр билдиришган: Дингельштедт Н. Опыт изучения ирригации Туркестанского края //Сирдарьинская область. ч. 1-2. СПб.. 1898; Пален К.К. Орошение в Туркестане (Отчет по ревизии Туркестанского края;. СПб., 1910; Маллицкий Н.Г. Обычное право водопользования в Ташкентском районе и отношение его к шариату //Вестник ирригации,-1925. -№4. - С. 14; И.Дембо. Земельный строй Востока. -Л., 1927; Фуломов Я. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. - 1959; Мухаммаджонов А. Куйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи.-Т..1972. Ўша муаллиф. Ўзбекистоннинг қадимги гидротехника иншоотлари.-Т., 1997; Жабборов И. Жиловланган дарёлар ўлкаси.-Т., 1964.

3. Дала этнографик маълумотлари, ахборотчи Шоди Рўзиев, 190 й (Аҳмад Жумаевнинг шахсий архивидан).
4. Дала этнографик маълумотлари, ахборотчи Аҳмад Жумаевнинг 2012йил.
5. Дала этнографик маълумотлари, ахборотчи Раҳмон Жўраев, 2003 йил
6. Дала этнографик маълумотлари, 1997 йил. Коракул тумани.
7. Дала этнографик маълумотлари, 1998 йил Ромитан тумани Ромиш қишлоғи
8. Жабборов И. Ўзбек халқ этнографияси.-Т., 1994. -Б. 102.
9. Шаниязов К.Ш. Узбеки - карлуки. -Т., 1964. -Б. 169.

10. Рожкова М.К. Экономическая политика царского правительства на Среднем Востоке во второй четверти XIX века и русская буржуазия. - М. Л. 1949. -С. 41.

UO'K 93/94

OLIM MIXAIL MIXAILOVICH GERASIMOVNING ILM-FAN TARAQQIYOTIGA QO'SHGAN HISSASI

S.Sh. Jumaniyozova, talaba, Urganch Davlat Universiteti, Urganch

Annotatsiya. *Ushbu maqolada jahon antropologiya fani rivojiga katta hissa qo'shgan olim M.M. Gerasimovning hayot yo'li va ilmiy tajribalari haqida so'z boradi.*

Kalit so'zlar: *antropologiya, M.M. Gerasimov, paleontologiya, rekonstruksiya, eksperiment, arxeologiya, kriminolog, skelet, portret, fotoalbum*

Аннотация. *В статье рассказывается о жизни и научных экспериментах ученого М.М.Герасимова, внесшего большой вклад в развитие мировой антропологии.*

Ключевые слова: *антропология, М. М. Герасимов, палеонтология, реконструкция, эксперимент, археология, криминолог, скелет, портрет, фотоальбом*

Abstract. *This article tells about the life and scientific experiments of the scientist M.M. Gerasimov, who made a great contribution to the development of world anthropology.*

Key words: *anthropology, M.M. Gerasimov, paleontology, reconstruction, experiment, archeology, criminologist, skeleton, portrait, photo album*

Insonning yuzi og'zidan ko'ra ko'proq qiziq narsalarni ifodalaydi: lablar faqat odamning fikrlarini, yuzi - tabiat haqidagi fikrni ifodalaydi.

A. Shopengauer

Mixail Mixailovich Gerasimov rus plastik rekonstruksiya maktabining asoschisi, antropolog, arxeolog va haykaltarosh, tarixiy shaxslar va bosh suyaklaridan fotoalbum va odamlar portretlari galereyasini yaratgan olim sifatida tanilgan. U 1907-yil 2 (15)-sentabrda Rossiyaning Sankt-Peterburg shahrida tug'ilgan.

Inson qiyofasini suyakdan tiklash imkoniyati qachon va kim tomonidan birinchi marta kashf etilganligini aytish qiyin. Paleontologiyaning otasi Jorj Kuyvening vafotidan keyin bu g'oya amalga oshmaydigan bo'lib ko'rindi. Shu bilan birga, o'lchov texnikasi birlashtirilmagan va turli fiksatsiya usullaridan foydalanilganligi sababli o'limdan keyingi o'zgarishlar har xil edi. Olingan rekonstruksiyalarni vafotidan oldingi fotosuratlar bilan taqqoslash yuzning individual detallarini suyak orqali tiklashning murakkabligini ko'rsatdi.

Mixail Mixailovich Gerasimov ana shunday muhim pallada tarix sahnasiga chiqdi. Bir so'z bilan aytganda, o'tmishni hayotga qaytargan antropolog-olim sifatida tanildi. U bizga buyuk ajdodimiz Amir Temur qiyofasini tiklagan olim sifatida ma'lum.

Birinchi marta M. M. Gerasimov 1927-yilda bosh suyagidan Pitekanthrop va Neandertal odamining ko'rinishini tiklashga urinish qildi. Yaratilgan rekonstruksiya to'g'riligiga amin bo'lish uchun M. M. Gerasimov yuz suyaklarini tiklab, bir qator tekshirish ishlarini olib bordi. Dunyo ilm-fanida shakllangan bir vaqtlar tirik odamning tashqi qiyofasini portret bilan tiklash g'oyasiga salbiy munosabatda bo'lib kelishlariga qaramay, u yuz skeletlari va uni qoplagan yumshoq to'qimalar o'rtasidagi o'zaro bog'liqlikni o'rganishda katta tajriba asosida texnikani yaratdi, uning samaradorligini tasdiqladi. Olim tomonidan sud-tibbiyot muassasalarida o'tkazilgan nazorat tajribalari bilan zamonaviy inson qiyofasini barcha irqiy xilma-xilligi bilan tiklash uchun noyob universal uslub yaratildi.

Yaratilgan portretlarda haqiqiylikka yaqinlik darajasini aniqlash istagida M. M. Gerasimov bir qator tekshirish ishlarini olib bordi. 1938-yilda u faqat empirik vositalar bilan bosh suyagi asosida individual portretni qayta qurish imkoniyatini isbotlashga muvaffaq bo'ldi. U bir qator nazorat tajribalarini muvaffaqiyatli amalga oshirdi. Gerasimov va keyinchalik uning talabalari, asosan sud ekspertizasi obyektlari bo'yicha qo'llanilgan usulning samaradorligini va uning yordamida bosh suyagiga qilingan niqob asosida ma'lum bir shaxsni aniqlashga erishish imkoniyatini tasdiqladi.

M.M. Gerasimov birinchi ommaviy eksperimentni 1940-yil oxiri – 1941-yil boshlarida Moskvadagi Lefortovo o'likxonasi bazasida o'tkazdi. Nazorat materiallari jinoiy qidiruv bo'limi vakillari tomonidan olingan fotosuratlar va Lefortovo o'likxonasida saqlangan bayonnomalar edi. Tabiiyki, Gerasimov bu hujjatlarni qayta qurish usulini qo'llashdan oldin ko'rmagan. O'z tajribalarini yakunlagach, fotosuratlar bilan olingan natijani solishtirgan. Hammasi bo'lib rus, ukrain, polyak va xitoyliklarga tegishli bosh suyaklarida 12 ta tajriba o'tkazildi. Olingan natijalar barcha kutilgan natijalardan oshib ketdi: barcha 12 holatda aniq portret o'xshashligi qayd etildi [Герасимов М.М. Я ищу лица, 2007].

Gerasimov asarlari kriminologlarning katta qiziqishini uyg'otdi, ular tobora ko'proq olimga murojaat qilishni boshladilar. Olim har bir vaziyatni nazorat qilib, olingan tajribalarni bir-birining davomi sifatida ko'rib chiqdi. Bu ayni damda M. M. Gerasimovga o'ziga xos uslubning imkoniyatlarini aniqlashga va xatolarni hisobga olishga imkon berdi. Uning do'sti va rafiqasi – T. S. Vanderbellen moddiy va boshqa qiyinchiliklarga

qaramay, qidiruvning ahamiyatiga ishonishini doim qo'llab-quvvatlab kelgan. Olim o'lchash nuqtalari va ularni tavsiflovchi xususiyatlarning keng dasturini ishlab chiqdi. U yuzning yumshoq to'qimalarining yuz skeletlari bilan aloqasini o'rganib, turli xil tadqiqot usullarini qo'lladi. Bu tadqiqotlar unga nafaqat qiyofa tiklashga, balki jins va yosh farqlarini o'rganishga imkon berdi.

Gerasimov bosh va yuzning turli darajalarida yumshoq to'qimalarning qalinligini o'rgangan. Bu esa o'z o'rnida o'ziga xos individuallikni belgilaydigan asosiy yuz skeletining assimetriyasi bilan chambarchas bog'liq bo'lgan yumshoq integralning assimetriyasini umumlashtirishga imkon berdi. Uning portret rekonstruksiyasini yaratish usuli – “Qayta qurish jarayoni” quyidagi bosqichlardan iborat: 1 - bosh suyagini tahlil qilish: tavsiflovchi belgilarga e'tibor qaratadigan antropologik tadqiqotlar, jinsi, yoshi va individual, patologik xususiyatlarini aniqlash; 2 - asosan nazorat qilish xususiyatiga ega bo'lgan grafik rekonstruksiya; 3 - bosh sxemasini haykaltarosh reproduksiyasi yordamida ishlash: uning mohiyati shundan iboratki, asosiy mushaklar mum mastikasi yordamida bosh suyagida tiklanadi, so'ngra ko'z, peshona, burun va og'iz modellashtiriladi; 4 - tarixiy ma'lumotlarni (kostyum, soch turmagi) hisobga olgan holda bo'y ustida ishlashni yakunlanadi.

Ayni paytda, Ikkinchi jahon urushidan oldingi 10 yil ichida Gerasimov odamlarning, shuningdek qadimiy rus knyazlari Yaroslav Dono va Andrey Bogolyubskiyning kamida 17 ta portretining rekonstruksiyasini yaratdi. Keyinchalik Gerasimov Sovet paleoantropologiyasining barcha yirik voqealarida bevosita ishtirok etdi. Bu, avvalambor, O'zbekistondagi Teshiktosh g'oridan topilgan neandertal bolaning bosh suyagini tiklash bilan bog'liq edi. Ushbu noyob topilma 170 ta bo'lakdan bosh suyagini yopishtirgan olimning sinchkovlik va zahmatli mehnati tufayli o'z holatiga qaytarildi.

M. M. Gerasimov keyingi ishini Samarqandda davom ettirdi. U yerda Go'ri Amir maqbarasida Temur va temuriylar maqbarasining ochilishida qatnashdi. Ekspeditsiyaning vazifalaridan biri qabrning haqiqiylikni aniqlash edi. Go'ri Amirdagi qazishmalar paytida o'rtacha balandlikdagi kuchli odamga tegishli odam suyaklaridagi patologik o'zgarishlarni tekshirish bilan bir qatorda Amir Temur haqida ma'lumotlar yozilgan asarlarni ham o'rganib chiqdi va Amir Temurning bugungi qiyofasini tikladi. Shuningdek, uning o'g'illari: Mironshoh va Shohrux hamda nabirasi – Ulug'bekning ham qiyofalarini tiklash ishlarida hamda Kiyevdagi Avliyo Sofiya soborida maqbarasi ochilgan Yaroslav Dono, Ivan Grozniyning va uning o'g'li Feodor Ivanovich, skiflar qiroli Skilur, yozuvchi F. Shiller qabrini o'rganib, portret haykalini tikladi [Герасимов М.М. Я ищу лица, 2007].

Ivan Grozniy (Dahshatli) obrazini tiklashda olimning ixtiyorida nafaqat bosh suyagi, balki skelet ham bo'lgan. "Men skeletning xususiyatlarini juda sinchkovlik bilan o'rganib chiqdim, - deb yozgan Mixail Mixaylovich, - men yuqori tanani o'rnatdim va ushbu ish jarayonida uning boshi va yelkalarining xarakterli, odatiy holatini ko'paytirishga imkon beradigan bir qator bunday individual xususiyatlarni topdim"[Yuqoridagi manba, 134-b.]. M.M.Gerasimov izlanishlari natijasida Ivan Grozniy – yuzida baquvvat va ozg'in ifoda bilan, yetuk yoshdagi baquvvat qomatli odam sifatida paydo bo'ldi.

Mixail Mixaylovich, Rudakiy qabrini topishga yordam beradigan haqiqiy tarixiy va antropologik tadqiqotlar o'tkazdi. Fors shoiri taqdiri tafsilotlarini bilish uchun otam barcha she'rlarining interlineer tarjimalarini o'rgangan. Ma'lumki, Rudakiy ko'r bo'lgan, ammo u tug'ilishidan ko'rmi yoki keyinchalik ko'r bo'lib qoldimi?- degan savolga javob berish va uning qiyofasini tiklashga harakat qildi. Tadqiqot shuni ko'rsatdiki, uning she'rlari ma'lum bir nuqtaga qadar ko'r odam yaratilmaydigan vizual tasvirlar bilan to'ldirilgan. Agar u ko'zini yo'qotgan bo'lsa, qanday qilib - keksalikdanmi yoki zo'ravonlikdanmi? Javob "Keksalikka odob" nomli she'rida topilgan bo'lib, unda shoirga xiyonat qilingan, ko'r bo'lib qolgan va uning barcha tishlari tushib ketgan” - deydi M. M. Gerasimovning qizi – Margarita Mixaylovna [http://www.tnu.in.ua/study/refs/d77/480-qayd_sanasi-29.10.2020]. Ko'rib turganimizdek, olim nafaqat odamlarning suyak qoldiqlari orqali, balki ular to'g'risidagi ma'lumotlarni, ijodiy va ilmiy faoliyatini ham o'rganib, ularning tashqi qiyofasini tiklagan.

Paleolit davriga oid Sibirda qadimgi turar-joylarda olib borgan qazish ishlari M. M. Gerasimovning kolleksiyalarida eng yaxshisi hisoblanadi. Keyinchalik u dastlabki odamlarning bosh suyaklarini qayta tiklashga o'tdi. Bu haqda uning o'zi shunday yozgan edi: «Qadimgi odam qiyofasini tiklash imkoniyati haqidagi g'oya menga uzoq vaqt oldin kelgan. Amalga oshirish ko'p yillik tayyorgarlikni talab qildi, chunki men mustaqil ravishda bosh suyagidan yuzni tiklash usulini ishlab chiqishim kerak edi. O'zimning arxeologik ishim bilan parallel ravishda antropologik materiallarni o'rganib chiqdim, mushaklar qopqog'ining qalinligini o'lchab, boshlarni ajratib oldim ... Antropologlarga o'z ishimni taklif qilishga jur'at etishimdan oldin ko'p vaqt o'tdi [http://kolizej.at.ua/forum/16-535-1-qayd_sanasi_02.11.2020].»

Buyuk mehnat va tinimsiz izlanishlar besamar ketmadi. Uning mehnatlari va yutuqlari natijasi o'laroq 1950-yilda Davlat mukofoti laureati bo'ldi. U hayoti davomida inson qiyofasini tiklash plastik rekonstruksiya laboratoriyasiga asos soldi. SSSR Fanlar akademiyasi Etnografiya institutida (hozirgi Rossiya Fanlar akademiyasining Etnologiya va antropologiya instituti) tarix fanlari doktori ilmiy darajasi hamda RSFSRda xizmat ko'rsatgan fan arbobi unvoniga ega bo'ldi. Yuksak iste'dod sohibi – Mixail Mixailovich Gerasimov 1970-yil 21-iyul kuni Moskva shahrida vafot etdi.

M. M. Gerasimovning nomi nafaqat XX asrning 50-60-yillarida, balki bugungi kunda ham mamlakatimiz aholisining eng keng qatlamlariga yaxshi ma'lum. Antropologiya kabi fanning o'zi uning nomi bilan bog'liq. Odamlar uchun Gerasimov haqida o'qish, uning ma'ruzalarini tinglash, haykallariga qarash qiziq. Albatta, u nafaqat olim sifatida, balki rassom va haykaltarosh sifatida ham juda iste'dodli edi. Uning bir nechta yirik asarlari nafaqat arxeologik, balki tarixiy va madaniy ahamiyatga ega. Uning ilmiy izlanishlari, tadqiqot natijalari, ilmiy maqolalari va asarlarida jamlangan bo'lib, hozirgi kun antropologiya sohasida olib borilayotgan ilmiy izlanishlar uchun dasturilamal bo'lib xizmat qilmoqda. Taniqli olim, antropologiya bo'yicha yirik mutaxassis yaratgan ilmiy maktab vakillari bugun dunyoning ko'plab mamlakatlarida faoliyat yuritib kelmoqdalar. O'zbekistonda antropologiya fani rivojida ham olimning o'rni katta bo'lib, T. Xo'jaev, X. Xalilov va boshqa olimlar ularning izdoshlari hisoblanadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Михаил Герасимов: я ишу лица. О восстановлении внешнего облика исторических лиц / М.М. Герасимова, К.М. Герасимова; [отв. ред. В.Л. Янин]; Ин-т этнологии и антропологии им. Н.Н. Миклухо-Маклая РАН. - М.: Наука, 2007.
2. Герасимова М. М., Сурнина Т. С. Научная деятельность М. М. Герасимова // Очерки истории русской этнографии, фольклористики и антропологии. М., 1978. Вып.: 8.
3. Флоренцов В. А., Флоренцов Н. А., Медведев Г. И. Непроторенным путём: Жизнь и творчество М. М. Герасимова. — Иркутск, 1979.
4. Алексеев В. П. Общение // Этнографическое обозрение. 1993. № 1, 2, 4-6.
5. Герасимова М. М., Медведев Г. И. Жизнь и деятельность Михаила Михайловича Герасимова // Вестник антропологии. — 1998. — № 5.

UO'K 93/94

TA'LIM MUASSASALARI FAOLIYATIGA DOIR BUXORO VILOYATI DAVLAT ARXIVI FONDLARIGA TAVSIF

D.Sh. Murodova, o'qituvchi, Buxoro davlat universiteti, Buxoro

Annotatsiya. Ushbu maqolada Buxoro viloyat davlat arxivining ta'lim muassasalari faoliyatiga doir ayrim fondlariga umumiy tavsif beriladi.

Kalit so'zlar: Buxoro viloyat davlat arxivi, hujjatlar, tarixiy meros, arxiv ishi, arxiv byurolari, tuman va shahar arxivlari, fond, foto – fond, saqlov birliklari

Аннотация. В данной статье представлен общий обзор некоторых фондов Государственного архива Бухарской области, связанных с деятельностью образовательных учреждений.

Ключевые слова: Бухарский областной государственный архив, документы, историческое наследие, архивное дело, архивное бюро, городские и районные архивы, фонд, фото – фонд, единицы хранения

Abstract. This article deals with a general description of some funds of the Bukhara regional state archive on the activities of educational institutions.

Keywords: Bukhara Regional State Archive, documents, historical heritage, archiving, archival bureau, city and district archives, fund, photo-fund, storage units

Tarixiy madaniy meros, olis o'tmishni chuqur o'rganmasdan turib, istiqbolni belgilab bo'lmaydi. Zero, kelajakka intilish uchun o'tmishni o'rganish, tarixni o'zlashtirish darkor. Istiqbolga erishgandan so'ng, xalqimiz ota-bobolarining asrlar davomida yaratgan ma'naviy boyliklarni e'zozlash, avaylab asrash, o'rganish va uni kelajak avlodlarga yetkazish imkoniyatiga ega bo'ldi.

Darhaqiqat, vatanimiz tarixini xolisona o'rganish, tarixiy manbalar asosida tahlil qilish va ilmiy izlanishlar olib borish biz yosh avlodning xalqimiz va ona vatanimiz oldidagi muqaddas burchimizdir.

Prezidentimiz Shavkat Miromonovich Mirziyoyevning ta'kidlaganlaridek: "Buyuk tarixda hech narsa izsiz qolmaydi. U xalqning qonida, xotirasida saqlanadi. Amaliy ishlarda namoyon bo'ladi. Shuning uchun u qudratlidir"[1].

Ma'lumki, har bir davlat tarixini yoritishda arxiv hujjatlari alohida ahamiyat kasb etadi. Tarixiy tadqiqotlarning manbaviy asosini shakllantirish va milliy-madaniy boylik hisoblangan yozma va tasviriy hujjatlar bilan muntazam ravishda jamlab borish va ularni but saqlanishini ta'minlashda davlat arxivlarining o'rni muhimdir. Shu o'rinda respublikamizdagi yetakchi arxiv muassasalaridan biri bo'lgan Buxoro viloyat davlat arxivi (BVDA) manbalarining O'zbekiston tarixini yoritishdagi o'rni beqiyos bo'lib, ayniqsa, bu hujjatlarda Buxoroning XX asr hayotini aks etuvchi qimmatli ma'lumotlar mujassamlashgan.

2019 yil yanvar holatidagi statistik ma'lumotlarga ko'ra BVDAning umumiy fondlari soni 781 ta, hujjatlarining saqlov birligi esa 243.108 tadan iborat. Hozirgi umumiy fondagi boshqaruv hujjatlari 205.813 ta saqlov birligidan iborat. BVDAgi eng katta fond Buxoro viloyati ijroya qo'mitasining 1023 fondidir. Ushbu fondga saqlanayotgan hujjatlarning tarixiy chegarasi 1938-1991 yillarni o'z ichiga oladi. Bu fond 103.52 ta

saqlov birligidan iborat. 1992-2006 yillardagi Buxoro viloyati hokimligining 664 ta saqlov birligidagi hujjatlari esa 1459 – fond tarkibida saqlanadi.

Viloyat arxivining eng qimmatli va noyob fondi bu arab alifbosidagi hujjatlar fondidir. Bu hujjatlar ikkita fondan iborat bo'lib, birinchisi, 26-fond. Undagi hujjatlar 1924-1928 yillarga oid bo'lib, 958 ta saqlov birligidan iborat. Ikkinchisi esa, 28-fond bo'lib, 473 ta saqlov birligidan iborat. Bu hujjatlar asosan, 1927-1930 yillarga oid bo'lib, har ikkala fond hujjatlari ham to'raligicha o'rganilmagan.

28-fond "Eski Buxoro shahri ishchi, dehqon va qizil askar deputatlari Zarafshon viloyati ijroya qo'mitasi" nomi bilan ataladi. Bu fondda asosan Zarafshon viloyati sovetlarining II-syezdi materiallari, yig'ilish bayonnomalari, sovet hokimiyatining xududda amalga oshirgan yer-suv islohoti, quloqlashtirish jarayoniga oid hujjatlar, xotin-qizlarning savodsizligini tugatishga qaratilgan materiallar jamlangan.

26-fond esa "Eski Buxoro shahri ishchi, dehqon va qizil askar deputatlari Buxoro xududiy ijroya qo'mitasi" nomi bilan ataladi. Bu fondda ham Buxoroda mustabid sovet hokimiyati tomonidan amalga oshirilgan qator islohotlarning tarixi aks etgan bayonnomalar, bosmachilik harakati tarixiga oid hujjatlar, Buxoroga elektr, radio va telefon liniyalarining olib kelinishi bilan bog'liq tarixiy ma'lumotlar saqlanadi.

BVDagi yana bir qimmatli fond, bu foto-fondidir. Bu fondga oid foto tasvirlar maxsus albomlarda yig'ilgan bo'lib, asosan, 1920-2019 yillardagi bir asrlik tarixiy jarayonlarni o'zida aks ettirgan. Fond 10.226 ta hisob birligidan iborat. Suratlarda muhrlangan tarix asrlar osha o'z ahamiyati va qimmatini oshirib boradi. Mazkur hujjatlarda O'zbekiston tarixining turli masalalariga oid ma'lumotlar saqlangan.

Buxoro viloyati davlat arxivining ta'lim muassasalari faoliyatiga oid fondlarida ham vatanimiz tarixi uchun qimmatli bo'lgan ma'lumotlar saqlanadi. Bu fondlarda asosan xalq ta'limi va kadrlar tayyorlash tizimiga doir hujjatlar saqlanadi. Hujjatlarning tarixiy chegarasi o'tgan asrning yigirmanchi yillaridan boshlanib, to hozirgi kunga qadar davom etadi.

BVDaning ta'lim tizimiga oid qator fondlarida Buxoroda tashkil etilgan dastlabki maktabgacha ta'lim muassasalari to'g'risida ham tarixiy ma'lumotlar saqlangan. Jumladan, 1926-1927 yillarga oid hujjatlarda viloyat xalq ta'limi bo'limiga Eski Buxoro shahrida bog'cha ochish uchun talabnoma, ariza va eng muhimi dastlabki ochiladigan guruhning 8 kishilik tarkibi to'g'risida ham ma'lumotlar saqlangan [2]. Bundan tashqari Zarafshon viloyati xalq ta'limi bo'limi tomonidan Toshkentga maktabgacha ta'lim muassasasi xodimlari tayyorlaydigan kursga o'qishga borishi uchun berilgan guvohnoma hujjatlarini ham ko'rish mumkin [3]. Biroq, maktabgacha ta'lim muassasalari to'g'risidagi ma'lumotlar arxiv fondlarida maktab va oliy ta'lim muassasalari haqidagi ma'lumotlarga nisbatan juda ham kam saqlangan ekan.

Viloyat arxividagi ta'lim tizimiga oid fondlarning ibtidosini 546-fond boshlab beradi. Bu fondda asosan, 1922-1927 yillardagi Zarafshon viloyati ishchi, dehqon va soldat deputatlari soveti ijroya qo'mitasi Xalq ta'limi tizimi hayotini aks ettiruvchi 342 ta saqlov birligidan iborat hujjatlar jamlangan.

Hujjatlardagi ma'lumotlarning aksariyati arab, lotin va kirill yozuvida bo'lib, asosan yozishmalar, yo'llanma, ishga kirish uchun arizalar, pedagog kadrlarning kasallik varaqalari, maktab va o'quvchilarning tozaligi, sanitar-gigiyenik tartiblar Buxoroga kelgan rus millatiga mansub pedagog va sanitar-shifokorlar tomonidan tozalik ishlari qat'iy tartib-intizom bilan o'rnatilganligi aks etgan hujjatlar (maktab-sanitar sovetlari faoliyat yuritganini ko'rsatuvchi hujjatlar, sanitar-vrach M.P.Slastenovning Eski shahar xududidagi maktablarda sanitar nazorat o'tkazish uchun maxsus guvohnomasi, sanitar vrachlarning xulosalari saqlangan), xo'jalik hisobotlari, o'quv-metodik kengashlarning bayonnomalari, o'quv dasturlari, ta'lim muassasalarini tugatganlik to'g'risidagi guvohnomalar, ta'lim tizimiga rahbarlik qilgan shaxslar haqidagi ma'lumotlar saqlangan [4].

Amirlik tugatilgandan so'ng Buxoroda tashkil etilgan dastlabki maktabgacha ta'lim muassasalari, maktab, turli o'quv kurslari, oliy ta'lim muassasalari va ularning xalqimiz uchun og'ir kechgan murakkab tarixiy jarayondagi faoliyati arxiv manbalarida aks etgan. Bundan tashqari XX asrning 20-yillarida Buxorodagi ta'lim muassasalarining maxsus gazetlari "Bayraki surx", "Azal-Buxara", "Yash kashshaf aldinga" (Ko'kaldosh madrasasida faoliyat yuritganligi hujjatda keltirilgan) kabi nashrlar to'g'risida ham ma'lumotlar bor [5].

Eski Buxoro ishchi, dehqon va soldat deputatlari soveti ijroya qo'mitasi Xalq ta'limi bo'limining hujjatlari 43-fondga jamlangan bo'lib, ularda 1927-1931 yillardagi ta'lim tizimidagi islohotlarni o'zida aks ettirgan ma'lumotlarni ko'rish mumkin. 43-fond 323 ta saqlov birligidan iborat. Fondagi hujjatlarda 1927-1928 yillarda Buxorodagi maktablar, bog'cha va bolalar uylari bilan bog'liq yozishmalar, o'zbek xotin-qizlari uchun tashkil etilgan dastlabki boshlang'ich mehnat maktablari, "Turon", "Saodat", "F.Xo'jayev", "R.Lyuksemburg" nomlari bilan atalgan o'zbek, tojik va buxoro yahudiylari bolalari uchun tashkil etilgan I-darajali boshlang'ich maktablar, Sharq-Musiqa maktabi, Qishloq - xo'jalik bolalar mehnat kommunasining hujjatlari yig'ilgan [6].

Bu davrda bir qator madaniyat muassasalarining nazorati ham Xalq ta'limi bo'limiga tegishli bo'lganligini arxiv hujjatlaridan bilish mumkin. Jumladan, kino, muzey muassasalari, Buxoro davlat markaziy kutubxonasi hujjatlari ham ushbu fondga saqlanadi [7].

Biroq, ilmiy-tadqiqot ishi doirasida bu hujjatlarda tarixning tilsiz haqiqati o'z isbotini topganligini

ko'rish mumkin. 1920-yillardan boshlab ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy sohalar kabi madaniyatning ham barcha yo'nalishlarida yagona nazoratni o'rnatib, uni boshqarishda ma'muriy-buyruqbozlik usullarini qo'llay boshladi.

XX asr 20-yillarining ikkinchi yarmidan boshlab qanday muammo to'g'risida so'z bormasin, u albatta sinfiy kurash, millatchilik, buyuk davlatchilik shovinizmiga qarshi kurash g'oyalari bilan bog'lanadi. Bu g'oyalarga qarshi chiqqan, umummilliy manfaatlarni himoya qilgan mahalliy ziyolilar vakillari qatag'on qilindilar, ta'qib ostiga olindilar [8]. Buxoro viloyatining ta'lim muassasalari tizimiga oid fondlarda ham yuqoridagi mafkuraviy qarash va g'oyalar bilan sug'orilgan qator hujjatlarni ko'rishimiz mumkin. Maktab va o'qituvchilar faoliyati bilan bog'liq tanqidiy fikrlar aks etgan.

Viloyat arxivida oliy ta'lim muassasalari faoliyatiga oid fondlar ham mavjud bo'lib, ularda Buxoro davlat universiteti, Buxoro oziq-ovqat va yengil sanoat texnologiya instituti, Abu Ali Ibn Sino nomidagi Buxoro Tibbiyot instituti hujjatlari yig'ilgan.

Oliy ta'lim muassasalariga tegishli fondlar orasida Buxoro davlat universiteti tarixini yorituvchi 532-fond hujjatlari alohida tarixiy qimmatga egadir. Bu fondagi hujjatlar 744 ta saqlov birligidan iborat bo'lib, 1933-1977 yillar tarixini o'zida aks ettirgan [9].

2016 yilda Buxoro davlat Universitetining 85 yillik yubileyi keng miqyosda nishonlandi. Ushbu tantanalar zamirida BVDA fondlarida saqlanayotgan 532-fond hujjatlarining o'rganilishi bilan bog'liq qator tadqiqotlar mujassamdir [10].

Ayniqsa, tadqiqotchilar A.Hamroyev va M.Raxmonovalar tomonidan "Unutilgan tarix", "Suratlarda BuxDU tarixi", "Bunyodkorlik va ma'rifatga baxshida umr", "BDU:yuz yillikka qadam", "BDU tarixi biobibliografiya" nomli risolalar yaratildi.

Ilmiy – tadqiqot ishimizning debochasi sifatida Buxoro viloyat davlat arxivida saqlanayotgan fondlar, ayniqsa ta'lim tizimiga oid fondlarning ayrimlari xususida to'xtalib o'tdik. Xalqimiz, ajdodlarimiz bosib o'tgan yaqin tarixning bir qismini o'zida aks etgan bu hujjatlar arxivshunos va tarixchi olimlar tomonidan ilmiy-tadqiqot ishlarini olib borishda nihoyatda katta manbaviy ahamiyatga egadir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Mirziyoyev Sh.M. Milliy taraqqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz. - Toshkent. O'zbekiston.2018.B-205.
2. Buxoro VDA, f-546, 1-ro'yxat, 107 ish, 306-varaq.
3. Buxoro VDA, f-546, 1-ro'yxat, 7 ish, 60-varaq.
4. Buxoro VDA, f-546,1-ro'yxat,21 ish,225-varaq.
5. Buxoro VDA, f-546,1-ro'yxat,15 ish,29-varaq.
6. Buxoro VDA, f-43,1-ro'yxat,16 ish,405-varaq.
7. Buxoro VDA, f-43,1-ro'yxat,16 ish,210-varaq.
8. Mustafayeva N.A. Mustamlaka va sovet davri tarixshunosligida O'zbekistonning XX asr madaniyati. Doktorlik dissertatsiyasi avtoreferati. –Toshkent, 2016. -B-19.
9. Buxoro VDA, f-532, 1-ro'yxat, 5 ish,2 -varaq.
10. Hamroyev A., Raxmonova M.Unutilgan tarix.-Buxoro, 2016. -B-5.

UO'K 94(575.146)19/20/:303.446.4

ASHTARXONIY HUKMDORLARI BOSHQARUV FAOLIYATI MUSTAQILLIK YILLARIDAGI MATBUOT TALQINIDA

F.X. O'tayeva, katta o'qituvchi, Buxoro davlat universiteti, Buxoro

Annotatsiya. *Buxoroda Ashtarxoniyalar sulolasi hukmronligi davri va boshqaruv faoliyati tartibi to'g'risida, mustaqillik yillaridagi mahalliy nashrlarda chop etilgan ko'plab ilmiy maqolalar va yangi nashrdagi kitoblar o'rganilib, tadqiqot ob'ekti sifatida tahlil qilingan*

Kalit so'zlar: *Ashtarxoniyalar, Joniyalar, faqihlar, otaliq, shikor, qo'shbegi, Registon, Ark, Me'mor, Balx, Qobul*

Аннотация. *В данной статье проанализирована информация об управленческой деятельности и периоде правления Аштарханидов в Бухаре посредством изучения многочисленных статей и монографий, опубликованных в годы независимости*

Ключевые слова: *Аштарханиды, Жаниды, факих, аталик, шикар, кушбеги, Балх, Регистан, Арк, зодчий, Кабул*

Abstract. *This article deals with the analysis of information on governing activities and the period of Ashtarkhanids in Bukhara through study of numerous articles and monographs published during the years of independence*

Key words: *Ashtarkhanid, Janids, faqih, ataliq, shikar, kushbegi, Registan, square, Ark fortress, architect, Balkh, Kabul*

1601 yilda Jaloir (Saidbiy), Do'rmon (Boqibiy, Aliqulbiy, Soqibek) va boshqa qabila boshliqlarining ig'vosi Pirmuhammadxon bilan Boqimuhammadxon o'rtasida adovatga sabab bo'ldi. 1601 yilda Miyonqolning eng mustahkam qal'asi Dabusiyani bosib oldi [1].

Tarixchi olim H.To'rayevning yozishicha, hokimiyat uchun kurashga kirishgan paytda Abdu Xo'ja Jo'yboriy Samarqandga borib, sipohiy bo'lib xizmatga kiradi. Agar Buxoro va Balxni olish menga nasib etsa, ularni uch qismga, men, siz va Valimuhammadxon o'rtasida taqsimlaymiz". Boqimuhammadxon xursand va umidvor bo'lib, o'z singlisini Abdu Xo'jaga nikohlab berdi [2]. Boqimuhammad yetti yil hukmronlik qilib, 51 yil umr ko'rib vafot etdi.

Akasi vafotini eshitib Vali Muhammad Balxdan Buxoroga keladi va taxtga o'tiradi. Jiyani Imomqulixonni Balxga hukmdor etib tayinlaydi. Vali Muhammad may va ayollarga ruju qo'yganligi uchun aholi undan norozi bo'lib Imomqulixonni taxtga o'tkazadilar.

F.Sultonov, F.Bozorboyevning ma'lumotiga ko'ra, U Boqi Muhammadxonning o'g'li va 1611-yilning bahorida Valimuhammadxon Imonquli va Nadrmuhammadxonlar bilan bo'lgan kurashda yengilgach Imomqulixon Buxoro xoni deb e'lon qilingan [3].

Buxoroda darvishlarning, Jo'ybor xo'jalarining mavqeyi Imomqulixon hukmronligi davrida baland bo'lgan. Jo'da ko'p mol-mulk Jo'ybor xo'jalarining qo'lida bo'lgan. Imomqulixon saroyida olimlar va shoirlar to'plangan, uning o'zi ham she'rlar yozgan.

Imomqulixon o'z faoliyatini o'zga hududlarni bosib olib, mamlakat sarhadlarini kengaytirishdan boshladi. 1613 yilda Toshkent egallanib, qozoqlar va qalmiqlar quvib chiqarildi. Imomqulixon o'g'li Iskandarxonni noib etib tayinlaydi. Iskandarxon Toshkent aholisiga zulm o'tkazib, soliqlar miqdorini oshirishi norozilik keltirib chiqaradi va Iskandarxon o'ldiriladi. Lashkarboshilar faqih (qonunshunos)larga murojaat qilishdi. Faqihlar esa, Imomqulixonni otda suvi uzangiga yetadigan hovuzga kirishi va hovuz suviga qatl etilgan odamlar qoni aralashtirilishi to'g'risida fatvo chiqarishdi. Imomqulixon shunday qilgach, g'azabi pasaydi va qirg'inni to'xtatdi.

J.Barakaev, Y.Haydarovning yozishicha, shu kabi zolimliklar Buxoro aholisiga nisbatan qo'llanilgan [4].

H. To'rayev maqolalarida tarixchi Muhammad Yusuf Munshiyning asaridan keltirilishicha, "Imomqulixon oyoqlari davlat uzangisida bo'lgan paytda, uning tasarrufidagi biror joyda na Balxda, na Buxoroda isyon va tartibsizliklar bo'lmadi" [5].

Uning tabiatida ilm ahliga, darveshlarga moyillik ham mavjud edi. U olimlar, shoirlar, darvishlar, o'z zamonasining ulug'lari suhbatini yaxshi ko'rgan. U ayniqsa, shayx Mavlono Yusuf Qorabog'iy suhbatlarini xush ko'rardi [6].

Imomqulixon faoliyatida Jo'ybor xo'jalariga munosabat alohida o'rin tutganligini ta'kidlab yozishlaricha, o'z singlisini Jo'ybor xo'jalari vakili xo'ja Tojiddinga (1574-1646) nikohlab beradi. Imomqulixonning nasabi Amir Temur nasabiga borib taqalishi haqida ma'lumot berilgan. Uning davrida Buxoroda Labihovuz, Nodir-devonbegi xonaqosi va madrasasi, Registonda poyanda masjidi qurildi.

O.Jo'rayevning yozishicha, hozirga qadar yetib kelgan Labihovuz ansambli Imomqulixon hukmronligi davrida yaratilgan [7].

Tarixchi olim Sh. Hayitovning yozishlaricha, Imomqulixon musulmonlarning muqaddas shaharlari bo'lgan Madinada chorbog', Makka shahridagi Kabaga kiraverish darvozalaridan biri ostonasiga oltin va kumush tutqechli yog'och zina qurdirgan [8].

Imomqulixon ko'zi ojizligidan taxtni ukasi Nadirmuhammadxonga topshirgan. O'zi esa Ka'batulloga hajga ketdi. Umrining qolgan qismini Madinada o'tkazdi va shu yerda vafot etdi.

Sulolaning to'rtinchi vakili Nadirmuhammadxon Buxoroda uch yil hukmronlik qiladi, uning davrida davlatchilik poydevorining yemirilishi, markaziy hokimiyatning zaiflashuv jarayoni boshlanadi [9].

Nadirmuhammadxon Balxda hukmronlik qilib, bu davrda katta miqdorda boylik to'playdi. Manbalarda keltirilishicha, Shayboniy va Ashtarxoniy hukmdorlar orasida boylik jihatdan unga teng keladigani bo'lmagan. 600 tuyasi, 8 ming tulpor oti, 80 ming qorako'l qo'ylari bo'lgan. Jo'ybor xo'jalari bilan Nadirmuhammad o'rtasida munosabatlar yaxshi bo'lgan [10]. Ammo hukmronligining so'ngi yillarida munosabatlar yomonlashadi. Bu nizolarni bostirish uchun Nadirmuhammad o'g'li Abdulazizni yuboradi, ammo amirlar uni otasi o'rniga taxtga o'tkazmoqchi ekanliklarini rozi bo'lmasa uni va otasini Buxorodan badarg'a qilmoqchi ekanliklarini aytishadi. Natijada Abdulaziz (1645–1680 yy.) o'zini Buxoro xoni deb e'lon qiladi [11]. Rasman taxtga chiqish marosimi Buxoro arkida bo'lib o'tdi [12].

Nadirmuhammadxon Buxoroga bormay, Balxga qochadi. Hind qo'shinlari Balxni ham ishg'ol qiladilar [13]. NadirMuhammadxon esa Eronga qochadi va Simnon shahriga yetganda vafot etadi. Jasadi esa Madinaga keltirilib akasi Imomqulixon qabri yoniga dafn qilinadi.

Abdulazizxon Buxoroda 1652 yilda madrasa bunyod ettiradi. Bu xususda matbuot sahifalarida M.Jo'rayev va R. Saidovalar tadqiqotlari chop etilgan bo'lib yozishlaricha, Abdulazizxon 6 chi marta Makkadan qaytganidan keyin Buxorodagi mohir ustalarni yig'ib, memoriy obida qurish devorlardagi bezaklar bir biridan farq qilishi va devorlardan birida o'zining siymosi aks ettirilishini aytibdi. Lekin o'sha davrda odam

rasmini chizish taqiqlangan edi. Oradan bir necha vaqt o'tgach Abdulazizxon madrasaga kelib, xonaxohning devorlariga ishlangan rasmlarni ko'radi G'arbiy devorga ishlangan 2ta ayiq surati mansab va boylik Olloh tomonidan odamlarni sinab ko'rish uchun berilishini anglatsa, devorning sharqiy qismida boylik va mansabga berilib, Xudoni unutmashlik haqidagi oyatlar bitilgan ekan. Me'mor Abdulazizxonni xonaqohdan tashqiriga olib chiqib, devorning g'arbiy qismida chizilgan mehrob ichidagi bir dasta gul tasviriga sin solib qarashni so'raydi. Abdulazizxon qarasaki bir dasta gulda uning siymosi gavdalanib turganmish.

Abdulazizxon 1680 yilda Subxonqulixon foydasiga ixtiyoriy ravishda taxtdan voz kechib, Makka ziyoratiga o'tlanadi va o'sha yerda vafot etadi.

Subhonqulixon markaziy hokimiyatni mustahkamlash uchun soliqlar miqdorini oshirib, qo'shinini ko'paytirgan. Subhonqulixon davrida Buxoro xonligining Sharq davlatlari bilan diplomatik munosabatlari yaxshilangan. 1671-87-yillarda Subhonqulixon bilan Avrangzeb o'rtasida bir necha marta o'zaro maktublar almashilgan. Subhonqulixon tomonidan Balx va Buxoroda ko'plab me'moriy obidalar, jumladan, Balxda madrasa, Buxoroda Dorush-shifo, Registonda katta hovuz, Arkda Salom xona va jome' masjidi, shuningdek, Aminobodda chorbog' qurilgan. Subhonqulixonning tibbiyotga oid kitoblar jamlangan nodir kutubxonasi bo'lgan. "Subhoni tibbiyoti bo'yicha davolash", "Baxtli soatni aniqlashda oy manzillarining mohiyati" nomli ilmiy nujumga oid risola yozgan. Subhonqulixon "Nishoni" taxallusi bilan she'rlar bitib, saroyda o'tkazilgan mushoiralarda o'zi ham she'rlar aytgan. Subhonqulixon Buxoro yaqinidagi Bahouddin majmuasidagi Daxmai shohonda (Abdullaxon II qabri yaqinida) dafn etilgan.

1702-yili Subhonqulixon vafot etgach, toj-u taxtni uning o'g'li Ubaydullaxon (1702-1711) egallaydi. Ubaydullaxon II goh isyonkor qabilalarga qarshi, goh bo'ysunmas mahalliy hukmdorlarga, goh davlat sarhadlariga bostirib kirgan ko'chmanchilarga qarshi urush olib borishga majbur bo'ldi. Ubaydullaxonning asosiy maqsadi siyosiy tarqoqlikni tugatishdan iborat edi. U ana shu maqsad yo'lida harakat qildi [14].

Ubaydullaxon II murakkab sharoitda Buxoro xonligini boshqargan. Iqtisodiy tanazzul va ichki nizolardan tashqari jung'orlar (qalmoqlar) ning harbiy bosqinlari ham murakkablashtirgan. Iqtisodiy negizini mustahkamlashga qaratilgan choralar ko'rgan. Dehqonchilikda asosan paxta, g'alla ekilgan. Chorvachilikda ot, tuya, qoramol va qo'y boqilgan. Davlatni boshqarishga o'rta tabaqa: hunarmandlar va savdogarlarni jalb qilgan. Xitoy, Hindiston, Eron, Qozog'iston, Sibir va Astraxan orqali Rossiyaning markaziy mintaqalari bilan savdo-sotiq qilgan.

Ubaydullaxon II hatto markaziy hokimiyatni kuchaytirish uchun yirik yer egalariining imtiyozlarini qisqartirgan. U amalda mustaqil bo'lgan zodagonlar va qabilalarga qarshi tinimsiz urushlar olib bordi. Bu urushlar oqibatida xo'jalik inqirozi yanada kuchaydi. 1708 yilda pul islohoti ham alohida o'rin tutadi. Xazinachi Mehtar Shafi maslahati bilan zarb etilgan tanga tarkibida kumush miqdori kam bo'lib, 9% dan oshmasdi, oldingi tangaga nisbatan 3-4 marta kam edi. Bir vaqtning o'zida soliqlar natura hoida, ya'ni g'alla va boshqa mahsulotlar bilan yig'ildi, savdogarlar do'konlarini ochmay qo'yishdi. Islohotlar badavlat tabaqalar va ayrim o'rtahol shaharliklar tomonidan noxush kutib olindi. Ubaydullaxon II mamlakatda obodonchilik ishlariga e'tibor qaratgan. U madrasa va Buxoroning g'arbida Xonobod chorbog'i (1709) ni barpo qilgan. Tarixchi Mir Muhammad Amin Buxoriy uning saroyida bosh munshiy bo'lib, Ubaydullaxon II ning siyosiy faoliyati haqida «Ubaydullanoma» (1716) asarini yozgan. Muhammad Yusuf Munshiyning «Tarixi Muqimxoniy» va Abdurahmon Tolening «Tarixi Abulfayzxon» asarlarida ham Ubaydullaxon II faoliyati aks etgan.

H. To'rayev uning fitna natijasidagi fojeali vafoti haqida yozishlaricha, Ubaydullaxonda bir shaxsning qasdi bor edi. Bir paytlar Ubaydullaxon Samarqandga yurish qilganda uning qo'rg'onini vayron etgan edi. U Ubaydullaxon turgan xona devorini buzib 5-6 kishi bilan xonga qasd qiladi. Bu mudxish voqea 1711yil 17 mart chorshanba ertalab sodir bo'ladi. U Buxoro yaqinida - Bahouddin majmuasidagi Daxmai shohonda otasi Subhonqulixon qabri yonida dafn etilgan [15].

Ashtarxoniylardan bo'lgan so'nggi hukmdorlar davriga kelib (Abulfayzxon, Abdulmo'min, Ubaydullaxon) Buxoro xonligi markaziy hokimiyati amalda mustaqil bo'lgan mulklar yig'indisidan iborat bo'lib qolgan edi. Hokimiyat amalda Abulfayzxon hukmronligi davrida avval Jovshan qalmaq, u o'ldirilgandan keyin esa oliy qushbegi Abdullabey xoja, keyin esa Muhammad Hakimbiy otaliq qo'lida mujassamlashgan edi. Davlatdagi bunday holat ko'pchilik amirlar va qabila zodagonlarining noroziligiga sabab bo'lgan. Abulfayzxonga qarshi fitna uyushtirilgan, lekin fitna fosh bo'lib, tashkilotchilari qattiq jazolangan.

"Sharq yulduzi" jurnalida Ilhom Sultonovning tarjimai asosida yoritilgan Mirza Abduzaim Somiyning "Mang'it sultonlari tarixi yoki Buxoro xonligining inqirozi" kitobida Ashtarxoniy hukmdor Abulfayzxon haqida yozilishicha, Abulfayzxon mayxo'rlik va ishratbozlikka ruju qo'ygan bo'lib, uning davrida davlat ishlari izdan chiqdi, shariat qonunlari rioyasiz qoldi. U bir necha amirlaru sardorlarni qatl ettirib, davlatning eng nufuzli, olijanob zotlari obro'yini to'kishga qattiq kirishdi [16].

Abdurauf Fitrat o'zining "Abulfayzxon" tragediyasida u irodasiz, zaif, urug' boshliqlari qo'lidagi qo'g'irchoq sifatida baholansada, aslida qattiqqo'l va shafqatsizlikda u o'z o'tmishdoshlaridan qolishmagan. 1721 yil Buxoroda bo'lgan rus elchisi (kelib chiqishi ital'yan) Floiro Benevini esdaliklarida: Abulfayzxonga fitna uyushtirganlarni qatl ettirib jasadini Ark devorlaridan tashlab yuborishga buyruq bergan. Amaldorlar

xoinligi va sadoqatsizligi oqibatida 1740 yilda mamlakat hatto xorijiy istilochi ta'siriga tushib qoladi. Eron shoxi Nodirshoh shu yilda Buxoroga yurish boshlaydi. Muhammad Hakimbiy otaliq xoinlik yo'liga o'tadi. Nodirshoh Buxoroni egallagandan so'ng unga va uning o'g'li Muhammad Rahimbiyga katta vakolatlar beradi. Oxir oqibat Abulfayzxon Muhammad Rahimbiy buyrug'i bilan 1747-yilda Mir Arab madrasasi hujralaridan birida fojeali o'ldiriladi. Ashtarxoniy hukmdorlar va sulola hukmronligi barham topadi [17].

Xulosa o'rnida aytish mumkin, Buxoro Ashtarxoniylar hukmronligi davrida ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy va madaniy sohada juda ko'p jarayonlarni o'z boshidan kechirdi. Bu davrda Buxoroda davlat boshqaruvi tartibida Shayboniylar hukmronligi davridagi davlat boshqaruvidan ularning ba'zilarining mazmun mohiyati amaliy jihatdan o'zgarib bordi. O'rta asrlardagi aniq fanlarning rivoji darajasiga yetmagan bo'lsada, Buxoro xonligidagi yirik shaharlarda 150 ga yaqin madrasalar faoliyat ko'rsatgan. Turli xil mansablar joriy qilingan bo'lib, tarixda o'ziga xos o'rinni egalladilar.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Mirzoqulov B. Buxoro tarix zarvaraqlarida. T., LESSON PRESS 2016., 170-bet
2. To'rayev H. Abdu Xo'ja Jo'yboriy va Boqimhammadxon// Buxoro Mavjlari. 2008. №1. B-36.
3. Sultonov F., Bozorboyev F. "O'zbekiston hukmdorlari" T., Milliy kutubxona nashriyoti 2007. B-47.
4. Barakaev J., Haydarov Y. "Buxoro tarixi" T., "O'qituvchi" 1995. B-71.
5. To'rayev H. Ashtarxoniylar sulolasining uchinchi hukmdori// Buxoro Mavjlari. 2008. №2. B-36.
6. To'rayev H. "Buxoro tarixi", Durdon nashriyoti-2020, 157-bet
7. Jo'rayev O. "Labiho'vuz"// Buxoro mavjlari. 2008. №3. B-47.
8. Hayitov Sh. "Buxoro hukmdorlarining xorijda qurdirgan inshootlari"// "XIX asr oxiri-XX asr boshlarida Buxoro" mavzuida Respublika ilmiy-nazariy anjumani materiallari. Buxoro. 2009. B-218-219.
9. To'rayev H. "Nodir Muhammadxon"// Buxoronoma. 2001. №88. B-6.
10. Buxoro tarix zarvaraqlarida (Maqolalar to'plami), Buxoro, 1999, 184-bet
11. To'rayev H. "Omadsiz Hukmdor"// Buxoro Mavjlari. 2008. №3. B-38.
12. To'rayev H. "Ashtarxoniy Abdulazizxon"// Buxoro Mavjlari. 2008. №4. B-39-40.
13. Mirza Salimiy "Kashkuli Salimiy" (N.Yo'ldoshev tarjimasini) Buxoro. 2003. B-278.
14. Аштархонийлар// Ўзбекистон овози. – 1996. – 29 июнь. В-55.
15. H. To'rayev "Ubaydullaxonning so'nggi kunlari"// Buxoro haqiqati. 1995. №37. B-3.
16. Mirza Abduazim Somiyning "Mang'it sultonlari tarixi yoki Buxoro xonligining inqirozi" (I. Sultonov tarjimasini) // Sharq yulduzi. 1993. №3-4. B-129.
17. O'tayeva F. Buxoro hukmdorlari shaxsiyati va ijtimoiy siyosiy qarashlari mustaqillik davriy nashrlaridagi talqini // Buxoro Ilmiy Axborotnomasi, 2017 № 4 bet-139

УЎК 93/94

ПАХЛАВОН МАХМУД ЯШАГАН ТАРИХИЙ ДАВР

Абдиримов Р., катта илмий ходими, т.ф.н., Хоразм Маъмун академияси, Хива
Собиоров С., катта илмий ходими, Хоразм Маъмун академияси, Хива

Аннотация. Ушбу мақолада археологик тадқиқотлар, қўлёзма манбалар асосида Паҳлавон Маҳмуд яшаган даври ва унинг файласуф-шоир, тасаввуф намоёниси, паҳлавон сифатидаги фаолияти келтирилган.

Калит сўзлар: Яккапарсон Амударё, Паҳлавон Маҳмуд, Қитоли тасаввуф, жавонмардлик

Аннотация. В статье на основе археологических исследований и рукописных источников описывается период жизни Пахлавона Махмуда и его деятельность как философа-поэта, представителя тасаввуфа и героя.

Ключевые слова: Яккапарсон Амударья, Пахлавон Махмуд, мистицизм Қитоли, храбрость

Abstract. Based on archaeological research and manuscript sources, the article describes the life period of Pakhlavon Mahmud and his activities as a philosopher-poet, representative of tasawwuf and hero.

Key words: Yakkaparson Amu Darya, Pakhlavon Mahmud, Kitoli mysticism, courage

Ёзма манбаларда қайд қилинган тарихий маълумотлар ва археологик изланишлар натижаларига кўра, XII аср иккинчи ярми охири XIII аср бошларида Хоразм воҳаси ва унга худудий жиҳатидан улашиб кетган Сарикамишбўйи ҳавзаси сарҳадларида умргузаронлик қилган аҳоли марказлашган давлатнинг, жамиятнинг барча соҳаларини ривожлантиришга бўлган сиёсатини қўллаб-қувватлаб, хунармандчилик, шаҳарсозлик соҳасида юксак маданиятга эришганлар. Юқорида қайд қилинган тарихий даврда Хоразм воҳаси Шарқ ўрта аср жамиятининг ривожланишида муҳим роль эгаллаган.

Юқорида қайд қилинган тарихий санада Амударёнинг ўнг соҳилида Катта ва Кичик Гульдурсун, Норинжонбобо, Шўроҳон, Қаватқалъа, Тешиққалъа, Яккапарсон Жампикқалъа, Гаурқалъа (Қоратоғ тизмаси), сўл соҳилда Ҳазорасп, Ичанқалъа, Гурганч, Шехрлик, Шемахақалъа, Давқасган (Вазира), Шохсанам, Замаҳшар Воянган, Олмаотишкан-2, Дарғон турар жойлари хунармандчилик марказлари бўлиши билан бирга, жамиятнинг иқтисодий ва маданий жиҳатидан ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган [1]. Албатта бу жараёнга Амударё ва унинг Довдон ва Дарёлик ирмоқларидан чиқарилган

магистрал каналлар муҳим ўрин эгаллаган. Гурганч атрофларини Дарёлиқ шоҳопчаларидан бири сув билан таъминлаб турган. Буюк Хоразмшоҳлар давлатининг ички дунёсини қамраб олган қалтис жараёнлар ҳамда шарқий томондан бўлган ҳарбий хавф Шарқнинг буюк давлати тақдирини белгилаб берган эди.

Чингизхон бошчилигидаги Мўғул давлатининг Хоразмшоҳлар давлатини осонлик билан олишга юқорида қайд қилинган пойтахт саройидаги ички кураш сабаб бўлган.

Алоуддин Муҳаммад отаси Такаш олиб борган ташқи сиёсатни давом эттириб, Самарқанд, Ўтрор ва ҳозирги Афғонистоннинг Ғазна шаҳригача, шунингдек ғарбий Эрон каби кенг ҳудудларни забт этиб, Буюк Хоразм давлати салтанати, унинг фаолияти билан боғлиқ бўлган иқтисодий маданий ривожланиш инқирозга учради, гуллаб яшнаган ўлкалар, аҳоли марказлари, суғориш иншоотлари, обод ва гуллаган диёрга айланган шаҳар ва қишлоқлар абадий яқун топган. Чингизхон томонидан олинган Хоразм ўлкаси Чигатой ва Жўжи улусига жалб қилинган [2].

Хоразм воҳаси ва унинг жанубий сарҳадлари икки улусга бўлиниб, жамиятнинг турли соҳаларидаги инқирози даври П.Маҳмуд фаолият олиб бориб, бевосита мазкур жараённинг гувоҳи бўлган [3].

Паҳлавон Маҳмуд Қитоли таҳаллуси билан ижод қилган (1247-1326. Хива) шоир ва мутафаккир. Тасавуфдаги футувват-жавонмардлик таълимотининг улуғ намоёндаларидан бири. Форс тилида ижод қилган. Пўстиндўзлик ва телпақдўзлик билан шуғулланган.

Ҳиндистон ва Эронда ҳам полвон сифатида Пурёр валий номи билан донг таратган. Шунга кўра Паҳлавон Маҳмуд деб аталган. Форс ва туркий халқлар адабиётида Умар Ҳайёмдан сўнг энг кўп рубоий ёзган шоир Паҳлавон Маҳмуддир.

Паҳлавон Маҳмуд асосан хунарманд косиплар орасида кенг ёйилган футувват-жавонмардлик таълимотининг (XIII-XIV) асрлар маънавий раҳнамоси бўлган. Кўпчилик рубоийлари мардлик, марҳамат ва шафқат, саҳоват, олийжаноблик, жавонмардлик тамойиллари асосида ёзилган. Паҳлавон Маҳмуд борлиқнинг мангулиги инсон ва табиат, ёр васли ва унинг лаззати ҳақида фикр юритган. Рубоийлари фикрнинг равшанлиги, мазмуннинг теранлиги, образларнинг ранг-баранглиги билан ажралиб турарди. Паҳлавон Маҳмудга нисбатан бериладиган “Ҳазрати Паҳлавон рубоийлари”нинг кўлөзма нусхалари Ўзбекистон ФА шарқшунослик институтида сақланади.

“Қомус ул-аълам” (Ш.Сомирбек) ва “Оташқадаи Озарий” (Л.Алибек) ва “Ҳафт-иқлим” (А.Розий) номли кўлөзма асарларда хабар берилишича Паҳлавон Маҳмуд “Канз ул ҳақойиқ” (“Ҳақиқатлар хазинаси” 1303-1304) номли маснавий ҳам ёзган. Унинг васиятига кўра, жасади ўзининг Хивадаги пўстиндўзлик устахонаси ҳудудига дафн этилган. Вақт ўтиши билан мақбара атрофида Паҳлавон Маҳмуд мажмуаси вужудга келган [4].

Кези келганда араб сайёҳлари ва географлари асарларида чигатой Жўжи улуслиги даврида Хоразмдаги айрим шаҳарларда (Гурганч, Вазир, Ҳазорасп, Хива) иқтисодий ва маданий ҳаёт давом этган.

Гурганч шаҳри 400 гектарлик ҳудудини қамраб олиб халқаро савдо хунармандчилик ва сиёсий марказ вазифасини сақлаб қолган.

Шу тариқа юқорида келтирилган тарихий маълумотлар қуйидаги якуний хулосани қайд қилишга имкон берди.

П.Маҳмуд фаолият олиб борган тарихий давр (XIII асрнинг биринчи ярми XIV асрнинг биринчи чораги) Хоразм ўлкаси аҳолиси Чингизхон ва унинг авлодлари томонидан ташкил этилган империя таркибига кирган Мўғул қўшинларининг ҳарбий ҳаракатлари натижасида аксарият аҳоли марказлари абадий харобага айланиб қолган. Уларнинг баъзилари, хусусан Гурганч шаҳрида иқтисодий-маданий ҳаёт кейинчалик қайта тикланди, аҳоли мўғул хонлари учун солиқ тўлаб турганлар. Агар аҳоли норози бўлиб чиққан тақдирда мўғуллар қўшини томонидан аёвсиз тарзда бостирилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Толстов С.П. По следам Древнехорезмской цивилизации. М-л, 1948.
2. Фуломов Я.Ф. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Тошкент 1959 йил.
3. Садриддин Салим Бухорий Буюк Хоразмийлар. Тошкент “Ёзувчи”, 1993 йил.
4. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 7-жилд, Тошкент, 2004.

УЎК 93/94 УЎК 371.48:371.124(575.146-21)

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ИСЛОҲОТЛАР УЧУН КУРАШ

(Бухоро адабий муҳити вакиллари иштирокида)

А.Ҳ. Ахматов, ўқитувчи, Бухоро давлат университети, Бухоро

Аннотация. Ушбу мақолада XX аср бошларидаги Бухоро таълим тизими, мактаб ва мадрасалар фаолияти, хусусан, адиллар иштирокини ўрганиш мақсад қилиб олинган.

Калим сўзлар: Бухоро адабий муҳити, мадраса, мактаб, Айний, Фитрат, Мунзим, дарслик, шеърият

Аннотация. Данная статья направлена на изучение системы образования Бухары в начале XX века, деятельности школ и медресе, в частности, с участием писателей.

Ключевые слова: литературная среда Бухары, медресе, школа, Айни, Фитрат, Мунзим, учебник, поэзия

Abstract. This article aims to study the Bukhara education system in the early twentieth century, the activities of schools and madrassas, in particular, the participation of writers.

Keywords: Bukhara literary environment, madrasa, school, Ayni, Fitrat, Munzim, textbook, poetry

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилиб, фарзандларимизнинг жаҳон андозалари даражасида замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаши, жисмонан ва маънан етук инсонлар бўлиб улғайиши, уларнинг қобилият ва истеъдодини, интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш, ёш авлод қалбида Ватанга садоқат ва фидойилик туйғуларини юксалтириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. 2020 йил 23 сентябрь Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. Мирзиёев томонидан имзоланган янги таҳрирдаги “Таълим тўғрисида”ги [7] қонун ҳам таълим тизимининг замон руҳида ислоҳ қилиб борилаётганидан далолат беради. Ўтмишдан ўрнатилган олиш ҳар доим ҳам фойдали бўлиб келган. Ушбу жараёнлардан бир аср ўтмишга боқиб, таълим тизимини ўрганиш ва хулосалар чиқариш долзарблик касб этади. Ушбу мақолада XX аср бошларида Бухородаги таълим хусусан, мадрасалар ҳаётини ўрганиш мақсад қилиб олинган.

Бухоро амирлигида амирни ўз ғоя ва маслақларига тортишга интилиб, Бухоро жадидлари 1900 йил амирдан янги усул мактаблари очишга руҳсат олдилар. Аммо ташкил қилинадиган янги усул мактаблари амирлик хоҳишига, Россия манфаатига зид эди. Оқибатда амирлик бўйлаб очилган янги усул мактабларига “исломга қарши”, “ғайридин мактаблари” дея сохта айблар билан ташвиқотлар олиб борилди.

Шу ўринда айтиш керакки, Бухоро илмий адабий муҳити равнақидаги ўрни бениҳоя катта бўлган мадрасалар, XIX аср охири - XX аср бошларига келиб замон талабига жавоб бермай қолди [3,74]. Мадрасада илмий муҳитнинг заифлиги, савияси тор доирада эканлигидан афсусланган адиб Садриддин Айний ёзишча суҳбатлар одатда вақф, илмий мансаблар, лавозим эгалари ҳақида бўлар, манокўблар, шайхлар, пайғамбарлар мўъжизаси ҳақида китоблар ўқиш эди [1,37]. Бир гуруҳ уламолар мавжуд тузумни сақлаб қолишга интиларди. Ўрта аср схоластикаси таъсирида қолган мадрасаларда таълимнинг эскирганлигини яққол англаган зиёлилар вазиятни ўзгартиришга ҳаракат қиладилар. Диний ва маданий фикрларини тушунтиришади, Қуръон ва Шариат китобларини нотўғри ўқиган мударрисларнинг хатоларини кўрсатадилар. Таълим тизимидан тортиб саройлардаги мансабларгача коррупция ботқоғига ботганлигини исботлашга ҳаракат қилдилар. Вақф мулкларининг беҳуда сарфланиши, талабаларга ва мадрасаларга ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилиши бунга мисол қилиб кўрсатилади [4,52-53]. Абдурауф Фитратнинг ёзишча мударрислар замонавий фан техникани рад этишади. Агар булар рад этилса Бухоро ва исломни келаётган душманлардан сақлаб қолиш имкони бўлмай қолади [4,114].

“Уч юздан ортиқ талабаси ва хатм қилган муллалари бўлган Бухоронинг Мири Араб мадрасасида мен шеър ва адабиёт тўғрисида суҳбатлашадиган бирон кишини ҳам кўролмадим” [1,30]. Ушбу ўринда адиб Садриддин Айний совет мафкурасидан келиб чиқиб ёзган деб ҳисоблаймиз (Афсуски бир қатор тадқиқотларда ушбу жумлалар ҳақиқат сифатида қабул қилинган). Мадрасаларда адабиёт, шеъриятга бўлган эътибор ҳеч қачон сусайган эмас. Фақатгина XX асрга келиб мадраса таълими замон ривожланишидан ортда қолганлигини кўриш мумкин. Мадрасаларда талабаларнинг адабиёт, айниқса, шеърият билан шуғулланиши учун бирмунча имкониятлар мавжуд эди. Бухоро шаҳрида 11 та кутубхона бўлганлиги [4,114] азалдан китобга, мумтоз адабиётга юқори даражада муносабат билдирилганлигидан далолатдир. Бухоро мадрасаларида таълим олган, Бухорода бир қанча вақт яшаб, ижод этган зиёлилар XX аср бошларида кўзга кўринган тараққийпарвар шоирлар бўлиб, жадид адабиётига ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшган эдилар [3,69-73]. Булардан Абдурауф Фитрат, шоир Мирзо Муҳсин Аккос, Мирзо Сирожиддин Ҳаким, Қори Ҳошим шайх Бухорий, Садр Зиё, Мирзо Шох Фаёз Бухорий, Аҳмаджон Бухорий (Ҳамди) кабиларни санаб ўтиш мумкин.

Мадраса таълимидан аввалги босқичда ёшлар таҳсил оладиган маҳаллий эски услуб мактаблари ҳам афсуски, замон талабларига жавоб бермас эди. “Уч юзга яқин қуйи мактабимиз бор, аммо буларнинг бари саводсиз муаллимларнинг разолатхонасига айланмиш” [4,115]. “То мактаб шу аҳволда бўлар экан, то дарс шунақа давом этаркан, болаларимиз дардан халос бўлолмайдилар” дея куюниб ёзади Фитрат [5,199]. Бухоро адабий муҳити вакилларининг мафкуравий мақсадлари шахс эркинлиги, маънавий фаровонлиги, сифатли таълим, ижтимоий шароитни яхшилашдан иборат бўлган. Аҳмад Дониш ғоялари давомчиси Садриддин Айний ва адабий муҳит вакиллари жаҳолатдан чиқишнинг йўли

сифатида биринчилардан бўлиб мактаблар очди ва уларга дарсликлар ёзди, ёшларга билим бериш, уларнинг саводини чиқаришга интилдилар. Халқ орасидан етишиб чиққан марифатпарварлар мактаб ва маориф соҳаси учун жонкуярлик кўрсатдилар турли янги усул мактабларидан тажриба ўргандилар [1,201]. Таълим тизимини ривожлантириш мақсадида янги усул мактаблари ташкил қиладилар. Ушбу мактабларда етишиб чиққан замонасининг зиёлилари халқ манфаати фаровонлиги йўлида курашга етакчилик қила бошлади.

XX асрда Амирликдаги дастлабки янги усул мактаби Бухоронинг Пирмаст тумани Пўстиндўзон қишлоғидан бўлган Мулла Жўрабой томонида очилган [6,98]. Сўнгра бир қатор татар мактаблари фаолият юритади, аммо бу мактабларда таълим татар муаллимлар томонидан татар тилида олиб борилганлиги маҳаллий халқ фарзандларига қийинчилик туғдиради. Оқибатда маҳаллий зиёлилар ўзлари янги усул мактаби ташкил қилишга киришадилар [1,200]. 1903 – йилда Бухорода 6 та янги усул мактаби ташкил этилган. 1908 йилда шаклланган “Ёш бухороликлар” партияси фаолияти даврида дастлаб маориф ва марифатпарварлик ишлари билан шуғулланди. Асосан адабий муҳит вакиллари таркиб топган ҳаракатнинг мақсади янги усул мактабларини очиш, болаларнинг саводхонлигини тезроқ чиқариш, мактаб, мадраса, ўқув тизимини ислоҳ қилиш эди. 1908 йилда 28-октябрда Бухоро адабий муҳитининг яна бир забардаст вакили Абдулвоҳид Мунзимнинг уйида очилган мактабга маҳаллий миллат вакиллари жалб қилдилар. Қрим, Истанбулга ўз вакиллари юбориб тажриба ўрганиб янги очган мактабларида қўладилар. Бухоро адабий муҳити вакиллари ташкил қилган мактаблар орасида айниқса, 1911 йил бошларида Мукамил Бурҳонов очган янги усул мактаби алоҳида ажралиб туради. 1912 йил 9-октябрда Чоржўйда Отахўжа мактаби, шу йили Усмонхўжа мактаби, Бозори Нав гузарида Ҳамидхўжа Меҳрий мактаби [3,95], Абдурауф Фитратнинг Шаҳрисабз ва Каркида мактаблари фаолият юритган. 1911-1912 йилларда амирлик ҳудудида 57 та янги усул мактаби бўлган. Ўрта асрчилик иллатларини қоралаб, халқ орасида маорифни тарғиб қилиш билан омма аҳволини яхшилаш мумкинлигига умид боғлаган Садриддин Айний ёшларни мактабга чорлайди.

Замзамаи мо нағмаи мактаб,
Бадрақои мо илмпарастон
Гуфтаи Айний – гар напазирий
Хезу равон шав сўи дабистон [2,24]

Бухоро адабий муҳити вакиллари янги усул мактаблари учун Абдулвоҳид Бурҳонов томонидан ёзилган “Раҳбари хат” алифбоси, Садриддин Айнийнинг Мунзим билан ҳамкорликда “Алифбо” китоби тузилди [1,201]. Ташкил қилинган мактабда Айний диний сабоқнинг зарурлигини ҳам унутмади, шу мақсадда “Зарурияти диния” (Диннинг зарурлиги, 1908) ва “Тарти ул Қуръон” (“Қуръонни тўғри ўқиш қоидалари”, 1908) [1,202], “Таҳзибус сабиён” (“Болалар тарбияси”, 1910) [1,373] дарсликларини яратади. Абдурауф Фитратнинг ўзбек тилидаги “Ўқув”, форс тилидаги “Мухтасар ислом тарихи” номли рисоласи дарслик вазифасини бажарган.

Мактабда асосий муаммо дарслик, қўлланма, адабиётлар, муаллимлар етишмаслигини олдини олиш учун 1909-йил март ойида “Ширкати Бухоройи шариф” номли ширкат ташкил қиладилар. Тўққиз кишидан иборат ширкат аъзоларининг номларини, ҳиссаларини Айний асарларида келтиради. Ширкат маблағидан Айнийнинг “Тарти ул-Қуръон” дарслиги икки минг нусхада нашр қилинади [1,202].

Хулоса қилсак, янги усул мактабларининг оммалашуви, эски мактабларнинг инқирози ҳасад ва чақувни юзага келтирди. Бу вақтда нафақат амирликдаги мутаассиблар балки, Рус ҳукумати амалдорлари ҳам жадидларга ишончсизлик билан қарар, турклар таъсири остида Россия мусулмонлари орасида туркча ғояларнинг ташвиқотчилари деб ҳисоблаганлар эди. Турли тазйиқларга қарамасдан, Бухоро адабий муҳити вакиллари мактабнинг фойдалари ҳақида сўзлашдан қайтмадилар. Жумладан, Бухоро қозиси Бурҳониддин мактабларни ёпиш масаласида қушбеги Останақул хузурига келганда Бухоро миршаби шоир Мирзо Саҳбонинг: “Ушбу мактаб мусулмон болалари учун лозим ва нофедир. Муни ёпмоқ, исломга хиёнат ва мусулмон болалари ҳақида жиноятдир. Мен умид қиламанким, бу ишга жасорат қилмасангиз” деган жавоби айниқса диққатга сазоворди [1,211]. Афсуски узоқ ва баҳсли тортишувлардан сўнг қушбеги ва қозикалон мактабни ёпишга фатво берди. Мутаассиблар бу билан кифояланмай Нўғай (татар) мактабларини бекитишга ҳаракат бошладилар. Бироқ мактаблар ёпилиши билан Бухорода бошланган ҳаракат тўлқинини тўхтатишнинг иложи қолмаган, манғит ҳукумати эса тобора заволга юз тутаётган эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Айний С. Қисқача таржимаи ҳолим/ Асарлар. 8 жилдлик. 1-жилд. – Тошкент: Ўздавнашр, 1963. – Б. 37; Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар//Асарлар. –Тошкент: Бадиий адабиёт, 1963. 1 жилд. –Б. 348
2. Алиев С. Бухорода битилган байтлар: (Адабий мақолалар ва хотиралар). – Т.; Ғафур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1992. –Б.24
3. Бобожонова Ф. Бухоро амирлигида таълим тизими (XIX аср охири-XX асрнинг бошлари) –Т.: “Адиб” нашриёти, 2014. –Б.114

4. Фитрат. Мунозара. Танланган асарлар. (нашрга тайёрловчи, тўпловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи – Ҳ. Болтабоев). Т. 1. –Т.: Маънавият, 2000. – Б. 52; Фитрат А. Хинд сайси баёоти. Танланган асарлар. Т. 1. –Т.: Маънавият, 2000. – Б. 114

5. Фитрат. Нажот йўли. Танланган асарлар. Т. 5. –Т.: Маънавият, 2010. – Б. 199

6. Ражабов Қ. Бухоро тарихи/Қ. Ражабов, С. Иноятов–Тошкент: “Тафаккур”, 2016. –Б. 98

7. <https://lex.uz/docs/-5013007>

УЎК 93/94

“АЛ-ЖАМИЪ АС-САҲИҲ” АСАРИНИНГ ТЎЛИҚ НОМИ

О.А. Бахриев, илмий ходим, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Самарқанд

Аннотация. Ушбу мақолада Имом Бухорийнинг машҳур “ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ” асарининг номланиши, бу асарнинг тўлиқ номланиши ҳақида маълумот берилган. Қолаверса, Имом Бухорий ўз асарини номлашда ҳар бир сўзга урғу бериб, унда келтирилган сўзларнинг жуда кенг маъноси борлиги борасида ҳам сўз юритилган. Мақоланинг сўнгида Имом Бухорийга бу асарни ёзишга туртки бўлган сабаблар ҳақида маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: Фақиҳ, Қуръон, суннат, Имом Бухорий, Саҳиҳул Бухорий, муснад, ҳадис, сияр, заиф, муҳаддис, мухтасар, санад, иллат

Аннотация. В этой статье содержится информация о названии известного произведения имама Бухари «Аль-Джами ас-Саҳиҳ» и полное название этого произведения. Кроме того, Имам Бухари подчеркнул каждое слово в названии своей работы и сказал, что слова, процитированные в нем, имеют очень широкий смысл. В конце статьи дается информация о причинах, побудивших Имама Бухари написать эту работу.

Ключевые слова: Факих, Коран, сунна, Имам Бухари, Саҳиҳ Бухари, муснад, ҳадис, сияр, слабый, муҳаддис, мухтасар, санад, недостаток

Abstract. This article contains information about the title of the famous work of Imam Bukhari "Al-Jami al-Sahih" and the full title of this work. In addition, Imam Bukhari emphasized every word in the title of his work and said that the words quoted in it have a very broad meaning. At the end of the article, Imam Bukhari is given information about the reasons that prompted him to write this work.

Key words: Fakh, Quran, sunnah, Imam Bukhari, Sahih Bukhari, musnad, hadith, siyar, weak, muhaddis, mukhtasar, sanad, disadvantage

Ҳозирги кунда юртимизда ажодларимизнинг қолдирган бой меросини ўрганиб, ҳар бир нозик тарафларини тадқиқ қилиш жараёнлари олиб борилмоқда. Шундан келиб чиқиб, ушбу мақолада муҳаддислар султони, бобомиз Имом Бухорийнинг бош асари ҳисобланган “ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ” китоби турли номлар билан аталса-да, унинг ҳақиқий номланиши борасида баҳс юритилади.

Имом Бухорий ўзлари қўйган расмий номни жуда оз сонли кишилар билади. Абу Наср Калабозий ўзининг “ал-Ҳидаяту вал иршаду фи маърифати аҳлу сикоти ва сидоди” асарида [1: 24], Қози Иёз “Машариқул анвар фи сихаҳил асар” асарида [8: 26], Ибн Солаҳ “Муқоддимату фи улумил ҳадис” асарида [5: 24-25], Нававий “Таҳзибул асмаи валғоти” асарида [3: 73] келган маълумотларга асосан Саҳиҳул Бухорий асарининг тўлиқ номи қуйидагича: “Ал-Жомиъ ал-муснад ас-саҳиҳ ал-мухтасар мин умури Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллама ва сунаниҳи ва айямиҳи”.

Китобнинг номини сўзма-сўз таржима қиладиган бўлсак, “Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг ишлари, суннатлари ва айёмлари ҳақида қисқа, саҳиҳ, муснад тўплам” деган маъно келиб чиқади. Бу асарнинг бундай номланишини аллома Айний ҳам ўзининг “Умдатул Қори” асарида тасдиқлаган [4: 5].

Аммо, Ҳофиз ибн Ҳажар раҳимаҳумуллоҳ бу асарни “ал-Жомиъ ас-саҳиҳ ал-муснад мин ҳадиси Расулиллаҳ соллalloҳу алайҳи васаллам”, яъни, “Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг ҳадислари ҳақида жамловчи, саҳиҳ, муснад тўплам” деб номлади [6: 7].

Бу асарнинг тўлиқ номланиши борасида айтилган сўзнинг энг мувофиқи юқорида айтилган биринчи фикрдир. Чунки тўлиқ сарлавҳадаги “Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг ишлари” деган сўз “Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси” деган сўздан кўра кенгрок маънони ўз ичига олади. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам ишларининг ичига айтган ҳадисларидан ташқари кўпгина суннатлари ҳам киради.

“Ас-Саҳиҳ” деган сўздан олдин “ал-муснад” деган сўзнинг келиши эса, бу китобда келган ҳар бир ҳадис ровийлар санадига эга эканлигидан далолатдир.

Яна юқоридаги жамоат бу асарни номлашда “ал-мухтасар” деган сўзни зиёда қилди. Бунга сабаб қилиб, Имом Бухорийни шу асарни ёзишга ундаган қуйидаги устози Исҳоқ ибн Роҳавайҳ айтган сўзини келтириш мумкин. Хатиб Бағдодий машҳур “Тарихи Бағдод” китобида бу ҳақда Иброҳим ибн Маъқил Насафийдан қуйидаги ривоятни келтиради: “Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоилнинг: “Устозим

Исҳоқ ибн Роҳавайхнинг ҳузурида эдик. У киши: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам суннатлари бўйича ишонарли, мухтасар бир китоб жамласаларингиз-чи”, деб қолди. Мана шу гап қалбимга ўрнашиб қолди ва “ал-Жомий ас-Саҳиҳ” асаридаги ҳадисларни тўплашни бошладим” [2: 8]. Бу воқеанинг эътиборли тарафи шундаки, устозлари “ал-мухтасар” (қисқа) деган сўзга урғу берган. Қолаверса, Имом Бухорийнинг: “Мен саҳиҳ ҳадислардан иборат, чўзилиб кетмаган китоб ёздим” [7: 474] ва “Мен бу китобни олти юз мингта ҳадис ичидан туздим” [1: 8] деб айтган сўзлари ҳам бу асарнинг мухтасар бўлганига далилдир.

Албатта, Имом Бухорий ўзининг бу асарини Ислоом қонунлари эҳтиёжи тушадиган барча соҳани ўз ичига олишини хоҳлаган. Ҳақиқатдан ҳам бу асар тафсир, ақоид, ҳадис, фикҳ, сийр, сафар, фитналар, қиёматнинг белгилари, одоб-ахлоқ, фазилатларга оид ҳадисларни ўзида мужассам этгандир. Уламолар асарнинг “ал-Жомий” деб номланишига мана шуларни далил қиладилар.

Саҳиҳул Бухорийда келган ҳар бир муснад ҳадис у кишининг наздида саҳиҳ ҳадис бўлган. Буни у кишининг ўзи: “Жомий” китобимга фақатгина саҳиҳ ҳадисларни киритдим. Чўзилиб кетмасин деб, баъзи саҳиҳ ҳадисларни ҳам тарк қилдим” [7: 402], деб ҳам эътироф этган. Шундай бўлсада, бу асардаги ҳадисларни Дорикутний ва у кишидан бошқа баъзи кишилар танқид остига олган. Аммо, бунга ўз ўрнида Ибн Ҳажар Асқалоний ўзининг “Фатҳул Борий” китобида етарлича жавоб қайтарган. Нима бўлгандаям, Имом Бухорийнинг саҳиҳ ҳадисларни тўплашдаги ижтиҳоди бу танқидлардан устундир.

Имом Бухорийнинг сарлавҳада “Сунаниҳи ва айямиҳи” деб айтган сўзи, худди умумий нарсдан кейин хос нарсани келтиришга ўхшайди. Чунки Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ишларининг ичига суннатлари ва ўтган кунлари ҳам киради.

Бу асарнинг тўлиқ сарлавҳаси устида қилинган мулоҳазалардан шу нарса маълум бўладики, Имом Бухорийнинг асл мақсади Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан келган саҳиҳ ва ровийлар санади ишончли бўлган ҳадисларни тўплаш бўлгандир. Бу йўлда Имом Бухорий Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан келган ҳадис сўз ё феъл ёки иқроор бўлиш жиҳатидан бўлишида фарқламаган. Аммо, унда мавкуф ва муаллақ ҳадислар ёки саҳоба ва тобеъинлар фатволарини келтириши асл мақсад учун эмас, балки саҳиҳ ҳадисларга эргашган ҳолда келтиргандир.

Албатта, Набавий суннاتини тўплаб, китоб холига келтириш тарихини тадқиқ қилиб ўрганганимизда, бу соҳада “ал-Жомий ас-Саҳиҳ” китоби ёзилишидан олдин ҳам кўпгина суннат ва ҳадис китоблари тадвин қилинганини топамиз. Аммо, ўша тузилган китоблар айнан саҳиҳ ҳадислар билан кифояланмади, балки улар саҳиҳ, заиф ва иллатланган ҳадисларни ўз ичига қамраб олди. Гоҳида ҳадис илмларида эътироф этилган “журҳ” (жароҳат этган ҳадис) ва “таъдил” (тўғриланган ҳадис) йўли билан келган ҳадислар ҳам киргизилди. Ҳадис уламолари ўша ҳадислардан саҳиҳини ажратиш олиш имкони бўлган муҳаддис ёки фақиҳларнинг устида иш олиб бордилар. Лекин бу ишни ҳижрий учинчи асрнинг биринчи ярмида амалга ошириш анча мушкул иш эди. Бунга сабаб, ровийлар санади узайиб, улар кўпайиб кетди. Ҳадис ривоят қилиш йўллари ҳам бир неча тармоқларга бўлинди. Шу сабабли хос кишилардан бошқаларга ўнлаб ҳадислар орасидан саҳиҳини, заиф ҳадиснинг йўллари ва битта ҳадисдаги иллатни ажратиш олиш жуда машаққатли иш бўлиб қолди. Шундан кейин одамларнинг фақат саҳиҳ ҳадисларни ўз ичига олган, заиф ва иллат ҳадисдан узоқда бўлган китобга эҳтиёжи туғилди. Қолаверса, бу китоб мухтасар ҳам бўлиши керак эди. Чунки бундан олдинги тузилган китоблар жуда кенг ва катта бўлган, айниқса “Жомий” ва “Муснад” китоблари. Аммо бу китобларни мухтасар қилиш имкони ҳам йўқ эди.

Имом Бухорий эса олдинги тузилган китобларнинг муҳим мақсадларини ўзида қамраб олган китоб ёзди. Зеро, бу асар тавҳид, фикҳ ва унинг ҳукмлари, тафсир, сийрат ва ғазотлар, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шамоиллари ва манокіблари, табобат ва тушга тааллуқли бўлган барча маълумотларни ўз ичига олган эди. Мана шу сабабдан бу асар Ислоом оламидаги китобларнинг энг ҳайрлиси ва гўзали бўлиб сифатланишга муносиб бўлди.

Демак, ёлғиз саҳиҳ ҳадисларни келтириш билан мана шу зарур бўлган иш ўз вақтида бажарилиб, ҳадис уламолари иттифоқ қилган бу машҳур асар иккита сабаб билан дунё юзини кўрди. Биринчиси, юқорида айтиб ўтгандек Имом Бухорий устози Исҳоқ ибн Роҳавайхнинг берган йўналишлари бўлса, кейингиси, Имом Бухорийнинг: “Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни тушимда кўрдим. Мен олдиларида туриб, у зотни қўлимдаги елпиғич ила елпимокдаман. Баъзи таъбирчиларга тушумни айтсам, “Сен у зотдан ёлғонларни четлатар экансан”, дейишди. Мана шу нарса “Саҳиҳ”ни ёзишимга туртки бўлди” [6: 5] деган сўзларидир.

Имом Бухорий раҳимаҳумуллоҳ бу шоҳ асарнинг ёзилишига жуда қаттиқ ғайрат қилиб, кўп вақтини сарфлади. Ал-Жомий ас-Саҳиҳни тартиб қилиб жам қилишга кетган муддат тўғрисида ўзлари шундай деганлар: “Мен “ас-Саҳиҳ” китобимни ўн олти йил ичида ёзиб тугатдим. Уни олти юз мингта ҳадис орасидан чиқариб олдим ва уни ўзим ва Аллоҳ таоло ўртасида ҳужжат қиламан” [2: 14].

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, Имом Бухорий бу асарни тартиблаб жамлашга жуда узоқ вақт сарфлади. Уни тасниф қилишда бор диққат назарини унга қаратди. Сўзимизнинг исботини асарнинг

номланишида уламолар тарафидан берилган таърифлар тасдиқлайди. Унга қўйилган ҳар бир ҳадис асосли бўлгани сабабли ҳам бу асар хозирги кунгача ҳадисни ўрганиб тадқиқ қиламан, деган кишининг асосий манбасига айланди. Шу билан бирга дунё мусулмонлари тарафидан улуғ мақом, яъни, Аллох таолонинг китобидан кейинги энг саҳиҳ китоб деган мартаба берилди. Бобомиз қолдирган бу бой мерос қанча асрлар ўтсада Ислому динида Қуръони каримдан кейинги энг улуғ манба бўлиб қолаверади.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абу Наср Калабозий. ал-Ҳидаятун вал иршаду фи маърифати аҳлу сикоти ва сидад. – Байрут: Дарул маърифати, 1987. 1-жилд.
2. Абу Бакр Аҳмад ибн Али Хотиб Бағдодий. Тарих Бағдод мадинатус салам. – Байрут: Дарул фикр, 2004. 2-жилд.
3. Абу Закарё Мухйиддин Яҳё ибн Шариф Нававий. Таҳзибул асмаи валғоти. – Байрут: Дарул кутубул илмий, 2001. 1-жилд.
4. Бадруддин Айний. Умдатул Қори. – Байрут: Дарул кутубул илмий, 2001. 1-жилд
5. Ибн Солах. Муқоддимату фи улумил ҳадис. – Сурия: Дарул фикр, 1986.
6. Ибн Ҳажар Асқалоний. Ҳадюс сорий. – Байрут: Дарул маърифати, 2014.
7. Муҳаммад ибн Аҳмад Заҳабий. Сияру аъламун нубалау. – Байрут: Муассасатул рисала, 1985. 12-жилд.
8. Қози Иёз ибн Мусо ибн Иёз Ҳисбий. Машарикул анвар фи сиҳахил асар. – Тунис: Дарул атиқ, 1915. 1-жилд.

УЎК: 94(575.171)

КОЛЛЕКТИВЛАШТИРИШ ДАВРИДА ХОРАЗМДАГИ НЕМИС МЕННОНИТЛАРИНИНГ ЕР ЭГАЛИГИ

У. Бекимметов, таянч докторант, Хоразм Маъмун академияси, Хива

Аннотация. Мақолада 1884 йилдан 1935 йилгача Хоразмда яшаган немис меннонитларининг воҳадаги ҳаёти ва фаолияти тадқиқ қилинади. Айниқса советларнинг коллективлаштириш сиёсатини олиб борган даврдаги уларнинг ер эгалиги, ўз ерларини колхозга топширмай худди хориждаги каби фермер хўжаликлари сифатида фаолият кўрсатишига ҳаракат қилганликлари ёритиб берилди.

Калим сўзлар: немис меннонитлари, Оқмачит, яримчи, таноб, батрак, коллективлаштириш, колхоз

Аннотация. В статье исследуется жизнь и деятельность немецких меннонитов, живших в Хорезме с 1884 по 1935 год. В частности, объясняется их право собственности на землю во время советской политики коллективизации, которую они пытались использовать как зарубежом в качестве фермерских хозяйств, не передавая свои земли колхозам.

Ключевые слова: немецкие меннониты, Оқмачит, яримчи (работающие за половину урожая), таноб, батрак, коллективизация, колхоз

Abstract. The article explores the life and activity of German Mennonites lived in Khorezm from 1884 to 1935. Especially, it is explained their land ownership during the Soviet policy of collectivization they tried to operate as farms, as abroad, without handing over their lands to the kolkhozs.

Key words: german mennonites, Oqmachit, yarimchi (half-crop workers), farmhand, collectivization, kolkhoz

Совет давлати томонидан 1929 йилдан бошлаб қишлоқларда коллективлаштириш сиёсати олиб борилган пайтда, мулкдор бойлар, ўзига тўқ удабурон, ўртаҳол дехқонларнинг ери, молу мулки тортиб олиниб колхозлар ташкил этила бошлаганди. Аммо 1934 йилгача бўлган даврда Хоразмда яшаётган немис меннонитларининг кам миқдордаги ерлари, молу мулклари жойлашган Оқмачит қишлоғида уларнинг колхозлари ташкил этилмай келинаётганди. Чунки, улар собиқ иттифоқ марказий ижроия комитетининг раиси М.Калининга мактуб билан мурожаат қилишиб, ўз ерларини колхозга топширмай худди хориждаги каби фермер хўжаликлари сифатида фаолият кўрсатишга ижозат сўрашган. Натижада уларнинг мурожаатлари сабаб, 1934 йилнинг 18 апрель куни ИИХКнинг Хоразм округ бўлими бошлиғи Порецкий ҳамда тезкор вакил Тарасов томонидан ўша вақтда Хива тумани Оқмачит қишлоғида яшовчи немис меннонитларининг ер эгалиги, ҳаёт фаолияти ўрганиб чиқилади.

Маълумки, коллективлаштириш сиёсати даврида еру-мулкдан ажралишни ўзига тўқ, ўртаҳол ва бадавлат кишилар исташмас, шунинг учун ҳам улар тузиладиган колхозларга киришни хоҳламасдилар. Шунинг учун ҳам “Хоразм округида мажбурий коллективлаштиришга қарши 1929 йил 25 февралда 3 та исён бўлиб, ундаги ғалаёнчилар сони 550 кишини ташкил этган, 17 мартгача бўлса яна 5 та ғалаён содир бўлиб, унда 2900 киши иштирок этганди” [1].

Немис меннонитлари эса совет давлатига қарши юкоридагидек ғалаён кўтармай, ўз ери, молу мулкларини қонуний ҳимоя қилиш мақсадида, колхозга кирмай фермер хўжалиги сифатида фаолият кўрсатиш бўйича М.Калининга таклиф киритишганди.

Бевосита коллективлаштириш давридаги Хоразмда яшаган немис меннонитлари фаолиятини тадқиқ қилишдан олдин, меннонит немислари, уларнинг Европадан қай тариқа узоқ Хоразмга келиб қолганлиги тўғрисида сўз юритсак.

“Келиб чиқиши Нидерландиянинг Витмарсум шаҳридан бўлган файласуф ва диншунос Менно Симонс (1496–1561) христиан динини ислоҳ қилиб, ўз мазҳабини яратган. Унинг таълимотига кўра, кўлга қурол олиб, урушларда қатнашиш, одам ўлдириш, умуман олганда, ёмонликка қурол кучи билан қаршилик кўрсатиш ёвузлик, ғайринсоний, ғайридиний ҳолат, мудҳиш жиноят ва гуноҳ деб ҳисобланган. Бу таълимотни тан олувчилар меннонитлар дейилган. Табиийки, Менно Симонс яшаб, ўз эътиқодини тарғиб қилган даврда қироллар, ҳарбийлар ва улар итоатидаги руҳонийлар учун урушлар бойиш ва ўз ҳудудини кенгайтириш манбаи эди. Шу боисдан ҳам Нидерландияда меннонитлар оқими қаттиқ тақибга учрагач, улар XVI-аср ўрталарида Пруссия, айрим меннонитлар эса XVIII-аср охири, XIX-аср бошларида Украина, Россия ҳудудларига кўчиб кетишган. Айнан меннонитлар таълимоти боис уларнинг тақдирига ватанни ташлаб кетиб сарсон саргардончиликда юриш ёзилганди” [2].

Христиан динининг аннабатиизм мазҳабидан 16-асрда ажралиб чиққан протестантлик оқимидаги Германия (Пруссия)нинг Марионбург шаҳридан бўлган немислар ҳам меннонит немислари деб аталган. Пруссия ҳукуматининг урушга тайёргарлик кўриш асносида, меннонит немисларини ҳам ҳарбий хизматга жалб қилишга уриниши уларнинг ватанлари-Марионбургни ташлаб кетишга мажбур қилади. Ана шу тарзда меннонит немислари XIX асрнинг 30 йилларида Россия империясига кўчиб келишади.

Бироқ уларнинг Россиядаги барқарор ҳаёти 1874 йилда бузилди. Ўша йили Россиядаги барча диндаги эркаларни ҳарбий хизматга жалб қилиш тўғрисида қонун қабул қилиниб, қонун 1880 йилдан кучга киражаги эълон қилинади. Бу қарор табиийки меннонит немисларининг ҳаётида салбий роль ўйнади. Шу боис 1874 -1880 йилларда меннонит немисларининг вакиллари Петербургга, подшо ҳузурига бориб, ҳарбий хизматдан озод қилишларини сўрашди. Лекин уларнинг илтимослари рад этилади.

Шу аснода меннонит немислари орасида катта мавқега эга бўлган Янтцен Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман билан танишиб қолади. Руслашиб кетган немис зодағони оиласига мансуб бўлган фон Кауфман миллатдошлари бошига тушган ташвишини енгиллаштиришга уринади. Кауфман Янтценга Туркистонга кўчиб боришни таклиф қилади. Тағин миллатдошларини 25 йил давомида ҳарбий хизматдан озод қилишга ваъда беради.

Натижада, 1884 йил 16 апрелда Самарада яшаб келган немис меннонитларининг Медемтал, Валдехим, Молотсчна номли гуруҳлари Класс Эпп, Эмил Райсон, Вильгельм Пеннер, Жакоб Жанатзен, Мичел Классен бошчилигидаги 34 оила Хивадан 15 км узоқликдаги Чиқирчи қишлоғига келиб ўрнашишади. Аста-секин хоннинг акасига тегишли ўрик ва шафтолидан иборат боғида немис уйлари барпо бўла бошлади. Тез орада ушбу боғнинг тўрт томонида европача уйлар қад кўтарди. Унинг ўртасидаги катта майдонда эса черковь, мактаб ва ўқитувчилар хонаси қурилади. Меннонитлар ҳақида XX аср бошларидаги Хоразмга оид адабиётларда кўплаб маълумотлар мавжуд.

В.Гиршфельд, М.Н.Галкинларнинг ёзишига кўра, “немислар 36 хонадондан иборат 142 кишини ташкил қилишган” [3]. Н.С.Ликошин эса “немисларнинг уйлари тигиз қурилган бўлиб, кичик тор кўчаларда жойлашган. Бу аҳолининг турмуши ташқаридан қараганда, кўпроқ аллақандай кичкина немис шаҳарчаси чеккасини эслатарди” [4] дея таърифлаган ўз асарида.

Дехқончиликка ихлос қўйган бир гуруҳ немислар эса қишлоқдаги қўриқ ерларни ўзлаштириш билан шуғулланган. Картошка, қарам, помидор, лавлаги, бақлажон, бодринг каби экинлардан юқори ҳосил олишган. Картошка, помидор ва бақлажон экинни эса хоразмликлар немислардан ўрганишган.

Қишлоқдаги боғлар эса олма, анор, беҳи, ўрик каби мевали, чеккароқда бўлса терак, тол, гужум, эман каби манзарали дарахтлар билан янада чирой очган. Немислар қурилиш ашёлари сифатида ана шу эман, гужум, терак ва толларни ишлатишган. Деразали, баланд ромли эшиклар қурилган уйлар Хоразм учун бутунлай янгилик эди. Меннонитлар Хоразмга қурилиш саноатининг биринчи элементларини, қўлда ҳаракатланадиган станоклар, столарлик ишларини олиб келган эдилар. Улар шунингдек, чорвачилик ва деҳқончилик, хунармандчилик, боғдорчилик билан машғул бўлибгина қолмай болаларини ўзлари ташкил этган немис мактабларида ўқитишган.

Немис деҳқонлари деҳқончиликнинг янги усулларини жорий этиб, Хоразм учун янги бўлган навларни яратганлар. Хоразмда картошка, помидорни биринчилардан бўлиб эккан ҳам Оқмачитдаги немис деҳқонлари эди. “Немис тарвузи”, “Немис сивири”, “Немис мол ёғи” ва бошқалар ана шундан қолган.

Фақатгина ўз юмушлари билан шуғулланган немислар 1916 йилдаги халқ қўзғолони, 1917 йилдаги сиёсий жараёнларда ҳам иштирок этмадилар. Шунингдек, 1920 йилдан 1924 йилгача фаолият кўрсатган Хоразм Халқ Республикаси даврида ҳам Оқмачит (Чиқирчи)да сокин ҳаёт кечирдилар. 1934 йил 14 апрель куни Оқмачитдаги меннонитлар рўйхати тузилади. Рўйхатга кўра, 82 оилада 196 киши истиқомат қилган.

Рўйхатдаги маълумот ўша давр мафкуравий сиёсати асосида немислар қай тарзда рўзгор тебратаётгани, ёлланма ишчи, деҳқон меҳнатидан фойдаланаётганига асосий эътибор қаратилган. Аниқланишича 52 хонадондаги немислар ихтиёрида 43 от, 112 сигир, 56 бузоқ, 42 хўкиз ва 5 эшак мавжуд бўлган. Ушбу рўйхатдан коллективлаштириш давридаям немислар ер эгалигига оид қуйидаги маълумотларни билиб олиш мумкин.

Тейфс Иван Оттович-оиласида меҳнатга яроқли 4 киши истиқомат қилган. Ўзи 27, хотини Анна 20 ёшда бўлган. Шунингдек, улар билан биргаликда 50 яшар отаси Иван Функ ва унинг рафиқаси ҳам бир хонадонда яшашарди. Оилада 1 сигир ва бир бузоқ, 1 эшак ва бир от ва унинг 2 та тойчоғи мавжуд бўлган. Хонадон кўп йиллар давомида сепаратордан фойдаланиб келган. И.О.Тейфс хонадонига қарашли 1,85 таноб ер бўлган. И.О.Тейфснинг касби ўқитувчи бўлиб, ерига ўғли Фридрих Тест томонидан ишлов берилган.

Паульс Герман Францев-оиласида 2 та меҳнатга яроқли киши истиқомат қилган. Шунингдек ушбу хонадонда 1 сигир ва бузоқ, 1 эшак мавжуд бўлган. Сепаратордан ҳам фойдаланилган. Паульс хонадонига қарашли 5,05 таноб ер бўлган. Мавсумий иш қизгин пайтлари деҳқон ёллатиб ишлатган. Рўйхат тузилган пайтда Паульс хонадонига қарашли ерда Чиқирчи қишлоғилик Мулла Берган кунига 2 рубль пул эвазига ишлаётганди. У ҳар ойда ўртача 20-25 кун ишлаган. Паульснинг келиб чиқиши деҳқон бўлган.

Пайльс Пётр Асрлонович-хонадонда 52 яшар хотини Мария ва тўртта қизи (32 яшар Луиза, 25 ёшли Зара, 21 ёш Анна, 17 ёшли Клёна) ва иккита ўғиллари (20 яшар Франц, 16 яшар Герард) истиқомат қилишарди. Хонадонда 1 от, 2 сигир ва бир бузоқ, иккита хўкиз ҳам боқилган. Ушбу хонадон ҳам сепаратордан фойдаланган. Пайльс хонадонига тўрт таноб ер қарашли бўлиб ижарачи ва ёлланма ишчи ишлатишмаган.

31 яшар Тейфс Отто Оттович-хонадонда 28 ёшли хотини Екатерина иккаласи истиқомат қилишган. Хонадонда 1 от, 2 буқа ва иккита сигир боқилган. Улар ҳам сепаратордан фойдаланишган. О.О.Тейфс хонадонда 3 таноб ер мавжуд бўлиб, мавсумий ишлар кўпайган пайтда бир ўзбек деҳқонидан ёлланма ишчи сифатида фойдаланилган.

Квиринг Яков Яковлевич-оиласида 3 нафар меҳнатга яроқли киши истиқомат қилган. Я.Я.Квиринг 44 ёшда бўлиб, хотини 48 яшар бўлган. Уларнинг хонадонда 21 ёшли укаси Бергер ҳам яшаган. Квиринг оиласида 1 сигир ва бузоқ, 1,8 таноб ер мавжуд бўлган. Уларнинг еридан Ренгольд Паульс ижарага деҳқончилик қилиб фойдаланган. Иш ҳақи учун 80 кг буғдой олган. Я.Я.Квиринг хунарманд уста бўлиб, эшик, дераза яшаш билан машғул бўлган.

50 яшар Паульс Корнелия Германовна оиласида иккита ўғли (Борис ва Артур) билан яшаган. Улар ихтиёрида 2 сигир ва 2 таноб ер мавжуд бўлган. Герард Дик томонидан Паульс ери ижарага олиб деҳқончилик қилинган.

32 яшар Леп Иван Герардович оиласида 24 ёшли хотини билан яшаган. Улар хонадонда 1 от ва тойчоқ, сигир ва бузоқча боқилган. 5 таноб ерида доимий равишда немис миллатига мансуб деҳқон ва мавсумий ишлар кўпайган вақтда бир ўзбек ҳам ёллатиб ишлаган.

50 яшар Беркман Иван Петрович хонадонда ўзининг тенгдош хотини Анна иккаласи истиқомат қилишган. И.П.Беркман хунарманд бўлиб, Оқмачит қишлоғига Россиянинг Повольже худудидан кўчиб келган. У хонлик пайтида 54 десятина ерида 7 киши меҳнатидан ёлланма ишчи сифатида фойдаланиб келган. 1934 йилга келиб биронта ҳам ишчиси бўлмай ерига ўзи экин экарди.

35 яшар Янтцен Гергард Герг хонадонда 33 ёшли хотини Анна, 20 яшар укаси Гергард истиқомат қилишган. Хонадон ихтиёрида 1 от ва 2 сигир ва бузоқчалар мавжуд бўлган. Г.Г. Янтцен 6 таноб ерида Паульс Мария деҳқончилик қилиб келган ва ҳосилни тенг шерикликда бўлишишган.

40 яшар Паульс Абсон Абсон хонадонда 44 ёшли хотини Аванна ва 13 яшар ўғли Пётр истиқомат қилишган. Хонадонда бир от, 2 сигир ва 2 хўкиз, бир бузоқ боқилган. А.А.Паульснинг 6 таноб ерида доимий равишда немис миллатига мансуб киши ёллатиб ишлаган.

Эверет Герман Генрихович хонадонда 25 яшар тенгқур хотини Елизавета билан иккаласи яшашган. Хонадон ихтиёрида бир от, сигир ва хўкиз, 2,45 таноб ер мавжуд бўлган. Е.Квиринг мавсум қизгин пайтлари Худойберган исмли маҳаллий фуқарони кунига 1 руб 50 тийин бериб деҳқончилик ишларига жалб қилган. Ўзи хунармандчилик билан шуғулланган.

Клацен Густав Егорович 29 ёшда бўлиб, хотини Анна 23 яшар бўлган. Хонадон ихтиёрида 1 сигир, 3 қўзичоқ мавжуд бўлган. Г.Клацен 1,4 таноб ерни ижарага олиб деҳқончилик қилишган. Г.Клацен 1931 йили Оқмачитга Волжск ўлкасидан кўчиб келишганди.

Янцев Герман Гринг 30 ёшда бўлиб, 27 ёшли хотини Зара билан иккаласи яшаётганди. Хонадон ихтиёрида 2 сигир ҳамда 3 таноб ер мавжуд бўлган. Жуманиёз Балинча деган маҳаллий фуқарога ерини ижарага бериб, ҳосилни бўлиб олишган. Г.Янцев хунармандчилик билан шуғулланган.

Эверт Генрих Фёдор 58 яшар бўлиб, хонадонда 52 яшар хотини Маргарита, 18 ёшли қизи Мария учаласи яшашган. Хонадон ихтиёрида бир от, 2 сигир, 1 қўй ҳамда 2 таноб ер мавжуд бўлган. Мавсум қизгин пайтларида кунига 2 рубль пул тўлаб ёлланма деҳқон меҳнатидан фойдаланишган [5].

Шу тариқа 1934 йил апрелда Хоразм округ ИИХК томонидан 82 оиладаги ер эгаллиги, уларнинг чорваси, умуман яшаш тарзи ўрганилиб чиқилади. Натижада ушбу ҳолат юзасидан марказга ахборот берилади ва уларнинг колхозга киришни истамаслиги, яккадеҳқон хўжалиги ёки фермер хўжалиги сифатида фаолият кўрсатишни талаб қилаётганлиги, болаларини совет мактабларида ўқитмай ўзларининг қишлоқдаги немис мактабларида ўқитилаётганлигига эътибор қаратилади. Табиийки бундай ҳолат коллективлаштириш мажбурий олиб борилаётган даврда совет сиёсатига қаршилик деб тушуниларди. Ана шу сабаблар туфайли 1935 йилнинг 10 июнь куни Оқмачитда яшаётган немис меннонитлари Тожикистонда қурилаётган Вахш сув омбори қурилишига жалб этилади. Қурилиш тамом бўлгач эса Тожикистондан Россия орқали Канадага кўчириб юборилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Россия ижтимоий сиёсий ташкилотлар давлат архиви, 62 фонд, 2 рўйхат, 2141 иш, 125-127 бетлар).
2. У.Бекмухаммад “Хоразмда яшаган немислар” Урганч-2019 йил, “Хоразм” нашриёти.
3. В.Гиршьфелд, М.Н.Галкин “Военно-статистическое описание Хивинского оазиса”, Т, 1912 г.
4. “О современном состоянии Хорезмского ханства”. ЦГА РУз, ф 2, оп 1, д 314, л 48.
5. Хоразм вилоят давлат архиви, Ф №69, оп№1, д-322.

УЎК 93/94

БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ ЖАДИД МАКТАБЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ

Ф.Х. Бобожонова, доц., т.ф.н., Бухоро Давлат Университети, Бухоро

Аннотация. Мақолада XX аср бошларида Бухоро амирлигидаги жадид мактаблари, мактабда ўтиладиган дарслар, фанлар, дарсликлар манбалар асосида ёритиб берилган. Шунингдек, жадид мактабларининг очилиши, фаолияти, муаммолари, моддий аҳволи ва таъминоти масалалари ҳам кўриб чиқилган.

Калим сўзлар: янги усул мактаблари, дарслар, дарсликлар, фанлар, тарих, имтиҳон, таълим, тарбия, ўқув жараёнлари

Аннотация. В статье описаны джадидские школы в Бухарском эмирате в начале XX века, уроки, проводимые в школе, наука, учебники на основе источников. Обсуждались также открытие, работа, проблемы, финансовое положение и обеспечение школ джадидов.

Ключевые слова: новометодные школы, уроки, учебники, предметы, история, экзамены, обучение, воспитание, учебные процессы

Abstract. The article reveals historic data about new-principle schools of Bukhara Emirat during the early XX century, as well as their classes, manuals, and disciplines on the basis of sources. Moreover, some information about establishing of new-principle schools, their activity, problems, financial condition and provision are mentioned.

Keywords: new-principle schools, classes, manuals, disciplines, history, examination, education, upbringing, educational processes

Янги усул мактаблари – мусулмон мактабларининг дастурларини ва таълим усулини ислоҳ қилиб, болаларга ўз она тилида хат-савод ўргатишга қаратилган ўқув муассасалари бўлиб, илк бор Қримнинг Боқчасарой шаҳрида татар маърифатпарвари Исмоилбек Гаспиринский (Гаспирали) томонидан 1884 йилда ташкил этилган ва унга усули савтия тадрижия (ривожланувчи товуш усули) деб ном берилган.

Анъанавий мактабдаги ўқитиш усули ёд олиш, яъни ҳарфлар ва матнларни ўқитувчи овозидан илиб олиниб, такрорлаш усулига асосланган бўлиб, унда савод чиқариш қийин кечарди. Исмоил Гаспиринский илгари сурган савтия, янги усул, яъни товуш усули ҳарфларни товуш чиқариб ўқиш тартиби эса осон ва тез савод чиқариш имконини берар эди. Шу сабабли бу янги таълим тизими усули савтия (товуш усули), усули жадид (янги усул) номларини олган эди. Янги усулда ўқиш ва ёзиш баробар ўргатилганлиги, айниқса, муҳим эди.

Бухорода жадид мактабларининг ташкил этилиши 1900-1903 йилларга тўғри келади. Айнан шу йилларда татар ўқитувчилари томонидан илк янги усул мактаблари очилади [5].

1900 йилида Бухорода Пирмаст туманидаги Пўстиндўзон қишлоғидан бўлган Мулла Жўрабой томонидан амир Абдулаҳадхон рухсати билан янги усул мактаблари очилади, аммо орадан уч ой ўтгач, унинг фаолияти тўхтатилиб, муаллимлари қувғинга учрайди [11;83]

Садриддин Айнийнинг ёзишича, Бухорода бу пайтда мавжуд бўлган янги усулдаги татар мактаби татар тилида бўлганлигидан бухороликларнинг фойдаланишлари қийинроқ эди. Шу сабабли маҳаллий тараққийпарварлар ўзлари янги усул мактаби очиш ҳаракатига тушдилар [9;200]

Янги Бухоро (Когон)да ҳам янги усул мактаби татар муаллимлари томонидан очилиб, унга жойни амир ҳукуматининг ўзи кўрсатиб берган эди. Дастлаб унда татар муаллимлар, кейинчалик эса

маҳаллий муаллимлар дарс беради. Бу мактаб учун ҳукумат 20 минг рубль (сўм) инъом этади. У бир неча бор ёпилиб, яна фаолият кўрсатган [5].

Бухорода илк маҳаллий янги усул мактаблари 1903-1904 йиллардан очила бошланган [1]. 1903 йилга келиб Бухорода 6 та янги усул мактаби ташкил этилган эди. Ҳатто уламоларнинг илғор фикрли айрим вакиллари, хусусан, Муфти Икром янги усул мактаби шариатга хилоф эмаслигини тан олади [16;86].

1908 йилнинг октябрь ойида Бухоронинг Дарвозаи Саллоҳхона гузарида Мирзо Абдулвоҳиднинг уйида ўқиш маҳаллий тилда олиб бориладиган янги усул мактаби расман очилади ва унга Мирзо Абдулвоҳид муаллим этиб тайинланади [8].

Маҳаллий зиёлилардан Садриддин Айний бошланғич мактабнинг тўрт синфдан иборат бўлишини таклиф қилади [10;8]. Шу сабабли янги усул мактабларидаги синф хоналарида география хариталари, глобуслар ва бошқа кўргазмалар қўлланмалар бўлган. Ҳат-савод болаларнинг она тилида, товуш усули (усули савтия) да ўргатилган. Янги усул мактаблари, асосан, 1-4 синфдан иборат бошланғич мактаб бўлган [7].

Янги усулдаги мактабларда янги дунёвий билимлар ўқитилиб, эскириб қолган ўқитиш услубидан эса воз кечилса-да, лекин ўқувчиларнинг маънавий дунёсини шакллантиришда ислом дини асос қилиб олинди. 1908 йилда Садриддин Айний янги усулдаги татар мактабларининг тажрибасига таяниб, татар мактаби муаллими Бувала Абдурахмон Саидий билан биргаликда дарсликлар ёзади. Шулардан бири “Тартил ул-Қуръон”, яъни Қуръони Каримни ўқиш ва талаффуз қилиш қоидаларини ўрганишга бағишланган китоб, “Таҳзиб ус-сибиён” – ахлоқий тарбия, яъни одобнома китоби эди. Унда “Тарбия кўрган бола”, “Одобли бола”, “Ота-она”, “Устоз-муаллим”, “Марҳаматли Аҳмаджон”, “Мактаб қоидасига доир ҳикоят”, “Мактаб қандай бўлиши керак”, “Ҳикояти Тош”, “Ақлли одам ва юксак бахт соҳиби”, “Бадбахт одам”, “Араббен ва унинг дўстлари” каби ўнлаб кичик ҳикоялар ахлоқий тарбияга қаратилган эди.

1909 йилнинг кузида Мирзо Абдулвоҳиднинг мактабида ҳам худди татар мактабидаги каби ошкора имтиҳон ташкил этилади. Имтиҳонда Бухоро кўшбегиси Остонакул, қози калон Бурҳониддин ва раиснинг вакиллари иштирок этишади, Бухоро муфтийларидан янги усул тарафдори бўлган Домла Икром (Икромча), Самарқанддаги янги усул мактабидан Мулло Абдулқодир Шакурый ҳам қатнашади. Имтиҳон мажлиси эртадан оқшомгача давом этади. Садриддин Айнийнинг қайд этишича, Бухоронинг воқеаталаб кишиларининг кўпчилиги қизиқиш билан имтиҳонга келадилар. Имтиҳон келганларда жуда зўр таассурот қолдирган. Бировлар болаларнинг тайёргарлигини кўриб, қувонганидан йиғлаб юборган, яна кимлардир ушбу янги усул мактаби учун янги бино ҳозирлаш ҳақида фикр қилган. Мажлисда қатнашган муфти Домла Икром ва Бухорода энг биринчи газета ўқиган 80 яшар Бўрибой афандининг “Мен умидворманки, ўн йилгача Бухорода инқилоб воқеъ бўлур, ватан авлоди бу кунги разолат ва сафолатлардан қутулур. Эсизки, у кунни мен кўра олмайман, сиз ёшлар, кўрасиз. Минг қатла шукурким, ишнинг бошланганлигини кўрдим” деб кўзига ёш олиб, мажлис аҳлига қилган мурожаати тўпланганларга катта таъсир этган. Домла Икром эса шундай деган: “Ёш болаларнинг оз бир фурсатда шунча керакли нарсаларни ўрганганликларини ўз кўзимиз билан кўрдик. Мен, бу мактабни шариатга мувофиқ ва мусулмонларга нофеъ (фойда) деб билдим”. Мажлис иштирокчиларининг аксарияти домланинг фикрларига қўшиладилар. Худди шундай имтиҳон Самарқандда Шакурый мактабида ҳам ўтказилган эди.

Мирзо Абдулвоҳид мактабидаги ошкора имтиҳондан кейин янги усул мактаби тўғрисидаги фикр билдирувчилар икки гуруҳга бўлинган. Иштирокчилар ўртасида катта баҳс бошланиб кетган. Бу баҳснинг келиб чиқишига, биринчидан, янги мактабга баҳо бериш масаласи, иккинчидан, мактабда қандай фанларни ўқитиш масаласи сабаб бўлди.

Вазият мураккаблаша бошлади. Бундан хавфсираган Бухородаги Россия сиёсий агентлиги ходими Лютин 1909 йилнинг 12 декабрида Туркистон генерал-губернатори номига мактуб йўллади. Мактубда, жумладан, Бухоро шаҳридаги мутаассиб муллалар ва уларнинг ҳатти-ҳаракатлари, янги усул мактабига муносабатлари ҳақида фикр билдирилади. Амирнинг янги усул мактабини шаҳар ташқарисига чиқариш фикри маълум қилинади [1].

Тез орада Бухоро, Карки, Шаҳрисабз, Қарши ва бошқа шаҳарларда ҳам янги усулдаги мактаблар очилади ва ўз самарасини бера бошлади.

1911 йилнинг бошларида Мукомилдин Бурҳонов томонидан Бухорода янги усул мактаби очилади. Ушбу мактабдаги ўқувчилар сони 40 нафардан ортиқ бўлган. Бухородаги жадид мактаблари ичида Мукомилдин Бурҳонов ташкил этган мактаб ўзининг жиҳозланиши билан ажралиб турган, унда ойналик деразалар, темирдан ясалган печкалар мавжуд эди. Янги ўқувчини қабул қилиш, синфдан синфга кўчириш, мактабни битириш қатъий тартибда бўлган, ўқувчилар билимини баҳолаш 6 баллик тизим билан амалга оширилган, имтиҳонлар ташкил этилиб, улар тарғибот мақсадида ошкора, намоийшкорона тарзда ўтказилган [13;86].

Бухорода Амир Олимхон томонидан амалга оширилган тадбирлардан бири – мавжуд кичик-кичик (баъзан 3-4 нафар ўқувчидан ташкил топган) мактабларни йирикроқ қилиб бирлаштирилиши, мактаб ўқитувчилари учун хазинадан маош тайинланиши бўлиб, бу соҳага озроқ бўлса-да ҳукуматнинг аралашаётганлигидан далолат берар эди [16]. Бу ҳақда ўша давр матбуоти хабар қилади.

1911-1912 йилларда Бухоро амирлиги ҳудудида янги усул мактабларининг сони 57 тага етади [12;260]. 1912 йилнинг 9 октябрида Чоржўйда Отахўжа (Отаулла Хўжаев)нинг янги усул мусулмон мактаби очилади. Бу мактабга Чоржўй ҳокими томонидан хайрия қилинганлигини 1912 йил 28 июндаги 1243 рақам остидаги кўшбеги фармонидан кўришимиз мумкин [5]. 1912 йилнинг бошларида Ёш бухороликларнинг фаол аъзоларидан бўлган Усмон Хўжа жаид мактабларидан бирини қайта ташкил этади.

1912 йилнинг охирида Усмон Хўжанинг қариндоши Латиф Хўжа томонидан Говкушон маҳалласида янги мактаб очилади. Шаҳар савдогарлари ҳомийлигида ишлаган ушбу мактаб 2 синфдан иборат бўлиб, ҳар бир синфда 3 та глобус, китоблар, ўтириш ва ёзиш учун парталар, ўқувчиларга бериладиган дафтарлар, ўқув қуроллари, деворий тахта (доска) бўлган. Битта синфда бошланғич таълим олувчилар, иккинчисида эса олти ой таълим олганлар ўқиган. 30 кишидан иборат икки синф ўқувчиларининг барчаси Бухородаги бой савдогарларнинг фарзандлари бўлиб, улар тез ва тўғри ўқийдиган бўлишган. Мазкур мактабда тан жазоси қўлланилмаган [1].

1912 йилда Бозори Навгузарида ўқитувчи Мулло Ҳамид хўжа уйида янги мактаб очилади, унда 32 нафар ўқувчи бўлиб, дарслар рус тилида олиб борилган. Ўқитувчи Мулла Вафо дарсларни Граменицкий дарслиги асосида олиб борган. Кўп ўқувчилар олти ойда рус тилида равон ёзиб ва ўқиб билган [15]. Мулла Вафо мактабида 30-35 бола ўқиган. Бундан ташқари яна бир қанча мактаблар фаолият кўрсатган. Бундай мактаблар Бухоро халқининг эътиборини қозонган ва ўзининг келажаги порлоқ эканлигини кўрсатган [1].

Мактаблар кўпинча унинг ташкилотчилари томонидан таъминлаб турилган, айрим ҳолларда, уларга бой-бадавлат кишилар ҳомийлик қилиб туришган. Булардан ташқари, мактабларнинг таъминоти ота-оналар томонидан бериладиган ўқиш пули ҳисобидан ҳам йўлга қўйилган. Масалан, Абдулвоҳид Мунзим (Бурҳонов) ташкил этган мактабда ўқиш пули ойига 3 сўмни ташкил этган. Ўқувчиларнинг 15-20%и, асосан камбағалларнинг фарзанди бўлиб, улар бепул ўқитилган [3].

Жаид мактаблари икки босқичда ташкил қилинган. Биринчи босқич бошланғич, иккинчи босқич ўрта деб аталди. Биринчи босқичда таҳсил муддати 4 йил (1-4 синфлар) бўлиб, биринчи йили форсча, арабча ёзув ва ўқиш ўргатилган. Қуръони Каримдан суралар ёд олинган. Ҳисоб илми ўргатилган. Иккинчи йилида Ҳафтияк, иймон ва эътиқод дарслари, туркий, форсий ва арабий тилларда шеърлар ўқитилган. Учинчи йилида эса Қуръони Карим, ислом ибодати, тажвид (қироат илми), Саъдийдан насиҳатлар (ахлоқ илми), туркий ва форсий тил (тилшунослик илми) ўргатилиб, ундан иншолар ёздирилган. Ҳисобдан турли тақвимий ва иш юритиш каби зарурий жиҳатлар ўқитилган. Тўртинчи йилда Каломи шариф тафсири, муфассал тажвид, туркий ва форсий тилида назму наср (адабиёт), туркий ва форсий тил, ҳисоб, тарих ва жуғрофия ўқитилган.

Шунингдек, жаид мактабларида арифметика, география, табиатшунослик (қаттиқ асос, газ, ҳаво, иссиқ, совуқ), табиий билим асослари (шу жумладан, минералогия ва ҳаттоки анатомия; химия ва физика элементлари) ўқитилган.

1913 йилда амирликнинг Ғиждувон туманида Абдул Ҳаким Хўжа бир неча янги усул мактабини очишга муваффақ бўлган. Унинг ўзи очган мактаблари учун дарсликлар ёзган, ёши катталар учун кечки мактаблар ташкил этилган.

1913 йилда Қоракўл туманида амлоқдор Ғулом Қодир билан Қози Иқром бир мактаб очиб ўз болаларини ва хоҳловчиларнинг болаларини ўқитишни ташкил этган. Бу ерда Сулаймонхўжа томонидан газета тарқатилиб, китоблар келтирилиб, кутубхона иши йўлга қўйилган.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, янги усул мактаблари 1910, 1911, 1912, 1913 йилларда амирлик ҳудудлари бўйлаб кенг тарқалган, гарчанд, уларнинг ўқувчилари унчалик кўп бўлмаса-да, янги усулдаги мактаблар тўғрисидаги тасаввурни шаклланишига ҳамда аҳолининг ушбу мактабга нисбатан хайрихоҳ бўлишига ёрдам берган.

1912-1913 йилларда Бухоро шаҳрида мулло Абулқосим, Муқомолиддин Махсум, Ғиёс Махсум Ҳусайн томонидан яширин мактаблар очилиб, уларда 100 дан ортиқ бола ўқишган.

Бухоро шаҳрининг Мор Кушон ва иккинчи Хиёбон гузарларида очилган мактабларни шаҳарнинг бой савдогарлари таъминлаб турган. Абул Қосим мактабидаги ўқувчилар сони 300 нафардан ортиқ бўлиб, ўқув икки сменада олиб борилиб, дарслар Техрон (Эрон)да нашр этилган дарсликлар асосида ташкил этилган [14].

Бухорода жаидчилик ҳаракатининг жонқуярларидан бири Ота Хўжа Пўлатхўжаев (Отаулла Хўжаев)дир. У маслакдошлари билан янги усул мактабини очади, бир неча ойдан сўнг бу мактаб амир ҳукумати томонидан ёпиб қўйилади.

1914 йилда Бухорода ном чиқарган, машхур Усмон Хўжанинг мактабида 200 нафар [2], Эшон Ҳомид Хўжанинг мактабида (Бозори Нав гузарида) 100 нафар, Мулла Вафонинг мактабида 80 нафар ўқувчи таълим олган [11;83]. Булардан Мулла Вафонинг мактабида дарслар рус тилида олиб борилган.

1914 йилга келиб Бухородаги барча янги усул мактаблари қаттиқ қаршиликка учрайди. Амирликнинг ўта мутаассиб руҳонийлари жаид мактаблари хусусида шундай “фатво” беришади: “У (яъни мактаб) шариатга қарши. Биринчи йилда ўқувчилар газета ўқийди, иккинчи йилда озодлик талаб қилади, учинчи йилда эса олий ҳазратларини тахтдан ағдаради”.

Амирликнинг чекка худудларидаги янги усул мактаблари ҳам тазйикқа учрайди. Масалан, Қорақўлдаги амалдор Ғулом Қодирнинг мактаби ҳам 1914 йилда амирнинг фармони билан ёпилади.

1914 йилда “Ойна” журналида Мирзо Улуғбек жоме масжидининг муаззини 5-6 минг киши ҳузурида “ким боласини усули жаид мактабига берса, ўзи кофир, хотуни талок”, деб айтгани ҳақида маълумот берилади.

1914 йил 4 июлда амир Олимхон одатдагидек жума намозига борган пайтида мутаассиб руҳонийлар янги усул мактабларини ёпиш тўғрисида шикоят қилишади. Қозикалон Бурҳониддин жаид мактабларини бадном қилувчи ва бу мактабларни тезда ёпишга қаратилган қуйидаги мазмунда амир Олимхонга ариза ёзади: “Амир марҳум даврларида уламнинг фатволари билан усули жаид мактабларининг ҳаром ва бидъатлиги собит бўлиб, жаноби олийнинг амрлари билан ёпилган эди. Бир неча вақтдан бери яна муфсид жаидлар бош кўтариб, шаҳарнинг ҳар тарафида мактаблар очиб, халқнинг болаларини бузиб, фитна ва фасод кўзғатиб юрибдурлар. Агар жаноби олийнинг амрлари билан ушбу мактаблар тезлик билан боғланмаса, муллабаччалар бу бидъатни барҳам бермоқ учун ўзлари кўзғалишлари аниқдир. У ҳолда мамлакатда фитна ва фасодлар кўпайиб, давлати олийга зарар етиши эҳтимолдир” [9;210].

1914 йилнинг 5 июлида амир Саид Олимхоннинг фармони билан Бухородаги барча жаид мактаблари ёпилади [11;93].

Бухоронинг мутаассиб, диний уламлари амир Саид Олимхонга мактуб ёзиб, янги усул мактабларини ёпиш кераклигини айтиб пўписа қиладилар: “Олампаноҳ бохабар бўлинг, сизнинг подшоҳлигингизда нохушлик бўлмасин”[1]. Шундан сўнг амир фармони асосида қўшбеги ва қози калон бошчилигида мавжуд бўлган янги усул мактабларини очмаслик учун ўқитувчи ва ота-оналардан тушунтириш хати олинади. Россия империясининг Бухородаги сиёсий агентлиги вакиллари ҳам амир сиёсатини қўллаб-қувватлайди.

Амир Саид Олимхоннинг янги усул (жаид) мактабларини ёпиш тўғрисидаги фармони 1914 йилнинг июлида қўшбеги Насрулло орқали амалга оширилди [1].

Шундай қилиб, 1914 йилнинг иккинчи ярмида Бухорода фаолият юритувчи барча янги усул мактаблари амирлик ҳукумати томонидан ёпиб қўйилади.

Аmmo бу муаммонинг расмий жиҳати бўлиб, амалда ёпилган тўрт мактаб ўрнига муаллим ва ўқитувчиларнинг уйларида 45 та норасмий яширин мактаблар ўз фаолиятини бошлади [1]. Шу йилларда Бухорога қўшни бўлган Фарғона вилоятида 30 та янги усул мактаблари мавжуд бўлган бўлса, Еттисув вилоятида 12 та мактаб [4], Сирдарё вилоятида 16 та янги усул мактаби фаолият юритган [4].

Янги усулдаги таълимни Бухорода таъқиқлашни тўла-тўқис амалга ошириб бўлмас эди, чунки бу даврга келиб либералларнинг қарашлари ва янги усул таълими илдиз отиб улгурган эди. Бухоронинг бой табақалари вакиллари эндиликда ўз болаларини хусусий тарзда жаидларда ўқитаётган эди [17;88].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. ЎзР МДА, 2-фонд, 1-рўйхат, 268-иш, 7-9-10-13-20-29-34-варақлар.
2. ЎзР МДА, 3-фонд, 1-рўйхат, 268-иш, 3-варақ.
3. ЎзР МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 1148-иш, 234-варақ.
4. ЎзР МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 955-иш, 196-201-224-варақлар.
5. ЎзР МДА, 126-фонд, 1-рўйхат, 1988-иш, 1-2-варақлар
6. ЎзР МДА, 640-фонд, 1-рўйхат, 5-иш, 45-46-варақлар.
7. ЎзР МДА, 1010-фонд, 1-рўйхат, 66-иш, 41-варақ.
8. Бухоро Давлат меъморий-бадий музей-кўриқхонаси қўлёзма фонди, 1573-инвентарь.
9. Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар //Асарлар.– Тошкент: Бадиий адабиёт, 1963. I-том.– Б. 200.
10. Айний С. Таъзиб ус-сибён. – Б. 8-14.
11. Бюллетень САГУ. Вып.16. –Ташкент: САГУ, 1927.–С.83.
12. Бендриков КЕ. Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865-1924). – С.260.
13. Гафаров Н. История культурно-просветительской деятельности джаидов в Бухарском эмирате. – С.86.
14. // Бухоройи шариф, 1912. – 29 ноябрь.
15. // Ойна, 1914. – 28 январь.
16. // Туркестанские ведомости, 1911. – 14 апрель.
17. Zenkovsky S.A. Pan-Turcism and islam in Russia. – Cambridge-Massachusetts: Harvard University Press, 1967. – P.88.

**КРИМ ДАВРИЙ МАТБУОТИДА БУХОРО АМИРЛАРИ ТАШРИФЛАРИНИНГ
ЎРИТИЛИШИ**

О.А. Кличев, докторант (DSc), Бухоро давлат университети, Бухоро

Аннотация. Мазкур изланишида Россия давлат кутубхонасида сақланаётган “Крымский курьер”, “Крым”, “Крымский вестник” каби газеталардаги Бухоро амирларининг Россия империяси ҳудудига амалга оширган таширф тафсилотлари хусусидаги маълумотлар тадқиқ этилган. Газеталардаги маълумотлар ўрганилаётган масалага доир архив ҳамда сафар таассуротлари натижасида ёзилган хотиралардаги маълумотларни тўлдиришига хизмат қилиши кузатилади.

Калим сўзлар: *Амир Абдулахад, Ялта, фахрий фуқаро, Севастополь, Ливадия саройи, газета, Император Николай II, Симферополь, васаллик тушунчаси*

Аннотация. В данном исследовании изучаются сведения о подробностях визитов Бухарских эмиров на территорию Российской империи, в таких газетах как “Крымский курьер”, “Крым”, “Крымский вестник”, хранящихся в Российской государственной библиотеке. Сведения из газет послужили дополнению сведений из воспоминаний, написанных в результате изучения архивных документов, а также впечатлений о визите, связанных с исследуемым вопросом.

Ключевые слова: *Эмир Абдулахад, Ялта, почётный гражданин, Севастополь, Ливадийский дворец, газета, Император Николай II, Симферополь, понятие «вассальства»*

Abstract. In this study, the information on the details of the visit of the emirs of Bukhara to the territory of the Russian Empire in such newspapers as “Krimsky Kourier”, “Krim”, “Krimsky vestnik”, which are kept in the Russian State Library, was investigated. It was observed that the information in the newspapers served to fill the information gap in the memories recorded as a result of the archive and the impressions of the trip on the subject being studied.

Keywords: *Emir Abdulakhad, Yalta, honorary citizen, Sevastopol, the Palace of Livadia, newspaper, Emperor Nicholas II, Simferopol, the concept of vassal*

Крим даврий нашрлари тарихига доир маълумотларга кўра, Россия империяси таркибидаги Таврическ губерниясида дастлабки матбуот 1838 йилда ташкил этилган. 1838-1917-йиллар оралигида ушбу ҳудудда уч юздан ортиқ даврий нашр (журнал, газета, бюллетень, эстлатма)лар чоп этилган [1: 291-297].

Амир Абдулахад ҳамда Олимхонларнинг Крим минтақасидаги ташрифини ёритишга хизмат қилган “Крым”, “Крымский курьер” ва “Крымский вестник” маҳаллий нашрлари ҳам мавжуд. Россия давлат кутубхонаси фондида ишлаш жараёнида уларнинг фақат айрим йил ва сонларигина мавжудлиги аниқланди. Тадқиқ этилаётган масалага тегишли манбалар қаторида ушбу газета маълумотлари ҳам ўрганилди. Мазкур газеталарнинг амир ташрифини ёритишдаги ўрни, улардаги мақолаларнинг мазмуний ва ўзаро бир-биридан фарқли томонларининг таҳлили ҳам амалга оширилди. Энди уларнинг ҳар бирини тадқиқ этсак:

“Крым” газетаси Симферополда нашр этилган ижтимоий, адабий ва сиёсий газета. Унинг сонлари байрам кунларидан ташқари ҳар куни Симферополдаги Е.А.Муратов типографиясида чоп этилган. Газета Симферополь, Санкт-Петербург, Феодосия, Бердянск, Ялта, Керчь, Мелиополь шаҳарларида ўз вакиллик муассасаларига эга бўлган. Газета “Телеграмма Крыма”, “Вести и факты”, “Дневник печати”, “Хроника”, “Фельетоны Крыма”, “Искусство и литература”, “Корреспонденции (От наших корреспондентов)”, “Внутренние известия”, “Внешние известия” каби рукнлардан иборат. Бухоро хукмдорининг Симферополь орқали Ялтага йўналганлиги сабабли “Крым” газетаси амирнинг ушбу шаҳардаги ташрифини ёртишга хизмат қилган.

Газета хабарлари амирнинг қайси ҳудудга қандай транспорт воситасида ҳаракатланганлиги ҳақида маълумот беради. Бухоро амирининг ташрифига доир хабар ва мақолалар газетанинг “Хроника” рукнида ёритилган.

Газетанинг ҳар кунда чоп этилиши ундаги хабар матнининг қисқа шаклида берилишига хизмат қилган.

Россия империясининг марказий ҳамда маҳаллий нашрлари Бухоро амирининг илк ташрифини ёритишдан олдин амирлик ва империя ўртасидаги муносабатлар тарихи, унинг жорий ҳолати хусусида ўз муштарийларини хабардор этишга интилган. “Крым” газетаси саҳифаларидаги мақола матни билан танишиш жараёнида икки давлат муносабатларининг мавжуд ҳолати хусусида куйидагилар баён этилганлигини кўриш мумкин.

“Дарвоқе, бизда нимагадир Бухорони Русия вассали деб ўйлашади. Бундай қараш тўғри эмасди. Ўз сюзерени(хукмдори)га ўлпон тўлайдиган ҳамда унинг ёрлиги билан тахтга чиқариладиган киши вассал деб аталади. Россия ва Бухоро ўртасида бунга ўхшаши муносабат мавжуд эмас, Бухоро бутунлай мустақил ҳисобланиб, фақатгина Россия таъсир доирасида бўлиб, давлатимиз билан яқин

дўстона муносабатдадир. На ўлпон, на инвестирура (тахтга чиқишни расмийлаштириши) ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Марҳум Александр Александровичнинг Бухоро амиридан орден қабул қилгани Бухоронинг Россияга нисбатан ҳаёлий вассалона муносабат тўғрисидаги фирқларни рад этади. Зеро, сюзерен ҳеч қачон ўз вассалидан орден қабул қилмайди. Муҳтарам меҳмонларимизнинг келиши ҳақида мана шуларни айтишни лозим деб билдим [2].

Ушбу маълумотлар амир ва император ўртасидаги ҳукуматлараро алоқалар вассал ва ҳукмдор муносабатлари эмас, балки яқин қўшничилик доирасидаги муносабатлар эканлиги тўғрисида империя жамоатчилиги ўртасида ижтимоий фикрни шакллантиришга қаратилганлигини кўрсатади.

"Крым" газетаси маълумотларидан Бухоро амирининг Севастополь ва Ялтага қайси саналарда ташриф буюргани, Симферополда кимлар томонидан кутиб олинганлиги ҳамда амирлик орден ва медалларига муносиб топилган маҳаллий амалдор ва маъмурлар тўғрисида ҳам билиб олиш мумкин. Шу билан бирга газетада амирнинг Ялтадан Бухорога қайтиш йўналиши ҳақида хабарлар берилган.

"Кеча 1 апрелда Бухоро амири жаноби олийлари тоғ йўли орқали Ялтадан Боғчасаройга, у ердан поезд билан Симферополь, Синельникова, Ростов-на-Дону, сўнгра Кавказ ва Бухорога жўнаб кетди" [3].

"Крымский вестник" газетаси ҳам амирнинг Қрим ташрифларини ёритган нашрлардан биридир. Газета "Телеграммы", "Между прочим", "Хроника", "Корреспонденции (от наших корреспондентов)", "Внутренний отдел", "Заграничная жизнь" каби рукнлардан иборат бўлган. Газетадаги хабарларда Қримнинг Боғчасарой ҳамда Симферополь шаҳарларидаги воқеалари ҳам ёритилади. Улар газетанинг ўз мухбирлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида чоп этилган. Ушбу газета ҳам кунлик нашр эканлиги боис амир ташрифларига доир маълумотлар, асосан, "Хроника" рукнида бериб борилган. Улардаги хабарлар асосида амирнинг Севастополга келиши, унга ҳамроҳлик қилган амирлик ва империя амалдорлари ҳамда худуд маъмурлари томонидан кутиб олинishi ва амирлик орденларига муносиб шахслар, улар эгаллаб турган мансаб ва лавозимлар ҳақида тушунчага эга бўлишимиз мумкин.

Архив ҳужжатларида деярли учрамайдиган Бухоро амирининг Қримда амалга оширган учрашувларига доир маълумотлар "Крымский вестник" саҳифаларида ҳам чоп этилиши муҳим аҳамият касб этади. Шундай маълумотлардан бири Бухоро амирининг Ливадияда Император Николай II ва унинг оила аъзолари ва империя амалдорлари иштирокидаги нонушта тафсилотларидир.

"3 сентябрь куни Бухоро амири Сайид Абдулаҳад Ливадияга нонушта қилиш учун тақлиф қилинди. Ливадия саройининг катта ошхонасида 26 кишилик дастурхон тuzатилган. Стол марказида Ҳукмдор Император, унинг яқинида сарой вазири генерал-адъютант барон Фридерикс, Олий ҳазратнинг ўнг томонида Бухоро амири жойлашган эди. Ҳукмдор Император Бухоро ордени лентасида, Бухоро амири жаноби олийлари эса Муқаддас Андрей ордени ленталарида эдилар" [4].

Бу каби хабарлар амир Қрим минтақасида ҳам Россия императори билан учрашганлигини тасдиқлайди.

Хабарлар орасида Бухоро амирининг Ялтада қурилган саройи ҳақида қуйидаги маълумотларни учратамиз.

"Жаноби олийлари Ялтанинг энг гўзал беагаи деб ҳисобланган ўз саройида жойлашди. Сарой шарқона ҳашамат билан безатилган. Хоналарининг эртақнамо жиҳозланиши у ерга ташириф буюрувчиларни ҳайратга солади. Саройнинг тунги кўриниши юзлаб турли рангдаги чироқлар ёруғида ажойиб таассурот уйғотади"[5].

Сарой очилиш маросими хусусида Ялта шаҳрида чоп этилган "Крымский курьер" газетасида ҳам қуйидаги маълумотларни учратиш мумкин.

"[...] Шундан сўнг жаноби олийларига қурилиш ишларининг бошқарувчиси М.М. Гвоздевич нон ва туз, сарой қурувчилари муҳандис В.Г. Тарасов, архитектор Н.Г. Тарасовлар баҳмал ёстиқча устига [қуйилган] сарой дарвозаси калитини тақдим этдилар. Жаноб олийлари шахсан ўзи дарвозани очиб ичкарига кирди ва ташириф буюрганларнинг барчасини саришта-сарамжон, тропик ўсимликлар билан безатилган меҳмонхонага тақлиф қилди. Меҳмонхонанинг ўртасида ҳар хил шириликлар ва таомлар турган стол тайёрланган эди. У меҳмонларни шу дастурхонга тақлиф этди"[6].

Империя, айниқса, Қрим минтақаси аҳолиси амирнинг Ялтага ташрифларига қизиқиш билдирган. Натижада, маҳаллий нашрлар ушбу масалани кенгроқ ёритишни мақсад қилган. Юкоридаги икки кичик маълумот орқали амирнинг Ялтадаги саройи шарқона услубда қурилиб шаҳарнинг беагаига айланганлигини, қурилишга раҳбар этиб М.М.Гвоздевич, муҳандис В.Г.Тарасов ҳамда архитектор сифатида Н.Г.Тарасовлар жалб этилганлигини билиш мумкин.

"Крымский курьер" газетаси ҳам "Телеграммы", "Хроника", "Вести и слухи", "Обзор печати", "Маленький фельетон", "Библиография", "Вечерние телеграммы", "Иностранные известия", "Справочный отдел" каби рукнлардан иборат. Бу газетада тадқиқ этилаётган масалага доир маълумотлар ҳам қисқа хабар шаклида берилади. Шу ўринда мазкур газетада Бухоро амири Ялта

шахрининг фахрий фуқароси ҳамда шаҳардаги кўчаларнинг бири унинг номи билан аталиши ҳақидаги маълумотлар чоп этилганлигини алоҳида таъкидлаш керак:

"31 март, яшанба куни Ялта шаҳри бошлиғи Н.Н.Чегодаев Таврическ губернатори орқали Ички ишлар вазирининг хабарига кўра Хукмдор императорнинг марҳамати билан, Бухоро амири жаноби олийларига Ялтанинг биринчи фахрий фуқароси унвони ҳамда Могаби кўчасига Бухоро амирининг номи берилганлиги ҳақидаги хабарномани олди".

Ёки:

"[...] Жаноби Олийларига самимий юксак эҳтиромни намоён этиш мақсадида Ялта шаҳри Думаси куйидагича қарор қабул қилади: Могаби кўчасига Бухоро амири жаноби олийларининг номини бериш ҳамда Бизни бахтиёр этган ҳолда Ялтанинг биринчи фахрий фуқароси унвонини олишингизни илтимос қилади"[7].

Бу Амир Абдулаҳаднинг шаҳар маъмуриятига кўрсатган ёрдамларининг эътирофи эди. Чунки Бухоро хукмдори Ялтада шахзода Алексей Николаевич номидаги мактаб курилиши учун 20.000 рубль миқдорида ҳамда яна бир неча йўналишларда хайрия ишларини амалга оширган.

Мазкур кичик тадқиқот юзасидан куйидаги мулоҳазаларни билдириш ўринли.

Амир Абдулаҳад ҳамда Олимхонларнинг Қрим - Боғчасарой, Симферополь, Севастополь, Ялта шаҳарларига амалга оширган ташрифларига доир муҳим маълумотларни *"Таржимон", "Крымский курьер", "Крым", "Крымский вестник"* каби маҳаллий газеталар ўз саҳифаларида ёритганлар.

Тадқиқот жараёнида архив ҳужжатлари ва сафар таассуротлари натижасида ёзилган хотираларда учрамайдиган Бухоро амирларининг империя бўйлаб ташриф тафсилотлари, худудлардаги даврий матбуот нашрларида кенгрок ёритилганлиги кузатилди. Бу ўз навбатида мазкур турдаги манбаларни яхлит ҳолда ўрганиш орқали тадқиқ этилаётган масалани теран ва аниқ англаш имконини яратади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Конрадская В.Л., Сидоренко И.И. Пресса Крыма сто лет назад // Ученые записки Таврического национального университета им В.И. Вернадского. Серия «Филология. Социальные коммуникации». -Т.25(65). Часть 1, -С.291-297.
2. Балабуха Н. Письма к читателям // Крым. 1896 год 8 июня, №127.
3. Хроника // Крым. 1902 год 2 апреля. №73.
4. Пребывание Их Императорских Величеств в Ливадии // Крымский вестник. 1909 год 5 октября, №255
5. Корреспонденции. (От наших корреспондентов) – Ялта, 5 го июля // Крымский вестник. 1904 год 6 июля, №172
6. Прибытие в Ялту Его Высочества генерал-адъютанта Сеид-Эмир Абдул Ахад хана Эмира Бухарского // Крымский курьер. 1904 год 6 июля, №151
7. Хроника // Крымский курьер. 1904 год 1 сентября, №199.

УДК 93/94

СРЕДНЕВЕКОВЫЕ ЛИТЕЙНЫЕ ФОРМЫ ИЗ БУХАРЫ

Б.Г. Курбанов, Бухарский Государственный Университет, Бухара

Аннотация. *Мазкур мақола X-XII ва XV – XVI асрларга тегишли кичик ҳажмдаги металл буюм қисмларини қуйиш учун ишлатилган, Бухоро шаҳрида амалга оширилган археологик қазилмалар жараёнида топилган уч дона қолипларнинг шарҳига бағишланган. Бундан ташқари, мақолада бошқа тош ва сополдан ясалган қолиплар кўриб чиқилади ва уларнинг ўрта асрлар Бухоро заргарлик ва металлсозлик ишида қуйма техниканинг ривожланишидаги ўрни очиб берилади.*

Калит сўзлар: *иш қуроли, қолип, қуйма, тош, сопол, ўйма*

Аннотация. *Данная статья посвящена предварительному обзору трех литейных форм найденных в процессе археологических раскопок на территории города Бухары, датируемых X-XII вв., XV – XVI вв. и использовавшихся для литья небольших металлических деталей. Также, рассматриваются другие каменные и керамические формы и раскрывается их роль в развитии литейной техники в ювелирном и металлическом деле средневековой Бухары.*

Ключевые слова: *инструмент, форма, литьё, каменные, керамические, гравировка*

Abstract. *This article deals with a preliminary overview of three casting molds found in the process of archaeological excavations in the territory of the city of Bukhara, dating back to the tenth-twelfth and fifteenth-sixteenth centuries respectively and used for casting small metal parts. Moreover, other stone and ceramic casting molds are considered and their role in the development of casting technology in the jewelry and metal crafts of medieval Bukhara is revealed.*

Keywords: *instrument, mold, casting, stone, pottery, engraving*

В ходе археологических раскопок, проведенных на территории города Бухары археологами, в разные годы, было найдено несколько средневековых форм для литья небольших металлических

деталей. Важно отметить, что каменные и керамические формы, в частности, и инструментарий в целом являются достаточно редкими находками в археологической практике и следовательно данная тема недостаточно раскрыта исследователями, хотя и имеются отдельные публикации. В данной ситуации введение в научный оборот новых, ранее неопубликованных находок, позволит расширить информацию о технике литья в ювелирном и металлическом деле средневековой Бухары. Данная статья посвящена предварительному обзору трех форм для литья, изготовленных из разного материала.

Первая литейная форма (рис.1) была найдена в 80-х гг. XX века археологом Некрасовой Е.Г. [1] на территории крепости Арк города Бухары, в археологическом слое X – XI вв. Она имеет прямоугольную форму и сделана из стеатита. Размеры литейной формы составляют 30x30x5мм. На пластинке выгравирована и выдолблена круглая форма с круглым куполообразным сквозным отверстием. Вокруг выгравированы семь симметрично расположенных кругов. В нижней части имеется небольшая ложбинка для заливки металла. Форма, возможно, была использована для изготовления тонкопластинчатых серег или круглых накладок с куполообразным выпуклым центром. Они могли служить деталями для различных украшений и деталей одежды: мужских поясов, металлических украшений девичьего головного убора, украшений для кос и т.д.

Следующая литейная форма была обнаружена в стратиграфическом шурфе у торгового купола Токи Заргарон (XVI в.) археологом Д. К. Мирзаахмедовым [2]. Это комплект из двух мраморных трапециевидных створок с одной мраморной литейной формой X-XII вв. Мрамор светло-серого цвета, отшлифован, одна из створок более массивная, другая поменьше: 65x48-52x52x6-10 мм; 68x44-58x14 мм; диаметр формы – 38 мм. В нижней части створок имеются литниковые отверстия. Форма данного типа могла применяться при отливке круглых тонких металлических пластин для украшения одежды или после дальнейшей обработки, - детали ювелирного изделия.

Последняя, третья керамическая литейная форма неправильной трапециевидной формы была найдена во время раскопок около мечети Магоки Аттори в 2011 году в слое XV – XVI вв. В центре круглая форма с углублениями различных диаметров внутри. В центре формы имеется отверстие, заполненное металлическим гвоздиком. К форме примыкает ложбинка для поднятия готовой металлической пластинки. Размеры: 53-59 x50-59 x 18 мм.

Отлитые в вышеописанных формах детали могли служить как накладные украшения, являясь частью ювелирного изделия или соединенные вместе, они могли выполнять роль завершенного изделия. Подобные пластинки широко использовались для украшения деталей как женской, так и мужской одежды. Выпуклые пластинки также могли служить украшением для поверхности металлических сосудов.



Рис.1. Литейная форма. Крепость Арк. Стеатит. Размеры: 30x30x5мм

Кроме рассмотренных выше литейных форм из Бухары также известны формы из других средневековых городов Ближнего и Среднего Востока, которые средневековые мастера изготавливали из обожженной глины и камня. Так, несколько их видов было найдено в мастерской VII – VIII вв. в Пенджикенте [3]. Литейная керамическая форма для отливки круглых медальонов происходит из Пайкенда (X-XI вв.) [4]. Еще одна каменная литейная форма для отливки деталей браслетов происходит из коллекции Бенджамина Цуккера. Она имеет прямоугольную форму и сбоку ложбинку для поднятия готовой литой пластинки [5]. В мастерской ювелира X – XIII вв. из Рамаллаха среди прочего инструментария были найдены и различные по размерам и орнаменту литейные формы, отдельные из них двухсторонние [6]. Они использовались для отливки миниатюрных плоских подвесок и щитков для перстней. На одной из форм вырезан круговой орнамент, сбоку имеется ложбинка, для поднятия готовой металлической пластинки. Обломки формочек XVI – XVIII вв., найденные при раскопках городища Отрар на территории современного Казахстана, указывают на то, что одна из них предназначалась для отливки сложного украшения, возможно сережек, другая, из агальматолита, —

видимо, для отливки браслетов, третья, из песчаника, — для отливки бубенца или подвески, четвертая — для отливки бус [7].

Заключение. Средневековые металлосты и ювелиры Бухары владели различными техниками литья [8] и как свидетельствуют вышеописанные литейные формы, широко применяли их в своей работе.

Каменные и керамические формы являются редкими для археологов находками. Мастера, использовавшие их в своей практике, уделяли большое внимание их хранению как важной части своего инструментария, позволявшего использовать различные технические приемы при изготовлении изделий и успешно конкурировать с другими мастерами.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Некрасова Е.Г. К истории сложения крепостных стен Арка Бухары (новые археологические данные)//Из истории культурного наследия Бухары. Ташкент, 1990, с. 15-27.
2. Мухамеджанов А.Р., Мирзаахмедов Д., Адылов Ш. Керамика нижних слоев Бухары//ИМКУ, выпуск 17, Ташкент, 1982, с. 81-97.
3. Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии. Л., 1973.
4. Семенов Г.Л., Мирзаахмедов Дж.К. Материалы Бухарской экспедиции. Выпуск 1, СПб, 2000, с. 59.
5. Odgen Jack. Islamic goldsmithing techniques in the early medieval period// Islamic Rings and Gems. The Benjamin Zucker collection. London, 1987, P. 416, P. 42b, fig. 3
6. Hasson Rachel. Early Islamic Jewellery. Institute for Islamic Art: Jerusalem, 1987, P.100, table. 5
7. Акишев К.А., Байпаков К.М., Ермакович Л.Б. Позднесредневековый Отрар (XVI – XVIII вв.) Алма-Ата, 1981, с. 170
8. Малкиель И.К. Металлические сосуды вв. из Пайкенда// Древняя и средневековая культура Бухарского оазиса/Материалы конференции по результатам совместных Узбекско-Итальянских исследований в археологии и востоковедении. Самарканд-Рим, 2006, с. 69, 70.

УЎК 93/94

БУХОРО АМИРЛИГИНИНГ ШАРҚ ХАЛҚЛАРИ БИЛАН САВДО АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИДАН

Ш.Ё. Қудратов, катта ўқитувчи, Бухоро давлат университети, Бухоро

Аннотация. Ушбу мақолада Бухоро амирлигининг XIX аср охири XX аср бошларида олиб борган савдо алоқалари тарихини ўрганиш, унинг шарқ халқлари билан ўзаро савдо муносабатларида тутган ўрни ва роли атрофлича таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: савдо карвони, бозор, карвонсаройлар, карвон йўллари, сарроф, ипак, мўйна, жун, тери, бож, биржа, вассал, фирма

Аннотация. В данной статье анализируется изучение истории торговых связей Бухарского эмирата в конце XIX в начале XX веков, её роль и значение занятия в взаимной торговых связей с народами востока.

Ключевая слова: караванная торговля, каравансарай, караванные пути, меняла, шёлк, пушнина, шерсть, кожа, пошлина, биржа, вассал, фирма

Abstract. In the following article the analysis, of the study of history of trade relations of the Emirate of Bukhara, its role and significance relations with the people of the countries of the East is conducted.

Keywords: Trade caravan, market, caravansarays, caravan routes, exchanger, silk, fur, wool, leather, duties, stook, exchange, vassal, firm

Бухоро амирлигининг XIX аср охири XX аср бошларида олиб борган савдо алоқалари тарихини ўрганиш, унинг Ҳиндистон, Эрон каби давлатлар билан ўзаро муносабатларида тутган ўрни ва ролини таҳлил этиш тарих фанининг мураккаб ва долзарб муаммоларидан биридир.

Ўрта Осиёнинг шарқ халқлари билан ўзаро муносабатлари тарихида XIX асрнинг иккинчи ярми XX асрнинг бошлари алоҳида ўрин эгаллайди. Бу даврда ушбу ҳудудлар ўртасида ўзининг қадимий тарихий аъналарига эга бўлган савдо иқтисодий ва маданий алоқалар анча кенгайган ва мустаҳкамланган. Бу алоқалар савдо карвонларининг келиб кетишида ўзининг ҳақиқий ифодасини топган. Турли манбаларда қайд этилишича, халқаро савдонинг йирик марказларидан бири бўлган Бухоро орқали ўтган савдо карвонларидаги турли-туман моллар эрамиздан аввалги II асрдаёқ шарқда шарқий Туркистон орқали Хитойга, шимолда Хоразм орқали шарқий Европага, жанубга Афғонистон ва Ҳиндистонга, ғарбда эса Эрон орқали Сурия ва Римгача етиб борган. Хитойдан бошланиб Яқин Шарққа Европа ва Америкага олиб борадиган Буюк ипак йўлида жойлашган Бухоро, Самарканд, Хива каби шаҳарларда инсоният маданиятининг ноёб дурдоналари яратилган. Бухоронинг қулай сиёсий ва географик ўрни, унинг дунё қитъасидаги кўпгина халқларининг ўзаро савдо ва маданий алоқаларини шу тупроқ орқали олиб борилишини таъминлаган. Ваҳоланки, қадим карвон йўллари бизнинг еримиздан ўтган.

Бизнинг кўхна шаҳарларимизда ва бозорларимизда юзлаб лаҳжалар жаранлаган. Бухоро амирлиги шарқнинг кудратли давлатларидан бири бўлиб, Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон, Хитой, Туркия каби ўнлаб мамлакатлар билан савдо-сотик алоқалари олиб борган. Бухоро амирлиги Ўрта Осиёдаги барча савдо марказлари учун ўзига хос биржалар ролини бажарган.

Ўз мустақиллигидан маҳрум бўлиб, вассал давлатга айлантирилгач, Бухоро амирлиги 1868 ва 1873 йилларда имзоланган Россия-Бухоро шартномаларига кўра, хорижий давлатлар билан мустақил дипломатик алоқалар олиб бориш ҳуқуқини йўқотган бўлса-да, рус ҳукуматига тобелигига қарамай, ғарб ва шарқ мамлакатлари билан савдо алоқаларини сақлаб қолган.

Шу жиҳатдан, икки қўшни, чегарадош мамлакатлар Бухоро ва Афғонистон ўртасида кечган савдо алоқалари тарихи диққатга сазовордир. Бу савдонинг ривожланишида икки мамлакатнинг қулай географик ўрни, ёндош қўшничилиги эмас, улардаги ўзаро савдо ривожидида қулай шароитлар яратилганлиги ҳам муҳим омил бўлган. Бухоро, Қарши, Самарқанд, Ҳирот, Қобул, Мазори Шариф, Балх, Қуддус каби шаҳарлардаги қарвонсаройлар, турли хил моллар сақлайдиган жой, савдогарлар учун бошпана сифатида хизмат қилган.

Бухоро амирлигининг йирик савдо-иқтисодий марказлари - Бухоро, Қарши, Шеробод, Самарқанд ва Афғонистоннинг Қобул, Ҳирот, Маймана, Қуддус, Балх ва Қандаҳор каби шаҳарлари билан боғловчи қадимий қарвон йўллари икки мамлакатнинг иқтисодий турмушида муҳим ўрин тутган. Ҳерман Вамберининг ёзишича, Бухородан Эрон, Афғонистон ва Ҳиндистонга элтувчи энг серқатнов йўл бўлган Бухоро-Маймана-Ҳирот йўлини савдо қарвонлари 22-24 кунда босиб ўтган [1]. Қарвон савдосининг ривожини учун йўлларда яратилган қулайликлар билан бирга, Бухоро амирлиги шаҳарларида Шарқ мамлакатлари савдогарлари учун яратилган бир қатор имтиёзлар туфайли Бухоро, Қарши, Самарқанд каби шаҳарларда айрим афғон савдогарлари уй-жой куриб тургун яшаб қолганлар. Масалан, XIX асрнинг иккинчи чорагида 40 минг тилло (160 минг сўм) сармоя эгаси бўлган Бадриддин исмли афғон савдогари Бухоро шаҳрида “саройи Бадриддин”[2], XIX асрнинг иккинчи ярмида Рашид исмли бошқа бир афғон савдогари “саройи Рашид”[3] деб аталувчи хусусий қарвонсаройларни барпо этганлар. Амирликнинг Когон шаҳрида XX аср бошларида савдо билан шуғулланувчи 800 афғон истиқомат қилган [4]. Бухоро амирлиги билан савдо қилувчи афғон савдогарлари XIX асрнинг иккинчи ярмида Бухоро шаҳрида 12 та қарвонсаройни эгаллаганлар. Улар Пешовар-Қобул-Бухоро қарвон йўлидан фойдаланиб, Бухоро бозорларини чой, доқа, нил бўёғи, банарос кимхоби, чит, доривор гиёҳлар каби Хитой, Ҳинд, Инглиз моллари: жун, бўёқлар, тулки териси, писта, меш каби афғон моллари билан таъминлаганлар.

Афғонистонда, шунингдек бошқа хорижий мамлакатларда ишлаб чиқарилган молларнинг Бухорога келтирилиши ва савдосида Қобул, Ҳирот, Сарипул, Шибирғон, Маймана шаҳри савдогарлари фаол иштирок этганлар. Бухородан Қобулга турли хил газламалар, хом ипак, эчки тивити, қурол, сандиқ, рус молларидан: кумуш, темир, пўлат, қоғоз ва қанд келтирилган. Афғонистонда яшовчи аҳолининг Бухоро шойи чопонлари, адрас ва алачаси, шойи рўмолларига нисбатан талаби катта бўлган.

Бухорода хунармандчилик азалдан савдо-сотик билан узвий боғланган эди. Хунармандчилик маҳсулотларининг ички бозордаги савдосини бевосита ишлаб чиқарувчилар, ташқи бозордаги савдосини эса савдогарлар амалга оширар эдилар. Афғон савдогарлари Бухоро бозорларидан кумуш симлар, феруза, маржон, улардан тайёрланган зеб-зийнатлар ва чинни буюмлар харид қилишган. Бухоролик савдогарларнинг Бадахшон аҳолисидан сотиб олиб Бухорога келтирган Бадахшон ферузаси маҳаллий заргарлар меҳнати билан нафис безак буюмларга айлантирилгач, Афғонистон бозорларига юборилган. Россиянинг Ўрта Осиёдаги истелочилик ҳаракатлари 1868 йилда Бухоро амирлигининг унга қарам бўлиб қолганига олиб келган бўлсада, амирликнинг мустақил ташқи савдо алоқаларини тўхтата олмади. Вассал давлатларга айлантирилган Қўқон ва Хива хонликлариغا нисбатан кўпроқ ҳуқуқларини сақлаб қолган Бухоро амирлиги шарқ мамлакатлари билан қадимий савдо алоқаларини давом эттирди. Бироқ, аста секинлик билан бу алоқалар йўналиши Россиянинг иқтисодий манфаатларига бўйсундирила бошланди.

Англия ва Россия ўртасидаги Лорд Гренвил ва граф Шувалов томонидан имзоланган шартномага кўра, Россия Афғонистонни ўз таъсир доирасига кирмайдиган давлат деб тан олди. Англиянинг Афғонистон ташқи ишлари устидан ўз назоратини ўрнатиш Россия учун рус савдогарлари орқали афғон бозорларини эгаллаш имконини бермас эди. Натижада, рус-афғон савдосида бухоролик савдогарлар мавқеи кўтарилиб кетди. Бухородан Афғонистонга чиқарилаётган молларнинг умумий ҳажмида бухоролик ва афғонистонлик савдогарлар томонидан олиб чиқиб кетилаётган рус саноат молларининг улуши орта бошлади. 1894-1895 йилларга қадар Бухоро амирлигидан Афғонистонга ҳар йили чиқарилган 1 млн 500 минг сўмлик молнинг 200-300 минг сўмлик қийматдаги қисми бевосита амирликда ишлаб чиқарилган, қолган қисми эса рус мануфактурасининг моллари бўлиб [5], улар орасида газлама, чўян қозон, темир, оқ қанд, шакар ва атторлик моллари миқдори кўп бўлган.

Бухорога Афғонистондан ҳар йили, ҳар боғламада 10 дона тери бўлган 8.000 боғлам қоракўл тери келтирилди, афғон амирига қарашли бўлган бу терининг донаси 18 танга, боғлами эса 180 танга

қийматида сотилар эди. Афғонистоннинг шимолий вилоятлари етказиб берадиган 20 минг дона тулки терисининг ҳар донаси эса 15 тангадан сотилар эди. Умумий оғирлиги 5 минг той бўлган бу молларнинг ярми Калиф кечувидан, қолгани эса Шеробод орқали келтирилар эди [6].

Амирликнинг Афғонистон билан чегарадош вилояти бўлган Шерободда кўп миқдорда пахта, ипак, буғдой, гуруч, арпа ва жўхори етиштирилар, Шеробод арпасинининг асосий қисмини Балхдан кўй сурувларини келтирувчи афғон савдогарлари харид қилишган. Бухоро ва Афғонистоннинг 1880 йиллардан кейинги ўзаро савдо алоқаларида чорва асосий ўринни ташкил этган. Маҳаллий аҳолининг, шунинг билан бирга Чоржўй, Когон, Карки ва Термизда жойлаштирилган 8 минг кишилик рус гарнизонларининг гўштга бўлган эҳтиёжларини қондириш ва бундан иқтисодий манфаат кўриш учун бухоролик савдогарлар шимолий Афғонистондан чорва олиб келтирганлар [7].

Афғонистонлик савдогарлар Бухоро бозорларини хитой, ҳинд чойлари, нил бўёғи ва инглиз докаси билан таъминлашда асосий мавқени эгаллашган. Бу савдода 1880-йилларнинг охири - 1890-йилларнинг бошларида 8 та савдо фирмаси иштирок этган бўлиб, улардан 7 таси афғон, 1 таси эса бухоролик савдогарларга қарашли бўлган. Бу фирмалар Пешовардан Қобул орқали Бухорога ҳар йили 45-50 минг пуд оғирлигидаги турли навли кўк чойни етказиб берганлар [8]. Бухоролик ва афғонистонлик тужжорлар фаолиятида саррофлар муҳим ўрин тутганлар. Улар шарқ дунёсининг банкирлари бўлиб, бир шаҳардан иккинчи шаҳарга йўл олувчи савдогарларнинг омонатини сақлаб туриш ва ўрнига чек қоғози бериш, бошқа ҳар хил пул бирикларига алмашлаб бериш вазифасини ҳам бажарганлар. Масалан, Бухорода саррофга ўз пулини бериб, чек қоғози олган савдогарлар Қобулга келгач, бу ерлик саррофдан ўз пулини юқоридаги чек қоғози орқали тўла қайтариб олган.

Ўзаро савдо алоқаларининг ривожига саррофларнинг қарзга пул беришлари ҳам алоҳида аҳамият касб этган. Шу боис, ҳар бир фуқаро қарз олиб, товар харид қилиш, уни хорижга чиқариб сотиш имкониятига эга бўлган. Сиёсий мустақилликни 1868 йилда бой берган амирликнинг ўз иқтисодий мустақиллигидан ажралиши, 1895 йилдан бошланди. 1895 йилга келиб Бухоро-Афғонистон чегарасида Калиф, Чушка, Ғузор, Паттакесар ва Айваж, амирлик ичкарасида Когон ва Қарши бекликларидан иборат божхона занжири ташкил топди [9].

XIX аср охирларига келиб, Россиянинг бож сиёсати туфайли Бухоро-Афғонистон савдоси ҳажмининг камайиши бошланди. Эндиликда, Бухоро бозорларига Россия саноати учун асосан афғон хом ашёси, Бухородан Афғонистонга эса маҳаллий моллардан ташқари рус саноати моллари чиқарилиши кучайди. Бухоро-Афғонистон савдо алоқалари аввалги даврларда бўлгани каби афғонистонлик ва бухоролик савдогарлар томонидан олиб борилиб, XX асрнинг 20-йилларига қадар давом этган. Бухоро амирлиги Афғонистон билан бирга шарқ халқлари сифатида тан олинган Хитой ва Ҳиндистон билан ҳам савдо-сотик ишларини олиб борган. Хитойнинг Шанхай шаҳрида Бухорога чой савдоси билан шуғулланадиган пешоварлик (ҳиндистонлик) савдогарларнинг алоҳида Каримбаёш савдо комиссияси уйи бор бўлиб, у улар учун кўк чой сотиб олади ва товарни Ботумига кўнгилли флотнинг кемаларида юборади. Бухорода “лўнка” деб аталадиган “hisson” чойидан соф 70000-80000 пуд юборилиб, божларнинг бирлашиши билан кўк чойнинг олий ва паст сортларига ҳар пудига 12 рублдан, Бухоро божхонасига йиғимлари учун ўртача йилига 1 млн рубль тушган.

1894-1900 йилларда Ҳиндистондан, Ҳимолайнинг жанубий- ғарбий ёнбошларидан, Пешовар атрофларидан 20 000-30.000 пуд чой олиб келинган. Бу чой Карочи портидан олиб келинган бўлиб, аслида Дара, Балампур ва бошқа округларда ёввойи ҳолда етиштирилган. Амирликда у “науғузур” ва “патта” деб аталган. Унга бўлган пошлина (бож) 6 рублдан 12 рублгача кўтарилганда, олий сортлар учун бўлган 14 рубль 40 тийинлик бож билан тенглаштириш учун бу чойнинг киритилиши деярли тўхтади.

Науғузур-кулранг дағал чой бўлиб, асосан эрталабки ширчойга, ғиштга ўхшаб тайёрланадиган сариғёғ ва сизир сутидан қилинган махсус овқат учун озиқ моддаси сифатида истеъмол қилиш учун фойдаланилган. Ҳиндистондан олиб келинадиган чой амирликдаги 6 та карвонсаройда сақланган. Бу товарни ташишда баъзан 1000 дан 3000 гача туялар иштирок этиб, улар мазкур карвонсаройларда кўналға топишган [10].

Бухородан Ҳиндистонга 2000 пуд ипак ва ипак матолар ва қалин ипак матолар ва кўп бўлмаган миқдорда бир неча ўн минг рублга мўйналар (аввало Нижегород ярмаркасида “вятка” олмахон думи ва бошқа мўйналар) олиб кетилган.

XIX асрнинг 40 йилларида Бухорога келган Жониф Вульф ҳам Бухородан Ҳиндистонга, Афғонистонга, Россия, Эронга савдо карвонларини мунтазам юборилганини қайд этади. Йил давомида Ҳиндистонга 2.000 туяда, Эронга эса 1.000 та туяда (Кобул орқали) товар юборилган. Бухородан Эронга асосан жун ва тери (ҳар йили қарийб 200000 бойлам) юборилган.

Бомбейдан 100.000 саллага дока ва 100.000 рублга амбарбўй рўмоллар, коралл ва бошқа қимматбаҳо тошлар олиб кирилган. Бухоронинг Ҳиндистон билан савдо айланмаси 4 миллион рублда ифодаланиб, унда амирлик рус божхонаси чегараси доирасига киритилган.

Хуллас, Бухоро амирлигининг қўшни шарқ халқлари билан олиб борган савдо алоқалари мамлакат ривожига ижобий таъсир ўтказиб, халқаро савдо –сотик алоқаларидаги дипломатик муносабатларининг янада тараққий этишига хизмат қилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Вамбери Х. Путешествие по Средней Азии.-М.: 1867.-С.339.
2. Виткевича М.В. Записки о Бухарском ханстве (Записки).-М.: 1983.-С.101.
3. Сухарева О.А. Бухара XIX- начала XX в.-М.,1966 - С.57.
4. ЎзРМДА 1- фонд, 12-рўйхат, 1915-иш, 1-саҳифанинг орқаси.
5. Губаревич-Радобильский А. Экономический очерк Бухары и Туниса, опыт сравнительного исследования двух систем проректората.- Спб. 1905. -С.113.
6. Ремез И.А. Внешняя торговля Бухары: до мировой войны. 1922.-С.29.
7. Ремез И.А. Внешняя торговля Бухары: до мировой войны. 1922. -С.114.
8. Торговля Бухары. //Туркестанский сборник. М.: Т.526.-С.6.
9. Ремез И.А. Внешняя торговля Бухары: до мировой войны. 1922. -С.36.
10. Зияева Д.Х. Трансформация традиционной городской экономики Бухары в конце XIX в.- нач. XX вв. Центральная Азия. Человек –общество-государство. Москва -2013.-С. 225.

УЎК 93/94

ГЕНЕРАЛ-ШАРҚШУНОС Н.С. ЛИКОШИН ФАОЛИЯТИГА БИР НАЗАР

М.Б. Курбонова, доц., т.ф.н., Бухоро Давлат Университети, Бухоро

Аннотация. Ушбу мақолада ҳарбий генерал бўлсада, Туркистон тарихи ва унинг этномаданий ҳаётига қизиқ қолган Нил Сергеевич Ликошиннинг ҳаёти ва илмий фаолияти баён қилинган.

Калим сузлар: Туркистон, ҳарбий гимназия, этнографик кузатишлар, туркистонишунослик, шарқишунос-автодидакт

Аннотация. В статье рассказывается о жизни и научной деятельности Нила Сергеевича Ликошина, который был военным генералом и увлекался историей Туркестана и его этнокультурной жизнью.

Ключевые слова: Туркестан, военная гимназия, этнографические наблюдения, тюркология, востоковедение-автодидакт

Abstract. This article describes the life and scientific activity of Neil Sergeevich Likoshin, who became a military general and became passionate about the history of Turkestan and its ethnocultural life.

Keywords: Turkestan, military gymnasium, ethnographic observations, Turkology, oriental studies

Россия империясининг Марказий Осиёга босқинчилик юришлари натижасида Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилгач, мамлакат ҳарбийлаштирилган тартибга ўтди. Генерал-губернаторликнинг барча бошқарув аппаратида ҳарбийлар фаолияти йўлга қўйилди. Кичик зобитликдан генерал-лейтенант унвонига, шаҳар ҳокими ёрдамчисидан вилоят ҳарбий губернатори лавозимларини эгаллаган Нил Сергеевич Ликошин (1860-1922) Туркистонда қарийб 40 йил давомида хизмат қилган ҳарбийлардан бири эди. У рус миллатига мансуб мансабдорларнинг ўзбек тили ва ёзувини ўрганиб, аҳоли билан тўғридан тўғри мулоқот қилишларини йўлга қўйишлари ташаббусқори бўлган. Ликошиннинг ўзи ўзбек тилида гапирар, араб ёзувида хатосиз ёза оларди. У узоқ йиллик фаолияти даврида маҳаллий халқ тарихи, маданияти ва анъаналарини ўрганди ва бу ҳақда кўплаб маълумотлар ёзиб қолдирди.

Нил Сергеевич Ликошин (1860-1922 йй.) маълумоти бўйича ҳарбий бўлсада, Ўрта Осиё халқлари тарихи ва маданиятига жуда қизиқар эди. Шунинг учун ҳам Туркистонга келиши билан у мустақил тарзда тилларни ўрганади, кейин эса ишдан бўш вақтларида таржима фаолияти билан шуғулланади. Тарихшунос Б.В.Луниннинг таъкидлашича, Н.П.Остроумовнинг кундалигида Н.С.Ликошин ҳақида қуйидаги хотираларни учратиш мумкин: “16 июнь Шанба 1895 йил, кечқурун уйимга ёш офицер Н.С.Ликошин келди ва мендан Тошкент маҳаллий сартларининг тили ва турмуш тарзини махсус ўрганиш ҳақида кўрсатма беришимни сўради. Мен уйимга ташриф буюрган меҳмондан хурсанд бўлдим ва унинг эътиборини маҳаллий ерли аҳоли турмуш тарзи ва айниқса, диний эътиқодларининг муҳим томонларига қаратдим. Мен унга иккита китобча бердим. Н.С.Ликошиннинг сийратида мен жиддий, иқтидорли ва салоҳиятли инсонни кўрдим” [1].

Н.С.Ликошин ижтимоий қарама-қарши, мураккаб фигура. Оддий дехқоннинг фарзанди Н.С.Ликошин аввал 2-Санкт-Петербург ҳарбий гимназиясида, сўнг 1-ҳарбий Павлов билим юртида яхши таълим олади ва ўз хоҳиши билан Тошкентни хизмат жойи сифатида танлайди. 1879 йилда унтер-офицерликдан ишини бошлайди. 1889 йилда эса капитан унвонида ўлка маъмурий – полиция бошқармаси хизматида ўтказилади. Н.С.Ликошин прапоршиқликдан генерал-майор даражасигача, 1914-1917- йилларда эса Самарқанд вилояти ҳарбий губернатори лавозимигача бориб етади. У ўзининг меҳнатсеварлиги ва билими туфайли олий даражадаги муваффақиятларга эришади [2].

Чор ҳукумати Ўрта Осиёни забт этган ва ундан кейинги даврда олиб борилган этнографик кузатишлар асосан ҳарбий ва маъмурий аппарат вакиллари томонидан тайёрланган расмий ва норасмий ҳужжатлар, маълумотларда акс этган. Матбуот саҳифаларида “узок ўтмишдан” қолган ҳикоялар, афсоналар ўлкада азалдан давом этиб келаётган халқ анъаналари ҳақидаги ҳаваскорлик тарзида ёзилган мақолалар тез-тез босилиб турарди. Улар орасида ҳарбий ва оддий муаллифлар томонидан яратилган дастлабки жиддий этнографик тадқиқотлар ва мақолалар алоҳида ажралиб турарди. Н.С.Ликошиннинг “Пол жизни в Туркестане” асари ҳам жиддий этнографик тадқиқотлар қаторидан жой олган эди [3].

Инқилобга қадар Ўзбекистонда археологик тадқиқотларда 1895-1917 йилларда фаолият кўрсатган Туркистон археология ҳаваскорлари тўғараги катта ўрин тутган. Кўп йиллар давомида бутун Ўрта Осиёда ягона илмий ўлкашунослик жамияти бўлган бу ташкилот ўлка тарихини ўрганишда чуқур из қолдирди. Тўғарак томонидан унинг аъзолари қилган илмий маърузалари “баёнлари”, илмий ишлар, хабарлар чоп этилган. Тўғаракка Туркистон генерал-губернатори барон Б.А.Вревский фахрий раис қилиб сайланган. Тўғаракнинг 108 аъзоси бор эди. Булар ичида В.В.Бартольд, Д.М.Левшин, Н.С.Ликошин, К.В.Аристов, В.Ф.Ошанин ва бошқа машҳур кишилар бор эди. Н.С.Ликошин 1895 йилда ташкил этилган ушбу тўғарак асосчиларидан бири эди. Тўғаракда прогрессив кайфиятдаги рус интеллигенциясининг таъсири кучли эди. Улар Ўрта Осиё тарихи ва қадимги ёдгорликларига ҳурмат билан қараб, жиддий илмий текшириш ишларини жонлантириб юборган эдилар [4].

Айни пайтда тўғарак ўз фаолиятида илмий-тадқиқот ташкилоти даражасига кўтарила олмаганини ҳам қайд этиб ўтиш лозим. Гарчанд унинг айрим аъзолари (Н.С.Ликошин, Н.Г.Маллицкий, И.И.Трофимов, М.А.Терентьев, Ошанин-ота ва бошқалар)нинг ишлари мутлақо илмий характерда бўлсада, “баёнлар”да чоп этилган кўп мақолалар хабарлар тарзида бўлиб, маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил этишдан холи эди. Шунга қарамай, Туркистон археолог-ҳаваскорлари ва ўлкашуносларининг 20 йилдан ортиқ фаолияти ниҳоятда фойдали эди. Тўғарак фаолияти туфайли археология тадқиқотлари илмий йўналишида олиб борилди. 1917-1920 йилларда инқилоб ва фуқаролар уруши туфайли Туркистон ҳаваскорлари археология тўғараги ўз фаолиятини тўхтатди ва бу йиллар археология тараққиётида ўтиш даври бўлиб қолди [5].

Н.С.Ликошин ҳам В.Л.Вяткин, М.С.Андреев, Диваев, Комаровлар сингари Ўрта Осиёнинг маҳаллий туркистоншунос олимлари сафида турган ва илмий тадқиқот материаллари “Туркестанские ведомости” газетасида чоп этилган. Бугунги кунда XX аср боши тадқиқотчилари учун “Туркестанские ведомости” газетаси-муҳим тарихий манба бўлиб, уни ўрганмасдан туриб Марказий Осиё тарихи археологияси, географияси, этнографияси ҳақида тасаввурга эга бўлиш мушкул [6].

Н.С. Ликошин таржимонлик фаолияти билан ҳам шуғулланган бўлиб, унинг энг машҳур ва муваффақиятли таржимаси Н.И.Веселовский ва В.В.Бартольд томонидан юқори баҳоланган Муҳаммад Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асари эди.

Н.С.Ликошиннинг педагогик соҳадаги фаолияти ҳам диққатга сазовор. Мактаблар ва турли курсларда педагогик фаолият юритган туркистоншунослар революциягача Тошкентда шарқшунослик олий ҳарбий мактабида дарс беришган, қарийб уларнинг барчаси ўз даврида шарқшунослик жамияти Тошкент бўлими ёки Туркистоннинг бошқа илмий жамиятлари (М.С.Андрев, Н.С.Ликошин, А.А.Семенов ва бошқалар) аъзолари бўлганлар [7]. Шарқшунослик ҳарбий курсларида Туркистон АССР ва қўшни давлатлар-Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон халқлари турмуши ва тили уч йил мобайнида ўрганилган. Ушбу мактабда шарқшунос М.С.Андреев, Н.С.Ликошин, А.А.Семенов, И.Д.Ягеллолар дарс берганлар [8].

1894 йилда этнограф М.С.Андреев Туркистон ўқитувчилар семинариясида маҳаллий тиллар амалиётчиси этиб тайинланган эди. Бу ерда у семинариянинг уч синфида форс тилидан дарс беради ҳамда ўзбек тили бўйича барча синфларда амалий ва назарий машғулотлар олиб боради. Мактаблар учун ўқув-қўлланма ва дарсликлар нашр этишга умуман эътибор берилмаган бу замонларда М.С.Андреев қисқа давр ичида ўзбек тили бўйича ўқув қўлланма тайёрлайди [9].

Н.С.Ликошин эса ўз вақтида М.С.Андреевнинг худди шу қўлланмасини ёзувни ўрганиш учун энг яхши дарслик деб баҳолайди [10]. М.С.Андреев 1896 йил апрелидан 1897 йил мартгача ўриндош сифатида Тошкентдаги реал училищесига ўзбек тилидан дарс беради. Худди шу даврда инглиз тили курсига қатнашиб юрганида Н.С.Ликошин М.С.Андреев билан яқиндан танишади [11]. Н.С.Ликошин асарларида ўзбекларнинг бола тарбиясига оид баъзи маълумотларни ҳам келтиради [12].

Шарқшунос-автодидакт [13] Н.С.Ликошин баъзи шарқ ёзма тарихий манбаларни рус тилига таржима қилиш соҳасида ўзининг асарлари билан маълум ва машҳур эди. Ўрта Осиё тарихига оид энг муҳим манбалардан бири Муҳаммад Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарини рус тилига ўгиришда унинг ҳолисона ёндашуви, бутун куч ва билимини сарфлаб, жуда ҳам аниқликка эришишга интиланлиги унинг жасорати эди. Шунга қарамай, С.Н.Ликошин ушбу фаолиятида дуч келган барча тўсиқларни енгиб ўта олмади. “Бухоро тарихи” асарининг 1897 йилги нашрини таҳлил этганда, Бухоро

тарихий ўтмишини ўрганувчилар учун С.Н.Ликошин таржимасининг муҳаррири сифатида В.В. Бартольд асосий ҳал қилувчи ролни ўйнаган эди.

Умуман, В.В.Бартольднинг машаққатли меҳнати асосидаги муҳаррирлиги Н.С.Ликошин таржималарини нафақат бойитди, балки ушбу асарни қимматли шарҳлари билан таъминлаган эди. Н.С.Ликошин ўзининг ушбу китобида таъкидлаганидек, “В.В.Бартольд таржимани аниқ матнлар билан бериш ва тарихий эслатмалар (изоҳлар) билан таъминлаш ишини ўз зиммасига олган” [14]. Н.С.Ликошиннинг 27 ноябрь 1897 йил В.В.Бартольдга ёзган хатида таржиманинг нашр қилиниши бўйича улкан иши ва ёрдами учун қуйидаги мазмунда ўз миннатдорчилигини билдирган эди: “Сиз мендай бир ҳаваскорга сўз билан эмас, жуда жиддий иш билан солиштирса арзийдиган амалий ёрдам бердингиз” [15].

Ўлкада 40 йилдан зиёд хизмати билан қуйи маъмуриликдан Самарқанд ҳарбий губернатори лавозимига кўтарилган Н.С.Ликошин ҳам рус ҳокимияти вакиллариининг ноқобиллигини шундай таърифлаган: “Норозилик ҳаракати кўтарила борди, гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда ур-йикитлар ва ўлдиришлар содир бўлди. Маҳаллий амалдорларнинг тушунтиришлари ва огоҳлантиришлари халққа таъсир қилмади. Маъмуриларнинг сўзларига халқнинг мутлақо ишончи қолмади” [16].

1916 йилги қўзғолон Туркистондаги халқ оммасининг истиқлол курашида энг юқори босқич бўлиб, унда иқтисодий, ижтимоий, диний, сиёсий ва миллий озодлик ғоялари ўзаро уйғунлашган ҳолда намоён бўлди. Истиқлол курашининг ғоявий илҳомчилари бўлган жадидлар Петроградга бориб мардикорликка сафарбарлик муддатини кечиктиришга муваффақ бўлингани, Россия парламенти - Давлат Думасида халқ қўзғолонини қонга ботирган мустамлакачиларнинг бебошлигини фош этишгани ҳамда уларнинг миллий-озодлик қўзғолонида ўз ўринларига эга бўлганларидан далолат беради [17].

Н.С.Ликошин 1916 йил қўзғолонига тўғридан-тўғри алоқадор эди. Чунки қўзғолон Самарқанд вилоятининг марказий уездларидан бири Хўжандда бошланган эди. Н.С.Ликошин эса (1906-1912 йилларда Хўжанд уездининг бошлиғи бўлган). Ўша вақтда шарқшунос Н.С.Ликошин Россия империяси маъмурий тизимининг бир қисми сифатида ўзини намоён этади. Қўзғолон шафқатсизларча бостирилди, юзлаб одамлар ўлдирилди, қишлоқлар таланди ва ёндирилди. Аммо бу фактлар Н.С.Ликошин ҳисоботида акс эттирилмаган. 1916 йил ёзи С.Н.Ликошин учун синов даври бўлди: бу оғир кунларда юз берган воқеаларга у шарқшунос-олим ёки подшо амалдори сифатида ўзининг муносабатини аниқлаб олиши керак эди. У шуни тушундики, икки турли маданиятга тегишли аҳолининг бир ҳудудда истиқомат қилиши, табиийки, уларнинг бир-бирига яқинлашуви сабаб бўлади ва бу омил уларни ўрганишни талаб қилади. Шунинг учун ҳам 1903 йилда Н.С.Ликошиннинг “Результаты сближения русских с туземцами” номли мақоласи худди шу масалаларни ечишга бағишланган эди. Самарқанд вилоят ҳарбий губернатори лавозимида туриб у имкон қадар маҳаллий халқ учун адолатли ва фойдали бўлишга интилди. 1917 йилнинг бошида С.Н.Ликошин ўз лавозимидан четлаштирилди. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида у Туркистонда қолиб яшади. У умрининг сўнгги йилларини (1920-1922) Самарада ўтказди ва университетда “Туркистоншунослик” курсидан маърузалар ўқийди [18].

Туркистонда узоқ йиллар давомида фаолият олиб борган Н.С.Ликошин Ўрта Осиё халқлари ва маданиятини ўрганишда катта ҳиссасини қўшди. Миллатига, динига ёт бўлган, ахлоқий ва маънавий жиҳатдан ўртак олса арзийдиган маҳаллий халқнинг ўтмиши, маданияти ва урф-одатларини мукаммал даражада ўрганишга ҳаракат қилган бу маъмурий шахс ўз изланишларидан фақат сиёсий мақсадни кўзламади. Шунинг учун Ликошиннинг Туркистон тарихини масалаларига бағишланган тадқиқотлари ханузгача ўз аҳамиятини йўқотмади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Луин Б.В. Средняя Азия в дореволюционном Советском востоковедении. Т.: “Наука”, 1965, -С.368-369.
2. Рахимов Н. На перепутье: генерал-востоковед Н.С.Ликошин и восстание 1916 года в Средней Азии. /Переосмысление восстания 1916 года в Центральной Азии. Киргизыстан. 2016.-С. 25
3. XX асрнинг дастлабки 30 йиллигида Ўзбекистонда тарих фани (тарихшунослик очерклари). 2-қисм., Т.: “Фан”, 1994. –Б.309.
4. Набиев А. Тарихий ўлкашунослик (Ўлқани ўрганишининг асосий манбалари). Т.: “Ўқитувчи”, 1979.-Б.24.
5. XX асрнинг дастлабки 30 йиллигида Ўзбекистонда тарих фани (тарихшунослик очерклари). 2-қисм., Т.: “Фан”, 1994. –Б.332-333.
6. История и истории Узбекистана в XX веке. Т.: 2014, “Navro'z”.-С.58-59.
7. Дониёров А.Х. Очерки истории этнографической науки Узбекистана (конец XIX в.-20-30-е годы XX в.). Книга-2. 20-30-е годы XX в. –Т.:1996.-С.7.
8. XX асрнинг дастлабки ўттиз йиллигида Ўзбекистонда тарих фани (тарихшунослик очерклари). 2-қисм. -Т.”Фан”, 1994.-Б.290-291.
9. Андреев М. Руководство для первоначального обучения сартовскому языку в Ташкентском реальном училище. 1896.
10. Лыкошин Н.С. Полжизни в Туркестане. Очерк быта туземного населения. Пг., 1916, стр.36.

11. Акрамова Х.Ф., Акрамов Н.М. Востоковед Михаил Степанович Андреев. (Научно-биографический очерк). Душанбе, "Ирфон", 1973.-С.66.
12. Убайдуллаева Б. Ўзбек этнопедагогикаси тенденциялари. Т.: "Akademnashr", 2018.-Б.13.
13. Автодидакт- самоучка(ўзб. мустақил ўрганувчи). Словарь синонимов русского языка. Практический справочник. М., Русский язык. З.Е.Александрова. 2011.
14. Муҳаммад Наршахи. История Бухары. (перевел с персидского Н.Лыкошин) под редакцией В.В.Бартольда. Ташкент, 1897.-С.6.
15. Луин Б.В. Жизнь и деятельность академика В.В.Бартольда. Средняя Азия в отечественном востоковедении. Т.: «Фан» 1981.-С.45.
16. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Т.: "Шарк" 2000.-Б.417.
17. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Т.: "Шарк" 2000.-Б.448.
18. Леонтьева О.Б. Превосходный знаток Востока: Нил Сергеевич Лыкошин в Самарском университете. // Самарский земский сб.-2007.-№1 (15).-С.28-33.

УЎК 93/94

СОБИҚ СОВЕТ ДАВРИДА ТУРИЗМНИНГ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МАФКУРАВИЙ АСОСЛАРИ

М. Мансуров, PhD, Тошкент давлат техника университети Кўқон филиали, Кўқон

Аннотация. Мақолада Совет иттифоқи йилларида туризм индустрияси тўлақонли коммунистик мафкура тарғибот қуролига айлантирилиши ҳамда туристларга "психологик" ва "ахборот" орқали таъсир кўрсатиши йўналишлари очиб берилган.

Калим сўзлар: туризм, туристик маршрут, "психологик таъсир", "ахборот", коммунистик мафкура

Аннотация. В статье описывается трансформация туристической индустрии в полноценную коммунистическую идеологию в советское время, а также способы воздействия на туристов посредством «психологического» и «информационного».

Ключевые слова: туризм, туристический маршрут, «психологическое воздействие», «информация», коммунистическая идеология

Abstract. The article describes the transformation of the tourism industry into a full-fledged tool of propaganda of the communist ideology during the Soviet era, as well as ways to influence tourists through "psychological" and "informational".

Key words: tourism, tourist route, "psychological impact", "information", communist ideology

Совет иттифоқи даврида туризм иктисодиётнинг янги тармоғи сифатида пайдо бўлди. Туризмдан совет халқини тарбиялаш воситаси сифатида ҳам қаралганлиги соҳа тараққиёти учун кенг йўл очди. Мамлакатда нафақат ички туризм шунингдек, ташқи туризм ҳам ривожлана бошлади. Бундан кўзланган мақсад "мамлакат ҳақидаги ёлғонлар"ни йўқ қилишдан иборат эди [1.Б.24]. Бу ўз навбатида иктисодиётни ўсишига ҳам жиддий таъсир кўрсатган. Бироқ шунини таъкидлаш жоизки, бу даврда Совет давлатининг маъмурий-буйруқбозликка асосланган тизими томонидан унга мос равишда ишлаб чиқилган коммунистик мафкуранинг сохта ғоялари билан суғорилган беш йиллик режа ва дастурлари ижросини таъминлаш мақсадида, соҳада сифат эмас, миқдор кетидан қувиш авж олди. Совет иттифоқида "социалистик жамият қуриш ва коммунизм яратиш" борасида олиб борилган сиёсатнинг "ижобий" томонлари билан хорижликларни лол қолдирувчи тарғибот қуролига айлантирилди.

Совет иттифоқи йилларида туризм коммунистик ғоялар билан "қуроллантилганлиги" туфайли ҳам уни тарихий-мафкуравий жиҳатдан таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. 1920-1930 йилларда туризм соҳаси Ўзбекистон ҳудудида ҳам ривожлана бошлади. Айнан шу даврда Ўрта Осиё мамлакатлари бўйлаб дастлабки туристик маршрутлар йўлга қўйилди. Шунингдек, хорижлик сайёҳларни назорат қилувчи Коммунистик партия таркибида махсус бўлимлар ташкил этилди ҳамда туристларни маҳаллий аҳоли билан муносабати ҳамда "сиёсий" жиҳатдан назорат қилиш вазифалари билан шуғулланган [2.48.В.10]. 1932 йилдан Ўзбекистон ҳудудига жумладан, Фарғона водийсига саёҳатлар ташкил этилган бўлса-да, амалда мунтазам саёҳат ахборотлари доимий юритилмаган [2.48.В.15]. Бу ўз навбатида ушбу даврни тўлақонли ёритишда муаммолар келтириб чиқарди.

Фарғона водийси бўйлаб саёҳат маршрутлари 1927 йилдан ташкил этила бошланган. Водийда асосан қишлоқ хўжалигида эришилган ютуқлар билан иттифокдош республикалардан ташриф буюрган сайёҳлар таништирилган. Сайёҳларга қулайлик яратиш мақсадида маҳаллий аҳолининг тортиб олинган кўрғон ва ховлиларидан меҳмонхона сифатида фойдаланилган [2.48.В.19].

Фарғона водийсида туризмни ривожланиш жараёнлари 1955 йил Интурист ташкилотининг Хартияси қабул қилиниши билан янада кучайди. Москва, Прага шаҳарларида ташкил этилган савдо

кўргазма ва туристик ярмаркаларда Фарғона водийси салоҳияти ҳам намойиш қилинган. Шу билан бир қаторда коммунистик мафкура тарғиботига хизмат қилиши мумкин бўлган 1 май ва 7 ноябрь кунлари юбилей тадбирлари мунтазам йўлга қўйилди [3.5.В.10.]. Бу орқали Совет иттифоқининг улугворлиги ҳамда аҳолининг “фаровон” ҳаёти намойиш қилинган.

Совет иттифоқи йилларида Фарғона водийсининг sanoat зоналари ҳисобланган Марғилон, Қўқон, Фарғона, Наманган, Чуст шаҳарларида туризмни ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилди. Ушбу шаҳарларда жойлашган sanoat зоналарида хатто махсус сайёҳларни таништирувчи лавозим жорий этилди [3.5.В.12]. “Махсус экскурсовод”нинг вазифаси капиталистик мамлакатлардан ташриф буюрувчи сайёҳларни социализмнинг капитализмдан устун томонларини намойиш қилишдан иборат бўлган. Энг қизиқарли томони шундаки, Фарбий ва Марказий Европа мамлакатларидан келган сайёҳларга психологик жиҳатдан таъсир ўтказиш мақсадида “Дўстлик қўллари”, “Одамлардан одамларга”, “Фуқаролар алмашинуви корпуси” махсус лойиҳалари ишлаб чиқилган [3.5.В.40]. Бундан ташқари махсус “туристик зоналар” ташкил этиш орқали мамлакатнинг асл “қиёфаси” хорижликлар нигоҳидан яширилган. Бунинг асл моҳияти эса совуқ уруш шароитида капиталистик мамлакатлардан ташриф буюрувчи ҳар қандай сайёҳга “жосус” сифатида қаралганлиги ҳамда Совет иттифоқи ҳам асосан туризмдан ушбу мақсадда фойдаланганлиги туфайли маҳаллий аҳолини “бузғунчи реакция” ғоялардан асрашга ҳаракат қилинган [4.49.В.22].

Туризм капиталистик мамлакатларда синфий имтиёз сифатида қаралган бўлса, социалистик мамлакатларда асосан ишчиларнинг дам олиш ва маданий хордиқ чиқариш ҳуқуқи ҳисобланган. 1974 йилдан мамлакатда туризм соҳасини янада ривожлантириш мақсадида хорижлик ва маҳаллий сайёҳлар ўртасида мунтазам социологик тадқиқотлар олиб бориш тизими йўлга қўйилган. Хорижлик сайёҳларни асосан дунёдаги биринчи социалистик мамлакатда аҳолининг яшаш даражаси ҳамда яратилган имкониятлар қизиқтириши қайд этилган бўлса-да, амалда социологик тадқиқотлар бутунлай аксини кўрсатган. Жумладан, 77% сайёҳлар социализмдан аввалги тарих билан боғлиқ жойларни ҳамда маҳаллий аҳолининг миллий анъана ва қадриятларини кўришга қизиқиш билдирган бўлса, 43% сайёҳлар табиатга, 28% сайёҳлар моддий ва маънавий монументал санъат ёдгорликларига, 21% сайёҳлар мамлакатнинг замонавий имиджга қизиқиши сабабли Совет иттифоқига саёҳат қилишларини қайд этган [4.49.В.24]. Хорижлик сайёҳларнинг асосий қисми мамлакат тарихи билан боғлиқ жойларни кўришга қизиқишини инobatга олган ҳолда, Фарғона туристик поезди Фарғона-Самарқанд-Бухоро-Урганч-Тошкент туристик маршрути ташкил этилди ҳамда 1975 йилнинг ўзида 2112 хорижлик туристларга хизмат кўрсатди [4.49.В.20.].

Туризмга Совет иттифоқи йилларида “халқ дипломатиясининг” нодир намунаси сифатида қаралди. Чунки саёҳат турли маданият ва халқларнинг интеграциясига хизмат қилишини яхши тушунишар эди. Натижада туризмнинг ривожлантириш мақсадида янгича модель ишлаб чиқишни ва ривожлантиришни даврни ўзи тақозо қилган. 1961-1980 йилларда янги модель доирасида ишчи ва хизматчилар ҳамда ёшлар туризмни ривожлантириш социализмнинг ютуқлари, фаровон ҳаёт, коммунистик “маънавият”ни юксалтириш воситаси сифатида қараш билан бир қаторда капитализмнинг инсон ҳаётига “зулми”га сиёсий тус берилди [4.49.В.41]. Бундан ташқари хорижлик сайёҳларнинг социалистик тузумдан қониқиши учун барча қулайликлар яратишга алоҳида аҳамият қаратилди. Туризмни маданий дипломатия даражасига кўтаришга ҳаракат қилинди.

Интурист ташкилоти саёҳатга чиқиш ва сайёҳларни кутиб олиш механизм ва структурасини тўлақонли шакллантиришга ҳаракат қилган. Унга кўра туристик гуруҳ максимал 20 кишидан 30 кишигача бўлиш назарда тутилди. Агарда туристик гуруҳ таркиби бундан катта бўлса сайёҳларни назорат қилишда муаммолар вужудга келади деб ҳисобланган. Туристик гуруҳга бошқарув қобилиятига эга, коммунистик мафкурага содиқ ахлоқий ва сиёсий жиҳатдан “мукамал” шахслар танлаб олинган. Хорижлик сайёҳлар Давлат хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар ходимлари доимий “назоратида” бўлган [4.49.В.44]. Бу ўз навбатида сайёҳларни маълум маънода “эркинлигини” буғган. Туризм соҳасига хизмат қилувчи экскурсовод ва гид таржимонлар Интурист ташкилоти томонидан ташкилланган “Билим жамияти” томонидан махсус курсларда коммунистик ғоялар билан доимий курулантирилган. Ўзбекистонда 1980 йилда ташкил этилган махсус курсларда Фарғона туристик минтақасидан ҳар йили 25 нафардан 30 нафаргача мутахассислар ўз билимини бойитиб борган [4.49.В.47].

Хорижлик сайёҳларга коммунистик ҳаракат тарихи билан боғлиқ йўналишлар бўйлаб саёҳатлар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, Фарғона туризм ва экскурсия бюроси томонидан бир кунлик – Фарғона-В.И. Ленин ёдгорлик мажмуаси бўйлаб саёҳат, икки кунлик – “Фарғона водийси Ўзбекистон марвариди” номли саёҳат, икки кунлик – Фарғона-Хамзаобод йўналиши бўйлаб саёҳат, бир кунлик – Фарғона водийсида Совет хокимиятини ўрнатилиши номли саёҳат, икки кунлик – Фарғона-Ленинобод (Хўжанд) йўналиши бўйлаб саёҳат, бир кунлик – Фарғона-Қўқон йўналиши бўйлаб саёҳат, тўрт кунлик – Фарғона-Бухоро йўналиши бўйлаб саёҳат, икки кунлик – Тошкент -Ўзбекистоннинг пойтахти номли саёҳатлар ташкил этилган [4.49.В.44]. Бу туристик

маршрутларга амалга оширилган саёҳатлар натижасида сайёҳларга психологик таъсир кўрсатишга ҳаракат қилинган. Саёҳат давомида сайёҳлар томонидан коммунистик мафкурага зид саволлар берилган тақдирда “тарихни бузиб кўрсатган” сайёҳларга хатто “қўпол” муносабатда бўлиш ҳолатлари ҳам бўлиб турган [5.96.В.67]. Экскурсия давомида имкон доирасида Совет давлати улуғворлигини тараннум этувчи ҳамда “ватанпарварлик” руҳи сингдирилган мусиқа ва кўшиқлар кўйиб берилган. Айниқса “Катюша” кўшиғи жуда машҳур бўлган [4.49.В.24].

1980 йилга келганда Интурист ташкилоти ишлаб чиқариш салоҳияти бўйича Тошкент шаҳардан кейин иккинчи ўринда турган Фарғона вилоятининг ФНҚЗ, Марғилон ипакчилик комбинати, “Атлас” мато ишлаб чиқариш корхоналари туризм ва экскурсия бюроси томонидан туристик маршрутлар тизимига киритилди ҳамда 1980 йилнинг ўзида 3500 та сайёҳлар ташриф буюрди [6.340.В.18]. Айнан шу йиллардан бошлаб социалистик услубда бошқаришни салбий томонлари ҳамда бозор иқтисодиётига ўтиш тўғрисида сайёҳларни саволларига рўйи-рост жавоб бериш имконияти берилди. Чунки, мамлакатни социалистик қарашлар билан юксакликка олиб чиқиш имконияти йўқлиги тан олинди.

Совет иттифоқида ташриф буюрган сайёҳларни социалистик ахборот орқали таъсир ўтказиш мақсадида мунтазам меҳмонхона ва кўнгилочар масканларга "Правда", "Известия", "Труд" каби даврий матбуот нашрлари етказиб берилган [7.309.В.7]. Бундан кўриниб турибдики хатто хизмат кўрсатиш объектлари ҳам мафкуравий босим остида бўлган. Шу билан бир қаторда марказдан узоқ ҳудудларига саёҳатлар ташкил этиш жараёнларида ҳам сайёҳларни социалистик ахборот маконидан чиқиб кетишини олдини олиш мақсадида хатто Хамзабод (Шоҳимардон) ҳудудида кўчма радио орқали [8.283.В.83] доимий равишда мамлакат ички ва ташқи ҳолати тўғрисида маълумот бериб турилган. Туризм коммунистик мафкура тарғибот қуроли воситаси вазифасини бажарганлигини дунёнинг 30 дан ортиқ тилларида коммунистик мафкура руҳи сингдирилган турли рисола, адабиёт, буклет, отқритка ва нишонлар нашр этилганлиги ҳамда сувенир сифатида сайёҳларга текин тарқатилганлиги [9.366.В.146] тасдиқлайди.

Сайёҳлар гуруҳ раҳбари ва экскурсоводнинг доимий назоратида бўлган. Агар сайёҳ узоқ вақт шерикларининг қараш доирасидан “чиқиб кетса”, “нотўғри хатти-ҳаракат” қилса, фавқулдда ҳолат сифатида қаралган. Жумладан, 1980 йилда ГДРдан Фарғона вилоятига келган сайёҳлар ҳисоботида “гуруҳда 200-300 метр айрим сайёҳлар орқада қолишини инobatга олмаганда” [10.282.В.23] нохуш ҳолатлар кузатилмаганлиги қайд этилган.

Шунингдек хорижлик сайёҳларни ўзи билан бирга Совет иттифоқи ҳудудига хориж мамлакатларида нашр этилган босма маҳсулотлар олиб кирмасликлари, порнографик ҳамда диний хусусиятдаги журналларни кириб келишини олдини олиш мақсадида қаттиқ назорат қилинган. Буни Япониядан 1978 йили ташриф буюрган сайёҳларнинг саёҳат давомида меҳмонхонада юклари кўздан кечирилганлиги тўғрисида “Ўзбекистон” меҳмонхонаси шикоят дафтарларида акс эттирилганлигидан [11.66.В.1] кўриш мумкин.

Совет иттифоқи даврида хорижлик сайёҳларни мамлакатга ташриф буюрган вақтда бериши мумкин бўлган саволларга махсус шаблон жавоблар ишлаб чиқилган. Бу ахборотга қарши ахборот тарзида курашнинг ёрқин намунаси вазифасини бажарган жумладан, 1977 йилдан бошлаб “СССР. 100 саволга 100 жавоб” рисолаи нашр этила бошланган. Аммо ушбу асардан ҳар доим ҳам сайёҳлар саволларига жавоб топиб бўлмаган. Кўп ҳолатда хориждан мамлакатнинг ички ва ташқи аҳволидан боҳабар “сайёҳ” ниқоби остида капиталистик мамлакатлар жосуслари ҳам ташриф буюргани, улар эса имкон доирасида мамлакат ҳақида зарур “ахборот”ни йиғиш мақсадида экскурсовод ва гид таржимонни қийин аҳволга солиб кўядиган саволларни ҳам берар эди. Жумладан, “Нима учун мамлакатингизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар хориж мамлакатлари маҳсулотлари сифатидан анча паст?”(ГДР,1978), “Нима учун социалистик жамиятда “эркин” оила мавжуд эмас?”(ГДР,1978), “Нима учун совет ишчи ва ёшлари капиталистик мамлакатларга саёҳатга кам сафар қилади?”(1978, ГДР), “Нега совет телевизорининг оғирлиги 46 кг, Японияники 11 кг?”(ГДР, 1978), “Нима учун мамлакатингиз тунги клубларида турли “стриптиз” рақслар намоёиш этилмайди?”(ГДР, 1978) [12.91.46] каби саволларга жавоб бериш мушкуллик туғдирганлиги тўғрисида қайд этилган. Совет иттифоқида ташриф буюрган хорижлик сайёҳларни асосан мамлакат аҳолисининг “ахлоқи” қизиқтирган. Бу табиий ҳолат. Қайси мамлакатда оммавий маданият ва замонавий ҳаёт унсурлари кўп ёйилган бўлса ўз таъсир доирасига тортиш имконияти ҳам шунча осон бўлган. Буни совет иттифоқи ҳам капиталистик мамлакатлар ҳам яхши тушунишган. Туризм эса бевосита турли “маданиятлар” интеграцияси учун муҳим восита бўлган. Биргина замонавий капиталистик мамлакатлар хизматлар соҳалари таркибида тунги клубларда турли стриптиз рақслари хатто махсус туристик пакет сифатида эътироф этилган. Совет иттифоқида эса ушбу сўзни талаффуз этиш тугул ўша вақтда хатто тўғри ёзиш кўникмаси ҳам бўлмаган. Архив ҳужжатларида ушбу сўзни тўғри ёзилмагани ўз даврида рус тили граматиқаси мукамал ўргатилган жамият ҳаётига янгилик бўлганидан далолат беради.

Хорижлик сайёҳларни совет иттифоқида энг кизиқтирган омил капиталистик мамлакатларда бўлгани сингари ижтимоий реклама роликлари ўрнига газета-журналларда, телевидения ва радиода ҳам хатто хар бир шаҳар ва кўчаларда “Биз тинчлик тарафдоримиз” “Биз атом урушига қаршимиз” [213.136.В.199] сингари турли сиёсий баннерлар кўплиги хайратлангирган. Совуқ уруш хукмрон бўлган жамият учун бу ёт бўлмаса-да, амалда бу хорижлик сайёҳларни “хайратлангирган”. Бундан ташқари капиталистик мамлакатларнинг асосий қисми ўзларини “хақиқий диндор” деб хисоблаганликлари туфайли социалистик мамлакатларда масжид ва черковларнинг бўм-бўшлиги кўплаб ортиқча саволларни келтириб чиқарган. Жумладан, “Нима учун сизларда муқаддас қадамжолар, масжид ва черковлар бўш, сизлар Худога эҳтиёж сезмайсизларми?” деган савол билан гид таржимонга 1978 йилда ГДР дан келган сайёҳлар мурожаат қилганда, “Биз учун Ленин яратган йўл хар қандай диндан устун. Совет иттифоқи фуқаролари хеч қандай динга эҳтиёжи мавжуд эмас” [213.136.В.198] деган атеистик жавоб берилганлиги, диний атеизм мамлакат аҳолисининг асосий “ишончи”га айланганлигидан далолат беради.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, Совет иттифоқи туризм дастурлари ғарб давлатлари мазкур соҳадаги дастурлардан фарқ қилган. Ғарб давлатларида туризм ҳаётнинг моддий фаровонлик тимсолига айланган бўлса, бу ерда “адолатли келажак” имиджи доирасида саёҳат дастурлари ишлаб чиқилди. Саёҳат дастурларида совет фуқароларининг кундалик ҳаётини намойиш этиш, ишлаб чиқариш корхоналари, таълим муасасалари, фан ва техника, маданият, санъат, қишлоқ хўжалигидаги ижтимоий муаммоларнинг “тезкорлик” билан ҳал этилганлигини хорижлик сайёҳларга кўрсатиш туризмнинг асосий вазифалари қилиб қўйилди. Бундан кўзланган мақсад совет давлатининг келажаги “порлоқ” эканлигини намойиш қилиш бўлган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Васильев Г.И. Пролетар туризми учун Ўрта Осиё бўйича экскурсия – Тошкент., 1932. – В. 24.
2. ФВДА. 1141-фонд, 1-рўйхат, 48-йиғма жилд, 10,15,19-вароқ.
3. ФВДА. 1141-фонд, 1-рўйхат, 5-йиғма жилд, 10,12,40- вароқ.
4. ФВДА. 1141-фонд, 1-рўйхат, 49-йиғма жилд, 22,24,20,41,47 вароқ.
5. ФВДА. 1160-фонд, 1-рўйхат, 96-йиғма жилд, 67-вароқ.
6. ФВДА. 1160-фонд, 1-рўйхат, 340-йиғма жилд, 18-вароқ.
7. ФВДА. 1160-фонд, 1-рўйхат, 309-йиғма жилд, 7-вароқ.
8. ФВДА. 1160-фонд, 1-рўйхат, 283-йиғма жилд, 83-вароқ.
9. ЎзР. МДА. 2753-фонд, 1-рўйхат, 366-йиғма жилд, 146-вароқ.
10. ФВДА. 1160-фонд, 1-рўйхат, 282-йиғма жилд, 23-вароқ.
11. ФВДА. 1160-фонд, 1-рўйхат, 66-йиғма жилд, 1-вароқ.
12. ФВДА. 1160-фонд, 1-рўйхат, 91-йиғма жилд, 46-вароқ.
13. ФВДА. 1160-фонд, 1-рўйхат, 136-йиғма жилд, 198,199-вароқ.

УЎК 81-13

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ЙИЛЛАРИДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ТУРИЗМНИНГ АҲВОЛИ (1920-1970 йиллар мисолида)

М.Ш. Мансуров, PhD, Тошкент давлат техника университети Кўқон филиали, Кўқон

Аннотация. Мақолада 1920 -1970 йилларда Фарғона водийсида туризмнинг шаклланиш жараёнлари ҳамда ривожланиш босқичлари асосий масала сифатида кўриб чиқилди. Шунингдек, водийнинг рекреацион жиҳатдан қулай минтақада жойлашгани унинг қишлоқ туризми, экотуризм, соғломлаштириш туризми ҳамда тарихий-маданий туризм турларини ривожлантириш имкониятлари ва туризм инфратузилмасини яратилиши мақсад ва вазфалари асосланган.

Калит сўзлар: туризм, рекреацион туризм, қишлоқ туризми, Интурист, тур маршрути

Аннотация. В статье в качестве ключевого вопроса рассматриваются процессы становления и этапы развития туризма в Ферганской долине в 1920-1970 гг. Также расположение долины в рекреационной зоне основано на ее целях и задачах по развитию сельского туризма, экотуризма, оздоровительного туризма и историко-культурного туризма, а также создания туристической инфраструктуры.

Ключевые слова: туризм, рекреационный туризм, сельский туризм, Интурист, туристический маршрут

Abstract. The article considers the processes of formation and stages of development of tourism in Fergana Valley in 1920-1970 as a key issue. Also, the location of the valley in a recreational area is based on its goals and objectives for the development of rural tourism, eco-tourism, health tourism and historical and cultural tourism, as well as the creation of tourism infrastructure.

Keywords: tourism, recreational tourism, rural tourism, Intourist, tour itinerary

Туризм Совет иттифоқи даврида янги тармоқ сифатида шаклланди. Бироқ бу соҳа ҳам бошқа кўплаб тармоқлар сингари кучли мафкуралаштирилганлиги, ёшларни коммунистик мафкура руҳида “тарбияловчи” воситага айлантирилганлиги билан ифодаланади. Совет иттифоқида туризм энг аввало коммунистик мафкурани тарғиб қилиш воситаси сифатида ривожлантирилди. Бунинг учун совет умумхалқ байрамларидан кенг фойдаланган ҳолда Совет мамлакати ҳаётини мафкуравий компонентларини хорижлик сайёҳларга намойиш қилишга ҳаракат қилинган. Туристларга Совет иттифоқини - дунёдаги биринчи социалистик давлат сифатида жаҳон тарихига таъсири ва аҳамиятини очиб беришда туризмдан кенг фойдаланишган. Айниқса фашистик мафкура ҳукмрон бўлган мамлакатлардан келувчи туристларга ўзларини бахтли хис қилишлари учун барча шароитлар яратилган. Совет иттифоқи муваффақиятлари ҳақида хорижликларга коммунистик мафкуранинг мамлакат ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини очиб беришга интиланган. Бу билан Совет иттифоқи ва социалистик тузумини идеаллаштирилган тасвири туристларга намойиш этилган.

XX асрнинг 20-йилларида Совет иттифоқида ташқи туризм ҳам ривожлана бошлади. Дунёнинг турли мамлакатларидан ишчи делегациялар, илғор ёзувчилар ва маданият арбоблари, саноат ва савдо вакиллари совет иттифоқига сафарлари ташкил қилинди. Бундан кўзланган мақсад “мамлакат ҳақидаги ёлғонлар” ни йўқ қилишдан иборат эди. Шу билан бир қаторда ижтимоий туризмни ривожлантириш учун зарур шароитларни яратиш, оммавий экскурсия ва сайёҳлик ҳаракатлари ривожлантириш бошланди. Натижада, 1920-1930 йилларгача бўлган давр туризм тарихида тажриба орттириш ва "режалаштирилган туризм" даври сифатида қолди. Интурист фаолияти 1929-1939 йилларда бир томонлама ривожланган бўлса-да, хорижий сайёҳларга хизмат кўрсатиш, транзит ва мафкуравий соҳа амалиёти сезиларли даражада такомиллаштирилди [1.63.Б.].

1928 йилда Бутун иттифоқ пролетар туризми ва экскурсиялар кўнгилли жамияти ташкил этилди [2.8.Б.]. Натижада, Фарғона водийсида ҳам аста-секинлик билан туризм индустриясининг ривожланишига сабаб бўлди. 1928 йилнинг ўзида Ўзбекистонда республика бўйича 7 та маршрут ишлаб чиқилди. Жумладан, Фарғона водийси бўйлаб Тошкент – Қўқон – Наманган – Андижон – Сойбозор – Қўрғон, Арслонбоб – Жалолобод – Фарғона – Хўжанд Тошкент [3.23.Б.] йўналишида туристик маршрутлар йўлга қўйилди.

1929 – 1930 йиллар Андижон ва Қўқон каби тарихий шаҳарларда коммунал хизматларни йўлга қўйиш, тоза ичимлик сувлари билан таъминлаш масалалари йўлга қўйилди ҳамда 200.000 кв км майдон таъмирланди [4.12.Б.]. Бу ўз навбатида ижтимоий инфратузилмани шакллантиришга олиб келган бўлса, иккинчи томондан қадимий тарихий шаҳарлардаги кўплаб ноёб архитектура ёдгорликларини бузилиши ва тарихий қиёфасини йўқолишига олиб келди.

1931 йилда Қирғизистон ва Туркменистон ишчи делегацияларига Фарғона водийсидаги қурилиш соҳасида амалга оширилаётган ўзгаришларни кўриш ва маданий хордик чиқариш мақсадида саёҳатлар ташкил этилди [5.21.Б.]. Саёҳатдан кўзланган асосий мақсад “буюк социализм” ютуқлари билан таништириш ва унинг “буюк келажаги” тўғрисида туристларда таассурот қолдиришга ҳаракат қилинган. Совет иттифоқи ички туризмни ривожлантиришда икки асосий йўналиши белгилаб олди. Диққатга сазовор жойлар бўйича режали маршрутлар ва ҳаваскор туризм йўналишлари бўйича саёҳатлар амалга оширилган. Бироқ шуни айтиб ўтишимиз керакки, бу даврда транспорт ва малакали мутахассислар масаласи соҳа ривожига тўсиқ бўлди.

Ташқи туризм соҳасида 1933-1939 йилларда "Интурист" мафкуравий ва сиёсий вазифаларни илгари сурди. Хорижий туризмни ривожлантириш орқали капиталистик давлатлар фуқароларини социалистик тузум ютуқлари билан таништириш режалаштирилди [6.71.Б.]. Бунинг учун, 1931 йилдан гид таржимонлар учун махсус коммунистик мафкурани ўқитувчи тренинглари ташкил этилади [7.51.Б.]. Ушбу тренинглardan кўзланган асосий мақсад сайёҳларни “совет ҳаёти” билан таништиришда ғоявий ёндоқишнинг услублари ўргатилди. 1932 йил 3 апрелда Москвада бўлиб ўтган Пролетар туризм ташкилотининг Бутуниттифоқ конференциясида туризмнинг вазифаси – социализмни бунёд этиш билан боғлиқлиги белгиланди. Совет Иттифоқи туризмдан бунёдкорлик, маданий “таракқиёти” билан кенг ишчи оммасини таништиришга алоҳида аҳамият қаратган ҳолда социалистик қурилиш ҳамда маданиятга боғлаб ривожлантириш зарурлиги кўратилди [8.13.Б.].

1931 йилдан Фарғона туристик минтақасида босқичма-босқич спорт туризми, тоғ туризми, соғломлаштириш туризми каби туризм турлари ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади. Бу водийнинг рекреацион жиҳатдан қулай минтақада жойлашганлиги сабабли истиқболи юқори бўлган [9.14.Б.]. Комсомол Марказий кўмитаси ташаббуси билан 1958 йилда 16 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшларни бирлаштирувчи “Спутник” халқаро ёшлар туризм бюроси Фарғона минтақавий бўлими ташкил этилди. Спутник дунёнинг кўплаб мамлакатлари ёшлар ташкилотлари билан ҳамкорлик қилди. Совет Иттифоқига боришга қарор қилган хорижий ёшлар учун уларга 100 дан ортиқ маршрутлар таклиф этилди. Халқаро ёшлар лагерларида совет ёшлари ва чет эллик ёшларнинг вакиллари дам олишди [10.15.Б.]. 1965 йил Фарғона вилоятида болаларни соғломлаштириш ва дам олиш ва ёшлар туризмни ривожлантириш мақсадида “Труд”, “Спартак”, “Локомотив”, “Буревестник”, “Водник”

каби халқаро ёшлар ёзги дам олиш лагерлари ташкил этилади [11.18.Б.]. Фарғона вилоятида туризм ва экскурсия бюроси 1965 йилдан бошлаб спелиотуризм секцияси, [12.3Б.] туризм тараққиётини таъминлаш мақсадида қишлоқ туризм секцияси, автмототуризм секциялари ҳам йўлга қўйилади [13.10.Б.].

1965 йилда Фарғона туристик минтақасидан 12 нафар ишчи ходим таржимон сифатида туристлар билан Ғарбий Африка, Европа мамлакатларига, Югославияга, Хиндистон, Покистон, Афғонистон, Араб мамлакатлари, ГДР, Мексика ва Лотин Америка давлатига саёҳатга туристлар билан гид таржимон сифатида чиқди [14.12.Б.]. Натижада, хорижий давлатлар етакчи тажрибаларининг совет иттифоқида мос томонлари ўзлаштирилди. Жумладан, пиёда саёҳат қилиш махсус тур сифатида шакллантирилди. Фарғона водийсининг қийинчилик даражаси бўйича биринчи ва иккинчи даражали йўлларида 4 та маршрутлар ташкил этилди. Ушбу туристик маршрутлар Қувасой ва Учқўрғон худудларида амалга оширилган [15.16.Б.].

Туристлар асосан халқларнинг маданияти, урф-одат ва анъаналари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш жараёнини кўриш ва аҳолиси маиший ҳаётига қизиққанлигини кўрсатди. Жумладан, 1966 йилнинг ўзида 1400 дан зиёд сайёҳлар қишлоқ туризми доирасида Фарғона вилоятига ташриф буюрган [16.50.Б.]. Туризмни янги тармоғи сифатида қишлоқ туризмни ривожлантириш қишлоқ хўжалигида эришилаётган ютуқларни намойиш қилиш ва қишлоқ аҳолини яшаш тарзини намойиш қилиш ҳам туризмнинг энг истиқболли тури сифатида эътироф этилди [17.4.Б.]. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш жараёнини туристларга намойиш қилиш мақсадида Охунбобоев туманида, Олтиариқ туманида, Ленинград туманларида махсус дала туристик зоналари ташкил қилиш бўйича маҳаллий ҳокимият билан келишган ҳолда туристик маршрутлар ишлаб чиқилади [18.1.Б.]. Фарғона вилояти узумзор, анорзорлари, ўриклари ҳатто хорижда ҳам машхур. Бундай ўзига хос таъмга эга мева маҳсулотлари ҳар қандай таби нозик сайёҳни ҳам таажжубга солиши тайинлиги [19.6.Б.] туфайли ҳам қишлоқ туризмни ривожлантиришга иттифоқ даражасида эътибор қаратилган. Куз мавсумида сентябрь-октябрь ойларида боғларда ҳосил йиғиш жараёнларини томоша қилиш ва бевосита иштирок этишлари, бепоён пахта далаларида “оқ олтин” ни терим машиналарини териш жараёнларини кўрсатиш бўйича махсус туристик маршрутлар ишлаб чиқиш ва қишлоқ туризмни янада ривожлантириш зарурлиги [20.18.Б.] кўрсатилганлигини кўришимиз мумкин.

1966 йил 23 февралда Фарғона вилояти Комитети томонидан №116 сонли “Дам олиш уйлари ва туристик масканларни ташкил этиш ва қуриш тўғрисида” ги қарори туризмни янада ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлди [21.6.Б.]. Натижада, Фарғона вилоятида туризм индустриyasидан келадиган даромадни ошириш мақсадида темир йўллар тугунининг Фарғона станциясида туристлар учун барча қулайликлар яратиш билан бир қаторда сувенирлар савдоси ҳам йўлга қўйилган [22.7.Б.]. Шу билан бир қаторда, Олтиариқ туманида нефтни қайта ишлаш завоидига қарашли “Хайдаркон” соғломлаштириш маскани 1968 йилда ташкил этилади. Фарғона вилояти туризм ва экскурсия бюросининг ёз мавсумида туристларни 2 кунлик махсус лойиҳалари йўлга қўйилган. Фарғона туманида “Хонқиз туристик базаси” ташкил этилиб, болалар оромгоҳлари, дам олиш масканлари ва бошқа хизмат турлари ташкил этилганлиги туфайли иттифоқ доирасидаги турбаза вазифасини бажарган [23.25.Б.].

Маҳаллий туризмни ривожлантириш мақсадида, 1967 йилда Фарғона ва Қашқадарё туризм ва экскурсия бюрolari хамкорликда Фарғона-Бойсун туристик маршрути ташкил этилди. Ушбу туристик маршрут орқали водий ва воҳа ёшлари ўзаро фикр алмашиш имконияти яратилади. Жумладан, ушбу саёҳат давомида Улуғ ватан уруши қаҳрамонлари билан учрашувлар ташкил этиш орқали ёшларни ватанпарвалигини оширишга ҳаракат қилинган. Улуғ ватан уруши қаҳрамони Абдулла Набиев билан бўлиб ўтган учрашув айниқса мазмунли бўлиб ўтган [24.16.Б.].

Совет иттифоқи йилларида туризмни ривожлантириш, “буюк социализм” ютуқлари билан хорижлик ва маҳаллий туристларни яқиндан таништириш, совет давлати улуғворлигини кўрсатиш мақсадида, Фарғона туризм ва экскурсия бюроси мавзули туризм маршрутлари ишлаб чиқади. Жумладан, “Фарғона ишлаб чиқариш салоҳияти”, “Совет иттифоқи қаҳрамонлари”, “Фарғона кеча ва бугун”, [25.11.Б.] “Улуғ октябрь революцияси ва Улуғ ватан уруши қатнашчиларини хотирлаш”, [26.10.Б.] “Пионерлар қурилишда”, “Бирдамлик”, [27.10.Б.] “Фарғона водийси Ўзбекистон марвариди” [28.15.Б.] каби саёҳат маршрутлари ишлаб чиқилди.

Ички туризмни ривожлантириш мақсадида Фарғона – Риштон йўналиши бўйлаб саёҳат маршрути ишлаб чиқилади. Саёҳат давомида Риштон хунармандлари билан учрашувлар ташкил этилди [29.3.Б.]. Бироқ Фарғона вилоятининг бирон-бир худудида туристлар учун махсус сувенирлар савдоси билан шуғулланувчи магазинлар ташкил этилмаганлиги, Фарғона вилоятини диққатга сазовор жойлари акс этирилган откриткалар йўқлиги [30.1.Б.] каби туризм соҳасида камчиликлар мавжуд эди.

1968 йилнинг ўзида Фарғона вилояти бўйлаб 9 та йўналишда туристик маршрутлар ташкил этилган. 1969 йилдан эътиборан Фарғона Катта канали Фарғона туризм ва экскурсия бюроси

ташаббуси билан туристик маршрутлар тизимига киритилади. Фарғона Катта канали ўтадиган сўлим масканларда хизмат кўрсатиш тизимини яхшилаш бўйича махсус тавсиялар ишлаб чиқилади [31.6.Б.].

Фарғона вилояти ўзининг ишлаб чиқариш салоҳияти бўйича собиқ иттифоқ йилларида фақат Тошкент шаҳардан кейин иккинчи ўринда турган. Шу туфайли индустриал туризм жадал ривожланган. Жумладан: ФНҚЗ, Марғилон ипакчилик комбинати, “Атлас” мато ишлаб чиқариш корхонаси ҳам Фарғона вилояти туризм ва экскурсия бюроси томонидан туристик маршрутлар тизимига киритилган. Ишлаб чиқариш жараёни билан танишиш ва кўриш мақсадида 1969 йилнинг ўзида 3500 та хорижий сайёҳлар ташриф буюрган [32.148.Б.].

Фарғона водийсида маданий туризмни ривожлантиришга аҳамият берилмади. Жумладан, Фарғона-Хамзаобод туристик маршрутнинг асосий базаси бўлган Шохимардон 1965 йилга қадар ўзининг тарихий қиёфасини йўқотмаган. Бироқ, 1969 йилга келганда кенг қайта қуриш ишлари натижасида анъанавий тарихий қиёфаси йўқолган. Хорижлик сайёҳларни кўпроқ маҳаллий халқнинг яшаш тарзи қизиқтириши [33.41.Б.] инobatга олинмаган. Бу ерда совет давригача бўлган даврда Хазрати Али мазори мавжуд бўлган. Барча Фарғона водийси бўйлаб ҳаракатланган қарвон йўллари Шохимардонда тўхтаб ўтган. Бу ерга Эрон, Хиндистон, Афғонистон ҳудудларидан кўплаб зиёратчилар ташриф буюрган [34.116.Б.]. Шохимардон совет даврида ҳам ўзининг сўлим табиати ва муқаддас қадамжолари туфайли ўзининг жозибасини йўқотмади, аксинча у иттифоқ доирасидаги энг катта туристик базалардан бирига айланди. Хамзаобод туристик базаси биргина 1968 йил 7205 нафар хорижлик сайёҳларга хизмат кўрсатган бўлса, ички туризм доирасида маҳаллий 9498 та сайёҳга хизмат кўрсатган [35.2.Б.].

Туристларнинг асосий қисми нафақат тинч сокин табиат қўйнида дам олиш билан бир қаторда, маҳаллий халқларнинг анъана ва қадриятларини, маданиятини, халқ фольклорларини, миллий ўйинларини ва театр ва миллий мусиқасидан баҳраманд бўлишни хоҳлашади. Бу соҳаларни туризм ривожланишида ўрни катта [36.10.Б.]. Бироқ, ўзбек халқининг кўп минг йиллик урф одатлари, анъана ва қадриятлари эскилик сарқити сифатида баҳоланади. Шу билан бир қаторда коммунистик мафкурага зид, “миллатчилик”, “пантуркизм”, “панисломизм” каби сохта ғоялар билан таъқиб қилинган.

1969 йил 30 майда КПСС Марказий Комитети “Мамлакатда туризм ва экскурсияни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида” қарор қабул қилди [37.24.Б.]. Ушбу қарор доирасида Фарғона вилоятида 1969 йилнинг ўзида 189 марта пиёда, 504 марта автобусда 180 марта [38.8.Б.] саёҳат ташкил этилди. Фарғона водийсидаги энг қадимги шаҳарлардан Қўқон шаҳрига 1969 йилда 15 минг сайёҳ ташриф буюрган. Бу умумий аҳолининг 8,8% қисмини ташкил этган [39.21.Б.].

Хулосалар:

1. Совет иттифоқи йилларида туризм соҳаси махсус индустрия сифатида шаклланди. Советлар ҳукумронлиги йилларида туризм соҳасини ривожланиш тарихи режалаштирилган (1920-1936), бошқарув ислохотлари даври (1936-1969) босқичларидан иборат.

2. Совет иттифоқида Фарғона водийси туризмнинг асосий тугуни сифатида эътироф этилди. Тоғ туризми, альпинизм, пиёда туризми турлари йўлга қўйилган бўлса-да, мутахассисларнинг етишмаслиги, йўл инфратузилмасининг йўлга қўйилмаганлиги соҳа ривожига салбий таъсирини кўрсатди.

3. Фарғона водийсида янги тармоқ сифатида саноат туризмнинг йўлга қўйилиши сайёҳлар оқимини оширишдан ҳам кўра кўпроқ социализм ютуқларини капиталистик мамлакатлардан келган туристларга намойиш қилиш, социалистик тузум улғуворлигини намойиш қилиш бирламчи вазифа қилиб олинди.

4. Фарғона водийсида 1960-йилларда қишлоқ туризмни йўлга қўйиш орқали водийда пахтазорлар, боғлар туристик объект сифатида қарала бошланди. Бироқ, Шохимардон каби машҳур қишлоқлар ўзининг анъанавий қиёфасини йўқотишига олиб келди.

5. Фарғона водийсида ички туризмни ривожлантиришда тарихий маданий туризм турларини ривожлантиришга аҳамият қаратилган бўлса-да, бу асосан Совет Иттифоқини барпо этишга хизмат қилган қизил аскарлар ва Иккинчи жаҳон уруши қаҳрамонлари монументлари бўйлаб ташкил этиладиган жанговар туризм турини ривожлантириш орқали ёшларни Совет Иттифоқида садоқатини ўстиришга ҳаракат қилинди.

Фойдаланилган адабиёт рўйхати:

1. Багдасарян В. Э., Орлов И. Б. “Советское “Зазеркалье” (Иностранный туризм в СССР в 1930 – 1980 – е годы) Москва 2007 г 63 с.
2. Қаранг ўша асар. 8 с.
3. Абдумаликов Р. Холдоров Т. Туризм. Тошкент “Ўқитувчи” 1988 й. 236.
4. Ўз.Р. МА: 737-фонд, 1-рўйхат, 966-йиғма жилд, 12-вароқ .
5. Ўз.Р. МА: 9-фонд, 1-рўйхат, 702-йиғма жилд, 21-вароқ.
6. Багдасарян В. Э., Орлов И. Б. “Советское “Зазеркалье” (Иностранный туризм в СССР в 1930 – 1980 – е годы) Москва 2007 г 71 с.
7. Қаранг. Ўша асар. 2007 г 51 с.

8. Абдумаликов Р. Холдоров Т. Туризм. Тошкент “Ўқитувчи” 1988 й. 136.
9. ФВДА: 1141-фонд, 1-рўйхат, 49-йиғма жилд, 14- 15, 18 вароқлар.
10. ФВДА: 1141-фонд, 1-рўйхат, 5-йиғма жилд, 3, 10, 12 вароқлар.
11. Ўз.Р. МА: 2753-фонд 1-рўйхат 11-йиғма жилд 16-вароқ
12. ФВДА:1141-фонд, 1-рўйхат, 5-йиғма жилд, 50-вароқ.
13. ФВДА: 1141-фонд, 1-рўйхат, 46-йиғма жилд, 4-вароқ.
14. ФВДА: 1141-фонд, 1-рўйхат, 27-йиғма жилд, 1-вароқ.
15. ФВДА: 1160-фонд, 1-рўйхат, 6-йиғма жилд, 6-вароқ.
16. ФВДА: 1160-фонд, 1-рўйхат, 6-йиғма жилд, 18-вароқ.
17. ФВДА:1141-фонд, 1-рўйхат, 48- йиғма жилд, 6-вароқ.
18. ФВДА: 1141-фонд, 1-рўйхат, 48-йиғма жилд, 7-вароқ.
19. ФВДА: 1141-фонд, 1-рўйхат, 49-йиғма жилд, 25-вароқ.
20. ФВДА: 1141-фонд, 1-рўйхат, 49-йиғма жилд, 16-вароқ.
21. ФВДА: 1141-фонд, 1-рўйхат, 5-йиғма жилд, 11-вароқ.
22. ФВДА: 1141-фонд, 1-рўйхат, 30-йиғма жилд, 10-вароқ.
23. ФВДА: 1141-фонд. 1-рўйхат, 48-йиғма жилд, 10-вароқ.
24. ФВДА: 1141-фонд, 1-рўйхат, 48-йиғма жилд, 15-вароқ.
25. ФВДА: 1141-фонд, 1-рўйхат, 27-йиғма жилд, 3-вароқ.
26. ФВДА: 1141-фонд, 1-рўйхат, 27-йиғма жилд, 1-вароқ.
27. ФВДА: 1160-фонд, 1-рўйхат, 6-йиғма жилд, 6-вароқ.
28. ФВДА: 1160-фонд, 1-рўйхат, 6-йиғма жилд, 148-вароқ.
29. ФВДА: 1141-фонд, 1-рўйхат, 49-йиғма жилд, 41-вароқ.
30. ФВДА: 1160-фонд, 1-рўйхат, 6-йиғма жилд, 116-вароқ.
31. ФВДА: 1141-фонд, 1-рўйхат,49-йиғма жилд, 2-вароқ.
32. ФВДА: 1141-фонд, 1-рўйхат, 5-йиғма жилд, 10-вароқ.
33. ФВДА: 1141-фонд, 1-рўйхат, 49-йиғма жилд, 24-вароқ.
34. ФВДА: 1141-фонд, 1-рўйхат, 5-йиғма жилд, 8-вароқ.
35. ФВДА: 1141-фонд, 1-рўйхат, 46 -йиғма жилд, 21-вароқ.

УЎК 93/94

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ЙИЛЛАРИДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИНГ ЎЗИГА ҲОС ХУСУСИЯТЛАРИ

А.А. Мирзаев, катта ўқитувчи, Фарғона политехника институти, Фарғона

Аннотация. Мақолада Совет иттифоқи йилларида Фарғона водийси бўйлаб ташиқил этилган зиёрат тур маршрутлари ва уларнинг социализм ғояларига садоқат руҳида тарбиялашдаги аҳамияти очиб берилди.

Калим сўзлар: туризм, тур маршрут, босмачи, тематик маршрут

Аннотация: В статье объясняются туристические маршруты, организованные по Ферганской долине в советское время, и их роль в воспитании в духе приверженности идеям социализма.

Ключевые слова: туризм, экскурсионный маршрут, «басмачи», тематический маршрут

Abstract. The article explains the tourist routes organized in the Ferghana Valley during the Soviet era and their role in educating them in the spirit of adherence to the ideas of socialism.

Key words: tourism, excursion route, "basmaches", thematic route

Бугун туризм жаҳон иқтисодиётининг энг сердаромад тармоғи сифатида эътироф этилмоқда. Дунё бўйича ҳар янги яратилаётган 8 иш ўрнидан бири айнан туризм тармоғида яратилаётгани ҳам бунни исботлайди. Ўзбекистонда ҳам туризм алоҳида индустрия сифатида янги ривожланиш даражасига кўтарилди. Хориж мамлакатларининг амалиётдан ўтган тажрибаларини жорий этиш билан бир қаторда тарихий жараёнларни ҳам таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, кўплаб соҳалар сингари туризм соҳаси ҳам коммунистик ғоялар тарғибот қуроли сифатида Совет иттифоқи йилларида шаклланди. Фарғона водийсида рекреацион туризм, экотуризм, соғломлаштириш туризми, тарихий-маданий туризм турлари билан бир қаторда зиёрат туризми ҳам ўзига ҳос йўналишда шаклланди.

XX асрнинг 70-йилларига келганда Интурист Фарғона водийсида тарихий-маданий туризм турларини ҳам ривожлантиришга алоҳида аҳамият қарата бошлади. Жумладан, зиёрат туризми ҳам шаклланди. Зиёрат туризми энг аввало социализм ғоялари йўлида қурбон бўлган “ватанпарварлар” ҳамда Совет давлати тарғиботчилари мангу қўним топган манзилгоҳларга, “Биродарлик” қабристонларига, Совет иттифоқи қаҳрамонларига ўрнатилган монументлар бўйлаб саёҳатлар ташкил этилган. Жумладан, 1969 йил В.И. Ленининг 100 йиллик юбилеи муносабати билан туристик маршрут ишлаб чиқилди. Саёҳатга асосан мактаб ўқувчилари жалб қилинган [1.5.6 Б.]. Бу орқали ўқувчиларни социализм ғояларига садоқат руҳини сингдиришга ҳаракат қилинган.

Фарғона водийсида Туризм ва экскурсия бюроси томонидан “зиёрат туризми” доирасида “В. И. Ленин ёдгорлик мажмуаси бўйлаб саёҳат”, “Фарғона водийсида Совет хокимиятини ўрнатилиши номли саёҳат” [2.49.4 Б.] тематик маршрутлари ҳам йўлга қўйилди. В. И. Ленин таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан “Фарғона” туристик поездида 1970 йилдан эътиборан, Фарғона-Куйбишев-Ульяновек-Қозон-Москва-Ленинград-Выборг-Москва-Фарғона туристик маршрути йўлга қўйилди [3.62.2.Б.]. Бу орқали ёш авлодни социализм ғояларига садоқат руҳини кучайтириш ва коммунизм “буюк” ғояларига ишонч руҳини шакллантириш асосий вазифа ҳисобланган.

Фарғона водийсида рекреацион жиҳатдан энг қулай минтақа ҳисобланган Шохимардонда ҳам хар йили Х.Х. Ниёзийнинг туғилган куни муносабати билан турбазада дам олувчилар ўртасида волейбол, футбол, шахмат, шашка каби спорт турлари бўйича мусобақалари мунтазам ташкил этиб борилган. Туристлар учун Шохимардон турбазасида кутубхона фаолияти йўлга қўйилган. Иттифок доирасида чиқариладиган газета ва журналлар мунтазам келиб турган. Бундан ташқари туристларнинг кизиқишини инобатга олган ҳолда кино ва концертлар ҳам ташкил этилган. Туристларнинг соғлигини мустаҳкамлаш ва доимий назорат қилиб бориш учун тиббиёт муассасалари фаолияти ҳам йўлга қўйилган [4.64.6Б]. Шунингдек, “Шохимардонда совет иттифоқининг ўрнатилиши” саёҳат маршрути ҳам ишлаб чиқилади [5.57.14 Б]. Водил-Шохимардон йўналиши бўйлаб туристик маршрути йўлга қўйилиб, унда сайёҳлар дам олиш билан бир қаторда Х.Х. Ниёзий музейи ва мақбараси, Шохимардондаги кўплаб тарихий-маданий ёдгорликлар билан ҳам танишиш имкониятига эга бўлган [6.18.5 Б].

Фарғона водийсининг тарихий шаҳарларидан Қўқон шаҳрида Қўқон туризм ва экскурсия бюроси томонидан “Қўқон адабиёти намоёндалари зиёратгоҳлари бўйлаб”, “Совет иттифоқи қахрамонлари”, “Улуғ октябрь революцияси ва Улуғ ватан уруши қатнашчиларини хотирлаш” [7.46.4 Б.] зиёрат тур маршрути йўлга қўйилди. “Зиёрат” давомида “Солдат отаси”, М. Топволдиев ёдгорлиги, Усмон Юсупов ёдгорликлари “зиёрат” қилинган. “Улуғ Ватан уруши қатнашчилари” монументал ёдгорликлари ҳамда Қўқон, Учкўприк туман марказидаги “Биродарлик” қабристонлари ҳам зиёрат тур маршрутига киритилган [8.6.18 Б]. Қўқон шаҳрида Жомеъ ансамбли, Х.Х. Ниёзий ёдгорлиги, Норбўтабий мадрасаси, Дахмаи Шохон зиёратгоҳлари ва атоқли шоира Нодиранинг қабри зиёрат қилинган. Қўқон шаҳридаги В.И. Лениннинг 1925 йилда ўрнатилган биринчи монументал ёдгорлиги, Абдулла Набиев майдони ва ёдгорлиги зиёрат тур маршрутига киритилди [9.6.19 Б].

1972 йилда Қўқон шаҳридаги “Шайхон” қабристонида дафн этилган Завқий, Мукумий, Хусайн Шамсий, Жавдод Абдулла, Пўлатжон Қаюмов, журналист Шариф Ризо (1908- 1943), шоир Иброҳим Даврон (1874- 9922) га ҳам ёдгорликлар ўрнатилди [10.18.253Б]. Қўқон шаҳридаги, Учкўприк, Боғдод туманидаги, Фарғона шаҳридаги “Биродарлик” қабристони ободонлаштирилиб, зиёратчилар учун махсус йўлаклар қурилди [11.3.46 Б]. 1974 йилда Фарғона вилояти депутатлари ижроия комитети қарори билан Қўқон шаҳридаги “Шайхон” қабристони ободонлаштирилди. Натижада зиёрат қилинадиган масканлардан бирига айланади [12.5.161Б.]. Қўқон туризм ва экскурсия бюроси томонидан “Абдулла Набиев изидан” номли 3000 км ли саёҳат маршрути ишлаб чиқилади. Ушбу маршрут бўйлаб 1974 йилда 80 мингдан ошиқ Фарғона вилояти комсомоллари саёҳатга чиқди [13.27.377Б]. Қўқон туризм ва экскурсия бюроси Қўқон-Фарғона-Водил-Қадамжой-Шохимардон маршрути бўйлаб “Инқилобий шухрат йўллари бўйлаб” зиёрат тур маршрути ишлаб чиқилди [14.27.382 Б]. 1976 йилда “зиёрат” тур доирасида 5750 нафари Фарғона вилояти ўқувчилари саёҳатга олиб чиқилди. Ўқувчилар “Жанговар шон шухрат йўллари” тематик маршрути доирасида Киров-Ўзбекистон, Ўзбекистон- Қўқон, Қўқон-Фрунзе, Фрунзе-Поп, Поп-Киров туманлари бўйлаб саёҳатлар ташкил этилди [15.67.66 Б].

Фарғона шаҳрида жойлашган “Биродарлик” қабристонида “зиёратчилар” учун барча қулайликлар яратилди. Бу ерда 1917-1923 йилларда вафот этган 163 та қизил аскарлар мангу қўним топган. Шунингдек машҳур шахслардан 1919 йил 25 сентябрда Д. Спасибов, 1920 йилда Жуков, Темген, К. Канаков, 1922 йилда А. Металников, М. Юфимец, П. Леновинко, Г. Утешев дафн этилган. Шу билан бир қаторда қўрбоши Маъсудбекка қарши 1920 йил 10 сентябрдаги қарши ҳаракатда вафот этган қизил аскарлар, 1919-1920 йилда Гарбобода “босмачиларга” қарши курашда вафот этган қизил аскарлар дафн этилган [16.3.1 Б]. 1919-1920 йилларда “босмачиларга” қарши курашган татар дивизияси аскарлари, 1918 йил Водилни эгаллашда вафот этган қизил аскарлар, 1918 йилда Сўхни эгаллашда вафот этган қизил аскарлар, 1921 йилда Шохимардонда “босмачиларга” қарши курашда вафот этган қизил аскарлар, 1921 йилда Чимённи эгаллашда вафот этган қизил аскарлар дафн этилган [17.3.2Б]. Шунингдек, Ўрта Осиёга саёҳат қилган сайёҳ Жозеф Мартин 1882 йилда Фарғона шаҳарда вафот этган ва “Биродарлик қабристони”га дафн қилинган [18.15.87Б]. Шунинг учун ҳам Совет иттифоқи йилларида Фарғона шаҳридаги “Биродарлик” қабристони социализм услубидаги “зиёратгоҳ” мақомида бўлган.

Фарғона туризм ва экскурсия бюроси ва Фарғона вилояти маданий ёдгорликларни химоя қилиш жамияти билан ҳамкорликда “жанговар революцион ва меҳнат шухрати жойлари бўйлаб” туристик

маршрутлар ишлаб чиқилади. Туристтик маршрут давомида Фарғона вилоятида ўрнатилган монументал ёдгорликлар ва иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фахрийлари билан учрашувлар ташкил этилган [19.19.4 Б.]. Қувалик ёшлар Кува-Фарғона-Тошкент-Москва-Ленинград-Орёл-Керч-Севастополь йўналиши бўйлаб саёҳатга чиқишади. Қримни озод қилишда жасорат кўрсатган Мўйдин Хасановнинг қабрини зиёрат қилади. Бешариқ-Конибодом-Исфара-Ашт туристик маршрути бўйлаб саёҳат давомида “босмачиликка” қарши курашган қизил аскарлар жасорат йўли бўйлаб саёҳатлар амалга оширилган [20.19.5Б]. 1972 йили Фарғона туризм ва экскурсия бюроси ҳамда Фарғона вилояти маданий меросларни ҳимоя қилиш жамияти ҳамкорликда тематик туризм маршрутлари ишлаб чиқилди. Жумладан, қизил аскарларнинг “босмачилик” ҳаракатини бостириш йўналиши, уларнинг жасоратли ва шонли йўли бўйлаб қарийб бир ойлик ёш “зиёратчилар”га мўлжалланган туристик маршрут ишлаб чиқилган.

Фарғона водийсида “босмачиларга” қарши курашган қизил аскарлар фаолияти билан боғлиқ қарийб бир ойлик “зиёрат” тур маршрути давомида Бешариқ-Исфара-Аштнинг “босмачилар” устидан қизил аскарларнинг 1919 йилги ғалаба йўллари бўйлаб саёҳат қилинган. Иккинчи кун, Яйпан шаҳрига саёҳат қилинган ҳамда совет иттифоқи ислохотчиси Э. Кужило “босмачи” Қорбой, Тўйчи, Имомкул томонидан ўлдирилган жойлар зиёрат қилинган. Учинчи кун, Шўрсув шахтасига борилган. Тўртинчи кун, Қўқон шаҳридаги “Биродарлик” қабристонини зиёрат қилинган. Бешинчи кун, Бувайда ва Бачиқир қишлоқларига саёҳат қилинган. “Қўқон мухториятини” оғдарилиши, Эргаш қўрбошини ўлдирилиши ҳақида зиёратчиларга ҳикоя қилиб берилган. Олтинчи кун, Ўқчи-Сариққўрғон-Сариққамиш қишлоқларига саёҳат қилинган. Бу ерларда 1922 йил “босмачилар” устидан қозонилган ғалаба ҳақида ҳикоя қилинган. Еттинчи кун, Сўх қишлоғи зиёрат қилинган. Бу ерда 1919 йил “босмачилар” устидан қозонилган ғалаба ҳақида ҳикоя қилинган [21.19.91Б]. Саккизинчи кун, Боғдод тумани маркази Серавага саёҳат қилинган. “Босмачилар” устидан қизил аскарлар ғалабаси ҳақида ҳикоя қилинган. Тўққизинчи кун, Риштон марказига саёҳат уюштирилган. Бу ерда “босмачилар” устидан қозонилган ғалаба ва Совет иттифоқи қаҳрамони Мамадали Топволдиев ҳақида ҳикоя қилинган. Ўнинчи кун, Олтиариқ қишлоғига саёҳат қилинган ҳамда 1918 йил “босмачилар” устидан қизил аскарларнинг ғалабаси ҳақида ҳикоя қилинган. Ўн биринчи кун, Оқбўйра-Файзабод-Зилха қишлоқларига саёҳат қилинган. Бу ерда 1922 йил “босмачилар” устидан қизил аскарларнинг ғалабаси ҳақида ҳикоя қилинган. Ўн иккинчи кун, Фарғонада “босмачилар” устидан қизил аскарларнинг ғалабаси ва Фарғона водийсида нефть қазиб олиш тарихи ҳақида ҳикоя қилиб берилган. Ўн учинчи кун, Миндон-Халмиён қишлоқларига саёҳат қилинган. Қизил аскарларнинг қўрбоши Ёрмат Махсум, Мулла Хамдам устидан ғалабаси ҳақида ҳикоя қилинган [22.19.9 Б]. Ўн тўртинчи кун, Водилга саёҳат қилинган. Бу ерда совет иттифоқи меҳнат қаҳрамони Х. Турсункулов ва давлат арбоби У. Юсупов ҳақида ҳикоя қилинган. У. Юсупов Водилда туғилган. Шу билан бир қаторда 1929 йил босмачи Ёрмат Махсумнинг қўшини қизил аскарлар томонидан тор мор келтирилиши ҳақида ҳикоя қилинган. Ўн бешинчи кун, Қадамжойга (Қирғизистон ССР) саёҳат қилинган. Бу ерда “босмачилар” устидан қизил аскарлар ғалабаси ва руда қазиб олиш тарихи ҳақида ҳикоя қилинган. Ўн олтинчи кун, Ўрозбеков қишлоғи (собиқ Охна қишлоғи) “босмачи” Тўйчи ва Хамдам устидан қозонилган ғалаба ҳақида ҳикоя қилинган. Ўн еттинчи кун, Хамзаобод қишлоғига саёҳат қилинган. Бу ерда “босмачилар” устидан қизил аскарларнинг ғалабаси ҳақида ҳикоя қилинган. Шу билан бир қаторда Х.Х. Ниёзий музейи ва мақбараси зиёрат қилинган. Ўн саккизинчи кун, альпинистлар лагери “Дуғоба” га саёҳат қилинган. 1922 йил Ёрмат Махсумнинг тор мор келтирилиши ҳақида ҳикоя қилинган. Ўн тўққизинчи кун Насриддинбек-Қоратепа-Гарбобо қишлоқларига саёҳат қилинган. Шермухаммадбекка қарши ҳаракат ҳикоя қилинган. Йигирманчи кун, Шомирза-Арабмозор-Тошлоқ қизил аскарлар томонидан озод қилиниши, Мадаминбек ва Шермухаммадбеклар қўшини билан тўқнашув ҳақида ҳикоя қилинган. Йигирма биринчи кун, Федченко станцияси Кува-Хўжахасан қишлоқларига саёҳат қилинган. Босмачилар ва қизил аскарлар ўртасидаги тўқнашув ҳақида ҳикоя қилинган. Йигирма иккинчи кун Марғилон шаҳрига саёҳат қилинган. Давлат арбоби Йўлдош Охунбобоев ватани сифатида ва шу билан бир қаторда ипакчилик шаҳри эканлиги ҳақида ҳикоя қилинган ва саёҳатлар амалга оширилган. Йигирма учинчи кун, Овал қишлоғига саёҳат уюштирилган. “Босмачилар” устидан қизил аскарларнинг ғалабаси ҳақида ҳикоя қилинган. Йигирма тўртинчи кун, Қувасой Фарғонанинг жанубий ишлаб чиқариш маркази эканлиги ва 1920 йилги “босмачилар” устидан қозонилган ғалаба ҳақида тўхталиб ўтилган. Йигирма бешинчи кун, Қизилқия қишлоғига саёҳат қилинган. Бу ерда Фарғона вилоятида биринчи бўлиб ишчилар иттифоқи ташкил этилган. Саноат тугуни эканлиги ҳақида ҳикоя қилинган [23.19.93 Б].

Фарғона вилояти “Ёш изтопарлар” клуби аъзолари томонидан “жанговар, меҳнат ва революцион” жойларга туристик саёҳатлар ва походлар уюштирилди. 1973-1974 йилларда революцион шухрат жойлари бўйлаб уюштирилган саёҳатларда иштирок этишади [24.71.14Б]. Фарғона водийсидаги қатор ёдгорликлар зиёратчиларни ўзига жалб қилган. Хатто хориждан келган зиёратчиларнинг ҳам эътиборини тортган [25.71.39 Б]. Айниқса Совет даврида аёлнинг ўрни хориж мамлакатларидан келувчи сайёҳларни кўпроқ қизиқтирган. Шунинг учун “қаҳрамон аёллар” яратишга

харакат қилинган. Аёл мавқеи юксаклигини намойиш қилиш мақсадида 1986 йил Фарғона вилоятида совет хоқимиятини ўрнатишда, хотин-қизлар озодлиги ҳаракатида қатнашган Марғилон шаҳарда Нурхон Йўлдашбоева, Риштон туманидан Курбоной Олимова, Мохинисо Бобораҳимова, Фарғона туманидан Тошхон Шодиева, Сурмахон Шерматова, Фарғона шаҳардан Елизаветта Петрова, Сайдина Шокирова каби кўплаб аёлларнинг номлари мармар тошларга ёзилиб, эсталик лавҳалари ўрнатилган [26.260.11 Б]. Бу билан Совет давлати аёл мавқеини “қайта тиклаганлигини”, гендер тенглигини таъминлаганлигини намойиш қилишган.

Совет иттифоқи йилларида ҳам зиёрат туризми ривожланди. Аммо у диний-ритуал аҳамиятга эга эмас эди. Ислом дини билан боғлиқ зиёратгоҳлар атеизм нуқтаи-назардан қораланган ҳамда хуруфот ўчоғи сифатида қаралган. Совет давлати дин билан боғлиқ жойлардан имкон доирасида фойдаланмади. Аммо социализм ва иккинчи жаҳон уруши қахрамонлари мангу кўним топган манзиллар “муқаддас зиёратгоҳга” айланди. Ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ушбу зиёратгоҳлардан фойдаланишга ҳаракат қилинган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. ФВДА:1141-фонд, 1-рўйхат, 5-йиғма жилд, 6-варок.
2. ФВДА:1141-фонд, 1-рўйхат, 49-йиғма жилд, 4-варок.
3. ФВДА:1141-фонд, 1-рўйхат, 62-йиғма жилд, 2-варок.
4. ФВДА:1141-фонд, 1-рўйхат, 64-йиғма жилд, 6-варок.
5. ФВДА:1141-фонд, 1-рўйхат, 57-йиғма жилд, 14-варок.
6. ФВДА:1160-фонд, 1-рўйхат, 18-йиғма жилд, 5-варок.
7. ФВДА:1141-фонд, 1-рўйхат, 46-йиғма жилд, 4-варок.
8. ФВДА:1160-фонд, 1-рўйхат, 6-йиғма жилд, 18-варок.
9. ФВДА:1160-фонд, 1-рўйхат, 6-йиғма жилд, 19-варок.
10. ФВДА:1160-фонд, 1-рўйхат, 18-йиғма жилд, 253-варок.
11. ФВДА:1160-фонд, 1-рўйхат, 3-йиғма жилд, 46-варок.
12. ФВДА:1160-фонд, 1-рўйхат, 5-йиғма жилд, 161-варок.
13. ФВДА:1160-фонд, 1-рўйхат, 27-йиғма жилд, 377-варок.
14. ФВДА:1160-фонд, 1-рўйхат, 27-йиғма жилд, 382-варок.
15. ФВДА:1160-фонд, 1-рўйхат, 67-йиғма жилд, 66-варок.
16. ФВДА:1160-фонд, 1-рўйхат, 3-йиғма жилд, 1-варок.
17. ФВДА:1160-фонд, 1-рўйхат, 3-йиғма жилд, 2-варок.
18. ФВДА:1160-фонд, 1-рўйхат, 15-йиғма жилд, 87-варок.
19. ФВДА:1160-фонд, 1-рўйхат, 19-йиғма жилд, 4-варок.
20. ФВДА:1160-фонд, 1-рўйхат, 19-йиғма жилд, 5-варок.
21. ФВДА:1160-фонд, 1-рўйхат, 19-йиғма жилд, 91-варок.
22. ФВДА:1160-фонд, 1-рўйхат, 19-йиғма жилд, 9-варок.
23. ФВДА:1160-фонд, 1-рўйхат, 19-йиғма жилд, 93-варок.
24. ФВДА:1160-фонд, 1-рўйхат, 71-йиғма жилд, 14-варок.
25. ФВДА:1160-фонд, 1-рўйхат, 71-йиғма жилд, 39-варок.
26. ФВДА:1160-фонд, 1-рўйхат, 260-йиғма жилд, 11-варок.

УДК – 94.009.11(575/5) | 15-18 |

ДИПЛОМАТИЧЕСКИЕ И ПОСОЛЬСКИЕ ОТНОШЕНИЯ СРЕДНЕАЗИАТСКИХ ХАНСТВ С ОСМАНСКОЙ ИМПЕРИЕЙ

М.А. Мубинов, преподаватель, Бухарский Государственный Университет, Бухара

Аннотация. *Маъмур мақоллада О`рта Осиё хонликлари ва Усмонийлар империяси о`ртасидаги сиёсий, дипломатик, ижтимоий, иқтисодий ва савдо муносабатлари о`рганilib, тahlil қilingan. XVI-XIX asrlarda О`рта Осиё ва Old Осиёда ро`y bergan сиёсий ва harbiy voqealar masalalari ko`rib chiqilgan.*

Калит со`злар: *diplomatiya, savdo-sotiq, xonlik, Movarounnahr, Buxoro xonligi, Xiva xonligi, elchi, siyosiy vaziyat, Safaviylar, harbiy yurish*

Аннотация. *В данной статье изучены и проанализированы политические, дипломатические, социальные, экономические и торговые отношения между среднеазиатскими ханствами и Османской империей. Рассмотрены вопросы политических и военных событий, происходившие в регионах Средней и Передней Азии в XVI - начале XIX в.*

Ключевые слова: *дипломатия, торговля, ханство, Маверауннахр, Бухарское ханство, Хивинское ханство, посол, политические ситуации, Сефевиды, военный поход*

Abstract. *This article studies and analyzes the political, diplomatic, social, economic and trade relations between the Central Asian khanates and the Ottoman Empire. The issues of political and military events that took place in the regions of Central and Western Asia in the 16th - early 19th centuries are considered.*

Key words: *diplomacy, trade, khanate, Maverannahr, Bukhara khanate, Khiva khanate, ambassador, political situations, Safavids, military campaign*

Исторические корни взаимно политических и дипломатических отношений среднеазиатских ханств с Османской империей, являвшихся страной Востока связаны с образованием ханств в регионе. Исторические факты доказывают, что Османская империя имела посольские и дипломатические отношения с среднеазиатскими ханствами в разных сферах.

В истории посольских и дипломатических отношений ханств, связи с Османской империей проведены в разных направлениях. Эти отношения развивались с XVI века до начала XX века и включали в себе политические, дипломатические, культурные, научные и религиозные сферы.

Османская империя, которая была одной из сильнейших государств своего времени, включила в свой состав обширные территории Азии, Европы и Африки и до начала XX века играла важную роль в мировой политической арене. Об этом свидетельствуют многочисленные исторические источники. Благодаря историческим хроникам и документам того времени, военно-политические и дипломатические отношения XV-XVI веков между Среднеазиатскими ханствами и Османской империей достаточно известны. Однако, в данный момент, отношения следующих веков, особенно, XVIII – начало XX века тщательно не изучены и останутся неизвестными, так как в то время государство в Средней Азии разделилась на некоторые части (т.е. на Бухарские, Хивинское и с XVIII века Кокандское ханств). И это связано с важными историческими событиями. Теперь надо было установить отношения с каждым ханствами по отдельности, также это усложняло сотрудничество и сильно повлияло на деятельность посольства.

Прежде всего, надо подчеркнуть, что в XVI веке образование в Иране Сефевидского государства, расширившего свои территории, принявшего течение шиизма исламской религии как государственной религией и поставившего это течение против своих соседей государства Шейбанидов и Османской империи, оказало свое политическое влияние на ослабление взаимоотношений между Малой Азией и Средней Азией.

Кроме того, произошли процессы как падение мусульманской цивилизации в XVII-XIX веках, активизация европейской колониальной экспансии во всем мире, проникновение западных и русских оружий на Восток. В тот период много стран мусульманского мира, в частности, Средняя Азия попали в колониальную зависимость от Российской империи. Естественно, в таких случаях, трудно говорить об активных политико-дипломатических и других отношениях между среднеазиатскими ханствами и Османской империей. Тем не менее, по свидетельству архивных документов, отношения вполне не обострялись, в том числе в османских документах имеются об этом значительные сведения. Издания и публикации документов по этим вопросам дают возможность историкам рассматривать этот вопрос по-новому, а также оценивать объективно.

Дирекция государственных архивов при Кабинете Министров Турецкой Республики сделала первую попытку. В 2004 году в Стамбуле эта организация опубликовала 76 документов с османского архива, относящихся к XVI-XIX векам [1]. В данный момент, архивы Турции хранят богатую коллекцию источников по этой теме.

Известно, что с XVI века государство Темуридов – Туран, т.е. территория Туркестана, разделилась на три ханства как Бухарское ханство (с XVIII века эмират), Хивинское ханство, а с XVIII века Кокандское ханство. С первого дня своего образования ханства начали распространять свое влияние в обширных территориях и уделили особое внимание установлению дипломатических и торговых связей с соседними странами. Каждое ханство пыталось устанавливать равноправные связи с соседними государствами.

В частности, в XVI веке образовалось государство Шейбанидов в Маверауннахре. Чтобы укреплять свое политическое положение в регионе государство установило связи с мощными странами того времени. Мухаммед Шейбанихан поддерживая связи с Османской империей, пытался устанавливать с ней дружественные отношения. С этого присмотрены политические цели, т.е. создать союз против иранских Сефевидов. Мухаммед Шейбанихан в союзе с османским султаном Баязидом боролся против иранского шаха Исмаила I Сефеви (1502-1524). По этим сведениям нам известно, что Шейбаниды постарались плодотворно использовать всех возможностей против Сефевидов. Поэтому они сблизились с Османской империей, так как на основе единой религии и течений соприкоснулись цели этих государств.

С XVI века при правлении Сулеймана I Кануни дипломатические и торговые отношения между Шейбанидами и Османской империей стали оживляться и вошли в новый период [2]. При Сулеймане I (1520-1566) Османское государство достигло наивысшего расцвета и превратилась в самую мощную державу в этом большом пространстве, в которой нашло свое отражение вражда Ирану. Сулейман I родился в 1494 году в Трабзоне. Он был сыном османского султана Селима I. По сведениям, его мать Айше Хафиза султан была дочь крымского хана Менгли I Гирея [3]. 26 летний Сулейман I стал правителем Османского государства и вел широкие завоевательные походы. В частности, в 1521 году Сулейман I завоевал Белград. После турецко-венгерских войн султан включил центральную и южную части Венгрии в состав своего государства. В 1526 году занял всю Венгрию. В 1529 году осадил Вену,

также Трансильванию, Валахию и Молдавию превратил в вассальные страны. На Востоке турки заняв Багдад, взяли управление в свои руки над Месопотамией и вышли в Персидский залив. В 1543 году Османская империя в союзе с Францией боролась против австрийских Габсбургов и победили их. В конце правления Сулеймана I население его государства составлялась 15 млн человек. Кроме того, османский военный флот контролировал большую часть Средиземного моря. За такие достижения часто равняли Османскую империю на Римскую империю в Западной Европе [4].

В XV – XVI веках между Османской империей и Ираном продолжались взаимные вражды, а также войны. В 1533 году султан Сулейман I начал обширные военные действия против Ирана. В то время шах Ирана Тахмасп I (1524-1576) воевал с узбекскими ханствами за владения в Хорасане.

Правитель Бухарского ханства Убайдуллахан I (1533-1539) поддерживал связи с Османской империей и предложил султану создать военный союз против Сефевидов. Убайдуллахан I расширяя территории своего государства, пытался отвоевать владения Хорасана, ушедшие с рук Шейбанидов после гибели Мухаммеда Шейбанихана. Убайдуллахан I два раза 1529 и 1536 годы завоевал Герат. При его правлении Бухарское ханство пять раз напало на Хорасан. Хан положил конец междоусобицам внутри страны и закончил политическую раздробленность. Убайдуллахан I с Османской империей вел войны против Ирана. В 1533 году армия Сефевидского государства совершила военное действие против захвата Хорасана Бухарском ханством во главе с Убайдуллаханом. Используя это, султан Сулейман I напал на Иранский Озарбайджан. Эмир племени Текелли Улемо перейдя на сторону османского султана, сдал Тебриз туркам. В 1534 году Сулейман I захватил Багдад. Княжества Басра, Хузистан, Луристан, Бахрейн и южного берега Персидского залива подчинялись Сулейману I. Хотя в 1535 году шах Тахмасп I отвоевал Тебриз, султан Сулейман I заново занял города и в 1536 году через Диярбакр и Халаб вернулся в Стамбул.

Правитель Бухарского ханства Убайдуллахан I пытаясь укреплять связи с Сулейманом I в 1534 году отправил султану письмо. При Убайдуллахане I политическое положение Бухарского ханства было укреплено. В своей очереди, продолжив эту политику Абдулатифхан (1540-1551) тоже в 1540 году послал письмо султану Сулейману I Кануни. Бухарские ханы согласились на пути пророка с султаном Сулейманом I выйти на войну против Ирана. Правители Ирана захватили пути хаджа, т.е. пути в Мекку и Медину и не пускали паломников. Это стало причиной объединения турецкого султана и узбекских ханов для одной цели [5]. Еще надо признать то, что суннитское течение исламской религии объединило эти два государства и направило их к одной цели. В 1553 году Сулейман I Кануни через Халаб вышел на путь против Сефевидов. Сефевиды беспокоились и боялись воевать на двух фронтах, т.е. с двух сторон и против Османской империи, и против Бухарского ханства. Из Турции в Бухару, также Самарканд приехали османские послы Ахмад Джавуш и Сейди Али Раис. Войско и первый артиллерист османского султана приехали в ханство и 300 османских военных стали служить во дворце хана Навруза Ахмада Баракхана в Ташкенте.

При Наврузе Ахмаде Баракхане (1537-1556) Саид Али Раис был в приеме хана и переговорил политические ситуации. В 1556 году посол Навруза Ахмадхана Кутлуг Пулатхан с письмом хана посетил Стамбул. В письме говорится о взаимном союзничестве и победоносных войнах против Ирана, а также хан просил помощь у султана. Несмотря на остановки в политических связях, продолжались взаимные торговые и культурные отношения.

При правлении Аштарханидов связи с Османской империей развивались. В частности, в 1616-1617 годах Имамкулихан с султаном Ахмедом I установил отношения, также правители, обменяв послов, создали военный союз. Согласно договору, армия Бухарского ханства в стремлении помочь турецкому султану напала на Сефевидов. Но после гибели Ахмеда I военные действия остановились.

В произведении «Путешествие из Стамбула в Среднюю Азию» подробно освещены связи между Хивинским ханством и Османской империей. Автор этой книги Мехмет Амин Эфенди в 1878 году был в Средней Азии. В направлениях пути через городов Старый Ургенч-Хилоли-Шаватский канал-Ташавуз-Ургенч приехал в Хиву. Здесь путешественник был в приемах диванбеги, Хивинского хана Мухаммеда Рахимхана, Сайида Ахмада Отажон Тури и изложил беседу в своей книге. По сведениям книги, Мухаммед Рахимхан I (1806-1825) и Аллакулихан (1825-1842) во время своего правления поддерживали связи с Османской империей. При Мухаммеде Рахимхане I с Османской империей установлены дипломатические и торговые отношения и между двумя государствами обменивались послы [6].

Таким образом, политические, дипломатические, социальные, экономические и торговые связи между среднеазиатскими ханствами и Османской империей развивались в течении многих веков. Это доказывают многочисленные исторические источники, архивные документы. По этому вопросу исследования еще не закончились и продолжаются.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Екатерина Н.К. Народы Северного Кавказа и их связи с Россией: вторая половина XVI – 30-годы XVII века. –М.: Издательство АН СССР, 1963. –С.201.

2. Kelic R (1999) Osmanli-O'zbek siyasi iliskilari (1530-1555) //Turk kulturu VJI XXX VII. S437. Ankara, SS.52-534. Osmanli belgilerinde MERKEJJASVA TARJ//J. (ingliz, turk, rus tillarida) Ankara 2011. -310 S.
3. Mexmet Emin Efendi. Istanbul`dan Orta Asya`ya seyahat. –Anqara, 1986. –B.159.
4. История Центральной Азии в Османских документах. Том I. (Политические и дипломатические отношения). –Самарканд. 2011. –Стр.7-8.
5. Yilmaz Oztuna. Kanuni Sultan Suleyman. –Kultur Vakangligi, 1989. –P.163.
6. Шейбаниды. Все монархи мира. Мусульманский Восток. XV-XX вв. Архивная копия от 1 ноября 2012 на Wayback Machine.

УЎК 93/94

ЗАМОНАВИЙ ТАРИХШУНОСЛИКДА “КАТТА ЎЙИН” МАСАЛАСИ
О.А. Раджабов, докторант, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент
Х.Х. Қаландаров, ўқитувчи, Бухоро Давлат Университети, Бухоро

***Аннотация.** Мазкур мақолада Шарқ мамлакатлари учун инглиз-рус рақобатини ўзида акс эттирувчи геосиёсий жараён “Катта ўйин” га бағишланган XX аср хориж тарихшунослиги таҳлил қилинади.*

***Калит сўзлар:** “Катта ўйин”, тарихшунослик, “маданийлаштириш миссияси”, “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом”*

***Аннотация.** В статье анализируется зарубежная историография XX века, посвященная «Большой игре» геополитического процесса, отражающей англо-российское соперничество за страны Востока.*

***Ключевые слова:** «Большая игра», историография, «культурная миссия», «Положение об управлении Туркестанской областью»*

***Abstract.** This article analyzes twentieth-century foreign historiography, dedicated to the "Great Game" of the geopolitical process that reflects the Anglo-Russian rivalry for the countries of the East.*

***Keywords:** "Great game", historiography, "cultural mission", "Regulations on the management of the Turkestan region"*

Маълумки, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, рус чоризми Ўрта Осиёни забт этиб, унда мустамлака тартибини ўрнатди. Чор ҳукумати Кўкон хонлигини бутунлай тугатиб, у Туркистон генерал-губернаторлиги тасарруфига киритилди. Бухоро амирлиги ва Хива хонлигини эса номигагина сақлаб қолиб, амалда бутун ҳокимиятни ўз қўлига олди. Бухоро ва Хива хонликлари 1920 йилда бутунлай тугатилди ҳамда Бухоро амирлиги ўрнида Бухоро Халқ Совет Республикаси, Хива хонлиги ўрнида Хоразм Халқ Совет Республикаси эълон қилинди.

Инглиз-рус рақобатчилиги ҳақида Туркистон тарихига оид маҳаллий адабиётларни уч гуруҳга ажратиб ўрганиш мумкин:

Биринчи гуруҳга XIX аср ўрталаридан бошлаб, XX аср 30-йилларининг ўрталаригача бўлган даврда яратилган асарларни киритиш мумкин. Бу даврга мансуб асарларда чоризм Ўрта Осиёни қурол кучи билан босиб олганлиги ишончли далиллар билан кўрсатиб берилган.

Иккинчи гуруҳ адабиётлари 30-йилларнинг иккинчи ярмидан то 80-йилларнинг ўрталаригача бўлган даврда пайдо бўлган асарларни ўз ичига олиб, уларда Ўрта Осиё хонликлари Россияга “маҳаллий халқларнинг ўз ихтиёри билан қўшиб олинган” деган фикр ҳукм сурган.

Учинчи гуруҳ -80-йилларнинг ўрталаридан бошлаб ҳозирги кунгача яратилган асарларни қамраб олиб, бу даврда вужудга келган демократия ва ошкоролик туфайли тарихий воқеа-ҳодисаларга ҳолисона баҳо бериш имконияти пайдо бўлди ҳамда ҳақиқатан ҳам Ўрта Осиё Россия томонидан қурол кучи билан забт этилганлиги ёритила бошланди.

АҚШ даги “Катта ўйин” сиёсатини таҳлил қилувчи асосий марказлар томонидан Россиянинг мустамлакачилик сиёсати моҳияти ва мазмунини аниқлаш, шунингдек XIX аср охири XX аср бошларида Ўрта Осиёнинг халқаро муносабатларда тугган ўрни масаласи, унинг геополитик ҳолати муаммоларини ўрганишга кенг ўрин ажратилган.

Аввало, собиқ шўро ҳукумати даврида хориж тарихшунослиги етарли даражада ўрганилмаганлиги ёки ўрганилган тақдирда ҳам марксча-ленинча нуқтаи-назардан туриб, “сохталаштиришларни фош қилиш” тарзида тадқиқ этилганлиги ҳозирги кунда тарихчилар олдида хориж тарихшунослигини янги талқинда ҳолисона ва ҳар томонлама тадқиқ этиш вазифасини кўяди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, “Катта ўйин” масаласи кенг қамровли бўлиб, мазкур масала хорижлик тарихчи, сиёсатчи, тадқиқотчиларнинг асосий тадқиқот йўналишларидан бири бўлиб, яратилган асар ва мақолалар сони ҳам кўпчиликни ташкил этади. Мазкур масаланинг ҳали тадқиқ қилиниши лозим бўлган жиҳатлари талайгина.

XX аср давомида хорижликлар ушбу мавзуга тез-тез мурожаат қилиб туришган. Америкалик Р.Пирс 60-йилларда “рус тарихи ҳалигача тадқиқ этилиши учун имкон туғилган кўпгина мавзуларга эътиборсизлик билан қарамоқда. Булар ичида қизиқарлиларидан бири унинг тараққиётида доимо муҳим роль ўйнаган Россиянинг Осиё чегараларига уюштирган экспансияси ва уни мустамлакага айланттирганлиги ҳақидаги тарихдир [1]”, деб ёзади.

Варрен Уолш эса “Ўрта Осиёга экспансия” номли асарида: “шу вақтгача Россия Ўрта Осиёга аста-секин ва изчил равишда экспансия уюштириб келаётган эди. Россиянинг қуруқликдаги экспансияси биринчидан иқтисодий, иккинчидан мудофаа ва стратегик, учинчидан анъанавий зўрлик ва шу қабилир эди. Бу ерда бир қанча ғоя- француз колониал сиёсатининг “маданийлаштириш миссияси” ёки инглизларнинг “оқ колониялари” мавзусига эквивалент ҳамда диний ўз эътиқодига бўйсундириш бўлган эди. У ерда русларнинг инглизлар, французлар, италянлар, немислар, америкаликлар сингари олтин ёки шон-шухрат қидиришлари эмас, балки оддий экспансияси содир бўлди. Бу нуктаи-назардан русларнинг ҳаракати инсофсизлик ҳам эмас, ғарбнинг денгиз орти империализми учун маҳфий ҳам эмас эди. Қўшма Штатларнинг Техас ёки Калифорнияга, инглизларнинг Ҳиндистонга ёки французларнинг Марокашга, немисларнинг Шарқий Африкага нисбатан ҳуқуқлари бўлганидек, русларнинг ҳам Туркистонга нисбатан озми-кўпми ҳуқуқлари бор эди [2]”, деб таъкидлайди.

Юқорида келтирилган фикрдан, шу нарса аён бўлмоқдаки, Уолш Россиянинг “Катта ўйин” даги иштирокини, унинг Ўрта Осиёга юриши ва ҳудудни забт қилишини табиий ҳолат эканлигини кўрсатишга уриниб, Россиянинг Марказий Осиёни истило қилишини оқлайди.

XX аср хориж тарихшунослигида Уолшдан фарқли равишда, унинг фикрларига қарама-қарши тарзда фикр юритган тадқиқотчилар ҳам талайгина. Улардан Элизабет Бекон, Сеймоур Беккер ва бошқаларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

Элизабет Беконнинг асарида муаллиф 1933-1934 йилларда Собиқ Совет Иттифоқида сафар қилган бўлиб, бу ҳақда асарининг сўз бошисида ҳикоя қилади ва 1934 йилдан кейин Қўшма Штатларда совет нашрларини олиш қийинлашганлигини, 1934 йилларда Туркистон ўлкаси чет эл саёҳатчилари учун ёпиқ бўлганлигини қайд қилади. У мазкур асарини Эрон, Афғонистонда сафарда бўлиб, уларнинг маданияти асосида рус Туркистони маданиятини ёритиб берганлигини ёзади. Асарда Элизабет Бекон Ўрта Осиё ҳудуди, аҳолиси, маданияти ва бошқалар ҳақида маълумот берилади. Русларнинг Ўрта Осиёни забт этиши маҳаллий аҳоли учун салбий оқибатларга олиб келганлигини, жумладан маҳаллий хунармандчилик йўқолиш даражасига келганлиги, у ерда зўрлаб руслаштириш сиёсати олиб борилганлигини қайд этади [3].

С.Беккернинг “Ўрта Осиёда рус протекторати: Бухоро ва Хива: 1865-1924” номли китоби хонликлар тарихини ўрганишда XX асрнинг 60-йилларидаги инглиз-америка тарихшунослигидаги энг муҳим асарлардан бири ҳисобланади. Муаллиф ўз асарини яратишда собиқ совет адабиётларидан кенг фойдаланади, шунингдек, “Правительственный вестник” нинг 1882, 1883 йил сонларидан олинган 1868 йилги Рус-Бухоро савдо шартномаси, 1873 йилги Рус-Хива тинчлик шартномаси, 1873 йилда имзоланган Рус-Бухоро дўстлик битими матнларини ўз асарига илова қилади. Мазкур асар 4 бобдан иборат. Биринчи боби русларнинг босқини деб номланиб, руслар босқинидан аввалги Бухоро ва Хива хонликларининг қисқача тавсифи, 1853-1864 йиллардаги руслар босқинининг бошланиши ва хонликларнинг забт этилиши, Россия билан тузилган битимлар ва забт этилгандан кейин кейинги даврдаги ўлка ҳолати, хорижлик ва рус, шунингдек собиқ шўро даври тарихчилари асарларидан фойдаланилган ҳолда ёритиб берилган [4].

Индиана университети илмий ходими Юрий Брежел “Катта ўйин” нинг сабаблари турлича деб ҳисоблайди, уларнинг бирортасини “асосий сабаб” деб кўрсатиш қийин, деган фикрга келади. У “XIX асрнинг иккинчи чорагида рус саноати тез ривожланганлиги, аҳолининг товар сотиб олиши имкониятининг ортанлиги сабабли Россия саноати товарлари учун ташқи бозор зарур бўлиб, Европа бозорларида бу товарлар рақобатга дош беролмас эди, Россия савдо экспансияси учун табиий йўналиш шарққа, айниқса, Россия билан кучли “анъанавий савдо алоқалари олиб бораётган минтақа Ўрта Осиё” га бўлади, деб таъкидлайди. Унинг фикрича, XIX аср ўрталарида Россия савдо доираларида ҳукмронлик қилаётган фикр - Ўрта Осиёда сиёсий шароитлар таъсири остида рус ҳукмронлигини ўрнатиш йўли билангина рус савдо манфаатларига кафолат бериши мумкин эди. Яна бир муҳим баҳона Ўрта Осиёда Англия савдо рақобати хавфининг ортиши эди.... Ҳар қандай вазиятда Британиянинг Ўрта Осиёга хавфини жиддий қабул қилдиарди, аммо бундан рус экспансиясини оқлаш учун фойдаланишарди [5]”.

Бошқа бир тадқиқотчи В.Коатез эса ўзининг “Советлар Ўрта Осиёда” китобида “Русларнинг Ўрта Осиё хонликларини забт этиши” бобида 1861-1865 йилларда АҚШ да фуқаролар уруши оқибатида Америкадан Россияга пахта келтириш тўхтаб қолган пайтда рус тўқимачилик фабрикаси эгалари Ўрта Осиёдан пахта келтиришга қизиқиб қолдилар [6]”, деб таъкидлайди.

Россиянинг Ўрта Осиёни забт этишининг хорижликлар кўрсатган сабаб ва баҳоналари маҳаллий адабиётлардаги маълумотларга мос келади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, 1930 йиллардан бошлаб, собиқ шўро тарихида “Россия Ўрта Осиё халқларини ўз ихтиёрлари билан қўшиб олинганлиги” ни ёрита бошлади.

Лекин тарихшуносликдаги бундай хато тенденциялар Америка тарихшунослари диққат-эътиборидан четда қолмади. Калифорния университети профессори Д.Хусон, Шимолий Каролина университети профессори Л.Тиллетлар ўз асарларида собиқ шўро тарихшунослигини танқид қилиб, улар “Россия империяси тарихидаги зўравонликни батамом инкор қилишгача бориб етадиганга ўхшайди”, деб ёзадилар [7].

Яна бир америкалик тадқиқотчи Д.Маккензи эса собиқ шўро тарихшунослигидаги ўзгаришларни таҳлил этиб, “1930 йилгача М.Покровский қарашлари, яъни Ўрта Осиёни Россия қўшиб олиши бу халқлар учун “мутлақо шафқатсизлик” эди деган фикр ҳукмронлик қилди. Аммо, 1930 йилларда эса Россия билан қўшилишидан улар фойда кўрди, деб бахслашдилар. 1951 йилдан М.В.Нечкина бу бирлашиш маҳаллий аҳоли учун ижобий бўлди, деб эълон қилганлигини қайд қилади [8].

Муаллифлардан яна бири Лавренс Крадер эса ўзининг “Ўрта Осиё халқлари” асарида Россия империясининг хонликларни забт этиши ҳақида қисқача тўхталиб: “1860-йилларда руслар Ўрта Осиёга хужум қилган пайтда Ўрта Осиёдаги учта аграр хонликларнинг узоқ давом этмаган бирлиги билан тўқнашди. Бу иттифоққа диний фатво берилган бўлиб, рухонийлар Бухоро амири етакчи бўлишини қўллаб-қувватлаб, бу ҳаракатга даъват этишди. Амир Музаффарга ислом динининг етакчилари ва муллалари томонидан таъсир этилган эди. Россияликлар Бухоро ва унинг иттифоқчиларини мағлубиятга учратди, бу эса Кўқонни Россия империяси таркибига киритилишига олиб келди. Хива ва Бухородаги қаршилик кўрсатганлар қириб ташланди, шунингдек у ерларда ҳам Россия назорати ўрнатилди [9]”, деб ёзади.

Альфред Рамбауд асарида эса “Катта ўйин” сиёсатида Россия империясининг ҳаракатлари, хусусан, Марказий Осиё хонликларининг эгалланиши батафсил ёритилади. Муаллиф русларнинг Марказий Осиё давлатларини аста-секин босиб олинишини тасвирлаб қуйидагиларни қайд қилади: «1864 йилгача рус қўшинлари қўмондонлари Перовский, Колпаковский, Верёвкин, Черняев Оқмачит қалъасини, Туркистон, Авлиёота, Чимкент ва ниҳоят Тошкентни эгаллади. Қўқон хони ўзининг худудини Россияга топширишни афзал кўрди ва улар 1875 йили Фарғона водийсида янги провинция барпо этди. Инглиз норозилигидан хавфсираш, ўзларининг сиёсий режаларини ниқоблаш учун икки вассал хонликни мавжуд бўлишига рухсат берилди. Уларга ёрдам пули тўлаш орқали хонларнинг тахтлари қўллаб-қувватланди. Шу кунларгача Терек казаклари полки капитани Бухоро хони, Оренбург казаклари генерал-лейтенанти эса Хива хони эди [10]», деб ёзади.

Юқоридагилардан кўришиб турибдики, хорижлик баъзи тадқиқотчилар мазкур масалани атрофлича ёритиб, таҳлил этишга уринган бўлса, баъзилари юзаки маълумот бериш билан чекланган.

Д.Вильямснинг мақоласида эса “Катта ўйин” сиёсатининг хартленди ҳисобланган Туркистон ўлкасининг бошқарув тартиблари ҳақида маълумот келтирилади. “Европа Россияси провинциал маъмуриятининг содалаштирилган вариант эди. Худуд 5 провинция (Европа Россиясида губерния, аммо Туркистонда вилоят каби) ларга бўлиниб, губернаторлар томонидан бошқариларди. Вилоятлар ўз навбатида графликлар (уездлар)га бўлиниб, комендантлар томонидан идора қилинарди, уездлар районлар (участка ёки приставликлар) га бўлиниб, пристав номи билан маълум бўлган шахс томонидан назорат қилинган. Барча маъмурий бирликлар Россия императори томонидан шахсан тайинланадиган генерал-губернаторликка бўйсунарди. Бутун тизим ҳарбий куч воситасида яхши ишларди. Иккинчи томондан генерал-губернаторлик муваффақиятли кечмаган. Чунки тайинланган генерал-губернаторларнинг аксарияти ҳарбийлар бўлиб, улар маъмурий бошқарув маҳоратига эга бўлишмаган. Генерал-губернаторларнинг Константин Петрович фон Кауфмандан бошқалари сезиларли из қолдиришмади. Улар тез-тез алмашиб турарди. 1898-1908-йилгача 6 одам алмашди” [11].

XX асрнинг 60 йилларида яратилган асарлар орасида Э.Оллворт муҳаррирлигида нашр этилган илмий тўпلامда ҳам “Катта ўйин” масаласи ёритилган. Мазкур тўпلامда инглиз-рус рақобатчилиги, ушбу халқаро зиддиятларнинг Марказий Осиё минтақаси аҳолиси ҳаётига таъсири ҳақида маълумотлар жамланган [12].

“Катта ўйин” сиёсати руслар томонидан Марказий Осиё минтақаси эгалланганидан кейин янада авж олди. Инглиз-рус рақобатчилигига бағишланган бу давр тарихшунослиги масаланинг бундай тус олишига алоҳида эътибор қаратади. Жумладан, тадқиқотчи Ж. Кунитс асарида [13] бу масалани янги материаллар орқали ёритишга ҳаракат қилади.

Бу давр хориж тадқиқотчилари асосан чор Россияси томонидан Ўрта Осиёда ўрнатилган бошқарув тизими ҳақида, унинг “Катта ўйин” даги таъсирини кўрсатиб беришга ҳаракат қилишди.

Вильям Мандел Марказий Осиёда “Катта ўйин” натижасида эски ҳокимият ағдарилган бўлсада, ижтимоий тузумда ҳеч қандай ўзгариш бўлмади. Амирнинг беклари ўрнига рус ҳарбийлари келди, вазирликдан то олий ҳокимиятгача бўлган лавозимларга танлов таклиф этилди, маҳаллий беклар

маҳаллий аукционда ўзларининг маблағларини қўйиб ғолиб чиқишди ва деҳқонлардан қатъий тартибда фойдаларини ундириб олишди [14]”, деб ёзади.

Индиана университети профессори Юрий Брегел эса: “Ўрта Осиёдаги рус хукмронлиги унинг иқтисодида гарчи бирданига ўзгаришлар содир қилмаган бўлсада, кўпроқ таъсир кўрсатди. Дастлаб, рус маъмурияти асосий масалалар ва хавфсизлик ишларидан ташқари мавжуд вазиятга аралашмади, ер эгаллиги ва солиқларнинг эски тизими ўн йилликлар давомида деярли ўзгармасдан қолдирилди. Ислохотлар ниҳоят маъмурий қайта тузиш учун чиқарилган 1886 йилдаги Низом қабул қилиниши билан ўтказилди. Ўтроқ худудларда ер ким томонидан ишлов берилса, “одатга мувофиқ” ўшанинг мулки деб эълон қилинди. Бу чоралар, албатта, сиёсий бўлиб, рус чоризмига душман бўлган маҳаллий аҳоли хукмдорлари қисми, ер эгалари иқтисодий ва ижтимоий мавқеини барбод қилишни кўзлаган эди. Кейинчалик, солиқлар соддалаштирилди ва маълум даражада камайтирилган эди. Ер эгаллиги тизими аҳамиятли даражада ўзгартирилмади, кўпроқ ижарачилар мулкдор эди ва турли хил бажарувчи тизимлар кенгайтирилганлигини ёзади. Ҳақиқатан, бошқарув тартиби 1886 йилда қабул қилинган “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом” да қонуний жиҳатдан расмийлаштирилди.

Юрий Брегел ўз мақоласида Марказий Осиё давлатлари чор Россиясининг протекторатига айланганидан кейин ҳам “Катта ўйин” сиёсатида маълум даражада иштирок қилганликларини қайд қилади. “Бухоро расмий равишда Россия протекторатига айланмади, Россия ҳукумати томонидан амирга мустақил хукмдор сифатида муомала қилинган эди. Амир Абдулаҳад ҳатто рус жамиятида кўзга кўринган арбоб эди, у ҳар йили Россияга сафар қиларди ва Санкт-Петербургда ўз қононасига эга эди”, деб ёзади.

1885 йилда Бухоро амирлигида Россия империясининг сиёсий агенти лавозимининг таъсис этилиши олима Мери Холдсворт талқинига кўра, “Катта ўйин” жараёнлари таъсирида содир бўлган [15].

Эксетер университети профессори Петер Моррис “Катта ўйин” да Россиянинг ғалаба қозониб, Марказий Осиёда хукмронлигининг ўрнатилишини ижобий ҳолат сифатида баҳолайди. “Хива ва Бухорода, иккаласида пахта етиштириш анча ўсди, бир қанча даражада ихтисослаштиришлар содир бўлди. 1914 йилда 1880 йил бошларига қараганда пахта экиш 4 марта ўсиб, жами 55 минг гектарга ошди. Бу хонлик экин ер майдонларининг фақат 11 фоизи эди. 1913 йилда Бухорода 67 775 гектарга пахта экилди [16]” деб таърифлайди.

Америкалик профессор Г.Стифенсон ўзининг “1821-1845 йилларда Россия” номли асарида ёзишича, “рус ҳукумати солиқлар умумий даражасини камайтирдилар, сув ҳукуқи тўғрисидаги кўплаб эски муаммоларни ҳал қилдилар, темир йўллар қурдилар, шунингдек Россия забт этганидан сўнг Марказий Осиё шаҳарларида ҳаёт қайта уйғонди [17]”.

Лекин бу борада маҳаллий тарихшунослик материалларида бошқача кайфиятни кузатишимиз мумкин. “Катта ўйин” натижасида эгалланган Марказий Осиё Россиянинг хом-ашё базасига, арзон ишчи кучи ва савдо бозорига айлантирилган эди. Чор ҳукумати Туркистон бойлигидан унумли фойдаланиш учун ўлкага темир йўл ўтказди, завод ва фабрикалар қурди, шифохоналар, мактаблар очди. Шу билан бирга Европага йўл очилди. Маҳаллий халқнинг дини топталди, миллий маданият камситилди, зиёлиларнинг кўпчилиги йўқ қилинди.

“Катта ўйин” га бағишланган хорижий адабиётларни тадқиқ қилиш натижасида шу нарса маълум бўлдики, бу кураш нафақат мафкуралар, балки, консерватизм ва либерализм ўртасида ҳам кечган. Яъни халқаро муносабатларни мустаҳкамлаш, ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишни тарғиб қилувчи соғлом фикрли жаҳон ҳамжамиятининг бир қисми ва аксинча иккинчи томондан халқлар ва давлатлар ўртасига нифоқ уруғини сочувчи, уларни ривожланган ёки ривожланмаган тоифаларга ажратиб, уларда конфронтация ва бефойда қуролланиш пойгасини авж олдиришга, шу орқали даромад кўрувчи марказлар ўртасидаги курашдир.

Мақолага хулоса ясар эканмиз, хориж тарихшунослигига доир адабиётларни таҳлил қилишда салбий қарашлар ва бир томонлама ёндашувдан воз кечиб, рационализм томон қадам қўйиш лозим.

Хориж тадқиқотчиларига нисбатан “душманлар”, русларга яқин фикрловчиларни эса “ўзимизникилар” деб баҳолаш кузатилди. Йиллар давомида тарихшуносликда хориж адабиётларининг фальсификаторлигини “фош қилиш” га қаратилган тадқиқотлар қилинди.

Тарихшунослик бўйича тадқиқотларни юқори даражага олиб чиқиш учун халқаро илмий ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишимиз лозим.

ҲОИДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Pierce R. Russian Central Asia. 1867-1917. A study in cultural rule. –Berkeley and Los-Angelos. 1960. -P.34.
2. Walsh W.B. Russia and Sovet Union. A modern history. -The University of Michigan press. 1958. -P.271.
3. Bacon E. Central Asians under Russian rule. A study in culture change. -New York. 1966. -P.273.
4. Becker S. Russias protectorates in Central Asia: Bukhara and Khiva, 1865-1924. -Cambridge, 1968. -P.416.
5. Bregel Y. Central Asia. In the 12th-13th/18th-19th centuries. \Encyclopedia Iranica. Vol V. fas.2. -P.200.
6. Coates W. Soviets in Central Asia. -New York. 1951.

7. Hooson D. The soviet Union people and regions. Belmont: Wadsworth Publishing company. Inc., P.376.: Tillet L. The great Friendship. Soviet historians on the non-Russian nationalism. The University of North Carolina, 1969.-P.468.
8. Mackenzie David. Kaufman of Turkestan: An Assesment his administration 1867-1881. \Slavic review.-P.276-277.
9. Krader L. Peoples of Central Asia.-Indiana University publications. Vol.26.1962.-P.61.
10. Rambaud Alfred. The expansion of Russia: problems of the East and problems of the far East. Longwood press. 1970.-P.50.
11. Williams D.S. Imperial Russian rule in Turkestan. The Pahlen Investigation, 1908-1909. \Asian affairs journal of the Royal Central Asian society. Vol.58.1971.-P.174.
12. Central Asia. 120 years of Russian rule. Edited by E.Allworth. New York. Duke University press. 1989.-P.606. Central Asia. 130 years of Russian dominance a historical overview. Edited by E.Allworth. 1994.-P.707. Columbiya University press.
13. Kunits J. Dawn over Samarkand. The rebirth of Central Asia. New York: Covici Friede. 1935.-P.348.
14. Mandell William. The Soviet Far East and Central Asia. New York.: The Dial press. 1944.-P.158.
15. Holdsworth M. Turkestan in the nineteenth century. A Brief History of the khanates of Bukhara, Kokand and Khiva. Oxford, 1959.-P.80.
16. Morris Peter. The Russians in Central Asia. 1870-1887.-P.80.
17. Stephenson G. Russia from 1812 to 1845. A history.-New York. 1970.-P.282

УЎК 93/94

ХОРАЗМ АРХИТЕКТУРАСИДА СИНЧ УСУЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ (ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛЛАР АСОСИДА)

И.Б. Салаев, таянч докторант, Урганч Давлат Университети, Урганч

Аннотация. Ушбу мақолада Хоразм маҳаллий турар-жой иморатсозлигида асосий ўринни эгаллаган синч (нигирик) усули, унинг афзалликлари ва ўзига хос хусусиятларига қисқача тўхталиб ўтилган. Бугунги кунда юзага келган янги қурилиш услублари, қурилиш материаллари ва уй-жой қурилишидаги конструкцияларнинг ривожланиши натижасида ушбу анъанавий қурилиш усули аста-секин амалиётдан чиқиб кетаётганлигига алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, республиканинг бошқа ҳудудлари уй-жой қурилишидаги синч (нигирик) усулининг ўрнини ва ўзаро боғлиқ жиҳатлари Хоразм воҳаси иморатсозлиги билан таққосланган ҳолда ўрганилган.

Калит сўзлар: синч, қўйсинч, гувала, уй-жой, ёғоч, хом гишт, устун, иқлим, меъморчилик, иморат, қурилиш, воҳа, конструкция

Аннотация. В данной статье освещен краткий обзор метода синч (нигирик), его преимуществ и особенностей, которые играют ключевую роль в местном жилищном строительстве Хорезма. Особое внимание было уделено традиционному методу в строительстве, который постепенно выходит из практики в результате развития новых методов строительства, строительных материалов и конструкций в жилищном строительстве, которые появились сегодня. Изучены сходные и взаимосвязанные аспекты жилищного строительства синч (нигирик) в других регионах республики, а также сделан сравнительный анализ со строительством Хорезмского оазиса.

Ключевые слова: синч (каркас), двухрядный каркас, глина, жилье, древесина, кирпич-сырец, колонна, климат, архитектура, здание, строительство, оазис, конструкция

Abstract. This article gives a brief overview of the frame method, its advantages and peculiarities, which play a key role in the local residential construction of Khorezm. Particular attention has been paid to the fact that this traditional method of construction is gradually falling out of practice as a result of the development of new building methods, building materials and structures in housing construction that have emerged today. Also, similar and interrelated aspects of the frame method of housing construction in other regions of the republic were studied in comparison with the construction of the Khorezm oasis.

Key words: sinch (frame), double-row frame, clay, housing, timber, raw brick, column, climate, architecture, building, construction, oasis, construction

Ўзбек халқ меъморчилигининг асосий объектларидан бири бу уй-жой қурилиши ҳисобланиб, у ўзида меҳнаткаш аҳолининг яшаш муҳити билан боғлиқ турмуш тарзи ва уй хўжалик маданияти, диди ва ҳавас эҳтиёжларини акс эттиради. Хоразм маҳаллий иморатсозлик анъаналарининг асосий тамойиллари хонадонда қулай ва шинам муҳитни яратишга қаратилади. Бунда албатта халқнинг асрлар давомида шаклланиб келган миллий анъаналари билан бир қаторда маҳаллий иқлим шароитлари ҳам инобатга олинади. Бугунги кунда қурилишда асосий эътибор халқимизнинг миллий анъаналаридан кўра, улардаги замонавий ҳаёт тарзи хусусиятларига қаратилмоқда. Бу ҳолат, яъни технологик янгиланиш туфайли иморатсозлик анъаналарининг айрим жиҳатлари аста секин “ўтмишга хослик” касб этиб, амалиётдан чиқиб, унутилиш томон юзланмоқда.

Хоразм архитектура мактаби ўзига ҳос ва яхлит ижодий йўналишга эга бўлиб, уй-жойларнинг режавий тузилишига ҳамда шаклига юқорида таъкидланганидек, воҳанинг ўзига ҳос табиати, иклими жуда катта таъсир ўтказган. Хусусан, воҳа қишининг кескин совуқлиги, ёз ойлариининг ўта қурқоқлиги ва қайноқ иссиқлиги қабилардан ҳимоя сифатида ўтмишда асосан синч (нигирик) уйлар қуриш кенг тарқалган. Зеро, қўша синчкорлик деворлари икки қаватли бўлиб, ораликдаги хавол бўшлиқ бугунги тил билан айтганда ўзига ҳос кондиционер вазифасини бажарган. Яъни иморат ички хароратининг мўътадиллигини сақлаган ва ташқи хароратни ичкарига таъсирини камайтирган. Хоразм шароитида сув тошқинлари хавфи азалдан маълум. Шундай ҳолатларда синчкор уйларнинг қаддига сув таъсир қилмаслиги ҳам муҳим ҳисобланган. Булардан ташқари синчкор уйлар мустаҳкамлиги, камхаржлиги, сейсмик чидамлилиги ва тез қуриб битказилиши каби хусусиятлари билан ҳам алоҳида ажралиб турган.

1937-1940 йилларда С.П.Толстов раҳбарлигида Хоразм воҳасида олиб борилган археологик-этнографик экспедициясининг тадқиқотлари натижасида Қадимги Хоразмнинг сўнгги жез даври (милoddан аввалги IX-VIII асрлар)га мансуб манзилгоҳидан топилган “Амиробод маданияти” (Қорақалпоғистон Республикасидаги Амиробод канали атрофи) аҳолиси содда турар жойлар бино қилиш қўникмаларига эга бўлганлиги аниқланган. Амиробод уйлари аксарият ҳолларда ярим ертўла ҳамда ер устки қисмлардан иборат бўлган. Иморатларнинг ер усти қисми асосан устун-синчларда турган. Томи қамиш билан ёпилган. Бундай иморатларни қуриш оғир меҳнат ва кўп вақт талаб қилмаган [1]. Хоразм воҳаси шароитида ерости (сизот) сувлари яқинлиги сабабли қадимдан гужум ва тол дарахтларини қўпайтириш анъанаси бўлган. Бу дарахтларнинг илдизлари сизотни ернинг остки қатламларига тортиб, мелиоратив ҳолатни яхшилашдан ташқари кўп миқдорда ёғоч маҳсулоти берган ва иморатсозлик учун бу муҳим ресурс эди. Айниқса гужум ёғочларининг турли шароитга чидамлилиги алоҳида ҳисобга олинган.

Синч (нигирик) деворлар иккига, яъни якка синч ва қўш синчларга бўлинади. “Одатда, юк кўтарувчи ташқи деворлар қўшсинч, ички деворлар эса яккасинч қилиб бажарилади” [2]. Якка синч деворларининг қалинлиги 20-30 см, қўш синч деворларининг қалинлиги 40-60 см (турли шаҳарларда ҳар хил, бир хил эмас), гуваладан ясалган деворлар 75 см гача [3].

Турар жойларнинг ҳовли йўсинида тикланиши қишлоқда ҳам, шаҳарда ҳам бир хилда бўлган. Улар фақат материаллари (шаҳарда орасига гувала терилган синчлар бўлса, қишлоқда паҳса билан қўтарилган деворлар) нималарни ўз ичига олиши (қишлоқлардаги қўрғонларга хўжалик ҳовлилари ҳам кирган), меъморчилигининг рамзий кўринишда адо этилиши (қўрғон ҳовлилар мудофаа характерини олиб, қалъани эса солувчи унда-мунда минорчалари бор яланг девор билан қуршаб олинган) билан бир-биридан фарқланган [4]. Хоразмда шаҳарларининг турар-жой тузилмалари мураккаб (ҳашамдор) эмас. У лойдан иборат гувалак билан тўлдирилган ёғоч қаркас (синч)дан иборат. Уйлар мудофаа функциясидан маҳрум, на кучли деворларга ва на минораларга эга. Шаҳар худудидаги уйлар ҳам хусусияти жиҳатидан чегараланган [5].

Шаҳарларда ер майдонининг етарли эмаслиги ва шаҳар атрофидан тупроқ ташиб келиш қийин бўлганлиги сабабли нигирик (синчли) ва қўш нигирикли иморатлар қуриш урфга айланган. Синч хонанинг кенг, баланд, умуман баҳаво бўлишини таъминлайди. Унда чириган ва шикастланган қисмларини алмаштириш осон бўлган. Қўшсинч деворнинг бурчак ва ўрта устунлари ховон ва пушталар билан мустаҳкамланади. Ховон ва пушталар девор конструкциясини қўндаланг йўналишдаги ер қимирлашига бардошли қилади. Шунингдек, синч тўлдиргичлари қанча енгил бўлса, иморат шунча зилзилабардошли бўлади. Синч деворлар асосан гувала ёки хом ғишт билан тўлдирилган. Хом ғишт ва гувала бир жинсли бўлганлиги сабабли лойга яхши ёпишади. Зилзилалар чоғида гувала ва хом ғиштларнинг синчлардан ажралиб тўкилишининг олдини олиш учун девор чокларига қамиш, похол ва шох-шаббалар арматура сифатида қўйилган. Демак, синчкори чўзилиш, эгилиш ва қисилиш, деформацияланиш хусусиятига эга. Воҳа қурувчилари ва аҳоли ўртасида **“Нигирик уйнинг қийшайгани қирқ йил туради”** деган нақл бекорга айтилган эмас. Шунинг учун ҳам Ўрта Осиё халқ меъморчилигида синч девор кенг қўлланилади [6].

Синч (нигирик) уйлар қурилиши ва унинг афзалликлари тўғрисида Қўшқўпирлик ахборотчи, кўп йиллик тажрибали қурувчи уста Нурметов Хусанбой қуйидагиларни таъкидлади: “Нигирик уйлар асосан ёғочдан бўлган. Тўрт девор тагсинчлари иморат тархининг бурчакларида туташтирилгач, туташган еридан искана билан тешик ҳосил қилинади. Бу тешикларга иморатнинг бурчак устунлари – бози ўрнатилади. Бозилар тагсинчга қиялатиб қоқилган ховонлар билан тик ҳолга келтириб қотирилади. Бозиларнинг учидан чука чиқарилади ва тўрт томон бурчак бозилари хари билан боғланади. Сўнгра ховонлар оралиги тагсинчларга синчлар қоқиб тўлдирилади. Синчлар оралиги гувала ёки хом ғишт билан тўлдирилади. Бу ҳолатда иморатнинг деворлари шаклланади. Бундан кейинги иш тўсин (болор) солиш, тоқи териш, қамиш бордон билан ёпиш ва, ниҳоят, хашар йўли билан сомонлой қора сувоқ босилади. Бундай уйлар зилзила пайтида бир тарафга қараб қийшайса ёки қимирласа ҳам йиқилмаган. Чунки бир-бирига ўйиб киргизилган ёғочлар мустаҳкам бўлиб, уйнинг йиқилишини олдини олган. Шу сабабли нигирик уйлар “эгилувчан”, “букилувчан”, “қайишувчан уй”

деб аталиб, бу типдаги уйлар тез қуриб битирилган. Ниғирик уйларнинг девори сомонлой билан сувалади. Сомон деворни ёрилишдан сақлайди. Бундай уйлар ёзда салқин, қишда иссиқни яхши сақлайди. Ниғирик уйда асосий бош уста уйнинг скелетини ясаб беради, қолганлар ғишт ва гувала териш, суваш ишларини қилаверади [7].

Хоразм воҳасида қурилиш ишлари билан шуғулланувчи усталарнинг кўпчилиги бир неча касб эгалари бўлишган: ёғоч ишларни бажаришган, ғишт терганлар, паҳса урганлар, сувоқчилик, гумбазчилик, синч (ниғирик) уй қуриш, ганчкорлик ва бошқаларни пухта билишган [8].

Мавзу доирасидаги изланишлар мобайнида Республикнинг бошқа вилоятларидаги синч уйларнинг қурилишига ҳам эътибор қаратилди. Фарғона уйларининг конструкциясини ўрганадиган бўлсак, деворнинг қалинлиги 60-70 см ташкил қилиб, бу иссиқлик йўқолишининг олдини олади. Девор қалинлигига қараб хона деворларига чуқур тоқчалар қилинган. Бу эса ўз навбатида хонадан унумли ва хона интерьеридида безак сифатида фойдаланиш имконини берган. Водий сейсмик зонада жойлашганлиги учун айрим турар-жойларнинг девор қалинлиги 90 см гача етади.

Хива уйлари Фарғона уйларидан кескин фарқ қилади. Хива уйларининг конструктив асосини ниғирик девор ташкил этади. Сабаби бу ҳудудда намгарчилик кам ва ер қимирлаши 4 баллдан ошмаслигини инобатга олиб, шаҳар типидидаги уй девор қалинлиги 25-30 см ташкил этиб, енгил бир (якка) синчли қилиб қурилади. Девор конструкцияси хона интерьерига таъсир кўрсатади, сабаби девор енгил ва қалин бўлмагани сабабли Хива турар уй хона деворидида Фарғона уйларига ўхшаш хона деворларига чуқур тоқчалар қилиш имконияти йўқ [9].

Тошкент ҳудудидаги уйларда яшаш хонасининг 4 та девори - икки қатор каркас (синч)дан иборат бўлади, лекин фарғоналикларники билан беллаша олмайди (40-60 см): Шаҳрисабзда уйнинг 3 та девори қалин (тахминан 40 см) бўлиб, бир қаторли каркас (синч)дан иборатдир. Бухоро уйларида эса бундай деворлар одатда битта [10].

Архитектор Т.С.Страмцованинг изланиши ва ҳисобига қараганда паҳса уйлардан кўра ниғирик уйларда унумли майдони 30-35% ташкил этади [11]. Мабодо бино баландлиги синч устунларнинг узунлигидан (бадавлат хонадон уйларида меҳмонхоналари учун зарур бўлган) ошиб кетса, бу ҳолда ёғочларнинг ёнида қўйилган боғламларнинг охириги тепа қисми кучайтирилган [12].

1936 йилда Бутуниттифоқ меъморчилик академиясининг топшириғи билан Хивада тадқиқот ишларини олиб борган Л.Ремпель шаҳарнинг меъморчилик ёдгорликларини шундай таърифлаган эди: “Хива ўзининг гўзал қурилиши бўйича диний меъморчилик ёдгорликлари билан эмас, балки сарой меъморчилиги билан машҳурдир. Сарой архитектураси ўзининг келиб чиқишида қадимги халқ қурилиши бўлмиш ёғоч ёки чўпқар архитектураси билан машҳур [13].”

Хонликда боғлар барпо қилинишининг бир неча асосий зарурияти бор эди. Энг аввало боғ киши руҳиятига ижобий таъсир кўрсатиб, унинг соғлигини мустаҳкамлаган. Ёз фаслида боғ ичидаги ҳовуз салқин микроклим ҳосил қилиб, атрофига экилган мевали дарахтлар ва чиройли гуллар киши кўнглини яйратган. Кузда олинган ҳосил эса, дастурхонни тўқин қилган. Шунинг учун ҳам хиваликлар уй курса, албатта унинг ичида катта меҳмонхонаси, ёз фасли учун олди шимолга қараган айвони бўлган. Бадавлатроқ одамлар айвон олдида катта ҳовуз қилган. Буларнинг ҳаммаси уй микроклим шароитини максимал фойдали ҳолга келтириб турган [14].

1317/1899-1900 йили Муҳаммад Раҳим II Муҳаммад Ниёз девонга Тозабоғ ҳовлисидаги эски иморатларни буздириб, ўрнига тошдан ҳовли қурдиришга буюрган. Баёнийнинг ёзишича, мазкур ҳовли 1321/1903-1904 йили қуриб битилган. Унга кўра: “Ҳижратнинг минг уч юз йигирма бирланчиси, товушқон йилида Муҳаммад Ниёз маҳдум девон Тозабоғ ҳовлисининг биносини итмомга еткурди. Ҳовлининг атроф девори тошдин бўлиб, ичи чўбқари бўлмиш эрди. Фақир анинг авсофи ва тарихини бу тариқа айтдим [15].”

Хива туманининг Саёт қишлоғида қурилган кўшк ва тураржой анъаналарини ўзида мужассамлаштирган бетакрор меъморий обида “Чодра Ховли”, яъни хоннинг шаҳардан ташқаридаги дам олиш уйи ҳам меъморчиликнинг санъат асарларидан бири ҳисобланади.

Хоразм меъмор-усталари ушбу иншоотни қурилишида “минорасимон” шаклни танлашган. Бунда пастки қаватларнинг баландлигини, бино баландлиги ошган сари камайтириб боришга эътибор беришган. Бинода зилзилабардошликни таъминловчи антисейсмик чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Ушбу бино 4 қаватдан иборат бўлиб, биринчи қаватда омборхона ва отхона бўлган. Иккинчи ва учинчи қаватлари дам олиш хоналаридан ташкил топган. Тўртинчи қават 2 та “терс айвон” кўринишида қурилган. Чодра Ховли биносининг режадаги ўлчамлари 16,8 м, баландлиги 20 метр. Биринчи қаватдаги паҳсанинг эни – 80 см, тўртинчи қаватдаги синч девор қалинлиги – 40 см [16].

Иморатнинг сейсмик мустаҳкамлиги маълум даражада унинг юқори қисмини қандай ҳал қилинишига ҳам боғлиқ. “Чодра Ховли”ни 3- ва 4- қаватлари синчли қилинган бўлиб, 4- қаватга “Т” шакли берилгани бунинг таъсирдир. Иморатни конструктив элементлари фақат вертикаль юқнигина эмас, балки, горизонтал юқни яъни, шамол ва зилзила кучини ҳам қабул қилади. Шунинг учун бу иморатда бирлик ва турғунликни, девордаги синч ва том ёпмалар ҳосил қилган.

Шу билан бирга Хива хонлигида бой ва амалдорларнинг уйлари ҳам синч (нигирик) дан қурилган. Хива шаҳри “Янги турмуш” МФЙ, Нажмиддин Қубро кўчаси, 47-Б уй жойлашган Иброҳимхўжа (Хива хонлигида бош вазир Ислохўжанинг отаси)нинг уйи ва “Мевастон” МФЙ, Марказ-6 да жойлашган бой савдогарлардан бири Шихназарбойнинг уйлари ҳам қўш синч (нигирик)дан қурилганлигини гувоҳи бўлдик. Шунингдек, Хива хонлигидаги йирик ҳашаматли биноларни қурилишида ва уларни безашда иштирок этган Хоразм наққошлик мактабининг йирик вакилларида бири Абдулла Болтаев ўз кундаликларида қуйидагиларни ёзиб қолдирган:

“1835-1840 йилларда Оллоқулихонни катта амалдорларидан бўлган Хасан Мурод қушбеги, Муҳаммад Ризо қушбеги, Ота Мурод қушбегилар Хива шаҳрининг ичкари қалъаси ўргаларида яъни, хон саройи бўлган Кўхна Аркнинг орқа томонидан бу учлари катта жойлар барпо қилганлар, ҳамма ерлари нигирикдан [17]”.

Фарбий Осиё мамлакатларидан бири бўлган Эрон турар-жой меъморчилигида ҳам синчдан уйлар қурилганлигини кўришимиз мумкин. “Эронда водийларда синч қилиб гуваладан қурилган текис томли, бир хонали, ойнасиз туйнукли форс халқ уйлари кенг тарқалган [18]”.

Қирғизистоннинг Боткен шаҳрида ҳозирги кунда ҳам синч (каркас) усулида уй-жойлар қурилмоқда. Боткенлик уста Акил Жолдошев синч усули бошқа усулларга қараганда кам ҳаражат талаб қилиши ва узоқ муддат сақланиши билан фарқ қилишини айтади. Унинг сўзларига кўра, бундай усулда қурилган уйлар 7 баллик зилзилаларга бардош бера олади. Айни вақтда, Боткендаги уйларнинг 90 фоизи синч усулида қурилган. Синч усули иккига, қўш ва яккага бўлинади. Сўнги вақтларда қўш синчга талаб кучли. Сабаби бу усулда иккита синч ўрнатилиб, ораси тупроқ билан тўлдирилади ва уй мустаҳкам бўлади. Акил Жолдошев бир ойда битта ёки иккита уйни мазкур усулда қуриб битказмоқда [19].

Шу ўринда воҳа қабристонлардаги мазорларда ҳам уй-жой қурилиши билан боғлиқ архитектура қоидаларига амал қилинган. Хоразм қабристонларидаги мазорлар ўзларининг ранг-баранглиги ва архитектураси билан эътиборни тортади. Улар орасида ер устидаги дафн этиладиган соғоналар алоҳида қизиқиш туғдирадики, уларнинг аксарияти Хоразмда расм бўлган яшаш жойларини эсга солади. Кишиларда марҳум ўз маконига эга бўлиши керак деган диний тасаввур мавжуд. Айрим ҳолларда дафн иншоотлари нигрик ва чўбқори (синч) усулида ҳам қурилади. Уларнинг асосида ёғоч ускуналари асосий ўринни эгаллайди. Ёғочлар орасига хом ғишт ёки кесак тикилади, усти текис бостирилади. Анимистик нуқтаи назардан қараганда бу усул ҳам яшаш жойи тарзида кўзга ташланади [20].

Ўрганишларимиз натижасида Хива туманидаги Рўзим бобо қабристонидан синч (каркас) дан қурилган мазорлар мавжудлиги, лекин жуда ҳам қаровсиз аҳволда бўлиб, ер тагига сингиб кетганлигининг гувоҳи бўлдик.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, архитектура доимо ўтмиш билан узлуксиз боғлиқ ҳолда янгиланаверади. Хоразмда асрлар давомида тажриба асосида ортирилган ўзига ҳос меъморчилик мактаби шаклланган бўлиб, йиллар давомида юзага кела бошлаган янги қурилиш услублари, қурилиш материаллари ва конструкцияларнинг ривожланиши турар-жойларнинг тарҳини ўзгаришига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади. Замонавий архитекторлар бугунги янгиланишлар давомида анъанавий қурилиш технологияларининг оқилона унсурларидан фойдаланишни йўлга қўйсалар Хоразм шароитида бунинг самараларига умид боғлаш мумкин бўларди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Матякубов Х.Х. Хоразмда паҳса-хом ғишт бинокорлиги усуллари ва меъморчиликнинг вужудга келиши масаласи. Хоразм тарихи замонавий тадқиқотларда. – Тошкент: Илмий тўплам, 2019. – Б 197.
2. Ўролов А, Нозилов Д, Фармонов А, Матъязов С. Қишлоқ уйлари режалаштириш ва қуриш асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – Б.140.
3. Варонина В.Л, Узбекское народное жилище. // Советская этнография, – Москва: 1949, № 2. – С 68.
4. Маньковская Л. Хива. – Тошкент: 1982, – Б 19.
5. Маньковская Л, Булатова В. Памятники зодчества Хорезма. – Ташкент: Гафура Гуляма, 1978. – С 50.
6. Ўролов А, Нозилов Д, Фармонов А, Матъязов С. Қишлоқ уйлари режалаштириш ва қуриш асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994, – Б 23.
7. Дала ёзувлари. Қўшқўпирлик ахборотчи Х.Нурметов маълумотлари (аудиоёзувлари).
8. Жабборов И. Юсак маданият ва ноёб маънавият маскани. – Тошкент: Ўзбекистон. 2012, – Б 226.
9. Матчонов Б.Г. Ўзбекистон турар-жой қурилиш анъаналари//Архитектура, қурилиш, дизайн илмий-амалий журнали. 1-2/2017. – Б 24.
10. Варонина В.Л, Народные традиции архитектуры Узбекистана. – Москва: Архитектура и градостроительство. 1951, – С 18.
11. Матчонов Б.Г, Саидов М.С. Хоразм меъморлигида турар-жой қурилиш усуллари//Меъморчилик ва қурилиш муаммолари илмий-техник журнал. 2/2017, – Б 44.
12. Варонина В.Л, Узбекское народное жилище. // Советская этнография, – Москва: 1949, № 2. –С 66.
13. Мадаминов М. Хоразмнинг қадимий ва ўрта асрлар шаҳарсозлиги тарихи. – Тошкент: Истиклол, 2009. – Б 43.
14. Худайберганов К. Хива дунёдаги энг кўхна қалъа. – Тошкент: 2012. - Б 300.

15. Мухаммад Юсуф Баёний. Шажарайи Хоразмшохий. Мазкур қўлёзма фонди. Инв. № 9596. 489^б- варақ. Муниров Қ. Хоразмда тарихнавислик. – Тошкент: Ғофур Ғулом. 2002, – Б 165.
16. Дурдиева Г. Қадимий Хоразм пахса девор меъморий ёдгорликлари. – Хива: 2017. – Б 42.
17. Болтаев А. Хива архитектура қондалари. – Тошкент: Хоразм. 2013, – Б 43.
18. Аширов А. Этнология. – Тошкент: Янги нашр, 2014, – Б 253.
19. [Yntymak.kg/uz/botkenlik-usta](https://www.youtube.com/watch?v=LhUL8NC-VPA), <https://www.youtube.com/watch?v=LhUL8NC-VPA>.
20. Снесарев Г.П. Хоразмликларнинг мусулмонликдан аввалги маросимлари ва урф-одатлари. – Урганч: 2018, – Б 144.

УЎК 93/94

ХИВА ХОНЛИГИДА ҚУЛЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИДА АЁЛЛАР ЎРНИ МАСАЛАСИ

Ф.Дж. Таджиева, кичик илмий ходим, Хоразм Маъмур академияси, Хива

Аннотация. Хива хонлигида қулчилик муносабатларида аёллар ўрни масаласи нафақат Хоразм, балки Ўзбекистон тарихининг ҳам энг кам ўрганилган саҳифаларидан бири ҳисобланади. Ёзма манбаларда ҳам мазкур мавзуга оид маълумотлар жуда қисқа. Ҳозиргача эса бу мавзуга оид бирорта яқиний тадқиқот чоп қилинмаган. Шу жиҳатдан олганда бу мавзунинг ўрганиши ҳамда тадқиқ этиши масаласи ҳозирги кунда тарих фанида муҳим долзарблик аҳамиятини пайдо қилади. Шундай бўлсада, Хива хонлигида қулчилик муносабатларида аёллар ўрни масаласи турли ёзма манбалар маълумотларини таҳлил қилиши асосида очиқ беришга ҳаракат қилинди. Хива хонлигида аёл қуллар, чўрилар ёки асарларнинг қулчилик муносабатларидаги ўрни масаласи таҳлил қилиниши жараёнида ислом динида қулчиликнинг моҳияти ва аёл қулларга нисбатан муносабат масаласи ҳам илмий жиҳатдан таҳлил қилинган ва хулосалар чиқарилган.

Калит сўзлар: қулчилик, қуллар нархи, Антони Женкинсон, Иван Хохлов, Василий Даудов, Мухаммад Юсуф Қосимов, А. Банкеннагель, Х. Вамбери, Филипп Ефремов, рубль, тилла, дукат, рус қуллари, эронлик қуллар, элчиликлар, қозоқлар, найманлар, татарлар

Аннотация. Вопрос о роли женщины в рабстве в Хивинском ханстве - одна из наименее изученных страниц не только в Хорезме, но и в истории Узбекистана. Письменные источники также содержат очень мало информации по этому поводу. Пока никаких окончательных исследований по этой теме не опубликовано. С этой точки зрения вопрос изучения и исследования этой темы имеет большое значение в современной исторической науке. Тем не менее, были предприняты попытки раскрыть вопрос о роли женщин в рабовладельческих отношениях в Хивинском ханстве на основе анализа данных из различных письменных источников. В процессе анализа роли рабынь, горничных или пленниц в Хивинском ханстве была также научно проанализирована сущность рабства в исламе и отношение к рабыням и сделаны выводы.

Ключевые слова: рабство, цена рабов, Антони Дженкинсон, Иван Хохлов, Василий Даудов, Мухаммад Юсуф Касимов, А. Банкеннагель, Х. Вамбери, Филипп Ефремов, рубль, тилля, дукат, русские рабы, иранские рабы, посольства, казахи, найманы, татары

Abstract. The issue of the role of women in slavery in the Khiva khanate is one of the least studied pages not only in Khorezm, but also in the history of Uzbekistan. Written sources also contain very little information on the subject. So far, no final research on this topic has been published. From this point of view, the issue of studying and researching this topic is of great importance in the science of history today. Nevertheless, attempts were made to reveal the issue of the role of women in slavery relations in the Khiva khanate on the basis of analysis of data from various written sources. In the process of analyzing the role of female slaves, maids or captives in slavery in the Khiva khanate, the essence of slavery in Islam and the attitude towards female slaves were also scientifically analyzed and conclusions were drawn.

Key words: slavery, the price of slaves, Anthony Jenkinson, Ivan Khokhlov, Vasily Daudov, Muhammad Yusuf Kasimov, A. Bankennagel, X. Vamberi, Philip Efremov, ruble, gold, dukat, Russian slaves, Iranian slaves, embassies, Kazakhs, Naymans, Tatars

1. Кириш.

Хива хонлигида қулчилик муносабатлари масаласида аёл қуллар ёки чўриларнинг ўрни мавзуси тарих фанининг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Аммо, ёзма манбаларда Хива хонлигида аёл қулларнинг аҳоли, тақдири ва уларнинг хонлик иқтисодий – ижтимоий ҳамда маънавий ҳаётида тутган ўрни масаласи анча суғ ўз аксини топган. Жумладан, рус ва қисман инглиз сайёҳлари ва элчилари эсдаликларида, рус тадқиқотчилари асарларида ҳамда Эрон – форс манбаларидаги қулчилик ҳақидаги маълумотларда қисман аёл қуллар хусусида, унда ҳам аёл қуллар баҳоси ва улар бажарадиган юмушлар хусусидаги юзаки маълумотлар мавжуд. Маҳаллий манбаларда эса бу ҳақда деярли маълумотлар учратмаймиз. Зеро, Мунис, Огаҳий ва Баёнийлар асарларида нафақат чўри ёки асира ҳақида, балким, умуман аёллар масаласига деярли эътибор қаратмаганликларини эса, улар ҳам шу

даврининг кишилари сифатида аёлларга ислом нуқтаи-назаридан муносабатда бўлганликларидан ва бу масалага одатий ҳол сифатида қараганликларидан деб тушуниш лозим.

2. Манбалар

Хива хонлигида кулчилик муносабатлари масаласида аёл куллар ёки чўриларнинг ўрни ҳақида маълумотлар берувчи манбаларни шартли равишда икки гуруҳга бўлишимиз мумкин: 1) XVI – XIX асрлар рус ва европа манбалари. 2) Эрон, Бухоро ва Хива манбалари манбалари.

Қизиғи шундаки, бу манбалар ичида энг асосийлари рус манбалари бўлиб, қайтанга Эрон, Европа, Бухоро ва айниқса Хива манбаларида бу ҳақда маълумотлар ниҳоятда кам. Шунинг учун манбалар таҳлилини айнан рус ва унга қўшимча сифатида европа манбаларидан бошлаймиз ҳамда бу манбаларни даврий жиҳатдан таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Аммо, XVI – XIX асрларга оид турли мавзу ёки мазмундаги Россия – Европа манбаларида аёл куллар ҳақидаги маълумотларни ниҳоятда кам учратамиз.

3. Муҳокама

Шу ўринда бу муаммони ўрганишдан олдин ислом динида кул аёлларга муносабат масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Аёл куллар ислом дунёсида кинн ама, жория ва восифа деб аталган бўлсалар, Хива хонлигида улар оддийгина чўри деб юритилган десак хато қилмаган бўламиз. Тўғри хонликда дастлаб кулларнинг авлоди “дўғма” (туғма кул маъносида) деб аталган бўлса, кейинчалик умуман куллар шундай аталган. Агар хон чўриси озод қилинган бўлса “хонозод” деб аталган.

Ислом динида асира ёки чўри аёллар инсон сифатида кўрилиб, ҳатто, Куръоннинг “Нисо” сурасида: “Ва сизлардан кимнинг мўмина хур аёлларни никоҳлаб олишга курби етмаса, ўз қўлингиздаги мўмина қизларингиздан (яъни, чўри аёл – қизлардан – Ф.Т.) олсин”, – дейилган [10]. Шу билан бирга ислом динида хожасидан фарзанд кўрган чўри аёл ўз-ўзидан озод бўлиши белгилаб қўйилган.

Кул ва чўрилар хожаларининг розилиги билан никоҳланишлари ҳам мумкин эди. Бу никоҳлардан туғилган болалар ҳам озод ҳисобланар эди. Хожа ўз чўриси билан бирга яшаши мумкин эди, агар хожасидан бола кўрса уни умми валад деб аталарди, уни сотиш ёки бировга бериб юбориш мумкин эмасди. Хожанинг вафотидан кейин унинг никоҳидаги чўри озод ҳисобланар эди. Унинг фарзандлари ҳам озод бўлиб туғилар ва мерос олиш ҳуқуқига ҳам эга бўлар эдилар [10].

4. Тадқиқот натижалари

Энди Хива хонлигида аёл куллар масаласига қайтадиган бўлсак, манбаларда улар ҳақида умумий маълумотлар келтирилган. Жумладан, аёл куллар кўпинча хонадон ишларида ишлатилган. Айнан уларнинг дала ёки бошқа оғирроқ юмушларида ишлатилганлигини аниқ кўрсатувчи маълумотлар бўлмасада, аёл куллар айниқса дала ишларида ҳам ишлатилган бўлса керак. Умуман олганда манбаларда аёл куллар ҳақида сўз кетганда, асосан фақат уларнинг нархи ҳақидагина маълумотлар келтирилган. Жумладан, XVIII аср охирида аёл чўрилар эркак кулларга қараганда икки баравар қиммат бўлиб, 50-100 червонга (Россия империясида муомалада бўлган пул) баҳоланган. Эркак куллар эса 40-50 червон атрофида бўлган [5].

1820-1821 йилларда Бухоро амирлигига ташриф буюрган А.Ф. Негри бошчилигидаги рус элчилиги таркибида қатнашган Е.К. Мейендорф Бухоро амирлигидаги куллар нархи ҳақидаги маълумотни келтириб ўтади: яъни, амирликда бакуват эркак кулнинг баҳоси – 40-50 тилла (640-800 рус рубли), бирор касб эгаси бўлган кул – 100 тилла (1600 рубль), ёш чиройли чўрилар – 100-150 тиллага (1600-2400 рубль) тенг бўлган [7].

1863 йилда Ўрта Осиё хонликларига келган Арминий Вамбери шу йили амирликда бакуват эркак куллар 40-50 тиллага баҳоланишини, кексароқ аёллар 10 тиллагача сотилиши мумкинлигини айтган. Аммо, у 1861 йилда Эрон қўшинларининг Марв яқинида туркманлар томонидан мағлубиятга учратилгандан кейин 13 минг эронлик жангчилар кул бозорларига юборилиши оқибатида шу йили Бухоро амирлигида куллар баҳоси ўн баравар арзонлаб, 3-4 тиллага тушиб қолганлигини айтади – ю, лекин бу ҳолат аёл чўрилар баҳосига таъсир қилганми ёки қилмаганлигини ёзмаган [2].

Ва ниҳоят шарқшунос А.Куннинг 1873 йилдаги мақоласидаги маълумотларига кўра, хонлик бозорларида ёш кул қизнинг баҳоси 40 дан 250 тиллагача бўлган.

1873 йилда Кауфман хонликка юриши арафасида асирларнинг нархи кўтарилиб, русларга 100 тилладан 200 тиллагача, Эрондан келтирилганларга бўлса 70 тилладан, эронликларнинг хотинлари ва 14 ёшгача бўлган болалар эса 60 тилладан 300 тиллагача бозордаги хариддан келиб чиқиб, баҳо белгиланган [6].

1819-1820 йилларда Хива хонлигида бўлган рус ҳарбий элчиси Н. Муравьев Хива ўзбеклари бир қанча аёлларни ўз никоҳига олиш мумкинлигини таъкидлагани ҳолда амалда, улар фақат битта аёлга уйланишларини, кўпхотинлик хонликда кенг тарқалмаганлигини, бундай имкониятга бой хонадонларгина эга эканликларини ҳам келтириб ўтади. Бундан келиб чиқадиган бўлсак, Хива

хонлигида оддий аҳолидан чиққан эркакларнинг на чўри сақлаш, на уларни ўз никоҳларига олишлари имконияти бўлмаган [8].

Ёзма манбаларда баъзи Хива хонларининг ҳамда қариндошларининг хотинлари илгари чўри бўлганлиги ҳақида маълумотлар учратамиз. Масалан, Муҳаммад Раҳимхон Ферузнинг (1864-1910 йй.) суюкли хотини Ширинбика ҳам ёшлигида Эрондан ёвмудлар томонидан олиб келиниб, Хивадаги кул бозорида ҳарамхонадагиларга сотилганди. Ферузнинг амакисининг ўғли Матниёз девонбегининг онаси ҳам рус кули бўлган [9].

Рус аёл куллари кўпроқ хон саройида ишлаганлар. Ҳатто баъзи, рус асиралари хон саройи ошхонаси бошлиғи даражасигача ва шу орқали хонга энг яқин киши бўлиш мақомигача кўтарилганлар. Жумладан, Оллоқулихон (1825-1842 йй.) даврида сарой ошхонаси ошпазлари ва озиқ – овқат маҳсулотлари сақланадиган омбор бошлиқлари вазифаларини Анна Васильевна Костина [3,4] ҳамда Акулина Григорьевна Степанова каби рус асиралари бажарганлар [1].

Манбалардаги баъзи маълумоларга кўра Хива хони ҳарамидаги канизак аёлларига муносабат ҳам яхши бўлган деган хулоса чиқаришга тўлиқ асос бор. Жумладан, Оллоқулихоннинг юқорида келтириб ўтган рус асираларига жуда яхши муносабатда бўлганлигини айнан Г. Степанованинг ўзи ҳикоя қилиб берган бўлса, Анна Васильевна Костинага ҳам хоннинг ўзидан ташқари сарой аъёнлари ҳам яхши муносабатда бўлганликларини Фёдор Грушин ва Тихон Рязанов каби рус куллари ўз эсдаликларида келтириб ўтадилар. А. Вамберининг маълумотида кўра хон Сайид Муҳаммадхон (1856-1864 йй.) ҳарам канизакларига ниҳоятда мулойим муносабатда бўлган. Фақат улар бирор бир гуноҳ иш ёки хатти – ҳаракатлар қилмасликлари лозим бўлган холос [2].

5. Хулоса

Умуман олганда биз бу ўринда ёритмоқчи бўлган мавзумиз, яъни Хива хонлигида қулчилик муносабатлари масаласида аёл куллар ёки чўриларнинг ўрни мавзуси хусусида умумий хулоса чиқарадиган бўлсак, хонликда асиралардан албатта уларнинг ёши ёки ташқи кўринишига қараб, нархи ҳамда қайси соҳада ишлатилиши белгиланган. Шу билан бирга Хива хонлиги ҳам ислом давлати сифатида жамиятда чўри аёлларга дин тамойилларидан келиб чиқиб муносабатда бўлинган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бухарин Н.К. Очерки прилинейной жизни оренбургских казаков. “Хивинка”. (Записки войсковой старшины Оренбургского казачьего войска Н. К.Бухарина).— Оренбург: Типо-литография Б. Бреслина, 1892. – 42 с.
2. Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. - М.: Восточная литература. 2003. – 193 с. (pdf.) (65)
3. Даль В. И. Рассказ вышедшего из хивинского плена астраханского мещанина Тихона Ивановича Рязанова //Утренняя заря: Альманах на 1839 год / Изд. В. Владиславлев. - СПб., 1839. - С. 74-92.
4. Даль В. И. Рассказ хивинского пленника Федора Федорова Грушина // Литературные прибавления к «Русскому инвалиду». - СПб., 1838. - № 5. 20 янв. - С. 81-86.
5. Замечания майора Бланкеннагеля, впоследствии поездки его из Оренбурга в Хиву в 1793-94 годах / Изд., с объясн. В.В. Григорьевым. - Санкт-Петербург: типография Морского министерства, 1858. – С.7.
6. Кун А.Л. Заметки о податях в Хивинском ханстве // Туркестанские ведомости 1873, 14 август, №32.
7. Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. – М.: Наука, 1975. – – 180 с.(С. 145.)
8. Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819 и 1820 гг. гвардейского Генерального штаба капитана Николая Муравьева, посланного сию страну для переговоров. Т. 1. – М., 1819; Т. 2. – М., 1820. // <http://www.vostlit.info/Texts/Dokumenty/M.Asien/XIX/1800-1820/Muraviev/text5.html>.
9. Хорошкин А.П. Воспоминание о Хиве. (Беглые заметки)//Сборник статей касающихся Туркестанского края. – Санкт-Петербург: тип. и хромолит. А. Траншеля, 1876. – С. 473-483 с.
10. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Исломда инсон ҳуқуқлари. Ислом ва қулчилик.// <http://www.info.islom.uz/03/30/2016>.

УЎҚ 93/94

ЎҒУЗ ҚАБИЛА ВА УРУҒЛАРИНИНГ ТУРКМАН ХАЛҚИНИ ШАКЛЛАНИШИДАГИ ЎРНИ А.И. Тўраев, ўқитувчи, Бухоро Давлат университети, Бухоро

Аннотация. Ушбу мақолада Ўғуз қабила ва уруғларининг номланиши, ҳудудлар бўйлаб тарқалиши, XIV асрлардан бошлаб келиб чиқиши ўғузлардан бўлган янги уруғлар туркманлар таркибига кириб бориши ўрганилган. Ўғуз сўзи туркман сўзи билан алмашиши, яъни бир этник ном бошқа этник номга айланиши ҳақида сўз юритилади.

Калит сўз: Ўғузхон, Гуюкхон, Ойхон, Юлдузхон, Кўкхон, Тоғхон, Денгизхон, ўғуз-қарлу, Моворауннаҳр, Кичик Осий

Аннотация. В данной статье исследуется наименование огузовских племен и кланов, их распределение по регионам и появление новых огузовских кланов среди туркменского населения, начиная с XIV века. Говорят, что слово огуз заменяется туркменским словом, то есть одно этническое имя становится другим этническим именем.

Ключевые слова: Огузхан, Гуюкхан, Айхан, Юлдузхан, Кокхан, Тогхан, Денгизхан, Огуз-Карлу, Мовораунехр, Малая Азия

Abstract. This article examines the naming of the Oghuz tribes and clans, their distribution across the regions, and the introduction of new Oghuz clans into the Turkmen population from the 14th century onwards. It is said that the word Oghuz is replaced by the Turkmen word, that is, one ethnic name becomes another ethnic name.

Key words: Oguzkhan, Guyukhan, Aykhan, Yulduzkhan, Kokkhan, Togkhan, Dengizkhan, Oguz-Qarlu, Movoraunnah, Asia Minor

Марказий Осиё минтақасида умргузаронлик қилиб келаётган халқлар қадимдан тинч-тотув, куда-анда ва ҳаётий массаларни биргаликда ечиб келаётганликлари ҳақиқатдир. Инсоният тамаддунининг бешиги бўлмиш Бухоро заминидан ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик, қарақалпоқ ва бошқа халқларнинг аجدодлари билан ёнма-ён истиқомат қилиб келаётган халқлардан бири туркманлар саналади.

Туркманларнинг келиб чиқиш тарихини ҳозиргача илмий асослари аниқланмаган ва бу илмий тадқиқотлар олиб бориш учун алоҳида мавзу ҳисобланади. Туркман халқларининг этногенези, шаклланиш даври, бир ҳудуддан иккинчи ҳудудга тарқалиши, хўжалиги, маданий ва маънавий ҳаётига оид маълумотларни ўрганиш VIII-IX асрлардан бошланган. Жумладан қомусий олим Абу Райҳон Берунийнинг “Минералогия” асарида кейинчалик Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғатут-турк” ва XVII асрда яшаган тарихчи Рашидиддиннинг “Жомеъ ат-таворих” асарларида ўз ифодасини топган. Туркманларнинг аجدодлари тарихини ёзган Хоразм ҳукмдори Абдул-Ғози Баҳодирхон бўлиб, у 1660 йилда “Туркманлар шажараси” деб номланган асарни ёзиб, бу асарида туркман шажаралари ҳақида маълумот беради [5,75]. Аммо бу маълумотлар ҳам туркманлар шажараси тўғрисида тўлиқ маълумот ҳисобланмайди. Чунки Маҳмуд Қошғарий туркманлар шажараси тўғрисидаги маълумотларни охирига етказмаган. Бошқа томондан эса бу асарда жуда катта муддат қамраб олинган бўлиб, кўпгина қимматли маълумотлар берилган.

Туркман халқининг дастлабки ва этник шаклланишида муҳим роль ўйнаган компонент бу ўғузлар ҳисобланади. Ўғузхон давлатга асос солиб, турк халқлари бўлиниб кетган бир вақтда уларни бирлаштириб Ўрта ҳамда Кичик Осиёга, Хитой, Кавказ, Эронга ва ундан сўнг Мисргача бўлган ҳудудларга ҳарбий юришлар қилади. У афсонавий шахс бўлмай тарихда ўзига хос ўринга эга бўлган ҳукмдор бўлган. Ўғузхон етмиш иккинчи йилгача мўғул ва татарлар билан кураш олиб бориб, етмиш учинчи йил деганда уларни қўл остида бирлаштириб, мусулмон қилади [1,6].

Тарихдан маълумки, йирик қўшинлар томонидан қисиб қўйилган майда қабилалар (уларни уруғлар билан тенглаштирамаслик керак) иттифоқ туза бошладилар, бундай иттифоқ “ўғуз” деб атала бошланди. Ана шулардан тўққиз ўғуз (тўққиз жамоа) -уйғур, уч ўғуз-қарлуқ этнонимлари вужудга келган [3,70].

Ўғуз деб Ўғузхоннинг тарафдорларига нисбатан айtilган. Ўғузхон томонидан забт этилган ва кейин қўшилган халқлар эса “Уйғурлар” деб тилга олинади. Ҳозирги туркманларнинг авлодлари ҳақиқий ўғузлар бўлиб, Ўғузхоннинг шахсан ўзи уларга уруғ белгиси, яъни “тамға” ни қолдирган.

Шундай қилиб, “ўғуз” сўзи дастлаб “қабилла” маъносини, “бирлашган қабилаларни” англатиб, кейинроқ жамловчилик маъносига эга бўлган этник номга айланган.

Ўғуз қабилаларининг шаклланиши Ўғузхоннинг катта ўғли Гууюхон даврига тўғри келади. Ўғузхоннинг ҳаммаси бўлиб олтига Гууюхон, Ойхон, Юлдузхон, Кўкхон, Тоғхон, Денгизхон [1,11] номли ўғиллари бўлиб, фарзандлари биринчи аёлларидан тўрттадан ва яна бир нечта ўғил бошқа аёллардан кўрган. Юқорида номлари айтиб ўтилган фарзандларидан Ўғузхоннинг 24 та невараси дунёга келиб, булар 24 та уруғнинг уруғ бошлиқлари бўлади. Бундан ташқари бу уруғларда Ўғузхоннинг фарзандларининг иккинчи рафиқасидан дунёга келган ўғиллар ҳам яшаб, улар кўзга кўринган қўшин қўмондонлари бўлишганлар. Ана шундай кичик уруғларнинг бир нечтаси бирлашиб битта “аймоқ” ни ташкил этган. Иккита “аймоқ” бирлигидан битта “юзлик” қўшин таркиби тузилади [5,75].

Демак, Ўғузхоннинг вориси Гууюхон ҳукмронлиги давридан бошлаб, ўн иккита юзлик қўшин раҳбарлари, яъни қондошлари ёрдамида марказий давлат бошқарув тизимини шакллантириб, ер-сув, солиқ, қўшин, чегара дахлсизлиги ва бошқа давлат аҳамиятига молик масалалар кенгашда ҳал қилинган.

XVIII-XIX асрларда ҳам туркманлар ҳаётида уруғ-қабилалар бўлиниши сақланиб қолган эди. Туркман қабиласи ва уруғларининг кўпчилигида ўғуз ва бошқа этнонимлар сақланиб, туркманлар этногенезида иштирок этган қадимги гуруҳлар номлари ҳам бўлган. Жумладан така, ёвмут, эрсари, сариқ, солур, човдур, гўглан ва бошқа қабилла-уруғларни мисол келтириш мумкин. Шунингдек кичкина гуруҳларга эмрали, алили, гарадашли, нахурли, мехинли, энибли, мурчали, сунчали, арбачи, ата, хожа, магтин, ших, саёт, мужевур, баёт, эски, мукр, улам, оғуржили, абдал каби қабилалар жуда кўп кичик

уруғ бўлинмаларга –тира, уруғ, қавмларга бўлинган [4,18]. Масалан “така” қабилиси икки авлодга Отамиш (бег, анаули ва векил номли йирик уруғларга) ва Тўхтамишга бўлинган [6,662]. Ўруғларнинг ўзи ҳам майда қавмларга: бек ва вакилга, бекнинг ўзи гонур-аманшагўкче қавмларига бўлинган.

Шу тариқа туркманларнинг бошқа қабила-уруғлари ёвмут, эрсари, сарик, солур, човдур, гўгланларда ҳам бўлинишлар юз берган.

XIV асрлардан бошлаб келиб чиқиши ўғузлардан бўлган янги уруғлар туркманлар таркибига кира бошлади. Бу уруғлар қуйидагилар ҳисобланади:

А) Эски (Аяз деб номланган шахедан тарқалган уруғ бўлиб) у Олтин Ўрда хонларига солиқ тўлашни тўхтатган уруғ бошлиғи бўлган.

Б) Али-эли ва хидр-эли (қамбағаллик номидан келиб чиққан) лар ҳам Хизр Жўра ва унинг ака-укалари ҳомийлигида ташкил топган.

В) Тиви-ши (чўпонлар гуруҳидан келиб чиқиб) Болхон ҳудудида Олтин ўрда хонининг чорвасини боққан, кейинчалик туркманларга келиб қўшилади.

Г) Хизр, мўғулчик, кул ва қора кичкина уруғлардан (Хизр Жўра ва унинг ака-укаларидан) келиб чиққан. Бу уруғлар солур уруғи таркибига кирган [5,81].

Солур (Солўр) аслида Ўғизхоннинг бешинчи фарзанди Тоғхоннинг тўнғич фарзандининг исмидир. Солур уруғи вакиллари ана шу зотнинг насли ҳисобланган. Солўр-қиличли, қиличи бор, урушқок, жангари деган маъноларини билдиради. Солурларнинг кичик бир гуруҳи Олот туманидаги Мухтор Сайид Салим, Томчиғ қишлоқлари ёнида ўзларининг кичик қишлоғини ҳосил қилишган. Ҳозирги этнопонимга айланган Оғар ва Эмари қишлоқларининг номлари ҳам солурларнинг оғар ва эмари номли кичик уруғларидан келиб чиққан. Кўпчилик туркий элу-элатлар каби солурларнинг иддизлари ҳозирги Хитой, Мўғулистон ҳудудлари, Туркия, Сибирь кенгликлари билан боғлиқдир. XII-XIV асрларда солурларнинг катта қисми Ўрта Осиё ҳудудларига кўчиб келган. Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону лугатут-турк” асарида солур уруғининг номи салғур деб қайд қилинган ва уларнинг алоҳида тамғаси борлиги кўрсатилган [7,113,114].

Ҳозирда солурлар ва унинг таркибидаги уруғ номлари билан айтилаётган жойлар Бухоро вилоятининг туман ва қишлоқларида кўп учрайди. Ҳаттоки бу уруғ номи билан Хитойда мухтор вилоят, Туркия давлатида эса солурлар уруғи билан аталаётган жой номларини учратиш мумкин.

Манбаларни ўрганиш орқали шу хулосага келдикки, туркман қабилаларининг сони ва уларнинг этноними ҳозирга қадар баҳсли масалалардандир. Элшунос олимлар ҳанузгача туркман қабилалар сони борасида бир тўхтама келишмаган. Қабила ва уруғларни бир-бирига қўшилиб кетган ҳолатларига ҳам шохид бўлдик. Масалан юқорида айтиб ўтилган эрсари ва солурлар адабиётларда икки хил тарзда қабила ҳамда уруғ деб айтилган. Ўғуз уруғлари сони борасида ҳам бир тўхтама келиш қийин. Мисол учун тарихчи ва элшунос олим О. Туманович ўзининг “Туркменистан и туркмены (материалы к изучению историй и этнографий)” деб номланган китобида ўғузларнинг ҳаммаси бўлиб эллик битта катта-кичик уруғлари бўлган деб таъкидласа, ушбу китобда VIII асрда солурлар Сирдарё томон келиб, араблар уларни Мовароуннаҳр ҳудудига жойлаштиради, улар қирқта уруғдан иборат эди деб айтиб ўтади. Биргина солурларга тегишли уруғларни сони қирқта бўлса, барча ўғуз уруғлари сони бизнингча кўпчиликни ташкил қилса керак.

Бухоро воҳаси ва унга туташ ҳудудларда яшовчи туркманлар ҳаётига узоқ даврда турли хил этник компонентлар қўшилиб, уларнинг маданий ҳаётларида ўзгаришлар бўлишига олиб келган. XVII-XIX асрларда бир гуруҳ ўрта Амударё туркманлари Зарафшон ва Қашқадарёга силжиб ўзбеклар, тожиклар, араблар ва бошқа туркман уруғлари орасига кириб, бирга яшаганлар.

Амир Шоҳмурод Бухоро амирлиги тахтини 1785 йил 9 июнда эгаллагач мамлакатни равақ топтиради билан бирга сарҳадлар қўламини кенгайтиришга ҳам эътибор қаратган. Марв атрофида 1785-1786 йилларда бўлган жангда шаҳар ҳокими Байрамалихон Кожар ўлдирилади ва унинг қўшини тор-мор қилинган. Марв Бухоро амирлиги тасаруффига киради. Амир Шоҳмурод бу ҳудуд ва унинг атрофидан катта миқдордаги аҳолини кўчирган. Манбаларда уларнинг миқдори 20000-30000 киши деб тилга олинган. Улар Марв ҳокими Ҳожи Муҳаммад Ҳусайнхон бошчилигида Бухоро шаҳри ва унинг атрофларига кўчирилган. Ҳукмдор Бухорога кўчирилиб келтирилган марвликларга яхши муносабатда бўлиб, улар учун шарт-шароит яратиб берган [2].

Кўчирилиб келтирилганларнинг аксарияти туркманлар бўлиши табиий. Чунки Марв Салжуқий ҳукмронлиги даврида марказий шаҳар, пойтахт вазифасини ўтагани сабабли, бу ерда туркман уруғлари кўпчиликни ташкил этган. Бухоро воҳасига турли даврларда кўчиб келган туркманларни қайси қабила ёки уруғга тегишли эканлигини ўрганиш ҳозирда муҳим вазифалардан биридир.

Туркман этнонимига тўхталаётган бўлсак, туркман номи V-XI асрлардан дастлаб форсча кўплик шаклида “Туркманак” кўринишида ишлатилган. Келиб чиқишига кўра туркманлар Турк қабилаларининг жанубий-ғарбий Олтой гуруҳига киради. Улар ўтмишда Туркистон ва Эрон ерларида унга яқин бўлган чўл ҳудудларида ўтроқлашиш жараёнини асрлар давомида бошларидан кечиришган. Вақт ўтиши билан Мовароуннаҳр ҳудудида янги қабилалар пайдо бўлиб, улар туркий тилда гаплашиб,

бошқа халқлар “Турманенд”- “Туркларга ўхшашлар”, “Турк-мен”-“Ман-турк” деб атаганлар. Шу орқали доимий муомилада бўлиб келган “Турманенд” этноними “Туркман” деб айтилган. Яна шундай тахмин борки “Туркман” номини улар, яъни ўғузлар араблардан олганлар. Ўғузлар томонидан жангларда араблар қаттиқ қаршиликка учраб, уларнинг келиб чиқишини билмасдан шундай ном билан атаганлар. “Туркман” сўзи араб тилида “Турк-ман”, “Турк қалби, турклар жони”, бу гапнинг кўчма маъноси-“Турк одамлари” деган маънони билдирган [5,88].

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, элшунос олимлар ханузгача туркман қабила ва уруғларининг сони борасида аниқ бир тўхтамга келишмаган. Ўзбекистон ҳудудида, шунингдек, Бухоро воҳасида истиқомат қилиб келаётган туркман қардошларимиз ота-боболари ким бўлганини, аجدодлари шажараси тарихини билиш, уларнинг илм-фан ва бунёдкорлик соҳасидаги ютуқларини ва йўл қўйилган камчиликларини кўрсата билиш зарур. Бугунги кунда туркманлар тарихи, этнологияси билан шуғуланиб келаётган тадқиқотчиларнинг олдидан турган вазифанинг долзарблиги ҳам айнан шунда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдулғозий Баҳодирхон. Шажарайи тарокима. -Тошкент. 1995.
2. Амир Шохмурод ёхуд “Амири маъсуд” // “Бухоро мавжлари”. 2006 йил 2 феврал . 1-сон.
3. Гумилев Л.Н. Қадимги турклар. -Тошкент: “Фан”. 2007.
4. Толстова С.П., Жданко С.М., Абразова Н.А. Народы Средней Азии и Казахстана. -М.: Издательство академии наук ССР. 1963.
5. Туманович О. Туркменистан и туркмены. Ашхабад-Полторацк. 1926.
6. Ўзбекистон миллий энциклопедияси.-Тошкент.: Давлат илмий нашриёти. 2004.
7. Ғайбуллаев С. Ўтмиш ва бугунни боғловчи кўприк.-Тошкент.:”Lesson press”, 2019.

УЎК 93/94

ХІХ АСР ОХИРИ - ХХ АСР БОШЛАРИДА ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ЭТНОГРАФИЯСИ ТАРИХШУНОСЛИГИ – РУС ШАРҚШУНОСЛИГИ МИСОЛИДА

Г.Б. Тўраева, ўқитувчи, Бухоро давлат университети, Бухоро

Аннотация. Мақолада рус шарқишунослигининг шаклланиши, тараққиёти ва Шарқ мамлакатлари тарихи, этнографияси, археологиясининг шарқишунос олимлар ҳамда илмий жамиятлар томонидан ўрганилиши ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: рус шарқишунослиги, Ўрта Осий халқлари, Шарқ, Санкт-Петербург, дипломатик миссия, ўзбек халқи этнографияси, Ўрта Осий олимлари жамияти, «Туркистон альбоми»

Аннотация. В статье рассматривается становление и развитие отечественного востоковедения, изучение истории, этнографии и археологии стран Востока востоковедами и научными обществами.

Ключевые слова: российское востоковедение, народы Средней Азии, Восток, Санкт-Петербург, дипломатическая миссия, этнография узбекского народа, общество ученых Средней Азии, "Альбом Туркестана"

Abstract. The article describes the formation, development and history of the Eastern countries of Russian Oriental Studies, and the study of the history, ethnography, archeology of the Eastern countries by Oriental scientists and scientific societies.

Key words: russian Oriental Studies, peoples of Central Asia, East, St. Petersburg, diplomatic mission, Ethnography of the Uzbek People, society of Central Asian Scholars, "Album of Turkestan"

Шарқ мамлакатлари ўзининг ноёб бойликлари, қадимий бой тарихий мероси, архитектураси ва этнографияси билан ғарб олимлари, жумладан рус шарқишуносларининг диққат марказида турган. Рус шарқишунослари ва дипломатик миссия вакилларининг Ўрта Осий хонликлари аҳолисининг турмуш тарзи, этник таркиби ва шаҳар меъморий қиёфаси, мадрасалар, масжидлар ва қарвонсаройлар сингари тарихий иншоотлар ҳақида қолдирган маълумотлари диққатга сазовордир.

1855 йилда Санкт-Петербург университетида Шарқ тиллари факультетининг очилиши ва Шарқ мамлакатлари тарихини ўрганилишида профессор-ўқитувчиларга, илмий изланувчиларга ҳар томонлама шароит яратиб берилиши рус шарқишунослиги тарихида жиддий из қолдирди.

Россия ва унинг мустамлака ўлкаларида Шарқ халқлари тарихи, маданияти ва адабиётини ўрганувчи илмий жамият ва муассасаларнинг очилиши, илмий-адабий алоқаларнинг (ХІХ-ХХ аср) йўлга қўйилиши [1; 191-б.] натижасида бой тарихий мерос тадқиқ қилина бошланди.

Россияда туркий халқлар тили ва тарихига илмий жиҳатдан қизиқиш аслида ХVІІІ асрнинг иккинчи ярмидан бошланган. Шарқ тиллари биринчи марта 1805 йилда Харьков университетида ўқитила бошланган ва бу жараён Қозон ва Петербург университетларида давом эттирилган [2; 270 -б.]. 1725 йилда Санкт-Петербургда Фанлар академияси ташкил қилинган.

Россия шарқшуносларининг миллий таркиби фақат рус олимларидан иборат бўлган эмас. Улар орасида немис, турк, озарбайжон, татар, француз, швед олимлари ҳам фаолият кўрсатган. Тарихдан маълум бўлишича, XVIII– XIX асрларда чет эл шарқшунослари ё узоқ муддатга, ё муқим яшаш учун Россиянинг шарқшунослик маркази Санкт-Петербургга кўчиб келишган. Шарқшунослик илмларини давлат сиёсати даражасида ривожлантириш, моддий рағбат ва илмий иш олиб боришга етарлича шароит уларнинг Россияда қолишига ва ишлашига изн берган. Л.Кун, В.Бартольд, А.Б.Дорн, В.Ф. Миллер, И.Я. Шмитд, Ф.Б. Шармуа, В.В. Радлов ва бошқа олимлар ана шундай илмий муҳитнинг вакиллари эдилар [3; 12-б.].

XIX асрнинг охириги чорагида рус олимлари фақат тарихий масалаларда эмас, балки табиий бойликларни ҳам ўрганишга жиддий киришдилар.

Шунингдек, ўзбек халқи этнографиясига оид маълумотларни тўплаш XIX асрнинг биринчи ярмида Н.Н. Муравьев, А.Ф. Негри олиб борган кузатишлар Ўрта Осиё халқлари, шу жумладан, ўзбекларнинг этнографиясини ўрганишдаги дастлабки илмий қадамлар бўлди.

1819-1820 йилларда Хива хонлигига саёҳат қилган капитан Н.Н.Муравьев асарининг баъзи бобларида бевосита ўзбекларининг табиати, диний эътиқодлари, урф-одатлари, маданияти, кийим-кечаги, уй-рўзғори, уруғ-аймоқлари тўғрисида этнографик маълумотлар айтилган.

1820 йили Бухорага жўнатилган А.Ф. Негри бошчилигидаги дипломатик миссия катнашчиларидан Е.А. Эверсман, Х.П. Яковлев, Будрин ва полковник Г. Мейендорфларнинг китоб ва хотиралари ниҳоятда бой тарихий этнографик маълумотларга эга. Г. Мейендорфнинг турли даврларда нашр қилинган “Оренбургдан Бухорога саёҳат” номли китобида Бухоро хонлигининг географик ўрни, ижтимоий-иқтисодий аҳволи, давлат тузилиши, аҳолиси ва унинг машғулоти, қишлоқ хўжалиги, суғориш тизими, хунармандчилиги, ички ва ташқи савдо, оила ва хотин-қизларнинг турмуши ҳақида қимматбаҳо маълумотлар келтирилган [4; 56-б.].

Бу борада айниқса 1833-1841 йилларда Оренбург губернаторининг махсус топшириғига биноан келган истеъдодли ёзувчи, фольклорчи, этнограф, врач, адабиётшунос, машхур лексикограф В.И.Дальнинг олиб борган илмий ишлари диққатга сазовордир [5; 191-б.].

Чет эл муаллифларидан бири - форс тилини яхши билган инглиз саёҳатчиси Александр Бёрнс 1831-1832 йилларда Бухорода туриб, муҳим сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва этнографик материалларни тўплайди. Унинг томонидан ёзиб қолдирилган саёҳатномада ўзбеклар ҳақида ниҳоятда қизиқарли маълумотлар мавжуд.

1840-1850 йиллар ичида Қозоғистон ва Ўрта Осиё халқларининг этнографиясини илмий жиҳатдан ўрганишда ака-ука Николай ва Яков Ханиковларнинг хизмати катта. Яков Ханиковнинг 1851 йилда нашр қилинган “Орол денгизи ва Хива хонлиги харитасига изоҳнома” асарида ўлка этнографиясига алоҳида эътибор берилган [6; 406-б.].

Этнографияга оид муҳим маълумотлар 1843 йилда Хива хонлигига дипломатик миссия аъзолари билан бирга келган полковник Г.И.Данилевский, Ф.Н.Базинер асарларида ҳам келтирилган. Ўша даврларда атоқли шарқшунос олим В.В.Григорьев Оренбургда истиқомат қилган ва у Россияда биринчи бўлиб Шарқ халқлари тарихи курсини ўқита бошлади. Унинг 200 дан ортиқ илмий ишлари орасида Ўрта Осиё халқларига, жумладан, ўзбекларга тегишлилари ҳам мавжуд.

Арминий Вамбери ҳам ўзбек уруғлари ҳақида гапириб, биринчи бўлиб “ўзбек” сўзининг келиб чиқиши тўғрисида мулоҳаза юритади. А.Вамбери ўзбек қабилаларининг рўйхатини беради ва уларнинг кийим-кечақлари, таомлари, ўйинлари ва мусиқа асбоблари, урф-одатлари ва диний маросимлари тўғрисида ҳикоя қилади [7; 383-б.].

XIX асрнинг сўнги чорагида Ўрта Осиё халқлари тарихини самарали ўрганган олимлар сафига В.В.Радлов, А.П.Федченко, А.Л. Кун, М.А.Миддендорф каби тадқиқотчиларни киритиш мумкин. В.В.Радлов Ўрта Осиё халқларининг тили, географияси ҳақида маълумотлар тўплаган. А.П.Федченко ўз рафиқаси билан ўзбек халқ этнографиясига оид жуда кўп маълумотлар тўплаган ва “Қўқон хонлигида” деган асарини ёзган.

Илмий жамиятлар ва тўғарақлар ичида ўзбек этнографиясини ўрганишда Рус география жамияти ва унинг Туркистон бўлими, Туркистон археологияси ва этнография хаваскорлари жамияти Туркистон бўлимининг фаолияти алоҳида эътиборга сазовор. Ўрта Осиё халқларининг турмушига бағишланган, илмий ва ўлкашуносликка доир турли хабарлар ва мақолалар «Туркестанские ведомости» ҳамда «Туркистон вилоятининг газети» (Тошкент, 1870-1917 йиллар) ва бошқа маҳаллий матбуотда мунтазам босилиб турди. 1870 йилда Тошкентда очилган Туркистон халқ кутубхонаси (ҳозирги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси) ўлкани ўрганиш билан шуғулланувчи барча тадқиқотчилар, айниқса маҳаллий ходимлар учун катта аҳамиятга эга бўлди. 1872 йилда А. Л. Кун ва бошқа шарқшунослар машхур «Туркистон альбоми» (Туркистон ўлкасининг этнография, археология, касб-хунар ва тарихига доир суратли альбом)ни тузиб тамомладилар [8;]. Бу нодир асар - альбомда 1262 дона рангли ва рангсиз фотосуратлар ёпиштирилган 447 картондан иборат бўлиб, Россияда фақат

уч кутубхона - император кутубхонаси, Фанлар академияси кутубхонаси ва Туркистон кутубхоналарида сақланаётган ғоят ноёб асар ҳисобланади.

Туркистон генерал-губернатори К. П. Кауфман топшириғига биноан, этнограф, шарқшунос олим А. Л. Кун (1840-88) томонидан 1871-72 йилларда тайёрланган. Этнография, хунармандчилик, археология ва тарих бўлимларидан иборат. «Туркистон альбоми»да XIX-асрнинг 2-ярмидаги хунармандчилик, хўжалик турлари, урф-одат ва турли маросимларни ўтказиш, ўзбекларнинг антропологик типлари, шаҳар ва қишлоқ ҳаёти, шаҳарлар, водийларнинг манзаралари акс эттирилган. Аксарият тасвирларда маҳаллий халқни ўта қолоқ қилиб кўрсатиш мақсади яққол сезилади. «Туркистон альбоми» 7 нусхада тайёрланган. Бир нусхаси Ўзбекистон миллий кутубхонасининг ноёб китоблар бўлимида сақланади.

1917 йилга қадар ўлкадаги илмий жамиятлар томонидан ҳаммаси бўлиб Рус география жамиятининг Туркистон бўлими «Ахбороти»нинг 13 жилди (1898-1917 йиллар), Туркистон археология ва ҳаваскорлар тўғарагининг мажлиси қарорлари ва ахборотларидан 21 тўплам (1896-1917 йиллар), Шарқшунослик жамияти Тошкент бўлими «Ахбороти» нинг 6 сони (1908-1909 йиллар) босиб чиқарилган эди.



В. В. Бартольд, Н. И. Веселовский, В. В. Радлов, А. Н. Самойлович сингари машҳур шарқшуносларнинг айрим асарлари этнография нуқтаи назаридан катта аҳамиятга эгадир.

1870 йилда Ўрта Осиё олимлари жамияти пайдо бўлди. Бу жамият ўз олдига Ўрта Осиё тарихи, географияси, этнографияси, статистикаси, иқтисодиётига оид маълумотларни тўплаш, ишлаш ва тарқатишни мақсад қилиб қўйган эди. Ўрта Осиё олимлари жамиятининг биринчи очиқ мажлиси 1871 йил 28 январда бўлди. Шу билан бир вақтда А. П. Федченконинг фаол иштироки билан табиёт, археология, антропология ва этнография ҳаваскорлари жамиятининг Туркистон бўлими очилди. Бўлим аъзолари орасида Н. А. Северцов, И. В. Мушкетов, В. Ф. Ошанин каби рус олимлари бор эди. Бўлим 1879 йилда «Табиёт, археология, антропология ва этнография ҳаваскорлари жамияти Туркистон бўлимининг хотиралари» деган ўзининг биринчи ва сўнгги асарини босиб чиқарди. Ўлкада ишлаб турган ҳаваскор археологлар 1895 йилда Туркистон археология ҳаваскорлари тўғарагига бирлашди.

1907 йилда библиограф И. В. Дмитровский раҳбарлиги остида «Туркистон тўплами»ни тузиш ишлари янгидан бошланди. 1917 йилга қадар тўплам жилдларининг сони 394 га етказилган (ҳозир тўплам Алишер Навоий номли Ўзбекистон Давлат Миллий кутубхонасида сақланади). 1952 йилда Москвадаги Давлат халқ кутубхонасида «Туркистон тўплами»нинг яна 29 жилди топилди. Ўрта Осиё ва унга қўшни бўлган Шарқ мамлакатларининг тарихи, археологияси, этнографияси, адабиёти, иқтисодиёти, маданият тарихи ва бошқа масалаларига оид кенг маълумотлар бор.

Полковник А. Г. Серебренников тўплаган Ўрта Осиёни забт этиш тарихига оид 70 та катта-катта жилддан иборат маълумотлар Ўрта Осиёнинг 1839 йилдан 1876 йилгача ўтган давр тарихини ўрганишда маълум даражада қизиқарли манбадир. Булар Петербург, Москва, Оренбург архив маълумотлари асосида танлаб олинган. Булардан фақат 14 жилди нашр қилинган, холос.

Асримизнинг дастлабки йилларидаёқ Туркистон Республикаси ҳудудида этнографик тадқиқотларни ўтказишга катта эътибор берилди. 1918 йилда очилган Туркистон халқ университетида ўзбек этнографиясидан махсус курс ўқитила бошланди.

Ўрта Осиёда 1920-1924 йилларда ўтказилган аҳоли рўйхатининг ташкилотчиси ва фаол катнашчиси И.П.Магидович диққатга сазовор иш қилди. У ўзининг аҳоли ўртасида тўплаган тарихий этнографияга оид маълумотларига асосланиб, ўзбек халқи қабилаларининг рўйхатини тузди.

Аҳолини этник ўрганиш комиссияси аъзоси И.И.Зарубин ҳам ўзбек этнографияси ҳақида материаллар тўплаб, баъзи мақолалар чоп этган эди.

Шу йиллари ажойиб географ ва этнограф профессор Н.Г.Маллицкий ўзининг маърузалари ва илмий географик асарларида ўзбекларнинг уруғ-аймоғи ва уларнинг этнографиясига оид тавсифларини берди.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, XIX аср охири - XX аср бошларида шарқ халқлари тарихини ўрганилишига мислсиз даражада кенг эътибор қаратилди. Илмий жамиятларнинг шаклланиши ва фаолияти натижасида Ўрта Осиё хонликлари аҳолисининг бой этнографик мероси тадқиқ қилинди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Куликова А.М. Российское востоковедение XIX века в лицах. –СПб.:Петербургское востоковедение, 2001. –191 с.
2. Кононов А.Н. История изучения тюркских языков в России. Дооктябрьский период. –Л.: Наука, 1972. –270 с.
3. Халлиева Г. XX аср Россия шарқшунослиги ва ўзбек мумтоз адабиёти, Монография-Тошкент- 2018. Б-12
4. Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. М.:Наука, 1975. –С.56

5. Арапов М. В. Толковый словарь живого великорусского языка и его создатель // Человек. — 2009. — №1. — С.153—166; №2. — С.176—191
6. Халфин Н.А. Россия и ханства Средней Азии (первая половина XIX в.). М., Наука. 1974.
7. Арминий Вамбери. Путешествие по Средней Азии, Vamberi. Vuxoro yoxud Movarounnahr tarixi". Toshkent. 1990.
8. <http://www.orientalsudies.ru>

УЎК 93/94

АРАБ ХАЛИФАЛИГИ ТОМОНИДАН ХОРАЗМНИНГ БОСИБ ОЛИНИШИ**А.А. Унгалов, таянч докторант, Самарқанд давлат университети, Самарқанд**

Аннотация. Мақолада Хоразмнинг географик тузилиши, Араб халифалиги томонидан сосонийлар давлатининг забт этилиши, Хоразмга халифалик тасарруфидаги Хуросон ноибларининг ҳарбий юришлари, Чагон ва Хурзод ўртасидаги зиддиятлар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калим сўзлар: Кадис жанги, Нехованд жанги, Ездигерд III, Абдуллоҳ ибн Амир, Салим ибн Зиёд, Йазид ибн ал-Муҳаллаб, Хурзод, Чагон, Қутайба ибн Муслим, Убайдуллоҳ ибн Муслим

Аннотация. В статье приведены сведения о географической структуре Хорезма, завоевании Сасанидского государства Арабским халифатом, военных походах хорасанских наместников халифата на Хорезм, конфликте между Чаганом и Хурзодом.

Ключевые слова: Битва при Кадисе, Битва при Нехованде, Яздигерд III, Абдулла ибн Амир, Салим ибн Зиёд, Язид ибн аль-Мухаллаб, Хурзад, Чаган, Қутайба ибн Муслим, Убайдулла ибн Муслим

Abstract. The article provides information about the geographical structure of Khorezm, the conquest of the Sassanian state by the Arab Caliphate, the military campaigns of the Khorasan governors of the Caliphate against Khorezm, the conflict between Chagan and Khurzod.

Keywords: Battle of Kadis, Battle of Nehovand, Yazdigerd III, Abdullah ibn Amir, Salim ibn Ziyad, Yazid ibn al-Muhallab, Khurzad, Chagan, Qutayba ibn Muslim, Ubaydullah ibn Muslim

Марказий Осиёнинг қадимий цивилизация ўчоқларидан бири ҳисобланмиш Хоразм тўғрисидаги дастлабки маълумотлар зардуштийларнинг муқаддас китоби “Авесто”да, Бехустун, Персепол ёдгорликларида, қадимги юнон муаллифларидан Геродот, Арриан асарларида сақланиб қолган. Қадимги Хоразм давлати тарихини археологик жиҳатдан ўрганиш XX асрнинг 30 йилларидан бошланган. Бунда Хоразм археологик-этнографик экспедициясининг ўрни каттадир. Хоразм тарихини ўрганишда С.П.Толстов, М.Г.Воробва, Б. Андрианов, О. Вишневецкаялар катта ҳисса қўшганлар. Кейинги пайтларда Я. Ягодин, М. Мамбегуллаев, Ғ. Ходжаниёзов, С. Болелов, С. Баратовларнинг Хоразм тарихини ўрганишдаги хизматлари катта бўлмоқда. Қадимги Хоразм давлати тарихини ёритишда XX аср охири XXI аср бошлари алоҳида аҳамият касб этади. Худди шу даврда Хоразм давлати тарихига оид бир қатор янгиликлар қўлга киритилди.

Хоразм географик тузилиши жиҳатидан Хуросонга ҳам, Мовароуннаҳрга ҳам қирмайди. Уни ҳар томондан чўллар ўраб турган. Унинг чегараси шимол ва ғарб томонда ғузлар мамлакатининг чегараси билан туташ бўлган, жануб ва шарқ томонида эса Хуросон ва Мовароуннаҳр жойлашган. Унинг худудларида кенг вилоятлар ва бир қанча шаҳарлар бўлган [ал-Балозурий. Футуҳ ал-Булдон – Хуросоннинг фатҳ этилиши. Тошкент – 2017. Б. 318]. Мана шундай стратегик қулай жойда жойлашган Хоразм VII асрнинг биринчи ярмида Арабистон яриморали ва унга туташ худудларда ташкил топган ва ўз худудини бошқа худудлар ҳисобига шиддат билан кенгайтираётган Араб халифалиги нигоҳидан четда қолмади. Хоразм бунгача хионийлар, кидарийлар, эфталлар ҳамда Турк хоқонлиги даврида ҳам ўзининг сиёсий мустақиллигини сақлаб қолган эди. Араб халифалигининг Марказий Осиёга хужумлари даврида африғийлар сулоласи Хоразмда ҳукмронлик қилмоқда эдилар [И. Жабборов. Буюк Хоразмшоҳлар давлати. Тошкент. «Шарқ»-1999 й. Б. 37.].

636 йилдаги Кадис ва 642 йилдаги Нехованддаги тўқнашувлари [Большаков О.Г. История халифата. Кн 1. – С. 216] Сосонийларнинг беш асрлик салтанатига барҳам берди. 651 йилда эса Марв эгалланиши билан Хуросон тўлиқ араблар қўлига ўтди. Сўнги сосоний ҳукмдор Ездигерд III ўлдирилди [История ат-Табарий. – С. 8.]. Энди араблар учун навбатдаги эгалланадиган худудлар сифатида Мовароуннаҳр ва Хоразм турар эди. Хоразмга Араб халифалиги томонидан дастлабки юришлар Абдуллоҳ ибн Амир томонидан амалга оширилган ва лекин у Хоразмни енга олмаган [ал-Балозурий. Футуҳ ал-Булдон- Хуросоннинг фатҳ этилиши. Тошкент – 2017. Б. 17.]. Кейинги юриш эса Салим ибн Зиёд номи билан боғлиқ. Ат-Табарийга кўра, араблар ҳар йили юриш қилиб, қишда Марвга қайтиб келар эдилар. Араблар кетганда, Хуросон подшоҳлари Хоразм томондаги бир шаҳарда тўпланиб, бир-бирлари билан битимлар тузар ва ўзаро муносабатларни муҳокама қилар эдилар. Салим ибн Зиёд Хуросонга келганда, ал-Муҳаллаб ибн Абу Суфрага 4 ёки 6 минг аскар бериб, ўша шаҳарга юборди. Ал-Муҳаллаб у шаҳарга бориб, унинг аҳлини қамал қилди. Улар сулҳ тузишни сўрадилар ва

унга 20 млн. дан ортиқ дирҳам бериш мажбуриятини олдилар. Сулҳ шартларига кўра, араблар пул ўрнига мол-мулк олиши ҳам мумкин эди. Улар кўй ва молларни, отларни ва бошқа нарсаларни ярим нархга олар эдилар. Шунда улар олган нарсаларнинг умумий қиймати 50 млн. дирҳамни ташкил этди. Салим бу нарсалардан ўзига ёққанини қолдириб, қолганини Марв марзбони ва махсус элчилар билан Йазид ибн Муовийага юборди [ат-Табарий II: 394. Бу ҳақида яна қаранг: ал-Йаъқубий II: 264]

Йазид ибн ал-Муҳаллаб Хуросон ноиблигига икки марта тайинланган - 82–85 / 702–704 (мана шу ҳолатда келтирилган саналарнинг дастлабкиси ҳижрий, кейингиси милодий сана – *муаллиф*) ва 97–99 / 715–717 йиллар [А. Отаҳўжаев. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. Тошкент – 2010. Б. 189.]. Айнан Хоразм юриши хусусидаги ваз Хуросон ноиблиги масаласида унинг танаффус қилишига сабаб бўлди. Хоразмдан олдин 84/703-04 йилда Бағдисга ҳужум қилиб, унинг ҳокими Низак Тархондан катта тўловлар олган [ат-Табарий II: 1129 – 1131]. Йазид ибн ал-Муҳаллабга 85/704-05 йилда ал-Ироқ волийси ал-Ҳажжож ибн Юсуф томонидан эндиги ҳужум Хоразмга қаратилиши хусусида кўрсатма келади. Йазид ибн ал-Муҳаллаб бу кўрсатмага Хоразмда бойликлар камлиги ва қиш фаслида у ерга юриш қилиш қийинлиги мазмунида жавоб бергач, ал-Ҳажжож ибн Юсуф унинг ўрнига одам қолдириб, ортга қайтишни буюради. Шундай бўлса-да, Йазид ибн ал-Муҳаллаб Хоразмга юриш қилади. Табарий келтирган маълумотларга кўра Хоразм Йазид ибн ал-Муҳаллаб билан сулҳ тузади, асирлар беради. Араблар ортга қайтишларида кунлар совиб кетганлиги боис асирларнинг кийим-кечаклари ечиб олинади, натижада асирлар ҳалок бўлади [ат-Табарий II: 1142 – 1143]. Мана шу воқеалардан кейин у Хуросон ноиблиги ўрнини ўз укаси ал-Муфаддал ибн ал-Муҳаллабга бўшатиб беришга мажбур бўлди.

Араб халифалигининг Мовароуннаҳр ва Хоразмга 705 йилгача қилган ҳужумлари катта ўлжа илнжи ва маҳаллий ҳукмдорларни синаш мақсадида олиб борилди. Шу боис ҳам бу даврда Хоразм босиб олинмай, ўлжа олиш билан кифояланди. Катта ҳудудларда истилочилик урушларини олиб бораётган Араб халифалиги учун ҳам шундай бўлгани қулайроқ эди. Ал-Ҳажжож ибн Юсуф 86/705 йилда Қутайба ибн Муслимни Хуросон ноиби этиб тайинлади [ат-Табарий II: 1178]. Унинг дипломатик ва ҳарбий маҳорати, ўзгалар хатосидан муносиб фойдалана олиш қобилияти Мовароуннаҳр ва Хоразмни истило қилишда яққол намоён бўлди.

Қутайба ибн Муслим учун Хоразмни эгаллаш катта қийинчиликсиз кечди. Бунга хоразмшоҳ Чағон ва унинг укаси Хурзод ўртасидаги келишмовчилик сабаб бўлди. Табарийга кўра, Чағон заиф подшо эди, аммо Хурзод кунини айш-у ишрат билан ўтказадиган, кимда яхши от ёхуд қимматбаҳо совға бўлса, уни таф тортмай қўлга киритадиган, акасининг буйруқларига итоат этмайдиган, бир сўз билан айтганда, итоатсиз эди. Шу боис ҳам Чағон укаси Хурзодни маҳв этиш учун Қутайба ибн Муслимга мурожаат қилиб ёрдам сўрайди. Қутайба 93/711-12 йилда Самарқандга юриш учун тайёргарлик кўрмоқда эди. Чағон мурожаатидан кейин Қутайба энди ўз режасини ўзгартириб, Самарқандга эмас Хоразмга юриш қилишга қарор қилади. Ҳамма ёқда Қутайбанинг Самарқанд юриши ҳақида овозалар тарқалди. Бу овозаларни тарқатишда Хурзоднинг ўзи ҳам жўр бўлди. Мана шундай вазиятда хоразмликлар сергакликни йўқотади. Шу вақт Қутайба қўшини билан Ҳазораспга келиб, Балх дарёсининг ёқасида тўхтади. Хоразмшоҳ ҳам дарёнинг нариги қирғоғига келиб, ал-Фил шаҳрида тўхтади. Улар ўртасида бўлиб ўтган музокаралар натижасида сулҳ тузилди. Унга кўра, хоразмшоҳ Қутайбага 10 минг бош қул, пул ва мол-мулк бериш, Қутайба эса хоразмшоҳга унинг душмани бўлган Ҳамжирд ҳукмдорига қарши ёрдам кўрсатиш мажбуриятини олди. Қутайба шу заҳоти Ҳамжирдга укаси Абдурахмонни қўшин билан юборди. Абдурахмон Ҳамжирдга бориб, унинг ҳукмдори билан жанг қилди ва уни ўлдириб, ерларини босиб олди. Кейин у ердан Қутайбанинг олдига 4 минг асир билан қайтди. Қутайба уларнинг ҳаммасини қатл этишни буюрди. Кейин Қутайба хоразмшоҳнинг укаси Хурзод ва у билан бирга бўлган одамларнинг ҳаммасини ушлаб, Хоразмшоҳга топширди. Хоразмшоҳ уларни қатл этди, уларнинг мол-мулкларини эса мусодара қилиб, Қутайбага топширди. Қутайба ал-Фил шаҳрига кириб, Хоразмшоҳдан сулҳда келишилган ҳамма нарсаларни қабул қилиб олди. Шундан сўнг Қутайба Ҳазораспга қайтди. Айтишларича, Қутайба Хоразмдан ҳаммаси бўлиб 100 минг бош қул олиб кетди ва Самарқандга юриш қилди [ат-Табарий II: 1236 – 2141; ал-Балозурий. Футуҳ ал-Булдон- Хуросоннинг фатҳ этилиши. Тошкент – 2017. Б. 36-37.].

Чағон ўз мақсадига эриша олмади. Қутайба 93/711-12 йил Самарқанд юришидан аввал бутун Хоразмга Чағонни подшо қилиб қолдирди. Аммо Хоразм аҳолиси Чағонни заиф деб топиб, бўйсунини истамадилар ва уни кейинчалик ўлдирдилар. Шундан кейин Қутайба укаси Убайдуллоҳ ибн Муслимни Хоразмга ноиб этиб тайинлади [ал-Балозурий. Футуҳ ал-Булдон- Хуросоннинг фатҳ этилиши. Тошкент – 2017. Б. 37.]. Шу тариқа Хоразм араблар томонидан осонлик билан эгалланди. Энди Мовароуннаҳрдаги Самарқанд, Фарғона сингари ҳокимликлар нафақат араблар ва ажаллар билан, балки ўз яқинлари - бухоролик ва хоразмликлар билан ҳам жанг қилишига тўғри келди.

Шундай қилиб ака-ука Хоразмшоҳлар ўртасидаги низолар Хоразмнинг забт этиш ишини Қутайба учун енгиллаштириб берди. Нафақат енгиллаштирди, балки қўшимча захира ва жангчиларга эга бўлган халифалик қўшинлари Мовароуннаҳрнинг бошқа ҳудудларини истило этишда катта

имкониятларни қўлга киритди. Шундай бўлса-да, эрксевар Хоразм халқи осонгина бўйин эган эмаслар. Араб халифалиги қўшинларининг шафқатсиз зулми ва қувғинига учраган Хоразмшоҳнинг укаси Хурзод тарафдорларидан бир гуруҳи Булон бошчилигида 712-йилдан 730-йилгача Хазар хоқонлиги ҳудудларига қўчиб, мустаҳкам ўрнашиб, бу ерда улар армия, давлатни бошқариш ишларини ўз қўлларига олдилар. Улар ҳарбий мавқеларини мустаҳкамлаб, Кавказда араблар эгаллаган ерларга хавф сола бошлайдилар. Бу даврда Урганч волийси ва Хоразмшоҳлар давлати халифаликка тўғридан тўғри бўйсуниб, ҳар қайсиси алоҳида-алоҳида хирож тўлаб туришган. Хоразмшоҳлар давлати ҳукмдорлари ўз мавқеларини мустаҳкамлаш учун бир қанча тадбирларни амалга оширишган. 751 йилда хоразмшоҳ Шаушфирнинг элчилари Хитойга келганлиги ҳақида маълумотлар бор.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. ал-Балозурий. Футуҳ ал-Булдон – Хуросоннинг фатҳ этилиши. Тошкент – 2017. 440 бет.
2. Жабборов И. Буюк Хоразмшоҳлар давлати. – Тошкент: Шарқ. 1999. – 144 б.
3. Большаков О.Г. История халифата / Кн. 1. Ислам в Аравии (570-633). – Москва: Наука, 1989. – 226 с.
4. ал-Йақубий – Ахмад ибн Абу Йақуб ибн Жаъфар ибн Ваҳб ибн Водих алКотиб ал-Аббосий ал-маъруф би-л-Йақубий. Та'рих / Байрут: Дор Содир (<http://www.shamela.ws>)
5. История ат-Табари / Пер. с араб. В.И. Беляева с допол. О.Г. Большаков О.Г., Халидова А.Б. – Ташкент: Фан, 1987. – 444 с.
6. Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. Тошкент – 2010. – 220 б.
7. Беруний, Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар / А. Расулов тарж. Танланган асарлар. 1-жилд. – Тошкент: Фан, 1966. – 487 б.
8. <https://qomus.info/oz/encyclopedia>
9. www.ziyo.uz/kutubxona

ЎУК 94 (575.1)/61

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ:

ИСЛОҲОТЛАР ВА НАТИЖАЛАР

(Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани мисолида)

А.З. Хўжаназаров, катта ўқитувчи, Термиз Давлат Университети, Термиз
Ш.А. Алламуратов, таянч докторант, Термиз Давлат Университети, Термиз

Аннотация. Ушбу мақолада мамлакатимизда ва Сурхондарё вилоятида хусусан, Қумқўрғон туманида мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотларнинг бориши ҳамда ҳудуд (туман) тиббиёти соҳасидаги ўзгаришлар ёритилган.

Калим сўзлар: соғлиқни сақлаш тизими, тиббиёт соҳаси, ислоҳотлар, шифокорлар, туман тиббиёт бирлашмаси, қишлоқ врачлик пунктлари

Аннотация. В данной статье описывается ход реформ в сфере здравоохранения за годы независимости в нашей стране и в Сурхандарьинской области, в частности в Кумкурганском районе и изменения в области региональной (районной) медицины.

Ключевые слова: система здравоохранения, медицинская сфера, реформы, врачи, районное медицинское объединение, сельские врачебные центры

Abstract. This article describes the progress of reforms in the health sector over the years of independence in our country and in the Surkhandarya region, in particular in the Kumkurgan region, and changes in the field of regional (district) medicine.

Key words: health care system, medical sphere, reforms, doctors, district medical association, rural medical centers

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини тубдан ошириш, соғлиқни сақлаш тизимини салоҳиятли кадрлар билан таъминлаш, тиббиёт муассасаларининг моддий ресурс салоҳиятини яхшилашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш ҳозирги пандемия шароитида муҳим стратегик вазифалардан бирига айланди. Юқоридаги вазифалар мамлакатимизда доимо муҳим эканлиги хусусида Президентимиз Ш.М.Мирзиёев БМТнинг 75-сессиясидаги нутқида ҳам таъкидлаб ўтдилар: “COVID-19 қайд этилган дастлабки кунлардан бошлаб барча саъй-ҳаракат ва ресурсларимизни бу хавфли касалликни жиловлаш ва энг асосийси – одамлар ҳаётини сақлаб қолишга қаратдик. Пандемиянинг салбий оқибатларини юмшатиш учун ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш тизимлари кескин кучайтирилмоқда” [1].

Тадқиқот методлари. Мақола умумий қабул қилинган методлар – ҳолислик, тарихий таҳлил, қиёсий-мантикий таҳлил, хронологик кетма-кетлик, ҳолислик тамойиллари асосида Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманида мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш соҳасидаги ўзгаришлар баён этилган.

Тадқиқот натижалари. Дарҳақиқат, мамлакатимизда жамиятимизнинг барча соҳалари каби соғлиқни сақлаш тизимида туб ислоҳотлар амалга оширилиб, соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ этиш бўйича 170 дан зиёд ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди [2]. Бу жараёнда халқимизга кўрсатилаётган тиббий-профилактика, патронаж ёрдамини янада яхшилаш, тез ва шошилиш тиббий ёрдам ҳамда ихтисослашган тиббий ёрдам сифатини ошириш, аҳолини арзон ва сифатли дори-дармон билан таъминлаш, хусусий тиббиётни ривожлантириш борасида муҳим лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Президентимизнинг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони [3] мамлакатимиз тиббиёти тараққиётида янги даврни бошлаб берди, десак муболаға бўлмайди. Ушбу амалга оширилган ислоҳотлар туфайли Сурхондарё вилоятда ҳам бир қатор муҳим тиббиёт соҳасида ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Вилоятда соғлиқни сақлаш тизимида замонавий тиббиёт технологиялари ва техникаси билан таъминланган ихтисослашган клиникалар муҳим ўрин тутмоқда. Агар 1991 йилда оналар ўлими билан боғлиқ кўрсаткич ҳар 100 минг нафар аёлга нисбатан 65 тани ташкил этган бўлса, 2006 йилга келиб бу рақам 24 тага тушди. Гўдақлар ўлими эса илгари 1000 нафар чақалоққа 35 та тўғри келган бўлса, 2006 йил сўнгида 14 тага тушди. Ўртача умр кўриш ҳам 67 ёшдан 72,5 ёшга узайган. Буларнинг барчаси одамлар саломатлигини муҳофаза қилиш, турмуш шароитини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар натижаси бўлди [4, Б. 44-45]. Шунингдек, 1990 йиллар ўрталарига келиб юқумли касалликларнинг олдини олиш борасида олиб борилган кенг қўламли ишлар натижасида биргина Сурхондарё вилоятида юқумли касалликлардан полиомиелит, қорин тифи, қоқшол, куйдирги ва ўта юқумли касалликлар (вабо, ўлат ва бошқ.) учрамади. Сальмонеллез - 42 фоизга, ичбуруғ касаллиги - 1,8 мартага, вирусли гепатит - 1,6 мартага камайди [5, Б.8].

Бундан ташқари, вилоятдаги кўплаб шаҳарлардаги (90-йиллар ўрталарида) тиббиёт муассасаларининг 60 фоиз мослаштирилган биноларда жойлашган, шунинг учун муолажа ишларини тўлалигича ташкил этиш имконияти чекланганди [6, Б.261].

Сурхондарё вилоятида соғлиқни сақлаш ишлари 1999-2000 йилларда янада яхшиланиб, бу борадаги Президент фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳаётга изчил жорий этилди. Тиббий муассасаларнинг асбоб-ускуналар билан таъминланиши, айниқса, Германиянинг "Siemens" фирмаси билан алоқалар ўрнатилиши натижасида "Sireskop SX" модели рентгендиагностик аппаратидан 2 дона ўрнатилди. Сунъий буйрак гемодиализ, сувни филтрлайдиган ва одам организми учун мос суюқлик етказиб берадиган филтрлаш аппарати, бир неча ўнлаб автоклавлар, кардиомонитор, стоматологик комплекс фойдаланишга топширилди [7, Б. 374-375].

2000 йилларга келиб, қишлоқ амбулаториялари сони 111 тани, фельдшерлик-акушерлик пунктлари сони 548 тани, қишлоқ шифокорлик пунктлари сони эса 100 тани ташкил этди [8, Б. 582-583]. 2005 йилга келиб эса, вилоятда тиббиёт муассасаларининг сони 90 тани ташкил этиб, ушбу муассасаларнинг 87 таси бюджет ва 8 таси нодавлат маблағлар ҳисобидан фаолият кўрсатди. Вилоят касалхоналарида беморларга хизмат кўрсатиш учун 84,25 бемор ўрни сони бўлиб, ҳар 10 минг кишига 43,7 та бемор ўрни тўғри келган. Шунингдек, 2005 йил вилоятда 360 та шифокорлик амбулатория, поликлиника муассасалари ва 190 та қишлоқ шифокорлик пунктлари аҳоли соғлиғини сақлашга хизмат қилди [9, Б. 114].

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимига қарашли даволаш профилактика муассасаларида 2005 йилда 4020 нафар шифокор, 18073 нафар ўрта тиббиёт ходимлари фаолият кўрсатиб, улардан 587 нафари олий тоифали мутахассислар эди. 2005 йилда соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш мақсадда 1 млрд 92 млн сўмлик тиббий асбоб-ускуналар ва аппаратлар келтирилди [10, Б. 74].

Аҳолига кафолатланган бепул тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этиш дастурида белгилаб қўйилган асосий масалалардан бири Шошилиш тез тиббий ёрдам (ШТТЁБ) кўрсатиш ҳисобланади. Шу мақсадда Қумқўрғон туманида 2000 йил 30 ўринга мўлжалланган Шошилиш тез тиббий ёрдам (ШТТЁБ) бўлими очилди. Қишлоқ аҳолисининг даволаниши учун қулай шароит яратиш мақсадида амбулатория поликлиника қошида 115 ўринли кундузги шифохоналар ташкил этилди [11, Б. 216].

Туман шифохонаси 2010-2015 йилларда Япония, Корея, Германия, АҚШ, Франция ва Россия каби давлатлар томонидан ишлаб чиқилган замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан тўлиқ таъминланиб [12], тиббиёт ходимларининг малакаси мунтазам оширилиб, даволашнинг янги турлари жорий этилмоқда.

Туман тиббиёт бирлашмасида 1 та Марказий шифохона, 1 та Кўп тармоқли марказий поликлиника, 2 та поликлиниканинг ҳудудий бўлими ва 21 та қишлоқ шифокорлик пунктлари мавжуд [12]. Туман хокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, тиббиёт бирлашмаси, "Соғлом авлод учун" жамгармаси туман бўлими ҳамкорликда қишлоқ жойларда яшайдиган туғруқ ёшидаги аёлларнинг касалликларга чалинишини камайтириш мақсадида текширувлар ўтказиш жадвалини ишлаб чиқиб, шу асосда маҳалла фуқаролар йиғинларида кўчма тиббий кўриклар ўтказилди. Ногиронликнинг олдини

олиш, туғма ва ирсий касалликларни камайтириш борасида 28 та маҳалла фуқаролар йиғинларида 21 та давра суҳбати ташкиллаштирилиб, 1568 нафар аҳоли ўртасида профилактик тарғибот ишлари олиб борилди. Ирсий касалликларнинг олдини олиш мақсадида 21 та умумий ўрта таълим мактабларида ва 2 та ихтисослаштирилган мактаб-интернатда семинарлар ташкиллаштирилиб, шифокорлар томонидан тушунтириш ишлари олиб борилди [13].

2017-2019 йилларда соғлиқни сақлаш тизимининг хусусий секторини ривожлантиришни такомиллаштиришга оид қарор билан мамлакатимизда хусусий тиббиёт муассасалари шуғулланиши мумкин бўлган тиббий ихтисослик турлари 50 тадан 126 тага кўпайтирилди. Жумладан, Қумқўрғон туманида Ҳиндистон давлати билан хусусий қўшма тиббиёт клиникаси ташкил этилди [14, Б. 171].

Соҳадаги бу улкан ислохотлар халқимиз саломатлигини янада мустаҳкамлашга қаратилган ва бу ислохотлар келгусида ҳам албатта изчил давом этади.

Хулоса. Хулоса қилиб айтганда, соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ва ўзгаришлар мамлакатимизнинг барча ҳудудларида аҳоли саломатлиги, тиббий хизматлар сифатини оширишга қаратилган бўлиб, бу борадаги манзилли давлат дастурлари соҳани ривожлантириш учун хизмат қилмоқда. Ижтимоий ҳаётнинг ўзида соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини бермоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи // URL: <http://uz.uz/politics/o-zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoyevning-b-23-09-2020>
2. Хўжаназаров А.З., Алламуратов Ш.А. Тиббиётга назар: муаммо ва ечимлар// Ўтмишга назар. 2019. №24. Б. 69-75. URL: <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-24>
3. “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.12.2018 йил, 06/18/5590/2285-сон.
4. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2007.
5. Сурхондарё вилоят ҳокимлигининг жорий архиви. Вилоят Кенгашининг I/VI сессияси материаллари. – Термиз, 1997 йил январь.
6. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ва статистика бош бошқармаси. 1991-2005 йиллар. – Тошкент, 2006.
7. Турсунов С., Қобилов Э., Пардаев Т., Б.Муртазоев. Сурхондарё тарих кўзгусида. - Тошкент: “Шарк”, 2001.
8. Турсунов С. ва бошқ. Сурхондарё тарихи. - Тошкент: “Шарк”, 2004.
9. Сурхондарё вилоят иқтисодиёт бошқармаси жорий архиви. 4-китоб. -Термиз, 2006.
10. Хўжаназаров А.З. Сурхон воҳасида тиббий хизмат маданиятининг юксалиши (1991-2000 йиллар) // Салоҳият – мезон (НамДУ илмий мақолалар тўплами). №4. Наманган, 2014. – Б. 72-74.
11. Турсунов С., Эшбоев Қ., Тўхтаев А., Хўжаназаров А. Қумқўрғон тарихидан лавҳалар. - Тошкент: “Янги нашр”, 2019.
12. Қумқўрғон тумани тиббиёт бирлашмаси жорий архиви. 2010-2015 йиллар. Қумқўрғон, 2016.
13. “Қумқўрғон садоси” газетаси. 2015 йил 28 декабрь.
14. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга бағишланган илмий-оммабоп қўлланма / нашр учун масъул ижодий гуруҳ: И.У.Мажидов, Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов, Ш.И.Мустафоқулов - Т.: «Маънавият», 2019.

УДК: 633.511:631.52

ХОЗЯЙСТВЕННО-ЦЕННЫЕ ПРИЗНАКИ НОВЫХ СОРТОВ И ЛИНИЙ ХЛОПЧАТНИКА*З.П. Ражабов, научный сотрудник, Хорезмская академия Маъмуна, Хива**Ф.К. Жуманиязов, научный сотрудник, Хорезмская академия Маъмуна, Хива**У.К. Абдурахимов, научный сотрудник, Хорезмская академия Маъмуна, Хива*

Аннотация. Ушбу мақолада Хоразм вилоятининг тупроқ-иқлим шароитларига мос тезпишар, серҳосил, касаллик ва зараркундаларга чидамли, IV–V тип тола берадиган, ҳар хил экстремал шароитларга мослашаоладиган янги навларни яратилиши ва ишлаб чиқаришига жорий этилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калим сўзлар: *ғўзанинг Хурма нави, қимматли хўжалик белгилари, Хоразм вилояти тупроқ-иқлим шароити, тупроқ иўрланиши, касаллик ва зараркундаларга чидамлилиқ*

Аннотация. В данной статье приведены сведения о создании и внедрении новых сортов хлопчатника, дающих IV-V типовые волокна, устойчивых к заболеваниям и вредителям, приспособленных к различным экстремальным условиям в почвенно-климатических условиях Хорезмской области.

Ключевые слова: *сорт хлопчатника Хурма, ценные хозяйственные признаки, почвенно-климатические условия Хорезмской области, засоленность почв, устойчивость к болезням и вредителям*

Abstract. This article provides information on the creation and implementation of new varieties of cotton with fiber types of 4-5, resistant to diseases and pests, adapted to various extreme conditions in the soil and climatic conditions of Khorezm region.

Key words: *cotton variety Khurma, valuable economic characteristics, soil-climatic condition of Khorezm region, soil salinity, diseases and pest resistance*

Как известно, новый сорт хлопчатника должен соответствовать современным требованиям и, прежде всего, быть гарантом урожайности, скороспелости и качества волокна не ниже мировых стандартов.

Создание сортов хлопчатника с высокими показателями хозяйственных признаков и стойко передающих свои ценные свойства предопределяют успех в получении оптимальных урожаев, что связано с особенностью генотипа, физиологических процессов и его реакции на условия возделывания.

Хлопчатник, по утверждению Harland (по Тер-Ованесяну, 1973), имеет около 600 генов в рекомбинации между собой дают гигантское количество гибридов, являющихся неисчерпаемыми источниками изменчивости [1].

Актуальным является проведение селекционных работ с созданием сортов с предельно ограниченным количеством листьев на растениях, так как они существенно благоприятствуют постоянной аэрации, движению воздуха, что благоприятно сказывается на раскрытии коробочек, скороспелости, темпах созревания.

Опыт широкого распространения интенсивных сортов показал, что высокая и стабильная урожайность сельскохозяйственных растений может быть обеспечено лишь при условии сочетания в сорте высокой потенциальной продуктивности и устойчивости к неблагоприятным факторам среды. Это одно из главных факторов селекции хлопчатника, учитывая, что фенотипические выражения каждого признака есть результат сложного взаимодействия генотипа и условий среды [2].

Эволюция предопределила судьбу хлопчатника продвижением его в северные регионы хлопкосеяния преобразованием моноподиальных форм в симподиальные, от древовидных форм до однолетних, упрощенных кустов, имеющих относительно сжатую форму.

Особую значимость имеет степень адаптивности к условиям среды новых сортов, учитывая, что наша республика, в частности Хорезмская область, имеет ряд неблагоприятных факторов среды (засоление, дефицит пресной поливной воды и т.д.), которые препятствуют получению высокой и качественной продукции.

Исследователи считают, что для каждого региона надо создавать сорта, приспособленные к данной местности. Создание в конкретном регионе и внедрения его в производство имеют больше шансов на успех.

Результативность селекционных работ зависит от удачного сочетания родительских пар, использованных для гибридизации.

Наша многолетняя практика и результаты проведенных селекционных работ показали формообразовательные возможности гибридной популяции районированных сортов АН-510 и

Киргизский-3. Из данной популяции нами выделены порядка 12 сортов, 6 из которых признаны перспективными.

В данной статье намерены информировать о последних из них, которые имеют ряд особенностей и преимуществ перед стандартным сортом и их предшественниками.

Учитывая важность получения ожидаемых результатов по качеству волокна, достойно внимания высказывания Н.Г.Симонгулян (1987) о том, что нашло своё подтверждение и получении нами сортов Хурма и линии Л-86 вышеуказанной гибридной популяции.

Новый сорт хлопчатника Хурма выделен методом многократного отбора. С 2015 года сорт начал проходить Государственные испытания по пунктам ГСУ Министерством сельского хозяйства Республики Узбекистан. Начаты испытания и размножение в элитном хозяйстве предварительного размножения в Ханкинском районе Хорезмской области.

В конечном итоге совместно с учеными Института Генетики и экспериментальной биологии растений и Хорезмской академией Маъмуна был создан новый перспективный сорт хлопчатника Хурма. А также, на данный сорт был получен патент от Агентства Интеллектуальной собственности Республики Узбекистан. Номер патента: №NAP 00261. 10.01.2020 йил.

Собранный в 2016 году семенной материал позволил посеять этот сорт на площади около 10 гектаров в одном из пунктов размножения области.

Одной из особенностей сорта Хурма является урожайность, которая составила 41 ц/га в 2016 году в элитном хозяйстве предварительного размножения в Ханкинском районе. Кроме того, одной из особенностей данного сорта является качество волокна IV типа, что является важным преимуществом перед многими возделываемыми сортами.

Сорт Хурма с 2016 года проходил Государственные испытания по пунктам ГСУ РУз. При испытании в данном элитном хозяйстве урожайность составила 40 ц/га. Не менее важным свойством, которое присуще данному сорту, является относительно высокие темпы созревания и качество волокна IV типа.

В 2017 г. в двух фермерских хозяйствах Ханкинском районе Хорезмской области посеян сорт Хурма, соответственно по 10 и 17 гектаров. По ним собран семенной материал для размножения.

Одной из форм, с которой продолжают селекционно-семеноводческие работы, является Л-86. В данный момент ведутся работы по стабилизации признака листовой поверхности.

Важной особенностью Л-86 является сочетание рациональной облиственности, скороспелости и качества волокна. Сжатые формы куста, что свойственно вышеприведенным сортам и данной линии, позволяет проводить двухстрочные посевы, что находит применение в Хорезмской области.

Поиски уникальных форм, по комплексу хозяйственно-ценных признаков генотипов продолжают. Появление ряда селекционно-ценных форм, требуют изучения их повторяемости в смежных поколениях значений хозяйственно-ценных признаков [3.]

Создание новых константных форм, сочетающих комплекс хозяйственно-ценных признаков, трудоемкий процесс по ряду особенностей при наследственной обусловленности коррелятивных связей признаков, для преодоления которых, нужно проведение многократного отбора с надеждой сочетаний их в одном растении, особенно для полимерных количественных признаков, которые являются основой для многих сельскохозяйственных культур, в т.ч. хлопчатника [4].

В заключении можно сказать, что, сорт хлопчатника Хурма является одним из приспособленных сортов к экстремальным почвенно-климатическим условиям в Хорезмской области, рекомендуется его высаживать на больших территориях кластерных предприятий. Также рекомендуется использовать данный сорт в качестве исходного материала в селекционной работе для создания новых сортов хлопка, отвечающих производственным и промышленным требованиям.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Тер-Ованесян Д.В. Хлопчатник. Ленинград. «Колос», 1973 г., С. 98.
2. Аккужин Д.А., Кадилов Ш.Ю., Жуманиязов Ф.К., Машарипова Р.Б. Рациональная облиственность хлопчатника // Агро Илм. Ташкент, №2-3, 2015 г., С. 5-6.
3. Аккужин Д.А., Кадилов Ш.Ю. Жуманиязов Ф.К., Машарипова Р.Б. Созидательная роль отбора // Ж. Агро Илм (45), Ташкент. 2017. С. 7-8.
4. Аккужин Д.А., Кадилов Ш.Ю., Жуманиязов Ф.К., Машарипова Р.Б. Янги истикболли ғўза навлари тола сифатининг технологик кўрсаткичлари / «Жанубий Оролбуий биологик ресурсларини муҳофаза қилиш ва улاردан самарали фойдаланиш муаммолари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. Нукус. Биринчи бўлим, 2016 йил, 30 б.

**КУЗГИ БУҒДОЙ НАВЛАРИНИНГ ХОСИЛДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИГА МАЪДАНЛИ
ЎҒИТЛАРНИНГ ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ**

Ғ.М. Сатинов, проф., Урганч давлат университети, Урганч
С.Ю. Бабажанова, PhD, Урганч давлат университети, Урганч
О. Ғаниева, магистр, Урганч давлат университети, Урганч

Аннотация. Ушбу мақолада Хоразм вилояти ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида кузги буғдой навларининг (Чиллаки, Яксарт, Безостая-100, Алексеевка) ҳосилдорлигига маъданли ўғитларнинг таъсири натижалари ўрганилган.

Калим сўзлар: ўғит меъёри, ҳосилдорлик, ўтлоқи тупроқлар, биометрик

Аннотация. В данной статье изучено влияние дозы минеральных удобрений на урожайность сортов озимой пшеницы (Чиллаки, Яксарт, Безосто-100, Алексеевка) в условиях лугово - аллювиальных почв Хорезмской области.

Ключевые слова: доза удобрения, урожайность, луговые почвы, биометрический

Abstract. This article examines the effects of mineral fertilizers promising winter wheat varieties (Chillaki, Yaksart, Bezostaya -100, Aleksevka) in the alluvial soil conditions of the meadows of the Khorezm region.

Key words: fertilizer dose, yield, meadow soil, biometric

Муаммонинг долзарблиги: Дунё бўйича бугунги кунда буғдой 220,4 млн. гектар майдонга экилиб, ўртача дон ҳосили гектарига 31,1 центнерни ташкил қилиб йилига 730 млн. тоннадан кўпроқ дон ҳосили етиштирилмоқда. Дон экинлари, жумладан буғдой дунё деҳқончилигида экин майдони ва аҳамияти жиҳатидан биринчи ўринда туради. Дунёнинг қишлоқ хўжалиги ривожланган мамлакатларида ер майдони чекланганлиги боис, сув ва ер ресурсларидан унумли фойдаланган ҳолда хусусан Хитой, Ҳиндистон, Россия, Франция, Германия каби давлатларида буғдойдан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда экиш муддатлари ва тупроқ намлигига боғлиқ ҳолда маъданли ўғитлардан самарали фойдаланиш йўллари ишлаб чиқиш борасида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу сабабли ҳар бир тупроқ-иқлим шароитлари учун кузги буғдойнинг мақбул экиш муддатлари ва суғориш тартибларига боғлиқ ҳолда азотли ўғитнинг тавсия қилинган йиллик меъёрини ривожланиш давларида турли меъёрларга бўлиб қўллашнинг самарадорлиги бўйича тадқиқотлар долзарб ҳисобланади.

Республикамизда кейинги йилларда суғориладиган ерларда ҳар бир тупроқ иқлим шароитларидан келиб чиқиб кузги буғдойни экиш муддати, суғориш тартиби ва маъданли ўғитларни унинг ривожланиш давларида қўллаш муддат ва меъёрларини ишлаб чиқиш орқали юқори рентабелликка эга барқарор мўл ҳосил олиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Навни тўғри танлаш ва жойлаштириш, уни парваришлаш жараёнида барча агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш етиштирилган дон ҳосили ва сифати талаб даражасида бўлишини кўрсатмоқда. Навларнинг биологик хусусиятлари ва тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда уларни етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш ва уни мунтазам такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу жиҳатдан, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, кузги юмшоқ буғдой ҳосилдорлиги ва дон сифатини ошириш, серҳосил, дон сифати юқори бўлган буғдой навларини жойлаштириш ва уларни турли тупроқ-иқлим шароитлари учун етиштиришнинг мақбул агротехнологияларини ишлаб чиқиш каби устувор йўналишларда тадқиқотлар ўтказиш муҳим аҳамият касб этади. Кузги буғдойдан мўл ҳосил етиштиришда муҳим агротехник тадбирлардан бири суғориш ва озиқлантириш режимини муайян жойнинг табиий шароитларини ҳисобга олган ҳолда илмий асосда тўғри белгилаш ва амалга ошириш ҳисобланади.

Гектаридан 70-80 центнер ва ундан кўпроқ дон ҳосили олишга эришиш учун интенсив технологиядан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Буғдой навларининг ҳосилдорлиги тупроқ-иқлим шароити, ернинг балл бонитети, берилган ўғит миқдорига, нав, уруғнинг сифати ва агротехник тадбирларга қараб йиллар давомида ўзгариб боради. Айниқса найчалош фазасида ўсимликларнинг намлик ва озуқа моддалар билан таъминланиши муҳим ўрин тутаяди. Чунки бу даврда найча ичида бошоқ шаклланади. Найчалош фазасининг давомийлиги 25-30 кунни ташкил этиб, бу даврда ғалла бутун ўсув даврида 50-60% қуруқ моддани тўплайди. Найчалош фазасида озуқа моддалар ва намлик етишмаслиги ҳосилдорликка салбий таъсир кўрсатиши тажрибалардан маълум.

Тадқиқот объектлари ва услублари: Урганч тумани Гулистон сувдан фойдаланувчилар уюшмаси “Баракат” фермер хўжалиги ўтлоқи аллювиал тупроқ-иқлим шароитида олиб борилган тажрибалар кузги буғдойнинг “Чиллаки”, “Алексеевка”, “Безостая-100” ва “Яксарт” навлари устида ўтказилган. Буғдой уруғи 1-октябрда экилган. Барча технологик жараёнлар бир хилда амалга

оширилган. Тажриба натижасига кўра Урганч тумани тупроқ- иқлим шароитида кузги буғдойдан юқори ҳосил олиш учун “Безостая-100”, “Алексевка” ва “Яксарт” навларини, ҳосилни эрта йиғиштириб олиш учун эса “Чиллаки” навини экиш мақсадга мувофиқ бўлган. Тажрибамизда Хоразм вилояти тупроқ иқлим шароитида экилаётган кузги буғдой навларининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига минерал ўғитлар микдорининг таъсири ўрганилди.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси: Илмий иш Урганч давлат университети тажриба хўжалигида ҳамда Урганч тумани Гулистон сувдан фойдаланувчилар уюшмаси “Баракат” фермер хўжалиги ўтлоқи аллювиал тупроқ-иқлим шароитида ўтказилди. Тажрибада кузги буғдойнинг “Чиллаки”, “Алексеевка”, “Яксарт” ва “Безостая-100” навларининг уруғлари экилди ва минерал ўғитлар меъёри N-150; P-90; K-90 ва N-200; P-120; K-120 кг/ га қилиб белгиланди.

Тажриба давомида маъданли ўғитлар меъёрларининг кузги буғдой навларининг ўсиш ривожланиши ва ҳосилдорлик кўрсаткичларига таъсири ўрганилди. 1-жадвалда қуйидагилар акс эттирилган. Тажрибамиз давомида кузги буғдойнинг “Чиллаки” навида маъданли ўғитлар меъёри N-150; P-90; K-90 кг/га ҳисобида қўлланилган вариантда битта бошоқдаги дон сони 37,8 дона эканлиги аниқланди. “Чиллаки” навида маъданли ўғитлар меъёри N-200; P-120; K-120 кг/га ҳисобида қўлланилганда эса битта бошоқдаги дон сони 40,9 дона бўлганлиги кузатилди. “Яксарт” навида маъданли ўғитлар меъёри N-150; P-90; K-90 кг/га ҳисобида озиклантирилганда битта бошоқдаги дон сони 38,5 дона эканлиги аниқланди. Ушбу навда маъданли ўғитлар меъёри N-200; P-120; K-120 кг/га ҳисобида парваришланган вариантда битта бошоқдаги дон сони 41,7 донани ташкил қилди. “Безостая-100” навида маъданли ўғитлар меъёри N-150; P-90; K-90 кг/га қўлланилган вариантда битта бошоқдаги дон сони 39,1 дона эканлиги аниқланди. “Безостая-100” навида маъданли ўғитлар меъёри N-200; P-120; K-120 кг/га ҳисобида озиклантирилган вариантда битта бошоқдаги дон сони 42,3 донани ташкил қилди. “Алексеевка” навида битта бошоқдаги дон сони маъданли ўғитлар меъёри N-150; P-90; K-90 кг/га қўлланилганда 38,1 дона эканлиги аниқланди. “Алексеевка” навида маъданли ўғитлар меъёри N-200; P-120; K-120 кг/га ҳисобида озиклантирилганда битта бошоқдаги дон сони 40,4 донани ташкил қилди. Ушбу натижалар асосида “Безостая-100” навида энг юқори кўрсаткичлар қайд этилганини кўришимиз мумкин. Четдан келтирилган кузги буғдой навларига ўзимизда яратилган “Яксарт” ва “Чиллаки” навлари ҳам тенглаша олишини тажриба натижаларидаги юқори кўрсаткичлардан билишимиз мумкин.

1-жадвал

Кузги буғдой навларинингнинг битта бошоқдаги дон сони (дона)

№	Навлар	Ўғит меъри	Дон сони	Ўғит меъри	Дон сони
1	Чиллаки	N-150; P-90; K-90	37,8	N-200; P-120; K-120	40,9
2	Яксарт		38,5		41,7
3	Безостая-100		39,1		42,3
4	Алексеевка		38,1		40,4

Қуйидаги 2-жадвалда кузги буғдой навларининг дон ҳосилдорлик кўрсаткичлари тўғрисидаги илмий изланишлар натижалари келтирилган.

Кузги буғдойнинг 1000 дона дон вази “Чиллаки” навида маъданли ўғитлар меъёри N-150; P-90; K-90 кг/га қўлланилган тажриба вариантыда 39,5 гр эканлиги аниқланди.

“Чиллаки” навида маъданли ўғит меъёри N-200; P-120; K-120 кг/га қўлланилган тажриба вариантыда эса 1000 дона дон вази 40,4 гр ни ташкил этган.

“Яксарт” навида маъданли ўғитлар меъёри N-150; P-90; K-90 кг/га қўлланилганда 41,5 граммни ташкил этди. Яксарт навида маъданли ўғитлар меъёри N-200; P-120; K-120 кг/га қилиб белгиланган вариантда 1000 дона дон вази 42,7 гр эканлиги аниқланди. “Безостая-100” навида 1000 дона дон вази маъданли ўғитлар меъёри N-150; P-90; K-90 кг/га ҳисобида озиклантирилганда 39,8 гр эканлиги аниқланди. “Безостая-100” навини маъданли ўғитлар меъёри N-200; P-120; K-120 кг/га ҳисобида парваришланганда 1000 дона дон вази 42,3 гр ни ташкил этди. “Алексеевка” навида 1 000 та дон вази маъданли ўғитлар меъёри N-150; P-90; K-90 кг/га қўлланилганда 39,6 гр эканлиги аниқланди. “Алексеевка” навида маъданли ўғитлар меъёри N-200; P-120; K-120 кг/га парваришлаган вариантда 1000 та дон вази 40,7 гр ташкил этди.

2-жадвал

Кузги буғдой навларининг 1000 дона дон оғирлиги (г)

№	Навлар	Ўғит меъёри	Дон вази	Ўғит меъёри	Дон вази
1	Чиллаки	N-150; P-90; K-90	39,5	N-200; P-120; K-120	40,4
2	Яксарт		41,5		42,7
3	Безостая-100		39,8		42,3
4	Алексеевка		39,6		40,7

Илмий изланишларимиз натижаси шуни кўрсатадики кузги буғдой навларининг ўсиш ривожланиш даврида мақбул меъёрларда ўғитлар билан таъминланиши хар бир навнинг 1000 дона дон

вазнига ва ҳосилдорлигига ижобий таъсир кўрсатди. Четдан келтирилган навларга ўзимизда яратилган навлар ҳам рақобатлаша олиши тажрибаларимиз натижасида яна бир бора ўз аксини топди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Нейматов Х. ва бошқалар. Ғалла ҳосилдорлиги ва сифатини ошириш//Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.-Тошкент, 2012.-№5.-Б27.
2. Сиддиқов Р ва бошқалар. Кузги бошоқли дон экинлари парвариши//Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.-Тошкент,2012.-№3.-Б4.
3. Тажиев З. Кузги бугдойни суғориш тартиби ва ҳосилдорлик//Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.-Тошкент, 2009.-№8.-Б16.
4. Тулепов С., Сиддиқов Р. Бошоқли дон экинларидан юқори ҳосил олиш ерларни танлаш ва навларни тўғри жойлаштиришга боғлиқ//Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги-Тошкент, 2010.-№7.-Б9.

УЎК 634.11.630

БУХОРО ВОҲАСИ ШАРОИТИДА ОЛМА ДАРАХТЛАРНИ ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИНИНГ КЕСИШ УСУЛЛАРИ ВА ДАРАЖАЛАРИГА БОҒЛИҚЛИГИ

*Р. Юнусов, к/х.ф.н., доц., Бухоро давлат университети, Бухоро
Ф. А. Ганиева, ўқитувчи, Бухоро давлат университети, Бухоро*

Аннотация. Мазкур мақолада бугунги кунда интензив боғлардан юқори сифатли ҳосил етиштириши билан биргаликда яратилган боғларни тезроқ, яъни экилгандан кейин 2-3 йилда ҳосилга киришини таъминлаш кўрсатилган.

Калит сўзлар: интензив боғ, ярим пакана дарахт, навлар ва султ ўсувчи пайвандтаглар, 2-3 йилда ҳосилга кириш, ҳосилдорлик, самарадорлик

Аннотация. В данной статье приводятся данные о создании интенсивных садов яблони способствующий получению урожая с 2-3 года вегетации.

Ключевые слова: интенсивные сады, полу карликовые деревья, слабо и средне растущие подвои, урожайность, эффективность

Abstract. This article provides data on the creation of intensive apple orchards that facilitate harvesting from 2-3 years of vegetation.

Key words: intensive orchards, semi-dwarf trees, weak and medium growing rootstocks, yield, efficiency

Мевачилик ва узумчилик Республикамиз қишлоқ хўжалигини энг муҳим ва ўзига хос соҳасидан бири ҳисобланиб, уруғли мевали боғлар турли хил тупроқ шароитида ярим ва пакана вегетатив пайвандтаглардан парвариш қилиб улардан юқори ва сифатли ҳосил олинмоқда. Юқорида кўрсатилган ушбу соҳада мева ишлаб чиқаришни кескин ошириш, сифатини яхшилаш ҳамда етиштирилган олма меваси таннархини камайтириш, янги интензив ярим пакана ва пакана боғлар барпо қилиш ва улардан юқори ва сифатли олма мевалари ҳосилини етиштириш кўзда тутилган.

Охириги йилларда мамлакатимизда жадаллаштирилган (интенсив) мевали боғлар барпо этилмоқда, бу боғларда мевали дарахтларга шакл бериш ва навларнинг биологик хусусиятларини инобатга олиб, уларга муайян шакл бериш ўрганилган бўлсада, нав ва унинг биологик хусусиятларини эътиборга олган ҳолда, дарахтларнинг ёшига қараб, ҳосил берувчи 3-4 шохларини йиллик ёшартириш цикли бўйича кесиш усуллари ва даражалари ҳамда муайян шакл бериш тадбирлари Ўзбекистонда, шу жумладан Бухоро вилояти шароитида ҳам илмий асослаб атрофлича ўрганилмаган.

Бугунги кунда интензив боғлардан юқори сифатли ҳосил етиштириш билан биргаликда, яратилган боғларни тезроқ, яъни экилгандан кейин 2-3 йилда ҳосилга киришини таъминлашни талаб қилади. Шунингдек, интензив боғларда пайванддаги секин ўсувчи, тупи кичик, юқори сифатли ҳосил берувчи навлар танланиб, уларга юқори даражада агротехник тадбирлар қўлланилганда, 35-50 т/га юқори сифатли ҳосил етиштириш имконияти яратилади.

Ўзбекистон ва чет мамлакатларда олма дарахтларнинг ортиқча шох-шаббаларини кесиш усуллари ва даражаларининг ўсиш, ривожланиши ва ҳосилдорликка таъсири бўйича бир гуруҳ тадқиқотчилар илмий изланишлар олиб бориб, (М.Адақалиций [1], К.Бейметов [2], Р.Юнусов [3,9,10], В.И.Бабук [3], Р.Кудрявец [7], Н.Доника ва К. Даду [5]) турли хил тупроқ-иқлим шароитида навнинг биологик хусусиятларига таъсирини ўрганиш асосида турли хил илмий маълумотлар олишган ва ўз навбатида ҳар бир шароитга мос илмий тавсиялар беришган. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу борадаги бажарилган тадқиқотлар мевали дарахт навларининг биологик хусусиятлари, шох-шаббаларининг мева бериши, уларнинг ёшартириш цикллари тўлиқ очиб бериш имкониятини бермайди.

Мевали дарахт новдаларининг 3-4 йил давомида циклик равишда янгилаб туриш учун қўлланиладиган ёшартирувчи, меъёрлаштирувчи кесиш усуллари ва шохларнинг ҳолатига қараб қисқартириш даражаларини аниқлаш ҳамда танасига муайян шакл бериш тадбири – ҳосилдорликни

ошириш ва сифатини яхшилашдаги энг муҳим агротехник омил ҳисобланиб, ушбу тадбир бўйича Ўзбекистоннинг муайян тупроқ-иқлим шароитида яхлит ва мажмуий ҳолда тадқиқотлар олиб борилмаган. Шу жумладан, Бухоро вилоятида ҳам мавжуд мевали боғларда олма етиштириш жараёнида дарахтларнинг ва навларнинг биологик хусусиятларига, новдаларнинг мева бериш йили ва кесишни ёшартирувчи ва меъёрлаштирувчи усуллари ва қирқиш даражаларига, танасига шакл беришга алоҳида эътибор беришни талаб этади.

Тажрибанинг мақсади – Бухоро вилояти тупроқ-иқлим шароитида республикамізда районлаштирилган олма навлари ҳосил берувчи новдаларининг циклик равишда ёшартирувчи ва меъёрлаштирувчи кесиш усуллари ва дарахтнинг ҳолатига қараб, ўсувчи шохларни қисқартиришнинг энг самарали даражаларини илмий асосда аниқлаш орқали интенсив олмазорларда ҳар йили турғун (стабил), юқори сифатли ҳосил етиштириш технологияси бўйича ишлаб чиқаришга тавсиялар беришдан иборат.

Жадалашган (интенсив) боғларни ривожлантиришда авваламбор, олма навига ва унинг пайвандтаглик комбинациясига, дарахтларнинг шаклига, танасининг кам ҳажмли (габаритли) эканлигига, юқори агротехник тадбирларни ўтказилишига, дарахтларнинг зич ўтқазилганлигига эътиборни қаратмоқ ва ҳар йили дарахтнинг ҳолатидан келиб чиқиб, кесиш тадбирларни ўтказиш лозим бўлади.

Илмий тадқиқот ишлари 2006-2019 йиллар давомида Бухоро вилояти Бухоро туманида жойлашган “Амин Ҳаёт боғи” фермер хўжалигида ўтказилди. Бухоро вилояти чўл зонасида жойлашган бўлиб, тупроқнинг ҳосил бўлиши жазирама ва курук иқлим шароитида ўтади.

Бухоро вилоятининг иқлими кескин континентал ҳисобланади: бир йилда ўртача 125-175 мм ёғингарчилик бўлиб, асосан баҳор фасли бошида, кузнинг охирида ва қишда кузатилади. Иссиқ куёшли кунлар 240 кунгача давом этади, шу даврда ҳавонинг ўртача ҳарорати 26-30⁰С ни ташкил қилади. Қиши курук ва совук: январда ҳарорат +4,0⁰С дан -13⁰С гача етади. Ҳавонинг ўртача нисбий намлиги 40-60%ни ташкил этади.

Бухоро вилоятида суғориладиган ерларнинг умумий майдони 274.9 минг гектардан иборат.

“Амин Ҳаёт боғи” фермер хўжалигининг тупроғи аллювиал- қадимдан суғориладиган, кучсиз шўрланган тупроқдан иборат бўлиб, сув сатҳини юза жойлашиши билан (2.3-2.5 м) фарқланади, механик таркиби бўйича – ўртача соз-тупроқли ҳисобланади.

Тадқиқотлар 2006-2019 йилларда Бухоро вилояти “Амин Ҳаёт боғи” фермер хўжалигида 2 та тажрибада районлаштирилган, биологик хусусиятлари бўйича 3 хил ММ 106 кучсиз ўсадиган пайвандтагга уланган олма дарахтларидан Голден Делишес, Ренет Симеренко ва Первенец Самарқанда навларида ўтказилди. Боғнинг барпо этилиши – 1997 йил, дарахт танасининг шакл шамойили – табиий шароитда яхшилланган.

Дарахтларнинг жойлашиш схемаси 6x4 м. Бир йил давомида, яъни ўсув даврида жўяклаб 4-5 маротаба, 3200-3500 м³/га суғориш меъёрида суғорилади.

Тажриба олиб борилган олма боғлари тупроғи қадимдан суғориладиган аллювиал тупроқ ҳисобланади. Агрохимёвий таҳлил қилинганда, ўтлоқи қадимдан ва янгидан суғорилиб келинаётган ерларда чиринди (гумус) миқдори 0.8-1.4%, азот 0.06-0.12%, умумий фосфор 0.1-0.18% ва калий 1.22-1.45 % ни ташкил қилди. Сизот сувлари сатҳи 2.5-2.7 метр чуқурликда жойлашган.

Олма дарахти навларида жойлашган шох-шаббаларини кесиш усуллари ва даражаларини ўрганиш мақсадида далада тажриба олиб борилди.

Тажриба тизими

№	Ҳосил бериб бўлган ўсувчи шохларда ёшартирувчи кесиш усулини қўллаш вариантлари	Қолдирилган ҳосил берувчи куртаклар миқдори, дона
1	Ишлаб чиқариш шароитида қўлланилаётган кесиш усули (тавсия бўйича)	Қисқартиришсиз
2	Уч йиллик циклик алмашиш бўйича ёшартирувчи кесиш усули	4-8 8-12 12-16 Қисқартиришсиз
3	Тўрт йиллик циклик алмашиш бўйича ёшартирувчи кесиш усули	4-8 8-12 12-16 Қисқартиришсиз

Мазкур тажрибада ҳосил бериб бўлган ўсувчи шохларда ёшартирувчи кесиш усулининг уч ва тўрт йиллик циклик алмашиши бўйича кесиш ва ҳосил берувчи шохларни қисқартириш даражаларини аниқлаш ўрганилди.

Ўтказилган тажриба маълумотлари шуни кўрсатадики, олма дарахтини 3-4 йиллик новдаларини циклик алмашинувчи қисқартириш йўли билан дарахтдан 1-2 ва кўп йил ҳосил берган ва ўсувчи кўп йиллик ҳосил шохлари дарахдан бутаб ташланади. Тажриба натижаларидан шу нарса маълум бўлдики,

кесиш вариантларида назорат вариантларига нисбатан 18-85 дона бир йиллик, 8-47 дона икки йиллик ва 1-18 дона кўп йиллик шохлар Голден делишес навидан олиб ташланган. Қолган навларда ҳам худди шундай натижалар олинган, ўрганилган навларда кесилмаган шохларнинг массаси 18-25% назорат вариантыга нисбатан кўпроқ эканлиги тадқиқотлардан аниқланди. Шунингдек, 4 йиллик олиб борилган тажриба натижаларига биноан кесиш даражасини ошириш билан дарахтдан бутаб ташланган шох-шабба миқдори, ҳосил куртаклари ва шохларнинг массасини кўпайганлиги кузатилди.

Тажрибада олинган маълумотлар шундан далолат берадики, 3-4 йиллик циклик алмашинувчи кесиш вариантлари бўйича олиб ташланган ҳосилдор шохларнинг сони, массаси ва тузилиши бўйича фарқлар навларнинг биологик хусусиятларига ва кесиш даражасига боғлиқ эканлигини кўрсатмоқда. Шундай қилиб, тажрибада кўпроқ кесилган ҳосилдор шохларни сони Ренет Симеренко ва Голден Делишес навида эканлиги кузатилди.

Шунингдек, тадқиқотлардан ўрганилаётган олма навларидан 3-4 йиллик циклик алмашинувчи кесиш усули ва қисқартириш даражаларини қўллаш орқали ҳосил берувчи шохлардан 4-8 куртаклари қолдириб, энг кўп миқдорда ва массада ёғочли новдалар олиб ташланиши аниқланди. Ўхшаш маълумотларни М.М.Адаскалиций [1], Р.П.Кудряцев [7] ва Р.Юнусов [3,9,10] тадқиқотлари тасдиқлайдилар.

Шундай қилиб, тадқиқот натижаларидан шу нарса аниқландики, олма навларининг биологик хусусиятларини инобатга олинган ҳолда тана йўғонлигини камайтириш ва кўпайтириш қонунийлик тенденцияси унда олиб борилган кесиш усули ва даражаларига боғлиқ эканлигини тадқиқот натижалари кўрсатади.

Кесиш агроусули қўлланилиши натижасида дарахтнинг ички қисмларида юз берган жараёнларнинг бориш жадаллиги (фотосинтез, транспирация ва б.) ўсимликларнинг вегетатив фаолиятининг ўзгаришларида яққол билинади, биринчи навбатда бу ўзгариш уларнинг ўсиши ва ҳосилдорлигини кучайтиришга таъсир қилади. Олма дарахтининг кесиш усули ва қисқартириш даражаларига қараб, ҳар хил даражада таъсирланиши кузатилди, яъни шохларнинг ривожланиши, шунингдек, шох-шаббанинг танасида бошқа элементларнинг ўзгариши аниқланди, дарахт танаси йўғонлашди, барг сатҳини ўсиши кузатилди.

Бизнинг тажрибаларимизда дарахтларни 3-4 йиллик циклик ёшартирувчи кесиш бўйича Голден Делишес ва Первенец Самарканда навларида 12-16 куртак бўғинлари, Ренет Симеренко навида эса ҳосил берувчи новдалардан 8-12 дона ҳосил куртаклари қолдирилганда, дарахтларнинг оптимал ўсишга қулай шароит яратилган. Кесишнинг тўртинчи йилида дарахт поясининг йўғонлиги навлар бўйича: назорат вариантыда – 64-66 см ни, уч йиллик циклик даврини босувчи вариантынинг Голден Делишес навида 59.0-62.5 см, Ренет Симеренко навида 60.5-65.5 см, Первенец Самарканда навида 61.5-65.0 см ни ташкил қилди.

Ўрганилган вариантларда дарахтларнинг баландлиги 350-365 см атрофида бўлиб, уч-тўрт циклик ўрнини босувчи, ёшартирувчи ва меъёрланган кесиш даражалари вариантларида эса 318-350 см ни ташкил қилиб, Ренет Симеренко навида ушбу кўрсаткич энг юқори бўлди. Первенец Самарканда навида энг кам кўрсаткични намоён этди. Дарахт танасини узунасига қатор бўйлаб ўлчамлари 170-200 см ни, кўндалангига эса 218-222 см ни ташкил этди. Кесиш тадбирлари ўтказилган вариантларда эса дарахт танасини проекциялари остидан майдонларнинг ўзлаштириш 47-54%ни ташкил қилди, ушбу кўрсаткич жадаллашган типдаги ҳозирзамон саноат боғлари учун меъёр даражасида ҳисобланади.

Бизнинг тадқиқотларимизда шу нарса аниқландики, ММ-106 ўртача ўсувчи пайвандтакка пайванд қилинган олманинг туманлаштирилган навларида биринчи тартибдаги шохлар узунлигининг ҳар йили ўсиши ниҳол ўтказгандан кейинги биринчи йилларида навлар бўйича 39-47 см ни ташкил этди, бу эса олма дарахти учун меъёрий ҳолатдир.

Олиб борилган тадқиқот шуни кўрсатадики, ҳосил бериб бўлган шохларни кесишда ўриндош новдаларнинг 3-4 йиллик цикл билан ёшайтирилган вариантларда навлар бўйича ўсаётган шохларнинг умумий сони назоратга нисбатан 12-18% камайди.

Тўрт йиллик ўтказилган тажриба натижаларига кўра битта новда узунлиги назорат вариантыда ўртача 48.6% см дан то 32.6 см гача бўлиб, бир йиллик новдаларнинг ўсишини камайиши аниқланди. Ҳосил бериш учун 4-16 куртакли бўғинлар қолдириб, ҳосил бериб бўлган шохларни уч-тўрт йиллик цикл билан ўриндош, ёшартирувчи, меъёрлаштирилган кесиш усуллари ва даражалари қўлланилган вариантларда новдаларнинг узунлиги 41 см дан 46 см гача ўсди.

Олган маълумотларни кўрсатишича ҳосил бериб бўлган шохларни ўриндош сифатида цикл бўйича ёшартириш ва ҳосил берувчи шохларда ҳосил куртаклари қолдириш билан қисқартириш, ўтказилган вариантларида ёруғлик яхшиланиб, фотосинтез маҳсулдорлиги ошади, барг сони ва юзаси ортиб, натижада ҳосилдорликнинг кўпайишига олиб келади.

Юқорида келтирилган маълумотлар шуни кўрсатадики, ўрганилган тадқиқот йиллари давомида ўртача ҳосилдорлик ҳосил бериб бўлган шохларни ўриндош сифатида 3-4 йиллик цикл билан ёшартирилганда ва ҳосил берувчи шохларда 4 та дан 16 та гача ҳосил куртак қолдириб кесилганда

олмани Голден Делишес навида 0.1-4.0 ц/га ча, Ренет Симеренко навида 0.9-3.5 ц/га ча, Первенец Самарканда навида эса 0.6-3.1 ц/га ча қўшимча ҳосил олинди. Энг яхши натижалар ҳосил бериб бўлган шохларни 3-4 йиллик ёшартириш фонида ҳосил берувчи новдаларда 8-16 дона ҳосил куртакларини қолдирилган вариантларда олинди.

Ўрганилган кесиш вариантларида (2016-2019 йиллар давомида) бир дона олманинг ўртача вазни назорат вариантыга нисбатан Голден Делишес навида 41-56 г, Ренет Симеренко навида 16-35 г ва Первенец Самарканда навида эса 35-49 граммгача ошди.

Шунингдек, олма навларида энг мақбул ҳосилдорлик ва ҳосил сифатига эга бўлганлари – ҳосил бериб бўлган шохларни ўриндош сифатида 3-4 йиллик цикл бўйича ёшартириб, ҳосил берувчи новдаларда 8-16 ҳосил куртаклари қолдирилган вариантда эришилди.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Адаскалиций М.М. Влияние обрезки кроны на урожайность яблони. // Садоводство, виноградарство и виноделие Молдавии, 1976, №5, с.7-10.
2. Бейметов К., Хожиев Ф., Назиров П. Кучсиз ўсувчи пайвандтаглар//Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 2004, №8, 17-18 б.
3. Бабук В.И., Юнусов Р. Урожайность и качество плодов яблони в зависимости от обрезки деревьев в интенсивных садах// Садоводство, виноградарство и виноделие Молдавии, 1985, №2, с.18-20б.
4. Григорьева Л.В. Факторы повышения продуктивности яблоневых насаждений//Садоводство, виноградарство, 2002, №4, с.3-5.
5. Дадү К.Я., Доника И.Н. Новая система обрезки плодоносящих деревьев в интенсивных садах// Садоводство, виноградарство, 1998, №56, с.14.
6. Исламов С.Я. Ўзбекистоннинг марказий минтақасида олмани клон пайвандтагларидан кўчат етиштириш технологиясини такомиллаштириш. Т., 2009, 16б.
7. Кудряцев Р.П. Обрезки яблонь. М.: Агропромиздат, 1989, с158.
8. Муханин В.Г., Муханин И.В., Григорьев Л.В. Система обрезки яблони на основе биологических особенностей её роста и развития// Садоводство, виноградарство. 2001, №3, с.12-14.
9. Юнусов Р. Олма дарахларининг маҳсулдорлигини оширувчи омиллар/Қишлоқ хўжалигининг экологик муаммолари. Халқаро илмий-амалий анжумани материаллари тўплами, Бухоро, 2003, 254-256 б.

СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

УДК 316.012

ПОЗИЦИИ ГЕНДЕРНОГО РАВЕНСТВА В СОВРЕМЕННОМ ОБЩЕСТВЕ УЗБЕКИСТАНА*Н.Б. Раджапова, преподаватель, Термезский государственный университет, Термез*

Annotatsiya. *Ushbu maqolada jamiyat erkin ayol maqomini olishga to'sqinlik qiladigan gender stereotiplari muhokama qilinadi. Demokratik o'zgarishlar davrida O'zbekistonda gender tengligining rivojlanishi ko'rib chiqiladi. Bunga ayollar huquqlari va erkinliklarini himoya qiluvchi O'zbekiston Respublikasining amaldagi qonunchiligiga misollar keltiriladi. Ayollarni ijtimoiy faoliyatga jalb qilishning maqsadi va mamlakatning siyosiy hayoti o'rganilmoqda. Hozirgi vaqtda gender tengligiga erishish uchun davlat siyosati tomonidan shakllantirilgan gender tartibining asoslari. Qanday gender stereotiplari uzoq yillar davomida O'zbekistonning gender siyosatini o'zgartirdi va ularni aholi qanday o'zlashtirdi.*

Kalit so'zlar: *gender, gender tengligi, gender stereotiplari, kodeks, qonun, psixologiya, tarix, oila, fuqaro, davlat, shaxs, erkinlik, demokratik o'zgarishlar*

Аннотация. *В данной статье рассматриваются гендерные стереотипы, которые мешают обществу принять статус свободной женщины. Рассматривается развитие гендерного равенства на территории Узбекистана в период демократических перемен. Приводятся примеры с действующим законодательством Республики Узбекистан, защищающие права и свободу женщин. Исследуются цели вовлечения женщин в общественные деятельности и политическую жизнь страны. Основы гендерного порядка сформированного государственной политикой для достижения гендерного равенства в настоящее время. Какие гендерные стереотипы меняли гендерную политику Узбекистана в течение многих лет и как они осваивались населением.*

Ключевые слова: *гендер, гендерное равенство, гендерные стереотипы, кодекс, закон, психология, история, семья, гражданин, право, государство, личность, свобода, демократические перемены*

Abstract. *This article discusses gender stereotypes that prevent society from accepting the status of a free woman. The development of gender equality in Uzbekistan during the period of democratic change is considered. Examples are provided with the current legislation of the Republic of Uzbekistan protecting the rights and freedom of women. The objectives of involving women in social activities and the political life of the country are investigated. Fundamentals of gender order formed by state policy to achieve gender equality at the present time. What gender stereotypes have changed the gender policy of Uzbekistan for many years and how they were mastered by the population.*

Keywords: *gender, gender equality, gender stereotypes, code, law, psychology, history, family, citizen, law, state, personality, freedom, democratic change*

Во всём мире гендерная политика тесно взаимосвязана с понятиями демократических ценностей, открытого гражданского общества и правового государства. Реальная демократия не может существовать без равноправного участия всех граждан государства, которые обладают многозначными функциями, что особенно проявляется в обществе. Поэтому достижение демократического развития тесно связано с реальной возможностью мужчин и женщин участвовать в построение демократического государства. Поскольку женщина на современном этапе развития общества является её полноправным членом, в контексте построения гражданского общества её роль и значение в государственном и общественном управлении всё более возрастают.

Функции стран всего мира с неограниченной, абсолютно ограниченной и относительно ограниченной компетенцией, а также пропорциональными функциями поддержания интересов женщин и отдельных общественных гендерных ролей превращаются в объект социально-философского исследования. Институциональный и функциональный анализ правовой деятельности государства с помощью философских категорий сущности и явления, содержания и формы, всеобщего, особенного, частного и на их основе разработка концептуальных парадигм в этой сфере имеет научно-теоретическое и практическое значение.

В нашей стране за годы независимости были подготовлены и разработаны различные правовые документы, концепции, законы и государственные программы, действующие в интересах женщины и материнства. Деятельность женщины и её роль в обществе была институционально и функционально реформированы. Находясь в самых уязвимых социальных группах, женщина сможет самореализоваться лишь тогда когда получает равные гражданские и политические права с мужчинами. Международный опыт показывает, что участие женщин в политических и экономических сферах страны помогает в борьбе с бедностью и социальным неблагополучием населения. Реализация законодательных проектов, направленных на системное совершенствование гендерной политики, является необходимым условием в нашей стране для модернизации и развития институтов гражданского общества.

В творчестве учёных Востока, с начала средневековья гендерное равенство рассматривалось в контексте повышения статуса женщины в общем значении. В устном и фольклорном творчестве разных периодов можно увидеть примеры восхваления и совершенствования женщины. Творческие работы Ибн-Рушида, Низами, Аль-Хамадани, халифа Аль-Муизза, поэта Абу-л-Ата, Хагани, А.Джоми, Алишера Навоий, Мухаммада Физули, Вагифа, Видада, Агахи, Махтумкули могут послужить примером, где женщина воспевается ни как раба и наложница, а как полноценная член общества, что считалось прогрессивными взглядами своего времени.

Исследование научно-философских и политико-правовых аспектов проблем формирования и развития гендерной политики активизировалось особенно в годы независимости. В этом плане особое значение имеют работы академика Р.А.Убайдуллаевой, М.Бекмуратова, М.Сухомлиновой, М.Эргашевой, С.Т.Инамовой и других учёных.

В мировой науке идеи гендерного равноправия в системе государственного законодательства, а также реализация гендерного равенства за соблюдением прав человека, его свобод и законных интересов имеет приоритетное значение в политико-правовом и социально-философском аспектах.

Цель исследования состоит в социально-философском анализе гендерного равенства в период демократических перемен нового Узбекистана, изучения развития и постановки законодательства и норм относительно гендерной политики в годы независимости.

Задачи исследования:

научно проанализировать внутренние закономерности и специфические особенности формирования и развития гендерного равенства на территории Узбекистана;

социально-философское обоснование особенностей гендерной политики разных исторических периодов;

раскрыть системную содержательность организационно-правовых и теоретических основ гендерной политики в процессе развития гражданского общества в Узбекистане;

дать сравнительный анализ международного опыта и национальных принципов в философско-правовых концепциях развития и усовершенствования гендерной политики Узбекистана в период демократических перемен;

исследовать проблемы сформировавшихся гендерных стереотипов в гражданском обществе, внедрение результативных решений данных проблем с участием других институтов гражданского общества в установлении гендерного равенства;

выработать предложения, выводы и практические рекомендации по повышению уровня эффективного привлечения женщин в процессы общественной деятельности, в повышении самореализации женщин и приобретении ими статуса.

Методы исследования. Методами исследования являются объективность, системность, преемственность, анализ и синтез, общее, частное и отдельное, историческое, логическое и другие.

Конец XX века стал знаменательным в судьбе Узбекистана. После принятия независимости государство стало внедрять новые преобразования в политической, экономической и социальной жизни. Обретя свободу во всех отношениях, Республика Узбекистан сумела самостоятельно настроить политический строй и обеспечить экономическое и социальное развитие.

Обеспечение достойной и здоровой жизни населения, качественное развитие человеческого потенциала стало главным приоритетом государственной политики страны. Различные Государственные программы о социальной защите, развитие рыночной экономики, усовершенствование и укрепление судебно-правовых отношений в основном были направлены на развитие демократического общества.

Возможность построения правильного демократического общества во многом зависит от поддержки всемирных и международных организаций, внешней политики развитых стран. В годы независимости благодаря целенаправленным стремлениям занять мировые позиции, Узбекистан приобрёл хорошую репутацию демократичного государства.

Гендерное равенство в обществе определяется показателем степени участия женщин в процессе принятия каких-либо решений. В экономической и политической жизни Узбекистана, женщина до сегодняшних дней, имела второстепенную роль. Но социально-культурное и экономическо-политическое развитие нашего времени не позволяет хранить и беречь старые тенденции. Для развития важного ресурса как человеческий капитал наше государство обеспечивает равные возможности всем гражданам общества. Устанавливаемая временем и закономерностями общества ценность равенства среди мужчин и женщин, делает сильнее любую нацию во всех отношениях.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Universal Declaration of Human Rights (1948), article 2.
2. Civil Code of the Republic of Uzbekistan. - Т.: Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan. 2018.
3. Law "On Protection of Women from Oppression and Violence", 2019, Tashkent, <https://www.lex.uz/docs/4494712>.
4. Kayumov. R. Constitutional law of the Republic of Uzbekistan. - Т.: Adolat, 1998. -- 181st.
5. The Constitution of the Republic of Uzbekistan. - Т.: Uzbekistan. 2018.
6. Rajapova N.B. Man and woman: Differences and similarities. International Journal of History, 2020; 2 (2):

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

УЎК 504.062.2

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ЁҚИЛҒИ САНОАТИ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
МАСАЛАЛАРИ****(Кўмир саноати мисолида)****Қ.А. Алланов, доцент, Термиз давлат университети, Термиз**
А.Қ. Чориев, ўқитувчи, Термиз давлат университети, Термиз

Аннотация. Ушбу мақолада Сурхондарё вилояти ёқилғи саноатининг асосини ташкил қилувчи кўмир саноати ва уни ривожлантириши учун бажарилиши лозим бўлган ишлар ёритилган.

Калим сўзлар: кўмир саноати, бойитиши, кўмир кластери, экспорт, технология, қайта ишлаш, маркетинг хизмати, инфратузилма

Аннотация. В данной статье освещена угольная промышленность, которая составляет основу топливной промышленности Сурхандарьинской области, и работы, которые должны выполняться для развития этой отрасли.

Ключевые слова: угольная промышленность, обогащение, угольный кластер, экспорт, технология, переработка, маркетинговые услуги, инфраструктура

Abstract. This article highlights the coal industry, which forms the basis of the fuel industry of the Surkhandarya region, and the work carried out to develop this industry.

Key words: coal industry, enrichment, coal cluster, export, technology, processing, marketing services, infrastructure

Кириш. Сурхондарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ёқилғи саноати асосини ташкил қилувчи кўмир саноатини ривожлантириш ва бу борада захираси аниқланилган кўмир конларидан (Вандоб, Шержон, Шеробод, Гуруд, Фаргарт, Кўхитанг, Бойсун, Шарғун) фойдаланиш, айниқса Бойсун, Шарғун, Шеробод кўмир конларида “Кўмир кластери” ни ташкил қилиш орқали кўмирни қайта ишлаб қўшимча маҳсулотлар ишлаб чиқариш (шлакоблок, брикет, газ, суюқ ёқилғи, активлаштирилган кўмир, кокс, пластмасса, қишлоқ хўжалиги учун ўғит ва ҳоказо)ни амалга ошириш масалалари ва шу билан бирга инфратузилма объектларини ташкил қилиш (қуриш) ишлари асослаб берилган.

Долзарблиги. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида мамлакатимизнинг, шу жумладан Сурхондарё вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида минерал хом ашё ресурсларини қазиб олиш ва уни саноат усулида қайта ишлаб тайёр маҳсулотлар олиш ва уни ташқи ва ички бозорга чиқариш давр талаби бўлиб ҳисобланади. Шу туфайли ҳам Сурхондарё вилояти ҳудудида захираси аниқланган конлардан кўмир қазиб олиш ва уни саноат усулида қайта ишлашни илмий нуқтаи-назардан ўрганиш долзарб ишлардан бўлиб ҳисобланади.

Асосий қисм. Республика саноат ишлаб чиқаришидаги улуши бўйича вилоят охириги ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда (1,8%) ва бу борада кейинги йилларда ижобий ўзгаришлар жуда суст, шу туфайли ҳам аҳоли жон бошига саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш республика даражасидан деярли 4 мартага кам [4].

Вилоят иқтисоди аграр сектор ва хомашё тармоқларига таянган, бир томонлама ривожланаётган ҳудуд ҳисобланади, иқтисодиётнинг диверсификациялашув даражаси паст. Минтақадан ташқарига чиқарилаётган маҳсулотларнинг 90 фоизга яқини хомашё ресурслари хиссасига тўғри келади (пахта толаси-53%, озиқ-овқат маҳсулотлари-33%).

Минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида минерал хомашё ресурслари катта аҳамиятга эга. Аҳоли жон бошига минерал хомашё ресурслари билан таъминланганлик даражаси бўйича Сурхондарё вилояти республика ҳудудлари ичида 6-ўринни эгаллайди [2].

Вилоятда кўмир саноатининг шаклланиши XX асрнинг 30-40 йилларига тўғри келади. Вилоятда кўмир конларини разведка қидирув ишлари 1934 йилдан бошлаб олиб борилган. Вилоятдаги дастлабки кўмир конлари 1941 йилда геолог А.Репман томонидан аниқланган. Энг йирик “Шарғун” кўмир конининг қурилиши 1943 йилда бошланган. 1958 йилда “Шарғункўмир” шахта бошқармаси ташкил этилиб, йилига 400 минг тоннага мўлжалланган кўмир кони ишга туширилди [3].

Ўтган асрнинг 90-йилларида вилоят кўмир саноатида кўмир қазиб олиш ҳажмининг анча пасайиши кузатилган, бунинг асосий сабаби қазиб олиш асбоб-ускуналарнинг маънавий ва жисмоний эскириши билан изоҳланади.

Мустақиллик йилларида Шарғун кўмир кони негизида Шарғун акциядорлик жамияти ташкил этилди ва кўмир қазиб олиш ҳажмининг ўсиб борганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, корхонада 2012 йилда 19,8 минг тонна, 2013 йилда 20,1 минг тонна, 2014 йилда 107,2 минг тонна, 2018 йилда эса 127,0 минг тонна кўмир қазиб олинган [2].


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 17 ноябрдаги 2015 йилга мўлжалланган инвестициявий дастури тўғрисидаги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 6 июндаги қарори 2013-2018 йиллар давомида “Ўзбеккўмир” акциядорлик жамияти тасарруфидаги кўмир саноати корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда уни мувозанатли ривожлантириш мақсадида “Шарғункўмир” акциядорлик жамиятини модернизация қилиш бўйича инвестицион лойиҳа амалга оширилмоқда. Кон тўла хориждан келтирилган замонавий кўмир қазиб олиш ускуналари билан жиҳозланиб, унинг йиллик кўмир қазиб олиш қуввати 900 минг тоннага етказилади.

Сурхондарё вилояти кўмир саноатининг иккинчи муҳим бўлган Бойсун кўмир конини қайта ўзлаштириш бўйича бир қанча инвестициявий ишлар бажарилмоқда. Бу конда жойлашган “Марказий” ва “Шарқий” худудларида тошкўмир қазиб олиш мақсадида қиймати 50 млн. АҚШ доллари бўлган лойиҳа ишлари бажарилмоқда, натижада ушбу конлар 2020 йилда фойдаланишга топширилиб ундан 450 минг тонна кўмир қазиб олиш режалаштирилган.

Қаттиқ фойдали қазилма конларининг ҳозирги кунда вилоят ҳудудида 55 таси разведка қилинган ва бундан саноатда фойдаланиш мумкин. Шу разведка қилинган фойдали қазилма конларидан 8 тасини тошкўмир ва кўнғир кўмир конлари ташкил қилади. Бу кўмир конларидан ҳозирги пайтда Бойсун ва Шарғун конларидан кам миқдорда саноатда фойдаланилмоқда, қолган 6 та кондан эса (Вандоб, Шержон, Шеробод, Гуруд, Фангарт Кўхитанг) маҳаллий аҳоли томонидан ёқилғи сифатида норасмий равишда қисман фойдаланилмоқда.

Вилоятнинг устувор жиҳатларидан бири - Бойсун, Сарисиё, Шеробод туманларидаги мавжуд кўмир конларидан саноат усулида кенг фойдаланишдир. Улар асосида кўплаб турдаги ёқилғи-энергетика ва бошқа турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш мумкинлиги мутахассислар томонидан аниқланган. Бугунги кунда қидириб топилган 8 та кўмир конидан фақатгина 2 тасидан фойдаланилмоқда (Шарғун ва Бойсун конлари). Таъкидлаш жоизки, вилоятда қазиб олинаётган кўмир сифати ва энергетик қувватига кўра Тошкент вилоятидаги Ангрен кўмиридан юқоридир.

Минтақа кўмир саноатининг истиқболдаги ривожланиши учун кўмир ва техноген чиқиндиларни комплекс қайта ишлаш “Кластери”ни (кўмирни қазиб олишдан бошлаб кимёвий маҳсулотларнинг турли хил кўринишлари ва ёқилғи ишлаб чиқаришигача) яратиш мақсадга мувофиқдир. Шу аснода, вилоят иқтисодиётида янги фаолият тури яратилади. Натижада кўмир қазиб олиш қўшимча қиймат яратиш занжирининг бошланғич нуктасини, ундан кейинги технологик боғланишлар орқали эса кўмирни саноат асосида қайта ишловчи бир қанча ишлаб чиқариш бўғинларини ташкил қилиш мумкин бўлади (1-расм).



1-расм. Кўмир саноатининг қўшимча қиймат занжирини (схема муаллифлар томонидан тўзилди)

Мутахассислар томонидан вилоятдаги кўмир хомашёларидан кимёвий ярим тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш мумкинлиги асосланган. Ушбу жараёнда пластмасса, кишлоқ хўжалиги учун ўғит, тиббиётда активлаштирилган кўмир, маиший истеъмол учун эса оддий технологияни қўллаш асосида брикет ишлаб чиқариш мумкин. Шунингдек, энергетик ресурсларга ички ва ташқи талабнинг ортиб бораётганлигини ҳисобга олган ҳолда замонавий ва тежамкор технологияларга асосланган электр энергияси ишлаб чиқарувчи иссиқлик электр станциясини қуриш мақсадга мувофиқ бўлади. Электр энергиясини ишлаб чиқаришда атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатмаслик мақсадида кўмирдан газ, водород, синтетик суюқ ёқилғи ёки кимёвий синтез орқали ер устида газ олиш технологияларини қўллаш мумкин.

Кўмир конларининг истеъмолчилардан узоқда жойлашганлиги ва ташишда транспорт харажатларининг юқорилигини ҳисобга олиб, кўмирни бойитувчи ва қайта ишловчи корхоналарни хомашё манбаларига яқин жойлаштириш кўмир “Кластери”ни шакллантиришда самарали усул

хисобланади. Кўмирдан энергетик маҳсулотлар (газ, суюқ ёқилғи) олиш бу маҳсулотларни қўшни мамлакатларга (Афғонистон, Тожикистон) экспорт қилиш имконини ҳам яратади.

Кўмир “Кластери” таркибида техноген чиқиндиларни қайта ишлаш технологиясини жорий қилиб, қурилиш материаллари сифатида шлакоблок ва бошқа турдаги қотишмалар, саноатда ишлатиладиган сорбентларни (сувни тозалаш жараёнида фойдаланилади) ишлаб чиқариш имконияти яратилади. Шунингдек, кўмирни қазиб олишда йиғилиб қоладиган катта миқдордаги кўмир кулига маълум миқдорда тупроқ қоришмасини қўшиб, рўзғорда ишлатиладиган брикетлар тайёрлаш мумкин. Бу каби ишларни Шарғун кўмир кони асосида амалга ошириш имкониятлари мавжуд.

Кўмир қазиб чиқарувчи корхоналар билан бир қаторда, технологик боғлиқликда кўмирни қайта ишлаш корхоналарини яратиш, уларни фан ва таълим муассасалари билан боғлаш, шунингдек, инфратузилма объектларини ривожлантириш, маҳсулотлар сақлаш ва сотиш нуқталари ҳамда хизмат кўрсатиш мажмуаларини ташкил этиш “Кластер” ни босқичма-босқич ривожлантириш тадбирлари хисобланади (2-расм).



2-расм. Кўмирни қайта ишлаш кластерида корхоналар ва бирлашмаларнинг ўзаро боғланиш схемаси (схема муаллифлар томонидан тузилди)

Вилоятда кўмир “Кластери”ни шакллантиришда “Шарғункўмир” ОАЖда кўмирни қайта ишлаш бўйича модернизациялаш чора-тадбирлари муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, Бойсун туманида кон қазиб олиш ишларини ташкил этиш, кўмирни бойитувчи ва қайта ишловчи объектларни барпо этиш, мини-иссиқлик электр марказини яратиш ишлари кенг қўламли лойиҳалаштириш ишларини амалга оширишни тақозо қилади. “Кластер”ни шакллантириш нафақат йирик лойиҳаларни амалга ошириш, балки кичик бизнес салоҳиятидан кенг фойдаланиш имконини ҳам беради. Инновациявий лойиҳалар ва илмий-техникавий ғояларни амалга ошириш мақсадида кластер доирасида юқори технологияларни ўзлаштиришга мўлжалланган технопарк яратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса. Кўмир саноатини ривожлантириш учун Сурхондарё вилоятининг Сарисиё, Бойсун ва Шеробод туманлари ҳудудида кўмир “Кластери”ни ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб биламиз. Ушбу соҳани барқарор ривожлантириш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз.

1. Бозор конъюнктурасини доимий равишда ўрганиб бориш, маркетинг фаолиятини йўлга қўйиш, кўмир ва кўмир маҳсулотларига бўлган талабни тўғри баҳолаш ва прогноз қилиш, қайта ишланган кўмир маҳсулотларининг ички ва ташқи бозорларда истеъмолчиларини аниқлаш;

2. “Шарғункўмир” ОАЖда кўмирни қайта ишлаш ва уни бойитиш бўйича янги технологияларни жорий қилиш, қазиб олиш қувватларини модернизация қилиш, маҳсулотларининг таннарх ва сифат бўйича рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида замонавий бойитувчи ва қайта ишловчи машина ва механизмларни жорий этиш;

3. Бойсун ва Шеробод туманларида жойлашган кўмир конларида уларни истиқболда ишлаб чиқариш жараёнига жалб этиш ва кўмирни қазиб олиш корхонасини яратиш мақсадида геологик кидирув ишларини олиб бориш;

4. Қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун Сарисиё ва Бойсун туманларида жойлашган конлар яқинида бойитиш фабрикаларини қуриш;

5. Бойсун туманида вилоятнинг энергия таъминоти муаммосини қисман ҳал қилишга хизмат қилувчи иссиқлик электр станциясини қуришни лойиҳалаштириш, ушбу жараёнга газ ажратиш олувчи замонавий технологияларни жорий қилиш;

6. Бойсун тумани худудидан ўтувчи “Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон” асосий темир йўли билан қайта ишлаш корхоналарини боғлаб турадиган (элтавчи) йўлларни қуриш, қулай инфратузилма объектларини барпо этиш;

7. Тармоқни ривожлантириш учун зарур малакали мутахассисларга бўлган талабни аниқлаш, Сарисиё, Бойсун ва Шеробод туманларида жойлашган коллежларда янги ушбу соҳага оид мутахассисликларни тайёрлашни йўлга қўйиш ҳамда Тошкент техника университети, унинг Термиз филиалида ва Навоий кончилик институтида маҳаллий ёшлардан юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва бошқа шу каби ишларни амалга ошириш орқали ушбу тармоқни ривожлантириш имкониятлари яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2016
2. Солиев А., Назаров М., Қурбонов Ш. Ўзбекистон худудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиши. Тошкент, “Мумтоз сўз”, 2010
3. Рўзиёв А.Н. Сурхондарё вилояти. Тошкент, “Жайхун”, 1996
4. Содиқов А.М. Сурхондарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси. Тошкент, 2017

УЎК 33

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС СФЕРАСИНИНГ КЕЧА, БУГУН ВА КЕЛАЖАК РИВОЖЛАНИШИ

З.А. Балташева, доц., и.ф.н., Қорақалпоқ давлат университети, Нукус
А.А. Ембергенова, ўқитувчи, Қорақалпоқ давлат университети, Нукус

Аннотация. Мамлакатимизда иқтисодиёт соҳасида замонавий талабларига жавоб берадиган, самарали ислохотларни амалга ошириш бўйича қадамлар қўйилди. Иқтисодиётда ислохотлар чуқур аналитик таҳлиллар ва инновацион ёндашувлар асосида, янги иқтисодий тизимларни яратиш орқали олиб борилаётгани билан жаҳон иқтисодчилари ва экспертларининг эътиборини тортмоқда. Барча мамлакатлар иқтисодий тизимларида товарлар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва сервис сфераси чекланган, ўзаро тўлдирувчи тармоқлар ҳисобланади. Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида хизматлар ва сервис сфераси илғор ўрин (позиция)ларни эгаллаб келмоқда. Унинг ривожланиши аҳоли турмуш даражасига ва яшаиш шароитларининг сифатига маълум даражада таъсир кўрсатади. Бу нафақат чет давлатлар иқтисодиётида, балки Ўзбекистон иқтисодиётида ҳам ўз аксини топган.

Калит сўзлар: хизмат кўрсатиш, хизматлар, хизмат турлари, сервис, сфера, иқтисодий тармоқ ва соҳалар, иқтисодий тармоқ ва соҳалар тузилмаси, омиллар, таъсир этувчи омиллар, аҳоли турмуш даражаси, аҳолининг яшаиш шароитлари, ялпи ички маҳсулот, ялпи ички маҳсулотлари (ЯИМ) таркиби, ўсиши суръатлари, динамик ривожланиш, иқтисодиётни модернизациялаш, диверсификациялаш стратегияси

Аннотация. В стране в сфере экономики предприняты шаги по реализации эффективных экономических реформ, отвечающих современным требованиям. Реформы в экономике осуществляемые на основе глубоких аналитических и инновационных подходов, создания новых экономических систем привлекают внимание мировых экономистов и экспертов. В экономических системах всех государств производство товаров и сфера услуг и сервиса считаются ограниченными и взаимодополняющими отраслями. В экономиках развитых стран сфера услуг и сервиса занимает передовые позиции. Ее развитие оказывает существенное влияние на уровень и качество жизни населения. Это отражается не только в экономике зарубежных стран, но и в экономике Узбекистана.

Ключевые слова: сфера сервиса, услуги, виды услуг, сервис, экономические отрасли и сферы, структура, факторы, влияющие на уровень и качество жизни населения, внутренний валовой продукт, состав внутренней валовой продукции (ВВП), темпы роста, динамика развития, модернизация экономики, диверсификация стратегии

Abstract. The country has taken steps in the economic sphere to implement effective economic reforms that meet modern requirements. Reforms in the economy carried out on the basis of deep analytical and innovative approaches, the creation of new economic systems attract the attention of world economists and experts. In the economic systems of all states, the production of goods and the sphere of services and services are considered limited and complementary industries. In the economies of developed countries, the service sector is at the forefront. Its development has a significant impact on the level and quality of life of the population. This is reflected not only in the economy of foreign countries, but also in the economy of Uzbekistan.

Keywords: Service sector, services, types of services, service, economic sectors and spheres, structure, factors influencing the level and quality of life of the population, gross domestic product, composition of gross domestic product (GDP), growth rates, development dynamics, economic modernization, diversification strategy

Инсон турмуши ва ҳаракатлари бир нечта турдаги товар ва хизматларга бўлган эҳтиёж, талаб ва таклифлар билан зич боғлиқ. Барча мамлакатлар иқтисодиётида товарлар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва сервис сфераси чекланган, ўзаро тўлдирувчи тармоқлар ҳисобланади. Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида хизматлар ва сервис сфераси илғор ўрин (позиция)ларни эгаллаб келмоқда. Унинг ривожланиши аҳоли турмуш даражасига ва яшаш шароитларининг сифатига маълум даражада таъсир кўрсатади. Бу нафақат чет давлатлар иқтисодиётида, балки Ўзбекистон иқтисодиётида ҳам ўз аксини беради.

Мустақиллик йилларининг аксарият йиллари давомида ялпи ички маҳсулотлар ишлаб чиқариш, унда хизмат кўрсатиш ва сервис сферасининг улушининг ўсиши юқори суръатларни ташкил этиб келган. Хизматлар ва сервис сферасининг динамик ривожланишини таъминлаш мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялаш ва диверсификациялаш стратегияси асосида бўлиб, иқтисодий тармоқ ва соҳалар чуқур тузилмавий қайта ўзлаштириш йўналишларидан бўлиб ҳисобланади.

Йиллар ривожланиш давомийлигида хизматлар ва сервис сфералари мамлакатнинг ялпи ички маҳсулотлари (ЯИМ) таркибидаги улушида, аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш, турмуш ва аҳоли даромадларини ошириш даражасида, меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли бандлигини таъминлаш юқори кўрсаткичларга эга бўлиб келмоқда.

1 - жадвал


Ўзбекистонда хизмат ва сервис сферасининг динамик ривожланиши
(2000-2015- йиллар ҳисобида)

Йиллар	ЯИМ			Бандлик		
	Жами, млрд.сўм.	Жумладан, шулар ҳисобида хизмат сфераси		Жами, иқтисодиётда млн. одам	Жумладан, шулар ҳисобида хизмат сфераси	
		сумма, млрд. сўм.	кўпчилик улуши, %		аҳоли сони, млрд. сўм.	кўпчилик улуши, %
2000	3255,6	1201,9	37,0	8983,0	3657,0	41,1
2005	15923,4	5871,7	37,7	10196,3	4544,0	44,6
2006	20759,3	8197,7	39,5	10467,0	4745,0	45,4
2007	28186,2	11979,1	42,5	10735,4	5381,6	50,1
2008	38969,8	17646,6	45,2	11035,4	5563,8	45,4
2009	48097,0	22680,2	47,1	11328,1	5930,9	50,1
2010	61831,2	30397,2	49,0	11628,4	6104,9	52,5
2011	78764,2	40951,5	51,9	11919,1	6022,6	50,5
2012	97929,3	51121,1	52,0	12223,8	6242,8	51,1
2013	120861,5	64056,5	53,0	12523,3	6339,9	50,6
2014	145846,4	78757,0	54,0	12818,4	6436,2	50,2
2015	171369,0	93396,1	54,5	13058,3	6568,3	50,3

Ўтган 2000-2015-йиллар давомийлигида ЯИМ даги улуши 37,0% дан 54,5% ни ташкил этган бўлса (1-жадвал), ЯИМ ни ишлаб чиқариш 2016-йил якуни бўйича жорий нархда 199993,4 млрд.сўмни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2015-йилларга нисбатан 6,2% га ўсиши таъминланган (1-расм).

Умумий бандликни таъминлашдаги хизматлар ва сервис сферасининг улуши 2000-йилда 41,1% дан 2015-йилгача 50,1% улушини ташкил этган (1 - жадвал) [2]. Шуни ҳам таъкидлаб ўтишимиз мумкинки, бу сферанинг ривожланиш кўрсаткичларининг қиймати ва масштаби «яширин секторлар» ҳисобидан бир қанча салбий ҳолатга келиб қолган, яъни улардан махсус хусусиятларга эга бўлган турларининг асосий қисми.

Хизматлар ва сервис сферасини ривожлантиришнинг аҳамияти бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналишларини яратишдан иборат. Бугунги кунда ҳам хизматлар соҳаси Ўзбекистон иқтисодиётининг жадал ривожланаётган тармоқларидан бири ҳисобланади.




1 – расм. 1991-2017-йилларда ЯИМ нинг ўсиш суръатлар, ўтган йилга нисбатан % ҳисобида

Мамлакатимизда 2017-йилдан бошлаб иқтисодий соҳасида замонавий талабларига жавоб берадиган, самарали ислохотларни амалга ошириш бўйича қадамлар қўйилди. Иқтисодий ислохотлар чуқур аналитик таҳлиллар ва инновацион ёндашувлар асосида, янги иқтисодий тизимларни яратиш орқали олиб борилаётгани билан жаҳон иқтисодчилари ва экспертларнинг эътиборини тортмоқда.


Ўзбекистон Республикасида 2017-йил якуни бўйича ЯИМ жорий нархларда 254043,1 млрд. сўм бўлиб, 2016-йилга нисбатан 5,2% га ўсишни ташкил этган. Мустақиллик 1991-2017-йилларда эса ўртача йиллик ўсиш суръати 4,5% ни ташкил этган (юқорида келтирилган 1-расм).

ЯИМ нинг ўсиш суръати 2018-йил якунида 5,2% ни, 2019-йилга эса 5,4% га ўсиш суръатини таъминлаш прогноз этилмоқда [1]. Республикаимизда аҳолини турмуш даражаси ва сифатини ошириш борасида аҳамиятли ислохотлар амалга оширилиши давом этмоқда. Улар натижасида аҳоли даромадларининг ортиши натижасида ички истеъмол талаби кенгайиб бораётгани, пуллик хизматлар ҳажми ўсгани, фуқароларнинг узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар билан таъминланиш даражасида ҳам сифат ўзгаришлари рўй берди.

Ўтган 2018 йили хизматлар соҳасида бозор хизматлар ҳажмининг ўсиши таъминланди. Унда транспорт, савдо, молиявий, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлар ҳажмининг ошиши ижобий таъсир кўрсатган (2-расм). Энг юқори ўсиш суръатларни таъминлашда эса, молиявий, меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил, алоқа ва ахборотлаштириш, соғлиқни сақлаш, таълим каби соҳалардаги хизматлар турлари таъсир кўрсатган (3-расм).



2 – расм. Бозор хизматлари ҳажмига ижобий таъсир кўрсатган хизмат турлари ҳажми, триллион сўм [1]



3 – расм. Бозор хизматлари ҳажмининг юқори суръатда ўсишини таъминлаган хизмат турлари, % ҳисобида [1]

Келажақда хизмат кўрсатиш ва сервис сферасини ривожлантиришда давлатимиз дастурларида амалга оширилиш зарур бўлган вазифалар белгиланган. Хизмат кўрсатиш ва сервис сферасининг ривожланиши аҳоли турмуш шароитларини яхшилаш ва фаровонлигини оширишда катта таъсир

кўрсатар экан, доимо ҳукуматимиз эътиборида бўлади. Назариялардан маълумки соҳа бир нечта турдаги хизматлар турларига туркумланади, шулардан бири коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ҳисобланади. Соҳада камчиликлар ва муаммолар мавжуд ва соҳани ривожлантиришни Президентимиз Мурожаатномада ҳам таъкидлаган. Соҳани ривожлантириш тоза ичимлик сув билан таъминлаш, канализация, маиший чиқиндилардан тозалаш ишларини олиб бориш асосида аҳолининг яшаш шароитларини яхшилашдан иборат. Бу эса муҳандислик-коммуникация инфратузилмалари ва ўй-жойларни қуриш дастурлари билан ўзвий боғлиқ ҳолда ривожлантиришни таъминлашдан иборат. Бу 2017-2021 Ҳаракатлар дастури 2019-2020, 2019-2028 йилларга ва 2030 йиллар ривожланиши Давлат дастурларидан ҳисобланади.

Шунингдек, маълумки барча дастурларда транспорт, туризм, молия, алоқа ва ахборотлаштириш, савдо, соғлиқни сақлаш, таълим каби хизматлар турларини ривожлантириш асосий ўринларни эгаллаб келмоқда, бугунги кунда эса, давлат хизматлари, юридик хизматлар турларини ривожлантириш ишлари ҳам амалга оширилмоқда. Лекин шуни таъкидлаб ўтишимиз лозим, инсон ва унинг қарашлари ривожланиб борар экан, хизматлар ва сервис сфералари мураккаблашиб боради. Назариядан биламизки хизматлар товарнинг яратилиши, сотилишидан кейин кафолатланган даврлардаги ва кафолатланган даврлардан кейинги хизмат турлари амал қилади. Соҳанинг ривожланишини кластер усули товарлар яратишда ўз самарасини беради, лекин уни келажакда янада мукаммалаштириб бориш талаб этилади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга бағишланган илмий-оммабоп қўлланма [Матн]. Т.: «Маънавият», 2019. – 312 бет.

2. <http://www.biznes-daily.uz/uz/birjaexpert/52049-sfra-uslug-v-uzbkistan-tndntsii-i-faktori-razvitiya>

УЎК 33

ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИГИ – ТУРИЗМ СОҲАСИДА ТАДБИРКОРЛИКНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

Мамаюсупова Д.Б., ўқитувчи, Кўқон университети, Кўқон

Аннотация. Мазкур илмий мақолада давлат-хусусий шериклиги – туризм соҳасида тадбиркорликни барқарор ривожлантириш воситаси сифатида туристик фаолиятни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашнинг муҳим асоси эканлиги баён этилган. Хусусан, туризм соҳасида ДХШ механизмларини жорий этиш ва кенг қўллаш, минтақалардаги туристик хизматлар кўрсатувчи бозорларни ривожлантириш масалалари бўйича таклиф ва тавсияларлар берилган.

Калит сўзлар: давлат-хусусий шериклик, туризм, туристик хизматлар бозори, қирувчи ва ички туризм, туристик маҳсулотлар

Аннотация. В данной научной статье описано то, что государственно-частное партнёрство является важной основой для полноценной поддержки туризма как инструмента устойчивого развития предпринимательства в туризме. В частности, были внесены предложения и рекомендации по внедрению и широкому использованию механизмов ГЧП в сфере туризма, развитию рынков туристических услуг в регионах.

Ключевые слова: государственно-частное партнёрство, туризм, рынок туристических услуг, въездной и внутренний туризм, туристические продукты

Abstract. This scientific article describes that public-private partnership is an important basis for full support of tourism as a tool for sustainable development of entrepreneurship in tourism. In particular, proposals and recommendations were made on the introduction and widespread use of PPP mechanisms in tourism, the development of tourism markets in the regions.

Keywords: public-private partnership, tourism, the market of tourist services, inbound and domestic tourism, tourism products

КИРИШ

Ўзбекистонда туризм фаолиятнинг барча соҳаларида, давлат тузилмалари даражасида ҳам, шаклланаётган туристик бизнес соҳасида ҳам янги иш шакллари излаш, соҳада таклифни кенгайтириш ва унинг ихтисослашувини чуқурлаштириш жадал суръатларда амалга оширилмоқда. Бироқ, истеъмолчига таклиф қилинаётган туристик хизматлар пакети даражасининг халқаро талаблар ва стандартларга жавоб бермаслиги масаласи соҳада ҳали бир қатор амалий чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этмоқда.

Агар, иктисодиётнинг глобал ва ижтимоий соҳаларида давлат-хусусий шериклиги (ДХШ) давлатнинг ташаббуси сифатида мавжуд бўлса, реклама, меҳмонхона бизнеси ва туризм каби йўналишлар ривож, ўз навбатида, бизнес учун устувор аҳамият касб этади [1]. Бундай ҳолатда,

hozirgi sharoitlarda muhim ahamiyatga ega bulgan hududlar brendini bir tomondan, imkonsiz ravishda xususiy kapital orqali ishlab chiqilgan nazariy asoslariga tayanган holda, boshqa tomondan esa, faqat davlat tuzilmalarining harakatlari va mablaglari hisobiga amaliyotga tatbiq etilishi mumkin emas [2].

MAVZUGA OID ADBIYOTLAR TAHLILI

Davlat va xususiy sektorning uzaro aloqalarini tashkil qilishda turizm iqtisodiyoti va tashkilotlari faoliyati bilan bogliq muammolari Bersels V., Xavrapек P.M. [3], Друкер П. [4], Енджейчик И. [5], Леннон Дж. Джон, Смит Хью, Кокерелл Ненси, Трю Джил. [6] каби хорижлик олимларнинг илмий ишларида кўриб чиқилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари олимлари А.Ю.Александрова [7], Д.М.Амунц [8], Л.С.Барютин [9], М.Б.Биржаков [10], В.С.Боголюбов [11], Т.И.Бондарь [12], В.В.Бочаров [13], В.Г.Варнавский [14], В.А.Веткинлар [15] ўз илмий ишларида туризм соҳасида ДХШ механизмларини қўллаш масалаларига алоҳида эътибор қаратган.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимлари Н.Юсупов, Ф.Карабаев [16] ва У.Джуманиязовлар [17]нинг илмий изланишларида ДХШнинг айрим жиҳатлари кўриб чиқилган бўлиб, жумладан: Н.Юсупов ва Ф.Карабаевлар томонидан БМТ тараққиёт дастури лойиҳаси доирасида олиб борилган изланишларида ДХШнинг шаклланиши ва ривожланишининг айрим назарий-услубий масалалари тадқиқ қилинган.

У.Джуманиязов томонидан олиб борилган изланишларда ДХШ механизмларини уй-жой қурилиши соҳасини корпоратив бошқаришни такомиллаштиришда [17] қўллаш жиҳатлари ўрганилган.

Юқорида келтириб ўтилган мавжуд тадқиқотларда ДХШ асосида туризм соҳасида тадбиркорликни барқарор ривожлантириш масалаларини тадқиқ этиш бўйича маълум назарий ва методологик натижалар олинган бўлишига қарамасдан, уларда мазкур муаммонинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари комплекс равишда ёритилмаган. Айнан шу ҳолат мазкур илмий мақоламиз орқали илмий асосланган тавсия ҳамда таклифлар ишлаб чиқишга асос бўлиб хизмат қилади.

ТАДҚИКОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Илмий мақоламизни ёзиш учун олиб борилган тадқиқот жараёнида илмий мушоҳада, абстракт-мантикий фикрлаш ва суҳбат усулларида кенг фойдаланилди.

ТАХЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Жаҳон амалиёти шундан далолат берадики, ДХШ туризмни барқарор ривожлантириш воситаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Туризм саноатининг барқарор ривожланишга ўтиши туристик фаолият ривожланишининг энг долзарб жаҳон тенденцияларидан биридир.

2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш концепцияси [18] га мувофиқ, соҳани қўллаб-қувватлаш орқали қулай иқтисодий шароитлар ва омилларни яратиш бўйича олиб борилаётган ислохотларнинг самарадорлигини ошириш, туризм соҳасини жадал ривожлантириш бўйича устувор мақсад ва вазифаларни белгилаш, унинг иқтисодийтадаги ўрни ва улушини ошириш, хизматларни диверсификациялаш ва уларнинг сифатини ошириш ҳамда туризм инфратузилмасини такомиллаштиришга йўналтирилиши зарур. Ўз навбатида, нафақат туризмнинг ривожланиши учун шароитлар яратиш, балки бу жараённинг оқибатларини ҳисобга олиш тақозо этилади.

Мураккаб вазифани ҳал қилиш – салбий оқибатларни камайтириш ва ижобий натижалардан максимал даражада самарали фойдаланишни талаб этади. Мураккаб ижтимоий-иқтисодий тизим сифатида туризмни самарали ривожлантириш туристик ресурслар ва маданий меросдан оқилона фойдаланиш билан мувозанатланиши лозим.

2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш концепцияси [18] га асосан, туризм соҳасида қисқа муддатли истиқболга мўлжалланган мақсадли вазифа ва устуворлардан келиб чиқиб, ДХШ механизмларини жорий этиш ва кенг қўллаш бўйича чоратадбирларни фаол амалга ошириш кўзда тутилган бўлиб, бунда ДХШ тизими бир вақтнинг ўзида нафақат восита, балки туризмни барқарор ривожлантириш механизми сифатида зарурий шарт саналган ҳолда ҳолатда муҳим аҳамият касб этади.

ДХШ иқтисодий субъектларининг қўнгилли асосдаги, ташаббускор, ички рағбатлантириш фаолияти натижасида мумкин бўлади. Шу сабабли, иқтисодий механизмлардан фойдаланишнинг асосий мақсади давлат ва бизнесни туризмнинг ривожланишига бўлган ўз қарашларини ўзгартиришга мажбурлаш эмас, балки хўжалик юритувчи субъектларни туризмни барқарор ривожлантириш мақсадида фаолиятини амалга оширишини рағбатлантиришдан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ. Бу эса, давлат томонидан хўжалик юритувчи субъектлар учун иқтисодий жиҳатдан самарали тарзда шакллантирилиши керак.

Туризм соҳасида ДХШни муҳимлиги, давлат ва туристик ташкilotларда маҳаллий аҳолининг турмуш шароитлари ва сифати, минтақани барқарор туристик, ижтимоий-иқтисодий ва экологик ривожлантириш масалаларига даҳлдор бўлган умумий манфаатлар соҳаси мавжудлиги билан асосланади.

Икки томонлама шерикликни ташкил қилишда давлатнинг роли шундан иборатки, ижтимоий аҳамиятга молик соҳаларга туризмнинг таъсирини кучайтириш ва шу тариха минтақаларга туристик оқимнинг ўсиши ва туризм ривожланиши барқарор характерга эга бўлишига хизмат қилиши зарур. Натижада, туризм билан ижтимоий ва туристик аҳамиятга молик соҳалар (масалан, экология, табиатни муҳофаза қилиш, сув транспорти хизматлари, меъморлик обидаларини тиклаш, ижтимоий инфратузилма ва б.) ўзаро ривожлантириш механизми яратилади.

Туристтик маҳсулот тузилмаси – уни шакллантиришда давлат ҳам иштирок этадиган ҳамкорлик соҳаси бўлиши лозим. Ушбу ҳолатда давлатнинг туроператорлар билан ҳамкорлиги кўриб чиқилади, чунки туристик маҳсулотни шакллантириш – бу, туроператорнинг туристик маҳсулот таркибига кирадиган алоҳида хизматлар кўрсатувчи учинчи шахслар (меҳмонхоналар, транспорт компаниялари, гидлар ва бошқалар) билан шартнома тузиш ва ижро этиш бўйича фаолияти бўлиб ҳисобланади.

ДХШ минтақавий кирувчи ва ички туризм учун туристик маҳсулот шакллантирувчи туроператорлар уюшмасини ташкил қилишни кўзда тутлади. Бинобарин, давлатнинг ҳамкорлиги махсус ташкил қилинган туристик уюшмалар билан биргаликда амалга оширилади. Ҳамкорлик натижасида ташкилотлар алоҳида ажралиб турадиган шарт-шароитларга эга бўлиши лозим. Яъни, уюшма аъзоси ҳисобланадиган ташкилотлар аъзо бўлмаган ташкилотларга нисбатан бир қатор қулайлик ва афзалликларга эга бўлиши зарур.

Иқтисодий фаолият назарияси ва амалиётига кўра, ДХШ мазмун-моҳиятига турли нуқтаи назарлар мавжуд бўлиб, уларнинг асосий фарқи унинг мақсадларини тушуниш ҳисобланади. ДХШ мақсадларини тушунишга иккита асосий ёндашув ажратиб кўрсатилади.

Биринчи ёндашув – мақсад сифатида шерикларнинг тажриба, маҳорат ва ресурсларини шундай бирлаштиришни белгилаб берадики, бунда максимал даражада ўзаро манфаатли фойда билан энг яхши моддий ва маънавий натижаларга эришиш кафолатланиши лозим.

Иккинчи ёндашув – ДХШ мақсадини давлат мулки, табиий ресурслардан фойдаланиш ва хусусий компанияларни давлат ваколатида бўлган фаолият турларига жалб қилиш ёрдамида жамоат эҳтиёжларини қондириш деб белгилаб беради.

Ҳамкорлик қатнашчилари – давлат, бизнес ва аҳолида аниқ белгиланган манфаатлар мавжудлиги туризм соҳасида ДХШ ривожланишининг муҳим шarti ҳисобланади.

Давлатнинг туризм соҳасидаги манфаатлари, биринчи навбатда, ички ва кирувчи туризмни ривожлантиришдан иборат. Бу давлат дивиденд сифатида оладиган иқтисодий ва ижтимоий фойдалар билан асосланади.

Бизнеснинг ДХШ асосида давлат билан ўзаро алоқалардан манфаатдорлиги анъанавий давлат соҳасига кира олиш, тўғридан-тўғри давлат томонидан қўллаб-қувватланиш ва иштирок этиш, қониқтирадиган кафолатлар остида инвестицияларни узоқ муддатли жойлаштириш имкониятлари, лойиҳа рискларини давлат билан бўлишиш, биргаликда иштирок этиш лойиҳаларини танлаш имкониятидан иборат.

1-жадвал

Туризм соҳасида давлат-хусусий шериклигини амалга оширишдаги асосий муаммолар

Босқич	Муаммолар
Биринчидан	ДХШ тизимининг самарали фаолият кўрсатиши учун бугунги кунда давлат ва муниципалитет хизматчилари малакасини оширишни таъминлаш зарур. «Жойларда» профессионал даражани оширишга, минтақавий ва муниципалитет даражасида лойиҳаларнинг амалга оширилишини консалтинг ёрдами билан қўллаб-қувватлашга қатта эътибор қаратилиши лозим.
Иккинчидан	Бозор қатнашчилари учун ДХШ механизмлари очиклигини шаффоф танловли механизмлари таъминланиши зарур.
Учинчидан	Давлат ташкилотлари билан кичик ва ўрта тижорат ташкилотлари ўртасидаги шартнома муносабатлари жараёни институционал таъминотининг сустиги. Бундай ўзаро алоқалар бизнес (тадбиркорлик) тармоқлари доирасида ташкил қилишга эришиш мумкин.

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Аҳолининг ушбу соҳадаги асосий манфаатлари қаторида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- Истисносиз барча фуқаролар учун ҳаммабоп дам олишга эга бўлиш;
- Тақдим этилаётган сифатлар кафолатланиши;
- Турли даражадаги ва қийматдаги туристик маҳсулотлар ва хизматларни танлаш имконияти;
- Туристтик маҳсулотлар ва хизматлар бозорида таклифлардан хабардорлик ва маълумотлар очиклиги;
- Туристтик хизматлар истеъмоли жараёнида вужудга келадиган муаммоларни ҳал қилиш мақсадида «хизматлар етказиб берувчилар» билан қайта алоқа мавжудлиги.

ДХШ механизмларидан фойдаланиш қуйидаги натижаларга эришиш имконини беради:

1. Хусусий молиялаштиришнинг анъанавий шаклларига жалб қилмайдиган ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни қисқа муддатларда амалга ошириш;
2. Хусусий бизнес иштирокида лойиҳалар самарадорлигини ошириш;
3. Хусусий маблағларни жалб қилиш ва харажатларнинг бир қисмини фойдаланувчиларга ўтказиш (хизматлар кўрсатишни тижоратлаштириш) орқали бюджетга тўғри келадиган юкни камайтириш;
4. Энг яхши бошқарув ходимларини, асбоб-ускуналарни ва технологияларни жалб қилиш, охириги фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш имкониятини беради.

Туристтик бизнесда ДХШ тамойилларини амалга оширишнинг долзарблиги, бир томондан, тадбиркорлик фаолиятининг асосий омилларига хусусий мулкчилик билан, иккинчи томондан, инфратузилма, рекреация объектлари, шунингдек, туристик йўналишларнинг жозибадорлигини белгилайдиган тарихий ва маданий мерос объектларига давлат томонидан эгалик қилиш, шунингдек, сайёҳларнинг ижтимоий манфаатларини қондириш билан белгиланади. Айнан туризм соҳасида иқтисодиётнинг тижорат ва нотижорат соҳалари манфаатлари ўзаро боғлиқдир [19].

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Юқорида, давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорлик – туризм соҳасида тадбиркорликни барқарор ривожлантиришнинг муҳим воситаси ва ажралмас қисми эканлигини илмий ҳамда назарий жиҳатдан кўриб чиқдик. Илмий мақоламизни ёзиш учун олиб борилган мазкур тадқиқотимиз натижасига кўра, қуйидагилар туризм соҳасида ДХШ доирасида давлат ва бизнес ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий йўналишлари бўлиши лозим деб ҳисоблаймиз:

1. Оммавий сайёҳлар учун ҳам, Ўзбекистон ва хорижлик сайёҳларнинг тор ихтисослашган сегментлари учун ҳам мўлжалланган туристик дастурларни ишлаб чиқиш;
2. Давлат ва хусусий капиталнинг биргаликдаги иштирокида туристик хизматлар кўрсатишнинг янги турларини қўллаш;
3. Экскурсия ва сайёҳлик хизматлари учун янги технологиялардан фойдаланиш орқали сайёҳлар орасида энг машҳур маданий туризм объектларининг имкониятларини ошириш;
4. Маданий туризм маҳсулотларини истеъмол қилишда интерактивлик даражасини ошириш, хусусан, музейлар, кўргазмалар ва ижрочи санъат жамоалари ўртасидаги ўзаро муносабатлар ва виртуал хизматларни ривожлантириш;
5. Мактаб ўқувчилари, талабалар, пенсионерлар, ногиронлар каби аҳолининг ижтимоий гуруҳларига қаратилган маданий туризмни қўллаб-қувватлаш бўйича дастурларни қабул қилиш;
6. Меҳмонхоналар, жумладан, хостеллар тармоғини (меҳмонхона туридаги ётоқхоналар) фаолиятини ривожлантириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Слинков В.Н. Первокласный сервис. Стратегия, тактика, оценка. Практические рекомендации. - М.: Издательство КНТ, 2008. - 272 с.
2. Чернатони де Л. От видения бренда к оценке бренда. Стратегический процесс роста и усиления брендов. - М.: Издательство Группа ИДТ, 2007. - 310 с.
3. Берслс В., Хаврапек П.М. Руководство по оценке эффективности инвестиций. - М.: Интерэксперт, ИНФРА-М., 2005. - 324 с.
4. Друкер П. Эффективное управление. Экономические задачи. Оптимальные решения. - М.: Финансы и статистика, 2002. - 288 с.
5. Енджейчик И. Современный туристский бизнес. Экстратегии в управлении фирмой: Пер. с польск. - М.: Финансы и статистика, 2003. - 320 с.
6. Леннон Дж. Джон, Смит Хью, Кокерелл Пеней, Трю Джил. Управление индустрией туризма. Лучший опыт деятельности национальных организаций и агентств по туризму. - М.: Издательство Группа ИДТ, 2008. - 272 с.
7. Александрова А.Ю. Международный туризм. - М.: Аспект-пресс, 2002.-463 с.
8. Амуңц Д.М. Государственно-частное партнёрство. Концессионная модель совместного участия государства и частного сектора в реализации финансовоёмких проектов /Справочник руководителя учреждения культуры. -2005.-№12.-С. 16-24.
9. Барютин Л.С. Основы инновационного менеджмента: Учебное пособие. -М.:Экономика, 2004.-518 с.
10. Биржаков М.Б. К вопросу доходности туристской отрасли /Туристские фирмы. - 2007. - № 23. - С. 38 - 45.
11. Боголюбов В.С. Экономика туризма. - М.: Академия, 2007. - 189 с.
12. Бондарь Т.И. Вынужденное партнёрство /Политический журнал. - 2005. - № 9. - С. 17-19.
13. Бочаров В.В. Инвестиции. - СПб.: Питер, 2002. - 288 с.
14. Варнавский В.Г. Государственно-частное партнёрство: проблемы становления /Отечественные записки. - 2004. - №6. - С. 29 - 32.
15. Веткин В.А. Технология создания туристского продукта. - М.: Издательство Гросс Медиа, РОСБУХ, 2008. - 200 с.

16. Юсупов Н., Карабаев Ф. Теория и практика государственно-частного партнерства. Учебный модуль. Под.редак. А.Э.Шайхова Ташкент, 2013/www.undp.uz
17. Джуманиязов У.И. Давлат-хусусий шерикчилиги асосида уй-жой қурилиши соҳасида корпоратив бошқарув механизмларини такомиллаштириш: и.ф.ф.д. ... дис. автореф. – Т.: ТДИУ, 2018. – 28 б.
18. 2019 - 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш концепцияси/www.lex.uz
19. Государственно-частное партнерство в сфере туризма: практика, проблемы, перспективы: Материалы Всероссийской научно-практической конференции (Санкт-Петербург, 10-11 апреля 2009 г.) /Под общей редакцией д.п.н., профессора Т.И. Власовой. - СПб.: Издательство Д.А.Р.К., 2009. - 256 с.

УЎҚ 33

ЎЗБЕКИСТОНДА ГИД ТАРЖИМОНЛАР ЭТИКА СТАНДАРТЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ

Н.Г. Назарова, ўқитувчи, Фарғона политехника институти, Фарғона

Аннотация. Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожланиши малакали гид таржимон ва экскурсоводларга бўлган талабнинг ҳам ортишига олиб келди. Мақолада Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришда малакали мутахассисларга бўлган талабни қондириш, гид таржимон ва экскурсоводларни тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш ҳамда ривожланган мамлакатлар тажрибасидан унумли фойдаланган ҳолда барча туристик минтақаларда жойлашган хорижий тил ўқитишга ихтисослашган олий ўқув юртларида гид таржимонлар тайёрлашни йўлга қўйиш масалалари кўриб чиқилган.

Калим сўзлар: туризм, мутахасис, гид-таржимон, экскурсовод, этика, маршрутлар, сайёҳлар, ҳарита

Аннотация. Развитие туризма в Узбекистане также привело к увеличению спроса на квалифицированных гидов-переводчиков и экскурсоводов. В статье рассматриваются вопросы обеспечения потребности в квалифицированных специалистах в области развития туризма в Узбекистане, создания системы подготовки гидов и экскурсоводов, а также подготовки гидов-переводчиков в вузах, специализирующихся на преподавании иностранных языков, во всех туристических регионах.

Ключевые слова: туризм, специалист, гид-переводчик, гид, этика, маршруты, туристы, карта

Abstract. The development of tourism in Uzbekistan has also led to an increase in demand for qualified guide translators and tour guides. The article discusses the issues of meeting the demand for qualified specialists in the development of tourism in Uzbekistan, the establishment of a system of training guides and tour guides, as well as the training of guide translators in universities specializing in foreign language teaching in all tourist regions.

Key words: tourism, specialist, guide-interpreter, tour guide, ethics, routes, tourists, map

XXI аср глобаллашув асри сифатида тарихда қолиш билан бир қаторда жаҳон иқтисодийётининг нефть-газ, кимё технология, машинасозлик йўналишларидан кейин энг сердаромад йўналиш туризм ҳисобланади. Туризм соҳасини ривожлантиришда хизматлар соҳасининг ривожланганлиги муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, малакали мутахассислар билан таъминланганлиги, интеллектуал салоҳиятли гид таржимонлар ҳамда экскурсоводларга бўлган талабни қондириш ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йилларида туризм соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш давлатнинг стратегик мақсадларидан бирига айланди. 1999 йил Тошкент давлат иқтисодийёт унверситетида туризм йўналиши ташкил этилди. 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Харакатлар стратегиясида ҳам туризм соҳасини ривожланириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланди.

2018 йил Самарқанд шаҳрида “Ипак йўли” халқаро туризм университети, Қорақолпоқ давлат унверситетида, Фарғона давлат унверситетида ҳамда Фарғона шаҳрида Латвиянинг ISMA университети филиали ташкил этилди. 2019 йилдан Фарғона шаҳрида Кореянинг JEI халқаро университети филиали ҳамда янги ташкил этилган Қўқон университетларида туризм йўналишлари ташкил этилди [1]. Бу ўз навбатида туристик минтақаларни малакали мутахассислар билан таъминлаш имкониятини бермоқда.

Туризм соҳасини ривожланиши малакали гид таржимон ва экскурсоводларга бўлган талабнинг ҳам ортишига олиб келди. Бироқ айни дамда Ўзбекистонда олий ўқув юртларида гид таржимонлик ва экскурсовод йўналишлари йўлга қўйилмаган. Тўғри, 2020 – 2021 йилларда “Ипак йўли” халқаро университетида гид таржимонлик йўналиши йўлга қўйилиши назарда тутилган бўлса-да, айни дамда Ўзбекистонга биргина 2018 йилнинг ўзида 5 миллиондан ортиқ сайёҳлар ташриф буюргани гид таржимонларга бўлган талабни ортишига олиб келди. Қоида бўйича туристик гуруҳлар узоғи билан 10 кишидан иборат бўлишини инобатга оладиган бўлсак, мавжуд гид таржимонлик лицензиясига эга

бўлган ҳамда хорижий филология йўналишлари битирувчилари билан ҳам соҳадаги кадрларга бўлган эҳтиёжни қондириб бўлмайди [2].

Гид таржимон ва экскурсоводлар тайёрлашда Россия тажрибасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Жумладан гид таржимон ва экскурсоводлар тайёрлаш 2014 йилда қабул қилинган гид таржимон ва экскурсоводларга қўйиладиган талаб ва стандартлар асосида йўлга қўйилмоқда. Экскурсоводлар учун ҳар уч йилда гид таржимонларга эса ҳар беш йилда бир маротаба малака ошириш тизими йўлга қўйилган. Шунингдек, қандай билим ва кўникмаларга эга бўлиши кераклиги қайд этилган. Жумладан, гид таржимон ва экскурсоводлар мавжуд туристик маршрутлар бўйлаб жойлашган объектлар тўғрисида тўлақонли маълумотларга эга бўлишлари билан бир қаторда хориж тилларида равон ва жозибador қилиб баён этиш кўникмалари шакллантириш лозим. Иккинчидан туристик маршрут тематикасини бойитиш мақсадида кўнгилочар дастурлар ташкиллаш, маҳаллий халқларнинг миллий урф-одатлари ва анъана ва қадриятларини асл ҳолатда намойиш этиш билан бир қаторда, экскурсовод ва гид таржимонлар сайёҳларга маҳаллий халқлар билан ўзаро суҳбатлар ташкил этиш механизмлари ишлаб чиқиши лозим. Маҳаллий халқларга берилиши мумкин бўлган саволлар ва жавоб стандартлари белгиланган. Бу ўз навбатида мамлакат туристик имиджига салбий таъсир этиши мумкин бўлган ахборот ҳавфсизлигини таъминлаш назарда тутилганлигини кўриш мумкин.

Экскурсовод ва гид таржимонларнинг сайёҳларга бериши мумкин бўлган ахбороти маҳаллий ва хориж тилларида матн ҳолатидаги кўринишлари ахборот ҳавфсизлик талаблари доирасида ўрганиш лозим. Хатто шунини алоҳида қайд этиш лозимки, сайёҳлар гуруҳини фақат туристик маршрут доирасида махсус картада кўрсатилган объектларгагина ташрифини таъминлаш, агарда сайёҳлар хоҳишига қараб маршрут ўзгартирилган тақдирда ҳам давлат ва ҳарбий аҳамиятга эга бўлган объектлар ҳудудларга сайёҳлар ташрифини олдини олишга алоҳида аҳамият қаратиш лозимлиги кўрсатилган. Шунингдек, яқка тартибда келган сайёҳлар қандай маршрут йўналишида ҳаракатланиши тўлиқ назоратга олиниши гид таржимон ва экскурсоводлар жавобгарлиги белгиланган. Туристик объектлар маршрутлар доирасида янгилиниши ёки чиқариб юборилиши соҳага даҳлдор ташкилотлар билан бевосита келишилган ҳолда, сайёҳлар ўртасида амалга оширилган социологик тадқиқотлар ҳамда талаб ва тақлиф қоидаларидан келиб чиқиши мақсадга мувофиқдир.

Гид таржимон ва экскурсоводлар ўзлари фаолият олиб бораётган турмаршрут йўналиши доирасидаги маконда жойлашган ҳудуд билан боғлиқ ҳар қандай тарихий-бадий ижод намуналари билан таниш бўлиши, хориж мамлакатларида нашр этилган адабиётлар билан ҳам таниш бўлиши хориж тилларида бу тўғрисида тўлиқ ва равон баён эта олиши лозим. Гид таржимонлар нафақат кучли таржимон шунингдек, барча фан ва илм ютуқларидан ҳам боҳабар бўлиши комплекс билим кўникмаларга эга бўлиш лозимлиги ҳам зарур, албатта.

Гид таржимон ва экскурсоводнинг бир кунлик ўртача даромади Ўзбекистон шароитида Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хоразм туристик минтақаларда 50 доллардан 100 долларгача ташкил этади. Биргина Ўзбекистон бўйлаб саёҳат маршрутлар давомийлиги 3 кундан 5 кунгача бўлганлари энг мақбул деб ҳисобланишини ҳисобга олсак, бир ойлик ўртача даромад 1500 АҚШ долларини ташкил этишини кўришимиз мумкин. Гид таржимон ва экскурсоводнинг бир кунлик иш давомийлиги 9: 00 дан 18: 00 гача бўлган вақт оралиғини ташкил этади. Тунги фестиваллар ёки тунги шаҳар томошаси тур маршрут доирасига киритилмаган бўлса, сайёҳлар кўшимча хизмат турларидан фойдаланганлиги учун алоҳида ҳақ тўланиши белгиланади [3.]. Сайёҳларга транспортда хизмат кўрсатиш ваучер тартибида амалга оширилса-да, сифатли хизмат кўрсатилишини таъминлаш ва хизмат даражасидан сайёҳларни қониқиши, сайёҳлар вақтини имкон доирасида тўғри тақсимланиши транспорт хизматининг юқори савияда ташкил этилишига ҳам боғлиқ бўлиб, транспорт воситасида ҳам экскурсовод ва гид таржимонлар сайёҳларни мамлакат туризм салоҳияти билан боғлиқ маълумотларни баён этиши этика қоидаси сифатида эътироф этилади. Бироқ, айтилган даъда Ўзбекистонда транспорт ва йўл инфратузилмасидаги муаммолар тўлақонли бартараф этилмаганлиги туризм имиджига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Гид таржимоннинг яна бир вазифаси сайёҳларни мамлакат ҳудудида зарур ҳужжатлар билан таъминлаш билан бир қаторда, давлат қонунлари ахлоқий қарашлари тўғрисида маълумотларни тўлақонли етказиш лозим. Жумладан, сайёҳлар кийиниш маданияти маҳаллий ҳусусиятлардан узоқ ёки ёт ҳолатда бўлмаслиги лозимлигини тўғри тушунтира олиши лозим. Саёҳат давомида гид таржимон имкон доирасида жамоа билан ишлашга ҳаракат қилиши керак. Бироқ, айрим вақтларда индивидуал ишлаш тизимидан фойдаланиш мумкин. Фақат индивидуал ишлаш жамоа манфаат ва ҳусусиятларидан устун бўлмаслиги лозим. Саёҳат давомида техника ҳавфсизлигига амал қилиниши жавобгарлиги тўлиқ гид таржимон ваколатида бўлишини инobatга олган ҳолда, сайёҳлар билан психологик жиҳатдан таъсир кўрсата олиши лозим.

Гид таржимоннинг асосий этикеткаси сифатида хорижлик сайёҳларга маҳаллий халқнинг психологик ҳолати ва ментал ҳусусиятларини тўғри таърифлаши, мамлакатнинг жаҳон туризм

иктисодиёт тармоқларида таркибий ўзгаришларни чуқурлаштиришга олиб келадиган ёқилғи-энергетика, тўқимачилик ва тикув-трикотаж, кимё, электротехника, заргарлик, металлургия ва бошқа саноат тармоқларини ривожлантириш дастурларини амалга оширишга йўналтирилди. Натижада, 145 та йирик ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилиб, иқтисодиётда саноатлашув даражаси ўсиш тенденцияси кузатилиб, ЯИМ таркибида саноатнинг улуши 2018 йилдаги 26,3 фоиздан 2019 йилда 29,0 фоизга ошди [2].

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Саноат корхоналарида маркетинг фаолиятини ташкил қилиш мураккаб вазифа бўлиб, бунда корхона потенциали билан ташқи муҳит ўртасида динамик мувозанат таъминланиши талаб қилинади. Маркетинг стратегияси корхонани фақатгина сотилиши мумкин бўлган ва фойда келтирадиган товарларни ишлаб чиқаришга йўналтиради. Бунинг учун ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва юритишнинг зарурий шarti сифатида бозор талаби, жамият ва кишиларнинг эҳтиёжлари ўрганилиши керак [3].

Маркетинг стратегияси - турли ташкилотлар ва корхоналар ривожланишини стратегик бошқариш учун асосий воситалардан биридир. Маркетинг соҳасидаги кўпгина чет эллик олимлар ўзларининг ишларида тобора кўпроқ маркетинг стратегиясининг моҳиятини аниқлаш масаласига эътибор беришмоқда [4].

Бир қатор муаллифлар "маркетинг стратегияси" тушунчасини ўзаро боғлиқ фаолият мажмуаси сифатида изоҳлайдилар. О. Уолкер маркетинг стратегиясини "маълум бир маҳсулот бозорида компаниянинг вазифаларини бажариш учун самарали тақсимланган ва мувофиқлаштирилган бозор ресурслари ва фаолият турлари" деб таърифлайди.

Бир қатор муаллифлар "маркетинг стратегияси" тушунчасини истеъмолчига таъсир ўтказиш воситаси сифатида, маркетинг-микс ёрдамида унинг эҳтиёжларини қондириш сифатида изоҳлайдилар. Жумладан, А. В. Катернюк «маркетинг стратегияси мақсадли бозорни танлаш, тегишли маркетинг-миксни яратиш ва қўллаб-қувватлаш, истеъмолчиларни эҳтиёжини қондириш», деб ҳисоблайди [7]. Генри Ассел худди шу хусусиятни таъкидлайди, унинг фикрига кўра маркетинг стратегиясида истеъмолчи фирмага таъсир қилиш воситасидир [8]. Инглиз мутахассиси Дж. Стейнер фикрича, маркетинг стратегик режалаштириш ва бошқарув жараёнидаги асосий вазифа бўлиб, унинг мақсади - истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини қондириш ва корхоналар даромадини таъминлаш ҳисобланади [4].

Кўпгина тадқиқотчилар таъкидлашларича, саноат корхонасида стратегик маркетингнинг жорий этилиши корхонанинг келажакдаги ривожланиши тўғрисида маълум бир ғояни келтириб чиқаради ва замонавий бошқарув усулларида фаол фойдаланиш орқали мувозанатни таъминлайди ва унинг ривожланишини истиқболли йўналишларини қўллаб-қувватлайди. В.М. Цлаф томонидан таклиф қилинган таснифга мувофиқ, корхона учун маркетинг стратегиясини қуриш тамойиллари қуйидагича тақдим этилиши мумкин [5].

- бозор таркиби;
- талабни таъминлаш учун етакчи омиларни танлаш;
- истеъмолчига нисбатан фаолият даражасини танлаш;
- бозор конъюктурасининг ўзгариши;
- истеъмолчиларнинг хоҳишига қараб товарларни ўзгартириш;
- корхона ўзига хослигини сақлаб қолиш зарурати.

Тадқиқот методологияси

Ушбу мақолани батафсил ёритишда илмий тадқиқотларнинг илмий мушоҳада, анализ ва синтез, суҳбат, назарий ва эмпирик усулларида кенг фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Республика саноат корхоналарида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнларининг жадаллашиши натижасида 2019 йилда республика корхоналари томонидан 331,0 трлн. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, ўтган йилга нисбатан саноат ишлаб чиқаришнинг физик ҳажми индекси 106,6 фоизни ташкил этди [6]. Шундан, ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 264,4 трлн. сўмни ёки жами саноат маҳсулотларининг 79,9 фоизини ташкил этмоқда. Бинобарин, жами саноат ишлаб чиқариш физик ҳажми ўсишининг асосий омили бўлиб, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноат - 9,4 фоизга, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш - 0,3 фоизга ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш - 6,3 фоизга ўсиши ҳисобланади, шунингдек, тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш саноатида - 1,0 фоизга пасайиш кузатилди.

2019 йилда саноат тармоғининг қўшилган қийматида 6,6% га ўсиш қайд этилди. Саноат ишлаб чиқаришининг ЯИМ мутлоқ ўсиш суръатига ижобий таъсири 1,6% ни ташкил қилди.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда йиллар давомида саноат тармоқлари таркибида қайта ишлаш саноати энг катта улушга эга бўлиб келмоқда. Шунингдек, 2019

йилда саноатнинг ялпи қўшилган қиймати 139 812,8 млрд.ни сўмни ташкил қилган ва жами саноат маҳсулотларининг ялпи қўшилган қийматидаги ҳажми 71,6% ни ташкил қилади.

1-жадвал


2017-2019 йилларда саноат тармоғининг ялпи қўшилган қиймати ҳажми
(жорий нархларда, млрд.сўм) [7]

	2017 йил	2018 йил	2019 йил
Саноат	59 570,4	95 803,9	139 812,8
<i>Шу жумладан:</i>			
Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш	10 433,7	20 057,0	30 065,8
Ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноат	43 861,9	68 971,8	100 144,5
Саноатнинг бошқа тармоқлари	5 274,8	6 775,1	9 602,5

2019 йил якунлари бўйича, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноати қўшилган қиймати таркибида энг катта улш металлургия ва металлни қайта ишлаш саноатига (машина ва ускуналардан ташқари) тўғри келди ва 36,3% ни ташкил этди.

2-жадвал

2019 йил якуни бўйича саноат ишлаб чиқаришининг ялпи қўшилган қийматининг таркиби
(жамига нисбатан %да) [8]



Умуман олганда, иқтисодий модернизацiя қилиш шароитида мамлакатимизда чуқур таркибий силжишлар ва иқтисодий ислохотлар амалга ошириладиган даврда саноат ишлаб чиқаришини янада жадалроқ ривожлантириш имкониятлари, айниқса металлургия, тўқимачилик, озиқ-овқат, кимё ва нефть кимёси ҳамда машинасозлик соҳаларида мавжуд.

Саноат корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнини янада такомиллаштириш ва хавфсизлигини таъминлашда, биринчи навбатда маҳсулот сифатини яхшилаш ва маҳаллий ва жаҳон бозоридаги рақобатбардошликка мослаштириш лозим. Бу ўз навбатида ҳар қандай ишлаб чиқариш корхоналаридан маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишни талаб қилади. Одатда стратегия қуйида кўрсатилган 4 даражани ўз ичига олади.

Маркетинг стратегияси даражалари

Корпоратив даража	Бизнес даражаси	Функционал даража	Инструментал/ операцион даража
Барча корхоналар учун стратегия ишлаб чиқилади	Бизнес йўналишлари бўйича стратегиялар	Ҳар бир бўлим учун стратегиялар ишлаб чиқилади	Функционал бирлик таркибидаги асосий таркибий бирлик учун стратегия

1-расм. Маркетинг стратегияси даражалари [9]

Маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш фирма фаолиятини режалаштиришнинг асосий масалаларидан биридир.

Саноат корхоналарида маркетинг фаолиятини амалга ошириш корхонанинг илмий-техникавий, ишлаб чиқариш ва сотиш фаолиятини бозордаги талабни, харидорларнинг қизиқишлари ва талабларини ҳисобга олишга йўналтиришнинг объектив эҳтиёжи сифатида ишлаши лозим.

Хулоса ва таклифлар

Мамлакатимизда иқтисодий модернизацiялаш ва диверсификацiя қилиш бўйича амалга ошириладиган ислохотлар натижасида иқтисодий ва жамият ҳаётида туб ўзгаришлар юз бермоқда. Шундай бўлсада, истиқболда Ўзбекистон нафақат саноатнинг техник даражаси, балки ишлаб чиқариш ҳажми бўйича ҳам чинакам индустриал мамлакат мақомини олиш учун ҳал этиш зарур бўлган бир қанча муаммолар мавжуд.

Бизнинг фикримизча, ҳозирги вақтда Ўзбекистон саноат корхоналари маркетинг шароитида қуйидаги муаммоларга дуч келишмоқда:

- аксарият йирик саноат корхоналарининг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаган ташкилий тузилиши. Кўпинча, корхона тузилиши маркетинг мафқурасига эмас, балки савдога, ишлаб чиқариш концепциясига йўналтирилган;
- менежерларнинг саноатдаги инновацион фаоллигининг паст даражаси;
- маркетинг мақсадларига мос келадиган ички бухгалтерия тизими мавжуд эмас (савдо статистикаси, миқдорлар базасини таҳлил қилиш, харажатлар таркиби);
- маркетинг хизматларини (бўлимларини) ташкил этишнинг расмий хусусиятилари кўпинча ахборот, маслаҳат ва реклама фаолияти билан чекланади;
- маркетингни қўллаш бўйича аниқ, пухта ўйланган дастурларнинг етишмаслиги, шу сабабли у кўпинча компаниянинг ҳақиқий эҳтиёжларига эмас, балки менежментнинг афзалликларига қараб ўз-ўзидан ишлатилади;
- фирма ишини стратегик режалаштиришнинг етишмаслиги, бу истиқболни йўқотишига, жорий, одатий ишларнинг устунлигига олиб келади;
- мутахассисларнинг саноатдан соҳага оммавий миграцияси ва натижада тармоқдаги билимларнинг йўқолиши.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, бозорда муваффақиятга эришиш учун, саноати ривожланган давлатлар етакчи компаниялари тажрибаларига суянган ҳолда, маҳсулотни сотиш ва тақсимлаш тизимини тўғри ташкил эта олиш лозим.

Республикаimiz ҳудудларида саноат тармоқларини янада такомиллаштириш ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун, аввало, маркетингга оид қуйидаги ишларни амалга ошириш зарур, деб ўйлаймиз:

1. Саноат корхоналари фаолиятини таҳлил қилишда SWOT таҳлилдан фойдаланиб, маркетинг стратегиясини танлаш. Бу корхонанинг кучли ва заиф томонларини, шунингдек ташқи имкониятилари ва таҳдидларини аниқлашда фойдали воситадир.

2. Ўзбекистон корхоналарининг рақобатбардошлигини оширишда менежерлар ҳар доим маркетингга йўналтирилган стратегик қарорлар қабул қилиши.

3. Саноат тармоғи ривожланишида кичик корхоналар сонини янада кўпайтириш ва уларни ташкил этишда маркетингни Стр стратегиясидан самарали фойдаланиш зарур (Стр стратегияси-бу маркетингни комплекс стратегияси бўлиб, у бутун омилдан мақсадли аудиторияни аниқлаш ва уларни ҳар бири учун корхоналарни маълум имиджини шакллантириш концепциясига асосланган).

4. Импорт ўрнини босувчи тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган маҳаллийлаштириш дастурларини амалга оширишда кадрлар малакасини ошириш.

5. Раҳбарият томонидан юқори натижаларга олиб келадиган кенг миқёсли маркетинг тадбирларини ташкил этишда маркетингнинг барча элементларидан фойдаланган ҳолда комплекс тарзда бошқариш.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, рақобат кураши кучайиши натижасида саноат корхоналарида маркетинг стратегиясини ривожлантириш корхонанинг иқтисодий самарадорлигини оширишга имкон беради. Бозор иқтисодиёти шароитида бошқаларга нисбатан анча устун бўлган илғор технологияларга ва самарали бошқарувга эга корхоналаргина максимал фойда олишга муваффақ бўлади.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон Фармонининг 1-илоvasи «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси».Lex.uz.

2. <https://www.uz.uz/oz/society> Ўзбекистон миллий ахборот агентлигининг расмий сайти

3. Солиев А.С. “Маркетинг: бозоршунослик”, Дарслик. Т.: “Ўқитувчи”, 2009

4. Г.Л.Багиев, В.М.Тарасевич.Маркетинг. 4-еизд. -СПб.,”Питер” 2012 г

5. Цлаф, В. М. Реформирование промышленного предприятия: методическое пособие для руководителей предприятий / В. М. Цлаф. – Самара, 1999

6. www.stat.uz Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий веб сайти

7. <https://www.stat.uz>. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, 2019 йил

8. Манба. 2019 йил Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган

9. Шиповских, И. Ю. Основы маркетинга. Краткий курс: учебное пособие / И. Ю. Шиповских. Ульяновск: УлГТУ, 2010 - 176 с.

10. <http://www.uz.uz> Ўзбекистон миллий ахборот агентлигининг расмий сайти.

11. <http://www.ceep.uz> «Ўзбекистон иқтисодиёти» таҳлилий шарҳ

12. <http://www.tseu.uz> ТДИУ сайти

АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИ ИҚТИСОДИЁТИДА ДЕҲҚОНЧИЛИКНИНГ ЎРНИ
Л.Н. Халикова, и.ф.н., доц., Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Самарқанд

***Аннотация.** Ушбу мақолада муаллиф Амир Темур мамлакатида халқни боқадиган асосий даромад манбаи қишлоқ хўжалиги бўлганини назарий томондан таҳлил қилиб ўз фикрларини баён этган.*

***Калим сўзлар:** ер солиғи, рента, фондлар, хусусий мулк*

***Аннотация.** В статье автор дает теоретический анализ того факта, что основным источником доходов жителей страны Амира Темура было сельское хозяйство.*

***Ключевые слова:** земельный налог, рента, фонды, частная собственность*

***Abstract.** In this article, the author provides a theoretical analysis of the fact that the main source of income for the people of Amir Temur's country was agriculture.*

***Keywords:** land tax, rent, funds, private property*

*“Бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмайлик: биз буюк тарих,
 буюк давлат, буюк маданият яратган халқмиз. Биз ҳеч
 қачон меҳнатдан қочмайдиган, қийинчиликдан
 қурқмайдиган, адолатни қадрлайдиган азму
 шижоатли, буюк халқмиз”*

Ш.М.Мирзиёев

Амир Темур даврида деҳқончилик асосий иқтисодий аҳамиятга эга бўлган. Соҳибқирон бобомизнинг оқилона юритган иқтисодий сиёсати боис мамлакат иқтисодий тараққиётида аввалги даврларга нисбатан қишлоқ хўжалигининг аҳамияти ортиб борди. Тарихчи Шарофиддин Али Яздийнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур ободончиликка ярайдиган бирон қарич ернинг ҳам зое бўлишини раво кўрмасди. Унинг «Бир дарахт кестирсам, ўрнига ўнта кўчат эктирдим» деган сўзлари ҳам деҳқончилик соҳибқирон салтанатининг асосий иқтисодий замини эканлигини англатади. Шу боис бу даврда янги ариқлар қазиб, мавжуд суғориш тармоқларини таъмирлаш ва кенгайтиришга алоҳида эътибор берилган. Даштларга сув чиқарилиб, янги ер майдонлари ўзлаштирилди. Бу борада хусусий соҳибкорларнинг дашт жойлардан янги ерлар очиш, каналлар қазиб, боғлар барпо қилиш ва қаровсиз қолган ташландиқ ерларни суғориб обод етиш мақсадида амалга оширган ҳар қандай фаолиятлари давлат томонидан қўллаб-қувватланди: «Яна амр этдимки, кимки бирон саҳрони обод қилса, ё бирон боғ кўкартурса, ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили раият ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили (эса олиқ-солиқ) қонун-қоидага мувофиқ хирож йиғсинлар!».

Жамиятнинг иқтисодий ҳолати, келажак тараққиёти, одамлар фаровонлиги қишлоқ хўжалигига боғлиқлигини чуқур англаган мурувватли бобомиз Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Марв воҳаларида, Тус, Хирон ва унинг атрофида йирик суғориш иншоотлари барпо этилиб, деҳқончилик воҳаларининг сув таъминотини тартибга солиди. Самарқанд воҳасида Зарафшон дарёсидан бошланувчи Дарғон анҳоридан чиқарилган қадимги Анҳор каналининг қайта тикланиши муҳим воқеа бўлди. Бу канал орқали Зарафшон дарёси сувининг бир қисми Қашқадарёга ташланиб, унинг адоғида жойлашган ерлар сув билан тўла таъминланди.

Амир Темур деҳқончиликни ривожлантириш, оддий меҳнаткаш халқнинг илтижоларини қондириш учун қуйидаги тузуқларини яратди: «Деҳқонлар ва раиятдан қайси бирининг деҳқончилик қилишга қурби етмай қолган бўлса, унга экин учун зарур уруғ ва асбоб тайёрлаб берилсин... Хароб бўлиб ётган ерлар эгасиз бўлса, ҳолислар тарафидан обод қилинсин. Агар эгаси бўлса-ю, обод қилишга қурби етмаса, унга турли асбоблар ва керакли нарсалар берсинлар, токи ўз ерини обод қилиб олсин». Бундай инсонпарвар ғояларни ва сиёсатни тарихий манбаларда камдан-кам учратамиз. Демак, улкан мамлакат халқини, ҳисобсиз сипоҳилар ва хизматкорларни боқадиган асосий даромад манбаи қишлоқ хўжалиги эканлигини Темур теран англаган.

Қишлоқ хўжалигида ғалла, сабзавот ва полиз экинларининг ўша даврда маълум бўлган деярли барча навлари етиштирилган. Боғдорчиликка зўр аҳамият берилган.

Хўжаликнинг асосий турларидан яна бири чорвачилик эди. Мамлакатнинг иқтисодий ҳаётида, айниқса, яйлов чорвачилиги (йилқичилик, қўйчилик, қорамолчилик) муҳим ўрин тутган. Қишлоқ хўжалиги соҳасида етиштирилган моддий бойликлар меҳнаткаш халқнинг оғир ва машаққатли меҳнати воситасида вужудга келтирилиб, унинг тақсмоти аҳоли табақаларининг ижтимоий ва иқтисодий муносабати моҳиятини белгилаган. Бу даврда Мовароуннаҳр ва Хуросонда аввалгидек ер ва мулкчиликнинг асосан тўрт шакли: мулки девоний-давлат ерлари, мулки хусусий, мулки вақф-мадраса ва ибодатхоналар тасарруфидаги ерлар ва жамоа ерлари бўлган. Деҳқончилик қилинадиган

ерларнинг энг катта қисми давлат мулки ҳисобланган. Бу ерларга аввалгидек мамлакат ҳукмдори султон ёки амирлар ҳукмронлик қиларди. Темурийлар даврида давлат ерларини суюрғол тарзида инъом этиш кенг тарқалди. Одатда, шаҳар ёки вилоятлардан тортиб, то алоҳида қишлоқлар ҳам суюрғол шаклида инъом этилган. Бутун бир шаҳар ёки вилоят кўпинча ҳукмрон сулола намояндалари ёки йирик ҳарбий мансабдорларга берилган. Бундай суюрғол ер ва мулклар кўпинча авлоддан авлодга мерос бўлиб ҳам қолган.

Деҳқончилик майдонларининг бошқа каттагина қисми мулк мақомидаги хусусий ерлардан иборат эди. Йирик мулк ерларнинг катта ер майдонлари ҳам, меҳнаткаш зироатчиларнинг майда пайкаллари ҳам хусусий мулк ҳисобланган. Хусусий мулк бўлган ерларнинг катта қисми маъмурий, ҳарбий ва диний арбобларнинг тасарруфида бўлган.

Темур ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳр ва Хуросонда кўплаб масжид, мадраса ва шиғоҳоналар барпо этилиб, уларга катта ер майдонлари бириктирилган. Бу мулк вақф мулки дейилади.

Бу даврда деҳқончилик ерларининг маълум қисми кичик қишлоқ аҳолисининг умумий тасарруфида бўлган. Бундай ерлар жамоа мулки ҳисобланиб, улар кўпроқ тоғ олди ноҳияларининг сувга танқис жойларида бир мунча кенг тарқалган. Одатда кўпчиликнинг иштироки ва маблағи билан барпо этилган суғориш иншоотлари ва улар воситасида ўзлаштирилган ерлар жамоа мулкига айланган.

Буюк соҳибқирон оқилона юритган солиқ сиёсати билан ҳам деҳқон, чорвадор ва боғбонлар меҳнатини рағбатлантирди. У сорошумор ва хонашумор каби жон бошига тўловларни ман этди. Амир Темур солиқ сиёсатини шакллантиришда ва олиб боришда, дастлаб, Қуръон ва шариат тавсияларига амал қилди. Сўнгра аввалги даврларда амал қилган қонун-қоидаларни ҳар томонлама ўрганиб, ўз даври хусусиятидан келиб чиқиб тузуқлар ишлаб чиқди. Мўғуллар истилоси чоғида сусайган шариат тавсияларини тиклади.

Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида, жумладан, Марказий Осиёда давлат томонидан ундириладиган ер солиғи хирож деб юритилган. Хирож, асосан ҳосил етилиб, уни йиғиштириб олиш вақтларида ер унумдорлиги ҳамда сув билан таъминланганлигига қараб белгиланди.

Амир Темур ҳам салтанат тахтига ўтиргач, ер-сувдан олинадиган хирожни маҳсулот асосан дон шаклида ва пул олтин ёки кумуш шаклида олишни жорий этган. Бироқ соҳибқирон солиқ тизимига жиддий ўзгартиришлар киритиб, Туркистон заминини зироатчилик ҳунармандчилик илму-фан ва маданияти ривожланган мамлакатга айлантирмоқчи бўлди. Амир Темур жамиятдан мол-хирож олишда, мамлакат иқтисодиётини тартибга келтириш ва ривожлантиришда, юрт хавфсизлиги ва ободончилигини таъминлашда солиқчи-амалдорларнинг ўз бурчлар ва вазифаларини адолатли бажаришлари ниҳоятда муҳимлигини уқтиради.

Амир Темур солиқ солишда солиқ тўловчиларга енгиллик беришга алоҳида эътибор берган эди. У солиққа тортишда даромадларни ҳисобга олиб иш тутиш кераклигини, кўшимча миқдорда ҳеч қандай солиқ талаб қилмасликни, ҳосил пишиб етилмасдан бурун деҳқонлардан солиқ олмасликни таъкидлайди: «Амр қилдимки, ҳосил пишиб етилмасдан бурун раиятдан молу жиҳат олинмасин. Ҳосил етилишига қараб, солиқни учга бўлиб олсинлар. Агар раият солиқ тўловчи юбормасдан, солиқни ўзи келтириб берса, у ҳолда у ерга солиқ тўловчи юбормасинлар. Агар олиқ-солиқ олувчини юборишга мажбур бўлсалар, улар солиқларни буйруқ бериш ва яхши сўз билан олсинлар; калтак арқон ишлатиб, ишни уриш-сўқишгача олиб бормасинлар».

Амир Темур ер солиғи тизимида ҳозирги замон ер солиғи ва ер рентасининг дастлабки куртаклари мавжудлиги кўриниб турибди: хирож суғориладиган, лалмикор ерлардан, ўтлоқлар ва сувлоқлардан рента I кўринишда олинган. Кузги, баҳорги, қишки ва ёзги деҳқончиликдан олинган кўшимча ҳосил дифференциал рента II сифатида деҳқонларнинг ўзига қолдирилган. Унинг солиқ сиёсатида имтиёзлар муҳим ўрин эгаллаган: янги ер ўзлаштирганлар, қориз кўрганлар, боғ кўкартирганлар, харобаларни обод қилганлар солиқ тўлашдан бир йил мобайнида озод қилинганлар, иккинчи йили ўз ихтиёрларига кўра солиқ тўлаганлар. Учинчи йили эса мамлакатда амал қилган солиқ қонун-қоидаларига биноан хирож тўлаганлар. Ҳароба ерларни ўзлаштирувчиларга ҳолиса (маъмурият) тарафидан турли асбоблар бериш кераклиги кўрсатилган.

Амир Темур иқтисодий сиёсатининг асосий тамойили «мамлакатни обод, раиятни рози» қилиш эди. У бунга омма ободончилигининг сабаби ва одамзод ризқининг воситаси бўлмиш деҳқончиликни ривожлантириш орқали эришиш мумкин деб билди. Раиятнинг розилиги ҳам хазинанинг бойлиги ҳам, ҳарбий қудратнинг иқтисодий негизи ҳам шундан деб қаради. Тарихчи Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Амир Темур деҳқончиликни ривожлантиришга шунчалик катта эътибор ва қатъиятлик кўрсатдики «Агар бирон киши гарчи намозини тарқ қилишга мажбур бўлса ҳам деҳқончиликни тарқ қилишдан ҳазарда бўлсин» деб кўрсатма берди. Бизнинг замонамиз ҳокиму-амалдорлару, мутасаддилар учун ибрат бўладиган томони шундаки, Амир Темур ўз мамлакатинигина эмас, ҳаттоки фатҳ этилган ҳар бир мамлакатдаги деҳқонлар ва экин майдонларини ишлов берувчиларни «кўнглини хушнуд этсинлар, яъни ўзларига қарасинлар» деб ўқтирди. Деҳқонларга ёрдам бериш, уларни қўллаб-қувватлаш давлат

иктисодий сиёсатининг асоси деб билди. Хароб бўлиб ётган ерлар эгасиз бўлса давлат тарафидан обод қилинди.

Юқоридагилардан хулоса қилишимиз мумкинки, Амир Темур хизмати шундаки, у ўз ҳукмронлиги давригача шаклланган иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлади, барқарорлигини таъминлади, суистеъмол қилиш йўллари тўсди, аҳолини ижтимоий ҳимоялади. Иқтисодий сиёсатнинг асосий тамойили “Мамлакатни обод, раиятни рози” қилиш бўлган иқтисодий фикрлари ҳозир ҳам ўз кучини йўқотмаган.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий мажлисга мурожаатномасидан. 25.01.2020 йил
2. Темур ва темурийлар салтанати. Қомуслар бош таҳририяти – Т.: 1994.
3. Иброҳим Мўминов. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида туган ўрни ва роли. «Фан». Т.: 1968.
4. Амир Темур ўғитлари. Тошкент. «Наврўз» - 1992.
5. Темур тузуклари. Тошкент. Нашриёт-манбаа бирлашмаси. – 1991.
6. Муҳаммаджон Холбеков. Амир Темурнинг Европа қироллари билан ёзишмалари. Самарқанд. 1996.

УЎК 33

ИҚТИСОДИЙ ЖАРАЁНЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШДА ЭКОНОМЕТРИК УСУЛ ВА МОДЕЛЛАРДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Ф. Холмуратов, ўқитувчи, Урганч Давлат университети, Урганч

Аннотация. Ушбу мақолада иқтисодий таҳлилни амалга оширишда эконометрик усул ва моделлардан фойдаланишнинг аҳамияти ва моҳияти очиб берилган. Эконометриканинг асосий вазибалари, эконометрик моделни тузиш ва натижаларни баҳолашнинг услубий асослари келтириб ўтилган. Шунингдек, эконометрик усуллардан фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: эконометрика, назарий эконометрика, амалий эконометрика, модель, регрессион таҳлил, тасодифий миқдор, энг кичик квадратлар усули, детерминация коэффициентини

Аннотация. В этой статье объясняется важность и значение использования эконометрических методов и моделей при проведении экономического анализа. Учитывая основные задачи эконометрики, методологическую основу для построения эконометрической модели и оценки результатов. А также разработаны рекомендации по использованию эконометрических методов.

Ключевые слова: эконометрика, теоретическая эконометрика, прикладная эконометрика, модель, регрессионный анализ, случайная величина, метод наименьших квадратов, коэффициент детерминации

Abstract. In this paper explained the importance and significance of using econometric methods and models in conducting economic analysis. Given the main tasks of econometrics, the methodological basis for constructing an econometric model and evaluating the results. As well as recommendations for the use of econometric methods have been developed.

Keywords: econometrics, theoretical econometrics, applied econometrics, model, regression analysis, random variable, least squares method, determination coefficient

Эконометрика эмпирик иқтисодий тадқиқотларни амалга оширишга хизмат қилувчи муҳим бўлган йўналишлардан бири саналади. Кенг маънода эконометрика иқтисодий назарияларни синовдан ўтказиш, прогноз қилиш, қарор қабул қилиш ва турли иқтисодий сиёсат натижаларини баҳолаш каби иқтисодий муносабатларни эмпирик таҳлил қилишга хизмат қилади [1]. “Эконометрика” тушунчаси биринчи бўлиб Павел Киомпа томонидан 1910 йилдаёқ қўлланилган бўлишига қарамасдан ушбу терминни яратилиши ва уни бугунги кунда маълум бўлган фан сифатида шаклланишида Рагнар Фришнинг хизмати катта ҳисобланади [2].

Эконометрика иқтисодий жараёнларни ифодаловчи маълумотлар асосида иқтисодий моделларни баҳолаш ва улар натижаларига таянган ҳолда хулосалар чиқаришга хизмат қилади. Эконометрика фан сифатида иккита йирик соҳага ажралади, яъни назарий эконометрика ва амалий эконометрика.

Назарий эконометрика лабораторияларда амалга ошириладиган, бошқариладиган тажрибалар учун мўлжалланмаган, у табиий ҳолатда содир бўладиган иқтисодий муносабатларни ўлчаш ва баҳолашга хизмат қилувчи мос усулларни ишлаб чиқишни ўз ичига камраб олади. Яъни, эконометрик усуллар одатда ноэкспериментал маълумотларни таҳлил қилиш учун ишлаб чиқилади.

Амалий эконометрика мавжуд эконометрик усулларни эконометрика назариясининг муайян соҳалари ҳамда талаб, таклиф, ишлаб чиқариш, истеъмол каби иқтисодий муаммоларни ўлчашга татбиқ қилишни ўз ичига олади. Қисқача айтганда амалий эконометрика иқтисодий ходисаларни

таҳлил қилиш ва иқтисодий хулқ-атворларни прогноз қилиш учун эконометрик назария усуллари ва воситаларини қўллашни ўз ичига олади.

Эконометрика тушунчасини тўлароқ тушуниш ва моҳиятини очиб бериш мақсадида дунёда тан олинган иқтисодчи олимларнинг ёндашув ва таърифлари келтириб ўтилди. Эконометрик тадқиқот усули, иқтисодий назария ва ҳақиқий ўлчовларни, яъни назария ва амалиётни бирлаштиришда статистика назарияси ва техникасидан боғловчи кўприк сифатида фойдаланади [3]. Эконометрикани назария ва кузатишни бир вақтда ривожланишига асосланган, тегишли хулоса чиқариш усуллари билан боғлиқ бўлган ҳақиқий иқтисодий ҳодисаларни миқдорий таҳлили деб таърифлаш мумкин [4].

Эконометрик усуллар амалий иқтисодиётнинг барча соҳалари учун долзарб бўлиб, уларга зарурат иқтисодий назарияни синаб кўрганда, бизнес қарорларни қабул қилганда ёки сиёсатни таҳлил қилиш учун бирон аҳамиятга эга бўлган муносабатларни ўрағанаётганда пайдо бўлади. Одатда эмпирик таҳлилларда назарияни текшириш, омиллар ва натижавий омил алоқадорлигини баҳолаш учун маълумотлардан фойдаланилади.

Шу ўринда эмпирик иқтисодий таҳлилни қандай амалга оширилишига тўхталиб ўтаемиз. Бу очиқ-ойдин, оддий жараён бўлиб туюлиши мумкин, аммо ҳар қандай эмпирик таҳлилни амалга оширишда биринчи қадам қўйилаётган масалани пухта шакллантириш эканлигини таъкидлаш ўринлидир. Қўйилаётган масала иқтисодий назариянинг маълум бир томонини синаб кўриш ёки ҳукумат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар таъсирини ўлчаш, баҳолаш билан боғлиқ бўлиши мумкин. Буни баҳолаш учун эконометрик таҳлил усулларида фойдаланилади.

Эконометрик таҳлилни амалга оширишдаги биринчи вазифа бу эконометрик моделни шакллантириш ҳисобланади. Шу ўрнида модель тушунчасига қисқача тўхталиб ўтмоқчимиз. Модель тушунчасига тўхталадиган бўлсак, у реал жараёнларни соддалаштирган ҳолда ифодалашдир. Кўпчилик олимлар соддалик тарафдорлари бўлишади, чунки оддий моделларни тушуниш, маълумотлар асосида эмпирик тарзда синаш нисбатан осонроқ ҳисобланади [5,6].

Бирок мураккаб реал воқеликни тушунтириш учун оддий моделни танлаш танқидга олиб келади. Булар:

1. Моделни жуда соддалаштирилиши.
2. Фаразларнинг ҳақиқатдан йироқ бўлиб қолишидир.

Моделни ортикча соддалаштириш бўйича берилган танқидга олдин соддалаштирилган моделдан бошлаган ҳолда мураккаб моделни босқичма-босқич тузиш мақсадга мувофиқлиги келтириб ўтилади [7]. Бошқа томондан баъзи олимлар умумий моделдан бошлаган ҳолда уни мавжуд маълумотларга қараб босқичма-босқич соддалаштириш лозимлигини таъкидлашади. Машҳур статистик L.J.(Jimmy) Savage “Модель фил каби катта бўлиши керак” деб айтган эди. Ушбу муқобил ёндашувларнинг нисбий афзалликлари қандай бўлишидан қатъий назари биз оддий моделлардан бошлаймиз ва аста-секин мураккаб моделларни яратаемиз.

Юқорида келтириб ўтилган иккинчи танқид “фазарларни ҳақиқатдан йироқ бўлишидир”. Ушбу танқидга нисбатан келтирилган жавобларда назария фаразлари ҳеч қачон тавсифловчи реалистик бўлмайди деган фикр билдирилади. Олимлар фикрларига кўра “назария “фаразлари” ҳақидаги саволларда улар тавсифловчи “реалистик” бўлиши эмас, балки улар мақсадга етарли яқин тахминларни келтириб чиқаришига хизмат қила оладими деган фикрлар кўп учрайди, чунки улар ҳеч қачон мавжуд эмас ва бу саволга фақат назария ишлайдими ёки йўқми, демак у етарли даражада аниқ прогнозларни берадими ёки йўқлигини кўриш орқали жавоб берилади”.

Эконометриканинг муҳим бўлган ролларидан бири бу берилган маълумотлар асосида моделлаштириш усуллари тақдим этишдир. Ушбу вазифани амалга оширишда регрессион моделлаштириш техникаси катта ёрдам беради. Регрессион моделларнинг икки хил кўринишда чизикли ва ночизикли бўлиши икки хил, яъни чизикли ва ночизикли регрессион таҳлилни бўлишини талаб қилади. Биз одатда чизикли регрессион таҳлил усулидан фойдаланамиз ва асосий мақсадимиз чизикли регрессион моделни берилган маълумотлар тўпламига мослаштириш бўлади.

Бунда шундай чизикли аниқлаш керакки y_i ни ҳақиқий қиймати билан \hat{y}_i баҳоланган қиймати орасидаги фарк, яъни тасодифий миқдорлар максимал даражада кичик бўлиши лозим. Даставвал фақат иккита параметрдан иборат ва икки ўлчамли координаталар ўқида ифодалаш мумкин бўлган ҳолатни қараб чиқамиз ва кейин уни N ўлчамли регрессия тенгламаси учун баҳолашни келтириб ўтаемиз. Иккинчи ҳолатда асосий формулани ифодалаш учун чизикли алгебра бўйича билимларга зарурат туғилади. Шунини таъкидлаш лозимки бу ерда x_i каби эркин ўзгарувчилар ковариантлар (асосан статистиклар томонидан), регрессорлар ёки тушунтирувчи ўзгарувчилар, y_i каби эркин ўзгарувчилар регрессанд ёки изоҳловчи ўзгарувчилар деб номланади.

Чизикли регрессия моделининг энг умумий шакли куйидаги кўринишга эга бўлади.

$$y = f(x_1, x_2, x_3, \dots, x_N) + \epsilon = b_0 + b_1x_1 + b_2x_2 + \dots + b_Nx_N + \epsilon \quad (1)$$

Икки ўзгарувчили энг оддий шаклда одатда α ва β дан фойдаланилади. Тасодифий ўзгаришларни ифодаловчи ϵ нинг аҳамиятини қисқача муҳокама қилиб ўтиш муҳим. Тасодифий ўзгаришларни ифодаловчи ϵ натижавий ва омил кўрсаткичлар орасидаги боғлиқликнинг барқарорлигини бузувчи бошқа омилларни таъсирини ўзида жамлаган ҳад ҳисобланади. Мазкур тасодифий миқдорларни формулага алоҳида ҳад сифатида киритилишини қатор сабаблар билан изоҳлаш мумкин. Булар: маълумот йиғиш жараёнида ўлчовдаги хатоликлар, баъзи ноаниқ иқтисодий ўзгарувчилар ёки оддийгина моделга қамраб олиш имкони бўлмаган бошқа омиллар таъсирини ифодалашнинг лозимлигидир.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда фақат иккита параметрдан иборат бўлган регрессион таҳлилни қандай амалга оширишни қараб чиқамиз. Фараз қилайлик бизда эркин ўзгарувчи y ва эркин ўзгарувчи x бўйича маълумотлар мавжуд. Маълумотлар N турли танлама кузатишлар натижасида йиғилган бўлиб, бирликлар $i = 1, \dots, N$ шаклида индексланган. Мақсадимиз $\hat{y} = \alpha + \beta x$ шаклидаги боғлиқлик асосида y нинг қийматини тахминлаш ҳисобланади, бу ерда α ва β аниқланиши лозим бўлган константалар ҳисобланади. Биз y нинг ҳақиқий ва баҳоланган қиймати орасидаги фарқларни минималлаштириш учун тасодифий миқдорнинг қийматини минималлаштиришимиз лозим бўлади. Биз i -кузатувга тегишли бўлган тасодифий миқдорни қуйидаги кўринишда ёзиб оламиз.

$$e_i = y_i - \hat{y}_i = y_i - \alpha - \beta x_i \quad (2)$$

Кўйилган мақсадга эришиш учун барча кузатувлар бўйича аниқланган тасодифий миқдорларни йиғиндисини минималлаштириш лозим. Бироқ (2) тенглама бўйича аниқланадиган тасодифий миқдорлар йиғиндисини минималлаштирадиган бўлсак, мантикий тўғри жавобга эга бўла олмаимиз, чунки мусбат ва манфий тасодифий миқдорлар бунга имкон бермайди. Шу сабабли тасодифий миқдорларнинг квадратлари йиғиндисини минималлаштирамиз ва уни α ва β га боғлиқ бўлган S функция сифатида белгилаб оламиз.

$$S(\alpha, \beta) = \sum_{i=1}^N e_i^2 = \sum_{i=1}^N (y_i - \alpha - \beta x_i)^2. \quad (3)$$

Келтирилган минималлаштириш масаласи чекловларга эга эмас. U қуйидагича ифодаланади ва ўқилади.

$$\min_{\alpha, \beta} S(\alpha, \beta), \quad (4)$$

Минималлаштиришни амалга ошириш учун тенгламадан ўзгарувчилар бўйича биринчи даражали ҳосила олиш талаб қиланади. (3) тенгламадан α ва β бўйича олинган биринчи даражали ҳосилаларни келтириб ўтамыз:

$$-2 \sum_{i=1}^N (y_i - \alpha - \beta x_i) = 0 \rightarrow \sum_{i=1}^N y_i - N\alpha - \beta \sum_{i=1}^N x_i = 0. \quad (5)$$

$$-2 \sum_{i=1}^N (y_i - \alpha - \beta x_i) * x_i = 0 \rightarrow \sum_{i=1}^N x_i y_i - \alpha \sum_{i=1}^N x_i - \beta \sum_{i=1}^N x_i^2 = 0. \quad (6)$$

Келтирилган шаклда қайта тузилгандан кейин, ушбу (5) ва (6) тенгламалар икки ўзгарувчили регрессион моделнинг нормал тенгламалари деб номланади:

$$\sum_{i=1}^N y_i = N\alpha + \beta \sum_{i=1}^N x_i \quad (7)$$

$$\sum_{i=1}^N x_i y_i = \alpha \sum_{i=1}^N x_i + \beta \sum_{i=1}^N x_i^2 \quad (8)$$

Юқорида келтирилган (7) тенгламани α га нисбатан ечамиз, яъни унда α ни топамиз.

$$\alpha = \frac{\sum_{i=1}^N y_i - \beta \sum_{i=1}^N x_i}{N} = \bar{y} - \beta \bar{x}, \quad (9)$$

Чунки бизга маълумки, ўзгарувчи бўйича арифметик ўртача қийматлар формуласи: $\bar{x} = \frac{\sum_{i=1}^N x_i}{N}$,

$$\bar{y} = \frac{\sum_{i=1}^N y_i}{N}$$

(9) формула асосида аниқланган α ни (8) формула олиб бориб ўрнига қўямиз ва қуйидаги тенгламага эга бўламиз.

$$\sum_{i=1}^N x_i y_i - (\bar{y} - \beta \bar{x}) N \bar{x} - \beta \sum_{i=1}^N x_i^2 = 0 \quad (10)$$

Бу тенглама асосида биз иккинчи номаълум β ни осонгина аниқлашимиз мумкин:

$$\sum_{i=1}^N x_i y_i - N\bar{x} * \bar{y} + \beta \left(N\bar{x}^2 - \sum_{i=1}^N x_i^2 \right) = 0 \rightarrow$$

$$\beta = \frac{\sum_{i=1}^N x_i y_i - N\bar{x} * \bar{y}}{\sum_{i=1}^N x_i^2 - N\bar{x}^2}, \quad (11)$$

(11) формула асосида аниқланган β (10) тенгламага олиб бориб қўйсақ қуйидагига эга бўламиз.

$$\alpha = \bar{y} - \frac{\bar{x} \sum_{i=1}^N x_i y_i - N\bar{x}^2 * \bar{y}}{\sum_{i=1}^N x_i^2 - N\bar{x}^2}, \quad (12)$$

Регрессия чизиғи қуйидаги кўринишда берилади:

$$\hat{y} = \alpha + \beta x \quad (13)$$

Бунинг маъноси шуки, танлама кузатувдаги x нинг ҳар бир қийматига y нинг мос қийматига тўғри келадиган баҳоланган \hat{y} қийматини тахминлайди. Шунингдек, ҳақиқий y нинг қийматини танлаб олинган x асосида тахминланган \hat{y} қиймати билан таққослаш асосида тасодифий микдорларни ҳам баҳолаш мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки x ва y тасодифий ўзгарувчилар сифатида қаралганда β ни эҳтимоллик нуқтаи назаридан ҳам изоҳлаш мумкин. (11) тенгламадаги касрнинг суръати ва махражини кузатувлар сони N га бўламиз:

$$\beta = \frac{\frac{\sum_{i=1}^N x_i y_i}{N} - \bar{x} * \bar{y}}{\frac{\sum_{i=1}^N x_i^2}{N} - \bar{x}^2} = \frac{cov(x, y)}{Var(x)} \quad (14)$$

Иккита кенг танилган формулани қўллагандан кейин:

$$Cov(x, y) = E[x, y] - E[x]E[y], Var(x) = E[x^2] - (E[x])^2.$$

(11) тенгламани булар асосида янада ўзгартириш орқали β ни ифодалашнинг яна бир усулини аниқлаймиз:

$$\begin{aligned} \sum_{i=1}^N x_i y_i - N\bar{x}\bar{y} &= \sum_{i=1}^N x_i y_i - N\bar{x} * \bar{y} + N\bar{x} * \bar{y} - N\bar{x} * \bar{y} = \\ &= \sum_{i=1}^N x_i y_i - \bar{x} \sum_{i=1}^N y_i - \bar{y} \sum_{i=1}^N x_i + N\bar{x} * \bar{y} = \sum_{i=1}^N (x_i - \bar{x})(y_i - \bar{y}) \\ \sum_{i=1}^N x_i^2 - N\bar{x}^2 &= \sum_{i=1}^N x_i^2 + N\bar{x}^2 - 2N\bar{x} * \bar{y} = \sum_{i=1}^N x_i^2 + \sum_{i=1}^N \bar{x}^2 - 2\bar{x} \sum_{i=1}^N x_i = \\ &= \sum_{i=1}^N (x_i - \bar{x})^2, \quad (15) \end{aligned}$$

Натижада β ни аниқлаш формуласи қуйидаги кўринишда ёзилиши мумкин:

$$\beta = \frac{\sum_{i=1}^N (x_i - \bar{x})(y_i - \bar{y})}{\sum_{i=1}^N (x_i - \bar{x})^2} \quad (16)$$

Регрессион тенгламанинг коэффициентлари аниқлангандан кейин моделнинг мослик даражасини баҳолаш лозим бўлади. Яъни ҳар сафар регрессион таҳлилни амалга оширгандан кейин аниқланган регрессия чизиғининг маълумотларга мослигини текшириш талаб қилинади. Буни амалга оширишда қўлланиладиган баъзи қийматликларни, уларнинг маъноси ва ҳисоблаш усулларига қисқача тўхталиб ўтаемиз:

- Квадратларнинг умумий йиғиндиси (Total Sum of Squares):

$$SST = \sum_{i=1}^N (y_i - \bar{y})^2 \quad (17)$$

- Квадратларнинг регрессия йиғиндиси (Regression Sum of Squares):

$$SSR = \sum_{i=1}^N (\hat{y}_i - \bar{y})^2 \quad (18)$$

• Тасодифий миқдорлар квадратлари йиғиндиси (Error Sum of Squares):

$$SSE = \sum_{i=1}^N (\hat{y}_i - y_i)^2 \quad (19)$$

Келтириб ўтилган учта миқдор бир-бири билан тўғридан тўғри боғлиқ. Яъни:

$$y_i - \bar{y} = y_i - \hat{y}_i + \hat{y}_i - \bar{y} \quad \rightarrow \quad (y_i - \bar{y})^2 = (y_i - \hat{y}_i + \hat{y}_i - \bar{y})^2 =$$

$$= (y_i - \hat{y}_i)^2 + (\hat{y}_i - \bar{y})^2 + 2(y_i - \hat{y}_i)(\hat{y}_i - \bar{y}) \quad (20)$$

Эни N та кузатувлар сони учун қараб чиқамиз:

$$\sum_{i=1}^N (y_i - \bar{y})^2 = \sum_{i=1}^N (y_i - \hat{y}_i)^2 + \sum_{i=1}^N (\hat{y}_i - \bar{y})^2 + 2 \sum_{i=1}^N (y_i - \hat{y}_i)(\hat{y}_i - \bar{y}) \quad (21)$$

Тенгликнинг ўнг қисмидаги охириги ҳадни қараб чиқамиз. Энг кичик квадратлар усулига асосланган ҳолда қуйидаги амалларни бажарамиз:

$$2 \sum_{i=1}^N (y_i - \hat{y}_i)(\hat{y}_i - \bar{y}) = 2 \sum_{i=1}^N (y_i - \hat{y}_i)(\alpha + \beta x_i - \alpha - \beta \bar{x}) = 2\beta \sum_{i=1}^N (y_i - \hat{y}_i)(x_i - \bar{x})$$

$$= 2\beta \sum_{i=1}^N (y_i - \hat{y}_i + \bar{y} - \bar{y})(x_i - \bar{x}) = 2\beta \sum_{i=1}^N (y_i - \alpha - \beta x_i + \alpha + \beta \bar{x} - \bar{y})(x_i - \bar{x})$$

$$= 2\beta \sum_{i=1}^N (y_i - \bar{y} - \beta(x_i - \bar{x}))(x_i - \bar{x})$$

$$= 2\beta \left[\sum_{i=1}^N (y_i - \bar{y})(x_i - \bar{x}) - \beta \sum_{i=1}^N (x_i - \bar{x})^2 \right]$$

$$= 2\beta \left[\sum_{i=1}^N (y_i - \bar{y})(x_i - \bar{x}) - \frac{\sum_{i=1}^N (x_i - \bar{x})(y_i - \bar{y})}{\sum_{i=1}^N (x_i - \bar{x})^2} * \sum_{i=1}^N (x_i - \bar{x})^2 \right] = 0$$

β ўрнига тенглама (16) ни келтириб қўйганимиздан кейин соддалаштиришни амалга ошириш асосида қуйидаги тенгликка эга бўламиз:

$$\sum_{i=1}^N (y_i - \bar{y})^2 = \sum_{i=1}^N (y_i - \hat{y}_i)^2 + \sum_{i=1}^N (\hat{y}_i - \bar{y})^2 \quad (22)$$

Бундан қуйидаги боғлиқлик ўринли эканлигини кўриш мумкин:

$$SST = SSE + SSR$$

Юқоридаги боғлиқликка асосланган ҳолда энди биз мосликни баҳолашга хизмат қилувчи коэффициентни келтириб ўтамиз: Бу детерминация коэффициенти бўлиб, R^2 кўринишида белгиланади ва ноль билан бир орасидаги қийматларни қабул қилади $R^2 \in (0,1)$.

$$R^2 = \frac{SSR}{SST} = \frac{\sum_{i=1}^N (\hat{y}_i - \bar{y})^2}{\sum_{i=1}^N (y_i - \hat{y}_i)^2} = \beta^2 \frac{\sum_{i=1}^N (x_i - \bar{x})^2}{\sum_{i=1}^N (y_i - \hat{y}_i)^2} \quad (23)$$

Бундан хулоса шуки R^2 қанчалик бирга яқин қийматни қабул қилса, аниқланган регрессия чизиғи кузатувлар натижасида аниқланган ҳақиқий кўрсаткичларга шунчалик яқин бўлади, бошқача айтганда тасодифий миқдорлар йиғиндиси шунчалик кичик бўлади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Pesaran, Hashem., Econometrics. 10.1057/978-1-349-95121-5_188-1. 1987.
2. Frisch, R., 1936. A note on the term "econometrics". *Econometrica* 4, 1936.
3. Haavelmo, T., "The Probability Approach in Econometrics," *Econometrica*, Supplement to Volume 12: 1–118. 1944. CrossRefGoogle Scholar
4. Samuelson, P.A., T.C. Koopmans and J.R.N. Stone, "Report of the Evaluative Committee for Econometrica," *Econometrica*, 22: 141–146. 1954. Google Scholar
5. K.F. Popper. *The Logic of Scientific Discovery* (London: Hutchinson. 1959), p. 142.
6. M. Friedman. "The methodology of Positive Economics," in *Essays in positive Economics* (Chicago: University of Chicago Press. 1953), p. 14.
7. T.C. Koopmans, *Three Essays on the Stat of Economics Science* (New York: McGraw-Hill, 1957), pp. 142-143.

ЛИЗИНГ МУНОСАБАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**Ф.Й. Юсупова, ўқитувчи, Урганч давлат университети, Урганч**

Аннотация. Ушбу мақолада лизинг ва лизинг муносабатларини ривожлантириши бўйича фикрлар баён этилиб, унинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган ва шулар асосида хулоса шакллантирилган.

Калим сўзлар: лизинг, лизинг муносабатлари, лизинг шартномаси, лизинг компаниялари, агролизинг, хизмат, техника, фойда, рентабеллик, бизнес

Аннотация. В данной статье представлены идеи развития лизинга и лизинговых отношений, проанализированы их особенности и сделан вывод на их основе.

Ключевые слова: лизинг, лизинговые отношения, договор лизинга, лизинговые компании, агролизинг, сервис, техника, прибыль, рентабельность, бизнес

Abstract. This article presents ideas for the development of leasing and leasing relationships, analyzes its specific features and draws a conclusion based on them.

Keywords: leasing, leasing relationships, leasing agreement, leasing companies, agroleasing, service, machinery, profit, profitability, business

Кирриш. Бугунги кунда лизинг хизматлари дунёнинг барча мамлакатларида кенг қўлланилаётган молиявий хизмат турларидан бўлиб, сўнгги йилларда бу хизматнинг ҳажми сезиларли равишда ошиб бормоқда. Республикамизда лизинг амалиётини самарали ривожлантиришга мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ эътибор берилмоқда. Лизинг билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар кенг кўламда ривожланиб, бу борада мамлакатимизда лизинг соҳани ривожлантириш мақсадида бир қанча қарор, фармон ва қонунлар қабул қилинган ва чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Иқтисодий мустақилликка эришмасдан туриб, сиёсий мустақилликни таъминлаб бўлмайди” деган қоидага амал қилган ҳолда биз мамлакатимизнинг иқтисодий кудратини ошириш, жаҳон майдонида унинг рақобатбардошлигини таъминлаш, иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш жараёнларини изчил давом эттирамиз. Бизнинг олдимизда 2030 йилгача мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажмини 2 баробардан зиёд ошириш, бунда саноатнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 33,5 фоиздан 40 фоизга етказиш вазифаси турибди” [1].

Юқоридаги мақсадларга эришиш учун лизинг муносабатларини амалга оширишга қаратилган қўшимча имкониятларни амалга ошириш зарур бўлади. Лизинг компаниялари томонидан корхоналар, фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ҳар томонлама қулай ва манфаатли бўлган янги лизинг хизматлари таклиф этилиши соҳанинг янада ривожланишига замин яратади. Шунга асосан, лизингнинг ривожини бундан кейин иқтисодий тараққиётни оширишга хизмат қилади.

Республикамиз компаниялари орасида лизингни тобора кенг тарқалган ҳодисага айлантирадиган асосий сабаблар – бу қимматбаҳо ускуналарни ўз балансида сақламаслик ва асосий воситаларнинг тезлаштирилган эскиришидан фойдаланиш, бу солиқ юкини пасайишига олиб келади. Лизинг компаниялари хизматлари ёрдамида кўплаб маҳаллий корхоналар инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш имкониятига эга бўладилар.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегияси давлат дастурининг учинчи йўналиши иқтисодиётни ривожлантириш ва фаол тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга бағишланган бўлиб, бу борада мамлакатимизда лизинг соҳасини ривожлантириш мақсадида бир қанча қарор, фармон ва қонунлар қабул қилинган ва чора-тадбирлар амалга оширилмоқда [2].

Адабиётлар таҳлили. Лизинг муносабатларининг шаклланиш босқичлари лизинг сўзининг келиб чиқиши билан боғлиқ. Бу бўйича турли таърифлар берилган. Лизингнинг мазмуни ва моҳияти бўйича дастлаб Аристотель эрамиздан аввалги 382-384 йилларда қуйидаги фикрларни юритган: “Бойлик эгаллик қилишда эмас, балки ундан самарали фойдаланишдадир”. Яъни, бу фикрда кишининг даромад олиши учун қандайдир бир мулкка албатта эгаллик қилиши шарт эмаслиги, балки ундан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиши ва натижада фойда олишнинг ўзи кифоя қилиши келтирилган.

Аммо, лизинг тарихан ўз ғояси ва ҳуқуқий мавқеига эга бўлса-да, унинг ривожланиш босқичи XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг дастлабки йилларидан бошланган. Хусусан, “лизинг” сўзи инглизча бўлиб, “lease” атамасидан келиб чиққан ва тахминан, “мулкни ижарага бериш” ёки “мулкни ижарага олиш” маъносини билдиради ва иқтисодий луғатга 1877 йилда киритилган. Шуларга асосан, лизингни тадбиркорлик тури бўлиб, вақтинчалик бўш бўлган ёки қарз қилиб олинган пул маблағларини инвестиция қилиш орқали лизинг шартномаси асосида лизинг берувчи лизинг

шартномасида кўрсатилган мулкни, аниқланган сотувчидан сотиб олиш ва лизинг олувчига тадбиркорлик учун аниқланган тўловлар асосида вақтинчалик фойдаланишга етказиб бериш мажбуриятларини оладиган фаолият деб талқин қилиш мумкин.

Иқтисодий ривожланган мамлакатлар учун лизинг алмаштириб бўлмайдиган молиявий ричагдир, чунки лизинг фаолияти бутун дунёда иқтисодиётни ривожлантиришнинг энг қулай усулларида бири сифатида тан олинган.

Ҳозирги кунда келиб, лизинг муносабатларининг ривожланиши натижасида унга берилган таърифлар такомиллашди. Хусусан, лизинг – бу бизнеснинг молиявий, бухгалтерия, юридик ва солиққа тортиш масалалари билан боғлиқ кўплаб ҳал қилинмаган куннинг долзарб мавзуси бўлиб хизмат қилади [3]. Иқтисодий нуқтаи назардан лизингни “икки томон ўртасида тузилган шартнома” деб таърифлаш мумкин: бир томон бошқа томонга белгиланган тўловлар эвазига маълум муддатларда фойдаланиш учун актив тақдим этади [4].

Халқаро молия корпорацияси (ХМК) мутахассислари томонидан у қуйидагича талқин қилинган: “Лизинг – бу мулк муносабатлар мажмуи бўлиб, бунда бир тараф иккинчи тарафнинг топшириғига биноан, учинчи тарафдан лизинг шартномасида шартлашилган мол-мулкни мулк қилиб сотиб олади ва уни шу шартномада белгиланган шартлардаги ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг олувчига маълум муддатга беради [5]”.

Европа лизинг компаниялари уюшмалари федерациясининг таърифида кўра, лизинг деганда ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланиш учун асосий ишлаб чиқариш воситаларини, шунингдек бошқа товарларни ижарага олиш тушунилади. Айни вақтда лизинг битимида кўра, лизинг берувчи битим охиригача мулкчилик ҳуқуқини сақлаб қолади [6].

Лизинг муносабатларини ривожлантириш мақсадида лизингнинг моҳиятини аниқлаш бўйича иқтисодчи олим И.О.Лаврушин ўзининг илмий тадқиқотларида лизингни машина ва ускуналарни узок муддатга ижарага бериш ёки ижара берувчи томонидан ижара олувчига ишлаб чиқаришда фойдаланиш мақсадида сотиб олинган машина ва ускуналар бўйича ижара шартномаси деб талқин қилиб, бунда мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи шартноманинг тўлиқ муддати давомида ижара берувчида сақланиб қолишини таъкидлаган [7].

Республикамизда лизингга берилган таърифлар асосида у билан боғлиқ муносабатлар ривожланиб, натижада қонуний ва ҳуқуқий ислохотлар такомиллашиб борди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 1999 йилдаги 14 апрелдаги “Лизинг тўғрисида”ги қонунда лизинг ижара муносабатларининг алоҳида тури бўлиб, унда бир тараф ёки лизинг берувчи иккинчи тараф ёки лизинг олувчининг топшириғига биноан учинчи тараф, яъни сотувчидан ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг шартномасида белгиланган шартларда бериб қўйиш мақсадида мол-мулкни олади, деб белгиланган [8].

Шуларга асосан, лизинг кредитлашдан фарқли ўлароқ, лизинг муносабатлари шароитида фақат эгалик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиш ҳуқуқи мавжуд бўлади ҳамда мулкдорлик ҳуқуқидан фарқ қилади. Унга асосан, лизинг олувчи мазкур мол-мулкнинг сотувчисини ўзи танлайдиган бўлса, унинг бир ўзи қарз олувчи, ижарачи ва харидор вазифасини бажаради.

Кейинчалик, лизингга берилган таърифлар такомиллашиб борди ва бу бўйича Д.Г.Газибеков ва О.Ш.Собировлар лизинг хусусиятини аниқлаш бўйича унга “қарз беришга асосланган махсус ижара муносабатлари орқали вужудга келадиган иқтисодий-ҳуқуқий, шу жумладан, молия-кредит муносабатлари мажмуидир” [9] деб хулоса қилишган.

Лизинг муносабатларини амалга ошириш учун унинг хилма хил шаклларида самарали фойдаланиш лозим. Бу борада агролизинг қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Яъни, замонавий шароитда агролизингни бошқариш механизми агросаноат мажмуасининг механизми, яъни асосий ва қўшимча асбоблар билан ўзаро боғлиқ ва бу механизм агросаноат мажмуаси ташкилий-иқтисодий асосини ташкил этиб, ўз навбатида иерархик тизимга асосланади.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида лизинг муносабатларини шакллантиришда минтақанинг агросаноат комплексининг мақсадли кўрсаткичларини асослаш ҳамда ички ресурсларни ва ташқи имкониятларни келажакда ривожланиш учун аниқлаш каби омиллар катта аҳамиятга эга [10].

Шулар билан бирга, лизинг муносабатларини ривожлантириш бўйича хорижлик олимлар турлича ёндашганлар. Бу бўйича турли омил ва унсурлар ўртасида муносабатлар шаклланади ва хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига таъсир кўрсатади. Хусусан, кўчмас мулк ижараси ва самарадорлик ўртасидаги боғлиқлик фирманинг ликвидлик ҳолати орқали текширилади [11].

Шунингдек, Галлардо лизинг имкониятларини кичик бизнеснинг капитал ускуналар ва янги технологияларни ўрта муддатли молиялаштириш имкониятларини кенгайтириш имконияти сифатида ўрганади [12]. Бу эса лизинг муносабатларини ривожлантиришда техника ва технология омилларининг зарурлигини тақозо қилади. Бироқ, қишлоқ хўжалик корхоналарининг аксарият қисмида техникалар

сотиб олиш учун молиявий маблағлар етишмайди. Мазкур муаммони ечишда лизинг жараёни энг кулай механизм бўлиб ҳисобланади.

Таҳлил ва натижалар. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида лизинг ва лизинг хизматлари билан фаолият юритаётган корхона, ташкилотлар сони кундан кунга ошиб бормоқда. Лизинг хизматларини кўрсатишда лизинг компанияларининг салмоғи банкларнинг лизинг хизматларидан кўпайиб, хизматларга талаб ҳам ошмоқда. Шунга асосан, Ўзбекистон Республикасида лизинг ва лизинг хизматлари билан фаолият юритаётган корхоналар қуйидаги жадвалда келтирилган:

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида лизинг ва лизинг хизматлари билан фаолият юритаётган корхоналар ҳақида маълумот
(www.unit of the lessors.uz)

Кўрсаткичлар	Йиллар				
	2014	2015	2016	2017	2018 й. 1-ярми
Лизинг компаниялари:					
Мол-мулк миқдори (млрд.сўм)	592,6	668,2	630,8	963,8	681,0
Улуши	71,7%	78,5%	64,8%	62,0%	87,3%
Банклар:					
Мол-мулк миқдори (млрд.сўм)	233,6	183,0	342,3	589,6	98,6
Улуши	28,3%	21,5%	35,2%	38%	12,7%
Жами:	826,2	851,2	973,1	1553,6	779,6

Жадвалга асосан, Ўзбекистон Республикасида лизинг ва лизинг хизматлари билан фаолият юритаётган корхоналар сони кўпайиб, улар орқали лизинг муносабатлари амалга оширилмоқда. Лизинг компанияларининг фаолиятига банклар ҳам таъсир этиб, улардаги мол-мулк миқдори ҳажмлари ортиб бормоқда. Бу борада қишлоқ хўжалик корхонасига техникани сотиб олишда молиявий имкониятлар яратиб берувчи ташкилот лизинг компанияси ҳисобланади. Мазкур компания Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори билан 1999 йил 30 октябрда ташкил этилган “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” акциядорлик лизинг компанияси фермерларга самарали лизинг хизматларини кўрсатиш бўйича ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Перифразалар эса эвфемизмларга ёндош ҳодиса саналиб, воқеликни инсон кўз олдида келтирадиган даражада тасвирлашга асосланган бўлади. Маълумки, қадимдан кишилар нарса-ҳодисалар ҳақида шунчаки маълумот берибгина қолмасдан, балки уларнинг муҳим хусусиятларини тасвирлаб, қиёслаб, ўзига хос белгиларини тасвирлашга ҳаракат қилишган ва натижада тилнинг тасвирий воситалари шаклланган. Ўзбек тили нутқий ифода воситаларига ўта бой тиллардан биридир. Ана шундай воситалардан бири перифразалардир. Перифразалар ўзбек тилшунослигида ҳам, туркийшуносликда ҳам гарчанд алоҳида илмий тадқиқот объекти бўлган бўлса-да, мазкур ҳодисанинг лингвистик хусусиятлари тўла маънода ўз ечимини кутмоқда. Перифразалар бадий тасвир воситаларидан бири сифатида оғзаки нутқимизда ҳам, ёзма нутқимизда ҳам кўп қўлланилади, тилимиз бойлигини, маъно имкониятларининг нақадар кенглигини кўрсатувчи факторлардан бири ҳисобланади. Периферик бириклар нутқимизни таъсирчан, аниқ, мантиқий ва бетакрор бўлиши учун хизмат қилади. Тилшуносликда сўзларнинг ўзаро муносабати масаласи тадқиқотчилар учун муҳим мавзулардан бири бўлиб, бугунги кунга қадар ўрганилмоқда. Шунга қарамасдан перифраза структурасини ташкил этувчи сўзлар муносабати борасида изланишлар олиб бориш лозимлиги кўзга ташланмоқда.

Перифраза жаҳон тилшунослигида етарлича тадқиқ қилинган ва турлича таърифланади. Тилшуносликда XX асрнинг 70 – йилларидан бошлаб перифразаларга бўлган қизиқиш ўсди. Биринчи бўлиб В.П.Григорьев тадқиқотларида сўз-образ-денотат муносабатлари нуқтаи назаридан лингвистик муаммо сифатида “поэтик нутқни ҳосил қилишнинг энг ёрқин, қизиқарли ва истиқболли усулларида бири” сифатида тасвирланган [7, 122]. Перифразаларнинг экспрессив хусусиятлари, услубий фигуралар ва троплар тизимидаги ўрни ҳамда феъл бирикмали типлари С.Я.Макарова кузатишларида ҳам мавжуд [10, 55]. Бу даврда Ю.Д.Апресян томонидан перифразация моҳиятини очиб беришга қаратилган талқин тилшуносларда алоҳида қизиқиш уйғотди. Инсоннинг ўзи лингвистик перифразациялаш қобилиятига эга бўлади. Яъниким, инсоният хоҳлаган нарса (кенг маънода)ни тафаккурида образли ифодалай олиш қобилиятига эга бўлади [2, 63].

А.Н.Кожин ишларида “ҳодисаларнинг иккинчи номлари”, нутқнинг экспрессивлигини ошириш воситаси сифатида тақдим этилган [9, 89]. Бинобарин, 80-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб перифразага қизиқиш янада кучайди ва ҳосил бўлиш йўллари, перифразаларнинг мавзувий гуруҳлари, семантик-структур турлари, периферик бирикмаларнинг типологик тадқиқи [4, 145], ижодкор асарларида перифразалар қўллаш, диний матнларда перифразаланган бирикмалар тадқиқига алоҳида урғу берилди. Кэтрин Фукс перифразаларнинг турли даражада бўлиш а) локутив (ахборот бериш); б) прагматик (яъни мақсад ва муайян вазиятда тингловчига) таъсирга қараб; в) рамзий (бадий матнларда ҳодисаларни тавсифлашда) усуллари ишлаб чиқди [15, 129]. Француз тилшуноси Ш. Балли перифразаларга “фикр(жумла)ни такрорлашнинг кенгайтирилган шакли” дея баҳо берган [5, 187]. Яна қатор манбаларда перифраза содда тушунчани қийин усуллар орқали таърифлаш (И.В.Арнольд), бир тушунчани бир неча сўзлар орқали аташ (М.В.Ломоносов), феноменнинг мантиқий ифодасини ҳиссий ифодага алмаштириш (А.А.Потебня: “Адабиёт назарияси ҳақида эслатмалар”), образли синоним (А.И.Ефимов), оддий сўзни тавсифловчи бирикма билан алмаштириш (О.С.Ахманова), сўзни кенгроқ ифода этиш (Айтбайўлы Ө.) сифатида тушунтирилади [1, 312]. Перифраза юнонча сиқилган нутқнинг батафсил, кенг тушунтирилгани бўлиб, сўзни бошқа бир сўз билан ифодалаш, бир сўзни изоҳлаш учун сўзларни ўзгартириш [8, 57] сифатида баҳоланади.

Перифраза сўзи аслида грекча бўлиб (paraphrasis), у тилшуносликда «тасвирий ифода» маъносига қўлланилмоқда. Бу ҳақда А.Ҳожиёвнинг «Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати»да қуйидаги изоҳ келтирилган: «Нарса, ҳодисани ўз номи билан эмас, тасвирий усул билан маълум контекст, ситуациядаги характерли белги-хусусияти орқали ифодалайдиган стилистик приём. Масалан, дала маликаси, (макка жўхори)» [17, 67]. Перифразани кўчим турларидан бири сифатида талқин қилган тилшунос олим Р.Қўнғуров саналади. Тилшунос 1983 йилда нашр этилган “Ўзбек тили стилистикаси” қўлланмасида перифразани қуйидагича баҳолайди: “кишиларнинг отларини ёки бошқа предметларнинг номини тўғридан-тўғри гапирмасдан, уларни турли хил сўз ёки тасвирий иборалар

воситасида баён қилиш перифраз дейилади. Бу термин перифраза, парафраз, парафраза деб ҳам юритилади" [18, 203]. Ўзбек тилшунослигида перифраза хусусидаги илмий маълумот, асосан, М.Миртожиевнинг тадқиқотларида мукамалроқ берилганини кўрамиз. Олимнинг таъкидлашича: «Парафразалар маълум бўлаги ёки бўлаклари кўчма маънода бўлиб, улар маъноси синтездан ташкил топган, бир тушунчани билдирувчи луғавий birlikдир. ... Парафраза ҳолида мақом олган бирикмада, гарчи семантик қайта бўлиниш кечган бўлса ҳам, унда синтактик қайта бўлиниш кузатилмайди» [13, 185].

Юқорида билдирилган мазкур икки лингвистик ҳодисани қиёслаш асосида айтиш мумкинки, перифразалар предмет/ҳодисаларни беаб тасвирласа, эвфемистик воситалар салбий бўёқли birlikларни ижобийлаштиради, мулойимлаштиради. Нарса/ҳодисаларни перифразалашда эвфемистик усул, йўл ҳам танланади ва бу жараёни эвфемистик перифразалаш ҳодисаси сифатида баҳолаш мумкин. Иланишларимиз давомида ақлий қобилият, миллий устунлик, туғиш, касаллик, инсон тана аъзолари, ўлим, тажовузкор ҳаракатлар, оилавий муносабатлар, диний тушунчалар билан боғлиқ лисоний тушунчаларнинг публицистик матнларда эвфемистик перифразаланиши кузатилди. Уларни қуйидагича гуруҳлашга ҳаракат қиламиз:

1. Кексайиш билан боғлиқ жараёнларни ифодаловчи эвфемистик перифразалар: қариялар уйи – хайрия уйи; нафақа – муносиб дам олиш.

2. Ақлий қобилиятнинг пастлиги, руҳий касалликларни ифодаловчи тиббий эвфемистик перифразалар: психотрик шифохона – руҳий касалланганлар тиббий муассасаси; галлюцинация – визуал тасвирлар. In fact, the visual images involved were dreadfully clear and, as it were, authoritative ones and they are rising up in front of me at this moment, and I will not write about them [Murdoch A. The Sea, The Sea / A. Murdoch. –Penguin Classics, 2001. – 495 p.].

Таржимаси : Aslida, vizual tasvirlar juda g'aroyib edi, go'yo g'ayrioddiy va ular hozirda mening oldimda paydo bo'ldi, lekin men ular haqida yozmayman.

Ақсиз, ахлоқ, бемаъни сўзлари ўрнида ақлий қобилияти суст, иккинчи даражали одамлар, қоронғу одамлар, lack of intelligence, ill-advised, shortsighted, unintelligent, simple-minded каби эвфемистик перифразалар ишлатилади. Thus, I pass away the time, and this lulls me on to drudge on the end of the chapter with this Dunderheaded Master of mine, who to my knowledge is more a Madman than a Knight (- Miguel de Cervantes, Don Quixote, 1703).

3. Этник қатламни юмшатишда қўлланилган эвфемистик перифразалар.

Оммавий ахборот воситаларида қора танлилар атамаси ўрнида ривожланаётган мамлакатлар аҳолиси, жингалак пигми каби birlikлар, кавказликлар ўрнида шарқдаги биродарлар, тоғ ўғлонлари эвфемистик перифразалар ишлатилиб, нутқнинг таъсирчанлигини оширишга эришилган.

4. Касаллик номларини алмаштирувчи эвфемистик перифразалар. Буларнинг аксарияти асосан шифокорлар нутқида ишлатилади ва тиббий этика жиҳатдан айтилиши ноқулай бўлган, беморнинг руҳиятига салбий таъсир этиши мумкин бўлган касалликларнинг номини яшириш мақсадида қўлланилади. Жумладан: Кўпинча ангинани сохта касаллик, заифлашган томоқ касали деб аташади. Бундай дард ўта нохуш бўлиб, вақтида даволанмаса, жиддий асоратларга олиб келади (Ташхис. 2017й. 23-бет). Климас – аёл умри давомидаги жинсий тизим фаолиятининг ёшга мос сўниши. Гиёҳвандлик-айни вақтда бутун дунёни ташвишга солаётган глобал муаммо (ОАВ). Мохов –энг кўрқинчли касалликнинг давоси борми? (“Даракчи” №40. 04.10.2018. 40-b.) Patients with respiratory viral syndromes (coronavirus disease) are mild or nonspecific will introduce the virus into hospitals, leading to clusters of nosocomial infections. The signs and symptoms of invisible disease (coronavirus disease) are largely indistinguishable from those of other respiratory virus infections (Annals of Internal Medicine, 5 May 2020. P.619).

5. Ўлим сўзи ўрнида ишлатиладиган эвфемистик перифразалар. Оммабоп матнларда соялар дунёси, абадий сукунат олами, абадий уйку, сўнгги қор, resting in peace, eternal rest, gave up the ghost, «the signs of his own decay/ охират яқинлашуви» ёки дафн билан боғлиқ сўнгги йўл, сўнгги сафар каби қатор алмашинувлар учраганлигини кузатдик ва бу бирикмаларда ўлим ҳодисаси шунчаки мулойимлаштирилмаганлиги, балки шулар баробарида бадий тасвирлаш ҳам юкланганлиги хусусида ҳукм чиқардик.

6. Оилавий муносабатларни ифодаловчи эвфемистик перифразалар. Бу турдаги эвфемистик перифразалар 1) интим муносабатлар, 2) оилавий муносабатлар, 3) хиёнат, 4) аёл ва эркак жинси анатомияси билан боғлиқ тушунчаларни бадий, таъсирчан ифодалашда қўл келади ва матннинг ўқувчилар учун ижобий таъсир аҳамиятини оширади. Масалан, Ҳайз ва нифос кўрган аёллар рўза тутмайдилар. Аёллар Рамазонда ҳайзли ёки нифосли бўлиб қолсалар, покланганларида қазосини тутиб берадилар. Бундай ҳолатдаги аёллар ифтордошларига кўрсатмасдан еб-ичишлари исломий одоблардандир (муслим.уз). Уруғланган тухум хужайра бачадонга тушади ва унинг деворига маҳкам ёпишиб олади. Ана шу пайтдан бошлаб бачадонда янги ҳаёт – ҳомила ривожланади (“Shifo-info” №46. 2013.).

7. Тақиқланган диний тушунчаларни ифодаловчи эвфемистик перифразалар: менинг яратгувчим, муқаддас китоб ва бошқалар. Эр – оиланинг раҳбари. Агар эр зиммасидаги вазифаларини рисоладагидек бажарса, ўз-ўзидан аёли ва фарзандлари унга хурмат ва итоатда муомалада бўлади. Оқибатда оилада дўстлик, аҳиллик, муҳаббат ҳукм суради, оила мустаҳкамланади, қут-баракали бўлади (муслим.уз).

Бу сирани яна ҳам давом эттириш мумкин, дейлик, кўринишни юмшатовчи тиббий эвфемистик перифраза, гиёҳвандлик билан боғлиқ тушунчаларни ифодаловчи эвфемистик перифраза каби. Хулоса сифатида айтиш мумкинки, тил шахс ва жамият салоҳияти ҳамда маданияти савиясининг ўзига хос белгиси саналади. Унинг воситасида мазкур даража сифатини билиб олиш мумкин, чунки шахс ва жамият айнан тил орқали ахборот яратади, уни ҳазм қилади, узатади, қабул қилади. Ушбу жараён узлуксиз қайтарилиб, айланиб тураверади. Биз тилга сўзлашиш воситаси сифатидагина муносабатда бўлиб қолмасдан, нутққа кўрк қўшиш учун тил сандигидан вазиятга, ўринга мос таъсирчан бирикмаларни қўллашга аҳамият қаратиб нутқимиз бойлигини оширишга эришишимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Айтбайұлы Ө. Қазақ фразеологизмдері мен перифраздары. Алматы, “Абзал-Ай”, 2013, 400-бет.; Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. М., 1996, с. 312.
2. Апресян Ю.Д. Синонимические средства языка и правила перифразирования//Русский язык в национальной школе. 1972. № 3.
3. Баскова Ю.С. Эвфемизмы как средство манипулирования в языке СМИ (на материале русского и английского языков) //дисс...кандидата фил. наук. – Краснодар, 2006. – 26-с.
4. Базарская Н.И. Вторичная номинация в системе языковых знаков (на материале перифраз английского и русского языков). Автореф. дис... канд. филол. наук. Саратов, 1988.
5. Балли Ш. Французская стилистика. М., 1961.
6. Gaybullayeva N.I. The usage of euphemisms in the speech of doctors// International journal of research in humanities, Arts and literature (ИМПАКТ:ИЖАЛ), 2018. – P.525-532. ИМПАКТ Factor. 3.7943. // Тиббиёт соҳаси тилининг лингвомаданий аспекти // Лингвистика, таржимашунослик, лингводидактика//Халқаро анжуман материаллар тўплами. – Бухоро. 2018.26.09. –Б. 124-127. // Тиббиёт таълимида мулоқот маданиятининг аҳамияти // “XXI аср тиббиёт фанларининг долзарб масалалари” мавзусида 1 -халқаро илмий-амалий онлайн анжуман тўплами. УДК 6.61.613-615. 2019.-Б.304-310.// Шифокор ва бемор мулоқотида тиббий эвфемизмлардан фойдаланиш йўллари // Filologiya masalalari. – Toshkent, 2018. – №3. – В. 31-42.(10.00.00№18)
7. Григорьев В.П. Слово - образ - денотат: К проблеме перифразы // Н.А. Некрасов и русская литература: Тезисы докладов и сообщений межвузовской конференции. Кострома, 1971. С. 122-125.; Григорьев В.П. К проблеме перифразы // Сборник докладов и сообщений лингвистического общества. Калинин, 1974. Т. 4.
8. Даль. В.И. Толковый словарь живого великорусского языка. 3-том, М., 1882, -С. 57
9. Кожин А.Н. Перифрастические построения в языке советской эпохи // Русский язык в школе. 1977. № 4. С. 89-94.
10. Макарова С.Я. Перифраза в современном русском литературном языке (на материале газет) // Содержание и методика преподавания русского языка в средней и высшей школе: Материалы 15-й научно-методической конференции Поволжья. Волгоград, 1972. С. 55-58.
11. Маматов А.Э. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари: Филол. фанлари д-ри... дисс. – Тошкент, 1999. – Б.156-159.
12. Милоенко Е.О. Специфика функционирования эвфемизмов в индивидуальном лексиконе// дисс...кандидата фил. наук. – Курск, 2009. 24-с.
13. Миртожиев М.М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент, 2007. –Б.185.
14. Омонтурдиев А. Профессионал нутқ эвфемикаси (Чорвадорлар нутқи мисолида): Филол. фанлари. д – ри. ...дис. – Т., 2009. – Б.12.
15. Fuchs C. A parafrase linguistica: Equivalencia, sinonimia ou reformulacao? // Cadernos de estudos ling. Campinas, 1985. N 8. P. 129-134.
16. Hojiyev A. Tilshunoslik terminlarining izohli lug'ati. - Toshkent: O'zME, 2002. –В. 124.
17. Ҳожиев А. Лингвистик терминларнинг изоҳли лугати. – Тошкент, 1985. – 67 б.
18. Р.Кўнғуров. Ўзбек тили стилистикаси. Тошкент, 1983.
19. <https://www.psychosocial.com/article/PR270794/18979/>

УЎК 808.5

ДОРИ ВОСИТАЛАРИ НОМЛАРИНИНГ ЛИСОНИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Ф.Х. Қосимова, таянч докторант, Фаргона давлат университети, Фаргона

Аннотация. Мақолада ўзбек ҳамда инглиз терминологик тизимидаги дори воситалари номларининг лисоний хусусиятлари очиб берилган. Хусусан, мазкур тиббий воситалар номлари бир субсистема доирасида тадқиқ қилиниб, уларга икки томондан ёндашилган: ономасеологик ҳамда этимологик. Шунингдек, тадқиқот объекти сифатида ўзбек ҳамда инглиз тиббий терминологик тизимида мавжуд ҳамда амалда энг кўп қўлланиладиган дори воситаларининг савдо номларига

алоҳида тўхталинган. Уларни чуқур таҳлил қилиш натижасида миллий тилда (ўзбек ва инглиз) ифодаланган фармаконимларнинг умумий миқдори тақрибан сарҳисоб қилинган.

Калим сўзлар: фармаконим, халқаро патентланмаган ном, савдо номи, кимёвий ном

Аннотация. В статье анализируются лингвистические особенности названий лекарственных средств в узбекской и английской терминологии. В частности, названия этих медицинских лекарств были изучены в рамках одной подсистемы и были рассмотрены с двух точек зрения: ономастологической и этимологической. Также, отдельно были рассмотрены торговые наименования наиболее широко используемых лекарственных средств в системе узбекской и английской медицинской терминологии как объект исследования. В результате их углубленного анализа было выявлено общее количество фармаконимов, выраженных в национальных языках (узбекский и английский).

Ключевые слова: фармаконим, международное непатентованное название, торговое название, химическое название

Abstract. The article depicts the linguistic features of the names for medicaments in Uzbek and English terminological systems. In particular, they were studied within onesubsystem and were analyzed from twolinguisitic aspects: onomaseological and etymological. Furthermore, the trade names of the most widely used medicaments in Uzbek and English medical terminological systemshave beenanalyzedseparately as an object of research. As a result of their in-depth analysis, the total numbers of famaconyms expressed in both national languages (Uzbek and English) have been revealed.

Key words: pharmaconym, international non-proprietary name, trade name, chemical name

И.С.Квитконинг таъкидлашича, “Ўзлашмаларнинг ўзга тил лексикасида ажралиб туриши уларни худди-ки лексик-семантик тизим таъсиридан ‘муҳофаза қилади’, терминологик майдон доирасидан чиқишини чегаралайди ҳамда бу билан унинг аниқлигини сақлашга ёрдам беради” [1, 69]. Хусусан, тиббий терминологиядаги ўзлашма терминларнинг салмоқчилиги ушбу фикрнинг яққол исботидир. Шунингдек, бизнинг фикримизча, уларнинг кўплиги дунё бўйича умумтушунарлилик хусусиятини ўзида мужассамлаштиради. Бу эса, айниқса тиббий дискурста муҳим аҳамият касб этиб, кўплаб тушунмовчиликларни ҳамда улардан келиб чиқиши мумкин бўлган жиддий хатоларни олдини олишга хизмат қилади.

Айниқса ушбу тамойил элементлари дори воситалари номларида яққол сезилиб туради. Уларни ўзига хос тиббий тилда шаклланган деб бемалол айта оламиз. Чунончи, замонвий тиббиёт дори воситалари номларини ўқирканмиз, улар ўзбек тилидан анча йироқ, алоҳида мураккаб подсистемани ташкил қилишини гувоҳи бўламиз. Асли келиб чиқиши лотин, юнон ва бошқа тиллардан бўлишига қарамасдан, улар ўзбек ҳамда инглиз тиббий терминологик тизимининг бирликларидир; иккала тил лексикасида чуқур жой олган ҳамда кўп қўлланиладиган терминлардан ҳисобланади.

Тилшуносликка дастлаб австриялик олим П.Антрейнер дори воситалари номи деб “фармаконим(юнон. дорилар ва ном)” терминини киритган [2, 461]. Ушбу термин қисқа ҳамда аниқ маънони ифодалаганлиги боис, биз томонимиздан ҳам уни қўллаш маъқул кўрилди. Фармаконимлар дунё бўйича ўзига хос номенклатура турларига эга. Тадқиқотчилар бу борада қуйидагиларни қайд этишади. Мисол учун, Michael J. LeBelle [3, 941]:

1. common name, proper name, generic name
2. brand name, trade name
3. chemical name

каби таснифотни беради. Биринчи категориядаги номланиш тури умумий қабул қилинган дори воситалари номлари тўғрисидадир. Иккинчиси, махсулотни ишлаб чиқарган корхона томонидан қўйилган бренд, яъни савдо номлари. Учинчиси, дори воситаларининг кимёвий таркиби ҳақида маълум қиладиган номланиш туридир.

Рус олимлари (В.Б.Герасимов, Р.И.Ягудина, В.В.Дудченко, Ю.В.Грачева, А.Н.Яворский, Г.Н.Гильдеева, О.В.Соловьева [4, 5]) эса икки гуруҳга ажратади:

1. Дори воситаларининг лотин тилидаги илмий номланиши, халқаро патентланмаган ном;
2. Дори воситаларининг давлат рўйхатидан ўтказилган оригинал номи

Соғлиқни сақлаш вакиллари эса, одатда, дори воситаларининг умумий ҳамда бренд/савдо номлари каби гуруҳларини маълум қилишади.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида [5] эса дори воситаларининг халқаро патентланмаган номи (ХПН) каби таснифот берилади. Бу атама инглиз тилида *International Nonproprietary Names for Pharmaceutical Substances (INN)* каби аталиб, Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (World Health Organization) томонидан тавсия этиладиган ҳамда халқаро миқёсда сўзсиз тан олинадиган номлардир. Шунингдек, олимлар уларни *common, proper, generic names* (ўзб. умумий номлар) деб ҳам аташади. Мазкур характердаги номлар давлат рўйхатидан ўтказилмайди, мажбурий сертификатлаш шарти билан тўғридан-тўғри импорт қилинади ҳамда қўлланилади. Дори ишлаб чиқариш саноати ривожланган давлатларнинг ҳар бирида, шу жумладан, Қўшма Штатлар, Буюк

Британия ҳамда Японияда дори воситалари номенклатурасига масъул ташкилот фаолият юритади. Улар Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотига кўриб чиқиш учун янги дори воситалари номларини такдим этишади. Юртимизнинг расмий ҳужжатларида айнан шу хусусиятдаги номенклатура қўлланилганлиги уларни асосий характердаги дори воситалари номлари эканлигидан далолат беради. Чунончи, куйидаги жадвалда ушбу гуруҳларга мансуб терминлардан бир қанчаси намуна сифатида келтирилди:

Жадвал 1. [6]

№	Халқаро патентланмаган ном	Савдо номи	Кимёвий ном
1.	Парацетамол	Панадол	<i>N</i> -(4-гидроксифенил)ацетамид
2.	Ибупрофен	Мотрин	(<i>RS</i>)-2-(4-(2-Метилпропил)фенил)пропан кислотаси
3.	Азитромицин	Зитромакс	9-Деоксо-9а-аза-9а-метил-9а-гомозитромицин А
4.	Лоратадин	Кларитин	Этил эфири 4-(8-Хлор-5,6-дигидро-1Н-бензо-[5,6]циклогепт [1,2- <i>b</i>]пиридин-11-илиден)-1-пиперидинкарбон кислотаси
5.	Ацетилсалицил кислотаси	Аспирин	2-(Ацетилокси)бензой кислотаси
6.	Гвайфенезин	Муцинекс	3-(2-Метоксифенокси)-1,2-пропандиол
7.	Дифенгидрамин	Бенадрил	2-(Дифенилметокси)- <i>N,N</i> -диметилэтанамин
8.	Оксиметазолин	Визин	3-[(4,5-Дигидро-1Н-имидазол-2-ил)метил]-6-(1,1-диметилэтил)-2,4-диметилфенол
9.	Аторвастатин кальций	Липитор	[<i>R(R*<i>R</i>*)</i>]-2-(4-Фторфенил)-бета,дельта-дигидрокси-5-(1-метилэтил)-3-фенил-4-[(фениламино)карбонил]-1Н-пиррол-1-гептанов кислотаси кальцийли тузи
10.	Формотерол	Зафирон	(<i>R*,R*</i>)-(±)- <i>N</i> -[2-Гидрокси-5-[1-гидрокси-2-[[2-(4-метоксифенил)-1-метилэтил]амино]этил]фенил]формаид

Кўриб турганимиздек, ҳар битта дори воситаси учун 3 хил типдаги номенклатура мавжуд. Биринчи типдаги Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти томонидан, иккинчи типдаги номенклатура дори фирмалари томонидан, учинчиси кимёвий структураси бўйича шакллантирилган номлар саналади. Натижада, тиббий лексикада битта дори воситасини ифодалашда камида 3 та термин ёки термин бирикма қўлланилади. Бу эса ўз навбатида, тиббий фармакология илмий дискурсининг қанчалик катта луғат бойлигига эга эканлигини кўрсатади.

Қайд этиш лозимки, ўзбек тилшунослигида “Фармацевтическая терминология в современном узбекском языке (Замоновий ўзбек тилида фармацевтик терминология)” [7] номли номзодлик иши ҳамда “Русча-ўзбекча-лотинча фармацевтик терминлар луғати” [8] юртимизда бу соҳада қўйилган энг катта қадамлардандир.

Биз фармпрепаратларнинг дорихоналарда ҳамда шифокор рецептларидаги номларини яқиндан кузатиб, уларнинг бренд номлари бошқа турларига қараганда кўпроқ қўлланилишини аниқладик. Шундан келиб чиқиб, амалда кўп қўлланиладиган дори воситалари номларининг лисоний жиҳатини тадқиқ қилиш тадқиқот ишимизнинг навбатдаги мақсадига айланди.

Ўзбек ҳамда инглиз тиббий терминологик тизимида мавжуд фармаконимларни этимологик жиҳатдан тадқиқ қилиб, уларни тўрт гуруҳга ажратишни маъқул кўрдик:

1. Ўзбек тилида ифодаланган фармаконимлар. Бундай фармаконимлар фақат халқ табобатидаги дори воситалари номларидагина учрайди. Мисол учун, *ғоз ёғи*, *илон ёғи*, *зайтун мойи*, *шарқ табиби* ва бошқалар.

2. Инглиз тилидан келиб чиққан фармаконимлар. Улар ўзбек тилига асосан транскрипция ҳамда транслитерация усулида ўзлаштириладиган бирликлар саналади. Жумладан: *Бибикейр/ Babycare* (инглиз. *baby* – чақалоқ, *care* – ғамхўрлик қилмоқ), *Бодиформ/ Bodyform* (инглиз. *body* – тана, *form* – шакл), *Релакса/ Relaksa* (инглиз. *relax* – ҳордиқ чиқармоқ), *Релиф/ Relief* (инглиз. *relief* – енгиллик), *Шугафру/ Sugar Free* (инглиз. *sugar* – шакар, *free* – озод).

Шунингдек, инглизча элементдан ташкил топган гибрид-фармаконимлар ҳам мавжуд. Масалан: *Витарич/ Vitarich* (инглиз. *rich* – бой), *Гринхот/ Griphot* (инглиз. *hot* – иссиқ), *Тайлолхот/ Tylohot* (инглиз. *hot* – иссиқ)

Бундан ташқари, инглиз халқ табобати доирасидан ҳам куйидаги дори воситалари номлари аниқланди: *goose fat*, *snake oil*, *olive oil* ва бошқалар.

3. Рус тилидан келиб чиққан фармаконимларни жамлайди. Хусусан, тўлиқ русча сўздан иборат бўлиши мумкин: *Рыбий жир/ Ribiy jir* (рус. *балиқёғи*), *От кашля* (рус. *йўталдан*); русча компонентдан ташкил топган бўлиши мумкин: *Враггун/ Vraggrip* (рус. *враг* – душман), *Травамакс/ Travamaks* (рус. *трава* – ўт).

Мазкур фармаконимлар этимологик жиҳатдан аслида рус тилидан келиб чиққан бўлса ҳам, улар ўзбек тиббий терминологик тизмининг аъзолари ҳисобланади. Шу сабабдан, улар ҳам тадқиқот ишимизга алоҳида тортилди.

4. Юнон/лотин келиб чиқишига эга фармаконимлар. Масалан: *Антидиаб/Antidiab* (юнон.), *Минифаж/Minifage* (лотин) ва бошқалар.

Тадқиқимиз натижаси ўлароқ, юқорида аниқланган барча намуналар сарҳисоб қилиниб (жами 21 та), ичидан фақат ўзбек ҳамда инглиз тилларида ифодаланган бирликлар ажратилди (*жадвал 1*):

Жадвал 1

Миллий тилда ифодаланган фармаконимларнинг тақрибий статистикаси

Ўзбек тилида	Инглиз тилида	Жами
4	11	15

Ушбу кўрсаткичлардан маълум бўлади-ки, дори воситаларининг савдо номлари ичидан инглиз тилидан келиб чиққан фармаконимлар тиббий терминологик тизимда ўзбек тилидагига қараганда кўпчиликни ташкил қилади. Аниқланган миллий тилимиздаги (ўзбек) фармаконимлар эса фақат халқ табобати доирасидандир; замонавий тиббий дори воситалари ичидан топилмади. Шундан келиб чиқиб, келгусида ўзбек фармпрепаратларининг ономасеологик жиҳатига катта эътибор берилиши керак деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Квитко И.С. Термин в научном документе. – Львов, 1976.
2. Anreiter P. Pharmakonyme: Benennungsmotive und Strukturtypologie vonArzneimittelnamen. — Wien : Ed. Praesens, 2002.
3. LeBelle M. J. (1993). Drug names and medication errors: who is responsible?CMAJ: Canadian Medical Association journal = journal de l'Association medicale canadienne, 149(7), P.941-943
4. В.Б.Герасимов, Р.И.Ягудина, В.В.Дудченко, Ю.В.Грачева, А.Н.Яворский, Г.Н.Гильдеева, О.В.Соловьева. Названия лекарств: рекомендации по рациональному выбору//Ремедиум. – Декабрь, 2005. – С. 4-8.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 449-сон қарорининг 1-илоvasи: <https://lex.uz/m/acts/4906214> (25.10.2020); Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш вазирининг 2019 йил 12 ноябрдаги 96-сон буйруғининг иловаси: <https://lex.uz/m/acts/4631266> (31.10.2020) ва бошқалар
6. https://en.wikipedia.org/wiki/Drug_nomenclature 31.10.2020
7. Касымов А. Фармацевтическая терминология в современном узбекском языке: Дис.канд.филол.наук. Т., 1982
8. Қосимов А.И., Холматов Х.Х. Русча-ўзбекча-лотинча фармацевтик терминлар луғати. – Тошкент: Ибн Сино, 1990. – 128 бет

УЎК 808.5

ПАРЕМИЯ КОНЦЕПТНИНГ ВЕРБАЛ ВОСИТАСИ СИФАТИДА
Д.И. Мирзаева, ўқитувчи, Фаргона Давлат Университети, Фаргона

Аннотация. Мақола концепт атамасини замонавий тилишуносликдаги лингвистик тадқиқотларда кенг қўлланилиши ва когнитив тилишуносликнинг асосий категорияси сифатида ҳам муҳим ҳисобланишини таҳлил қилади.

Калим сўзлар: концепт, паремия, когнитив тилишунослик, концептосфера

Аннотация. В статье анализируется широкое использование термина концепт в лингвистических исследованиях в современной лингвистике и его значение как важнейшей категории когнитивной лингвистики.

Ключевые слова: концепт, паремия, когнитивная лингвистика, концептосфера

Abstract. The article analyzes the widespread use of the term concept in linguistic research in modern linguistics and its significance as the most important category of cognitive linguistics.

Key words: concept, paremia, cognitive linguistics, concept sphere

Замонавий тилишунослик ривожланишидаги асосий тенденциялар, нафақат тил тизимини ҳар томонлама ўрганишни, қолаверса, унинг ҳар бир таркибий қисмини батафсил ўрганишни тақозо этади. Ҳар қандай ходисани ўрганишда тил ва когнитив парадигма ўз мавқеини мустаҳкамламоқда, яъни "билим ҳақида билим олишдаги асосий қарашлар", билимларни сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ муаммоларни кўриб чиқиш натижаси шулар жумласидандир [1:18]. Замонавий босқичда лингвистик бирликлар "улар қандайдир бир ходисани акс эттириш нуқтаи назаридан", инсоннинг оламга бўлган қарашлари ва уларни тилда ифодалаш усуллари, умумий тоифалаштириш ва ахборотни қайта ишлаш механизмлари нуқтаи назаридан, улар инсоннинг бутун когнитив тажрибасини қандай акс эттиришини кўриши, шунингдек, атроф-муҳитнинг таъсири" ёрдамида ўрганилмоқда [2: 5-6].

Когнитив тилшунослик тилни когнитив механизм сифатида ўрганади, маълумотларни кодлаш ва ўзгартиришда муҳим роль ўйнайди, ушбу фан билан шуғулланадиган тил билан бевосита боғлиқ бўлган жараён билимдир, у аслида барча фаолиятнинг марказида туради. Инсон туғилганидан бошлаб, ўз атрофидаги дунёни англашни, баҳолашни ва ундан хулосалар чиқаришни бошлайди [3: 53-55].

Натижада, ҳар биримиз алоҳида тизимга, жуда кўп умумий тушунчалардан иборат дунё ҳақидаги билимга эга бўламиз. Ушбу тизим турли даражадаги мураккаблик ва мавҳум тушунчалар орқали шаклланган. Баъзи олимлар шунингдек, ушбу тизимни "дунёнинг концептуал манзараси" ёки "концептосфера" деб ҳам атайдилар [2: 25].

"Концепт" атамаси замонавий тилшуносликдаги лингвистик тадқиқотларда кенг қўлланилиб, у когнитив тилшуносликнинг асосий категорияси сифатида ҳам муҳим ҳисобланади. Аммо концепт- "ақлий, кузатиб бўлмайдиган категория бўлиб, ва бу эса ҳар хил терминологик ноаниқликлар, қарама-қаршилиқлар ва тушунмовчиликларни изоҳлаш учун катта имкониятлар яратади" [3: 65].

Ушбу мақоламизда биз "концепт" атамасини билим квантини ифодалаб келадиган "глобал ақлий бирлик", "оператив хотира бирлиги, ақлий луғат, концептуал тизим ва миянинг тили", "идеал, мавҳум бир бирлик, инсон фикрлаш жараёнида қабул қилинган тажриба, инсоннинг барча фаолияти натижалари ва уларнинг маълум бир бирликлар шаклида дунё ҳақидаги билимлари" йиғиндиси сифатида тушунамиз [2: 23-24].

Тушунчалар бевосита инсон онгида пайдо бўладиган тажриба, унинг объектив фаолияти, ақлий жиҳатдан инсоннинг онгида мавжуд бўлган бошқа тушунчалар билан ишлаш; лингвистик алоқа ва тил маъноларини мустақил билишда инсон томонидан экспериментал – когнитив асосда шаклландиган бирликлар, назарий ва когнитив (илмий) фаолият каби жараёнларни ўз ичига олади.

Бу жараёнлар кўпинча бир-бирини тўлдириб келади. Н.Н.Болдырев тушунчани фақат бир неча нарсаларнинг комбинацияси натижасидагина шаклланиши мумкин бўлган жараёнлар йиғиндиси деб таъкидлайди [2: 25]. Мавҳум тушунчалар (масалан; севги, оғриқ, гўзаллик, умид, ғазаб ва бошқалар) ни таърифлашда қийинчиликлар пайдо бўлади, чунки улар бизнинг онгимизда шаклланганда уларнинг моҳиятини тўғридан-тўғри тушунолмаймиз ва идрок қилолмаймиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, "концептлар – аниқ нарса эмас, олам доимий ва давомийдир. Уларни алоҳида ажратиш тушунчалар тизимига тўлиқ мос келмайди. Бир нечта объектлар ва ҳолатлар турли хил тушунчалар остида келтирилади, лекин уларнинг баъзилари бир-бирига мутлақо мос келмайди. Бу турли хил концептуал чегараларда жойлашган объектлар ва майдонлардир. Уларнинг белгисини ифодалаш учун тил ноаниқ бўлган сўзлар маъносини ишлаб чиқариши ёки қўшни хулудлардан кириб келган сўзларга мурожаат қилиши керак" [4: 293]. Бу ҳолат бизга фикримизни ифодалаб беришда фразеологик бирликлар ва паремиялар билан содир бўладиган ноаниқликларни конкретлаштиришга ўз ҳиссасини қўшади ва уларни тўғридан-тўғри суҳбатдошга етказишга имкон беради.

Концептосферанинг бирлиги ҳисобланган концепт (тушунча) ҳар доим ҳам оғзаки иборалардан ташкил топмаслиги мумкин, фақатгина энг муҳим тушунчалар тилда ва сўзда оғзаки равишда берилади, фақат бир қисмигина унинг маъносини англатади. Тушунчанинг мазмуни фақат синонимларнинг умумий иштирокида ошқор бўлиши мумкин, таърифлар, гаплар ва матнлар, атамалар шу жумласидандир. Аммо, ҳатто нутқ воситаларининг бутун тўплами ҳам концептни тўлиқ таърифлай олмайди.

Мақоллар бир сўздан ёки гапдан ташкил топган концептни вербал жиҳатдан сўзлаш усулини кенгайтиришга имкон беради. Паремиялар бугунги кунда оннинг асосий барқарор тузилмалари вакиллари деб юритилади. Паремиялар асосан иккинчи даражали номинатив бирликлар саналади ва улар нутқни когнитив англаш асосида амалга оширади, баъзи билимларни қайта ишлайди, уларнинг ўзига хос хусусиятларини лингвистик тарзда акс эттиради, қўшимча усул сифатида дунёни концептуаллаштиради ва категоризациялаштиради. Бундан ташқари, ҳикматли сўзлар орқали инсонларнинг онгида аллақачон мавжуд бўлган нарсалар, уларнинг лингвистик доимийлик концептуал тузилиш элементлари тасвири, баҳолаш ва этник келиб чиқиши аниқланган.

Аммо мақолларда нафақат тўпланган тажриба, билим, этноснинг ахлоқий меъёрлари, шу билан бирга бизга ассоциациятив муносабатнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш йўллари очиқ бериши, дунёни идрок этишининг асоси бўлган алоқаларни тушуниш имкониятини ҳам беради.

Мақоллар миллатнинг маълум бир концепт тўғрисидаги қатъий ғояси, халқнинг ҳаётий фаолияти ва унинг ҳамма учун аҳамият касб этишини ушбу жараёнда яхшилаб ўрганилган тақдирдагина вужудга келишини кўрсатиб беради. Концепт когнитив тизим сифатида тилшунослик нуқтаи назаридан бир хил тилда гапирадиган бутун маданий ҳамжамият фаолиятини бошқаради.

Паремиялар маълум бир миллат вакиллари онгининг муҳим таркибий қисми бўлган тушунчаларни ифодалайди, уларнинг тили ва маданиятида ишлатиладиган концептосфера ядросининг таркибий қисми ҳисобланади. Ушбу тушунчалар шаклланиб бориши билан улар инсоннинг кундалик фаолияти жараёнида акс этади, оламнинг содда тасвири ва уни тушуниш, англаш усули билан ўзаро

боғлиқдир. Бу ҳолат биринчи навбатда ушбу белгиларга эътибор қаратилганда шуни англададики, улар аслида умуман бир-бирига мос келмайдиган қарашлардек туюлади. Бошқача айтганда, интеграл ва дифференциал белгилар тўплами илм-фанда нотўғри талқин қилингани сабабли кўпинча субъектив бўлиб чиқади, аммо кўплаб фойдаланадиган маълум бир тил вакиллари яқин ва тушунарлидир.

Хулоса қилиб айтганда, оламни тил воситасида тушунишнинг экзистенциал усули нафақат илмий томондан, балки универбал жиҳатдан ифодалашда фарқли томонларини кўришимиз мумкин. Кўпгина ҳолатларда тил бирликлари “иккиламчи” когнитив маънога эга бўлиб, улар деярли ҳар доим мажозий маънога эга чиқади, аммо бу ҳолат метафорага боғлиқ бўлмайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Кубрякова Е.С. Языковое сознание и языковая картина мира//Филология и культура: Материалы международной конференции.- Тамбов: Изд-во ТГУ им. Г.Р.Державина, 1999.- С.6-13.
2. Болдырев Н.Н. Когнитивная семантика.- Тамбов: Изд-во ТГУ, 2000.123 с.
3. Попова З.Д., Стернин И.А. Очерки по когнитивной лингвистике.- Воронеж: Истоки, 2001.- 191 с.
4. Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека.- М.: Школа “Языки русской культуры”, 1999.- 896 с.

УЎК 81-13

РЕКЛАМА МАТНЛАРИДА УНДАШНИ ИФОДАЛОВЧИ ТИЛ БИРЛИКЛАРИ МИЛЛИЙ МАДАНИЯТНИ ЎЗИДА АКС ЭТТИРУВЧИ ВОСИТА СИФАТИДА

А.А. Мўминова, PhD, Ўзбекистон Давлат Жаҳон Тиллари Университети, Тошкент

Аннотация. Мақолада турли тизимли тиллар миқёсининг реклама матнларида ундаш категориясининг ҳозирги кунда долзарб, ҳамма юртлар учун муҳим бўлиб оммага кириб келган ва реклама маданиятида тилнинг ўрни ҳақида фикр юритилган. Тил – маданиятнинг оддийгина бир кўриниши, тил – бу маданиятнинг факти, тил бу маданиятнинг асосий бўлаги, тил бу маданиятни ўзлаштиришидаги асосий омили эканлиги ва унга таяниб эҳтиёжга қараб қўллаш мумкинлиги нуқтаи назари тадқиқ қилинган. Реклама матнларини оммага тақдим этишида, инсоннинг ўз она тилини севиши унинг дунёқараши билан боғлиқ бўлиб, ҳар бир сўзнинг миллий маъноси унинг ақл-идрокидан келиб чиқиб етказилиши ва улар реклама доирасида айланиб, тилда мустаҳкамланиб, миллийликни етказиб бериши таъкидланган.

Калит сўзлар: лингвомаданият, реклама, ундаш, миллий ўзига хослик, маданият, восита, тил бирликлари, аспект

Аннотация. В статье рассматривается категория побуждения в рекламных текстах. На сегодняшний день реклама актуальна и важна для всех стран. В разно-системных языках роль языка в рекламной культуре очень важна. Так как, язык - это форма культуры, язык - это факт культуры, язык - ключевая часть этой культуры, язык - ключевой фактор в овладении этой культурой. Представляя рекламные тексты публике, нужно помнить, что любовь человека к своему родному языку связана с его мировоззрением, национальное значение каждого слова передается из его интеллекта, и они циркулируют в рекламе, укрепляя язык и передавая национальность.

Ключевые слова: лингвокультурология, реклама, побуждение, культура, национальная специфика, языковые единицы, аспект

Abstract. The article discusses the category of motivation in advertising texts. Today advertising is relevant and important for all countries. In different system languages, the role of language in the advertising culture is very important. Since language is a form of culture, language is a fact of culture, language is a key part of this culture, language is a key factor in mastering this culture. When presenting advertising texts to the public, one must remember that a person's love for his native language is associated with his worldview, the national meaning of each word is transmitted from his intellect, and they circulate in advertising, strengthening the language and conveying nationality.

Key words: cultural linguistics, advertising, motivation, culture, ethnicity, language units, aspect

Лингвокультурология (лингвомаданиятшунослик) – замонавий тилшуносликнинг янги ва долзарб йўналишларидан бири ҳисобланиб, у тил ёки тил ҳодисалари билан боғлиқ бўлган нутқий мулоқот миллий-маданий хусусиятларининг, халқ менталитетининг тилда намоён бўлишини ўрганади.

Бу фан XX асрнинг 60-йиллари охири 70-йилларда шаклланди, унинг объекти тил ва маданиятнинг бир-бирига боғлиқлик жиҳатини ўрганишдир. Лингвомаданиятшунослик халқнинг маданий мероси ҳамда маънавий-ахлоқий қадриятларининг тилда намоён бўлишини тадқиқ қилади. Лингвомаданиятшунослик объекти доирасига, шунингдек, нутқ этикети ва матн киритилган бўлиб, нутқий этикетда муомала маданияти маданиятнинг бўлаги сифатида қаралади [8, 141].

Лингвомаданиятшунослик тилшуносликнинг ёш, янги соҳаси бўлса-да, бироқ унда бир қанча йўналишлар шаклланиб улгурган. Стилистиканинг лисоний маданият билан ўзаро чамбарчас

боғлиқлигини ўрганувчи йўналиши – стилистик йўналишнинг юзага келганлигини ҳам шу қаторда эътироф этиш мумкин.

Ҳозирги даврга келиб лингвомаданиятшуносликда қуйидаги йўналишлар мавжудлигини таъкидлаш мумкин:

1. Алоҳида олинган социал гуруҳлар, этнос вакилларининг бирор-бир маданий жиҳатдан ёрқин бўлган даврга тегишли лингвомаданиятини, яъни конкрет лингвомаданий вазиятини ўрганиш.

2. Диахроник лингвомаданиятшунослик, яъни бирор этноснинг маълум бир даврдаги лингвомаданий ҳолатидаги ўзгаришларни ўрганиш.

3. Қиёсий культурология турли, бироқ бир-бири билан ўзаро боғланган этносларга оид лингвомаданий ҳодисаларни тадқиқ этади.

4. Чоғиштира лингвомаданиятшунослик. Бу фан соҳаси эндигина шакллана бошлади.

5. Лингвомаданий лексикография. Ушбу йўналиш мамлакатшуносликка оид луғатлар тузиш билан шуғулланади [4, 30].

Ў.Қ. Юсуповнинг фикрича: “Ҳар бир фанда муайян йўналишлар мавжуд. Айрим йўналишлар воқеликни объектив акс эттиролмаганлиги сабабли фан “саҳнаси”дан тушиб кетади, бошқалари воқеликнинг кўп қирраларини объектив акс эттирганлиги учун “умрбоқий” бўлиб қолади” [9, 9].

Маданият ва тил соҳиби ўз умри давомида ундашни амалга оширар экан, аждодларидан қолган меросларга таяниб, уларни янада тўлдириб мукаммаллаштириши мумкин. Бу жараёнда тил ва маданият катта аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда долзарб, ҳамма юртлар учун муҳим бўлиб, оммага кириб келган реклама учун ҳам маданиятнинг, тилнинг ўрни бўлакча. Тил – маданиятнинг оддийгина бир кўриниши, тил – бу маданиятнинг факти, тил бу маданиятнинг асосий бўлаги, тил бу маданиятни ўзлаштиришдаги асосий инструментдир [2, 60-62]. Ҳар бир тил дунёни ушлаб туради, шу билан бирга, уларнинг ҳар бирида ўз олам манзараси мавжуд. Кўриб турганимиздек, тил фақат мулоқот манбаи бўлибгина қолмай, ҳаётдаги муносабатда ҳам атроф-муҳитга нисбатан маълумот улашишда ҳам алоҳида ўринга эга. Тилнинг олам манзарасини инсоннинг ҳаётга, табиатга, ҳайвонотга ва ўзига муносабатга ундаш жараёнида ҳам кузатса бўлади.

Реклама матнларини оммага тақдим этишда, инсоннинг ўз она тилини севиши унинг дунёқараши билан боғлиқ бўлиб, ҳар бир сўзнинг миллий маъноси унинг ақл-идрокидан келиб чиқиб етказилади. Улар реклама доирасида айланиб, тилда мустаҳкамланиб, миллийликни етказиб беради. Инсон ўз она тилини севишининг асосий сабаби у шу тилда илк сўзларини баён этади. Ҳар қандай миллат вакили ўзга тилларни юқори даражада билса-да, ўз она тилига меҳри бўлаклигича қолаверади. Ҳар бир инсон олам манзарасини ўз менталитети, ички дунёси, яшаш тарзи, атроф-муҳити ва дунёқарашидан келиб чиқиб тушунади. Масалан, ўзбекларда шарбат рекламасида *мева* сўзи остида *олма, анор, узум, гилос* кабилар тушунилади; дунёнинг бошқа бурчагидаги рекламанинг *мева* сўзи остида *банан, киви, манго, папая, ананас* англанилиши мумкин. Рекламани етказиб беришда олам манзараси ҳар бир инсоннинг келиб чиқиши ва ҳаёт тарзи билан белгиланади деса муболаға қилинмаган бўлади.

Демак, ундаш жараёнида реклама матнини етказиб беришда тил ва маданият бир-бирига узвий боғлиқ. Маданият олам манзарасини ифодалайди. Тил эса маданиятни етказиб берувчи омилдир. Тил – халқнинг маданияти билан боғлиқ билимларини акс эттирадиган восита.

Маданият тушунчаси қадимийдир. Ўзбек менталитетида ҳозиргача қадимдан қолган, яъни авлоддан авлодга ўтиб келаётган урф-одатлар, анъаналарнинг маданиятдаги ўрни юксак бўлибгина қолмай, таълим-тарбиядаги ўрни ҳам беқиёсдир. Шу ўринда В.В.Воробьевнинг фикри ўринлидир: маданият тушунчаси қадимий, у ҳаракатланадиган ҳамда барқарор, яъни турғун мукаммаллашгандир [2, 60-62].

Маданиятни табиат, жамият ва инсон шакллантиради. Ҳар бир халқнинг маданияти бир-биридан фарқланади. Лекин тўлақонли маданият инсон фақатгина ўзининг эмас, балки бошқа миллатларнинг маданиятини ўрганишидан келиб чиқади. Классик асарларни ўқиш ҳам маданиятга ўз таъсирини кўрсатиб, унинг юқори бўлишига олиб келади.

Маданиятнинг миллий хусусияти унинг қадимдан мерос бўлиб ўтиб келаётган урф-одатларида, халқ менталитетида намоён бўлади.

Ҳар бир халқ ўз менталитети билан ажралиб туради. Менталитет (нем. Mentalität – ақл тузилиши (хусусияти)), менталлик – бир инсон ёки бир неча инсонга тегишли бўлган билимлар мажмуи, миллий урф-одатлар. Менталитет инсонларнинг ахлоқи ва хулқидан келиб чиқиб, уларнинг муомала маданиятида ўз аксини топади, унинг доирасида ақлий ва жисмоний тайёрликни кўриш мумкин. Менталитет инсонларни оламга ва атроф-муҳитга нисбатан фикрларини намоён этади [8, 148]. Менталитет тушунчаси асрлар давомида аждоддан авлодга ўтиб келаётган кадр-қиммат, урф-одат, анъана, одоб-ахлоқга ҳам бевосита боғлиқ.

Менталитет ҳаёт, хулқ-атвор ва хатти-ҳаракатларнинг турли жиҳатларига бўлган шахсий ва жамоавий муносабатларнинг туб асосларини тавсифлайди [6, 41].

Инсон халқ менталитети таъсири остида дунёни ўзича тушунишга интилади ва уни шундай қабул қила бошлайди. Унинг идрокида олам манзараси шакллана бошлайди.

В.А.Маслованинг ёзишича, ҳар хил тилда гапирадиган инсонларнинг олам манзарасида бир хилликни, баъзан эса бир тилда гапирувчиларнинг олам манзарасида ҳар хилликни ҳам учратиш мумкин [4, 51]. Бизнингча, олам манзарасида инсон маданияти ва нималар билан бандлиги муҳим аҳамият касб этади. Инсон олам манзарасини ўз ҳаётининг фаолияти давомида шакллантириб, образлар ёрдамида тушунишга интилади. У олам манзарасини қабул қилишда ўз кечинмалари, яъни ҳис-туйғулари, тафаккури, тасаввуридан келиб чиқади. Чунончи, олам манзарасида, биринчи навбатда, сўзловчи учун оламнинг энг долзарб, энг муҳим хусусиятлари ўз аксини топади.

Реклама матнида тил нафақат хабар берувчи омил, балки хабарни қай тарзда етказишда ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Тилда қайд этилган олам ҳақидаги билимлар аниқ лисоний қарашлар ва миллий-маданий хусусиятлар асосида бу тилда сўзлашувчиларнинг ментал оламини шакллантиради, яъни шахсни ҳаётнинг лисоний манзараси ҳақидаги тасаввур пайдо бўлади, у ҳақидаги билимлари яратилади ва жамланади.

Тил оламнинг лисоний манзарасини шакллантиришда икки жараёнда бевосита иштирок этади: унинг негизида олам манзараси шаклланади; тилнинг ўзи оламнинг бошқа манзараларини изоҳлайди, улар махсус лексика ёрдамида тилга кириб келади ва унга ўзга маданият жиҳатларини ҳам олиб киради [1, 38]. Демак, реклама матнини етказишда тил одамларнинг олам билан боғлиқ тасаввурлари ва билимларини шакллантирувчи ҳамда сақлаб келувчи муҳим қуролдир. Тилда миллатнинг барча сифати намоён бўлади. Тил орқали у олам манзарасини изоҳлайди. Олам манзарасини таҳлил қилиш эса инсоннинг уни қандай қабул қилиши, ўз маданияти миқёсида тушуниши, аниқлашига боғлиқ.

Оламнинг манзараси тилда ўз аксини топади, секин-асга шаклланади. Шу билан бирга инсон олам манзарасини қабул қилибгина қолмай, уни ўз эмоциялари билан бойитади ҳам. Оламнинг чексиз ранг-баранглиги ва яхлитлигини акс эттирувчи лисоний олам манзараси уни ташкил этувчи бирликларга, уларнинг ҳолати, бир-бири билан боғлиқлигига ишора қилади [3, 34]. Шунга биноан, оламнинг лисоний манзараси унинг қандай таркиб топганини кўрсатади.

Н.Ю.Шведованинг таъкидлашича, оламнинг лисоний манзараси “халқнинг асрий тажрибаси орқали ишлаб чиқилган барча мавжуд нарсаларни яхлит ва кўп қисмли олам кўринишида, тил орқали англанадиган қисмлараро алоқалар ва тузилишларда намоён бўлувчи ифодалашни, яъни биринчидан, инсон ва унинг моддий ҳамда маънавий ҳаёт фаолиятини, иккинчидан, уни ўраб турган барча нарсалар: макон, замон, тирик ва ўлик табиат, инсон ўзи яратган афсона ва социумларни лисоний номинациялар ёрдамида амалга ошириш демакдир” [7,16]. Оламнинг лисоний манзараси атроф-борлиқдаги предметлар, воқеа-ҳодисаларни тил воситалари орқали ўзаро бир-бири билан боғлиқ ҳолда, яхлит ва ранг-баранг кўринишларда ифодалайди.

Олам образи ва олам манзараси орасидаги фарқ устида тўхталиб, А.Э.Маматов: «Олам образи – бу шахс тушунчасининг концептуал тизими, қайсики менталлик асосида изоҳланади, олам манзараси эса айнан олам образи, чунки у тил орқали берилади», - дейди [5, 127]. Бу фикрга қўшилган ҳолда, лисоний олам манзараси инсоннинг оламга (табиат, ҳайвонлар, дунё унсури сифатидаги ўзига) нисбатан турли муносабатларини шакллантиришини ва айнан у одамнинг оламдаги хатти-ҳаракатлари, ҳулқ-атвори меъёрларини, олам билан ўзаро муносабатларини белгилашини яна бир бора таъкидлаб ўтишга тўғри келади.

Хулоса қилиб айтганда, олам манзараси инсон дунёга келиб, ўсиб-улғайиши билан бирга шаклланади ва ривожланади. Олам манзараси инсон ҳаёт фаолиятини бошқарувчи тасаввурлар мажмуи, инсон онги, психикаси билан боғлиқ; у одамларнинг ҳулқ-атвори, маданияти кабиларда ҳам ўз ифодасини топади. Ҳар бир тил дунёни ўзига хос равишда кўради ва унинг ташувчиси ўз жумлаларини мазмунан шу манзарага мувофиқ равишда тузиши ва яратиши керак бўлади.

Бу ҳолат тўлалигича реклама матнларида ундаш категорияси ва уни ифодаловчи тил бирликларига ҳам тегишлидир.

Реклама матнларида ундаш категорияси миллий маданиятни ўзида акс эттирувчи турли тизимли тиллар доирасида ўз ифодасини топар экан, у ўзининг ўхшаш ва фарқли томонлари билан ажралиб туради. Ундаш ифодасидаги ўхшаш ва фарқли томонлар, ўз навбатида, тилнинг миллий-маданий (лингвомаданий) хусусиятлари билан белгиланади. Ундашни ифодаловчи тил бирликларининг маданий хусусиятларини тадқиқ этишда, демак, лингвомаданиятшунослик, маданият, менталитет, олам манзараси, оламнинг лисоний манзараси каби атамалар алоҳида аҳамият касб этади.

Француз, ўзбек ва рус тилларида реклама матнларида ундаш категориясини ифодалашда турли тил воситалари (фонетик, лексик, грамматик) иштирок этади. Фонетик воситалар орасида ундашни ифодалашда оҳанг муҳим роль ўйнайди. Айнан оҳанг ўзгариши, унинг интенсивлиги қиёсланаётган ҳар учала тилда ҳам ундашнинг турли хил маъно оттенкаларини етказиб беришда алоҳида аҳамият касб этади ва бунда адресантнинг адресатга муносабати, унинг нутқ маданияти, миллий қадриятларининг негизи намоён бўлади.

Ушбу тилларда реклама матнларида ундаш категориясини ифодалашда фонетик ва лексик воситалар билан бир қаторда грамматик воситалар ҳам фаол иштирок қилади. Улар жумласига сўзнинг асосий ундаш маъносини сақлаб қолган ҳолда янги лексик бирликлар ҳосил қилувчи сўз яшаш воситаларидан тортиб, у ёки бу сўз туркумига мансуб сўзларнинг грамматик шакллари ва синтактик бирликларини киритиш мумкин. Француз, ўзбек ва рус тилларида ундаш категориясини ифодалашдаги энг кўп қўлланиладиган грамматик воситалардан бири бу феълларнинг буйруқ-истак майлидир.

Демак, буйруқ-истак майлида истак тушунчаси муҳим саналади, чунки истак ва буйруқ тушунчаларини бир-биридан ажратиб бўлмайди. Истак бор эканки, буйруқ, руҳсат, тақиқ, маслаҳат семалари билан бирор иш-ҳаракатга реклама матнида ундаш мумкин. Истак бўлмаса, бирор ишга даъват этиш, буйруқ бериш, маслаҳат солиш ҳам бўлмайди.

Умуман олганда, француз, ўзбек ва рус тилларининг реклама матнида ундаш категориясини ифодаловчи тил бирликларини қандай қўллаш мулоқот вазиятлари билан бевосита боғлиқ. Мулоқот вазияти ундаш категориясини ифодаловчи тил бирликларининг функционал-семантик ва услубий жиҳатлари билан биргаликда уларнинг ижтимоий ва миллий-маданий хусусиятларини инобатга олишни ҳам тақозо қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ахророва Р., Шокирова М. О языковой картине мира // Тилшуносликдаги янги йўналишлар ва уларнинг муаммолари: илм.-амал. семинар матер. – Тошкент, 2013.
2. Воробьев В.В. Лингвокультурология: монография. – М.: РУДН, 2008.
3. Гвоздева А.А. Языковая картина мира: лингвокультурологические и тендерные особенности (на материале художественных произведений русскоязычных и англоязычных авторов): дисс. ... канд. филол. наук. – Тамбов, 2003.
4. Маслова В.А. Лингвокультурология. – М., Академия, 2001. – С. 30.
5. Маматов А.Э. Ментальность и менталитет в когнитивной сфере // Тилшуносликдаги янги йўналишлар ва уларнинг муаммолари: илм.-амал. семинар матер. – Тошкент, 2013.
6. Тешабаева Д.М. Оммавий ахборот воситалари тилнинг нутқ маданияти аспектида тадқиқи (Ўзбекистон Республикаси ОАВ мисолида): филол. фанл. докт. ... дисс. – Т., 2012.
7. Шведова Н.Ю. Теоритические результаты, полученные в работе над “Русским семантическим словарем” // Вопросы языкознания. 1999. № 1.
8. Щукин А.Н. Лингводидактический энциклопедический словарь: более 2000 единиц. – М.: Астрель: АСТ: Хранитель, 2008.
9. Юсупов Ў. Тилшуносликдаги янги йўналишлар ва уларда ишлатиладиган айрим ислохотлар // Филология масалалари. – Т., 2011. № 2.

УЎК 81-13

ФОРС-ТОЖИК АДАБИЁТИДА ҒАЗАЛНАВИСЛИК ТАРИХИГА НАЗАР (КАМОЛ ХЎЖАНДИЙ ВА X- XV АСРЛАР МОВАРОУННАХР АДАБИЙ МУҲИТИ)

Д.З. Муқимова, ўқитувчи, Термиз Давлат Университети, Термиз

Аннотация. Ушбу мақолада XV асргача бўлган давр ичида ғазалнинг мустақил жанр сифатида пайдо бўлиши ва шаклланиши тарихи, ғазал жанрининг пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланиши ҳақидаги масалаларни ватандош ва хорижий забардаст адабиётшунослар, жумладан, Шиблий Нўъмоний, Е.Э.Бертельс, И.С.Брагинский, Забехуллоҳ Сафо, Саид Нафисий, Сирус Шамисо, Абдулгани Мирзоев ва бошқалар тадқиқотларида кенг ёритиб берилгани ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калит сузлар: ғазалнавислик, мавжуд, мустақил, жанр, мисра

Аннотация. В статье приведены сведения о том, что возникновение, история и развитие газели как самостоятельного жанра в период до XV века освещены в работах таких соотечественников и зарубежных литературоведов, как Шиблий Нумани, Э. Бертельс, И.С. Брагинский, Забехулла Сафо, Саид Нафиси, Сирус. Шамисо, Абдулгани Мирзоев и др.

Ключевые слова: написание газелей, существующее, самостоятельное, жанр, стих

Abstract. In this proverb, the history of the emergence and formation of gazelles as an independent genre in the period up to the fifteenth century. The issues of the emergence, formation and development of the Gazelle genre are discussed by compatriots and foreign zabardast literary critics, including Shibliy No ' moniy, E.E.Bertels, I.S.Widely covered in the research of Braginsky, Zabehullah Safa, Said Nafisi, Sirus Shamiso, Abdulgani Mirzoev and others.

Key words: treasury, existing, independent, genre, verse

Кириш. Рўдакий давридаги ғазалнавислик тўғрисида Шиблий Нўъмоний билдирган муносабатга кўра, у даврда ғазал мустақил жанр сифатида пайдо бўлмаган, қасиданинг бошланишидаги ташбиб (қасида аввалида келган ёр, табиат ва бошқа нарсалар васфи) ғазал деб аталган [7,55]. Сирус Шамисо қайд этишича, ғазал алоҳида жанр бўлиб амал қилгунича, тағаззул шаклида

мавжуд эди. Табиий, тағаззул нима деган савол пайдо бўлади. Тағаззул қасида аввалида келиб, қасида бошланишидаги байтда ишқ, ошиқлик ёки маъшуқа васфи ёки табиат ва шунга ўхшаш нарсалар ҳақида сўз юритиб, кейин мадҳ этилаётган образга боғлиқ бир ёки бир-икки мисра байт айтилган. Айни шу байтларни тағаззул ва ўша бир ёки бир-икки мисрани таҳаллус (раҳой ва гурез (қочирим) маъносида) деб аташган. Бундан ғазал келиб чиқиши қасиданинг тағаззулидан экани маълум бўлади.

X аср ғазалининг мустақил жанр бўлган ёки бўлмаганлиги масаласини забардаст тожик шарқшунос олими Абдулгани Мирзоев, академиклар Е.Э. Бертельс ва И.С. Брагинскийларнинг қарашларини солиштириб, бу борада аниқ хулосага келган. Унга кўра, Е.Э. Бертельс сомонийлар даврида ғазал истилоҳининг кенг истеъмолда эканини таъкидлаб, Имора Марвазий, Лабибий, Унсурий, Фаррухийларнинг адабий меросида ғазал сўзининг ва Ғазнавийлар салтанати давридаги шеърий парчалар охирида таҳаллуснинг келмаслигини бир далил сифатида таъкидлаб, форс-тожик шеъриятининг илк даврларида ғазал мустақил шеър шакли сифатида мавжуд бўлмаган ва у пайтларда ғазал қасиданинг “насиб” қисмини ташкил қилган деган хулосага келган.

И.С. Брагинский эса айни шу масалага, яъни X асрда ғазал борлигининг тарафдори бўлиб, ғазални X асрдаги мустақил шеър жанрлари бўлган маснавий, марсия, рубоий ва бошқалар қаторига кўшади [2, 92-93].

Мавзунинг долзарблиги ва ҳозирги ҳолати. Тадқиқотчи, бу икки қарашни солиштириб кўриб шундай хулосага келади: 1873 йилдан бошлаб 1923 йилгача X аср шеърияти ҳақида сўз юритган муҳаққиқлар ғазални мумтоз шеъриятнинг бошқа шакллари қаторида мустақил шеър шакли сифатида мавжуд деган тасаввурда бўлганлар. 1924 йилдан бошлаб бу мавзуга бошқача назар билан қараш бошланди. Бунга кўра, X асрда ғазал сўзини назмнинг бир шакли сифатида ишлатиб, тағаззулга ўхшаш қасидадаги насиб тушунилан. Бундай фикрнинг янги тарафдорлари кўп бўлса-да, биринчи билдирилган ақидада бўлган адабиётшунослар кўпчиликни ташкил этади [2, 94]. Шунга қарамай, бу давр шеърлари орасида ошиқона шеърларнинг энг яхши намуналари ғазал шаклида бўлиб, бу ҳодиса форс-тожик шеърияти асосчиси, Мовароуннахрнинг энг машҳур қаламкаши Рўдакий шеърлари билан ҳамбарчас боғлиқдир.

Кейинги асрларда ғазал ривожланиши масаласида академик А. Мирзоев тадқиқот ишларида баён қилинган фикрларга таяниш мумкин. Айримлар ғазалнависликнинг тараққиёт даври ҳижрий V (мелодий XI) аср ҳисоблайдилар, чунки кўпчилик классик шоирларимиз шу даврда яшаганлар. Аммо ғазал вазни тадқиқотчиси Парвиз Хонларийга кўра, ҳижрий V (мелодий XI) аср охирида ғазалнавис шоирлар кўзга ташланмайди [2, 111].

Ғазалнинг бундан кейинги шаклланиши иқтисодий-маданий ривожланиш билан боғлиқ бўлиб, XII асрда Мовароуннахр, Хуросон шаҳарларида иқтисодий-маданий ҳаёт гуллаб-яшнаши, ижтимоий табақаларнинг феодал тузумга қарши идеологиясининг кучайиши ғазалнинг саройдан ташқари шеърий бир шакл сифатида ривожланишига сабаб бўлди. Ғазалнавислик бу даврда жуда гуллаб-яшнади. Бунинг натижаси ўларок, бу шеър шакли XII асрнинг биринчи ярмида шоирлар девонидан алоҳида ўрин олди. Жумладан, Муизий ва Санойи шеърнинг бу шаклига “ғазалиёт” деб алоҳида жой ажратишдики, булардан олдин ўтган ижодкорлар адабий меросида бундай ҳолат кузатилмаганди. 1220 йилда Тўтамишхоннинг бу шаҳарларга ҳужуми моддий ва маданий ҳаётга улкан зарба бўлди ва XIII асрда бу йўналиш бир мунча таназзулга учради. Аммо Шайх Саъдий Шерозий каби бетакрор адабий сиймонинг адабий майдонга келиши Мовароуннахр ва Хуросонда ғазалнавислик ривожланишини таъминлади.

Тажриба. XIV асрнинг биринчи ярмида эса Хусрав Дехлавий, Хожа Ҳасан Дехлавий, Хожа Қирмоний ва бошқа бир қанча ижодкорлар Саъдий ғазалнавислигини давомчилари сирасига қиради. Шунингдек, Салмон Соважий, Носир Бухорой, Ҳофиз Шерозий ва Камол Хўжандийларни бу шеър шаклида ижод этган забардаст шоирлар сифатида тилга олиш мумкин. Бу шоирлар ижодида ғазал жанри тараққиёти тарихининг асосий босқичига кўтарилди. XV аср шоирлари Саъдий, Амир Хусрав Дехлавий, Ҳофиз ва Камол Хўжандийдан мерос қолган бу жанрнинг барча хусусиятларини янада такомиллаштириб, ғазалга яна бир қанча янгиликлар илова қилдилар. Қуйида шу ҳақда мулоҳаза юритамиз.

Ғазал мазмун- мундарижаси

Юқорида таъкидлаганимиз каби, ҳар бир жанрнинг мавқеи ва шаклланиши ҳар бир даврнинг ижтимоий ҳолати билан боғлиқ. Ғазал жанри шаклланишида ҳам бу ҳодиса кузатилади. Агар Рудакий даврида ғазал панд-насиҳат тарзида бўлса, Ғазнавийлар даврида, яъни XII асрда Ҳаким Санойи, Фариддин Аттор Нишопурий ва бу даврнинг бошқа машҳур вакиллари ғазалиётга тасаввуфий мавзулар кириб келиши ва ирфоний терминлардан фойдаланиш кузатилади. Шунинг баробарида, шикоят ва норозилик мавзулари ҳам бу даврда ғазал жанрига кириб келди. Анварий Абевардий каби шоирлар ижодида буни кузатиш мумкин.

XIII асрда адабий майдонга Шайх Саъдий Шерозийнинг кириб келиши ғазал тузилиши, мавзу ва тили жиҳатидан анча илгарилашига сабаб бўлди. Бу борада академик А. Мирзоев шундай дейди:

“Саъдийнинг улуғ ишларидан бири бу ғазалнавислик тилини ишлаб чиққанидир. Ғазал тили ўзига хос хусусиятга эга. У равон, назокатли, латофатли, ҳаловатли бўлиши зарур бўлиб, қасида ва бошқа шеър шакллари хос лексикасидаги сўзлардан фарқли сўзлардан фойдаланиши керак. Ягона қофия ва радифдан фойдаланиш Саъдий ғазалларида мужассам эди. Шунингдек, мувофиқ келувчи вазни танлаш Саъдийнинг ташаббуси эмас эди. Рўдакий адабий меросида кузатилган ва XII асрда кучайган ғазалнинг ҳар бир байти алоҳида мустақил маънога эга бўлиш ҳолати ва илк унсурлар Саъдий ғазалиётида анча кенгайди “(2, 118-119). Дарҳақиқат, Саъдий ва унчага бўлган шоирлар ғазалларидан кўринадики, у ғазал тили, маъно ва тузилиши, байтлардаги мустақил маъно борасида арзирли хизмат қилган ва унинг йўналишини кейинги давр шоирлари ҳам давом эттирганлар. Масалан, XIV асрда Саъдий илгари сурган ғазалнавислик йўналиши нафақат қабул қилинди, балки ғазалда таҳаллус қўллаш, байтлар миқдорига риоя қилиш ва байтда алоҳида мустақил маъно билдиришини йўқотилиши каби унсурлар бу давр ғазалнавислари ижодига мансубдир. Ҳофиз ғазалларида аксарият байтлар алоҳида маъно касб этади. Масалан, “Канори обу пои беду таъби шеъру ёри хуш / *Муошир-дилбаре ширину соқй-гулузоре хуш* “/ (19, 354) матлаълик ғазалида байтлар шу даражада мустақил маънога эга эдики, матлаъ билан мақтаъдан ташқари, бошқа ҳар қандай байтни ғазалдан ажратиб олинса, асосий мазмунга путур етмайди ва ғазал тузилишига шикаст тегмайди. Бу ерда шуни илова қилиш мумкинки, бу даврнинг улуғ ғазалнавислари, хусусан, Ҳофиз ғазалларида ғазал байтларини мустақил маънога эга бўлиши ғазалнависликнинг қонунияти деб қабул қилинганди. Агар Хожа Ҳофиз ғазалларида бу жараён, яъни ғазал байтларининг мустақил маънода ижод қилиш авжига чиққан бўлса, бу даврнинг бошқа бир намояндаси Хожа Камол Хўжандий ғазалиётида ҳам бу қонуниятга амал қилиб, ғазал байтлари миқдорига қатъий риоя қилган, яъни аксари ғазаллари етти байт миқдорига ижод қилинган. Буни шоирнинг ўз ишораларида кўришимиз мумкин. Шоир ўзининг аксари ғазалларида бунга ишора қилган:

*Гуфтаҳои ту, ки бо он задай сикка, Камол,
Ҳафт-ҳафт аст, вале чун зари холис даҳ-даҳ (14, 1057).*

*Маро ҳаст аксар ғазал ҳафт байт,
Чу гуфтори Салмон нарафта зиёд,
Ки Ҳофиз ҳамехонадаш дар Ироқ
Баланду равон ҳамчу Сабъи шидод.
Ба бунёд ҳар ҳафт чун осмон,
К-аз ин чинс байте надорад Имод (14, 1275).*

Шуни қайд этиш керакки, XV аср ғазалнавис шоирларнинг “қайнаб-тошиши” ўзининг самарасини берди. Юқорида ишора қилинган ғазал байтларидаги маъно мустақиллиги ҳукмрон бўлса ҳам, таназулга юз тутиши шу давр ғазалнависларининг янгиликлари эди.

Бу ерда зикр этилган асрларнинг порлоқ юлдузларидан бири бўлган Камол Хўжандийнинг ғазал жанрини муайян бир қолига солгани, ҳар жиҳатдан, хусусан, мавзу ва тузилишидаги хизматларини алоҳида қайд этиб, бир неча нуқталарни айтиб ўтмоқчимиз.

Шайх Камол Хўжандийнинг юқори маънавияти, муҳташам инсонийлиги, ғоявий устуворлиги унинг форс-тожик адабий мактабининг буюк шоирлари Рудакий, Фирдавсий, Носир Хусрав, Умар Хайём, Заҳирий Форёбий, Анварий, Хожоний, Низомий Ганжавий, Аттор, Саъдий Шерозий, Жалолиддин Румий, Амир Хусрав Деҳлавий, Ҳасан Деҳлавий ва бошқалардан сабоқ олгани далили бўлиб, у буларнинг аксариятига эргашган. Камол ижодида тадқиқотчилар буни кўп мартаба қайд этадилар.

Камол Хўжандий мақоми, мартабаси ва латиф сухани ҳақида жуда кўп тазкиралар муаллифлари тўлиқ маълумотлар беришган.

Давлатшоҳ Самарқандийга кўра, “...замонасининг улуғи, одиллар мақбули, хосу авом паноҳгоҳи, давр акобирлари сардори эди. Азиз таъби кўпроқ шоирликка мойиллиги боис, унинг шарофатли зикри шуаро гуруҳида ёзилаётир. Шайхнинг валийлик ва иршодлик даражаси ортиқ бўлиб, шоирлик эса у эришган мартабаларининг пастидир”(10, 305). Шайх Камол шахсияти ва латиф ижодига берилган бу таърифларга бугунгача тадқиқотчилар холис қараб, унинг шеърятини тузилиши унсурларига айнан мана шу таърифилар доирасида қаралади.

Камол Хўжандий ғазалиётининг тузилиш хусусиятлари ва қофия, радиф, хусни матлаъ, мақтаъ, таҳаллус, ғазал байтлари миқдори ва бошқаларни ушбу мавзу доирасида таҳлил қиламиз.

Хулоса. Тожик шеърятини қофия зарурий шеър унсури саналиб, Шамс Қайс Розий бу борада шундай қайд этганди: “вазда бўлсаям, қофиясиз шеър шеър саналмайди” (18, 147). Ҳақиқатан, қофия шеър шаклини аниқлаштириб, услуб пайдо қилиб байтлар охирида оҳанг пайдо қилиб, мусиқийлик яратади. Шунингдек, мазмун учун муҳим восита бўлиб, ғазалнинг руҳий-ҳиссий таъсирини оширади. Хожа Камол Хўжандий қофияланувчи сўзларни қўллаш масаласида жуда закий ижодкорлар сирасидан

бўлиб, у ишлатган қофиялар мусиқийлиги, байт маъносини кучайтириши билан ғазални мукамаллаштирган. Бу фазилатни шоирнинг барча ғазалларида учратиш мумкин:

Илму тақво сар ба сар даъвист, маъно дигар аст,

Марди маънӣ дигару майдони даъво дигар аст (14, 282).

Куйида ғазал қофиялари: «маъно», «даъво», «уқбо», «Мўсо», «тачалло», «аъло», «тақво», «аъмо» ва «Лайло» ғазал сўнгигача сўзнинг маъно ва мусиқийлини таъминлаган. Яна бошқа бир нуқтани алоҳида таъкидлаш жоиз. Хожа Камол бу қофиялардан ташқари Қуръон оятларини ҳам қофия ўрнида ўринли қўллаган.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ:

1. Афсаҳзод А. Камоли Хучандӣ - устои ғазал. – Душанбе: Деваштич, 2005.
2. Мирзоев, Абдулганӣ. Масъалаҳои рӯзгор ва осори Абӯабдуллоҳи Рӯдакӣ (мачмӯаи рисола ва мақолаҳо). – Душанбе: Адиб, 2014.
3. Мирзозода Х. Таърихи адабиёти тоҷик. – Душанбе: Маориф, 1977.
4. Муқаддимаи камолшиносӣ / Таҳияи Баҳром Раҳматов ва Иззатбек Шехимов. – Хучанд: Ношир, 2015. – 504 с.
5. Наврӯзӣ, Асадуллоҳ. Камоли Хучандӣ - холиқи радифҳои латиф // Маводи конференсияи байналмилалӣ «Камоли Хучандӣ: ташаккули адабиётшиносӣ ва ра-вобити адабӣ». – Хучанд: Ношир, 2016.
6. Насриддин, Абдулманнон. Куллиёти осор. Дар ҳафт мучаллад. – Ҷ.1. – Хучанд: Хуросон, 2013. – 608 с.
7. Нуъмонӣ, Шиблӣ. Шеър-л-Аҷам / Тарҷумаи Саидмуҳаммад Тақии Фаҳрӣ Доии Гелонӣ. Ҷ.1. Душанбе, 2016.
8. Пӯлодова Шоира. Мавқеи радиф дар ғазалиёти Камоли Хучандӣ // Маводи конференсияи байналмилалӣ «Камоли Хучандӣ: ташаккули адабиётшиносӣ ва ра-вобити адабӣ». – Хучанд: Ношир, 2016.
9. Родуёнӣ, Муҳаммад. Тарҷумону-лбалоға / Бо тасҳеҳ ва эҳтимоми Аҳмади Оташ. – Техрон, 1362.
10. Самарқандӣ, Давлатшоҳ. Тазкирату-ш-шуаро / Таҳияи Муҳлиса Нуруллоева. – Хучанд: Ношир, 2015.
11. Сагторзода, А. Лутфи сухани Камол ё муқаддимае бар хунари шоирӣ // Фаслномаи илмӣ-адабии Камоли Хучандӣ №4 (8). – Хучанд: Ношир, 2016.
12. Сагторзода А. Такмили бадеи форсии тоҷикӣ. – Душанбе: Адиб, 2011.
13. Саъдиев Садр. Маркази адабии Самарқанд дар шохроҳи таърих. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2012.
14. Хучандӣ, Камол. Девон / Таҳияи Абдучаббори Суруш. – Хучанд: Хуросон, 2015.
15. Хучандӣ, Камол. Девон / Таҳияи Суруш, А., Саидов С. – Хучанд: Андеша, 2011.
16. Хумой, Аллома Чалолуддин. Фунуни балоғат ва санооти адабӣ. – Техрон, 1389.
17. Шамисо, Сирус. Сайри ғазал дар шеъри форсӣ. – Техрон, 1380/2001.
18. Шамси Қайси Розӣ. Ал-Мўъҷам / Бо тасҳеҳи Муаззам Оқой. – Техрон, 1316.

УЎК 81-13

ВИКТОРИАН ИНГЛИЗ АДАБИЁТИДА АЁЛЛАР НАСРИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Х.Э. Муҳаммадова, PhD, доц., Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент

Аннотация. *Мазкур мақолада XIX аср викториан инглиз адабиётида шаклланган аёллар насри таҳлилга тортилган. Викториан адибалар томонидан яратилган романлар аёллар насрининг энг яхши намуналари сифатида эътироф этилган. Аёллар насрининг ўзига хос хусусиятлари романлар мисолида очиқ берилган.*

Калит сўзлар: *аёллар насри, феминизм, роман, аёллар адабиёти, уй устози, тип, сентиментал роман*

Аннотация. *Данная статья анализирует женскую прозу в XIX веке в викторианском эпохе в английской литературе. Романы женских авторов считаются лучшими образцами романов викторианской литературы. Особенности женской прозы раскрыты на примере анализов романов.*

Ключевые слова: *женская проза, феминизм, роман, женская литература, гувернантка, тип, сентиментальный роман*

Abstract. *This article focuses on XIX century women prose in Victorian English literature. Women writer's novels are considered as the best sample of novel of women writings. The specific features of women prose are analysed in the novels of women writers.*

Key words: *women prose, feminism, novel, women literature, governess, type, sentimental novel*

Инглиз адабиётида йирик даврни ўзида камраб олган викториан даври жаҳон адабиёти хазинасини шох асарлар билан бойитишга муносиб хисса қўшди. XIX аср инглиз адабиётида аёл ижодкорлар томонидан яратилган асарлар танқидчилар томонидан илиқ қарши олинди. Гарчанд мазкур даврда аёл ёзувчиларга ошкора ижод қилишига тўсқинликлар қўп бўлишига қарамай улар ўз маҳоратини асарлар мисолида исботлай олишди. Бу эса ўз навбатида адабиётда аёллар насри вужудга келганлигини кўрсатди.

XIX асрда шакланган аёллар насри қандай тарихга эга ва у қандай шакланди деган савол адабиётшунос олимлар томонидан жуда кўплаб баҳс ва муҳокамага сабаб бўлган. Муҳокамага тортилган аёллар насри мавзуси турлича талқин этилган ҳам. Дастлаб инглиз адабиётда XVIII аср охири XIX аср бошларида ижод қилган Жейн Остен дадил қадамлар билан адабиётга кириб келди. Ўз фаолияти давомида олти асар яратди. Унинг асарлари роман талабларига тўлиқ жавоб бериши билан услуб жиҳатидан нозик қочиримларга бой ҳисобланади. У яратган қаҳрамонлар китобхонлар кўнглини чуқур истеҳзо ва мулоим ҳазил фониди сюжетнинг соддалиги билан забт этади. Унинг энг машҳур асарларидан ҳисобланган “Фурур ва Андиша” ўз даврида ҳам катта шухрат қозонган эди. Жейн Остен романини бевосита “Хонимлар романи” дея аташди. Унинг ортидан бирин кетин опа-сингил Бронтелар, Жорж Элиот ва Элизабет Гаскелл адабиётда ёрқин асарлар билан кириб келишди. Адабиётда эндигина шакллана бошлаган аёллар насри дастлаб танқидга учраган бўлишига қарамай китобхонлар томонидан илиқ эътироф этилди.

Аёллар насри атамаси илмий адабиётларда турлича ифода этилган. Хусусан, инглиз ва Америка илмий адабиётларида “woman writings - аёллар адабиёти”, “women prose - аёллар насри ” ва “feminist writers - феминист адибалар” каби атамалар тез-тез учрайди. Инглиз адабиёти тарихига назар ташласак, юқорида кўрсатиб ўтилган атамалар бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилмайди. “Woman writings - аёллар адабиёти” 1752 йилда дастлаб ношир Жорж Баллард томонидан “Етита Ледининг хотиралари” [5.28] асарининг нашр этилиши аёллар адабиётининг вужудга келишига туртки бўла олди. Мазкур асарда ношир айнан аёл томонидан ёзилган хотираларни саралаб олади. 1792 йилга келиб Мэри Волстенкрафт томонидан “Аёл ҳуқуқлари” асарининг яратилиши эса аёлларнинг ҳуқуқ борасида ҳам етарли билимга эга эканлиги ва аёл муаммоси мавжуд эканлигини кўрсатиб берди. Иккала асар муаллифлари аёллар бўлиб, аёллар тажрибасига таянган ҳолда яратилганлиги жамиятда янгича аёллар насри вужудга келганлигини исботлади. Аёллар насрининг илк хусусияти бу аёл тажрибасига таянган ҳолда асар яратиш эди. Адабиётнинг бундай кўриниши XIX асрга келиб ҳақиқий насрга айланди. Эндиликда аёллар насрининг етакчи хусусиятлари бу муаллиф - аёл, марказий қаҳрамон аёл, муаммолар аёллар тақдири билан боғлиқ равишда тасвирлаш услубига айланди. 1970 йилга келиб инглиз адабиётшуноси Элаин Шовалтер аёллар насрига нисбатан “gynocriticism” атамасини қўлади [6.296]. Мазкур атама айнан аёллар насрининг ўзига хослигини кўрсатиб беришга хизмат қилди. Унинг ўзига хослиги роман муаллифи, воқеалар ривожини, услуб ҳамда аёл образини биринчи планда тасвирлашида кўзга ташланди.

XIX асрда шакланган аёллар насри ҳақида инглиз адабиётшунослари турлича ёндашдилар. Инглиз адабиётшуноси Эллен Моэр Жейн Остен ва Харриэт Бичер Стоун ижодига тўхталиб “have written novels, a genre with which literary historians and anthologists are still ill at ease - шундай жанрда ёзишганки, ҳатто адабиётшунослар ва антологлар ҳам аниқлашга қийналишади” [8.196] деб таъкидлайди. Адибалар ўз асарларида маданият ва миллий инглиз характери тўла қонли очиб беришни уйдалаганлиги натижасида “women genres – аёллар насри” [7.295] нинг турли шакллари ҳам ривожланиб борди. Улар орасида ижтимоий-психологик, сентиментал роман, таржимаи ҳол, ҳикоя, иншо ва роман шакли кўп учрайди. Аёл адибаларнинг ижодида журналистик услуб яққол кўзга ташланиб туради.

Аёллар насри XX асрга келиб расман наср сифатида тан олинди. Адибаларнинг ижодида аёллар насри ўзига хос элементлар билан яхлит кўзга ташланиб туради. Хусусан опа-сингил Бронтелар ижодида автобиографик ҳамда гувернантка, яъни уй устози роман типи бош қаҳрамонлар мисолида намоён бўлади. Мазкур образ мисолида кўплаб инглиз қизлари мана шу касб доирасида фаолият юритганлигини биз асарлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Инглиз адабиётшунос олим Пувей Мэри фикрига кўра викториан даврида фаолият юритган “English Woman's Journal” ва “Saturday Review” журналларда қизларини гувернантка, яъни уй устозлари бўлишини истаган оналарнинг хавотирлари ҳақида мақолалар нашр этилган [3.128]. Мазкур фикрга таянган ҳолда таҳлил этадиган бўлсак бундай типдаги романларни “Governess novel - Гувернантка романлари” деб аташ мумкин. Роман гувернантканинг ҳаётини ўзида батамом акс эттиради. Инглиз адабиётшуноси Пул Даниэл Шарлотта Бронтенинг “Жейн Эйр” ва Эмили Бронтенинг “Уайльдфелл Холлик нотаниш” гувернантка романлари сирасига мансуб эканлигини таъкидлаб ўтади [4.225]. Мазкур романларнинг қандай асар типига мансублиги ҳақида кўплаб фикрлар билдирилган, жумладан, Жойс Мосс фикрига кўра юқорида билдириб ўтилган романлар бир нечта роман типига хос эканлиги ва уй устозлари, готик, тарбиявий романлар сирасига мансублигини таъкидлайди [2.221]. Харольд Блум эса “Жейн Эйр” роман шакли, анъаналар ва жамиятдаги ижтимоий муаммоларни кўтариб чиқиши билан викториан танқидчиларини саросимага солди ва у шубҳасиз феминизм кўринишидир [1.4] деган фикрни билдирди.

Жамиятдаги бундай типдаги муаммоларни Э.Гаскелл ўз асарларида биринчи планда тасвирлади. Эндиликда бош қаҳрамонлар тақдири мисолида ижтимоий муаммо биринчи даражага кўтарилди. Айнан Э.Гаскелл ижодида саноат романлари учрайди.

1848 йилда нашр этилган “Мэри Бартон” асарининг мавзуси Шимолдаги саноат марказларида яшайдиган ишчиларнинг аҳволи ва уларнинг аччиқ тақдирини очиб бериш эди. “Мери Бартон” асарида ижтимоий реализм ҳақиқати Чарльз Диккенс эътиборини тортмай қолмади. Адиба “Шимол ва Жануб” асарида Буюк Британиянинг илк саноат даври тасвирланган бўлиб, унда иш берувчилар ва ишчилар ўртасидаги низолар орқали мураккаб характердаги ижтимоий муаммолар олиб чиқилади. Уларнинг ечими эса асар қаҳрамони Маргарет Хейл орқали ўз ечимини топади. Асарда саноат маркази сифатида Мильтон шаҳарчаси тасвирланади. Мильтонда Маргарет йирик саноатчи жаноб Жон Торнтон билан танишади ва у орқали ишчиларнинг аччиқ ҳаётига гувоҳ бўлади. Саноат тарққиёти натижасида ишчилар иш ўринларини йўқотадилар. Мана шу иш ўринларини йўқотмаслик учун ишчилар кураша бошлайдилар. Жаноб Торнтон билан ишчилар ўртасидаги низолар Маргарет Хейл орқали очиб берилади. Маргарет ишчилар олиб бораётган курашга ҳайрихоҳ бўлиб, жаноб Торнтонга тинчлик йўли билан масалани ҳал қилиш мумкинлигини тушунтиришга уринади. Жанубдан келган Маргарет учун Шимолда жойлашган Мильтонда доимо қор ёғарди, оппоқ пахтадан қилинган қор Мильтон шаҳрини қоплаб олганди. Мана шу қор Мильтон аҳолисининг юрагини қоплаб олганди. Жанубда осуда ҳаёт кечирган Маргарет Хейл учун саноат шаҳридаги воқеалар шовқин суронда рўй берарди. Адиба асарларида ишчи аёллар образи кенг намоён бўлади. Адиба ишчи аёллар тақдирини ифода қилишда бевосита Манчестерда юз бераётган воқеалар билан узвий тасвирлайди.

Аёл тақдирини асарнинг бош қаҳрамонлари орқали тасвирлаш услуби Жорж Элиотда ҳам учрайди. Викторинан аъналардан узоқлашмаган Жорж Элиот ҳам замондошлари ижод қилган мавзуларда асарлар ярата олди. Унинг ўзига хослиги шунда эдики, у кўпроқ қишлоқ ҳаёти орқали аёл тақдирини очиб берди. Унинг қаҳрамонлари оддий кишилар: темирчи Адам Бид, тўқувчи Сайлас Марнер, майда фермерлар, қишлоқ руҳонийлари ва бошқа касбга мансуб кишилардир. Ёзувчи табиатан содда, ҳақгўй ва саҳий бу одамларнинг камсукум ҳаётини реал тасвирлашга ҳаракат қилади. Улар орасидан асарига ижобий қаҳрамонлар излайди.

Жорж Элиот реализмнинг кирралари унинг “Флоссдаги тегирмон” (The Mill on the Floss, 1860) ва “Миддлмарч” асарларида кўринади. Масалан “Флоссдаги тегирмон” романининг қаҳрамони Мэгги Талливер қишлоқдошларига ўхшамасликка улардан ўзини устун кўрсатишга ҳаракат қилади. Бу эса унинг хатоси эди. Мэггининг укаси Том эса ҳаётда опасининг ҳатти-ҳаракатларини тушунмай яшайди. Том онасига ўхшаган бўлса, опаси Мэгги отасининг характерини ўзида шакллантирган эди. Шу боис опа-ука ҳаётда турли характер ва хулққа эга бўладилар, ўзаро келишолмайдилар. Муаллиф романда Англиянинг бир қишлоғи Сенг-Оггсда яшовчи фуқаролар ҳаётидаги хулқ-атвор ва характерларнинг ранг-баранглигини ҳаққоний тасвирлашга ҳаракат қилади. Жорж Элиот ўз ижодида XIX аср инглиз танқидий реализм адабиётида ижтимоий турмуш мисолида шаклланган хулқлар кўрсатиб берилади.

Аёл тақдирини викториан аъналар билан узвий тарзда тасвирлаш услуби викториан адибларга хосдир. Аёлни уй бекаси сифатида тасвирлаш орқали инглиз аёлининг типик қиёфаси намоён бўлиши кузатилади.

Юқорида таҳлил этилган аёллар насри мисолида аёл адибалар ижоди кузатилди. Дастлаб опасингил Бронтелар маърифатли аёл қиёфасини яратиб беришган бўлса, Элизабет Гаскелл ижодида ишчи аёллар намоён бўлди, Жорж Элиот ижодида эса олима, хонанда аёллар образи орқали миллат масаласига ҳам эътибор қаратилди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Harold B. Charlotte Bronte's Jane Eyre Chelsea House InfoBase publishing 2007, -p. 4
2. Joyce M. World literature and its times. Volume IV. Gale group Detroit: New York. 2001. – p. 221.
3. Poovey M. Uneven Developments: The Ideological Work of Gender in Mid-Victorian England. Chicago: University of Chicago Press, 1988.-p. 128-34.
4. Pool D. What Jane Austen Ate and Charles Dickens Knew: From Fox Hunting to Whist—the Facts of Daily Life in 19th-century England. New York: Touchstone, 1993. –p. 225.
5. Rivera A. The History and Importance of Women's Literature. 2017. –p. 28
6. Showalter E. Literature of their Own, Volume II ed. 1999. –p. 296
7. The Encyclopedia of the Novel Edited by Peter Melville Logan. Blackwell Publishing Ltd 2011. –p. 295.
8. Tomkins J. Sensational Design. 1985. –p. 196.

УЎК 81-13

“АСИЛ ВА КАРАМ” ДОСТОНИ ТУРК ВЕРСИЯСИНING МОТИВЛАР ТИПОЛОГИЯСИ

Ў.С. Норбоев, ўқитувчи, Урганч давлат университети, Урганч

Аннотация. Мақолада “Асил ва Карам” достони турк версиясининг мотивлар типологияси таҳлил этилади. Унда олма мотиви, туш мотиви, тоғ ва сувларнинг ошиқларга йўл бериш мотиви, дуо ва бад дуо мотиви, ҳайвонлар билан мулоқот мотиви ва Хизрга алоқадор хомийлик мотиви билан боғлиқ турли воқеалар бошқа версиялар билан қиёслаган ҳолда тадқиқ этилади.

Калит сўзлар: “Асил ва Карам”, турк, версия, мотив, типология, Хизр

Аннотация. В статье анализируется типология мотивов тюркских версий дастана «Асил и Керем». Здесь различные события, связанные с мотивом яблока, сновидения, мотивом содействие гор и вод влюбленным, благословения и проклятия, мотивом общения с животными, а также имеющим отношение к покровительству Хызра, исследуются в сравнительном аспекте с другими версиями.

Ключевые слова: “Асил и Керем”, тюрк, версия, мотив, типология, Хызр

Abstract. This article analyses the typological motives of the epic poem "Asil and Karam" in the turkish version. The article also studies apple motive, dream motive, the motive of mountains and water showing the way to the lovers, blessing and cursing motives, conversation with animals motive patronage motive related to Khizr in comparison with other events.

Key words: "Asil and Karam" turkish, version, motive, typology, Khizr

Мақолада биз сўз юритаётган дostonнинг турк версиясининг озарбайжон версиясига сюжет жиҳатидан жуда яқинлигини қайд қилиб ўтдик. Ундаги мотивлар силсиласи ҳам ўзаро мос келади.

Дostonнинг турк версиясида архаик мотивлар барқарор сақланган.

Биз олдинги фаслларимизда “Асил ва Карам” нинг қадимги сюжети партогенез ҳодисаси билан алоқадорлигини, бироқ мазкур мотив унинг Хоразмда тарқалган версиясида унутилганлигини, шу билан бирга ушбу мотив “Хирмондали” дostonида мавжудлигини аниқланди. Турк версиясида эса ушбу мотив барқарор сақланган. Турк версиясидаги мотивлар силсиласи қуйидагича:

Олма мотиви. Мева орқали туғилиш мотиви жуда қадимий бўлиб, унинг илдиэлари “Таврот”га бориб тақалади.

Ўз навбатида ушбу мотив фольклордаги “Тоҳир ва Зухра”, “Орзу-Қамбар”, “Варқа билан Гулшод” дostonларида ҳам учрайди. “Асил ва Карам”нинг турк ва озарбайжон версияларида ушбу қадимий мотив ўз кучини сақлаб қолган. Унда олма авлод қолдириш унсури сифатида намоён бўлади (Duymaz, 2001; 147).

Туш орқали ошиқ бўлиш мотиви. Уйқу, туш қадимданок кишиларга сеҳрли бўлиб кўринган. Шу сабабли қадимги мисрликлар, юнонлар ва арабларда махсус туш кўриш усуллари хусусида китоблар битилган. Бобил қоҳинлари тушни таҳлил қилиб, хулосага келганлар.

Ушбу сирли ҳодисанинг фольклорда ҳам чуқур излари мавжуд. Кўпгина дostonларда ошиқ маъшуқасини дастлаб тушида кўриб, уни севиб қолиб, эртаси туриб ёрини излаб кетади.

“Эпосда қаҳрамоннинг бирор-бир мева ёхуд тотем ҳайвон сабабли ёки ҳомий рух туфайли дунёга келиши...” [1] кўп учрайди.

Туркларда тушда шароб ичиш орқали ошиқ бўлиш мотиви мавжуд. Бунинг бир томони мусулмонликдан аввалги шомонлар санъати билан ҳам боғланади. Ушбу мотив нафақат Осиё халқларида, балки ғарб адабиётида ҳам учрайди. “Тристан ва Изолда” асари бунга мисол бўла олади (Ваşgöz. 1986:33).

Турк фольклоридagi туш мотивини фольклоршунос Ваşgöz шундай тасниф қилади:

а) йигит, баъзан йигит ҳам, қиз ҳам тушларида пирнинг кўлидан шароб ичиб бир-бирига ошиқ бўлишади.

б) Шароб ичган йигит ва қизнинг вужудида ишқ олови мавж ура бошлади. Йигит қизга илҳақ бўлиб, оғзидан қон келиб, беҳуш ётади.

в) Ногоҳонда бир нотаниш қария бу йигитнинг ишққа дучор бўлганлигини аниқлайди. Соз чала бошлади, соз овозини эшитиб, ошиқ кўзини очади.

г) тушда кўринган қария ошиқ учун ҳомий бўлиб қолади ва унга маслаҳат беради.

д) Ушбу тушдан кейин ошиқ соз ва сўз санъатини эгаллаб, маъшуқаси савдосига тушади (Ваşgöz. 1986: 25-26).

Турк версиясида Карам (Мирза Вей) тушида Кара Султон (Асил) кўлидан шароб ичиб маст бўлади. Бу мотивда ошиқ шаробни пир кўлидан эмас, балки тўғридан тўғри қиз кўлидан ичади. Шундан кейин Карам йиғламоққа бошлади, соз ва сўз айтиш қобилиятига эга бўлади.

Тушида шароб ичиб ёки ичмай ошиқ бўлиш туркий халқлар дostonларида кўп учрайди. Масалан, Хоразмда тарқалган “Мискин ва Гулқанд” дostonида ҳам ушбу мотив кўзга ташланади [2].

Туш билан алоқадор мотивлар Хоразм дostonларида кўп учрайди. Тушида ғойибдан фарзанд бериш мотиви “Тоҳир ва Зухра”, “Ошиқ Қумри” дostonларида, тушида олма воситасида фарзандли бўлиш “Ошиқ Маҳмуд”, хурмо воситасида фарзандли бўлиш “Хирмондали” дostonида кўзга ташланади.

Тоғнинг йўл бериш мотиви. Турк версиясида Карам ўз дўсти Сўфи билан Немрут тоғига етиб келганда тоғ бошини туман қошлаб, қор ва ёмғир ёға бошлади. Карам созини олиб туркий кўшиқ бошлади, булутлар тарқаб ҳаво очилиб кетади. Бу ҳол Чинчибели тоғига келганда яна такрорланади. Қорабоғ тоғига келганда ҳам Карам соз чалиб, кўшиқ айтиб ўзига йўл очади.

Тоғларга мурожаат қилиб туман тарқатиш мотиви ўзбек версиясида ҳам мавжуд.

Сувнинг йўл бериши мотиви. Карамнинг соз ва сўзига қулоқ солиб, сувнинг тўхтаб унга йўл бериши ҳам дostonда архаик мотив сифатида намоён бўлади. Карам ёрени излаб боришда олдида пайдо бўлган ирмоққа мурожаат қилганда, хаёлий кўприк пайдо бўлади ва Карам ундан ўтиб йўлида давом этади.

Дуо ва бад дуо мотиви. Халқ ҳикояларида кўрсатилишича, ошиқлар сеҳрли кишилардир. Уларга Ҳақ тарафидан бода сунилиб, ошиқлар бошқа оддий кишилардан фарқли шахсга айланишади. Улар дуо қилса, эзгулик, бад дуо қилса ёвузлик рўй беради. Ошиқлар қийин вазиятга тушганда дуо ўқиб, ўз мақсадларига эришадилар.

Ўзбек ва туркман версияларида Карамнинг дуо воситасида турналарни ерга тушириш лавҳаси берилган.

Ошиқлар дуо воситасида ҳақиқат ва адолат ўрнатадилар.

Жайронга мурожаат қилиш мотиви. Ошиқлар фақат инсонлар билангина эмас, балки жонли ва жонсиз нарсалар билан ҳам мулоқот қилишга қодирдирлар.

Карам Сўфи билан Асилни излаб боришда жайронга йўлиқиб, Карам ундан маъшуқасининг дарагини сўраганда жайрон Асилнинг манзилини айтиб беради.

Ўзбек версиясида ҳам ушбу лавҳа берилган. Аммо Карам унга мурожаат қилса ҳам жайрон мулоқотга киришмайди. Чунки Хоразм дostonларида ҳайвон билан сўзлашиш эпизоди учрамайди.

Ушбу воҳада тарқалган дostonлардаги воқеаларда далиллаш кучли, тафсилотлар ҳаётийликка яқин тарзда баён этилади [3].

Хизрга йўлиқиш мотиви. Туркий халқлар дostonларида эпик қаҳрамонларнинг энг буюк ҳомийси Хизрдир.

Турк версиясида Карам Арзирум тоғига келиб, уч кеча-кундуз тоғдан оша билмасдан қолиб кетади. Шунда созини қўлга олиб Ҳудога мурожаат этади. Ўша заҳоти унинг олдида бир дарвиш пайдо бўлиб, отини орқасига уни миндиради ва “кўзингни юм” дейди. Сал ўтмай уни манзилига келтиради ва “кўзингни оч” дейди. Мазкур лавҳа барча версияларда мавжуд. Аммо Хоразм версиясида “кўзингни юм”, “кўзингни оч” каби иборалар “Ошиқ Албанд” дostonида учрайди. Ушбу лавҳалар доимо туркий халқлар дostonларида алмашиб такрорланади.

Кесик бош (калла) билан мулоқот мотиви. Дostonнинг турк ва озарбайжон версияларида Карамнинг кесилган бош (калла) билан савол-жавоб қилган лавҳаси бор. Бу лавҳа Ўрта Осиё версияларида йўқ.

Ушбу мотив ҳам жуда қадимий бўлиб, унинг дастлабки манбалари Эрон мифологиясига бориб тақалади. Кейин мазкур мотив туркий халқлар фольклорига, ундан ўтиб, ғарб адабиётига етиб борган. Шекспирнинг “Ҳамлет” асарида ҳам ушбу мотивнинг изларини кўриш мумкин (Dumaz, 2001:158).

Вайронага дуч келиш мотиви. Турк версиясидаги мазкур мотив ҳам илгариги кесик бош, жайрон, Хизрга алоқадор мотивлардан бўлиб, дунёнинг ўткинчи эканлигини ифодалаш рамзидир.

Карам вайрона билан мулоқотга киришар экан, бу маскан ҳам бир вақтлари гуллаб-яшнаган шаҳар бўлганлигини англайди.

Тиш олдириш мотиви. Мазкур мотив дostonнинг барча туркий версияларида энг ёрқин тарздаги лавҳадир. Карам ўз ёри билан учрашиш учун 32 тишини ҳам кўпортиради, оғзи қонга тўлади, қонни артиш учун даст рўмолини чўнтагидан чиқаради, ушбу рўмол Асилхоннинг совғаси бўлиб, қиз уни дарҳол танийди ва Карамнинг ким эканлигини англайди. Шу аснода Карам дуо этиб, қизни мусулмон динига даъват этади. Асилхонда йигитга нисбатан меҳр юксала бошлайди. Йигит дуодан кейин қўлини юзига сийпар экан, 32 тиши бирдан ўз ўрнини эгаллайди. Ушбу охириги ҳодиса Ўрта Осиё версияларида берилмаган.

Оҳ чекканда оғзидан ўт чиқиши мотиви. Дostonнинг бизга маълум бўлган туркий ва нотуркий версияларининг барчасида олов мотиви ўз ўрнини барқарор сақлаб қолган. Ушбу ҳодиса уни қадимий хоразмийларнинг зардуштийлик дини билан боғласа ажаб эмас.

Турк ва озарбайжон версияларида ушбу мотив янада юксакроқ даражада намоён бўлади.

Карам Асилхоннинг отаси кийдирган тилсимли нимча тугмаларини еча олмай бир оҳ чекади ва оғзидан ўт чиқиб ёна бошлайди.

Турк олимларининг қайд қилишларича ушбу мотив “Тоҳир ва Зухра”нинг турк версиясида, “Ярали Маҳмуд” ҳикоясида ҳам учрайди (Özarslan, 2006: 110).

Сеҳрли нимча мотиви. Мазкур мотив дostonнинг барча версияларида финал сифатида берилади. Турк версияси ҳам олов билан ниҳоясига етади. Ушбу версияда Карам Асилнинг кийган нимчасини дастлаб соз воситасида очишга уринади, бўлмайди, кейин қўли билан оча бошлайди, аммо тугмалар очилиб бўлгач, яна қайтадан ёпилади. Ўрта Осиё версияларида бу ҳодиса кузатилмайди.

Турк олимларининг қайд қилишларича, ушбу мотив сеҳрли мўй, сеҳрли писта, сеҳрли узук тарзида бошқа дostonларда ҳам учрайди (Alptekin, 2005:298).

Туркий халқлар фольклорида фетиш сифатида кўплаб предметлар тилга олинади. Ушбу мотивнинг тарихи анимизм билан алоқага киришади. Достоннинг Хоразмда тарқалган вариантларида ҳам фетиш ҳодисаси ёрқин тасвирланган.

Карам билан Асилнинг ёниши мотиви. Турк версиясида тугма ечиш анча узоқ давом этади. У бу муаммо билан тонг отгунча машғул бўлади.

“Алқисса тонг отиб, кун туғди, Карамнинг юрагига бир ташвиш тушди. У ўйлади: Энди мен халқнинг юзига қандай қарайман, мақсадим ҳосил бўлмади, деб бир оҳ чекди, оғзидан олов зоҳир бўлиб, тепасидан қора тутун ўрмалади. Асил қараса Карамни олов ўраб олаётир (Öztürk, 2006:156).

Асил унинг кули бошида 40 кун ўтирди, кейин кул тарқай бошлади. У сочи билан кулни бир жойга йиғаетганида ўт чиқиб аста-секин ёниб кулга айланди ва унинг кули Карамники билан қўшилиб кетади.

Карам билан Асилнинг ёниши мотиви ҳам энг қадимги асотирларга алоқадор бўлиб, арабларнинг “Минг бир кеча” эртакларида ҳам кўзга ташланади.

Турк олими Дуймаз ўтда ёниш мотивини тасаввуф адабиётидаги какнус қуш билан боғлайди (Duymaz, 2001: 169).

Афсоналарга кўра какнус қушнинг овози соз, куйнинг пайдо бўлишига сабабчидир. У минг йил яшаб ўз жуфтига эга бўла олмаган ва умрининг охирида ўзидан насл қолдира олмагани учун жисмини ўтга ёққан ва кулга айланган. Ўша кулдан қуш тухуми пайдо бўлиб, барча қушлар ўша тухумлардан чиқиб, ҳаётга қадам қўйган.

Бинобарин, олма (партогенез), тушда ошиқ бўлиш, оҳ чекканда оғзидан ўт чиқиш, тилсимли нимча, Карам ва Асилнинг ёниб кулга айланиши каби қатор мотивлар турк версиясининг ўзига хослигини намоён қилади. Достондаги қадимий мифик лавҳалар, тасаввуф адабиёти билан боғлиқ дуо ва банддуолар, улар воситасида турли эпик тўсиқларнинг баргараф бўлиши асарнинг бадий юксаклигига баракали таъсир этган. Шу сабабли ушбу халқ ҳикояси бутун турк оламида ва турк бўлмаган кўплаб халқлар ижодида ҳозиргача ўз машҳурлигини сақлаб келмоқда.

Турк версиясининг ўзига хос яна бир томони шу ердаки, ушбу асарда энг қадимги асотирлар барқарор сақланиб қолган. Ўрта Осиё туркий халқлари ижодида тарқалган версияларда достон эволюцияси анча устуворлик қозонади. Уларда турк версиясидаги архаик мотивларнинг анчаси тушиб қолган ёки қайта ишланган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Эшонкул Жаббор. Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадий талқини. –Т.: Фан, 2011. –Б.174. (302)
2. Ошиқнома, II китоб, Урганч, “Хоразм”, 2006. 207-бет.
3. Рузимбаев С. Специфика, типология и поэтика Хорезмских дастанов. АДД. –Т.: 1990. –С.11.

УЎК 808.5

ЎЗБЕК ТИЛИ ЗАРАФШОН ВОҲАСИ ШЕВАЛАРИДА ТАБУ ВА ЭВФЕМИЗМЛАР

Г. Норова, ўқитувчи, НавДПИ, Навои

Аннотация. Ушбу мақола Зарафшон воҳаси ўзбек шевалари лексик қатламини ташкил этган табу ва эвфемизмларни ўрганишга бағишланган. Мақолада табу ва эвфемизмларнинг юзага келиши, улардан халқ тилида фойдаланишнинг аҳамияти, уларнинг тилимизни бойитишидаги ўрни кенг таҳлил қилинган. Шунингдек, табу ҳодисасига боғлиқ ҳолда эвфемизмларнинг юзага келиши, эвфемизмларнинг қўлланиш воситаларига кўра турлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: табу, эвфемизм, нутқ, тафаккур, умумнутқий, менталитал, хусусий нутқий, фактик материаллар, эволюцион жараён

Аннотация. Статья посвящена изучению табу и эвфемизмов, составляющих лексический пласт узбекских диалектов Зарафшанского оазиса. В статье анализируется появление табу и эвфемизмов, важность их использования в просторечии, их роль в обогащении нашего языка. Анализируются возникновение эвфемизмов в связи с феноменом табу, виды эвфемизмов по способам применения.

Ключевые слова: табу, эвфемизм, речь, мышление, общее, психическое, частная речь, фактический материал, эволюционный процесс

Abstract. This article is devoted to the study of taboos and euphemisms that make up the lexical layer of the Uzbek dialects of the Zarafshan oasis. The article analyzes the emergence of taboos and euphemisms, the importance of their use in the vernacular, their role in enriching our language. The occurrence of euphemisms in connection with the taboo phenomenon, the types of euphemisms according to the means of application are analyzed.

Keywords: taboo, euphemism, speech, thinking, general, mental, private speech, factual material, evolutionary process

Ўзбек тили асрлар оша ривожланиб, тараққий этиб келган. У кўп асрлар давомида сайқал топиб, силлиқланиб, мукаммаллашиб, халқ тилидан озикланиб, унинг заминиди бойиган ва ўзининг луғат таркибига эга бўлган. Ҳақиқатдан ҳам, Э.Бегматов таъкидлаганларидек, тилнинг асосий луғат фонди ўз моҳиятига кўра узоқ тарихий даврлар маҳсули, аниқроғи тилда узоқ даврлардан бери узлуксиз кўлланиб келаётган сўзлар системаси, занжиридир [1]. Дарҳақиқат, “Неча минг йиллардан бери тилда воқеаланиб келаётган ўсиш-ўзгаришдан иборат мунтазам ҳаракат тил тирикчилигини таъминлайдиган, унинг узун умрига тиргак тутадиган ва шу тариқа унинг соҳиби бўлган қавмнинг югурик замон ва юмалоқ макондаги қадру қимматини саломат сақлайдиган бемисл бир қудратдир. Шунинг учун ҳам тириклик рутбасидаги тил ҳеч қачон тамоман қотиб қолган сокин ҳолатда эмас, балки ҳамиша ҳаракат отлиғ ҳаёт ичида бўлади, ана шу ҳаракат уни замонлардан замонларга тўрт кўз тугал олиб ўтади” [2].

Шуни алоҳида айтиш лозимки, ўзбек тилининг ривожланиши, тараққий этишида ўзбек шеваларининг, жумладан, Зарафшон воҳаси ўзбек шеваларининг ҳам ўрни бор, албатта.

Тадқиқ этилаётган мазкур ҳудуд ўзбек шеваларининг ўзига хос томонлари ушбу ҳудудда жойлашган Самарқанд, Бухоро, Кармана каби қадимий шаҳарларда яшаётган аҳолининг этник таркиби билан боғлиқлиги, мазкур ҳудудлар қарлук, қипчоқ, ўғуз лаҳжаларининг ўзаро мулоқот ҳудуди эканлиги, шунингдек, Самарқанд ва Бухорода мавжуд традицион икки тиллилик, ўзбек-тожик тилларининг сақланиб келинаётганлигидадир. М.Мирзаев таъкидлаганларидек, икки тиллилик – бу иккита мустақил тилни (ўз она тилини ва бошқа иккинчи бир тилни) билиш демақдир. Шунинг учун икки тиллилик ўз моҳиятига кўра икки томонлама процесс бўлиб ҳисобланади. Ўрта Осиёдаги икки қардош халқ ўзбек ва тожик халқларининг тили ўртасидаги бу муносабат оқибат натижада мазкур тиллардан ҳар бирининг луғат таркибининг характерини белгилаб берди [3]. Самарқанд ва Бухоро шеваларида икки тиллилик мавжуд бўлсада, мазкур ҳудудларда қипчоқ ва қарлук лаҳжасида сўзлашадиган аҳоли кўпчиликни ташкил этади. Бухоро шеваларида асосан қорлук лаҳжасида сўзлашадиганлар кўп бўлса, қипчоқ шеваларини тасниф қилган Х.Дониёровнинг таъкидлашларича, Самарқанд шаҳрини қипчоқ диалектларининг классификация қилиш, тилларга бўлишнинг марказий нуқтаси қилиб белгилаш мумкин.

Зарафшон воҳаси шевалари бўйича тўпланган фактик материалларнинг таҳлилига кўра ўзбек адабий тилини бойишида мазкур шевалардаги табу ва эвфемизмларнинг ҳам аҳамияти каттадир.

Ўзбек тили ва ўзбек шеваларида табу ва эвфемизмлардан турли услубий мақсадларда қўллашда, нутқ ва тафаккур маданиятини ўстиришда фойдаланилиб келинган. Улар тилимизнинг луғат таркибини бойитиш учун хизмат қилган. Тилшуносликда табу ва эвфемизмларни ўрганишга бағишланган қатор ишлар мавжуд [4]. А.Омонтурдиевнинг эътироф этишича, эвфемизм ўзбек тилининг фактик материаллари тилдан чиқиб кетувчи эскилик қолдиғи эмас, балки уни тилнинг ўзи каби тарихий эволюцион жараёнини бошдан кечирувчи услубий қатлам, соҳа услубшуносликнинг муҳим таркибий қисми сифатида баҳолашга эвфемик маъно мезони ва кўламини назарий ҳамда амалий жиҳатдан асослашга имкон беради [5]. Қадимги даврларда кўп нарсалар илоҳийлаштирилган. Уларнинг номини айтиш ман этилгани учун табу сўзидан фойдаланилган. Эвфемизмлар табу ҳодисасига боғлиқ ҳолда юзага келган.

Ўзбек шеваларидагидек, Зарафшон воҳаси шеваларида ҳам табу сўзлари учрайди. Табу ҳодисасининг юзага келиши халқнинг менталитал хусусиятлари билан боғлиқ бўлган. Қадимда халқлар илоҳийлаштирилган нарсаларга ишонганлар ва бошқа номлар билан атаганлар. Бугунги кунда ҳам табу сўзлар учраб туради. Айниқса, оилада келин турмуш ўртоғининг қавм-қариндошларини номларини айтишда урф-одатларимиз бўйича ҳурмат маъносида турли хил сўзлардан фойдаланади. Келин куёвнинг ота-онасига **мәмә***, **быйь***, **сыйь***, **хллд//хдлд***, **бува//бобб***, **кдттддтд*** // **кдттддтд***, **сддд//дддд*** деб мурожаат қилади. Кейинчалик болаларининг исмини қўшиб Жасурнинг **бувьсь*** // **бувдсь***, **мәмдсь*** деб ўзаро муносабатда бўлганлар. Аввалдан ҳам бошқа халқлар сингари ўзбекларда ҳам турмуш ўртоғининг қавм-қариндошларини номини айтиб мурожаат этиш ман этилган. Бугунги кунда ҳам бундай урф-одатлар сақланган. Келинлар ҳозир ҳам турмуш ўртоғининг опасини **қдйньдпд***, синглисини **қдйньсьнгъл***, қипчоқ шеваларида уларни **Ндргъзд момднг***, **Рустдмбувднг*** деб, агар ака-укалари бўлса уларни ҳам ҳурмат билан **қдйньдкд***, **қдйнькуд*** ёки **укдмүлл***, **дкдмүлл***, уларнинг болаларига **қдйндгдлдрьм*** деб мурожаат этадилар. Бундай урф-одатлар оиладаги ҳурматни сақлаш маъносида ҳам катта аҳамиятга эга томонлари бор, албатта. Кексалар болалар олдида қўрқинчли нарсалар ҳақида гапирганда ҳам табу сўзлардан фойдаланганлар. Улар кечкурунлари ҳайвонларнинг номини айтишмаган, сабаби болалар қўрқиши мумкин деб ўйлаганлар, иккинчидан ҳайвонларни номини бошқа ном билан айтсак улар келмайди деб ўйлаганлар. Тадқиқ этилаётган шеваларда илоннинг номи ҳам, ўзи ҳам қўрқинчли бўлгани учун уни **гдздндд***, **Өрмдлэвчь*** сўзлари билан номлаганлар. **Бўри** йиртқич бўлгани учун ҳам уни **гүрк*** сўзи билан атаганлар. Шарқий қипчоқ шеваларида бўрини **ийтқуш** ёки **қашқыр** деб атайдилар. Самарқанднинг Ургут туманида силни **коксов** дейишади.

Маълумки, эфемик воситалар қўлланиш даражасига кўра аввало икки гуруҳга: 1) умумнутқий. 2) хусусий нутқий эфемаларга ажралади. Умумнутқий эфема ҳамма қўллайдиган - тил эгалари томонидан бир хил тушуниладиган воситалар [6]. Ўзбек шеваларида, жумладан, мазкур шеваларда ҳам умумнутқий эфемалар ҳозирда ҳам кенг қўлланилади. Бу кўпроқ қуйидаги табулаштирилган объектлар учун ишлатилади:

Ўлим тушунчаси билан боғлиқ эфемик воситалар. Ўлмоқ тушунчаси энг кўп қайта-қайта эфемалаштирилган, улар дунёвий тушунчалар билан боғлиқ пайдо бўлган бўлади. Зарафшон воҳаси шеваларида ҳам бундай эфемалар учрайди. Масалан: *ўлди ~ дунёдан оттъ**, *сдлмдн оттъ**, *жонъ узълдъ**, *қазо қълдъ**, *бдлдрънь тдшлдр кеттъ**, *блдръ йсдлғз қлдъ**, *нзут болдъ**// *нзут боллъ**, *қипч. қдйтъш болдъ** каби. Ёш болаларга нисбатан эса *нзвутболдъ**, *беръп қойдък** деб ишлатилади. Ёки кўймоқ тушунчасига нисбатан *қойъпқдйтмдг**, *жййгдбордъ**, *жййгдқоймдг**, *ергдқоймдг** каби эфемик воситалар қўлланилади. Ўлим тушунчаси билан боғлиқ маросим номлари *сқтдшлдр**, *қуйлдк ечмдг**, *дздсчиди**, *қърқ сьндърдъ** каби. Таъзия бўлган хонадонларда ҳам одамлар ўликнинг яқин қариндошларига таъзия билдириш учун *худс сдбрберсьн**, *бдндлкъ**, *худсньнгъшбу**, *хдмдньнгхдм бсшъд бср бу сдвдо**, *қозлдръйъзньсчъйъзлд** каби эфемик воситаларни қўллайдилар.

Оила қуриш билан боғлиқ эфемик воситалар. Туғмоқ тушунчасини ифодалашда мазкур шеваларда *болдлъ бўлди** // *бдчдлъ боллъ** (Карм., Қизил.), *қондйъшдъ**, *қозылашди**, *эсэн-сман кутулдъ**, *бошдидъ** (Хат.), *енгил болдъ**, *снд болдъ**, *қъзлъ ёки оғъллъ болдъ**, *қипч.қоз жарды**, *улли болди.*(Шарқ.қипч.ш.), *женгиллашди**, *тиллаға батыпти**, *пуллы бопты**, *қулунлади** (Ғарб.қипч.ш.) каби эфемалар қўлланилади.

Эргд бермдк тушунчасини ифодалаш учун Зарафшон воҳаси шеваларида қуйидаги эфемалардан фойдаланилади. қорл. *уздтмд(қ**, *турмушга бермоғ**, *эгдсьгд топшърмдг**, *қъзьнь чъқдрмдк**, *жййлдшърмдг** каби эфемалар кўпроқ ишлатилади, қипч. *жайлаштирмақ**, *қуйавга бермақ**, *қуйавгда чъқармақ**, *башини қавиштирмақ** каби.

Ажрашмдк сўзини айтишда мазкур шеваларда қуйидаги эфемизмлардан фойдаланилади. қорл. *срдсь бузьлдъ**, *срдньсчъкъкълмдк**, *сълдсьбузьлдъ**, қипч. *хдтънь минан арасы ачық**, *хдтъньньқойдъ**, *жавабньбердъ** каби.

Бўғоз тушунчасини ифодалашда тадқиқ этилаётган шевада қуйидаги эфемалар қўлланилиши кузатилади. қорл. *сғърсёк**//қипч. *авур аяқлы**, *жуклы**, *ьккъкдт**// қипч. *экиқат**, *бойъд бср**//қипч. *бойыда бопты**, *йукисғър** каби. (Карм., Қизилт., Навб., Нурота, Хат.Пахт.). Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Тадқиқ этилаётган шеваларнинг ўзбек тили ва бошқа ўзбек шевалари билан муносабатини ўрганиш орқали мазкур шеваларда ўзбек адабий тилида қўлланилмайдиган, бошқа шеваларда учрамайдиган баъзи ўзига хос сўзлар ҳам учраши аниқланди. Бундай сўзлар келажакда ўзбек адабий тили лексикасини бойитиш учун манба бўлиб хизмат қилади.

Ўйлаймизки, тилимизда мавжуд бўлган эфемик материаллар эфемик услубшуносликни юзага келиши учун манба бўла олади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бегматов Э. Ўзбек тили лексикасининг ижтимоий-тарихий асослари//Ўзбек тили лексикологияси.-Т.:Фан.1981.-49 б.
2. Босчаева Н.Ц. Эфемистичность в диалогической речи.-Л.ЛГУ,1989.-№4.-С.79-81.
3. Лауде Циртаутас И. О табу и эфемизмах в казахском, киргизском и узбекском языках.Тюркология.-Баку, 1976.-№ 4.-79.
4. Маҳмудов А. Ўзбек тили луғат бойлиги ривожда фаоллашган жараёнлар//Ўзбек тили ва адабиёти.Тошкент.2015.5-сон,3-б.
5. Мирзаев М. Бухоро группа шевалари. Фил. фан. д-ри.дисс.–Тошкент, 1965.–103б;

УЎК 808.5

ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ АДАБИЁТИДА “ОТ” ОБРАЗИ ТАЛҚИНИ

Н. Очилова, ўқитувчи, Бухоро давлат университети, Бухоро

Аннотация. Мақолада инглиз ва ўзбек адабиётида яратилган “от” образи ҳақида фикр юритилган. Бунда, аввало, от образининг халқ оғзаки ижодидоғи ўрни, ёзма адабиётга кириб келиши, генезиси масаласига муносабат билдирилган. Шу асосда Тоғай Муроднинг “От кишнаган оқишом” ва Эрнст Сетон Томпсоннинг “Ёввойи йўрға” асарлари қиёсий типологик аспектда таҳлил этилган.

Калит сўзлар: образ, “от” образи, тимсол, қаҳрамон, қисса, тотемизм, тасвир, ўзбек адабиёти, инглиз адабиёти, дoston

Аннотация. В статье обсуждается образ лошади. В частности, даны краткие сведения о значении образа лошади в литературе, её особенностях, определяющих происхождение, род и пол. Приведены несколько примеров лошади из мифов, пословиц и традиций. Анализированы различия и сходства в художественном описании образа лошади в узбекской и английской литературе.

Ключевые слова: образ, образ «лошади», воплощение, персонаж, повесть, тотемизм, описание, узбекская литература, английская литература, сказание

Abstract. The article dealt with the image of the horse. In particular, a brief account of the importance of horse in the literature, its characteristic features and the species separated according to breed and sex. There are several legends, proverbs about horse. Particularly, analysed the similarities and differences between the artistic depiction of the horse image in Uzbek and English literature.

Key words: image, image of "horse", symbol, character, narrative story, totemism, picture, Uzbek literature, English literature, epic poem

Адабиёт ва санъатнинг яшаш шакли образ (5,63)да намоён бўлади. Жаҳон адабиётида такомил топган шундай образлар қаторида от тимсоли алоҳида ўрин тутати. Маълумки, бу образ генезиси, аввало, халқ оғзаки ижоди намуналарига бориб туташиди. Хусусан, қадимги мифологик қарашлар тизимида отга тотем сифатида қаралгани маълум. Чунки қадимги аждодларимиз от, ит, хўкиз, бўри, илон кабиларга эътиқод қилишган. Шу билан бирга бу эътиқодий қарашлар эртақ, дoston ва мақолларга ҳам таъсир ўтказган ва от бу каби жанрлардаги асарларда инсоннинг энг яқин дўсти, ҳам ташқи, ҳам ички гўзалликка эга образ, эрк ва куч-қудрат тимсоли сифатида талқин этила бошланган. Хусусан, фольклордаги машҳур Ғиркўк ("Тўрўғли"), Бойчибор, Кўкдўнан ("Алпомиш"), Жийронқуш ("Равшан") каби миллат тимсолига айланган эпик образ отлар бу анъанавий образнинг илдизлари мустаҳкам эканлигини кўрсатиб туради.

Маълумки, от бошқа жонзотлар орасида ташқи гўзаллиги, ўқтамлиги, зийрак ва ҳушёрлиги, жозибadorлиги билан алоҳида ажралиб туради. Қолаверса, қадимда ундан улов воситаси сифатида кенг фойдаланилган. Шу билан бирга, қадимда отнинг ёлидан турли касалликларни даволашда фойдаланилганлиги маълум.

Замонавий ўзбек ва инглиз адабиётида ҳам отлар асосий образ бўлган асарларнинг ўзига хос бадиий тизими яратилган. Булар қаторида Тоғай Муроднинг "От кишнаган оқшом" қиссаси алоҳида аҳамият касб этади. Адибнинг эътирофича, бу асарни ёзиш учун қирқ кун чавандозлар билан яшаган экан. Асарда тўпори, чапани ўзбек чавандози образи Зиёдулла кал тимсолида намoён бўлган. Зиёдулла кал отларнинг "тили"ни, характерини тушунади: **"Биродарлар, от аззанча хосиятли бўлса-да, аззанча фаҳм-фаросатли бўлса-да, аззанча хушсуврат бўлса-да, барибир, от, ўз оти билан от! Тўрт оёқли жонивор! Думли ҳайвон!"** [1,15]. Эътибор берилса, бу лавҳадан отнинг ташқи кўриниши, характерига кўра хосиятли, фаҳм фаросатли эканлигини англаш мумкин. Бироқ унинг тўрт оёқли жонивор ҳайвон эканлигини ҳам назардан қочирмайди.

Асарда ҳикоя қилинишича, Зиёдулла кал етти ёшли бўз отни сотиб олади, бор-будини бериб бўлса-да, унга эга бўлади. Эътибор беринг, техника асрида у нега машина эмас от сотиб олди. Бу ҳақда у ёзади: **"Биродарлар, машина деганлари темир! Жони йўқ! Жони йўқ темир одамга эл бўлмайди! Темирнинг юраги йўқ-да! От одамга эл бўлади. Боиси, отнинг жони бор, юраги бор-да!** [1,14]. Ҳақиқатан, бунда отнинг инсонга дўстлиги, юраги борлиги, шу фазилатлари билан темир машинадан афзаллиги таъкидланипти.

Зиёдулла кал отни икки йил тарбиялайди, кейинчалик унга тарлон деб ном беради. Сабаби, отлар тўққиз ёшга кирганда, бўз эмас, тарлон эканлиги аниқ бўлиб қолади. Демак, Зиёдулла кал отларнинг хилини ҳам яхши ажратади. Зоология фанининг маълумотларига кўра, отлар ўсиш жараёнида ёши ва жинсига қараб ўзгариб боради. Масалан, тойлар туғилганида кулун дейилади, икки ёшлиси той, уч ёшлиси гўнон ва тўрт ёшлиси дўнон деб юритилади. Етти ёшга етганда бўз ва тўққиз ёшида тарлон деб аталади [1,17]. **"Биродарлар, от танимасанг, тарлон ол! Бизнинг бўз тўққизга тўлди, тўққизда бўлди. ... Бир қувончим ўн қувонч бўлди! Биродарлар, бўз отим – тарлон бўлди! Мен тарлон отли бўлдим! Тарлонни қора ишларга солмадим. Адирларда ўйноқлатиб миндим"** [1,17]. Маълумки, ота-боболаримиз отларни жуда авайлашган ва уларни худди ўз оила аъзоларидай кўришган. Асар қаҳрамонининг ҳам отга бўлган меҳри асарда кўриниб туриши шундан. Отга бундай муносабат аждодлардан меросдир. Аслини олганда, фольклор ва ёзма адабиётда яратилган от образлари эзгу фазилатларга бойлиги билан алоҳида бадиий тизини ташкил этади. Бинобарин, "Алпомиш" дostonида Ҳакимбекнинг оти Бойчиборга нисбатан ғамхўрлиги, меҳри сезилиб туради. У ёшлигидан оти билан бирга улғайиб, бирга юради, худди оға-инилардек бир-бирига таянади, суянади. Кўп ҳолларда Алпомиш учқур оти, айтиш мумкинки, самовий (саман) оти Бойчибор туфайли жангларда ва мусобақаларда ғолиб келади. Тарих сабоқлари шуни кўрсатадики, от учун жанглар олиб борилган. Масалан, Хитой императорининг Фарғона отлари учун қилган жангини эслайлик. Тарихчиларнинг таъкидлашича, Хитой отлари кичик ва тез чопа олмас экан. Фарғона отлари Тангри отларининг

авлодидан бўлган экан. Фарғона давлатида баланд тоғ бўлган, унда тутиб бўлмайдиган от яшаган. Рангдор бир отни шу тоғ этагига бойлаб қўйиб, ундан насл олишган. Туғилганида, баданидан қонсимон тер чиқиб турган. Шу боис уни тангри отининг боласи деб аташган. Хитой императори ушбу отлар ҳақида хабар топиб, Фарғона ҳукмдоридан бир неча килолик тиллалар эвазига ушбу саман отларини беришини сўраган. Бироқ Фарғона ҳукмдори Мугуа рози бўлмайди. Хитой элчиси жаҳл устида ҳукмдорни ҳақоратлайди, Мугуа эса уни ўлдиртириб юборади. Хитой императори воқеадан хабар топгач, саркардасига Фарғонага ҳужум қилишни буюриб, Фарғона отларини келтиришни буюради. Бироқ саркарда бу вазифани уддалай олмайди. Хитой императори Фарғонага иккинчи марта юриш қилади. Афсуски, иккинчи юришда Фарғона ҳукмдори хоинлар қўлида ўлим топади ва самовий отларининг бир нечаси саралаб олинди, Хитойга олиб кетилади [4]. Фарғонанинг самовий отлари ҳақида кўплаб асарлар, шеърлар ёзилган. Тарихчиларнинг ёзишича, қадимги даврда Ўрта Осиёнинг “осмон (саман)” отлари тенгсизлиги билан ажралиб турган. Бу отлар ҳозирги Ахалтекин, Қорабайир, Лақай зотли отларнинг аجدодидир [2]. Масалан, Араби от, Ахалтака оти, Ёвмут оти, Англия асл от зотлари, асосан, эгарлаб, салт мириладиган отлар ҳисобланади. Дон оти, Гутсул оти, Лақай оти, Қорабайир оти кабилар салт мириладиган, аравага қўшиладиган отлардир. Оғир юкларни тортадиган юкчи отларга Арденна от зоти, Брабант от зоти, Владимир от зоти кабилар киради. “От кишнаган оқшом” асаридаги от саман турига мансуб. Отнинг инсонга дўстлиги, фазилатли эканлигини асослаш мақсадида асарда халқ мақоллари келтирилган. Бу эса отларнинг инсон ҳаётининг муайян бўлагига айланганлигини асослаб туради:

Оти борнинг – қаноти бор [1,14].

От – йигитнинг йўлдоши [1,14].

Отга минсанг – бошингни ўйла, ерга тушсанг – отингни ўйла [1,27].

Юқоридаги мақоллардан Зиёдулла чавандоз от сотиб олмақчи бўлгандаги ҳолат тасвирини беришда фойдаланилган. Чунки Зиёдулланинг онаси от сотиб олишидан норози эди: “Зиёдулла чавандоз: ***“Онамиз норози бўлди. Бети буришиб-буришиб оғринди. Лабини буриб мингиллади:***

– Отим нима ... отдан машина яхши ...” – деди.

– Машинам нима? Оти борнинг қаноти бор, – дедим.

– Отга емиш қани ...

– Емиш? Худо ҳар жониворни ўз ризқи-рўзи билан яратади. От битди – қанот битди. Емиш топилади” [1,14]. Бу норозиликларга қарамай, Зиёдулла кал от сотиб олади. Чунки унинг аъмолида: “Машинага гапириб бўлмайди, дардиҳол қилиб бўлмайди, инсон ҳисларини тушунмайди, отлар эса инсоният ҳисларини забонсиз, кўзларидан англайди. Уларга ҳеч нарсани тушунтиришни ҳам кераги йўқ. Отлар инсонни ҳис қилади”.

Ҳақиқатан, ҳаётда ҳар хил вазиятлар бўлади, инсон инсонни хафа қилади, дилини оғритади, ҳатто ёмонотлиқ қилади, лекин жониворлар, айниқса, отлар ҳеч қачон хиёнат қилмайди, инсонни оғир вазиятда ташлаб кетмайди, аксинча доим сўнгги нафасигача қўллаб-қувватлайди. Шу сабабли отлар инсоннинг энг яқин дўсти сифатида кўрилади. Қолаверса, отда меҳр бор. Бўрию арслонлар қанчалик ваҳший, ёввойи бўлмасин, бир-бирини емайди. “От кишнаган оқшом” қиссаси мағзига мана шу эзгу гоғлар сингдирилган. Асарнинг миллий руҳини кучайтириш, отларнинг ҳаётимиздаги ўрнини очиб бериш мақсадида адиб дostonлардан, кўшиқлардан келтиради, ўрни келганда ўзи ҳам от ҳақида “деҳқонча” шеър битади:

“Отларди боқсанг, қашиб боқ,

Олисдан сувини ташиб боқ,

Сира узмагин емини,

Емини емига қўшиб боқ” [1,21]

Инглиз адабиётида ҳам отлар ҳақида ёзилган асарлар ўзига хос бадиий тизимни ташкил этади. Ғарбда отга муносабат айрича. Христианларнинг “Инжил” китобида яккашоҳ номли отлар ҳақида маълумотлар келтирилган. Яккашоҳлар афсонавий ва сеҳрли жониворлар сифатида қаралади. Тарихий шахс Албион (Англия)га асос солган Қирол Артурнинг отлари ҳам қайсидир маънода унинг ғалабаларига улкан ҳисса қўшган. Бироқ қирол Артур отлари ҳақида ёзилган ҳикоя ёки дostonлар қайд этилмаган.

XX аср инглиз адабиётининг ёрқин намоёндаларидан бири Эрнест Сетон Томпсоннинг “Ёввойи йўрға” асари бу жиҳатдан эътиборли. Мазкур асар таниқли ўзбек ёзувчиси Тоғай Мурод таржимасида ўзбек китобхонига етказилган. Шу ўринда таъкидлаш керакки, мазкур муваффақиятли таржима адибнинг юқорида таҳлил этганимиз “От кишнаган оқшом” асари яратилишига ижодий туртки берган.

Қиссадаги от образи ўз эрки учун курашган, ўжар, енгилмас қаҳрамон сифатида алоҳида мазмун касб этади. “От кишнаган оқшом” асарида отнинг тақдири учун чавандоз курашади, унинг учун ҳаётини хавфга қўяди. Аммо “Ёввойи йўрға” асарида от ўзининг тақдири, эрки, озодлиги учун курашади. Муаллиф от ҳақида шундай ёзади: ***“Ғарбда ёввойи отларга ҳеч ким эътибор бермайди. Аввало, уни ушлаш осон эмас, борди-ю, уни ушлаган тақдирда ҳам ёввойи от умрининг охиригача***

саркаш, бесамар, ёввойилигича қолади” [3,50]. Инсоннинг феъл-атвори унинг яшаб турган маконидан, шароитидан маълум бўлади. Масалан, Маугли, Тарзан ҳақида кўпчилигимиз биламиз. Иккала қахрамон ҳам ҳайвонлар орасида, ўрмонда яшагани учун улардек фикрлайди ва улардек ҳаёт кечиради. Улар инсон бўла туриб, шу тахлит яшашга мажбур бўлишган. Уларда ҳам Ватан туйғуси бор. Ғарб отлари ўзининг ёввойилиги ва эркинликка интилиши, курашувчанлиги билан ажралиб туради: *“Аммо-лекин қора от эшакдай ўжар, итдай қаҳрли келади. Қора отда тирноқ бўлса, арслонниям гумдон қилади*” [3,51]. Отларнинг характерини, феъл-атворини рангидан билса бўлар экан. Масалан, Саман отларнинг териси оқ рангда бўлади, ўжар отларнинг аксари, айниқса, Ғарбдаги қора отлар асов (бўйсунмас) бўлади, жигаррангдаги отлар эса кўпинча бўйсунувчан бўлади. “Ёввойи йўрға”даги от ҳам қора рангда ва уни ҳеч бир чавандоз бўйсундира олмайди.

“Қоп-ора ёлли, кўккўз, улкан қора от бутун ўлка бўйлаб зўравонларча кун кечирди, турли-туман жойлардан байтал ҳайдаб келиб, ўз сафини кучайтирди, галасини кам деганда йигирма бошига етказди” [3,52]. Асар сюжетидаги воқеалардан маълумки, қора мустанг оти жуда кучли бўлади. Унга ҳеч кимнинг кучи етмайди. Шунинг учун ҳам байталларни тиш-тирноғи билан ҳимоя қилиб, уларга қўриқчилик қилади. Галаси эркинликда юришини, ўтлашини доим таъминлаб туради. Ҳеч бир чавандоз уни эгарлай олмайди. Эгарламоқчи бўлганлари таслим бўлиб, унга эътибор ҳам бермай қўядилар. Лекин сўнгги лаҳзаларда отни Том исмли айёр чавандоз чол қора, ёввойи, асов, ҳеч кимга тутқич бермас мустанг отини қўлга олади ва ёввойи йўрғага ўз тамғасини босади. *“Ғарб одати бўйича ёввойи йўрғанинг баданига ким биринчи бўлиб ўз тамғасини босса, йўрға ўшаники бўлади*” [3,66]. Демак, тамға босиш ақлли ҳайвондан эркини тортиб олиш деганидир. Шу тариқа ёввойи йўрға инсонга қарам бўлади. Том тамғани босгач, отни уйига олиб кетаётганида боғлаб қўйган айғирини ечиб юборди. Шу пайт айғир қочишга ҳаракат қилади. *“Ёввойи йўрға қолган бор кучини йигиб, озодлик йўлида жон-жаҳди билан ёнбағир бўйлаб юқорига талпинди. Ёввойи йўрға тик қояга кўтарилди. Қоядан пастга – ҳавога сакради, икки юз футча учиб юрди, яна, яна пастлаб... тошига бориб тушди. У жонсиз сулайиб қолди, аммо... озод бўлиб қолди!”* [3,67]. Кўринадики, айғир билан чол узоқ ва шафқатсизларча олишади. Ёввойи йўрға учун инсонга мутеъ бўлиб яшагандан кўра ўлим афзал эди. У сўнгги нафасигача озодлик учун курашади ва маънан ғолибликка эришди. Ёзувчи ёввойи йўрғани инсонлаштиради. Мазкур образ эрк ва озодлик тимсоли сифатида жаҳон адабиётида яратилган от образларининг бирортасини ҳам такрорламайди.

Юқорида таҳлил этганимиз ўзбек ва инглиз адабиётидаги асарлар шуни кўрсатадики, бу қиссаларда яратилган от образлари маънавий, руҳий, минтақавий жиҳатдан тафовутларга эгадир. Бинобарин, инглиз адабиётида отлар озодлик тимсолини ифода этса, ўзбек адабиётида куч-қудрат, дўстлик рамзи бўлиб келади. Бу эса от жаҳон адабиётида халқ оғзаки ижодидаги каби инсоният ҳаётининг муҳим қисмига айланганлигини ва асосий образлар қаторидан ўрин олганлигини кўрсатиб туради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мурод Т. От кишнаган оқшом. –Т., 2017.
2. Тўлаганов Ш. Оқ тулпорим бор эди...”. uza.uz.
3. Томпсон Е.С. Ёввойи йўрға. –Тошкент, 2018.
4. Қўлдошев Ш. Фарғонанинг самовий отлари. Mingtepa.uz
5. Куронов Д. Адабиётшуносликка кириш. –Т., 2004. –226б.

УЎК 81-13

СОЦИОПРАГМАТИКАДА ДИСКУРСНИ ЯКУНЛОВЧИ ТЕСТ МЕТОДИ Н.К. Сабирова, докторант (DSc), Ўзбекистон Миллий Университети, Тошкент

Аннотация. Мақолада социопрагматика ижтимоий ҳаётнинг тузилиши жараёнлари ва уларнинг тил орқали ўзаро алоқасини ўрганиш таҳлил қилинган. Дискурсни яқунловчи тест методи коммуникатив актларнинг лингвистик амалга оширишини тадқиқ қилишнинг энг кенг тарқалган тадқиқот воситаси ва самарали сўровноманинг бир туридир. Дискурсни яқунлаш тестидан иштирокчиларнинг прагматик компетенциясини баҳолаш ва тест чекловларини камайтириш учун самарали фойдаланилади.

Калит сўзлар: социопрагматика, дискурсни яқунловчи тест, прагматик компетенция, респондент, информатор

Аннотация. В статье анализируются структурные процессы социопрагматики социальной жизни и их взаимодействие через язык. Метод тестирования завершения дискурса является наиболее распространенным исследовательским инструментом для исследования языкового реализма коммуникативных актов и представляет собой своего рода эффективный опросник. Тест на завершение дискурса эффективно используется для оценки прагматической компетентности участников и снижения ограничений теста.

Ключевые слова: *социопрагматика, тест на завершение дискурса, прагматическая компетентность, респондент, информатор*

Abstract. *The article analyzes the structural processes of sociopragmatics of social life and their interaction through language. The method of discourse completion test is the most common research implement for studying the linguistic realism of communicative acts and is a kind of effective questionnaire. The discourse completion test is effectively used to assess participants' pragmatic competence and reduce the limitations of the test.*

Key words: *sociopragmatics, discourse completion test, pragmatic competence, respondent, informant*

Тил табиатини англаш ва тилнинг амалий қўлланилишини тушуниш прагмалингвистика, социоллингвистика, когнитив лингвистика, психоллингвистика, қиёсий типология каби йўналишлар билан боғлиқликда ўз самарасини бера бошлади. Бунинг натижасида прагматикада маъно ва мазмун жиҳатларини таҳлил этиш орқали амалий масалаларнинг ечимини топишга кенг эътибор қаратилмоқда. Нутқий мулоқотнинг социопрагматик хусусиятларини англашга нафақат тилшунослар ёки файласуфлар, балки ижтимоий соҳа мутахассислари, адабиётшунослар, психологлар ҳамда бошқа соҳа вакиллари ҳам мурожаат қилишаётганлиги прагматиканинг ҳар томонлама муҳим соҳа эканлигини кўрсатади.

Тилшуносликдаги нутқий мулоқотнинг прагматик, социоллингвистик ва социопрагматик ёндашув, ўзига хос хусусиятлари ва муносабатлари В.Лабов [26], Г.Лич [27], С.Левинсон [28], Ж.Томас [34], Г.Юль [38], Г.Каспер [25], Ж.Мей [29], А.Тросборг [35], Д.Франк [18] ва бошқа тилшуносларнинг эътиборини жалб қилган.

Ўзбек тилшунослигида А.Э.Маматов [2], С.М.Муминов [3], Ш.С.Сафаров [5], Ж.Ш.Джумабаева [1], Ф.Х.Рахимов [4] ва Б.Холматова [6] ушбу ҳодисани илмий мақола ва монографияларида ўрганиб чиқди.

Прагматик компетентлик-бу грамматик ва прагматик билимларни ўз ичига олган самарали мулоқот қилиш қобилиятидир. Л.Бахманга кўра, прагматик компетентлик икки аспектдан ташкил топган, яъни турли функцияларнинг кенг спектрини ифодалаш учун тилдан фойдаланишга имкон берувчи иллокутив компетентлик, дискурсни иллокутив талқини ва муайян контекстга мос келадиган тил функцияларини бажарадиган социопрагматик компетентликдир [9]. Тил ўрганувчиларнинг прагматик компетентлигини баҳолаш учун фойдаланиладиган роль ўйини, кўп танловли сўровнома, рейтинг баҳолаш ва интервью каби методлар мавжуд. Бошқа тадқиқот методларига қараганда дискурсни яқунловчи тестнинг оммавийлиги ва амалий қўлланилиши туфайли ундан кенг фойдаланилади.

Дискурсни яқунловчи тест методи коммуникатив актларнинг лингвистик реализациясини тадқиқ қилишнинг энг кенг тарқалган тадқиқот воситаси ва самарали сўровноманинг бир туридир. Дастлаб дискурсни яқунлаш тестлари тиллараро прагматикада нутқ актларида амалга оширилган паттернларни солиштириш учун ишлаб чиқилган [13]. Дискурсни яқунловчи тестнинг тингловчи жавобсиз ёки жавобли тест каби турлари мавжуд. Дискурсни яқунлаш тестининг жавобсиз шаклида сценарийлар ўрганилаётган нутқий актни таъминлашда респондентлар тўлдирадиган бўшлиқ билан бирга ифодаланиши кузатилади. Тингловчининг жавобини ўз ичига олган дискурсни яқунлаш тестларида тадқиқ қилинаётган нутқ актида йўқотилган оборотни тўлдириш керак, яъни респондентлар қўшма жуфликнинг биринчи қисмини тўлдиради. Қуйида тингловчининг жавобли ва жавобсиз дискурсни яқунловчи тестига мисоллар келтирамыз.

It is 11 pm, and you are about to go to sleep. Your neighbours next door are having a party and are making a lot of noise.

You: Excuse me,

Neighbour: Sorry about that.

You have just started your new job in the mailroom. It is nearly time for lunch and you have just realized you need to pack 3 more parcels before you can go to the canteen. If your boss, Cristina Miranda, would help you, you could go down to the canteen with the others. What do you say to your boss?

You:

К.Роуз она тили бўлган ва бўлмаган респондентларнинг жавобли ва жавобсиз дискурсни яқунловчи тестларини таққослади [31]. У она тили бўлмаган иштирокчида дискурсни яқунлаш тестининг иккита турига берилган жавобларида ҳам сезиларли фарқни кузатмаган. Шунингдек, у она тилига эга бўлган иштирокчининг дискурсни яқунловчи тестидagi жавоблари эътирозсиз бўлиб, у ташқи модификациялар ва ҳаракатлардан кўпроқ фойдаланганини аниқлаган. Ўхшаш натижаларни К.Жонстон тадқиқотида ҳам кузатиш мумкин. Унинг фикрича, *“The lack of a rejoinder or hearer's response, seems to produce greater linguistic investment”* [23]. Шунингдек, Бардови-Харлиг ва Хартфорд тадқиқотларида, очиқ сўровномаларда инглиз тили она тили бўлган ва бўлмаган иштирокчилар томонидан, ва биринчи суҳбат обороти сценарийнинг тавсифидан кейин киритилган дискурсни

яқунловчи тест каби суҳбатларда, ушбу турдаги диалоглар инглиз тилини ташувчиларга эмас, балки маҳаллий тилда сўзлашувчиларда жавобларини шакллантиришга ёрдам берган. К.Биллмьер ва М.Варгезе ҳам бир қатор социал ва контекстуал ўзгаришларга маълумот қўшиш орқали дискурсни яқунлаш тести сценарийларидаги ситуацион кўрсатмаларининг кучайтириш таъсирини таққослаган [12]. Ушбу тадқиқот натижасининг кўрсатишича, бойитилган дискурсни яқунлаш тести асосий ҳаракат ёки ички модификациясини ишлаб чиқишга таъсир қилмаган бўлсада, улар маҳаллий бўлган ва бўлмаган иштирокчиларнинг жавобларида ташқи модификация нуктаи назаридан кенгрок ва батафсилроқ сўровномаларни ишлаб чиқилишига сабаб бўлган.

Г.Касперга кўра, *“Although it has been claimed that Discourse Completion Tests with rejoinders elicit more “natural-like” data than Discourse Completion Tests with no rejoinders, it is worth considering that this may be the result of the linguistic competence of the (nonnative) respondents as opposed to an effect of the research instrument itself.”*[24]. Е.Ринтел ва С.Митчел [30], В.Турнбул [36] ва Ж.Феликс-Брасдеферларнинг [17] дискурсни яқунловчи тест ва ролли ўйин методи бўйича қиёсий тадқиқотига кўра, дискурсни яқунловчи тестнинг ролли ўйини учун репрезентатив бўлмаган ва содалаштирилган маълумотларнинг ишлаб чиқилганлиги ва у орқали эгалланган маълумотларда очиқ ролли ўйинларида топилган кўпгина стратегиялар ифодаланган. Дискурсни яқунловчи тести ёрдамида тўпланган маълумотлар ҳам, табиий маълумотлар билан Ж.Бодман ва М.Эйзенштейн [14], Ж.Холмес [21], Г.Астон [8], Л.Бибе ва М.Каммингс [11], Ю.Юан [37] ва А.Голатолар [19] тадқиқотларида ўз аксини топган. Ушбу тадқиқот натижаларига кўра, дискурсни яқунловчи тест ёрдамида олинган тилда, табиий тилга қараганда қисқарок, формулировкаси осонроқ, кам музокаралари ва ҳиссий жиҳатнинг иштироки кузатилган. А.Голатонинг фикрича, дискурсни яқунлаш тестларида ифодаланган тил метапрагматик ҳисобланади, чунки респондентлар маълум бир муҳитда тўплаган тажрибасига асосланган ҳолда вазиятга мос келадиган жавобларни ёзишлари зарур бўлади. Шу маънода дискурсни яқунловчи тест прагматик жараёни эмас, балки рамзий ўзаро алоқани баҳолаш учун самарали воситадир [19]. Гарчи чуқур такомиллашмаган дискурсни яқунлаш тести ташқи модификациялар ва асосий актлар билан бирга келадиган ёрдамчи ҳаракатлар сонини келтириб чиқармасада, улар тадқиқотчига кўп миқдордаги маълумотларни транскрипциясиз ҳам самарали тўплаш мумкин бўлган назорат остидаги контекстни тақдим этади. Бундан ташқари, дискурсни яқунлаш тести орқали яратилган тил, табиий ўзаро алоқаларда содир бўлган формулалар ва стратегияларнинг турларини таснифлаш учун бошланғич нукта сифатида ёрдам бериши мумкин.

Кўп танловли сўровнома методи респондент томонидан танланган жавобларнинг сценарий тавсифида ўз ичига қамрашини ифодалайди. Шунингдек, кўп танловли сўровнома ва дискурсни яқунловчи тест тадқиқотчида респондентларнинг муайян вазиятга мос келувчи жавоблари ҳақида метапрагматик фикрлашини таъминлайди. К.Роуз [31] ва Е.Хинкел [20] тадқиқотларида дискурсни яқунловчи тестининг жавоблари ва кўп танловли саволлар жавоблари таққосланган. Уларнинг натижалари шуни кўрсатадики, кўп танловли савол дискурсни яқунловчи тестига қараганда, кўпроқ билвосита ва ноанъанавий ифодаларни кўрсатади ва бу жараён ҳалигача жавобсиз қолмоқда.

Кўп танловли савол ва дискурсни яқунловчи тест каби кўп афзалликларга эга методлар социал ўзгарувчанликни назорат қилиб, катта ҳажмдаги маълумотларни тўплаши мумкин. Дискурсни яқунловчи тестдан фарқли ўлароқ, кўп танловли савол респондентларга реал мулоқотларда танлов имкониятини бермайди, аммо уларга фақат муайян ҳолат рўйхатидаги муносиб танлов имконини беради. Бу жараён эса тил танловини эҳтиёткорлик билан кузатиш ва тайёргарлик кўриш, яъни сўровнома жавоблари асосида амалга оширилади. Лингвистик таҳлил миқёсида кўп танловли савол дискурсни яқунловчи тестдан устун ҳисобланади, чунки унда тадқиқотчи томонидан коммуникатив актларнинг лингвистик амалга оширилиши тақдим этилади. Кўп танловли саволнинг дискурсни яқунловчи тестга нисбатан қўшимча аналитик афзалликларга эгаллигига қарамасдан, унга муносиб эътибор қаратилмаганлиги кузатилади.

Дискурсни яқунловчи тест ва кўп танловли савол каби қўлланилган методлардан қатъий назар, тавсифланган сценарийлар тадқиқотчи томонидан аниқланган лингвистик танловлар бўлса ҳам, ушбу методлар эҳтиёткорлик билан тайёрланиши зарур. Бу қуйидагича амалга оширилади. Тадқиқотчи таҳлил қилишга интилаётган тил турини ифодаловчи социал вазиятларнинг турини кузатиш орқали ёки вазиятларнинг табиийлигини ва уларнинг ижтимоий ва контекстуал ўзгарувчанлигини баҳолаш учун мўлжалланган дастлабки сўровномадан фойдаланиш орқали амалга оширилади. Кўп танловли сўровномада респондентларга берилган танловлар дискрет бўлиши шарт, яъни улар ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик бўлмаслиги керак ва улар ҳам ўзаро эксклюзив бўлиши зарур.

Маълумотларни тўплаш учун ишлатиладиган восита ишончли ва ҳақиқийлигини таъминлаш учун барча зарур чоралар кўрилиши керак. Яъни, агар ўзга инсон, тадқиқотчининг муаллифлик методидан фойдаланиб, жараёни амалга оширса, ўхшаш ва муайян натижага эриша оладими деган мулоҳазани қилиши керак. Шунингдек, тадқиқотчи мукамал метод тушунчасининг мавжуд эмаслигини ва фақат битта методга таяниш ҳам мумкин эмаслигини билиши зарур.

Триангуляция маълумот тўплаш учун икки ва ундан ортиқ методлардан фойдаланишни ўз ичига олган кўп ўлчовли методдир. Триангуляция амалда кам тадқиқотчилар томонидан фойдаланиладиган, лекин кўп изланувчилар томонидан қўллаб-қувватланадиган принципдир [20]. У кўп турдаги тадқиқотларда, айниқса, сифатли тадқиқот ва маълумотлар тўплаш учун жуда муҳим. Чунки тадқиқотчи ва информаторларнинг субъективлиги тадқиқотга муайян даражада нотўғри таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун тадқиқотчи нотўғри ва хато манбаларни камайтириш учун триангуляция методидан фойдаланади. Юқорида муҳокама қилинган мисоллардаги триангуляция куйидагиларни ўз ичига олади, яъни роль ўйинидан кейин ахборотни ўзида қамраб олган сценарийларнинг лингвистик ва социал гидроки таҳлилида оғзаки ҳисоботларни қўллаш, дискурсни яқунловчи тест орқали олинган жавобларни текшириш учун баҳолаш мезонларини қўллашдир. Шунингдек, ушбу тадқиқот муҳитида мустақил равишда тадқиқот қиладиган иккита кузатувчининг мавжуд бўлиши ва уларнинг ўз кузатув методларидан олинган маълумотларининг ифодаланиши ва дискурсни яқунловчи тест орқали олинган жавобларини текшириш учун рейтинг мезонлари қўлланилади. Ушбу жараёни тизим ичидаги позиция ёки эмпирик нуктаи назар бўйича ишлайдиган биринчи тадқиқотчи, иккинчиси эса тизим ташқаридаги позиция, яъни этика нуктаи назарда изланадиган, иккита тадқиқотчи амалга ошириши мумкин бўлади. Ички ва ташқи нуктаи назарларнинг комбинацияси онгсиз бўлиши мумкин бўлган жамоа аҳолиси учун ҳар доим ҳам аниқ бўлмаган хулқ-атвор ва ҳатти-ҳаракатларни аниқлаш учун жуда муҳим бўлади [32]. Этика барча тадқиқот проектини йўналтириш учун муҳим ҳисобланади. Одатда, ҳиссий-ахлоқий тадқиқотларни режалаштириш учун махфийлик, хавфни баҳолаш, ва аҳамият каби принципларга риоя қилиш зарур. Ж.Сибернинг фикрича, *“We will argue that, important as ethical principles are, they are not absolute in that they should be interpreted according to the values and context of the research.”*[33]. Шу маънода ахлоқли тадқиқотчи тадқиқот популяцияси билан ўзаро ҳурмат ва илиқ муносабатлар яратади, яъни субъектлар самимий иштирокидан мамнун муносабатли жамоа натижаларини конструктив деб ҳисоблайди [33].

Буюк Британия ва Испания каби баъзи мамлакатларда ёзма равишдаги розилик, яъни ахборот берувчилар тадқиқотдан олдин ёки тадқиқот фактлари ҳақида хабар берилгандан сўнг, иштирок этишни афзал кўрган ҳолатларида жуда муҳим. Бу эса ўз навбатида, тадқиқотчининг иштирокчиларга ўзи тўпламоқчи бўлган маълумотлар учун нима истаётгани ҳақида хабар беради. Муайян тадқиқотнинг аниқ табиати ҳақида иштирокчиларнинг хабардор қилиниши, ўзини-ўзи англаш даражасининг ошиши каби исталмаган оқибатларга олиб келиши мумкин. Шунингдек, респондентларнинг тадқиқотчи иштирокида ўз хулқ-атворини ўзгартириб, табиий ҳаракат қилмаслигига олиб келади. Баъзи ҳолларда муайян тадқиқотнинг аниқ тавсилотларини беришга ҳожат бўлмайди. Мисол учун, оғзаки мулоқотда “сиз” сўзининг ўрнига “сен”дан фойдаланишни тадқиқ қилинганида, муайян бир жамият одамлари бир-бири билан қандай мулоқот қилинишининг тадқиқи иштирокчиларга айтилиши лозим. Ушбу ҳолатда, тилга бўлган қизиқишни яширмасдан, мулоқотдаги “сен” ва “сиз” олмошларининг қўлланилиши ошқор қилинмайди. Иштирокчига маълумот берилса, у муайян мулоқотда олмошнинг биттасини иккинчисидан устунлиги ифодаланиши шарт деб билиши мумкин.

Конфиденциаллик шахс ва унинг қизиқишлари ҳақидаги маълумотларга бошқаларнинг киришини назорат қилишга тааллуқли бўлсада, у олинган маълумотларнинг ҳақиқийлиги билан алоқадор бўлиб, айниқса маълумотларни қайта ишлаш, иштирокчи ҳақидаги маълумотларга кириш ҳуқуқининг назорати кафолатланган махфийлик концепциясининг кенгайтмасидир [33]. Маълумотнинг сезгирлиги ва тадқиқот контексти қанча юқори бўлса, шахсийлик ва оммавийлик фарқ қилиши мумкин. Иштирокчи ёки муассасанинг махфийлигини ҳимоя қилиш учун кўпроқ эҳтиёт чораларини кўриш зарур бўлади. Бу амалда шуни англатадики, муайян бир шахс ҳақидаги маълумотни аниқлаб олинмаслиги учун, у аноним тарзда тарқатилади [33]. Иштирокчининг розилиги сўралаётганида у хабардор қилиниши зарур.

Тадқиқотчилар иштирокчи ва жамоанинг хавфи ва фойдаси орасидаги мувозанатни топишга ҳаракат қилиши зарур. Ҳаражат ва зарар каби потенциал хавф манбаларини топиш, шунингдек, турли фикр ва мулоҳазаларга эга бўлиш учун иштирокчиларнинг кенг доирада баҳоланишида иштирок қилишини ўз ичига олади.

Шунингдек, муайян тадқиқот лойиҳасини амалга оширишнинг фойдаси тадқиқотчи учун аниқ бўлсада, социопрагматикада тадқиқот иштирокчилари ва жамият учун бўлиши мумкин бўлган фойдалар ҳар доим ҳам ҳисобга олинмайди. Ушбу муаммони ҳал қилишнинг бир усули тадқиқот якунидан сўнг натижаларни иштирокчиларга тарқатишдир. Бироқ, иштирокчиларга муайян тилни қандай ишлатиш ҳақидаги маълумотни беришдан ташқари, улар тадқиқотчи томонидан олинган натижаларга сезиларли фойда бермайди.

Дискурсни яқунловчи тест методи нафақат прагматик компетенцияни текширибгина қолмай, балки иштирокчиларнинг муайян нутқ актларини ишлаб чиқишини ҳам баҳолайди. Мисол учун, иштирокчи талабаларга катта ёшли ва таниш бўлмаган инсонга реал вазиятдагидек мурожаат қилиши сўралиб, улар кекса одамга мурожаат қиладиганида мулойим ҳолатда савол бериши зарур бўлган.

Иштирокчилар унинг жавоб беришидан олдин социал масофа, нисбий куч ва ҳар бир вазиятнинг боғликлиги каби ўзгарувчан ҳолатига эътибор бериши зарур бўлади [11]. С.Цзе Хитой инглиз тили университети талабаларининг инглиз тилини чет тили сифатида турли прагматик тестлардаги илтимос ва рад этиш актларини тўғри бажарганини кузатган [21]. Яъни, уларнинг кўп танловли дискурсни якунловчи тест, социал масофа ва муайян нутқ актларини ишлаб чиқишга нисбий куч ундаганини тадқиқ қилган. Дискурсни якунловчи тести иштирокчиларнинг ҳақиқий прагматик компетентлигини кўп танловли дискурсни якунловчи тестига қараганда кўпроқ намоёиш этади. Кейинчалик, иштирокчиларнинг социал масофа ва нисбий кучни ифодаловчи контекстдан хабардор бўлиши, уларнинг муайян нутқ актларини яратишига олиб келади.

Шунингдек, Л.Бахман ва А.Палмер [10] томонидан тақлиф этилган тест, ўзининг ишончлилиги ва амал қилиш жиҳатига кўра, тадқиқот жараёнида муҳим ҳисобланади. Р.Аннинг [7] олиб борган тадқиқотларида ролли ўйини, корейс тилининг прагматик компетентлигини ва уни иккинчи тил сифатида ўрганилиши учун дискурсни якунловчи тестини истисно қиладиган воситаларни ҳам ўрганиб чиқди. Олинган натижаларга кўра, синон инструментлари корейс тилининг иккинчи тил сифатидаги контекстларида ҳам амал қилган ва қўлланилган.

Хулоса қилиб айтганда, дискурсни якунловчи тести баъзи чекловларга эга бўлсада, ушбу метод иштирокчиларнинг прагматик компетентлигини баҳолаш учун самарали ишлатилиши мумкин. Дискурсни якунловчи тести табиий нутқнинг ўзаро алоқасини ифодалашга ёрдам бера олмасада, у иштирокчиларнинг прагматик компетенциясини тақдим эта олади. Бундан ташқари, дискурсни якунловчи тести нафақат иштирокчиларнинг лингвистик қобилиятини акс эттиради, балки уларнинг ижтимоий-маданий ўзгарувчанлик асосида коммуникатив контекстда тилнинг қандай ишлатилишини ҳам ифодалайди. Социопрагматик тадқиқот методларидан бири дискурсни якунловчи тест орқали мисолларни шакллантиришда, вазиятнинг эҳтимоллигини ўрганиш, дастлабки ситуацион тестни метапрагматик баҳолаш ва тестни ишлаб чиқиш босқичларини ҳисобга олиш керак. Тадқиқотчи дискурсни якунлаш тестидан иштирокчиларнинг прагматик компетенциясини баҳолаш ва тест чекловларини камайтириш учун самарали фойдаланиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Djumabaeva J.Sh. Lexical and stylistic graduonymy in Uzbek and English. Central Asia International journal of Humanitar Sciences. Volume-1. Issue-1. 2019. September.
2. Mamatov A.E. Bibliographic index of works on the culture of speech and language norms. Part I. - Tashkent, 1990.
3. Muminov S.M. Socio-linguistic features of Uzbek communication behavior: Abstract of Candidate's dissertation of philological sciences. – Tashkent, 2000.
4. Rakhimov G.Kh. Sociolinguistic principles of the use of English in the language activity of the population of Uzbekistan. Ўзбекистонда хорижий тиллар илмий-методик электрон журнал. Journal. fledu.uz. 2019 №5.
5. Safarov Sh. Pragmalinguistics. – Tashkent: UzNE, 2008.
6. Холмагова Б. “Прагматика” тушунчасининг талқини ҳақида. Хорижий филология. 2018. №4.
7. Ahn R-C. Five measures of interlanguage pragmatics in KFL (Korean as foreign language) learners. (Doctoral dissertation, University of Hawaii at Manoa, 2005).
8. Aston G. Say "thank you": some pragmatic constraints in conversational closings. Applied Linguistics, 16.1. 1995. Pp. 57-86.
9. Bachman L.F. Fundamental considerations in language testing. Oxford. Oxford University Press. 1990.
10. Bachman L.F, Palmer A.S. Language testing in Practice. Oxford: Oxford University Press.1996.
11. Beebe L. and Cummings M. Natural speech act data versus written questionnaire data: how data collection method affects speech act performance, in S. Gass and N. Joyce (eds). Speech Act Across Cultures: Challenges to Communication in a Second Language. Berlin: Mouton de Gruyter. 1996. Pp. 65-86.
12. Billmyer K. and Varghese M. Investigating instrument-based pragmatic variability: effects of enhancing discourse completion tests. Applied Linguistics, 21.4. 2000. Pp. 517-52.
13. Blum-Kulka S. Learning how to say what you mean in a second language: A study of speech act performance of learners of Hebrew as a second language. Applied Linguistics, 3. 1982. Pp. 29-59.
14. Bodman J. and Eisenstein M. May God increase your bounty: the expression of gratitude in English by native and non-native speakers, Cross Currents, 15.1, 1988. 1-21.
15. Cohen L, Manion L. and Morrison K. (eds). Research Methods in Education. 5th ed. London: Routledge/Falmer. 2000 p. 370.
16. Decapua A, Dunham J.F. The pragmatics of advice giving: Cross cultural perspective. Intercultural Pragmatics.2007. 4(3). Pp.319-342.
17. Felix-Brasdefer J. C. Validity in data collection methods in pragmatics research, in P. Kempchinsky and C. Pijeros (eds). Theory, Practice, and Acquisition: Papers from the 6th Hispanic Linguistics Symposium and the 5th Conference on the Acquisition of Spanish and Portuguese. Somerville, MA: Cascadilla Press. 2003a. Pp .239-5 7.
18. Frank D. The Seven Sins of Pragmatics: Theses on the Theory of Speech Acts. Analysis of Speech Communication, Linguistics and Rhetoric // New in Foreign Linguistics. Vol. XVII. Theory of speech acts. M.: Progress. 1989.

19. Golato A. Studying Compliment Responses: A comparison of DCTs and recordings of naturally occurring talk. *Applied Linguistics*, 24.1. 200. Pp. 390-121.
20. Hinkel E. Appropriateness of advice: DCT and multiple choice data. *Applied Linguistics*, 18.1. 1997. Pp. 1-27.
21. Holmes J Review of cross-cultural pragmatics: requests and apologies. *Language in Society*, 20. 1991. Pp. 119-126.
22. Jie C. A comparative study of Chinese EFL learner's performances of different pragmatic tests. Master thesis, Nanjing University. 2005.
23. Johnston K., Kasper G. and Ross S. Effect of rejoinders in production questionnaires. *Applied Linguistics*, 19.2 1998. Pp. 157-82.
24. Kasper G. Data collection in pragmatics research, in H. Spencer-Oatey (ed.), *Culturally Speaking. Managing Rapport through Talk across Cultures*. London: Continuum. 2000. Pp. 316-41.
25. Kasper G. *Interlanguage Pragmatics*/G.Kasper, R. Blum-Kulka.-Oxford: Oxford University Press. 1993.
26. Labov W. *Sociolinguistic patterns*. Philadelphia: University of Pennsylvania Press. 1972.
27. Leech G. *Principles of Pragmatics*. London: Longman. 1983.
28. Levinson S.C. *Pragmatics*. Cambridge: Cambridge University Press. 1983.
29. Mey J.L. *Pragmatics: An Introduction*. Oxford: Blackwell Publishers. 2001.
30. Rintell E. and Mitchell C. Studying Requests and Apologies: An Inquiry into Method, in S. Blum-Kulka et al., *Cross-Cultural Pragmatics: Requests and Apologies*. Norwood: N.J. Ablex. 1989. Pp. 248-72.
31. Rose K. On validity of discourse completion tests in non-Western context. *Applied Linguistics*, 15.1. 1994. Pp. 1-14.
32. Saville-Troike M. The ethnographic analysis of communicative events, in N. Coupland and A. Jaworski (eds), *Sociolinguistics: A Reader and Coursebook*. London: Macmillan. 1997. Pp. 126-44.
33. Sieber J. *Planning Ethically Responsible Research: A Guide for Students and Internal Review Boards*. Newbury Park: Sage. 1992. Pp. 3-44.
34. Thomas J. Cross-cultural pragmatic failure. *Applied Linguistics*. 4.2. 1983.
35. Trosborg A. *Interlanguage Pragmatics*. New York: Mouton de Gruyter. 1995.
36. Turnbull W. An appraisal of pragmatic elicitation techniques for the study of talk. Unpublished manuscript. (Department of Psychology, Simon Fraser University, Canada. 1997.
37. Yuan Y. An inquiry into empirical pragmatics data-gathering methods: written DCTs, oral DCTs, field notes, and natural conversations. *Journal of Pragmatics*, 33, 2001. Pp. 271-92.
38. Yule G. *Pragmatics*. Oxford: Oxford university Press. 1996.

УЎК 81-13

ЧЕТ ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА МУЛЬТИМЕДИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН Фойдаланишнинг Афзалликлари

Ф.Н. Сапаева, ўқитувчи, ТАТУ Урганч филиали, Урганч

Ф.Р. Адамбаева, ўқитувчи, ТАТУ Урганч филиали, Урганч

Л.К. Эркинова, магистр, Урганч Давлат Университети, Урганч

Аннотация. Ушбу мақолада мультимедия технологиялари ва ушбу техник воситаларидан ўқув жараёнида шунчаки фойдаланиб қўйиши эмас, балки ўқув мақсадига кўра маълум бир мавзунини ўрганишдан кўзланган мақсадга мос фойдаланиши кераклиги ҳақида сўз юритилади.

Калим сўзлар: таълим жараёни, ахборот коммуникацион технологиялари, техник восита, мультимедия, ўқитувчи, талаба, тил ўрганиши, нутқини ўстириши

Аннотация. В этой статье обсуждается необходимость использования мультимедийных технологий и этих технических средств не только в процессе обучения, но и в соответствии с предполагаемой целью изучения конкретной темы в соответствии с задачами обучения.

Ключевые слова: учебный процесс, информационно-коммуникационные технологии, технические средства, мультимедиа, учитель, студент, изучение языка, развитие речи

Abstract. This article discusses the need to use multimedia technologies and these technical tools not only in the learning process, but also in accordance with the intended purpose of learning a particular topic according to the learning objectives.

Keywords: educational process, information and communication technologies, technical means, multimedia, teacher, student, language learning, speech development

Халқнинг бой замонавий маданияти, иктисодиёт, фан, техника ва технология соҳасидаги ютуқлари асосида мутахассислар тайёрлашнинг мукамал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартидир. Бугунги кунда хорижий тилини билиш ўта муҳим аҳамият касб этаётганлиги боис чет тили ўқитиш тизимини ҳам ислоҳ этиш, таълим жараёнларида замонавий педагогик ва ахборот коммуникацион технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишни илғор усулларини чет тили ўқитиш амалиётида қўллаш таълим тизимидаги долзарб масалалардан бирига айланди. Шунингдек мустақил республикамизнинг жаҳон ҳамжамиятида туганган ўрни тобора ўсиб,

хорижий мамлакатлар билан иқтисодий, ижтимоий, маданий алоқалар кенг қулоқ ёзаётганлиги келажакимиз бўлган ёш авлоддан чет тилини мукаммал билиш заруриятини тобора ошироқда. Ёш авлодни чет тилларини чуқур ўргатиш, жаҳон цивилизацияси ютуқлари ҳамда ахборот ресурсларидан кенг қўламда фойдалана оладиган мутахассисларни тайёрлаш, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантириш орқали мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига янада интеграциялашувини кучайтиришга хизмат қилади [1.76.].

Бугунги кунда замонавий мутахассисларга қўйилаётган талаблардан бири унинг замонавий ўқув техник воситалардан бохабарлиги ва улардан таълим мақсадига қўра фойдалана билиш малакаси. Техник тараққиёт қанчалик илгарилаб кетгани сайин янги техник воситалар яратилиб амалиётга татбиқ этилмоқда. Таълимга оид техник воситалар ҳам шулар жумласидан. Бу эса замонавий ўқитувчида ушбу техник ўқув воситаларидан ўқув жараёнида шунчаки фойдаланиб қўйиши эмас, балки ўқув мақсадига қўра, яъни маълум бир мавзунини ўрганишдан кўзланган мақсадга мос фойдаланиш кераклигини тақозо этади. Бу деганимиз фойдаланилаётган ўқув техник воситаларни қўллаш вақти, сони (яъни бир мартали ёки такрорийли) ҳамда методларини тўғри танлай билиш ва қўллашни ҳам назарда тутати. Булардан ташқари улардан фойдаланиш билан боғлиқ психологик, педагогик омилларни ҳам ҳисобга олиш талаб этилади.

Ўзбекистоннинг миллий тараққиётида ҳар томонлама баркамол шахсни вояга етказиш асосий масалалардан биридир. “Ахборот технологиялари асри” деб аталган XXI аср, янги минг йилликда ахборот- коммуникация технологиялари ҳаётимизнинг барча жабҳаларига жадал кириб келмоқда. Таълим соҳаси ҳам бу жараёндан четда қолмади. Ўқитишнинг замонавий интерактив воситалари, мультимедиявий таълим маҳсулотлари ва мультимедия иловаларининг чет тилларини ўқитишда қўлланилиши ўзининг самарасини бермоқда. Улар тил ўрганувчиларнинг билим ва кўникмаларини оширишда асосий инструментлар қаторидан ўрин олмоқда. Чет тилларни ўқитишда ва ўрганишда масофавий таълим шаклларида фойдаланиш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу борада аввал мультимедиянинг ўзи нима деган саволга жавоб бериб ўтсак.

Мультимедия–интерактив тизимли, овоз билан бир қаторда, анимацион компьютер графикаси, видео, статик тасвирлар ва матн намоиши ҳисобланади. Мультимедия таълим олувчилар учун энг самарали усуллардан ҳисобланади. У таълим жараёнини бойитиб унинг самарадорлигини оширади, тил ўрганувчиларнинг фаолиятини оширади, янги маълумот олишни бир неча бор тезлаштиради. Ҳозирги кунга келиб, ўқитувчи дарс жараёнини бу воситасиз тасаввур қилолмайди. Дарс шакли ҳам бу технология таъсирида ўзгариб кетади. Илгари дарс жараёнида ўқитувчи фаол ролни ўйнаган бўлса, ҳозирги кунда ўқувчи ўқитувчи билан бир қаторда, ҳатто баъзи ҳолатларда ўқитувчи пассив ролни ўйнавчи шахс бўлиб ҳисобланмоқда. Ўқитувчи фақат билим берувчи бўлиб ҳисобланган бўлса, ҳозирда у йўл кўрсатувчи, йўналиш берувчи киши сифатида фаолият юритмоқда ҳолос. Мультимедия дарсининг асосий вазифаларига барча ўқувчиларни дарс жараёнига жалб қилиш, уларнинг тилга бўлган қизиқишини ошириш, берилган янги дарсни ўқувчиларга турли ҳил воситалар орқали чуқур сингдириш ва уларда тилга бўлган кўникмаларини шакллантириш саналади [4.75.].

Замонавий педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш йўли билан, ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилларга ўқитиш, шу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда бунинг негизда, уларнинг жаҳон тараққиёти ютуқлари ҳамда дунё ахборот ресурсларидан кенг қўламда фойдаланишлари, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришлари учун шарт-шароит ва имкониятлар яратиш ишлари зарур. Чет тили амалий дарслари ўқув хоналарида зарурий техник жиҳозларнинг мавжуд бўлиши дарс сифатини оширади, талабаларга чет тилига бўлган қизиқишини янада кучайтиради, шунинг билан бирга тил ўргатувчи профессор ўқитувчилар ҳам яратиб берилган шарт шароитлардан унумли фойдаланган ҳолда ўзларининг бор профессионал педагогик касб маҳоратини ишга солиб, янги педагогик технологияларни қўллаган ҳолда сифатли дарс машғулотларини ўтказиш имкониятига эга бўладилар. Чет тили ўқитишда техника воситаларидан фойдаланишдан асосий мақсад:

- Қўрғазмалиликни кучайтириш;
- Муаммоли таълимни амалга ошириш;
- Ўқувчиларни турли кишилар нутқини эшитишга ва тушунишга ўргатиш;
- Оғзаки нутқ тезлигини ўстириш;
- Ўрганилаётган тил материалларини ҳаётга боғлаш;
- Ўқувчиларни ғоявий сиёсий ва ахлоқий тарбиялаш;
- Ўқувчиларни мустақил ишлашга ўргатишдан иборат.

Бугунги кунда янги электрон дарсликлар, ўқув ва ўқув–услубий қўлланмалар яратилмоқда. Улар талабалар саводхонлигини ошириш, нутқини ва ақлий қобилиятини ўстириш, ақлий қобилиятини ривожлантириш, мантиқий фикрни такомиллаштириш, ижодий фикрлай олиш ҳамда таълим тизимлари орасидаги узвийликни таъминлашга қаратилмоқда. Маълумки таълим жараёнини

компьютерлаштириш нафақат таълимий ахборотларни яхшилаш, балки янги ахборот технологиялари элементларини ҳам ўзлаштиришга ёрдам беради. Айниқса чет тилларини ўрганишда компьютерлар ўқитувчининг меҳнатини осонлаштириб, дарс жараёни самарадорлигини оширишини алоҳида таъкидлаш зарур. Яхши мультимедияли дастурлар тўғри мақсадга йўналтирилиши зарур, чунки ўқув материаллари аниқ бир мавзунини ёрита олиши, дастур ўқув жараёнининг барча компонентларини қамраб олиши шарт. Замоनावий техник воситаларнинг таълим жараёнига кириб келиши таълим жараёнинини замонавийлаштиришда катта аҳамият касб этмоқда. Талабалар қайси соҳада ўқимасинлар чет тилларни замонавий техник воситалар орқали ўрганиш уларнинг олдида қўйган мақсадларига етишда интенсив восита бўлиб хизмат қилади. Бугунги кун талаба таълим берувчининг маълум бир маълумотни тайёрлаб талабалар эътиборига етказишини пассив ҳолда кутиб ўтирмайди, аксинча у бу маълумотни таълим берувчидан аввалроқ эгаллаб олган бўлиш эҳтимоли йўқ эмас, шунинг учун таълим берувчи дарсга киришдан аввал ҳар томонлама тайёргарлик кўриб, янги инновацион технологияларни мукамал эгаллаб кирмоғи даркор. Етук педагогик маҳорат ва кенг илмий савияга эга бўлиш янгликни ҳис қила олиш давр билан тенг ҳамнафас бўла билиш ҳозирги замон ўқитувчисининг энг асосий вазифасидир [5.47].

Бутун жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллашга интилаётган, ўз буюк келажagini кураётган халқимиз учун хорижий тилларни мукамал билишнинг аҳамияти асосий ўрин тутаетди. Олий таълим муассалари ёшларни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаши, шу билан бир қаторда чет тилини ҳам мукамал ўргатиши зарур. Бу борада мультимедия воситаларининг чет тилини ўқитишда ўқитувчи учун энг асосий ёрдамчи бўлиб хизмат қилибгина қолмай, ҳаттоки ўқувчиларнинг мустақил тарзда тил ўрганишга бўлган қизиқишларини ошириб, қобилиятларини кучайтиришга ёрдам бериб келмоқда. Яхши дарсни ташкил қила олиш ва ўқувчиларда дарсга бўлган қизиқишни уйғота олиш ўқитувчидан катта маҳорат ва билим савиясини талаб этади. Бундай билим савияга эга бўлиш учун эса бўлажак педагог ўз устида тинмай ишлаши, янгиликларга ҳамоҳанг тарзда яшаши, яъни нафақат ўз йўналиши, балки бошқа соҳалар бўйича ҳам кузатилаётган янги билимлар тизими билан ўқувчиларини таништириб олиш қобилиятига эга бўлиши лозим. Ҳар бир чет тили ўқитувчиси учун шуни айтиш жоизки, таълим тизимида назарий билим беришдан кўра амалий, яъни визуал тарзда ўқитиш таълим олувчининг нафақат қизиқишини кучайтирибгина қолмай, унинг хотирасида ўтилган дарсни қай даражада қолишини ҳам белгилаб беради, яъни таълим олувчи эшитиб ёки китобдан ўқиб ўрганган нарсасидан кўра анимацион тарзда кўрган нарсанини тасаввурда тез шакллантириб олади ва осон эслаб қолади. Бундай тарзда дарсни ташкил қилиш учун эса ҳар қандай чет тили ўқитувчиси техник воситалардан (видео, аудиомагнитофон, проекторлар)дан фойдалана олиши, тест топшириқларини компьютер орқали амалга оширишни, электрон ҳабарлар, электрон дарслик, ўқув қўлланмалар, луғатлар яратишни билиши талаб этилади. Чет тилларни ўқитишда интернет ёрдамида бевосита масофавий таълимдан фойдаланиш, талабаларнинг ўқув фаолиятини, мустақил ишларини табақали ташкил этиш ҳамда компьютерли назорат ташкил этиш, турли компьютер дастурлари ёрдамида ўз дарсини қизиқарли ташкил қила олиши зарур, шу билан биргаликда, турли таълим босқичларида техник воситаларни қўлланиш тартибини билиши ва уларни ўқувчиларни салоҳиятига қараб тўғри тақсимлай олиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. Тошкент 2008.
2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси “Олий таълим тизимини 2030-йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ 5847 08.10.2019
3. Алимов Ш. С. Интенсив методлар, интерфаол методлар, ноанъанавий дарс ўтиш усуллари, дидактик ўйинларлар. Андижон 2009
4. Саттаров Т. Бўлажак чет тили ўқитувчисининг услубий омилкорлигини шакллантириш технологияси Тошкент-2003.
5. Жалолов Ж.Ж. Жаҳон лингводидактикасининг замонавий концептуал янгиланиш босқичи хусусида хорижий филология. Тил Адабиёт Таълим (30) 2009
6. Карпов Г. В. Ўқитишнинг техникавий воситалари. Тошкент, 1974.
7. Пресман Л.П. Технические средства на уроках русского языка. “Произведение” 1976.
8. www.learnEnglish.org.uk
9. www.teachingpronunciation.net
10. www.britishcouncil.uk
11. www.methodologyofTFL.com

С.РИЧАРДСОН ВА А.ЧЎЛПОН ИЖОДИДА АЁЛ ОБРАЗИНИНГ ПСИХОЛОГИК-ТИПОЛОГИК ЎХШАШЛИКЛАРИ

С.С. Усмонова, таянч докторант, Фаргона Давлат университети, Фаргона

***Аннотация.** Мақолада С.Ричардсон ва А.Чўлпон ижодида аёл образининг психологик-типологик ўхшашликлари, икки ижодкор ўзлари яшаган даврдаги аёлларга бўлган муносабатни қаҳрамонлари Зеби ва Памелалар орқали ёритганлиги кўрсатилган.*

***Калим сўзлар:** қиёсий адабиётшунослик, Ричардсон, Чўлпон, аёл образи, ўхшашликлар, руҳий кечинма*

In improving the imaging activities of children of kindergarten age, copying from things is of great importance. By copying, children develop observation skills, fantasy, thinking skills.

In conclusion, in order to effectively organize preschool education, it is important first of all to take into account the psychological state of the child, his creative abilities and mental aspects.

REFERENCES:

1. Nishonova Z., Alimova G. Bolalar psixologiyasi va uni o'qitish metodikasi. –T.: "O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi", 2006.
2. Qayumova H.M. Preschool pedagogy. "TDPU" publishing house, -T.:2013.

UO'K 37.02

JISMONIY TARBIYA DARSLARIDA O'QUV-TARBIYA JARAYONINI REJALASHTIRISH

J.A. Alimov, dotsent, Andijon Davlat Universiteti, Andijon

Annotatsiya. *Mazkur maqolada jismoniy tarbiya darslarida o'quv-tarbiya jarayonini rejalashtirishda reja grafigi va uning asosiy vazifalari yo'ritiladi.*

Kalit so'zlar: *o'quv-tarbiya, dastur, DTS, o'quv jarayoni, tarbiya jarayoni, rejalashtirish, takomillashtirish*

Аннотация. *В статье описан график и его основные задачи при планировании учебного процесса на уроках физкультуры.*

Ключевые слова: *учебный план, программа, ГОС, учебный процесс, учебный процесс, планирование, совершенствование*

Abstract. *This article describes the schedule and its main tasks in planning the educational process in physical education classes.*

Keywords: *curriculum, program, State Educational Standards, learning process, educational process, planning, improvement*

Jismoniy tarbiya bo'yicha o'tgan yillar davomida qilingan ishlar va maktabning moddiy bazasini hisobga olish, uni rivojlantirish va takomillashtirish yo'llarini aniqlash zarur. Maktab rahbariyati va pedagoglar jamoasining tarbiyaga bo'lgan munosabatini aniqlash uchun maktabning umumiy ish rejasi bilan tanishish zarur. Jismoniy tarbiya darslari bo'yicha o'quv rejasini tuzishda viloyat va tumanning ob-havo sharoitini o'rganish zarur. Ko'pincha bular bir-biridan farq qiladi. Tuman va viloyatning ommaviy sport tadbirlarini

kalendari bilan tanishish zarur. Bunday axborotlar o'qituvchiga dastur bo'limlarini nabatma-navbat o'tishini aniqlash uchun zarur. Yetakchi jismoniy mashqlar turlarini va ish shakllarini aniqlash uchun o'qituvchi maktab, aholi yashayotgan texnik sport va jismoniy tarbiyaga oid an'analarni o'rganadi, o'quv tarbiya ishlarining samaradorligini oshirish yo'llarini belgilaydi.

Rejalashtirishning aniq hujjatlarini tuzib chiqishda o'qituvchi-pedagog qator talablarga rioya qilishi shart.

1. Rejalar xalq va hunar- texnika ta'limi, rahbar tashkilotining qarorlari va me'yoriy hujjatlariga muvofiq bo'lishi kerak. Ular davlat rejasi asosida jismoniy tarbiya tizimining bo'g'inlari uchun tuziladi. Hamma o'quv rejalar jismoniy tarbiyaning umumiy maqsadlariga muvofiq hamda xalq ta'limi vazirligi tomonidan ishlab chiqilgan metodika tavsiyanomalariga muvofiq bo'lishi lozim.

2. Rejalashtirish jarayonida jismoniy tarbiyaning umumiy va metodik uslubiy asoslaridan kelib chiqish kerak. Rejalashtirish jarayonida asosiy tamoyillar- printsiplarni amalga oshirish uchun qulay imkoniyatlar bo'ladi: shaxsni har tomonlama rivojlantirish, jismoniy tarbiyaning mehnat va harbiy amaliyot bilan bog'liqligi, muntazamlik, qulaylik, mustahkamlik va yuksalish. Shulardan qaysi biri sog'lomlashtirish samarasini bersa va shug'ullanuvchilarga har tomonlama ijobiy ta'sir etsa, shunisiga keng yo'l ochib beriladi. O'rta Osiyo tabiiy iqlim sharoitida yillik dars soatlarining ko'proq qismini ochiq havoda o'tkazishni rejalashtirgan ma'qul.

3. Rejalashtirishga qo'yilgan asosiy talab uning maqsadga muvofiqligi va kelajagi birligidir. Ma'lum sikl rejasi dars seriyalari, yil, chorak, oldingi sikllarga asoslanishi va bajariladigan ishga tayyorlashi kerak.

4. Reja amalga oshiriladigan bo'lishi kerak. Rejalashtirishda o'quvchilar sonini, ularni jismoniy tayyorgarligini, maktabning shart-sharoitini, moddiy texnik ta'minlanganligini, faslni va boshqa talablarni hisobga olish zarur. Shu shart va talablardan qaysi biri mavjud bo'lsa, o'quv dasturidan biroz chetlangan bo'lsa ham, shularni rejalashtirish zarur. Bu yerda ma'lumki, imkoni bo'lmagan materiallar soati imkoni borlarga beriladi. Lekin shuni unutmaslik kerakki, har bir o'qituvchi ish jarayonida asta-sekinlik bilan shug'ullanuvchilarga sharoit va imkoniyat yaratib berishi kerak. Bunday holatlar ko'pincha dastur bo'limiga yangi talablar kiritilganda bo'ladi.

5. Rejalashtirishning aniqligi o'rgatish bosqichlarini, ularning vazifalariga mosligi bilan ifodalanadi.

Ko'p mashqlar ichidan eng zaruriysini, har tomonlama mukammal yoki pedagogik samaradorlikni ta'minlaydiganlari tanlab olinishi zarur. Rejalarni tuzishdan oldin o'qituvchi zarur axborotlarni to'plab, tayyorgarlik ishlarini bajarishi kerak. Bu axborotlar o'quv materiallarini, manbalarni va ish shakllari, o'tish tartibini belgilab beradi. Har bir jismoniy tarbiya fani o'qituvchisi jismoniy tarbiya bo'yicha o'quv dasturlarini yaxshilab o'rganishi kerak. Shuning uchun har bir sinf uchun, bu mashqlarni o'zlashtirib olishda vazifalarni aniq belgilash zarur. Bundan tashqari, dasturni o'rganishda o'quv materiallarining sinfdan-sinfga o'tadigan izchilligini ta'minlash imkonini beradi. O'quvchilar tarkibini, sog'ligi darajasini, texnik va jismoniy tayyorgarligini o'rganish, bunday ma'lumotlarni hujjatlarni o'rganish orqali olish mumkin. Ayniqsa, o'quvchilar bilan suhbatlar boy ma'lumot beradi. O'z o'rnida shuni ta'kidlab o'tish kerakki, jismoniy tarbiya darslarida ishlarni rejalashtirish ikki guruhga bo'linadi: 1. Davlat hujjatlari; 2. Davlat hujjatlari asosida o'qituvchi tuzgan hujjatlar. Birinchi galdagi rejalashtirish ishlarida davlat hujjatlarini ko'rib chiqamiz: O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi standartlari (DTS) va o'quv dasturi. O'quv dasturida "Jismoniy tarbiya" faniga yillik soatlarning hajmi belgilab berilgan. Jismoniy tarbiya majmuasi maktabda "Alpomish" va "Barchinoy" jismoniy tarbiya bo'yicha o'quv dasturlariga asoslanadi. DTSlari o'quv dasturi "Jismoniy mashqlar, jismoniy jihatlarni rivojlantirish uchun mashqlar, fanlararo aloqa uzviylik talablari belgilab berilgan". Jismoniy tarbiya bo'yicha o'quv dasturlari doimo takomillashib, vaqti bilan o'zgarib boradi. Maktab dasturining o'zgarish sabablariga quyidagilar kiradi:

-o'quv dasturida o'zgarishlar bo'lsa;

-o'quv sport bazasining bir muncha yaxshilanishi, fan yutuqlari va ilg'or tajribalarni o'quv jarayoniga qo'llash;

-o'quvchilar ma'lumotining oshishi, metodikaning takomillashganligi, o'quvchilarning tayyorgarlik darajasi;

- jismoniy tarbiyada yangi vazifalarning qo'yilishi izlanishga chaqiradi va yangi maqsadlarni hamda ish usullarini qo'llashni talab etadi.

O'qituvchilarning ko'p yillik tajribalari shuni ko'rsatadiki, jismoniy tarbiya darslarida qo'yilgan vazifalarning samaradorligi tizimini tashkil etish zarur. Bu tizim qator rejalarni mantiqiy bir-biriga bog'lab, tugallangan hisoblanadi. Bularning har biri o'z funksiyasiga ega. Bir butun olganda jismoniy tarbiya jarayonini maqsadga muvofiq qilib tashkil etish imkonini beradi. Bu tizim quyidagi hujjatlarni o'z ichiga oladi: a) yillik o'quv-tarbiya ishlarining reja-grafigi; b) dastur materiallarini darslarga taqsimlash rejasi, ish reja va dars konspekti. O'quv-tarbiya ishlarining reja grafigi. Bu barcha parallel sinflar uchun bir yilga tuziladi. Uning asosiy vazifasi bir tekis, o'quv materialini maqsadga muvofiq qilib taqsimlash va yillik ishni tartibga solishdir. Grafikni tuzib chiqish o'quv materiallarining tahlilidan boshlanadi. Bu asosiy mashqlarni aniqlash, vaqtni hisobga olish, ularni o'zlashtirish uchun zarurdir. Hozirgi dastur tahlili shuni ko'rsatadiki, mashqlar har bir

sinfda aniq qo'yilgan. Vaqtni taqsimlab chiqishda mashqlarni murakkabligini va o'quvchilar tomonidan shu mashqlarni o'zlashtirishning qiyinligi bilan bog'liq bo'lgan tomonlarni hisobga olish zarur.

Dastur o'z ichiga yoshlarda jismoniy sifatlarni tarbiyalash vazifasini, dars hajmini, yillik vazifalarni hal etish uchun o'rgatishning aniq vazifalarini, tarbiya va sog'lomlashtirish ishlarini oladi. Bu dastur o'rgatishning eng qulay varianti, nazorat- sinov vaqtini ko'rsatishi, mustaqil mashg'ulotlar vazifalari va manbalari hisobiga kengayib boradi. O'quv o'rgatish dasturi o'quv faoliyatini samaradorlik bilan boshqarish imkonini beradi. O'quv materialini o'rgatish jarayonida o'quvchilar mustaqilligini va faolligini oshiradi, o'rgatish vaqtdan ongli foydalanish imkonini beradi. Ana endi, o'quv dasturini tuzish bosqichlarini ko'rib chiqamiz.

Birinchi bosqich jismoniy sifatlarni rivojlantirish ishi uchun mashqlarni tanlashni o'z ichiga oladi.

Ikkinchi bosqich o'rgatishning ko'p yillik vazifalarini aniqlashdan iborat. Ko'p yillik vazifalarni aniqlab borish, o'quv materiallarining izchilligini va o'zaro aloqasini aniqlamog'i zarur. Mashqlarni o'rganish jarayoni spiral bo'yicha tashkil etiladi: har bir yangi aylanishda, navbatdagi o'quv yilida yangi materialni o'rganish uchun asos bo'lib xizmat qiladigan harakat tajribalarini muntazam ravishda qo'llash maqsadga muvofiqdir.

Uchinchi bosqich, yillik o'rgatish vazifalarini shakllantirishdan iborat. O'qituvchi ma'lum sinfda o'rganiladigan mashqlarning darajasini aniqlashi lozim, agar u bir necha sinflar uchun dasturda ko'rsatilgan bo'lsa, bunday mashqlarga yugurish, sakrash, akrobatik va boshqa mashqlar qiladi.

To'rtinchi bosqichda yillik vazifalarni hal etish uchun zarur bo'lgan darslar hajmi hisoblab chiqiladi.

Beshinchi bosqich ko'p mehnat talab qiladi, dars vazifalariga aniqlik kiritishdan, ularni hal etish uchun manba tanlash, o'rganiladigan harakat-faoliyat qismlariga yordamchi mashqlarning qaytalanish sonini belgilash va ularni bir butun qilib o'rganishdan iborat. Maktab dasturi bo'limini rejalashtirishning uch usuli ma'lum: parallel, ketma-ket va aralash. Dastur materiallarini parallel o'tishda darslarda har xil bo'limlardan materiallar kiritiladi. Bo'lim ketma-ket o'tish yuqori sinflarda amalga oshiriladi va yengil atletika, sport o'yinlari, gimnastika va boshqa mashqlar navbatma-navbat hal etiladi. O'quv materialini aralash rejalashtirish deganda birinchi va ikkinchi usulni birga qo'shib olib borish tushuniladi, ya'ni ba'zi bir bo'limlar parallel; ba'zilari alohida o'rganiladi.

Yuqorida sanab o'tilgan usullarning har biri o'zining ijobiy va salbiy tomonlariga ega. O'rta sinflarda parallel usulini qo'llash yaxshi natija beradi. O'quv materialini parallel usulda o'tish bir muncha yuksaklikka olib keladi. U harakat faoliyatlarini shakllantirish imkonini beruvchi manbalarni uzoq qo'llash orqali o'rgatishning samaradorlik xususiyatini oshiradi. Bulardan tashqari, bunaqa rejalashtirish darslarni xilma-xil tashkil etish imkonini berib, qiziqarli qiladi. Ammo bu holat sinchkovlik bilan tayyorgarlik ko'rishni talab etadi.

Olib borilgan pedagogik tadqiqotlar, o'rganilgan nazariy bilim hamda tajribalarning ko'rsatishicha, o'z o'quv-tarbiya jarayonini to'g'ri rejalashtirgan pedagoglar yuqori natijalarga erishadilar. Ishlab chiqilgan rejalar o'qituvchiga uzoqqa qarash imkonini beradi, maqsad va aniq vazifalarni belgilab olishi uchun zamin yaratadi, qo'yilgan vazifalarni hal etish yo'llarini va ko'proq samaradorlik manbalarini ko'zda tutadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Аслонова М. Таълим жараёнида ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш (Бошланғич синфларнинг jismoniy tarbiya darslari misolida): Дис. ... пед. фан. ном. – Навоий:НавДПИ, 2008.
2. Arjan Egges, Arno Kamphuis, Mark Overmars “Motion in Games” First International Workshop, Utrecht, MIG2008 year.
3. Жуков М.Н. Подвижные игры: Учеб. для студ. пед. вузов.М.: Издательский центр «Академия» 2000. – 160 с.
4. Насриддинов Ф.Н., Қосимов А.Ш. Ўзбек халқ миллий ўйинлари. 1-гўплам. – Т.: 1998. – Б. 27.
5. Nigmanov B.B, Xo'jaev F, Raximqulov K.D “Sport o'yinlari va uni o'qitish metodikasi” o'quv qo'llanma Ilm-Ziyo nashriyoti Toshkent 2011 y.
6. Раҳимқулов К. Миллий ҳаракатли ўйинлар.– Т.: ЎзДЖТИ, 2007. – Б. 49-62.
Raximqulov K.D. “Milliy harakatli o'yinlari” O'quv qo'llanma T.: 2012 y.

UDC 37.03

IMPROVING THE PROCESSES OF FORMATION OF PRE-SCHOOL CHILDREN'S ABILITIES THROUGH INNOVATIVE TECHNOLOGIES

G.M. Altibaeva, teacher, Termez State University, Termez
M.G. Umbarova, student, Termez State University, Termez

Аннотация. Мақолада инновацион технологиялар воситасида мактабгача ёшдаги болаларни интеллектуал қобилиятини шакллантириш жараёнларини такомиллаштириш масаласи баён этилган.

Калит сўзлар: таълим, меъёрий ҳужжат, таълим самарадорлиги, мультимедиа технологияси, тақдимот, инновация

Аннотация. В статье рассматривается вопрос совершенствования процессов формирования умственных способностей дошкольников с помощью инновационных технологий.

Ключевые слова: образование, нормативный документ, образовательная эффективность, мультимедийные технологии, презентация, инновации

Abstract. The article describes the issue of improving the processes of formation of mental abilities of preschool children through innovative technologies.

Keywords: education, normative document, educational efficiency, multimedia technology, presentation, innovation

By the decree of the president of the Republic of Uzbekistan "On measures for further improvement of the preschool education system in 2017-2021" № PD-2707 on December 29, 2016, "Program on further improvement of the preschool education system for 2017-2021" was approved and among the main objectives and directions of this program is to improve the quality of preschool education, , the objectives of the educational process are to introduce modern educational programs and technologies that are widely used in world practice.


In a number of normative documents adopted in the Republic, it is noted that the use of new innovative technologies, including multimedia technology, is a topical issue in the field of Education. Currently, in the field of education, electronic textbooks, manuals and various electronic didactic tools based on multimedia are being created and used. However, in the educational process of preschool institutions, the possibilities of using multimedia technology and applying innovative methods in the process of training on this basis have not been sufficiently developed. One of the innovative technologies intended for use in the educational process of preschool institutions is educational multimedia technology. Multimedia technology is one of the rapidly developing areas of modern information technology and consists of the following organizers: text, table, graphics, music, decoration, animation, audio, video. Each pedagogical, educational and other technology has its own style, as well as educational multimedia technology. The method of "multimedia education" is intended for use in the educational process, when using this method, the educator first prepares a multimedia interactive software product related to the material to be studied. If the learning material to be learned to the child's brain is affected simultaneously in the form of text, audio, video, graphics, music and animation, the material acceptance and storage in memory will increase. From the style of "multimedia education" is used in the training part of the training new material. The advantage of the "multimedia education" method is the following:

- multimedia didactic tool gives an attractive, impressive, expressive (dynamic state) effect;
- as a result of the multimedia presentation of the training material, both hemispheres of the child's brain work simultaneously;
- as a result of a multimedia attack, children's attention is stabilized, their thinking is increased, and educational materials are more acceptable;
- increased activity of children in groups;
- the multimedia didactic tool saves a certain amount of time on the account of interactive software products, creating the opportunity to provide additional information to the child on the account of the saved time.

In our opinion, multimedia technology for preschool children differs in comparison with traditional technologies by the following:

- psychological aspects of children;
- children's age (6-7 years);
- duration of Computer Training (15 minutes);
- material compatibility with children (in multimedia form);
- material size (designed for 30 minutes);
- the degree of complexity of the material;
- their activity levels.

Educational is the process of learning in multimedia technology, that is, in this process, the brain of the educators of preschool institutions is affected by at least three organizers of multimedia at the same time - audio, video and animation. Accordingly, we can see educational multimedia technology as an innovative technology that is intended to be used in the educational process of preschool institutions. Below is an example of a training based on a multimedia tool, which is prepared for the educators of the pre-school preparatory group of educational institutions. The duration of the training is 15 minutes. Slides created to be used in a training session dedicated to the study of the Insert and subtraction actions in five seconds are shown in Figure 1.



The multimedia effect in the exercise is as follows: arches and numbers move on the monitor screen, one by one they are displayed and polished. The process is interpreted by The Voice of the educator, the manifestation of the figures changes with the help of animation effects. At first, the Children list the arches that come out one after the other. In the presentation, the numbers on the monitor screen will also be given a multimedia effect, that is, they will also be polished. After that, the actions $1+2=3$ and $5-2=3$ are performed by other children independently on the computer. As a result, an attractive appearance is shown. When preparing multimedia tools for pre-school educational institutions, it is necessary to take into account the age of the educators and, accordingly, the choice of didactic materials, the study of methods of pedagogical and psychological influence on children in the educational process and the fact that the phase of relaxation is 15-20 minutes. Similar pictures given in the literature have a static character, they are not charismatic.

Thus, in the educational process of preschool institutions, there is a wide range of opportunities for the use of multimedia tools, the main task in this process is the expression from reaching the level of developed countries. From the above, one can come to the following conclusions and suggestions:

- since preschool education is the first type of continuous education system, ensuring its continuity with other types of education in the system of continuous education;
- the use of specific and appropriate multimedia technologies related to preschool education, the development, creation of innovative technologies and the formation of their methodology;
- the use of computer as an educational tool and not as a means of entertainment, the creation of various educational and developing computer games;
- more involvement in research work on the application of information technology, including multimedia technology in the educational process in preschool institutions, is one of the current tasks. And this is an innovative approach in the process of training of a harmonious generation and preschool institutions.

REFERENCES:

1. Абдукодиров А.А., Бегматова Н.Х. Мактабгача таълим муассасаларида мультимедиа технологиясидан фойдаланиш услубиёти (ўқув-услубий кўлланма). – Қарши: «Насаф», 2011. -163-б.
2. Бегматова Н.Х. Методика проведения компьютерных образовательных игр в дошкольных учреждениях. // Технологии и методики в образовании, Воронеж, 2011, № 3. –С. 4.

UO'K 37.02

MAKTABDA JISMONIY TARBIYA DARSLARINI TASHKIL QILISH SHAKLLARI

K.D. Rahimqulov, dotsent, O'zbekiston jahon tillari universiteti, Toshkent

Annotatsiya. Bu maqolada jismoniy tarbiya fanining o'qitilishi, o'quvchilar shaxsini shakllantirish asosida jamoat ongini rivojlantirish bo'yicha axloqiy chiniqish va axloqiy intizom ko'nikmalarini hosil qilish, irodaviy sifatlarini tashkil qilish, intellektual xususiyatlarini va estetik, mehnat tarbiyasini rivojlantirish haqida baxs yuritiladi.

Kalit so'zlar: jismoniy tarbiya, axloqiy chiniqish, axloqiy intizom, irodaviy sifatlar, intellektual xususiyatlar, tayyorgarlik, asosiy, yakuniy

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы преподавания физического воспитания, формирования нравственного воспитания и умений нравственной дисциплины, организации волевых качеств, развития умственных и эстетических качеств, трудового воспитания на основе формирования личности студентов.

Ключевые слова: физическое воспитание, нравственное воспитание, нравственная дисциплина, сила воли, интеллектуальные качества, подготовка, базовый, итоговый

Abstract. This article discusses the teaching of physical education, the formation of moral training and moral discipline skills, the organization of volitional qualities, the development of intellectual qualities and aesthetic, labor education on the basis of the formation of students' personality.

Key words: Physical education, moral training, moral discipline, willpower, intellectual qualities, preparation, basic, final

Jismoniy mashqlar kishi organizmini sog'lomlashtirishda g'oyat katta ahamiyatga ega. Buni yaxshi tushungan holda biz uzoq o'tmishda yashab ijod qilgan, jismoniy mashqlarni ilmiy asoslagan buyuk mutaffakkir Abu Ali ibn Sinoning ilmiy merosiga murojaat qildik. Darhaqiqat, uning fikrlari, mulohazalari, maslahatlari hozirgi zamonda ham katta ahamiyatga ega va bulardan o'qitish jarayonida keng foydalanilsa ayni muddao bo'lar edi.

Abu Ali ibn Sinoning jismoniy tarbiya sohasidagi fikrlari g'oyat katta ahamiyatga egadir. U odam organizmini sog'lomlashtirishning asosiy vositasi deb badantarbiya harakatlarini bilgan. «Sog'liqni saqlashning asosiy tadbiri badantarbiya bo'lib...mo'tadil ravishda va o'z vaqtida badan tarbiya bilan shug'ullanuvchi odam buzilgan xiltlar tufayli keluvchi kasalliklarning va mijoz hamda ilgari olgan kasalliklarning davosiga muxtoj bo'lmaydi!» Uning bu fikrlari, ayniqsa hozir texnika rivojlanib odamlarning jismoniy harakatlari chegaralangan va buning natijasida ko'pdan-ko'p kasalliklar kelib chiqayotgan vaqtda jismoniy tarbiya darslarini nazariy qismida o'quvchilar shu ma'lumotlar bilan tanishtirilib borilsa, juda ham foydali bo'lardi.

Jismoniy tarbiya darslari o'rta maktabda 1925 yilda dastur bo'limiga kiritilgan va haftasida ikki marta 45 daqiqadan o'tkaziladi. Jismoniy tabriya darsi va mashg'ulotlar o'quvchilar organizmiga jismoniy mashqlarning ijobiy tasiriga erishish uchun quyidagilarga e'tibor berish kerak: Jadvalda darsning birinchi soatlarga hamda oxirgi soatlarga jismoniy tarbiya darsini quyilmagani maqsadga muvofiqdir. Nima uchun? Ilmiy ishlar va kuzatishlar asosida isbotlab umumta'lim maktablarda jismoniy tarbiya yoki jismoniy tarbiya deb ataladigan maxsus o'quv fanini o'qitish asosida tashkil etilgan. Hamda uning ahamiyati boshqalar bilan bir qatorda 9 yillik maktabni bitirish haqidagi guvoxnomaga va o'rta ma'lumot haqidagi shahodatnomaga baholarni qo'yilishi bilan belgilanadi.

Jismoniy tarbiya fanining o'qitilishi o'quvchilar shaxsini shakllantirish asosida jamoat ongini rivojlantirish bo'yicha, axloqiy chiniqish va axloqiy intizom ko'nikmalarini hosil qilish, irodaviy sifatlarini tashkil qilishi, intellektual xususiyatlarini va estetik, mehnat tarbiyasini rivojlantirish bilan bog'liqdir. Jismoniy tarbiya fani bo'yicha o'quv tarbiya ishlari boshqa fanlar bo'yicha darsda ish qobiliyatini oshiradi. Jismoniy tarbiya darslarida egallangan harakat ko'nikma, malakalari va jismoniy sifatning tarbiyalanishi, o'quvchilarda o'quv va ishlab chiqarish mehnatining turli ko'rinishlarida talab etiladigan ish harakatini yaxshi shakllantirishga, jismoniy yuklanishini oson yengishga, ishning kerakli temp va ritmiga oson va tezda kirishish, mehnat harakatlarini maqsadga muvofiq hamda tejamli foydalanishga yordam beradi.

Jismoniy tarbiya darsi 3 qismdan iborat (tayyorgarlik, asosiy va yakuniy qismlari) bo'lib dars oldida quyidagi talablar qo'yiladi:

- a) dars aniq vazifalarga ega bo'lishi kerak;
- b) metodik tuzilish bo'yicha to'g'ri bo'lishi lozim;
- v) o'quv materiallari, oldingi dars keyingilari bilan bog'liq bo'lishi maqsadga muvofiqdir;
- g) dars mazmuni bo'yicha o'quvchilarning yoshiga, jinsiga, jismoniy tayyorgarligiga, salomatligiga mos bo'lishi zarur;
- d) darslar qiziqarli va o'quvchilarning faol faoliyatini oshirishga qaratilgan bo'lishi kerak;
- e) dars mazmuni o'quvchilar salomatliklarini, to'g'ri qaddi-qomatini saqlash va har tomonlama jismoniy rivojlantirishga yo'naltirilgan bo'lishi kerak.
- j) boshqa darslar bilan jadvalda to'g'ri tuzilgan bo'lishi lozim;
- z) tarbiyaviy xarakterda bo'lishi shart.

Jismoniy darslarning tayyorgarlik qismi 10-12 daqiqa davom etishi mumkin. Keyin asosiy qismi bo'lib 28-30 daqiqa davom etadi. Bunda dars oldiga qo'yilgan vazifani hal qilish kerak. Yakuniy qism shundan iboratki organizmni oldingi holat ila nisbatan keltirishdir, 3-5 daqiqa davom etadi. Boshlang'ich sinflarda (7-9 yoshli) o'quvchilarni vazniga nisbatan bo'yiga o'sish biroz pasayadi. Boshlang'ich sinf bolalarida har yili vazni 2-4 kg, bo'yi 4 smga ortib boradi. Shuning uchun chuzilish yoshi deb aytiladi. Bu yoshdagi bolalarning katta mushaklari kichik mushaklariga nisbatan tezroq rivojlanadi, shuning uchun ular ayrim mashqlarni qo'rqib bajaradilar. Bu yoshdagi qizlar tengdoshlari bo'lgan o'g'il bolalardan umumiy jismoniy rivojlanishdan qolishmaydi, lekin bu qizlar deb ularga rivojlantiruvchi mashqlar kam berilsa, kelgusida koordinatsiyalash va harakat aniqligi bo'yicha ham o'gil bolalardan sezilarli darajada orqada qoladilar. Jismoniy mashqlar yordamida bolalarni har tomonlama va garmonik rivojlantiruvchi umumiy vazifalar bilan bir qatorda boshqa vazifa: jismoniy rivojlanishning individual kamchiliklarini to'g'rilash vazifasi kiradi. Ko'pincha bolalarda qaddi-qomatning buzilishi, yassi oyoqlik, semirish belgilari uchraydi. Kichik yoshdagi o'quvchilarda bunday jismoniy rivojlanishning buzilishlari ko'proq, uchraydi. Shuning uchun bu kamchiliklarni mumkin qadar tezroq yo'qotishga harakat qilib, maxsus jismoniy mashqlar majmuasidan foydalaniladi.

Jismoniy tarbiya darsining sifatini yuqori darajaga ko'tarish o'quvchilar harakat faolligini oshirish uchun o'qituvchi muntazam tayyorgarlik ko'rib borishi shart. O'quvchilarning yosh xususiyatlarini e'tiborga

olib: 1. Darsning turi, xarakteri, vazifalari to'g'ri aniqlanadi; 2. Darsni qismlari bo'yicha o'ylab bunda oldin darsning asosiy qismi, keyin tayyorgarlik qismi tuziladi; 3. O'quvchilarni tashkil etish va o'rgatishda qo'llaniladigan metodlardan foydalanish; 4. Darsda zarur bo'lgan sport asbob anjomlari holati ham e'tiborga olinadi; 5. Uy vazifalari aniqlanadi; 6. O'quvchilarni tekshirish va bilimlarini baholash; 7. Dars konspektini tuzish; 8. O'qituvchining ayrim mashqlarni o'zi bajarib ko'rishi; 9. Darsgacha faollarga instruktaj berish; 10. O'qituvchining tashqi ko'rinishi. Jismoniy tarbiya darslarini o'tkazish murakkab, ko'p qirralik faoliyatdir. Shu boisdan mashg'lotlarning yuqori sifatli bo'lishi uchun o'qituvchi darsga tayyorgarlik ko'rishda qo'yidagilarni hisobga olgan holda jiddiy tayyorlanishi lozim:

- a) dars vazifalarini aniqlash;
- b) darsning konkret rejasini ishlab chiqish;
- v) darsda kerak bo'lgan sport asbob anjomlarini tayyorlash.

O'quv tarbiya darslarini tashkil qilishda o'qituvchi faqat rejani ishlab chiqibgina qolmay, balki uning yana yuqori darajada bajarilishiga ham intilishi kerak.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. K.M. Maxkamdjonov, X.B. Tulenova «Jismoniy tarbiya nazariyasi va metodikasi», ma'ruzalar to'plami TDPU, 2002
2. K.M. Maxkamdjonov, F.Xo'jaev, darslik "Jismoniy tarbiya"-1 "O'zbekiston" nashr, 2003 y.
3. K.M. Maxkamdjonov, F.Xo'jaev, darslik "Jismoniy tarbiya"-2 "O'zbekiston" nashr, 2003 y.
4. K.M. Maxkamdjonov, F.Xo'jaev, darslik "Jismoniy tarbiya"-3 "O'qituvchi" nashr, 2003 y.
5. K.M. Maxkamdjonov, F.Xo'jaev, darslik "Jismoniy tarbiya"-4 "O'qituvchi" nashr, 2003 y.
6. T.S. Usmonxo'jaev va boshqalar, darslik "Jismoniy tarbiya"-5-6 "O'qituvchi" nashr, 2003 y.
7. T.S. Usmonxo'jaev va boshqalar, darslik "Jismoniy tarbiya"-7-8 "O'qituvchi" nashr, 2003 y.
8. М. Качашкин "Методика физической культуры". М. 1982 г.
9. Д.Д. Шарипова, А. Мусурмонов, М. Таирова. "Формирование здорового образа жизни" Т. 2005 й.
10. O.V. Gancharova "Yosh sportchilarning jismoniy qobiliyatlarini rivojlantirish". Т, 2005 y

UDC 37

PEDAGOGICAL PROFILACTICS LANGUAGE OF INNOVATIVE ACTIVITY

O. Rashidov, teacher, Termez State University, Termez

Annotatsiya. So'nggi yillarda bizning ilmiy tizimimizda olib borilayotgan islohotlar jarayonida ilmiy-texnik yangiliklar ta'lim maydoniga tez kirib bordi. Biroq, ochiq yoki yashirin, passiv yoki faol, qasddan yoki niyatsiz bo'lishidan qat'i nazar, turli xil psixologik to'siqlar innovatsion pedagogik jarayonda o'zini namoyon qiladigan psixologik to'siqlarning innovatsion o'zgarishlariga va ularni bartaraf etish muammosiga to'sqinlik qiladi.

Kalit so'zlar: to'siq, yangilik, o'zgartirish, namoyon etish, engib o'tish

Аннотация. В последние годы научные и технологические инновации быстро проникли в образовательное пространство в ходе реформ в нашей системе образования. Однако независимо от того, являются ли они открытым или скрытым, пассивным или активным, преднамеренным или непреднамеренным, различные психологические барьеры препятствуют инновационным изменениям психологических барьеров, которые проявляются в инновационном педагогическом процессе и проблеме их преодоления.

Ключевые слова: барьер, инновация, изменение, манифест, преодоление

Abstract. In recent years, scientific and technological innovation has rapidly penetrated the educational space in the course of reforms in our education system. However, regardless of whether it is open or secretive or passive or active intentional or without intent, various psychological barriers impede innovative changes in the psychological barriers that manifest themselves in the innovative pedagogical process and the problem of overcoming them.

Key words: barrier, innovation, change, manifest, overcome

Introduction. The integration of the results from two fields of educational inquiry, school effectiveness research and school improvement analysis, was approached in a straightforward way, going back to earlier analyses of this relationship. According to these analyses, school improvement and school effectiveness are basically seen as consecutive causal processes: School effectiveness yields school characteristics that optimise particular learning outcomes, and school improvement addresses factors and processes that establish these effectiveness enhancing factors. Effectiveness-enhancing factors at the school and classroom levels are depicted as the "intermediate outcomes" of school improvement at the school and classroom levels. The scientific merit in this linear modelling of school improvement and school effectiveness is the heuristic value for designing research studies. School improvement activities, when empirically assessed for stimulating effectiveness enhancing factors (the intermediate outcomes in the diagram), could realistically be expected to provide "effective school improvement". This research approach could free the field of school improvement

from its current predominant dependence on case studies and “holistic” normative reflections. The practical merit is that an integrated view on school improvement and school effectiveness would provide a substantive direction for school improvement (next to promoting change for change’s sake, and promoting the capacity for schools to keep up with environmental dynamics). Brown, Duffield, and Riddell (1995, p. 6) stress the fact that “school effectiveness research offers policymakers the engaging prospect of being able to identify the characteristics of effective schools and then make use of these findings to bring about improvements in less effective institutions”. **Methods of the article.** Nevertheless, to know what is effective and what is not, does not offer the assurance to know how to move from one position—less effective—to another—more effective—by the most efficient way. In other words, the knowledge of a static (or steady) state, following a good diagnosis, does not offer a prescription of an effective action to move to a better state. It is important to consider a more complex model, as was tried in the ESI project, and to take care as well of the states and the transitions between them. The fact that a good solution in one situation could be a very bad one in a different context is not a reason to skip all attempts to formalise the field of school improvement, but it is an excellent incentive to study in more depth all contextual aspects as in the field of school effectiveness. It is also a good reason to pay attention to socioeconomic variables and other “external” aspects usually neglected in the field of school improvement. By making this point, we suggest, with Brown et al. (1995), that improvements are not “context free”. The theory-based mechanisms that were discussed in the main body of this article provide a basis for establishing and verifying more generally, effective ways of school improvement. om for autonomy and “self-regulation” at lower levels in the system. This is a particularly helpful phenomenon in education systems, given the usually large degree of professional autonomy of teachers, and tendencies to increase school autonomy as a result of decentralisation policies. Learning organisation theories have a positive attitude towards heterogeneity, which is deliberately created inside each school to make capital out of it. Effectiveness is linked with management of the heterogeneity of pupils in each school as opposed to public choice theories, where effectiveness is linked with diversity in the offer, which means creation of various school types in which heterogeneity is small. The functioning conditions of a learning organisation are on the one hand based on the autonomy left to schools to organise methods such as differentiated pedagogies, and on the other hand on the ability to produce institutional knowledge. Learning to learn pedagogies may be implied as well. At the student level, this means learning high taxonomy level strategies such as metacognitive thinking. Teachers have to organise their practices to help pupils to integrate such strategies (Palincsar & Brown, 1992). Contrary to behavioural theories that take place in a stable/secure economical context and promote pragmatic objectives, learning organisation theories develop objectives centred on adaptability to change. Moreover, objectives that are worked towards by those innovation-oriented theories, have passed beyond the individual orientation to become more socially oriented. From closed programmes and strict conformity regulation we move progressively to a more systemic approach involving also goals’ adaptation and self-regulation. A greater and greater number of actors are recognised as partners, not only to execute orders but also to define goals and means.

Conclusion. Learning organisations turn into different types of directions with the concept of pilotage better understood in French-speaking countries or with the more Anglo-Saxon concept of development. According to Demeuse and Baye (2001), the French term pilotage refers to a model which aims at providing the systems with the possibility of reaching their objectives. At this level, the organisation is mainly characterised by the ability to modify its objectives during the course of development. This adaptation of the objectives requires a continuous anticipation of the constraints of the environment. Even if the ideas from public choice theory and the application of market mechanisms are not followed to the letter by putting all one’s money on approaches like free school choice, merit pay of teachers, or voucher systems, they may still be seen as pointing at a few important more general principles.

Concern with the needs of parents and other stakeholders, the importance of external pressure to improve, as well as the need for school to operate with a certain degree of autonomy were considered as important elements for a conceptual model of effective school improvement. The next theoretical principle to be discussed replaces “market mechanisms” by “evaluative control and information provision”. This principle is still to be seen as belonging to the rational model, but it is more retroactively (learning from experience) rather than proactively oriented. "Current research...begins by emphasizing the quantitative distinction between **multilingualism** and **bilingualism** and the greater complexity and diversity of the factors involved in acquisition and use where more than two languages are involved (Cenoz 2000; Hoffmann 2001a; Herdina and Jessner 2002).

Thus, it is pointed out that not only do multilinguals have larger overall linguistic repertoires, but the range of the language situations in which multilinguals can participate, making appropriate language choices, is more extensive. Herdina & Jessner (2000b:93) refer to this capacity as 'the multilingual art of balancing communicative requirements with language resources.' This wider ability associated with the acquisition of more than two languages has also been argued to distinguish multilinguals in qualitative terms. One . . . qualitative distinction seems to lie in the area of strategies. Kemp (2007), for example, reports that multilingual

learners' learning strategies differ from those of monolingual students learning their first foreign language." Business as a factor in personal education. In Uzbekistan, the relevance of research on socio-economic management acquires conceptual social significance as a new course in entrepreneurship, conditional action strategy development. The main priority of this course is rejection of the monopoly of cotton growing in agriculture and the rule of liberalism in economic life with a variety of forms of ownership. New dynamic course development involves the production of goods, primarily for export, in which private entrepreneurship is critical.

This is why the President of the Republic Uzbekistan Sh. M. Mirziyoyev, noted that "... Small business and private entrepreneurship must become a solid pillar of our society, its well-being, today's and future development of our country "[2]. Action strategy for the economic development of the Republic Uzbekistan assumes deepening democratic reforms in all spheres of public life. In the context of the globalization of the modern economy, problems of a socio-economic nature arise for taking a worthy place in world trade. The Government of Uzbekistan has adopted a number of regulations to prevent economic threat to the stable production of material goods for the people [2]. One of the decisions made by the President of Uzbekistan Sh.M. Mirziyoyev was Resolution on the implementation of the program "Every family is an entrepreneur", aimed to ensure a radical improvement in material conditions, significant positive changes in the country [3].

The program provides for the provision of comprehensive support entrepreneurial initiatives of the population wishing to engage in entrepreneurship, education of the younger generation in the spirit of a market economy, preparation for family life. Without going into detailing the implementation of this program, we outlined the main parameters of family education, which is under the word "family entrepreneurship" means small and private business in the family, the participation of all members in the material production, joint work for the common good, professionalization of the population national production. In fact, the family in the Central Asian region has been centuries was considered a subject of entrepreneurship, engaged in a kind of domestic an economy in which the father is the head of all production life.

REFERENCES:

1. Palincsar, A. S., & Brown, A. L. (1992). Classroom dialogues to promote self-regulated comprehension. In J. Brophy (Ed.), *Advances in research on teaching* (Vol. 1, pp. 35 – 72).
2. Greenwich, CT: JAI Press. Reynolds, D. (1996). *Making good schools: Linking school effectiveness and improvement*. London: Routledge.
3. Riley, D. D. (1990). Should market forces control educational decision making? *American Political Science Review*, 84, 554 – 558.
4. Scheerens, J. (2002). *Effective schooling, research, theory and practice*. London: Cassell.
5. Van den Berg, R., Vandenberghe, R., & Slegers, P. (1999). Management of innovations from a cultural-individual perspective. *School Effectiveness and School Improvement*, 10, 321 – 351.
6. Weber, M. (2007). *The theory of social and economic organizations*. London: Oxford University Press.

UO'K 37.02

JISMONIY TARBIYA SOHASIDA UZLUKSIZ PEDAGOGIK AMALIYOT TIZIMINI TAKOMILLASHTIRUVCHI TAMOYILLAR

L.H. Rustamov, dotsent, Nizomiy nomidagi TDPU, Toshkent

Annotatsiya. *Ushbu maqolada jismoniy tarbiya darslari jarayonida o'quvchilarning har tomonlama rivojlanishlari uchun jismoniy mashqlarni ongli, tushungan holda tashkil etish o'rgatayotgan mashqlarni o'zlashtirilishi uchun ko'rgazmalilikning turli xil shakllaridan foydalanish muhokama qilinadi.*

Kalit so'zlar: *uslubiy, refleksiv, natijaviylik, ko'p omillik*

Аннотация. *В этой статье обсуждается использование различных форм визуализации в процессе уроков физического воспитания, чтобы помочь студентам освоить упражнения, которым их учат, чтобы организовывать упражнения осознанно, всесторонне для их полноценного развития.*

Ключевые слова: *методологический, рефлексивный, эффективный, многофакторный*

Abstract. *This article discusses the use of different forms of visualization in the process of physical education classes to help students master the exercises they are taught to organize exercises consciously, comprehensively for their full development.*

Keywords: *Methodological, reflexive, effective, multi factorial*

Tabiatdagi, hayotdagi, butun borliqdagi jarayonlar ma'lum qonuniyatlarga bo'ysunadi va shularga muvofiq ravishda rivojlanib boradi. Bu qonuniyatlar tabiatda odam ixtiyoridan tashqari holatda amal qiladi. Bunday qonuniyatlar, ilmiy izlanish va amaliy tajribalarning ko'rsatishi bo'yicha, jismoniy tarbiya jarayoniga ham ta'sir ko'rsatadi. Bu qonuniyatlarni tan olish, ularni o'rganish, shu asosda o'quvchilar jismoniy tarbiyasi jarayonini yaxshilash imkonini beradi. Jismoniy tarbiya va jismoniy madaniyat jarayonini boshqaradigan, inson vujudiga, jismoniy o'sishga ta'sir qiladigan tabiat qonunlari jismoniy tarbiya nazariyasi va uslubiyotida printsiptamoyil nomini olgan. Organizm rivojlanishining umumiy tamoyillarini bilish va ularni amaliyotda qo'llash, o'quvchilar jismoniy tarbiyasi jarayonini yanada samarali darajaga olib keladi.

Jismoniy tarbiya va pedagogikaga oid adabiyotlarda tamoyillar har xil ta'riflangan, lekin manbalarning tahlili shuni ko'rsatadiki, har xil nomlar bilan ta'riflangan bir printsip quyidagi mazmunlarni bildiradi:

- jismoniy tarbiya darslari jarayonida o'quvchilarning har tomonlama rivojlanishlari uchun jismoniy mashqlarni ongli, tushungan holda tashkil etish;
- o'rgatayotgan mashqlarni yaxshi o'zlashtirilishi uchun ko'rgazmalilikning turli xil shakllardan foydalanish;
- har bir o'quvchiga taklif qilinadigan muayyan maqsadga yo'naltirilgan va psixologik og'irliklarning soddaligini, tushunarligini ta'minlash.

Shug'ullanuvchi o'quvchilar avvalgi mashg'ulotlarda o'zlashtirib olganlarini mustahkamlashlarida talabni kuchaytirish va keyingi mashg'ulotlar uchun zamin yaratishni ta'minlash. Pedagogika fanida bu printsiplarni o'rgatishda taalluqligini hisobga olib, didaktik tamoyillar deb ataymiz.

Jismoniy tarbiya, jismoniy mashqlarga o'rgatish va shug'ullanuvchilarni bilimlar bilan qurollantirish, jismoniy sifatlarni tarbiyalashni o'z ichiga qamrab olganligi uchun tamoyillarni didaktik emas, metodik - uslubiy deb atash qonuniyroqdir. Ko'nikma va malakalarni shakllantirishda qo'llaniladigan asosiy uslubiy tamoyillar o'quvchilarning yoshlari qanday bo'lishidan qat'iy nazar, barcha uchun bir xil va zarurdir. Har bir tamoyilning mohiyatini va o'quvchilar jismoniy tarbiyasi jarayonida uni amalga oshirish yo'llarini alohida ko'rib chiqish maqsadga muvofiqdir.

Jismoniy tarbiya jarayoni-bu ikki tomonlama jarayondir. Bir tomondan o'rgatishga intilayotgan o'qituvchi, ikkinchi tomondan o'rganishga xohishi bo'lgan o'quvchi qatnashadi. Tajribalar shuni ko'rsatadiki, agar o'quvchi oldiga qo'yilgan vazifaning mohiyatini tushunib yetsa va uning hal etilishiga qiziqsa, o'rgatishning muddati tezlashadi va sifati yaxshilanadi.

“O'qituvchi faoliyatining muhim bosqichi- bu didaktik jarayon (yoki o'quv-bilish tuzilmasi)ni loyihalash hisoblanadi. Aynan shu didaktik jarayon pedagogik texnologiyaning asosini tashkil qiladi yohud u belgilangan vaqt ichida ta'lim (tarbiya) maqsadiga erishish uchun o'quv elementi mazmunini o'quvchi (talaba)larga uzatish yo'llarini aniqlab beradi. Shu bilan birgalikda didaktik jarayonning nazariy asoslarini yaxshi bilmasdan turib samarali pedagogik texnologiyani yaratish mumkin emas”.

Sport pedagogi uzluksiz amaliyotni tizimlashtirishni amalga oshirib borib, quyidagilarni hisobga olishi zarur:

1. O'zlashtirib olinishi zarur bo'lgan materialni sistemalashda qator talablarni saqlashi kerak. O'quv dasturlarida mavjud bo'lgan jismoniy mashqlar bo'limlarda tasniflar asosida belgilab berilgan. Masalan, yengil atletikada yugurish, sakrash mashqlari va uloqtirish alohida sanab o'tilgan. Shuning uchun har bir sinfda butun mashqlarni rejalashtirishni shunday tizimga olib kelishi kerakki, jismoniy tarbiya jarayonini didaktik qoidalar asosida tashkil etish imkoni bo'lsin: aniqdan noaniqqa, oddiydan murakkabga, yengildan og'irga. Boshqa so'z bilan aytganda, o'quv materiallarining har bir bo'limi bu tizimda pog'onani tashkil etadi, ya'ni avval o'tilganlar keyingi mashq uchun asos bo'ladi.

O'quv materialini sistemalash, imkoni boricha ijobiy natijalarga erishish uchun sharoit yaratishi kerak.

2. O'quv jarayonini tashkil etish, mashg'ulotlarning doimiyligini ta'minlash zarur. Ma'lumki, jismoniy mashqlarni bajarish orqali odam vujudida funktsional o'zgarishlar vujudga keladi. 5-7 kundan keyin o'tkazilgan mashqlar natijasida olingan ijobiy natija yo'qotiladi. Buning uchun dars jadvaliga qo'yiladigan jismoniy tarbiya darsining bir-biridan oralig'i 1-2 kundan oshmasligi zarur. Bundan ikkita amaliy maslahat kelib chiqadi: birinchidan darslar hafta davomida eng maqbul oraliqda qo'yilishi kerak. Darslarni ikki kun birin-ketin yoki bir kundan so'ng qo'yish maqsadga muvofiq emas. Ikkinchidan hammani jismoniy mashqlar bilan ta'minlash uchun o'quvchilarning mustaqil ishlaridan keng foydalanish zarur. Busiz qoniqarli natijalarga erishib bo'lmaydi. Masalan, faqat jismoniy tarbiya darsida shug'ullanuvchilarning egiluvchanligini rivojlantirishga intilish foydasiz.

3. Mashg'ulotni uslubiy jihatdan ta'minlash: yuklama va damni ratsional navbatlashni ko'zda tutadi. Bu ayniqsa, jismoniy sifatlarni tarbiyalashda eng zarur. Bu jarayonda kuch yetganicha vazifa va mashg'ulotlarning doimiyligini saqlash kerak. Mashg'ulotlarni noaniq, gohida izchillik bilan o'tkazish vazifani hal etishda qoniqarsiz rivojlanish yo'nalishiga olib kelibgina qolmasdan, shug'ullanuvchilar organizmiga salbiy ta'sir ko'rsatadi.

Refleksivlik tamoyili- sub'ektning o'ziga, shaxsiy faoliyatiga va bilimiga baho berishi, o'zgalarning u haqidagi fikrlari va ular o'rtasidagi hamkorlik faoliyatiga oid munosabatlarni tavsiflaydi. Loyihalash jarayonida o'qituvchiga doimo ta'lim jarayoni, uning aniq va ideal sharoitlari, o'quvchilarning bilishga bo'lgan ehtiyojlari, ularni to'ldirish imkoniyatlari, shaxsiy sifat va qobiliyatlari, pedagogik faoliyatini samarali tashkil etish imkoniyatlarini inobatga olish maqsadga muvofiq. Refleksivlik tamoyili yaratiladigan ta'lim jarayonining loyihalasini ta'lim jarayoni ishtirokchisi-sub'ektning ehtiyojlari va imkoniyatlarini tahlil qilish asosida uzluksiz tuzatib, to'ldirib berishni talab etadi.

Natijaviylik tamoyili- pedagogik shart-sharoitlarning qulayligi, oz vaqt va kuch sarflash evaziga samarali natijalarga erishishni tavsiflaydi. Natijaviylik-ijtimoiy tajriba faoliyat modellari mazmuni, texnologik

operatsiyalar, ularni o'zlashtirish, boshqarish usullarini tanlash, o'quv faoliyatining muvofiqligi, ta'lim tarbiya vositalari, texnologik jarayonda sub'ektning qisqa vaqt va kuch sarflanish vositasida belgilangan maqsadga erishishni nazarda tutishi lozim.

Ko'p omillilik tamoyili. Har bir ta'lim jarayoni bir qator ob'ektiv va sub'ektiv omillar ta'sirida amalga oshadi. Ular sirasiga o'qituvchi va o'quvchilarning ijtimoiy-iqtisodiy hayot sharoitlari, ta'lim muassasalari atrofidagi ijtimoiy ishlab chiqarish va tabiiy iqlim muhiti, o'quv muassasining o'quv-moddiy bazasi, o'qituvchilarning kasbiy malaka darajasi, ta'lim muassasi yoki ma'lum sinfdagi ma'naviy-psixologik muhit, o'quvchilarning o'quv imkoniyatlari, sinfning intellektual salohiyati, jamoaning shaxslararo munosabatlari kiradi. Ta'lim jarayonini loyihalashda o'qituvchi ana shu omillarni hisobga olishi zarur.

O'quvchi shaxsini ta'lim jarayoniga moslashtirish tamoyili. Bola maktab ostonasiga qadam qo'yganidan boshlab uning faoliyat ko'lamini (o'z-o'ziga xizmat, mehnat, dam olish tarzida) kengayadi. Bu kabi faoliyat ko'nikmalarini egallashi natijasida ijtimoiy tajribaga ega bo'lib boradi. Shuning uchun ta'lim jarayonining samarali bo'lishi, uni loyihalashda ta'lim mazmuni va boshqa faoliyat modellari hisobga olinishi, ularni o'quvchilar kundalik hayot faoliyatida egallab borishi ta'minlanishi zarur.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Morgunova I.I. Gimnastika va uni o'qitish metodikasi. Kasb-hunar kollejlari uchun o'quv qo'llanma. «ILM ZIYO» Toshkent – 2011 y.
2. Сакун Э.И. Построение учебного процесса по физическому воспитанию студентов в ВУЗе. М., «Дашков и К», 2009.
3. Сушко Г.К. Гимнастика и методика её преподавания Т.: ИLM ZIYO.-2012 г.
4. Абдумаликов Р.А., Абдуллаев А. Халқ миллий ўйинлари мазмунида маънавий масалалари. – Тошкент:1995. – Б.
5. Azizova R.I. "Sport va harakatli o'yinlarni o'qitish metodikasi" O'quv qo'llanma T.: 2010
6. Атоев А.К., Носиров М. Жисмоний тарбия ва шахсни ахлоқий тарбиялаш. –Т.: 1993.

UDC 37.02

EDUCATING PRESCHOOL CHILDREN AS A PERFECT PERSON

S.T. Sharapova, teacher, Denov Institute of entrepreneurship and pedagogy, Denov

Annotatsiya. Ushbu maqolada maktabgacha yoshdagi bolalarni komil inson qilib tarbiyalash va komillik tushunchasi yoritilgan.

Kalit so'zlar: maktabgacha tarbiya, komillik, komil inson, tarbiya

Аннотация. В данной статье освещается понятие совершенства и воспитания дошкольников как совершенной личности.

Ключевые слова: дошкольное образование, совершенство, совершенный человек, образование

Abstract. In this article highlights the concept of perfection and educating preschool children as a perfect person.

Key words: preschool, perfection, perfect person, education

The education of a perfect person was considered an important social task at all times, a well-educated person was considered a wealth of society. Human ornament is measured by the knowledge that he possessed. If in the teachings of the religion of Islam educated people are considered mature, we can see that in the views of our thinkers the need to possess many features in order to become a perfect person is reflected.

Abu Nasr Farabi says that a person cannot achieve perfection alone. He will need to be in contact with others, their support or relationship. This can also be achieved by properly establishing education and training. Because education, which is carried out according to the purpose, leads a person to perfection both mentally and morally. As a result, a person learns the laws of nature and society correctly, behaves correctly in life, is in good relations with others. The formation of a perfect person emphasizes that upbringing is two directions, one whole and one holistic.

Abdulla Avloni believes that a person is not born with bad manners from birth. Under certain conditions, as a result of bad upbringing, bad behavior appears and begins to form in them. The maturation of the ability in a person is carried out by upbringing. If a person has a good upbringing and is saved from bad behavior, is accustomed to beautiful behavior and is an adult, then he is the hormone of all and deserves attention. If on the contrary, they reach out to be an ignorant, ignorant, evil person who does all kinds of corrupt deeds.

The full formation of a child's personality directly depends on their ability to communicate and express their thoughts. Defend your point of view.

Personality is laid down in childhood. The age of three to seven years is initially the formation of the child's personality.

What does a person consist of? The basis of personality is the generation of motives. It's not stable, it's changing. So first-the person, then-the individual, and then-the hierarchy of motivators (1).

At preschool age, the child's motives and desires begin to form a hierarchy, arbitrariness appears, and impulsive actions are replaced by behavior mediated by norms, rules, and self-esteem.

The emergence of emotional anticipation of the consequences of their behavior, self-esteem, complication, awareness of experiences, enrichment with new feelings-this is an incomplete list of features characteristic of the child's personal development. Personality today:

- specifically individual;
- with high communication skills;
- ready to be included in a variety of activities;
- able to flexibly navigate in a changing environment;
- capable of non-standard and creative thinking.

The following factors influence the formation of a child's personality:

- education (moral);
- environment (socialization);
- heredity.

Moral education is a purposeful permanent process of forming an active and effective attitude to the moral values of society (3).

The formation of morality, or moral education, is nothing more than the translation of moral norms, rules and requirements into the knowledge, skills and habits of behavior of the individual and as a steady observance of them. The moral education of the individual should be aimed at freedom and internal responsibility. The child makes the decision "I am myself" (1). This idea lies in the understanding of freedom and responsibility.

In terms of upgrading the country's social circumstances, democratization and freedom of society, it is essential that the person sought to be moral, to carry out moral norms rules are not public due to external incentives or coercion, but because of the internal desire for goodness, justice, generosity and deep understanding of their necessity.

The development of such views and beliefs and corresponding behavioral habits is the deep essence of moral education.

The components of socialization of the individual in preschool education are as follows:

- adaptation to the world of people;
- assimilation and appropriation of the experience of public relations;
- formation of needs for transformation of the surrounding world.

Socialization is the process of forming a person, through training, upbringing, education, protection and adaptation (2). This process is a sequence of actions, as a result of which a person is formed from a born being, capable of taking part in social life. The whole environment takes part in the process of socialization: family, neighbors, peers in kindergarten, etc.

Successful socialization requires the action of three factors: expectations, behavior changes, and the desire to meet these expectations. The process of personality formation, according to d. smelzer, occurs in three different stages:

1. Stage of imitation and copying of adult behavior by children.
2. The play stage, when children are aware of the behavior as the performance of a role.
3. The stage of group games, where children learn to understand what a whole group of people expects from them.

Many psychologists and sociologists emphasize that the process of socialization continues throughout a person's life, but socialization in children forms value orientations and is more concerned with motivating behavior.

And the last factor that affects the formation of a child's personality is heredity. Heredity is the genetic program of biological traits that a child receives from their parents at birth (2). It involves the formation of certain abilities for any field of activity based on the natural inclinations of the child. According to the data of physiology and psychology, innate in humans are not ready-made abilities, but only potential opportunities for their development, i.e. makings. The manifestation and development of the child's abilities largely depends on the conditions of his life, education and upbringing. A bright manifestation of abilities is usually called giftedness or talent.

Mirzo Ulugbek is one of the great figures who brought the science and culture of the peoples of Central Asia to the world level and made a worthy contribution to the development of pedagogical thought. He first attaches great importance to the intellectual and educational upbringing of the younger generation and encourages them to acquire worldly knowledge. It is only believed that developed science and culture ensure the perfection of human thinking. According to the scientist, the interest of the child to acquire knowledge, the environment in which he is brought up plays an important role in increasing his enthusiasm. In the family, parents should pay special attention to the fact that especially educated parents develop their children as a real person.

So, we can conclude: the formation of personality is a very complex process. It occurs under the influence of both external influences and internal forces that are inherent in man, as in any living and growing organism.

REFERENCES:

1. Komillikning asosi – ilm! | saviya.uz
2. Bozhovich L. I. Problems of personality formation, - M., 1997, - 352s.
3. Likhachev B. T. Pedagogika. - M., 1999. - 256s.

UO'K 37.02

MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARDA ASOSIY HARAKATLARGA DOIR MASHQLARNI RIVOJLANTIRISH

N.R. Ummatov, o'qituvchi, Namangan Davlat Universiteti, Namangan

Annotatsiya. Mazkur maqolada harakatli o'yinlarni o'ynashga bo'lgan ehtiyojni hosil qilish, bolalarni tarbiyachining ko'rsatmasiga taqlid qilgan holda harakatni tushunib, birgalikda harakat qilishga, o'z harakatini boshqalar harakati bilan solishtirishga o'rgatishga doir ayrim mulohazalar yoritiladi.

Kalit so'zlar: yurish, sakrash, dumalatish, irg'itish va ilib olish, emaklash va tirmashib chiqish, muvozanat saqlash, umumrivojlantiruvchi, oyoqlar, gavnani rivojlantiruvchi, saflanish

Аннотация. В этой статье обсуждаются некоторые соображения, которые следует учитывать при игре в игры-действия при обучении детей: понимать и действовать вместе, а также сравнивать свои собственные действия в соответствии с инструкциями педагога.

Ключевые слова: ходьба, прыжки, перекатывание, метание и подвешивание, ползание и лазание, равновесие, общее развитие, ноги, развитие тела, построение

Abstract. This article discusses some of the considerations in playing action games while teaching children to understand and act together and to compare their own actions following the educator's instructions.

Key words: Walking, jumping, rolling, throwing and hanging, crawling and climbing, balance, general development, legs, body development, lining up

Jismoniy tarbiya bo'yicha bajariladigan ishni to'g'ri rejalashtirish va o'tkazish uni samarali hal etishda nihoyatda muhimdir. Kun davomida turli xildagi mashg'ulotlarni jismoniy mashq va harakatli o'yinlar bilan qo'shib olib borilishi, bolaning to'g'ri harakatini ta'minlashga yordam beradi. Mashg'ulotlarga tavsiya etilayotgan dastur materiali o'tkaziladigan jismoniy sog'lomlashtirish tadbirlari mustaqil mashqlar va o'yinlar uchun asos bo'ladi. Ta'lim vazifasining asosi, jismoniy tarbiya mashg'ulotlarida, tarbiyaviy va sog'lomlashtirish vazifalari jismoniy sifatlarni o'stirish, bolalar organizmining ish qobiliyatini takomillashtirish, uning ishga layoqatligini oshirish orqali amalga oshiriladi. Bunday mashg'ulotlarga quyidagilarni kiritish mumkin:

Harakatning shakllanishiga yordam qilish, bolaning tevarak-atrofga ko'nikishini ta'minlash, gavnaning tik xolatini saqlashga o'rgatish. Bolalarni mustaqil o'yinlarda harakat faolligini boshqarishga yordam berish va unga sharoit yaratish. Harakatli o'yinlarni o'ynashga bo'lgan ehtiyojni hosil qilish. Bolalarni tarbiyachining ko'rsatmasiga taqlid qilgan holda harakatni tushunib, birgalikda harakat qilishga, o'z harakatini boshqalar harakati bilan solishtirishga o'rgatish. Harakat yo'nalishini o'zgartirish, yurish va yugurish vaqtida harakat xarakterini signalga bog'lab olib borish. Bolalarni sakrash, joyidan uzoqqa sakrash, ikki oyoqlab yumshoq yerga tushishga o'rgatish. Bolalarni emaklash, tirmashib chiqish va to'p bilan harakat qilish bo'yicha mashq qildirish. Bu mashqlar bajarilayotganda bolalarning gavnani to'g'ri va tovonni mustahkamlab tutishiga e'tibor berish. Bolalarda jismoniy tarbiya mashg'ulotlariga, shuningdek, ertalabki gimnastikaga ijobiy emotsional munosabatni uyg'otish.

Tarbiyachi tomonidan tashkil qilingan o'yin mashqlari, harakatli o'yinlarda faol ishtirok etish.

Tayyorlangan predmet va o'yinchoqlardan mustaqil ravishda tashkil etilgan o'yinlarda harakat faolligini oshirishga o'rgatish.

Yurish mashqlari. Tarbiyachi ketidan belgilangan yo'nalishda to'p-to'p bo'lib yurish, yo'nalishni o'zgartirib yurish, predmetni oralab o'tish, doira bo'ylab juft-juft bo'lib, qo'l ushlab yurish. Yurishdan yugurishga, yugurishdan yurishga o'tish. Oldinga va yonga qadam tashlab yurish. Yugurish uchun mashqlar. Tarbiyachi orqasidan yugurib o'tish, undan qochish, har tomonga bir-birlarini itarmasdan yugurish. Dumalab borayotgan predmetni quvib yetish, ikki chiziq oralig'ida ularni bosmasdan yugurish, 30-40 soniya davomida to'xtamasdan yugurish. 80 metr gacha bo'lgan masofani sekin yugurib o'tish.

Sakrash uchun mashqlar. Ikki oyoqlab turgan joyida sakrash, sekin-asta oldinga surilish, bola qo'lidan yuqoriroq qilib osilgan predmetga tegishga harakat qilish. Chiziqchadan yoki polga parallel holda ikki qator qilib tashlab qo'yilgan arqonchadan (20-25sm. kengligida) xatlash. Turgan joyida ikki oyoqda, iloji boricha uzoqqa sakrash, 20-30 sm. balandlikdagi predmetdan sakrash.

Dumalatishtirish, irg'itish va ilib olish mashqlari. Predmetlarni yig'ish, ma'lum joyga qo'yish. Dumalab borayotgan predmet orqasidan surilgan holda to'pni bir qo'llab va ikkala qo'l bilan tarbiyachiga qaratib, qiyalatib va bir-biriga qaratib dumalatishtirish. To'pni ikki qo'llab oldinga pastdan, ko'krak oldidan, boshdan oshirib otish. Tarbiyachiga to'pni ikki qo'llab irg'itish, tarbiyachi otgan 50-100 sm. oraliqdagi to'pni ilib olishga harakat qilish. Bola ko'kragi barobar qilib tortilgan lentadan to'pni otib tushurish. Predmetlarni irg'itish (to'plar, qum xaltachalar va boshqalar gorizontol nishonga (100-120 sm. masofaga) ikki qo'llab, o'ng va chap qo'l bilan irg'itish; uzunasiga chap qo'l bilan o'ngga irg'itish.

Emaklash va tirmashib chiqish uchun mashqlar. 3-4 m. ga emaklash, 25-30 sm. li to'siq tagidan o'tish, polda yotgan holda ustidan oshib o'tish. Arqonli narvoncha, gimnastika devorhasidan bolaga qulay bo'lgan usul bo'yicha yuqoriga tirmashib chiqish va pastga tushish.

Muvozanat saqlash uchun mashqlar. To'g'ri yurish, ilon izi yo'lakchadan, to'g'ri, ilon izi, doira bo'ylab tashlab qo'yilgan arqonchadan, bir tomoni poldan ko'tarib qo'yilgan taxtachadan, gimnastika o'rindig'i ustida yurish.

Usti silliqlangan taxta bo'ylab, gimnastika o'rindig'i ustida emaklab yurish. 10-15 sm balandlikdagi to'siqlardan: xalqadan - xalqaga, yashikdan - yashikka sakrab o'tish, taburetka (25 sm. balandlikdagi), o'rindiq ustiga chiqish, qo'llarni ikki yonga uzatgan holda turish. Oyoq uchida ko'tarilish va yana dastlabki holatga qaytish. Turgan joyida asta-sekin aylanish.

Umumrivojlantiruvchi mashqlar. Qo'l va yelka o'mrov muskullari uchun mashqlar, qo'llarni yuqoriga ko'tarish, yuqoriga va yonga bukish va cho'zish, ko'krak oldida chalishtirish va yonga uzatish, qo'llarni orqaga yashirish, chapak chalish, bosh ustida chapak chalish, qo'llarni oldinga va orqaga siltash (qo'llar pastda), pastga-yuqoriga (qo'llar yon holatda), qo'llarni bosh ustida va oldinga silkitish. Shuningdek, mashqlarni turli xil predmetlar (shaqildoqlar, kubiklar, lentachalar, ro'molchalar) bilan turlicha holatlarda bajarish.

Oyoqlar uchun mashqlar. Turgan joyida yurish, oldinga, yonga, orqaga qadam tashlash. Oyoq uchida ko'tarilish, oyoqni oldinga qo'yib, tovon bilan turish, oyoq barmoqlarini qimirlatish.

Gavdani rivojlantiruvchi mashqlar. O'ng va chapga o'girilish, qo'llarni yengil silkitgan holda predmet yonida turgan bolaga uzatish. Oldinga va turli tomonga engashish. Polda o'tirgan holda oyoqlarni bukish va yozish. Chalqancha yotgan holda oyoqlarni yuqoriga ko'tarish va tushirish, qo'llar va oyoqlarni bir vaqtda birgalikda qimirlatish. Tizzalab o'tirib, tovonda o'tirish va turish. Qorin bilan yotgan holda qo'llarni va oyoqlarni ko'tarish, yonboshdan-yonboshga ag'darilish.

Saflanish va qayta saflanish. Tarbiyachi yordamida guruhlar va butun guruh bilan aylana bo'ylab saflanish, juft-juft bo'lib saflanish, bir-birining ketidan turish.

Mashg'ulotlar to'g'ri tashkil etilsa, qiziqarli, ibratli jihatlari oshirilsa, bolalar o'z vaqtida dam olishlariga e'tibor berilsagina jismoniy mashqlarning samaradorligi ortadi. Mashg'ulotda eng muhimi mashq va o'yinlarning to'g'ri taqsimlanishidir. Bunda mashg'ulotning asosiy vazifasini ajrata olish lozim, uning mazmuni ko'zda tutgan maqsadni hisobga olib, bola tanasining ma'lum qismlariga har tomonlama ta'sir o'tkazish zarur. Shu jumladan, mashg'ulotlar unumdorligini oshirish maqsadida turli mashqlarni bir-biri bilan bog'lash ham muhimdir. Mashg'ulotni rejalashtirishda harakat tartibini va takroriyiligini, vazifani to'g'ri taqsimlash va bolalarni uyushtirishning eng aniq va oqilona usullari ko'zda tutiladi. Bunga, avvalo, yetarli harakat faolligi va mashg'ulotlarning zichligini ta'minlash orqali erishish kerak.

Mashg'ulotlarni rejalashtirishda guruhning sharoiti, mashg'ulotlar uchun zarur bo'lgan jihozlarning mavjudligi hisobga olinadi. Ochiq havodagi mashg'ulotlar mazmuni yil fasllariga, ob-havoga muvofiq ravishda tanlanadi.

Mashg'ulotni rejalashtirish va o'tkazish usullari turlicha bo'lib, ular asosiy harakat va o'yin mashqlari, bir qolipdagi mashg'ulotlardan tortib turli xildagi, ya'ni harakatli o'yinlar, xalq o'yinlari, estafetalar, ochiq havoda o'tkaziladigan mashg'ulotlarni o'z ichiga oladi. Ertalabki badantarbiya, sayrdagi jismoniy mashq va o'yinlarni mashg'ulotlarning o'quv materialiga muvofiqlashtirish muhim. Kunning turli paytida bolalarning harakat faolligini hisobga olish, shunga ko'ra, harakat ko'nikma va malakalarini takomillashtirish uchun harakat sifatlarini o'stiradigan mashqlarning turli usullari tavsiya etiladi. Bolalarning mustaqil faoliyati tarbiyachining bevosita rahbarligida o'tadi. U har bir bolaning o'yin va mashqlarni erkin tanlashiga harakat qiladi. Tarbiyachi harakat faoliyatiga mos jihozni tanlash yo'li bilan bolalarning tashkilotchilik qobiliyatini o'sishiga yordam beradi. Tarbiyachi (maktabgacha ta'lim muassasasida va oilada amalga oshiriladigan) jismoniy tarbiya jarayonining ketma-ketligi va uzluksizligiga alohida e'tibor qaratadi. U bu ishni rejalashtirayotganda bolaning o'ziga xos xususiyati, rivojlanishi, salomatligi, jismoniy o'sishi, qiziqishi, qobiliyatlarini hisobga oladi. Jismoniy tarbiya dasturida har bir guruhdagi kundalik harakatlar belgilangan.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Azimov I. Sport fiziologiyasi. T., O'zDJTI, 1993.
2. Вилкин Я. Организация работы физической культуры и спорта. М., «ФИС», 1997.
3. Ворopaев В.В., Пушкин С.А. Краткий курс гимнастики. М., «Советский спорт», 2008.
4. Гуревич И. Упражнения для моделирования круговой тренировки. Минск, «Польмя», 1990.

5. Дубровский В. Лечебная физическая культура. М., «Медицина», 1999.
6. P. Edwards M.A. Gymnastics, London, The Royal Navy, 1999. P 39.
7. Журавин М.Л., Меньшикова Н.К. Гимнастика. М., «Академия», 2009.
8. Кун Л. Всеобщая история физической культуры и спорта. М., «Просвещение», 1992.
9. Karimov M. O'zbekistonda gimnastika. T., O'zDJTI, 1999.

UDC 37.02

TARBIYA CHET EL OLIMLARI TALQINIDA

N.R. Xamrayeva, o'qituvchi, Jizzax Davlat Pedagogika Insitituti, Jizzax

D.R. Rasulova, o'qituvchi, Jizzax Davlat Pedagogika Insitituti, Jizzax

Annotasiya. Ushbu maqolada tarbiya, oilada ota-ona tarbiyasi, farzandni to'g'ri tarbiyalash masalalari hamda chet el olimlarining tarbiya borasidagi qimmatli fikrlari yoritilgan.

Kalit so'zlar: oila, tarbiya, odob, axloq, farzand, ota-ona, olimlar, fikr, o'zini anglash, idrok, xarakter

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы воспитания, воспитания родителей в семье, правильное воспитание детей, а также ценные мнения зарубежных ученых по вопросам воспитания.

Ключевые слова: семья, воспитание, нравы, этика, ребенок, родители, ученые, мысль, самосознание, восприятие, характер

Abstract. The article examines the issues of education, parenting in the family, proper education of children, as well as the valuable opinions of foreign scientists on education.

Key words: family, upbringing, morals, ethics, child, parents, scientists, thought, self-awareness, perception, character

Odobli, bilimdon, mehnatsevar, iymon-e'tiqodli farzand nafaqat ota-onaning, balki butun jamiyatning eng katta boyligidir. Darhaqiqat, har bir farzand shaxsi oilada shakllanadi. Demak, oila-barkamol avlod poydevori hisoblanadi. Shunday ekan, oilada farzandlarni axloqiy-huquqiy jihatdan tarbiyalash, ayniqsa, adolat, burch, vatanparvarlikni shakllantirish, ona vatanni sevish hissini uyg'otish muhim hisoblanadi. Oilada farzandlarni o'z burchiga sadoqat ruhida tarbiyalash mas'uliyat, onglilik, vijdon kabi fazilatlar bilan chambarchas bog'liqdir. Bunda ota-onaning o'zaro samimiy munosabati, ularning farzandlari bilan yaqin, do'stona munosabatda bo'lishi, kelajakdagi orzu-maqсадlarini tushunib olishlari, farzandlarning sog'-salomat voyaga yetishlari uchun asos bo'ladi.

Inson tarbiya jarayonida yaxshi xulq-atvorga, odatlarga va aql-farosat omillariga ega bo'lgan bo'lsa, hayot saboqlarini shuncha tez anglaydi va yaxshi ishlarni amalga oshiradi, va aksincha, qanchalik tarbiyasi kam, hayotiy ko'nikmalari oz bo'lsa, bunday shaxs ba'zan bilib yoki bilmay yomon ishlarga qo'l uradi. Hech qachon bolalarni tarbiyalashda yo'l qo'yilgan xato-kamchiliklardan ko'z yummasligimiz kerak. Hozirgi turmushimizda ba'zi bir odobsiz, bilimsiz, aqlsiz, giyohvand, ota-onasiga qo'l ko'taradigan va o'z bolalarining baxtsiz yashashiga sababchi bo'layotgan kishilar uchraydi. Bundaylarning paydo bo'lishiga asosiy sababchi ota-onalari-ku? Bolasining insoniy xatti-harakatlariga ularning tarbiyasiga loqaydlilari sabab bo'lgan.

Yaxshi tarbiya, ba'zilar o'ylaganidek, bir soatlik yoki bir kunlik ish emas. Maqsadli tarbiya tarbiyachidan chidam, matonat, katta bilim va tajriba talab qiladi. Demak, har bir ota-ona va o'qituvchi tarbiyaga oid bilim va malakaga ega bo'lishi shart. Bolalar tarbiyasida tezda ijobiy natijalarga erishish uchun ularga bilim berish bilan birga, ma'lum mehnat jarayonlariga jalb etish, kasb va mutaxassislik sir-sinoatlarini qo'shib o'rgatish maqsadga muvofiqdir. Tarbiya ishining ba'zan samarasiz bo'lishiga asosiy sabablardan biri tarbiya jarayonida tartib-intizomning bo'lmasligidir. Shaxs qanchalik mehr-muhabbat va tartib-intizom asosida tarbiyalansa, yomon xatti-harakatlardan shunchalik uzoq bo'ladi. Tarbiyaning asosiy maqsadi yoshlarni baxt-saodatli, o'z zamonining aziz, hurmatli va fidoiy kishisi qilib tarbiyalashdan iborat. Tarbiyaning murakkabligi shundaki, u hech qachon tugamaydi, ya'ni kishi tug'ilganidan to'lg'uniga qadar zarur bo'ladi. Bundan tashqari, bir tarbiya ko'rgan avlod o'rniga kelgan farzandlarni yana qayta boshdan tarbiya qilish darkor bo'ladi. Bu esa tarbiyaning tinimsiz davriyligini va abadiyligini ko'rsatadi. Farzand tarbiyasi qanchalik erta boshlansa, tarbiya natijasi shunchalik samarali bo'ladi. Chunki erta yoshda ularni yaxshilik tomon burish osonlik bilan kechadi. Tarbiyasizlikdan vujudga kelgan yomon xulq va odatlarni keyinchalik qayta tarbiyalash yo'li bilan tuzatish mumkin. Ammo buning uchun ko'p mehnat sarf qilishga to'g'ri keladi.

Tarbiya masalasida ko'plab faylasuflar, pedagoglar va psixologlar o'zlarining qimmatli fikrlarini va nazariyalarini ilgari surganlar. Jumladan bir qator chet el olimlari tarbiya masalasida qimmatli fikrlarni bildirganlar.

Tarbiya - bu eng yaxshi meros. Barcha tarbiya yaxshi yashashga, o'zingizni tarbiyalashga qaratiladi: faqat shu tarzda odamlar boshqalarga ta'sir qiladi, ularni tarbiyalaydi –deb ta'kidlagan rus yozuvchisi Lev Nikolayevich Tolstoy. Bolalarni tarbiyalash faqat o'z-o'zini rivojlantirishdir, bunga bolalar kabi hech narsa yordam bermaydi – deydi rus yozuvchisi. Bu bilan yozuvchi bolani tarbiyalash orqali inson o'zini qanchalik tarbiyalab borishini anglamaydi ham, ya'ni bilmagan holda o'zi ham har tomonlama tarbiyalanib boradi.

Boshqalarga ta'sir o'tkazishning yagona usuli bu sizning hayotingizdagi ishonchingizni tasdiqlashdir: Tarbiya - bu ma'lumotli odamni ma'lum axloqiy odatlarni o'rganishga majbur qilish uchun bir kishining boshqasiga ta'siri - degan fikrida yozuvchi tarbiyaning inson hayotida qanchalik darajada keng ma'nodagi ahamiyatini yoritib bera olgan.

Ota-ona tarbiyasi eng muhim va bu tarbiya shubhasiz ayolga xosdir (J.J.Russo) – qanchalar to'g'ri fikr. Bejizga tarbiya oiladan boshlanadi deyilmagan. Oiladagi tarbiyachi ona hisoblanadi. Ona farzandni dunyoga keltirmasdan oldin, homiladorlik davrida hamda dunyoga keltirgandan keyin yagona tarbiyachi sifatida o'z bolasini parvarish qiladi. Bolasining mustaqil harakatlarigacha yetaklovchi yagona tarbiyachi ekanini nazarda tutadi J.J.Russo.

Anton Makarenko tomonidan ham qimmatli fikrlar berilgan. Siz odamni baxtli bo'lishga o'rgata olmaysiz, lekin uni baxtli bo'lishi uchun tarbiyalashingiz mumkin deb ta'kidlagan Makarenko. Baxtning kaliti tarbiya ekanini his qilamiz ushbu fikrda. Tarbiya shundan iboratki - deydi u yana davom ettirib, - keksa avlod o'z tajribasi, ishtiyoqi, e'tiqodini yosh avlodga yetkazadi. Demak, inson o'z nasliga qoldirayotgan meros orqali tarbiyaning barcha jihatlarini ham qoldiradi. Tarbiya har doim ham biz xohlagandek natija bermaydi. Bir qarashda hammasi risoladagidek tuyuladi, yakunida qaysidir jihatida pand beradi. “Bolalarni tarbiyalash - bu xavfli ish. Muvaffaqiyatli bo'lgan taqdirda, ikkinchisi katta mehnat va g'amxo'rlik evaziga sotib olingan, muvaffaqiyatsizlikka uchragan taqdirda, qayg'u hech kim bilan taqqoslanmaydi” – deb bejiz aytmagan Demokrit.

Bu masala Suqrotga ham ko'tarilgan. Tarbiya qiyin masala, uning shart-sharoitlarini yaxshilash har bir insonning muqaddas burchlaridan biridir, chunki o'zi va qo'shnilarining tarbiyasidan boshqa muhim narsa yo'q – deydi Suqrot.

O'z-o'zini tarbiyalash borasida ham olimlar tomonidan ko'plab asosli fikrlar berilgan. Bilamizki inson o'zini tarbiyalay olmas ekan, tarbiyada boshqalarga ham ustozlik qila olmaydi. Bu masalada rus yozuvchisi B. Suxomlinskiy juda kerakli fikrlarni keltirgan. Jumladan, shaxsiy tarbiya - bu shunday doimiy axloqiy printsiplarni tarbiyalash, shu tufayli inson o'zi boshqalarga foydali ta'sir ko'rsatadigan manba bo'lib, o'zi tomonidan tarbiyalanadi va o'zini o'zi tarbiyalash jarayonida o'ziga xos axloqiy tamoyilni yanada tarbiyalaydi. O'z-o'zini tarbiyalash ta'limdagi yordamchi narsa emas, balki uning asosidir. O'zini tarbiyalamasa, hech kim insonni tarbiyalay olmaydi – degan qimmatli fikrlar Suxomlinskiyga tegishli. Har qanday ta'limning pirovard maqsadi - bu o'z-o'zini boshqarish orqali mustaqillikni tarbiyalashdir (A.Distevog). O'z-o'zini anglash, idrok etish va boshqarish ham inson tarbiyasini boyitadi va mustaqilligini tarbiyalar ekan.

Tarbiya borasida Benedikt Spinozaning aytgan so'zlariga to'xtalamiz.

Odamlar – deydi Spinoza, - tabiatan nafrat va hasadga moyil, ammo tarbiya odatda bu fazilatlarini kuchaytiradi. Ota-onalar uchun odatda bolalardagi fazilatni faqat ularning sharafi yoki hasadlari uchun hisoblangan choralar bilan qo'llab-quvvatlaydi. Spinozaning nafrat va hasad kabi insonga xos fazilatni tarbiya kuchaytiradi degan fikrida olam-olam ma'no yotadi. Faylasuf ushbu fikrida inson tarbiyalangani sari atrofni, olamni, borliqni, voqeysizlikni, odamlarni anglaydi va tushunadi. Bunday anglash insonga xos barcha fazilatlarini to'liq anglashni yuzaga keltiradi, natijada nafrat va hasaddan yanada nafratlanadi degan ma'no yotadi.

Tarbiya deganda ko'z oldimizga ota-ona keladi. Bola tarbiyasini buzuvchi ham tuzuvchi ham ota-ona hisoblanadi. Bir oilada tarbiyalangan 4 farzand 4 xil tarbiya olmaydi, lekin 4 xil bo'ladi. Bu individuallik. B.Belinskiy: ota-onalar individuallikni yo'q qiladi. Tarbiya bu buyuk narsa: u inson taqdirini hal qiladi – degan. Tarbiya ne'matlarning eng oliysi, lekin u birinchi sinfga kirgandagina, aks holda u hech narsaga yaramaydi – deydi R.Kipling o'z asarlarida. Kipling tarbiyaning asosi maktabgacha tarbiya yoshida ekanini ta'kidlagan. Erta davrlardan bolalar tarbiyasiga bo'ladigan e'tibor, keyingi hayotga qadam ekanini asoslashga harakat qilgan Kipling.

Tarbiya borasidagi fikrlar ichida Blez Paskal ilgari surgan g'oya diqqatga sazovordir. Uning fikricha “tarbiya ko'pincha niqoblanadi, xunuklikni yashirish uchun mos keladi, lekin u boshqa yuz bermaydi. Sekin-asta takomillashib borayotgan narsa, asta-sekin vayronagarchilikka moyil bo'lgani kabi, zaif bo'lgan narsa ham hech qachon kuchli bo'lmaydi”.

Anri de Sen-Simon - Tarbiya jamiyatdagi mavjud munosabatlarni saqlab qolish uchun zarur bo'lgan bilimlarni egallash sifatida qaralishi mumkin.

Djon Reskin - Axloqiy tarbiya zavq, umid, muhabbat qobiliyatlarini rivojlantirishga yordam berishdir.

Deni Didro - Afsuski, bolalar o'zlari yashaydigan jamiyat uchun tarbiyalanishi kerak.

Aleksandr Kruglov -Yaxshi tarbiya o'zboshimchalikni, yomon tarbiyani qo'l bilan olib tashlashni maqsad qiladi.

Aleksandr Kruglov -Yaxshi tarbiya o'zboshimchalikni, yomon tarbiyani qo'l bilan olib tashlashni maqsad qiladi.

V. Zubkov -Tarbiya - kelgusi foizlar bilan sarmoyalar, ularning daromadlari investitsiyalar miqdoriga bog'liq emas.

A. Dekursel - Ota-onalar - bu yog'ochni tekislashi mumkin bo'lgan qirg'ich, ammo qora archa yasay olmaydi.

Bolalarning murg'ak qalbiga hech bir narsa ibratdek kuchli ta'sir etmaydi va barcha ibratlar ichida ota-ona ibratidan kuchliroq va mustahkamroq o'rin oladigan ibrat yo'q (N.I.Novikov). Demak, xulosa qiladigan bo'lsak bola tarbiyasida ota-onalar ko'pgina jihatlariga e'tibor berishlari kerak ekan. Shunga asoslanib ota-onalar uchun quyidagi tavsiyalarni ishlab chiqdik:

Tarbiyada maqsadning aniqligi muhim o'rin tutadi. Maqsadimiz- barkamol avlodni tarbiyalash, uni Vatanga muhabbat, xalqning eng yaxshi urf-odatlarini va oilaviy an'analari ruhida, jamiyat uchun bilimdon va madaniyatli shaxs qilib tarbiyalashdir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Саидов И. Тарбия хақида. Тошкент-2017
2. Tursunova Ch. Bola tarbiyasi. Тошкент-2019
3. Кодирова М. Роль занятий в формировании и развитии способности размышления у детей. ISSN 2311-2158. The Way of Science. 2020. № 1 (71).
4. Qodirova M.Q. Bolalar idrokini rivojlantirishda mashg'ulotlarning o'rni. Bola va zamon. №3. 2019 yil, 61-bet.
5. Хамраева Н., Довурова Г. Семейные проблемы и их решение. ISSN 2311-2158. The Way of Science. 2020. № 1 (71).
6. Rasulova, D. (2020). Qizlarni sog'lom turmush tarzi asosida tarbiyalashning ahamiyati. Архив Научных Публикаций JSPI.
7. Каршибаева, Г. А., Расулов, Б. У., Расулова, Д. Р., Эшмуратов, О. Э. (2018). Психологическая диагностика личностных и эмоциональных аспектов суицидального поведения подростка//Образование и воспитание, (2), 72-73.
8. <https://citaty.su/aforizmy-i-citaty-o-vozpitanii>

UDC 37.03

SCHOOL READINESS IMPROVING THE ASSESSMENT OF GROUP CHILDREN'S READINESS FOR SCHOOL EDUCATION

G.U. Xolboyeva, teacher, Termez State University, Termez

M.B. Jumayeva, student, Termez State University, Termez

Annotatsiya. Ushbu maqolada maktabga tayyorlov guruh bolalarining maktab ta'limiga tayyorligini kompleks baxolash mexanizmlarini takomillashtirish masalasi ko'rib chiqilgan.

Kalit so'zlar: maktabgacha ta'lim, maktabga tayyorlov guruhi, ta'lim, baholash mexanizmi

Аннотация. В данной статье рассмотрен вопрос совершенствования механизмов комплексной оценки готовности детей подготовительной группы к школьному обучению.

Ключевые слова: дошкольное образование, подготовительная группа к школе, образование, механизм оценки

Abstract. This article discusses the issue of improving the preparedness group children's readiness for school education complex assessment mechanism.

Keywords: pre-school education, school preparation group, education, evaluation mechanism

Our analysis of work on this issue has revealed certain trends in the formation of interest in school among older preschoolers.

Preparing for school is an important step in the upbringing and education of a child in the family and preschool. Its content is determined by the requirements that the school puts forward to the child.

Thus, entering school and the initial stage of learning activate a change in the entire life and activities of the child. This stage is difficult for children who come to school at 6-7 years old. Studying at school requires the right amount of knowledge, the desire to learn, a positive view of learning, the ability to perform tasks. School can be called a start to a new sphere of life, the entry of a child into a world that is full of new knowledge, norms of behavior, responsibilities and various relationships with people of different ages and different characters. This contributes to the emergence of such an important task of teachers in preparatory groups as educating their students of a wild passion for future education at school. employees of preschool institutions make considerable efforts to form readiness for school at the end of preschool age. the result of these efforts is the desire to study at school. The relevance of the topic is due to the need to further improve the entire learning process. One of the commandments of humane pedagogy is to teach and educate the younger generation in accordance with the realities of life. Preparing children for school is a complex task that covers all aspects of a child's life.

Currently, there are many theories of domestic and foreign psychologists who study psychological readiness for school. But regardless of the difference in research approaches, it is believed that school education will be effective if the first-grader has the necessary qualities that are important for the initial phase of training, which are then developed and improved in the educational process. It is quite appropriate to say

that readiness for school life is based on a certain development base, without which it is impossible to successfully study at school. When preparing children for school, an important role is assigned to the psychologist. It has certain tasks:

- 1) determination of the level of readiness of children with the help of psychological diagnostics;
- 2) development of recommendations for parents and teachers to increase the level of readiness of children;
- 3) carrying out corrective and formative work with children who have difficulties in preparing for training;
- 4) organization of counseling for parents and teachers on the process of individual preparation for school.

Now there are a large number of diagnostic methods that help to reveal the level of readiness for school. Consequently, the psychological preparation of preschool children for regular education is at the most important place in the work of psychologists and teachers. The main goal of the educational process in preschool institutions should be indicators of such readiness.

The pedagogical process of preparing preschool children for school is peculiar in the organization of children's activities aimed at developing their qualities that are necessary for a successful education at school. This is reflected in the complexity of the methods of carrying out activities and its process, in the assimilation of new forms of cooperation, the development of motivation for socially useful activities, and much more. In preparatory groups, there is a special pedagogical process, which is characterized by an increase in requirements for the behavior and activities of preschool children, which takes into account their emerging opportunities and future responsibilities. The main place in importance is occupied by the requirements of children's organization, independence and efficiency of activities such as games, training, and work.

The system of educational process in senior groups is characterized by a more distinct business rhythm, which is close to the school. In children, the time allotted for performing certain routine processes is reduced, and the requirements for the speed of activity are increased. Over time, the form of communication between the teacher and students is changing and is approaching the form of communication between the teacher and students. In the preparatory group, the number of classes increases, which expands the horizons of preschoolers about all possible areas of reality and creating the right worldview. The main goal in the preparatory group is to combine and systematize knowledge. Children should be able to generalize and distinguish between objects and phenomena of the surrounding world, this is a significant feature of readiness for learning.

Preparing children for school means educating them in a positive attitude to educational and social activities, helping them understand the need for learning, encouraging the desire to become a schoolboy, fostering respect for the teaching profession, and developing the need for books. To a greater extent, the success of preparing children for school is determined by how the teacher takes into account the peculiarities of preschool children's activities and uses the game for this. When increasing attention to the educational process in the preparatory group, sometimes the significance of the story-role-playing game is belittled, although it hides considerable educational potentials in preparing for school.

Almost all preschool children associate the school with the fulfillment of the established requirements for behavior and tasks, and the source of these requirements is the teacher. If you watch children playing the role of a teacher, you can find out their attitude to this profession. Usually, children think that the teacher has high requirements, compare it with the teachers and parents. Children should be told that every person had a teacher who taught them to read and write, that the first teacher is always remembered and loved.

Specific ways of the educational process, systematization of children's ideas about school and the development of their creativity, the means they use to create a game image. children still have a bad idea of the differences between a student and a kindergarten pupil. The teacher conducts excursions to the library, meetings with writers, which is also an incentive to organize games, where children's ideas about the book are fixed. Usually one of the favorite games is getting a game in the library. First, they select books, make tickets, and then arrange stands. Children always want to do everything like in a real library. The teacher should advise the students about the library's decor and design, without disturbing the business environment created by the children.

Assessment of work affects preschoolers more than instructive conversations. Children's need for a book, a thirst to find answers to emerging questions in it, and a careful attitude to books from the period of senior preschool age help the teacher to interest the child in reading, develop the desire to learn to read as quickly as possible, and form an interest in acquiring new knowledge.

REFERENCES:

1. Bodalev A. A. Personality and communication, Moscow: international pedagogical Academy, 1995, 328 p.
2. Qodirova F. R., Toshpo'latova Sh.Q., Qayumova N. M., A'zamova M. N. Maktabgacha pedagogika. –T.: "Tafakkur", 2019. –B. 107.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ
МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ
АХБОРОТНОМАСИ**

**№1 (70)
2021 й., январь**

Ўзбекча матн муҳаррири:
Русча матн муҳаррири:
Инглизча матн муҳаррири:
Мусахҳих:
Техник муҳаррир:

Рўзметов Дилшод
Ҳасанов Шодлик
Мадаминов Руслан, Ламерс Жон
Ўрозбоев Абдулла
Шомуродов Журъат

“Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси” Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги
Хоразм вилоят бошқармасида рўйхатдан ўтган. Гувоҳнома № 13-023

Теришга берилди: 11.01.2021
Босишга рухсат этилди: 15.01.2021.
Қоғоз бичими: 60x84 1/8. Адади 70.
Ҳажми 20 б.т. Буюртма: № 1-Т

Хоразм Маъмун академияси ноширлик бўлими
220900, Хива, Марказ-1
Тел/факс: (0 362) 226-20-28
E-mail: mamun-axborotnoma@academy.uz
xma_axborotnomasi@mail.ru



(+998) 97-458-28-18